



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА БОШҚАРУВИ
АКАДЕМИЯСИ



Hanns
Seidel
Stiftung



Сиёсатнинг янги трендлари

*Халқаро илмий-амалий конференция
материаллари тўплами*



Yangi sahifa

2026

УДК 320:351(575.1)

<https://zenodo.org/records/19212919>

Сиёсатнинг янги трендлари (II-қисм). Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: «Yangi sahifa», 2026. – 392 б.

Масъул муҳаррир: И. Исламов – тарих фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати: М. Қирғизбоев – сиёсий фанлар доктори, профессор

А.Э. Юлдашев – тарих фанлари доктори, профессор

Б.М. Ялгашев – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

У.Ш. Йўлбарсхўжаев – сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ушбу илмий тўпланда давлат сиёсати ва бошқарувини модернизация қилиш, айниқса рақамли трансформация шароитида давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга бағишланган илмий мақолалар жамланган. Тўпланда рақамли сиёсат, электрон ҳукумат, сунъий интеллект ва замонавий бошқарув усуллари, шунингдек, давлат хизматида кадрлар сиёсати ва раҳбар кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлар ва рақамли коммуникацияларнинг сиёсий жараёнларга таъсири, киберхавфсизлик, ахборот хавфсизлиги каби йўналишлар ёритилган.

Конференция материаллари сиёсатшунослар, давлат бошқаруви ва ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар, мустақил изланувчилар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар тўғрилиги учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар. Ушбу тўпланда келтирилган фикрлар, қарашлар ва хулосалар муаллифларга тегишли бўлиб, Hanns Seidel Stiftung жамғармаси ва бошқа ташилотлар қарашлари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

© Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2026.

© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, 2026.

© Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, 2026.

© Ханнс Зайдель жамғармаси, 2026.

Ўзбекистонда сиёсий фанларни
ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшган
УСТОЗлар ва **ОЛИМ**ларимизнинг
ёрқин хотирасига бағишланади

Биринчи бўлим

**РАҚАМЛИ СИЁСАТНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА КОНЦЕПТУАЛ
АСОСЛАРИ**

Бунёд ЯЛГАШЕВ, ф.ф.б. ф.д. (PhD)
**(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)**

**РАҚАМЛИ СИЁСАТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ:
МУАММО ВА ЁНДАШУВЛАР**

XXI асрда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши сиёсий жараёнлар табиатига тубдан таъсир кўрсатмоқда. Давлат бошқаруви, сиёсий иштирок, жамоатчилик назорати, сайловлар, ахборот сиёсати ва хавфсизлик масалалари тобора рақамли муҳитга кўчмоқда. Бу жараён сиёсатшунослиқда «рақамли сиёсат» тушунчасининг шаклланишига олиб келди. Рақамли сиёсат анъанавий сиёсий институтлар ва рақамли технологиялар ўртасидаги ўзаро таъсирни ифодаладиган янги назарий ва амалий йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

Рақамли технологиялар демократик иштирокни кенгайтириш имконияти билан бир қаторда, назорат, манипуляция ва авторитар тенденцияларни ҳам кучайтириши мумкин. Шу боис, рақамли сиёсатни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг асосий ёндашувлари ва муаммоларини очиб бериш замонавий сиёсий фан олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва айниқса сиёсий ҳаётнинг рақамлаштирилиши замонавий дунёда рақамли технологияларнинг тобора ортиб бораётган роли тенденциясига жавобан сиёсатни рақамлаштириш каби жараённинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатди. Бу ерда «сиёсатни рақамлаштириш» ва «рақамлаштириш сиёсати» тушунчаларини дарҳол фарқлаш керак.

Сиёсатни рақамлаштириш (*рақамли сиёсат*) одатда рақамли технологияларнинг сиёсий жараёнга кириб келиши, сиёсий иштирокчилар, сиёсий партиялар, сиёсий институтлар, уларнинг фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилиши сифатида тушунилади.

Рақамлаштириш сиёсати эса, миллий даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган муайян ҳаракатларни ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, давлат сиёсати давлат бошқарувини оптималлаштириш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган¹.

¹ Коньков А.Е. Цифровизация политики vs политика цифровизации // Вестник Санкт-Петербургского университета. Политология. Международные отношения, 2020. Т. 13, № 1. – С. 49.

Ушбу соҳа кўплаб мамлакатларда миллий ривожланиш учун устувор йўналиш сифатида танланган. Рақамлаштириш сиёсати нафақат рақамли технологияларни интеграциялашни, балки рақамли иқтисодиёт, фан ва интеллектуал мулк институтини ривожлантиришни, шу жумладан тегишли ҳуқуқий асос яратишни ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, сиёсатни рақамлаштириш ва рақамли сиёсат икки хил тушунчадир, аммо шу билан бирга улар нафақат сиёсий жараёнларни такомиллаштириш, балки иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳамда жамият ҳаёт сифатини яхшилаш учун рақамли технологиялардан фойдаланишга қаратилган. Мазкур мақолада эса, асосий ракурс рақамли сиёсатга қаратилади.

Шундан келиб чиқиб, **рақамли сиёсат** – бу иқтисодиёт, жамият ва давлат бошқарувини ўзгартириш учун рақамли технологиялар ва маълумотларни тартибга солиш, ривожлантириш, улардан фойдаланишга қаратилган ҳукумат стратегиялари, қоидалари ҳамда чоралари тўплами ҳисобланади. Бу киберхавфсизлик, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли инфратузилмани ривожлантириш ва давлат хизматларини рақамлаштириш масалаларини ўз ичига олади.

Айтиш жоизки, рақамли сиёсат тушунчасини талқин қилиш бутун дунё олимлари орасида турлича ҳисобланиб, қуйидаги илмий ёндашувлар орқали илгари суриб келинади:

Институционал ёндашув. Бу ёндашувга кўра, рақамли сиёсат – бу давлат институтлари фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш ва улар орқали сиёсий қарор қабул қилиш, бошқарув ҳамда хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш жараёнидир. Ушбу ёндашувда электрон ҳукумат, рақамли парламент, онлайн сайловлар ва давлат хизматларини рақамлаштириш асосий элементлар сифатида қаралади. Мазкур ёндашув рақамли сиёсатни самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш воситаси сифатида баҳолайди.

Бу ёндашувга аниқ мисол сифатида электрон ҳукумат моделини келтириш мумкин. Электрон ҳукумат, биринчи навбатда, идоралараро электрон ҳамкорлик тизими бўлиб, унинг мақсади фуқаролар ва давлат идоралари ўртасидаги ўзаро таъсирни соддалаштириш ва самаралироқ қилади. Иккинчидан, давлат бошқарувининг анъанавий шакллари ва механизмларини ўзгартиради ва уларнинг фуқаролар учун шаффофлигини оширади. Бироқ рақамли сиёсатга институционал ёндашув рақамли технологияларнинг сиёсий ҳокимият табиатига таъсирини чуқур очиб бермаслиги билан чекланган.

Коммуникатив (public sphere) ёндашув. Мазкур ёндашув рақамли сиёсатни сиёсий мулоқотнинг янги шакли сифатида талқин қилади. Бу ерда Интернет, ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни қайта шакллантирадиган асосий майдон ҳисобланади.

Мазкур ёндашувга кўра, рақамли сиёсат жамоат фикрининг шаклланиши, сиёсий мобилизация, онлайн фаоллик ва рақамли иштирок

орқали намоён бўлади¹. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, рақамли муҳит ҳамма учун тенг имконият яратмайди. Масалан, алгоритмлар, платформалар сиёсати ва ахборот манипуляцияси рақамли сиёсатнинг демократик салоҳиятини чеклаши мумкин.

Тармоқ жамият ёндашуви. Бу ёндашув замонавий рақамли сиёсатни тушуниришда энг таъсирли ва кенг қўлланилаётган назарий моделлардан бири ҳисобланади. Ушбу ёндашув Manuel Castells томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, рақамли технологиялар таъсирида жамият, ҳокимият ва сиёсий муносабатларнинг тузилиши тубдан ўзгараётганини асослаб беради.

Castellsнинг фикрига кўра, индустриал жамият учун хос бўлган вертикал, иерархик бошқарув тизимлари рақамли даврда ўз аҳамиятини йўқота бошламоқда. Уларнинг ўрнини горизонтал, тармоқли ва динамик коммуникация тизимлари эгалламоқда². Шу маънода, рақамли сиёсат эндиликда фақат давлат институтлари орқали амалга ошириладиган жараён эмас, балки турли акторлар ўртасида тармоқлар орқали кечадиган мураккаб сиёсий ўзаро таъсир шакли сифатида намоён бўлади.

Бу ёндашув рақамли сиёсатда давлат ролини инкор этмайди, аммо уни ягона марказий актор сифатида эмас, балки бошқа субъектлар билан бир қаторда ҳаракат қилувчи иштирокчи сифатида кўради. Фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий ҳаракатлар, рақамли фаоллар, блогерлар, медиа платформалар ва ҳатто алгоритмлар сиёсий жараённинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Натижада сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни ҳам кўп акторли, тарқоқ ва норасмий шакл касб этади.

Мазкур ёндашувнинг муҳим жиҳати шундаки, у рақамли сиёсатни статик ҳолат эмас, доимий ҳаракатдаги жараён сифатида кўради. Тармоқлар ўзгарган сари ҳокимият конфигурацияси ҳам ўзгаради. Шу боис рақамли сиёсатни тушуниш учун доимий равишда коммуникация каналлари, ахборот оқимлари ва тармоқ структураларини таҳлил қилиш зарур бўлади.

Танқидий (ҳокимият ва назорат) ёндашув. Танқидий ёндашув рақамли сиёсатни назорат, кузатув ва ҳокимиятни кучайтириш воситаси сифатида баҳолайди. Бу нуқтаи назар M.Foucaultнинг ҳокимият ва назорат ҳақидаги ғоялари билан боғлиқ.

Унинг назариясига кўра, ҳокимият фақат давлат институтлари ёки зўравонлик орқали амалга ошмайди, балки кундалик ҳаёт амалиётлари, билим, ишлаб чиқариш ва назорат механизмлари орқали инсон онгига сингиб боради. Рақамли сиёсат ана шу «интизомий ҳокимият»нинг замонавий шакли сифатида намоён бўлади. Агар индустриал жамиятда назорат асосан жисмоний макон (*қамоқхона, мактаб, завод*) орқали амалга оширилган бўлса, рақамли жамиятда у ахборот макони ва рақамли излар орқали амалга оширилади.

¹ Dahlgren P. The Internet, Public Spheres, and Political Communication: Dispersion and Deliberation. Political Communication, 22(2), 2006. – P. 147-162.

² Кастельс М. Власть коммуникации: учеб. пособие / Пер. с англ. Н.М. Тылевич; под науч. ред. А.И. Черных; ГУ «Высшая школа экономики». – М.: Изд. дом ВШЭ, 2016. – С. 250.

Танқидий ёндашув нуқтаи назаридан рақамли технологиялар орқали йиғилаётган катта маълумотлар (*big data*) сиёсий ҳокимиятнинг янги ресурсига айланмоқда. Фуқароларнинг Интернетдаги фаоллиги, ижтимоий тармоқлардаги хатти-ҳаракати, харид одатлари, геолокацияси ва ҳатто эмоциялари таҳлил қилиниб, сиёсий қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этилмоқда. Бу ҳолат рақамли сиёсатни «маълумотга асосланган бошқарув» (*data-driven governance*) шаклига олиб чиқади. Бироқ танқидий ёндашув бу жараёни самарадорлик эмас, балки шаффофликнинг йўқолиши ва ҳисобдорликнинг заифлашуви нуқтаи назаридан баҳолайди.

Умуман олганда, танқидий (ҳокимият ва назорат) ёндашув рақамли сиёсатни эркинлик ва назорат ўртасидаги мураккаб мувозанат сифатида талқин қилади. У рақамли сиёсатни фақат инновацион бошқарув шаклида эмас, балки ҳокимиятнинг янги, кўпинча яширин механизмларини очиб берадиган назарий рамка сифатида аҳамиятлидир. Айти ёндашув рақамли сиёсатни баҳолашда ижтимоий адолат, ҳуқуқий кафолатлар ва маданий хавфсизлик мезонларини илгари суриши билан алоҳида илмий қимматга эга. Бу ёндашув рақамли сиёсатни «рақамли авторитаризм», «алгоритмик назорат» хавфлари билан боғлаб таҳлил қилади.

Демократик иштирок ва рақамли фаоллик ёндашуви. Бу ёндашув рақамли сиёсатни сиёсий иштирокнинг кенгайиши сифатида талқин қилади. Ушбу ёндашувга кўра, Интернет, ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар фуқароларга анъанавий институционал каналлардан ташқари равишда сиёсий фикр билдириш, ташаббус кўрсатиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини беради. Онлайн петициялар, электрон мурожаатлар, рақамли жамоатчилик муҳокамалари, краудсорсинг ва рақамли фаоллик шакллари сиёсий иштирокнинг янги, қуйи даражадан бошланувчи (*bottom-up*) моделини шакллантиради, деб ҳисобланади.

«Bottom-up» модели – фуқароларнинг ташаббуси, жамоатчилик иштироки ва ижтимоий ҳаракатлар орқали сиёсий кун тартиби шаклланадиган ва қарор қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсатиладиган бошқарув ва сиёсий иштирок модели ҳисобланади.

Top-down (юқоридан-пастга) модели	Bottom-up (пастдан-юқорига) модели
Давлат қарор чиқаради	Фуқаролар ташаббус кўрсатади
Сиёсат тайёр ҳолда тақдим этилади	Сиёсат жамоатчилик билан бирга шаклланади
Ижрога урғу берилади	Муҳокама ва иштирок устувор

Мазкур ёндашув C.Shirkyнинг рақамли технологиялар фуқароларнинг ўз-ўзини уюштириш ва коллектив ҳаракатини осонлаштиради, деган ғоялари билан узвий боғлиқ¹. Шунингдек, W. Lance Bennett ва A.Segerberg рақамли

¹ Shirky C. Here Comes Everybody: The Power of Organizing Without Organizations. – New York: Penguin Press, 2008. – P. 78.

фаолликни анъанавий ташкилотларга боғлиқ бўлмаган, тармоқли ва индивидуаллашган иштирок шакли сифатида тавсифлайдилар. Уларнинг фикрича, рақамли муҳит фуқароларга шахсий позицияни сиёсий ҳаракат билан уйғунлаштириш имконини беради¹.

Онлайн петициялар, электрон мурожаатлар, рақамли жамоатчилик муҳокамалари ва краудсорсинг платформалари фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги ролини оширади, деб ҳисобланади. Бироқ тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамли иштирок ҳар доим ҳам реал сиёсий таъсирга айланавермайди. «Онлайн фаоллик» билан «сиёсий қарор қабул қилиш» ўртасида узилиш сақланиб қолиши мумкин.

Маданий-ахборот ёндашув. Маданий-ахборот ёндашув рақамли сиёсатни фақат технологиялар ёки бошқарув воситалари мажмуаси сифатида эмас, балки маданий маънолар, рамзлар ва сиёсий нарративлар учун доимий рақобат кечадиган макон сифатида талқин қилади. Ушбу ёндашувга кўра, рақамли муҳитда сиёсат қарор қабул қилиш жараёнларигина эмас, балки қадриятлар, дунёқарашлар ва миллий ўзлик ҳақидаги тасаввурлар шаклландиган маънавий-ахборот майдон ҳам ҳисобланади.

Мазкур ёндашувнинг марказий ғояси шундан иборатки, рақамли сиёсатда ҳокимият кўпинча зўравонлик ёки маъмурий ресурслар орқали эмас, балки маънони ким белгилаши, қайси нарратив устувор бўлиши ва қайси рамзлар жамоат онгида «меъёр» сифатида қабул қилиниши орқали амалга ошади. Шу маънода рақамли контент, оммавий медиа, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллект воситалари сиёсий таъсирнинг асосий каналларига айланади.

Ушбу ёндашув назарий жиҳатдан M.Castellsнинг «Коммуникация ҳокимияти» концепцияси, A.Appaduraiнинг маданий оқимлар ҳақидаги ғоялари² ҳамда N.Couldryнинг медиа ва рамзий ҳокимият ҳақидаги ишларига таянади³.

Мазкур маданий-ахборот ёндашув рақамли сиёсатни маданий маънолар, ахборот оқимлари ва идентификация учун стратегик рақобат майдони сифатида очиб беради. У рақамли сиёсатни ахборот хавфсизлиги, маданий хавфсизлик ва миллий идентификация билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш имконини беради. Айни ёндашув рақамли даврда давлат сиёсати самарадорлиги нафақат институционал қарорларга, балки миллий маданий нарративларни рақамли маконда шакллантириш ва ҳимоя қилиш қобилятига ҳам боғлиқ эканини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Маълумки, рақамли сиёсат юқорида таҳлил қилинган самарадорликлар билан бир қаторда тизимли муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Улар

¹ Bennett W. L., Segerberg A. The Logic of Connective Action: Digital Media and the Personalization of Contentious Politics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2013. – P. 240.

² Appadurai A. Modernity at Large: Cultural Dimensions of Globalization. – Minneapolis: University of Minnesota Press, 1996.

³ Couldry N. The Place of Media Power: Pilgrims and Witnesses of the Media Age. – London: Routledge, 2000. – 256 p.

орасида рақамли нотенглик, рақамли авторитаризм ва алгоритмик назорат энг долзарб ҳисобланади.

Рақамли нотенглик (*коммуникатив ёндашувга қаранг*) рақамли технологияларга кириш имкониятидаги фарқлар билан боғлиқ муаммодир. Интернетга уланиш, рақамли саводхонлик ва технологиялардан фойдаланиш даражаси ижтимоий гуруҳлар ўртасида кескин фарқ қилади. Бу ҳолат сиёсий иштирокда ҳам тенгсизликни келтириб чиқаради. Рақамли сиёсат назарий жиҳатдан иштирокни кенгайтириши мумкин бўлса-да, амалда рақамли ресурсларга эга бўлган гуруҳлар устунликка эга бўлади.

Рақамли авторитаризм (*танқидий ёндашувга қаранг*) рақамли технологиялардан сиёсий назоратни кучайтириш мақсадида фойдаланишни англатади. Айрим давлатлар Интернетни цензура қилиш, ижтимоий тармоқларни мониторинг қилиш ва фуқароларнинг рақамли изларини кузатиш орқали ҳокимиятни мустаҳкамламоқда. Бу жараён демократия тамойилларига жиддий хавф солади ва рақамли сиёсатнинг салбий салоҳиятини намоён этади.

Алгоритмик назорат рақамли сиёсатнинг энг янги ва мураккаб муаммоларидан биридир. Сунъий интеллект ва алгоритмлар сиёсий ахборотни саралаш, реклама тақсимлаш ва ҳатто қарор қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсатмоқда. Кастеллс таъкидлаганидек, ахборот оқимларини ким назорат қилса, ҳокимият ҳам шунинг қўлида бўлади. Алгоритмлар орқали амалга ошириладиган назорат инсон ҳуқуқлари, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва адолат принципларига жиддий таҳдид солади.

Ушбу муаммолар рақамли сиёсатни фақат техник ёки институционал масала сифатида эмас, балки чуқур ижтимоий ва ахлоқий муаммо сифатида кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли сиёсат замонавий сиёсий тизимларнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Юқоридаги илмий ёндашувлар рақамли сиёсатни тушуниш учун муҳим назарий асос яратади. Бу ёндашувлар рақамли сиёсатнинг бир вақтнинг ўзида демократик имкониятлар ва авторитар хавфлар манбаи эканини кўрсатади.

Рақамли нотенглик, рақамли авторитаризм ва алгоритмик назорат каби муаммолар рақамли сиёсатни тартибга солиш, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Шу маънода, рақамли сиёсатнинг келажаги унинг қандай институционал ва норматив асосларда ривожланишига боғлиқдир.

СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ РАҚАМЛАШУВИ

Бугунги кунда жамиятнинг ривожланиши ва соҳалараро муносабатга киришида рақамлашув муҳим ўринни эгалламоқда. Замонавий шахс образи, унинг фаолият юритиши, ижтимоийлашуви ҳамда ўз-ўзини англаб етиши кўп жиҳатдан рақамли технологияларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бу жараённинг якуни қандай бўлиши ёки келгусида қай даражада янада тараққий этишини олдиндан айтиш қийин бўлса-да, XXI аср – технология асри сифатида барча соҳалар ривожининг драйверига айланиб улгурди.

Массачусетс технология институти (АҚШ) тадқиқотчиси Николас Негропонт 1995 йилда биринчи бўлиб рақамлашиш терминини қўллади ва фойдаланувга олиб кирди («Being Digital» асари). Н.Негропонт ўз китобида атомлар ҳамда битларнинг (кичик бирликлар) моддий ва рақамли дунёнинг бир қисми эканлиги, атомлардан ташкил топган ҳар қандай объект эртамикчи битлардан ҳам ташкил топиши муқаррар эканлигини таъкидлайди¹.

2025 йилда дунё аҳолисининг 6 млрд. қисми (73-75 фоиз, 2024 йилда 5,8 млрд.) Интернетдан кенг фойдаланмоқда (2,2 млрд. глобал тармоққа уланиш имконига эга эмас). Бу кўрсаткич Ўзбекистон аҳолиси орасида 90 фоизни (33,1 млн. аҳоли) ташкил қилиб, давлат ташкилотлари ва аҳолининг Интернет қамрови 89-84,2 фоиз атрофида баҳоланади. Демак, дунё бўйлаб Интернет кенг тарқалиши фонида рақамлашув жараёни ижтимоий, иқтисодий, тиббий, бизнес, аҳолига хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларга кенг қўламда кириб боришга улгурди ҳамда бугунги ҳаётни технологик мегатрендларсиз тасаввур қилиш имконсиз воқеликка айланди.

Ҳозирги кунда рақамлашувни фақатгина фуқароларга хизмат кўрсатиш инструменти сифатида эътироф этиш тўхтатилди ва у сиёсий бошқарув ҳамда жараёнларга кенг қўламда трансформация қилинди.

Сиёсий муносабатларнинг рақамлашуви – бу мамлакатнинг сиёсий соҳасига рақамли технологияларнинг кириб келиши, бошқарув механизмларини ўзгартириши (*электрон ҳукумат*), сиёсий коммуникация (*рақамли дипломатия, ижтимоий тармоқларда тарғибот олиб бориш ва б.*) ва фуқароларнинг сиёсий жараёнларда рақамли иштирок этишларини (*сайловларда онлайн овоз бериш, петиция ва б.*) ўзида акс эттиради.

Шунингдек, бу сиёсий жараёнлар, коммуникациялар ва фуқаролар билан алоқаларни технологиялар, Интернет, мобил иловалар орқали амалга ошириш, маълумотларни рақамли форматда қайта ишлаш, янги сиёсий хизматларни яратиш ҳамда сиёсий қарорларни қабул қилишда рақамли маълумотлардан фойдаланиш демакдир. Бу жараён сиёсий ҳукумат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳамда анъанавий сиёсий институтлар

¹ Коньков А.Е. Цифровизация политики vs политика цифровизации, МГУ им. М.В.Ломоносова, 2020. – С. 47-48.

фаолиятида ўзгаришларни юзага келтиради, яъни, сиёсий жараёнларнинг рақамлашуви:

Электрон ҳукумат (e-government) – рақамли платформалар ёрдамида давлат бошқарувини яхшилаш, самарадорлик ва шаффофликни ошириш, хизматларни онлайн тақдим қилиш (давлат хизматлари агентлиги, электрон порталлар, аризалар, масофавий хизматлар);

Рақамли демократия – оммавий сиёсат учун тармоқлардан фойдаланиш, электрон петициялар, онлайн муҳокамалар, электрон овоз бериш ва фуқароларнинг бошқа сиёсий жараёнларда иштирок этишлари учун рақамли платформалар яратиш;

Рақамли дипломатия (e-diplomacy) – ташқи сиёсий вазифаларни бажариш, бошқа мамлакатлар билан коммуникация олиб бориш, халқаро майдондаги имижни яхшилашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда фойдаланиш;

Сиёсий коммуникация – ҳукумат томонидан сиёсий имижни мустаҳкамлаш, тарғибот тадбирларини олиб бориш ва электорат билан алоқа боғлашда ижтимоий тармоқлар ҳамда мессенжерлардан фойдаланиш;

Институтларнинг трансформациялашуви – сиёсий жараёнларнинг рақамлашувида анъанавий бошқарув институтлари ҳамда рақамли дунёга мослашиш жараёнини бошдан кечириб, фаолият юритиш ва аҳоли билан алоқа боғлашда ноу-хау технологиялардан фойдаланиш;

Рақамли сиёсат (Digital Politics) – сиёсий кампаниялар, тарғиботлар, сайловлар рақамли платформалар орқали ўтказилади (ижтимоий тармоқлар, WEB-сайтлар);

Рақамли фуқаролик (Digital Citizenship) – фуқароларнинг сиёсий жараёнларда рақамли воситалар орқали иштирок этишлари (петициялар, онлайн муҳокамалар);

Маълумотлар ва таҳлил (Big Data and Analytics) – сайловчиларнинг кайфиятини ўрганиш, сиёсий қарорларни қабул қилиш учун катта ҳажмдаги маълумотлардан фойдаланиш;

Рақамли суверенитет – мамлакатнинг мустақил ахборот сиёсатини юритиши, кибер маконда юзага келадиган ташқи таҳдидлардан ҳимояланиши;

Электрон овоз бериш – сайлов жараёнини автоматлаштириш ва сайловчиларга қулайлик яратиш, сайловлар натижаларини сохталаштириш таҳдидини олдини олиш, сайловчилар шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш каби тенденцияларни ўзида акс эттиради.

Умумий қилиб айтганда, сиёсат катта маълумотлар базаси (Big Data) ва сунъий интеллект маконига кўчиб ўтиши рақамлашувга сабаб бўлиб, бу жараён давлат қарорларини қабул қилиш ҳамда сиёсий элита ва жамият ўртасидаги коммуникация воситасига айланади¹.

Хусусан, рақамли платформалар ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги масофани кескин қисқартириш, қайта алоқа боғлаш, лидерларнинг

¹ Потанина О.В. Цифровая трансформация политических отношений на Дальнем Востоке, 2021. – С. 39-40.

легитимлиги ҳамда рақамли демократияни амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Бунга:

- турли ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан аҳоли орасида қисқа вақт ичида сўровномалар ўтказиш;
- лидерларнинг сифатларини фақатгина сайловлар ўтказиш орқали аниқлаш эмас, балки рақамли оламда ижтимоий сўровномалар ўтказиш орқали сиёсий рейтингларни юритиш;
- бюджетни тақсимлаш ва сайловларга ажратилган маблағларнинг сарфланишини рақамли назорат қилиш, коррупцион ҳолатларни олдини олиш билан бирга, аҳолининг ҳукуматга бўлган ишончини мустаҳкамлаш каби омилларни мисол қилиб айтиш мумкин.

Шунингдек, давлат бошқаруви ва сиёсатда рақамлашиш ривожланиб, ҳукумат томонидан амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислохотларга нисбатан аҳоли орасида норозилик кайфияти мавжудлигини ўрганиш, истиқболни нейротармоқ ёрдамида прогнозлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Умуман олиб айтганда, Интернет фойдаланувчилари сонининг ортиб бориши, тармоқларда сиёсий характердаги мавзуларда муҳокамалар олиб борилиши (*блоглар, изоҳлар, мем, хештег ва б.*) сиёсатчилар бошқарувни рақамлаштириш, фуқаролар билан тезкор ва самарали алоқа каналларини йўлга қўйиш, маълумотларни ўз вақтида фойдаланувчиларга етказиш ҳамда дезинформацияни олдини олиш, шунингдек, ишончли давлат хизматларини кўрсатиш зарурати юзага келиши фонида сиёсий бошқарувни рақамлаштиришга эътибор қаратишмоқда.

Сиёсий муносабатларнинг рақамлашуви ва технологик жиҳатдан юксалиш эмас, балки янги сиёсий воқелиқдир. Ушбу жараёнда рақамли бошқарув ва фуқароларнинг рақамли технологиялардан фойдаланишларини самарали назорат қила олган ҳамда мувозанат сақлай олган ҳукуматларгина ғолиб чиқишлари мумкин.

Сиёсий муносабатларнинг рақамлашуви сиёсий жараёнларда очиқлик, қулайлик, фуқаролар иштирокини ошириш, давлат бошқарувида самарадорликни яратиш билан бирга, қуйидаги хавф-хатарларни ҳам юзага келтириши мумкин:

- рақамли бўлиниш (*барчанинг рақамли технологияларга кириш имкониятининг тенг эмаслиги*), кибер таҳдидлар ва фейк маълумотларнинг тарқалиши;
- сиёсий партиялар фаолиятида инқироз кузатилиб, улар ўз ўринларини рақамли ҳаракатлар ёки уюшмаларга бўшатиб беришлари мумкин;
- фуқаролар шахсий маълумотларига эғалик қилишда давлат ва глобал технологик марказлар (*Google, Meta ва б.*) ўртасида конфликтлар юзага келишини айтиш мумкин.

**Жахонгир ЗУФАРОВ, магистрант
(Ташкентский государственный
экономический университет)**

О ЦИФРОВОЙ ДЕМОКРАТИИ: ПОНЯТИЕ И ПРИМЕНЕНИЕ

Демократия является основой гражданского общества. Гражданское общество не может существовать без правовой возможности граждан свободно выражать свое мнение. В противном случае граждане не смогут действительно участвовать в управлении государством.

Внедрение демократии в Узбекистане – это долгий и сложный процесс, который требует определенного времени. В каждой эпохе были определенные черты и направления развития, которые проложили путь к созданию современной демократии. Такие примеры включают народные курултай, реформы Амира Темура и социальные и политические преобразования периода независимости.

Стоит отметить, что почти у каждого человека появились электронные устройства, которые облегчают социально-правовую коммуникацию в современном обществе, которое живет в веке информационных технологий.

В современном обществе информация является жизненно важным ресурсом, без которого члены общества не могут существовать. За последние десятилетия число ее носителей увеличилось. Вся общественная сфера, в том числе и правоохранительная, отражает эту тенденцию.

Интернет, который по праву считается одним из крупнейших носителей информации, быстро занимает всё большую часть нашей повседневной жизни. Прежде всего, большинство людей не понимали технологию, но сейчас они активно используются для удовлетворения различных потребностей. Цифровая трансформация захватила все сферы общественной жизни, особенно заметно это было во время пандемии 2020 года.

Принимая во внимание эту информацию и опыт предыдущих лет, правительство уделяет большое внимание развитию цифровой или электронной демократии, что означает, что граждане могут участвовать в управлении делами государства с помощью электронного информационного пространства. Электронная демократия может быть классифицирована по следующим видам взаимодействия между государством и гражданами: одностороннее предоставление государством информации для обеспечения открытости информации; двусторонние отношения между гражданами и государством, в которых граждане могут обсуждать и консультироваться о политических вопросах; и отношения партнерства, в которых граждане могут активно выражать свои мнения по политическим вопросам.

В Республике Узбекистан пока нет единого определения «цифровой демократии». Статья 1 Конституции Республики Узбекистан определяет

Узбекистан как суверенную, демократическую, правовую, социальную и светскую державу¹. Обеспечение участия граждан в управлении государственными делами является основным принципом в теории государства и права, где демократия понимается как способ организации политической власти.

Д.Руссо, профессор юридического факультета Университета Сорбонны, утверждает, что *«демократия – это не арифметическая сумма голосов, а граждане не являются случайными фигурантами, периодически появляющимися в политической жизни»*. *«Демократия – это постоянно меняющийся опыт граждан, которые творят свою жизнь»*².

Цифровая демократия (digital democracy) или электронная демократия – это особые формы цифрового государства, которые отличаются от традиционной демократии и позволяют гражданам участвовать в общественно-политической жизни общества. В юридической литературе термин «кибердемократия» иногда используется в качестве синонима.

Информационно-коммуникационные технологии (ИКТ) связаны с ростом цифровой демократии. Однако цифровая демократия не может быть противопоставлена традиционной демократии, поскольку их целью является непосредственное осуществление народом суверенной власти³.

Цифровая демократия означает совокупность современных политико-административных практик и технологических решений, направленных на то, чтобы граждане использовали цифровые инструменты для участия в процессах государственного управления. Цифровая демократия определяется в научной литературе как система институтов и механизмов, которые обеспечивают гражданам доступ к государственным услугам, открытую информацию, вовлечение общества в процесс принятия решений и повышение прозрачности и подотчетности власти.

Цифровая демократия включает в себя следующие основные элементы:

- цифровой доступ к государственным услугам и информации, который гарантирует, что все люди получают те же услуги независимо от того, где они живут;
- онлайн-участие в обсуждениях и принятии решений, которое позволяет людям влиять на содержание государственных политик посредством электронных дискуссионных площадок и консультаций;
- повышение прозрачности деятельности государственных органов⁴.

В современной политической науке цифровая демократия определяется как совокупность институтов, практик и технологических решений, которые способствуют трансформации механизмов публичного

¹ Конституция Республики Узбекистан статья первая.

² Rousseau D. De la démocratie représentative à la démocratie continue. Liberation, 2017.

³ Дзидзов Р.М., Лолаева А.С. «Цифровая (электронная) демократия в России: понятие и пределы» Digital (electronic) democracy in Russia: the concept and limits, Том 2(14), 2022. – С. 14-20.

⁴ Дзидзов Р.М., Лолаева А.С. Цифровая (электронная) демократия в России: понятие и пределы Digital (electronic) democracy in Russia: the concept and limits, Том 2(14), 2022. – С. 14-20.

управления в информационном обществе. Его структура состоит из трех основных элементов: **электронного участия (e-participation)**, **электронного управления (e-governance)** и **электронного голосования (e-voting)**. Вместе они составляют единую модель цифрового взаимодействия между государством и его гражданами. Эта модель стремится повысить прозрачность публичной власти, увеличить общественное участие и улучшить процесс принятия государственных решений.

Электронное участие, также известное как e-participation, является институционализированным способом вовлечения граждан в политический процесс с помощью цифровых платформ и интерактивных средств коммуникации. Он включает в себя такие инструменты, как участие в онлайн-обсуждении проектов законов, участие в электронных общественных опросах, инициирование и подписание электронных петиций, а также участие в цифровых консультациях с органами государственной власти. Эти практики помогают создать более открытую публичную сферу и позволяют государству учитывать различные социальные интересы при принятии политических решений¹.

Электроуправление, также называемое «электронным управлением», является результатом использования информационно-коммуникационных технологий для улучшения государственного управления и преобразования традиционных управленческих процедур. Государственные электронные сервисы, системы открытых данных и цифровые платформы для управления бюджетами и мониторинга реализации государственных программ составляют основу e-управления. Благодаря автоматизации основных управленческих процедур эти инструменты повышают эффективность государственного аппарата, увеличивают подотчетность, снижают транзакционные издержки и снижают коррупционные риски².

Электронное голосование, также называемое e-voting, является одним из наиболее инновационных способов цифровизации государственной власти. Это связано с использованием цифровых технологий в электоральном процессе. Он включает в себя дистанционное голосование, электронный подсчет голосов и быструю обработку результатов голосования. Е-голосование увеличивает электоральную доступность, снижает организационные расходы и повышает доверие граждан к институтам выборов, если есть надежные системы кибербезопасности и защиты персональных данных³.

Благодаря глубокой цифровизации политико-правового пространства Узбекистана цифровая демократия является инновационным способом реализации принципов традиционной демократии. Данный феномен

¹ Macintosh A. Characterizing E-Participation in Policy-Making // Proceedings of the Hawaii International Conference on System Sciences. 2004.

² OECD. Digital Government Index: 2019 Results. Paris: OECD Publishing, 2020.; United Nations. E-Government Survey 2022. New York: UN DESA, 2022.

³ Добробаба М.Б. Цифровая демократия в России как компонент цифрового государства // Актуальные проблемы российского права. – Т. 20. – № 2, 2025. – С. 27-34.

приобретает стратегическое значение в контексте изменения системы государственного управления и расширения возможностей общественного участия. Это видно в основных нормативных и программных документах государства.

Следует отметить, что Стратегия развития «Узбекистан – 2030» поставила основы для развития цифровой демократии. Эта стратегия предполагает повышение открытости органов государственной власти, расширение инструментов электронного участия и создание интегрированной цифровой экосистемы взаимодействия государства с гражданами. Кроме того, важную роль играет программа «Цифровой Узбекистан – 2030», которая направлена на улучшение информационно-коммуникационной инфраструктуры, создание «электронного правительства» и создание электронных публичных услуг.

В этих стратегических документах цифровая демократия определяется как современная форма организации общественно-политической деятельности граждан, которая обеспечивает новые, более качественные уровни взаимодействия граждан с органами государственной власти, органами местного самоуправления, организациями гражданского общества и предприятиями. Этот уровень достигается благодаря широкому использованию информационно-коммуникационных технологий, которые повышают прозрачность, подотчетность и эффективность государственного управления.

Таким образом, цифровая демократия в Узбекистане является не только технологическим инструментом, но и ключевым компонентом демократического развития, поскольку она способствует созданию более устойчивой системы открытого государственного управления и расширению возможностей для гражданского участия.

Цифровая демократия ценна в первую очередь тем, что она облегчила и рационализировала участие граждан в политической и общественной жизни, а также в определенной степени сблизила органы публичной власти с населением, устранив лишние посредники в отношениях между ними. Таким образом, цифровая демократия помогла преодолеть отчуждение государства от личности, которое возникло в результате застоя традиционной представительной демократии.

Внедрение современных технологий и последующая цифровая трансформация органов публичной власти привело к улучшению качества обслуживания населения и созданию новых механизмов предоставления публичных услуг. Цифровое или электронное правительство внедряется на различных уровнях власти и характеризуется как «применение электронных информационных и коммуникационных технологий в целях осуществления управления»¹.

¹ Henman P. Governing Electronically: E-Government and the Reconfiguration of Public Administration, Policy and Power. Houndmills, 2010. – P. 3.

В настоящее время этот институт считается «чрезвычайно важным с точки зрения коммуникации органов публичной власти с гражданами и их обслуживания»¹, поскольку он позволяет людям получать различные услуги, оставаясь в своих домах, почти в любое время. Ранее людям приходилось тратить достаточное количество времени на личное посещение различных государственных учреждений, чтобы решить свои проблемы. В то же время цифровизация позволила «перевести людей в онлайн, вместо того чтобы ставить их в очередь» (*перевести людей в онлайн, а не ставить их в очередь*)².

Цифровизация включает в себя автоматизированное принятие решений и создание единой системы документооборота между различными подразделениями администрации. Это помогает избежать ошибок при вводе данных, облегчает внедрение единых стандартов, сокращает рутинную «бумажную» работу, ускоряет действующие административные процедуры, улучшает общую координацию и экономит время и ресурсы.

Благодаря цифровизации созданный более интегрированный и клиентоориентированный механизм предоставления услуг соответствует основным постулатам нового публичного менеджмента, таким как оптимизация работы органов публичной власти, внедрение рыночных механизмов в их деятельность, экономия ресурсов, оптимизация соотношения между расходами и доходами и улучшение качества предоставляемых услуг.

Создаваемая система оказания услуг населению сочетает **вертикальную интеграцию** (между органами публичной власти различных уровней) и **горизонтальную интеграцию** (между публичными службами, действующими на одном уровне). Услуги в рамках этой системы стали предоставляться более быстро, а скорость их оказания увеличивалась в случае, если государственный служащий, решающий вопрос, имел доступ к базам данных других административных подразделений в режиме реального времени.

Цифровая демократия также ценна тем, что она помогает преодолеть кризис представительной демократии, основанной на праве большинства, которое само по себе не гарантирует демократического принятия решений. Большинство людей считали, что причиной этого кризиса является растущее отчуждение граждан от государства, а также снижение доверия граждан к политическим партиям и политическим институтам, которые они выбрали для работы в органах публичной власти.

Итальянские исследователи К.Кастельфранки и Р.Фальконе отмечают, что, «без чувства доверия к тем, кому вы делегировали свое представительство, демократия уже не ощущалась действительно

¹ Comparative E-Government / ed. by Ch. G. Reddick. – New York, 2010. – P. 71.

² Wirtz B.W. Digital Government: Strategy, Government Models and Technology. Cham, 2022. – P. 9.

«представительной», а воспринималась как экспроприация власти и воли «демоса»¹.

Широкая часть населения считала, что решение многих проблем, с которыми сталкивается современное общество, может быть достигнуто только путем объединения всех существующих публичных интересов в одном. Следствием этого кризиса стало снижение явки избирателей на выборах и общего уровня участия населения в демократических процессах.

В результате современные инновационные механизмы, направленные на интерактивное взаимодействие заинтересованных лиц и групп интересов, стали отличным дополнением более традиционных форм демократии. Внедрение цифровых инструментов гражданского участия, таких как форумы и дебаты в Интернете, консультации с гражданами, партисипативное планирование и бюджетирование, а также преодоление гражданской апатии, способствовало повышению инклюзивности общественно-политических процессов.

Цифровизация привела к активному развитию веб-сайтов органов публичной власти, а также ряда цифровых платформ, которые позволяют людям выражать свое мнение по различным вопросам, влиять на принимаемые решения и даже голосовать. Использование цифровых средств коммуникации и возможность асинхронного участия в обсуждении рассматриваемых вопросов позволяет гораздо большему числу людей участвовать в общественно-политических процессах, чем это было ранее возможно в режиме офлайн. Люди, которые раньше не были общественными активистами, начинают участвовать в онлайн-дискуссиях. Различные группы интересов, а также небольшие политические объединения получили возможность обращаться к более широкой аудитории.

Формирование «нового архетипа информированного гражданина» является одним из условий цифровой демократии². Когда люди получают больше информации о событиях, происходящих как в глобальном масштабе, так и в своих странах, регионах и местных сообществах, это улучшает их политические, экономические и социальные действия. Хорошо информированные люди обычно имеют больше возможностей влиять на работу органов публичной власти и принимать более разумные решения о своей собственной жизни.

Цифровая демократия влечет за собой как преимущества, так и недостатки. В частности, эти угрозы проявляются в области информации, где популярные социальные сети и различные мессенджеры теснят традиционные медиа и зачастую подвергают опасности, казалось бы, общепринятые стандарты журналистики.

В современной цифровой реальности традиционным СМИ приходится конкурировать с новыми информационными ресурсами, которые не имеют

¹ The Future of Digital Democracy: An Interdisciplinary Approach / ed. by P. Contucci, A. Omicini, D. Pianini, A. Sirbu. Cham, 2019. – P. 63.

² eDemocracy and eParticipation: The Precious First Steps and the Way Forward / ed. by R. Pohoryles, R. Decheva. Brussels, 2017. – P. 10.

ограничений, и иногда даже использовать их стратегии для монетизации и обновления контента. Нарушение традиционных журналистских принципов, таких как непредвзятость, беспристрастность, точность и правдивость, а также проведение фактчекинга и верификация полученной информации, неизбежны в таких обстоятельствах. В результате создается благоприятная среда для распространения ложной информации и манипуляции сознанием граждан. Таким образом, доверие к самому информационному процессу подрывается, в том числе и благодаря современным технологиям связи.

В исследованиях описывается парадокс прозрачности, известный как «transparency paradox». Он относится к развитию электронного правительства информационных отношений. По мере того, как все больше публичной информации становится формально доступной и публикуется в Интернете, гражданам становится все труднее найти интересующую их информацию в растущем и ускоряющемся информационном потоке. Другая сторона парадокса прозрачности заключается в том, что информация, доступная широкой публике, не всегда может быть правильно интерпретирована и переработана таким образом, чтобы она могла быть использована для принятия решений.

Вероятность того, что цифровизация позволит изучить большие объемы данных, значительно расширяет спектр персональных данных, которые государство может собирать о своих гражданах. Эти типы данных включают социальные настроения, поведение, потребительские предпочтения, выражение лица, маршруты передвижения и многое другое. «Люди все больше оставляют цифровые следы», что «делает их более наблюдаемыми, отслеживаемыми и познаваемыми». Причем у людей практически нет выбора, давать ли им личные данные, если они хотят получить определенную государственную услугу. Само государство «делается все более невидимым для граждан» из-за своих действий в цифровом пространстве, основанных на алгоритмах, которые не вполне понятны населению. Это еще один элемент, связанный с парадоксом прозрачности, который был упомянут ранее.

В настоящее время существуют риски использования персональных данных в ущерб личным интересам, а также потенциальные ограничения прав и свобод человека. Само по себе централизованное хранение персональных данных может привести к тому, что злоумышленники захотят получить доступ к базе данных и неправомерным образом использовать эти данные в своих корыстных интересах.

Завершая, следует отметить, что рост цифровой демократии в Узбекистане является естественным этапом развития его политико-правовой системы и отражает глобальные тенденции создания информационного общества. Изучение показало, что цифровизация демократических институтов увеличивает прозрачность управления государством, повышает эффективность административных процедур и расширяет возможности гражданского участия. Внедрение современных информационных и коммуникационных технологий позволяет государству

и обществу более тесно сотрудничать друг с другом, создавать условия для открытого обсуждения публичных решений и повышать подотчетность органов власти.

Тем не менее, цифровая демократия приводит к новым проблемам и рискам, таким как обеспечение кибербезопасности, предупреждение информационных манипуляций и соблюдение этических стандартов цифрового взаимодействия. Чтобы сохранить доверие граждан к государственным органам, необходимо совершенствовать правовые и организационные механизмы регулирования цифровых процессов. Создание цифровой культуры и правового сознания является жизненно важным, чтобы минимизировать опасности, возникающие в результате цифровой трансформации общественных отношений.

Поэтому дальнейшее развитие цифровой демократии должно основываться на гармоничном сочетании технологических достижений с основными демократическими принципами, такими как открытость, равенство, участие и ответственность. Только при достижении этого баланса цифровая демократия сможет стать средством модернизации государственного управления, а также средством укрепления гражданского общества, повышения правосознания людей и укрепления демократических институтов в целом.

Мунира СУЛАЙМОНОВА, и.ф.б. ф.д. (PhD)
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси)

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ ЎРНИ

Бугунги глобаллашув даврида рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, сиёсий жараёнларга ҳам чуқур кириб бормоқда. Интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил иловалар ва катта маълумотлар (Big Data) каби рақамли воситалар демократик бошқарув, фуқароларнинг иштироки ва сиёсий мулоқотнинг шаклини тубдан ўзгартирмоқда.

Ушбу мавзунинг долзарблигини аниқлашда бевосита интеграция жараёнларидаги сиёсий фаолликни аниқлаш талаб этилади. Рақамли трансформация демократик институтларнинг шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун беқиёс имкониятлар яратади.

Электрон ҳукумат (e-Government), электрон овоз бериш (e-Voting) ва электрон иштирок (e-Participation) каби механизмлар фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлаб, сиёсат ва жамият ўртасидаги масофани қисқартиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу жараёнлар бир қатор жиддий таҳдидларни ҳам ўз ичига олади. Улар орасида рақамли бўлиниш (digital divide), ёлғон маълумотлар (fake news) ва дезинформациянинг тарқалиши, киберхавфсизлик муаммолари ҳамда маълумотларнинг махфийлигини бузиш хавфи юзага келиши табиий. Шунинг


учун, ушбу жараёнларни илмий таҳлил қилиш, уларнинг ижобий томонларини мустаҳкамлаш ва салбий оқибатларини минималлаштириш йўллари топишни бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан деб биламиз.

Рақамли демократия (e-Democracy) бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи сиёсатшунослари, социологлари ва сиёсий технолог мутахассислари томонидан фаол олиб борилмоқда. Pippa Norris *«Интернетнинг сиёсий жараёнларга таъсирини ўрганиб, унинг ёшлар ва кам иштирок этадиган гуруҳлар орасида сиёсий иштирокни ошириш салоҳиятини таъкидлайди»*¹. Унинг ахборотга киришнинг осонлашуви орқали фуқароларнинг билим даражаси ошишини баҳолайди.

Хелен Маргетц эса, рақамли технологияларнинг жамоавий ҳаракатлар ва фуқаролик фаоллигини ташкил этишдаги ролини ўрганади ва ижтимоий тармоқларнинг сиёсий норозиликларни тезкор ва кенг миқёсда мобилизация қилиш қобилиятини, яъни «коллектив ҳаракатнинг паст нархи» тамойилини илгари суради². Евгений Морозов технологияга ҳаддан ташқари ишонишнинг хавфини қаттиқ танқид қилади. У рақамли воситаларнинг авторитар режимлар томонидан назорат ва кузатувни кучайтириш, шунингдек, жамиятда **«циликон авторитаризм»**ни келтириб чиқариш хавфидан огоҳлантиради³.

Cass Sunstein шахсийлаштирилган ахборот оқимлари (алгоритмлар орқали) натижасида юзага келадиган «филтр пуфакчалари» ва «акс-садо камералари» ҳодисаларини таҳлил қилади⁴. Cass Sunsteinнинг фикрича, бу ҳолатлар фуқароларнинг турли нуқтаи назарлардан изоляция қилинишига ва сиёсий қутбланишнинг кучайишига олиб келади, бу эса соғлом демократик мулоқот учун хавфли эканлигини исботлаб беради.

1-расм. Электрон ҳукуматнинг назарий - илмий йўналишлари⁵.



¹ Pippa N. Democratic Phoenix // <https://www.cambridge.org/core/books/democratic-phoenix/486CDCC4E2A198E78E1DB45C26705957>

² <https://www.oii.ox.ac.uk/research/publications/digital-era-governance-it-corporations-the-state-and-e-government/>

³ Morozov E. To Save Everything, Click Here, 2008.

⁴ Sunstein C. Republic.com, 2021.

⁵ Муаллиф томонида ишлаб чиқилган.

Рақамли платформалар коррупцияни камайтириш ва давлат хизматларини самарали етказиб бериш воситаси бўлиб хизмат қилади. Сайлов ва қонунчилик ташаббуслари эса онлайн сўровномаларда, жамоатчилик муҳокамаларида қатнашиши орқали сиёсий жараёнларга бевосита таъсир ўтказиш имконияти кенгайди. Сайлов кампанияларида номзодларнинг сайловчилар билан тўғридан-тўғри, мақсадли алоқа ўрнатиши рақамли таҳлил ва ижтимоий тармоқлар орқали кучаймоқда. Рақамли трансформация демократиянинг келажагини белгилайдиган икки йўналишли босқичидир.

Биринчидан, трансформация фуқароларнинг сиёсий иштирокини чуқурлаштириш, ҳукумат шаффофлигини ошириш ва давлат самарадорлигини яхшилаш учун кенг имкониятларни тақдим этади.

Иккинчидан, трансформация, дезинформация, рақамли бўлиниш ва авторитар назорат каби демократик қадриятларга таҳдид солувчи хавфларни келтириб чиқаради.

Келажақда муваффақиятли демократик давлатлар учун асосий эътибор нафақат технологияни жорий этишга, балки фуқароларнинг рақамли саводхонлигини оширишга, медиа саводхонлигини кучайтиришга ва платформалар фаолиятини тартибга солувчи ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга қаратилиши керак. Фақатгина шу йўл билан рақамли трансформацияни демократияни мустаҳкамловчи восита сифатида ишга солиш мумкин. Рақамли воситалардан оқилона фойдаланиш орқали биз янада адолатли, шаффоф ва кенг иштирокли демократик жамиятни барпо этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси доирасида давлат бошқарувига рақамли технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, Рақамли ҳукумат (e-Government) концепцияси - давлат органларининг фуқаролар ва бизнес билан муносабатларини самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойиллари асосида, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қайта ташкил этишни назарда тутди. Ўзбекистонда рақамли ҳукуматнинг бугунги кундаги ўрни, эришилган асосий натижалар ва унинг ривожланиш истиқболлари, шунингдек, сайлов жараёнларига рақамли трансформацияни татбиқ этиш муҳим устувор вазифалар касб этмоқда.

Ўзбекистонда рақамли ҳукуматнинг асосий таянчи **Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)** (my.gov.uz) ҳисобланади. Ушбу портал аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 24/7 режимда турли давлат хизматларини олиш имкониятини беради. 2017 йилда ЯИДХП орқали кўрсатилаётган хизматлар сони нисбатан кам бўлган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 500 дан ошганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон фуқароларига берилаётган янги ID-карталар рақамли ҳукумат инфратузилмасининг муҳим қисмидир. Улар шахсни тасдиқлаш, электрон имзо (E-imzo) ва келажақда турли давлат хизматларидан автоматик фойдаланиш учун асос бўлади. Бу, шахсни масофадан туриб ишончли аниқлаш (Remote Identification) имконини

бериб, банк, нотариат ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатишни тубдан соддалаштирди.

Таъкидлаш жоизки, Очiq маълумотлар портали (Open Data Portal) ишга туширилиб, давлат органларига тегишли ижтимоий-иқтисодий маълумотлар жамоатчиликка очикланмоқда. Бу фуқаролар ва тадқиқотчилар учун ҳисобдорликни талаб қилиш ва коррупцияга қарши курашишда муҳим восита ҳисобланади. 2024 йилда Ўзбекистон БМТнинг электрон ҳукуматлар ривожланиш даражаси бўйича рейтингда 6 поғона юқорилаб, 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллади.

Унинг электрон ҳукуматнинг ривожланиш индекси 0,79 ни, паст ва ўрта даромадли мамлакатлар орасидаги кўрсаткичи эса 0,76 ни ташкил этди ва ўз позицияларини сезиларли яхшилаган¹. Аҳоли билан ишлашда инсон омилини камайтириш мақсадида, кўплаб лицензия ва рухсатномалар автоматлаштирилган тартибда берилмоқда. Масалан, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилган².

**Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг
очиклик индекси маълумотлари (2024 йил)**

Т.Р	Корхона ва ташкилотлар номи	Балл
1.	Термиз шаҳар ҳокимлиги	91,8
2.	Солиқ қўмитаси	90,1
3.	Наманган шаҳри ҳокимлиги	89,7
4.	Тошкент вилояти ИИБ	87,6
5.	Транспорт вазирлиги	86,5
6.	Навоий вилояти ҳокимлиги	85,7
7.	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	85,3
8.	«Ўзбекистон темир йўллари» АТ	84,6
9.	Термиз тумани ҳокимлиги	84,3
10.	Адлия вазирлиги	84,1

Бугунги кунда рақамли ҳукуматнинг муаммолари ва таҳдидлари ҳақида аниқ статистика маълумотларига тўхталадиган бўлсак, оммавий геопорталда шакллантирилган геосервислар ёрдамида жисмоний ва юридик шахсларга интерактив хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган бўлса-да, очик маълумотлардан фойдаланиш бўйича бир ой (2025 йил октябрь)да ўртача 500 мингдан ортиқ сўровларга ишлов берилган, натижада қоғоз ҳужжат айланиши атиги 10 фоизга қисқартирилди холос. Рақамли трансформациядаги жадал суръатларга қарамай, бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Жумладан, рақамли саводхонлик даражаси. Айниқса, қишлоқ жойларда ва ёши каттароқ аҳоли орасида рақамли хизматлардан

¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2024/09/19/e-governments/>

² https://gov.uz/oz/pages/Tadbirkorlik_subyektlarini_davlat_royxatidan_otkazish

фойдаланиш кўникмалари етарли эмас. Бу эса рақамли бўлиниш (digital divide) муаммосини келтириб чиқарди.

Бироқ Киберхавфсизлик масалалари ҳам кундан кунга долзарблигини ошириб келмоқда. Шунингдек, давлат маълумотлар базаларининг кенгайиши киберхужумлар хавфини оширади. Маълумотларнинг махфийлигини ва тизимларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Юқоридаги маълумотларга таяниб қуйидаги таклифимизни илгари сурмоқдамиз:

1. Рақамли ҳукумат тажрибасидан келиб чиқиб, сайлов жараёнларининг шаффофлиги, самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш учун сайлов жараёнида рақамли трансформацияни қўллаш.

2. Сайловларда рақамли трансформацияни жорий қилишда қонунчилик лойиҳасини ишлаб чиқиш.

3. Рақамли саводхонлик ва киберхавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш масаласини устувор йўналишларимиз сифатида тан олиш.

Бунда бугунги кунда жорий қилинган, **«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси** доирасида **«бир одам – бир овоз» тамойили** асосида жисмоний шахслар шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)га боғланган рақамларнинг фақат биттасидан бир марта овоз бера олиш имконияти яратилгани ҳеч биримиз эътиборимиздан четда қолмади. Бу эса аҳолида давлат сиёсати ва сиёсий элитага нисбатан ишонч туйғусини шакллантиришга туртки бермоқда.

Ушбу тамойилни келажакда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига (*Президент сайлови бундан ташқари*) сайлов жараёнларига татбиқ этиш сайлов жараёнларини рақамлаштириш ва шаффофликни оширишга, қолаверса, харажатлари қисқартирилишига сабаб бўлади. Бунда, сайловчиларнинг рақамли рўйхатини шакллантириш блокчейн технологияси асосида амалга оширилади.

Натижада эса, блокчейннинг тармоқли ва шифрланган тузилиши туфайли, сайловчилар рўйхатига ташқаридан аралаштириш, маълумотларни ўзгартириш ёки бир кишига икки марта овоз бериш каби ҳолатларни технологик жиҳатдан имконсиз қилиш мумкин. Бу рўйхатнинг ишончлилиги ва шаффофлигини оширади. Овоз берувчининг шахси ЯИДХП орқали ID-карта ва биометрик маълумотлар (*юзни аниқлаш/бармоқ изи*) орқали ишончли тасдиқланиши шарти белгиланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида рақамли ҳукуматни ривожлантириш бўйича эришилган ютуқлар (*ЯИДХПнинг кенгайиши, ID-карталар жорий этилиши*) давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишда муҳим қадам бўлди. Бироқ рақамли саводхонлик ва киберхавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Сайлов жараёнларига рақамли трансформацияни жорий этиш (блокчейн асосида рўйхат, е-овоз бериш лойиҳалари ва автоматик ҳисоблаш) демократиянинг сифатини янада ошириш, фуқароларнинг ишончини

мустаҳкамлаш ва мамлакатнинг халқаро имижини яхшилаш учун зарурий ва мантикий дунёдаги бирламчи қадамлардан бири ҳисобланади.

**Нурбек ШУКУРОВ, мустақил изланувчи
(Ўзбекистон Миллий университети)**

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҲБАР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

XXI асрнинг учинчи ўн йиллигида жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган геосиёсий турбуленция, глобал иқтисодий рақобатнинг кескинлашуви ва давлат бошқаруви олдига қўйилаётган янги концептуал чақириқлар миллий давлатчилик тизимини мустаҳкамлаш масаласини кун тартибининг энг юқори поғонасига олиб чиқмоқда. Замонавий давлат бошқаруви тизимининг мураккаблашуви ва сиёсий институтлар олдига қўйилган янги талаблар раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг нафақат шаклан, балки мазмунан янгиланишини объектив заруратга айлантирди.

Бундай шароитда давлат хизматининг институционал барқарорлиги, стратегик бошқарув компетенцияларининг шаклланиши, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг профессионаллашуви давлат ҳокимияти самарадорлигининг асосий омилларидан бири сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам «Янги Ўзбекистон» модернизация парадигмаси доирасида раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу жараён шунчаки маъмурий ислохот эмас, балки давлатнинг «сиёсий қудрати»ни оширишга ва инсон капиталини давлат бошқарувининг асосий драйверига айлантиришга қаратилган стратегик инвестиция ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, 2016 йилдан кейинги ислохотларда раҳбар кадрлар фаолиятининг энг асосий мезони – халқ розилиги билан ўлчаниши аниқ белгилаб қўйилди. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, раҳбарларни танлашда таниш-билишчиликка эмас, балки меритократия (муносиблик), ҳалоллик ва профессионализмга таяниш зарур. Ҳар бир раҳбар ўз устида тинимсиз ишлаши, замонавий билимларни эгаллаши ва рақамли технологияларни тушуниши – давр талабидир¹.

Сиёсатшуносликнинг фундаментал назарияларига мурожаат қиладиган бўлсак, сиёсий элита жамиятнинг стратегик ривожланиш траекториясини белгиловчи асосий ижтимоий қатлам бўлиб, унинг таркибий сифати давлат институтларининг функционал имкониятларини бевосита белгилайди. Вилфредо Парето, Гаetano Моска ва Райт Миллс томонидан илгари сурилган классик «элиталар айланмаси» ғояси, Девид Истоннинг «сиёсий тизим» модели, Френсис Фукуяма ва Дунлопнинг «давлат қудрати» концепциялари замонавий давлатнинг самарадорлиги раҳбар кадрларнинг профессионаллик

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 236 б.

даражаси, уларнинг сиёсий масъулияти ва ахлоқий барқарорлиги билан узвий боғлиқ эканини илмий асослайди. Шу маънода Ўзбекистоннинг кадрлар сиёсатини институционал нуқтаи назардан таҳлил қилиш – унинг сиёсий тизими трансформациясида алоҳида назарий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу жараён «эски маъмурий буйруқбозлик» тизимидан «замонавий демократик бошқарув»га ўтишдаги энг муҳим кўприк вазифасини ўтайди.

Давлат бошқаруви самарадорлигининг сиёсий назарий асосларини тизимли таҳлил қилишда Девид Истоннинг «сиёсий тизим» модели методологик калит вазифасини бажаради. Истон давлатни жамиятдан келаётган талаб ва қўллаб-қувватлаш оқимларини («кириш») сиёсий қарорлар ва амалий ҳаракатларга («чиқиш») айлантириб берувчи мураккаб «қора кути» механизми сифатида талқин этади¹.

Ушбу механизмнинг барқарорлиги ва ҳаётийлиги унга хизмат қилувчи элитанинг сиёсий компетенцияларига бевосита боғлиқдир. Агар раҳбар кадрлар жамиятдан келаётган «кириш» сигналларини тўғри таҳлил қила олмаса, уларни филтрлай билмаса, тизимнинг «чиқиш» қисмидаги қарорлар самарасиз, баъзан эса жамият манфаатларга зид бўлиб қолади, бу эса пировардида сиёсий легитимликнинг пасайишига ва ижтимоий беқарорликка олиб келиши мумкин. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими ҳам сиёсий тизимнинг айнан шу функционал барқарорлигини таъминлашга, сиёсий бошқарув сифати ва давлат сиёсатининг изчиллигини кафолатловчи институционал майдон сифатида шаклланмоқда. Бу жараёнда сиёсий-функционал профессионаллашув билан бирга сиёсий-ҳуқуқий масъулият ва ахлоқий-этик меъёрлар ҳам давлат хизматининг пойдеворини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳуқуқий асослари мамлакат сиёсий тизими трансформациясининг асосий векторларидан бири сифатида қаралади. Ҳуқуқий ислохотлар жараёнининг чуқурлашуви, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилиши ва давлат хизматининг институционал мақомини белгилаш кадрлар сиёсатининг профессионализм, меритократия ва очиқлик тамойилларига асосланган миллий моделини шакллантирди.

Сиёсатшуносликдаги «янги институционализм» назарияси вакили Дуглас Норт таъкидлаганидек, институтлар бу – «ўйин қоидалари»дир ва жамиятнинг ривожланиши ушбу қоидаларнинг қанчалик аниқ, шаффоф ва адолатли эканлигига боғлиқ². Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда давлат хизматининг ҳуқуқий пойдевори сиёсий тизимнинг институционал барқарорлигини мустаҳкамлайдиган асосий омилдир.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг эволюцион жараёни сиёсий тизим модернизация сининг босқичлари билан узвий боғлиқдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида (1991–2016) давлат бошқаруви тизимида кадрларнинг барқарорлик ва ижрочилик интизомига асосланган

¹ Easton D. A Systems Analysis of Political Life. – New York: Wiley, 1965. – P. 507.

² Douglass N. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. Cambridge University Press, 1990.

моделли устун бўлган. Хусусан, 1997-йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ушбу жараёни комплекс, тизимли ва илмий асосланган шаклга ўтказди. Мазкур дастур давлат бошқаруви учун профессионал элита шакллантиришни миллий ривожланиш сиёсатининг устувор йўналишига айлантирди.

Дастур ўзининг моҳиятига кўра давлат хизматида компетенцияга асосланган бошқарув моделига ўтиш учун дастлабки институционал заминни яратди. Бироқ 2000–2016 йиллар мобайнида таълимнинг институционал асослари мустаҳкамланган бўлса-да, давлат хизматининг ўзи алоҳида яхлит ҳуқуқий институт сифатида тўлиқ шаклланмади. Бу ҳолат сиёсатшуносликда Б.Г. Петерс таъбири билан айтганда «институционал бўшлиқ» деб баҳоланади – яъни амалиёт мавжуд, аммо унинг ягона, барчага баробар ҳуқуқий регламенти ва каръера модели йўқ эди¹. Бу эса, кадрлар сиёсатида субъективизм омилининг юқори бўлишига олиб келган.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида, аниқроғи 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда сиёсий тизим ислохотларининг янги, динамик босқичи бошланди. Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак»² деган тамойил асосида «Сервис давлат» концепцияси илгари сурилди.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, ҳисобдорлиги ва халқчил бошқарув тамойиллари давлат сиёсатининг концептуал асосига айланди. «Ҳаракатлар стратегияси», 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва кейинчалик «Ўзбекистон – 2030» стратегияси каби фундаментал ҳужжатлар раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимига бевосита таъсир кўрсатиб, кадрлар сиёсатини сиёсий трансформациянинг марказий элементи сифатида қайта кўриб чиқишни талаб этди. Бу жараён Френсис Фукуяма томонидан «Бошқарув нима?» мақоласида илгари сурилган «давлат қудрати» концепциясига тўла мос келади³. Фукуяманинг фикрича, давлат қудрати унинг институтлари ва кадрларининг қонунларни ижро этиш ва хизмат кўрсатиш салоҳияти билан ўлчанади. Агар кадрлар салоҳиятсиз бўлса, энг яхши қонунлар ҳам қоғозда қолиб кетади.

Мамлакатимизда ушбу ислохотларнинг мантиқий давоми ва ҳуқуқий чўққиси сифатида 2022 йил 8 августда қабул қилинган «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунни кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллиги тарихида илк бор давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини комплекс тартибга солган ушбу ҳужжат сиёсий-институционал нуқтаи назардан урта инқилобий ўзгаришни амалга оширди.

Биринчидан, давлат хизмати «касбий фаолият тури» сифатида тан олинди. Бу дегани, давлат хизмати шунчаки вақтинчалик вазифа ёки

¹ Peters B.G. Institutional Theory in Political Science. Fourth Edition. Edward Elgar Publishing, 2019. – P.304.

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 13-14.

³ Fukuyama F. «What Is Governance?» Governance, 2013.

маъмурий иш эмас, балки махсус билим, малака ва кўникма талаб қиладиган алоҳида профессионаллик соҳаси эканлиги белгиланди. Бу Макс Вебернинг «хуқуқий-рационал бюрократия» назариясидаги идеал бошқарув моделига ўтиш жараёнидир¹. Вебер моделида бошқарув шахсий содиқликка эмас, балки қонун устуворлиги ва касбий компетенцияга асосланади.

Иккинчидан, давлат хизматига қабул қилишда очиқ танлов тизимининг мажбурийлиги белгиланди. Бу ўзгариш «меритократия» тамойилини хуқуқий мустаҳкамлади. Танлов жараёнларининг инсон омилсиз, рақамли платформалар орқали ўтказилиши коррупсион хавфларни камайтириш билан бирга, жамиятда ижтимоий мобилликни таъминлашга, яъни оддий фуқаронинг ўз билими билан юқори лавозимларга кўтарилишига имкон яратди.

Учинчидан, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, совға сиёсати ва хулқ-атвор кодексининг жорий этилиши раҳбар кадрнинг нафақат профессионал, балки «сиёсий-ахлоқий» қиёфасини ҳам тартибга солди. Бу замонавий «Яхши бошқарув» концепциясининг асосий талабларидан биридир.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг институционал асослари ҳам жадал ривожланди ва бугунги кунда ўзаро алоқадор яхлит экотизимни ташкил этмоқда. Бу тизимнинг марказий бўғинлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармасини кўрсатиш мумкин.

Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (ДСБА) мазкур тизимнинг «интеллектуал хаби» ҳисобланиб, у сўнги йилларда Франциянинг Миллий Маъмурий Мактаби (ENA), Сингапурнинг Давлат хизмати коллежи ва Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш институти (NHI) моделлари асосида тубдан қайта ташкил этилди. Академия нафақат назарий билим беради, балки «лидерлик конвеери» тамойили асосида раҳбарларда стратегик фикрлаш, инқирозли вазиятларни бошқариш, лойиҳавий бошқарув ва жамоатчилик билан ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Академияда жорий этилган «Келажак лидерлари» махсус клуби ёш, истиқболли кадрларни саралаб, уларни давлат бошқарувининг юқори бўғинларига тайёрлашда муҳим лифт вазифасини ўтамоқда. Сиёсатшуносликда бу жараён «давлат менежменти институционализацияси» деб аталади.

Тизимнинг иккинчи ва ҳал қилувчи устуни – Бошқарув самарадорлиги агентлигидир (*аввалги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги* – АРГОС). Дастлаб 2019 йилда ташкил этилган ушбу тузилма ягона кадрлар сиёсатини амалга оширувчи орган сифатида фаолият бошлаган эди². 2024-2025 йиллардаги маъмурий ислохотлар натижасида унинг функциялари

¹ Weber M. The Theory of Social and Economic Organization. Oxford University Press, 1947. – P. 447.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сонли Фармони.

кенгайтирилиб, у эндиликда нафақат кадрларни танлаш, балки бутун давлат аппаратининг ишлаш самарадорлигини (*KPI – Key Performance Indicators*) баҳолаш ваколатига ҳам эга бўлди¹.

Агентлик томонидан жорий этилган давлат хизматчиларини очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш ягона портали (vacancy.argos.uz) давлат хизматидаги тўсиқларни олиб ташлаш ва шаффофликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, агентлик раҳбарлар фаолиятини «360 даража» усулида баҳолаш рейтингини юритиш ва Миллий кадрлар захирасини шакллантириш орқали кадрлар алмашинувини илмий асосда ташкил этмоқда.

Бу ўзгаришлар Самуел Хантингтон таъкидлаган «институционал тартиб» назарияси, «барқарор ва кучли институтлар сиёсий барқарорликнинг гарови» тамойилининг амалиётдаги ёрқин ифодасидир².

Учинчи муҳим институт – «Эл-юрт умиди» жамғармаси бўлиб, унинг фаолияти орқали Ўзбекистоннинг глобал билимлар майдонига интеграциялашуви таъминланади. Жамғарма орқали юзлаб давлат хизматчилари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония каби ривожланган давлатларнинг нуфузли университетларида магистратура ва малака ошириш дастурларини ўтаб қайтмоқдалар. Бу – «билимлар трансфери» жараёнини тезлаштириб, миллий давлат бошқарувида илғор хорижий тажрибаларни олиб кириш имконини бермоқда.

Шунингдек, ҳудудий бошқарувдаги ўзгаришлар, хусусан, «Ҳоким ёрдамчилари» институтининг жорий этилиши раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос ўзбек моделини яратди. Бу тизим орқали ёш ва салоҳиятли кадрлар бевосита маҳаллада, аҳоли муаммолари билан ишлаш жараёнида тобланиб, амалий бошқарув тажрибасини орттирмоқдалар. Бу Р. Далнинг «полиархия» назариясига мос равишда, сиёсий иштирокни қуйи бўғиндан бошлаб ривожлантириш ва «маҳаллий элита» сифатини ошириш механизми ҳисобланади. Улар орқали давлатнинг ягона кадрлар сиёсати жамиятнинг энг қуйи даражасигача етиб бормоқда.

Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг яна бир муҳим методологик жиҳати – бу халқаро тажрибанинг миллий хусусиятлар билан уйғунлашувидир. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ОЕСД) «Давлат хизматида етакчилик ва қобилиятлар рамкаси» (*Public Service Leadership and Capability Framework*) модели Ўзбекистон шароитига мослаштирилмоқда³. Ушбу моделга кўра, замонавий раҳбар стратегик фикрлаш, натижага эришиш, муносабатларни ўрнатиш ва ўз устида ишлаш каби тўрт асосий компетенцияга эга бўлиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-111-сонли Фармони.

² Мирзавалиев Ж.А. Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда меритократия тизимининг сиёсий механизмлари. PhD диссертацияси автореферати. Тошкент, 2024.

³ OECD. Public Service Leadership and Capability Framework, 2021 // https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2021/12/public-employment-and-management-2021_6a1fc237/938f0d65-en.pdf

Шунингдек, мамлакатимизда кадрлар билан ишлаш самарадорлигини оширишда Жанубий Кореянинг KIPA институти билан ҳамкорликда рақамли ҳукумат учун кадрлар тайёрлаш, Буюк Британиянинг «Civil Service Leadership Academy» тажрибаси асосида вазиятли кейслар (case-study) билан ишлаш методикаси жорий этилмоқда.

Айтиш жоизки, раҳбар кадрлар тайёрлаш методологияси ҳақида сўз борганда, унинг «Далилларга асосланган сиёсат» тамойилига ўтаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар авваллари раҳбарлар кўпроқ сезги ва тажрибага таянган бўлса, эндиликда улар катта ҳажмдаги маълумотларни (Big Data) таҳлил қилиш, статистик кўрсаткичлар асосида қарор қабул қилишга ўргатилмоқда. Бу жараён бевосита «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси билан боғлиқ. Рақамли компетенция энди қўшимча маҳорат эмас, балки ҳар бир раҳбар учун мажбурий талабга айланди. Сиёсатшуносликда бу тенденция «рақамли бошқарув институционализацияси» деб аталиб, у давлат бошқарувининг аъъанавий иерархик моделидан тармоқли ва горизонтал бошқарув моделига ўтишини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши давлат ҳокимияти институционализациясининг муҳим йўналиши бўлиб, сиёсий тизим барқарорлигининг стратегик детерминантларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Парето ва Москаннинг элита назариялари призмасидан қараганда, Ўзбекистонда элита алмашинуви жараёни энди стихияли ёки кланларга асосланган эмас, балки қонуний, меритократик ва институционал асосга эга бўлган тизимли жараёнга айланди. Бу тизим давлат хизматчисини «назоратчи» функциясидан «хизмат кўрсатувчи менежер» функциясига ўтказишни таъминламоқда.

Олиб борилган чуқур назарий ва амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда раҳбар кадрларни тайёрлашнинг ҳуқуқий ва институционал тизими комплекс, кўп босқичли ва замонавий талабларга мос равишда шаклланган. Унинг асосий ютуқлари – давлат хизматининг ҳуқуқий мақоми белгилангани, меритократия тамойилининг қонуний кучга киргани ва узлуксиз таълим тизимининг яратилганидир. Бироқ глобал ўзгаришлар ва ички ислохотлар динамикаси мазкур тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда қуйидаги илмий-амалий таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, «Сиёсий интеллект» (Политикал ИҚ) индексини жорий этиш. Раҳбар кадрларни баҳолаш тизимига нафақат касбий билими, балки сиёсий вазиятни таҳлил қилиш, ижтимоий кайфиятни сезиш, геополитик жараёнларни тушуниш ва стратегик прогнозлаш қобилиятини баҳоловчи махсус индексни киритиш зарур. Бу раҳбарларнинг сиёсий компетенциясини ўлчаш ва ривожлантириш имконини беради.

Иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат хизматида «Узлуксиз ривожланиш» маданиятини мустаҳкамлаш. Яъни раҳбарларнинг ҳар йили мажбурий минимал соат ҳажмидаги ўқув курсларини ўташини қонунчилик даражасида қатъийлаштириш ва буни уларнинг каръера ўсиши

ҳамда моддий рағбатлантирилиши билан тўғридан-тўғри боғлаш лозим. Бунда японча «Каизен» (доимий такомиллашиш) фалсафасини миллий бошқарув маданиятига интеграция қилиш фойдали бўлади.

Учинчидан, илмий-тадқиқот ва амалиёт интеграциясини кучайтириш лозим. Бунда Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ҳузурида «Давлат бошқаруви муаммоларини ўрганиш лабораториялари»ни ташкил этиш ва у ерда магистрантлар ҳамда амалдаги раҳбарларнинг биргаликда реал муаммолар ечими устида ишлаш тизимини йўлга қўйиш керак. Бу қарорлар қабул қилишда илмий асосланганлик даражасини оширади.

Тўртинчидан, рақамли этика ва сунъий интеллект бошқарувини кенг жорий этиш лозим. Яъни раҳбар кадрлар учун сунъий интеллект ва катта маълумотлар билан ишлашда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш бўйича махсус модулларни жорий этиш зарур. Хусусан, бюрократия хатарларининг олдини олиш ва инсон ҳуқуқларини рақамли маконда ҳам ҳимоя қилиш раҳбарнинг бирламчи вазифасига айланиши шарт.

Бешинчидан, «Минтақавий лидерлик мактаблари»ни ташкил этиш. Фақат марказда эмас, балки йирик иқтисодий ҳудудларда (*масалан, Фарғона водийси, Самарқанд, Хоразм*) ДСБАнинг филиаллари ёки махсус лидерлик марказларини очиш орқали ҳудудларда фаолият юритаётган давлат хизматчиларининг салоҳиятини ҳудуднинг ўзида мунтазам ошириб бориш имконияти яратилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини янада модернизация қилиш, давлат бошқарувининг профессионал элитасини шакллантириш ва «Янги Ўзбекистон»нинг учинчи ренессанс пойдеворини қуришдаги стратегик мақсадларига эришишда давлат қудратини ҳамда легитимлигини оширишга хизмат қилади.

Омонжон ЁҚУБЖОНОВ, етакчи мутахассис
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)

РАҚАМЛАШТИРИШ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДРАЙВЕРИ СИФАТИДА

Жамият ривожланиши, аҳолига сифатли давлат хизматларини кўрсатиш ва халқ розилигига эришишда рақамлаштиришнинг ўрни бекиёсдир. Рақамли трансформация мамлакатни, жамиятни қайта модернизация қилиш ҳамда иқтисодиётимизнинг барқарорлигини ошириш салоҳиятига эга. Ушбу нуқтаи назардан, олиб борилаётган демократик ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг ҳисоботи билан танишиб, глобал бозорда электрон савдо ҳажми жадал ўсаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда бу соҳанинг

ўсиш суръатлари 9-11 фоизга етиши кутилаётганлиги, шунингдек, ахборот технологиялари ва масофавий хизматлар, фриланс каби янги соҳалар тез ривожланаётганлигини алоҳида таъкидлади ҳамда рақамлаштириш ва статистика ислохотларини тезлаштириш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–5349-сон Фармонида асосан, бир қатор устувор вазифалар белгиланган¹. Хусусан, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда муносабатларни тартибга солиш, электрон ҳукуматни жорий этиш, ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал секторида инновацияларни жорий қилишга қўмаклашиш, рақамли иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш, шу жумладан ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш, электрон тижоратнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

телекоммуникация инфратузилмаси етарлича ривожланмаган, мамлакатнинг олис аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари билан таъминланмасдан қолаётганлиги, мобил алоқа ва Интернет тармоғининг сифати аҳоли эҳтиёжларини қондирмаётганлигига алоҳида тўхталинган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясининг 34-моддасида «Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади»² - деб белгилаб қўйилганининг ўзиёқ мамлакатимизда Интернет сифатига ва рақамлаштириш соҳасига давлат даражасида аҳамият берилаётганлигидан далолат бермоқда.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли «Янги Ўзбекистон»ни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сонли «Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди³.

Мазкур фармон билан қуйидаги устувор вазифалар белгиланган:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3564970>

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони.

- олий таълим муассасалари кутубхоналарини камида 1 млн.та замонавий адабиётлар билан тўлдириш ва кутубхона фондини тўлиқ рақамлаштириш;

- тиббиёт муассасасаларини рақамлаштиришни 100 фоизга етказиш;

- маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни 100 фоиз рақамлаштириб, ҳар бир маҳаллада **«электрон хизмат нуқталари»**ни ишга тушириш;

- давлат хизматларини **«3 қадам», «фойдаланувчи учун мослаштирилган», «барчаси бир мобил иловада»** тамойиллари асосида рақамлаштириш;

- далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш фаолиятини замонавий технологиялар ва сўнги илмий ютуқларни жорий қилиш орқали тўлиқ рақамлаштириш ва бошқа бир қатор устувор вазифалар белгилаб қўйилди.

Юқоридаги ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Speedtest.net Интернет-сервиси **Speedtest Global Index** ҳар ойлик рейтингининг маълумотларига кўра, 2018 йилнинг ноябрь ойи якунларига кўра, мобил Интернет тезлиги жиҳатидан 108-поғонани, сим билан уланувчи Интернет тезлигида 111-ўриндан жой олган бўлса, 2025 йилнинг октябрь ойи якунларига кўра, мобил Интернет тезлиги жиҳатидан 74-поғонани, сим билан уланувчи Интернет тезлигида 76-ўриндан жой олгани мамлакатимизнинг қисқа муддатларда Интернет тезлигини деярли икки бараварга кўтарилганлигидан далолат бермоқда¹.

Рақамлаштириш соҳасида хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилганда дунёнинг бир қатор давлатлари ривожда рақамлаштириш алоҳида аҳамият касб этишини кўришимиз мумкин. Жумладан, «publicadministration.un.org» сайти маълумотларига асосан, 2024 йил якунларига кўра Дания рейтингнинг биринчи поғонасини банд қилган (*Ўзбекистон 63-ўринда*)². Дания мамлакати бугун электрон ҳукумат соҳасида жаҳон етакчиларидан бири ҳисобланади. Бу натижа 1990-йиллардан бери олиб борилган узлуксиз ва тизимли рақамлаштириш сиёсати маҳсулидир.

Ушбу жараёнда Дания ҳукумати томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳар бир фуқарога ягона идентификация рақами берилди, ҳужжатлар айланишида рақамли имзолар механизмлари жорий қилинди, электрон ҳужжат алмашинуви мажбурий равишда электрон шаклга ўтказилди, тўловларни амалга ошириш тартиблари ягона тизимга бирлаштирилиб рақамлаштирилди. Мазкур ислохотлар, фуқаролар, тadbиркорлар ва давлат ўртасидаги қулай, ишончли, тезкор ва хавфсиз тизим яратилишини таъминлади.

¹ Median Country Speeds Updated October 2025 // <https://www.speedtest.net/global-index>

² EGOVKB/United Nations // <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/data-center>

Шунингдек, Дания ҳукумати томонидан биринчи навбатда, давлат хизматларини кўрсатиш соҳаси, солиқ тизими, таълим ва тиббиёт соҳаси рақамлаштирилишига урғу қаратилди¹.

Ўзбекистонда ҳам электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасида биринчи навбатда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, жумладан, Дания, Эстония, Грузия ҳамда Сингапур мамлакатларининг ижобий тажрибаси жорий қилинди.

Рақамли трансформация жамиятни янада модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш салоҳиятига эга. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши ва рақамлаштириш давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўзбекистонда 2022 йилдан бошлаб *«Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади»* тамойили асосида онлайн хизмат кўрсатиш тизими жорий этилди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан ислох қилиш, соҳада бюрократик тўсиқларни қисқартириш, давлат идоралари фаолиятида рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали инсон омилини қисқартириш орқали шаффофликни таъминлаш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2025 йилнинг ноябрь ойи ҳолатига кўра, ҳужжатлар ва маълумотларнинг рақамлаштирилиши натижасида мавжуд 1 040 та давлат хизматнинг 780 таси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали, 510 таси эса Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилмоқда. Таққослаш учун, 2017 йилда Давлат хизматлари марказлари орқали 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган.

Шунингдек, «Лицензия» ахборот тизими орқали 150 дан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби ҳамда 21 та проактив ҳамда 70 та композит шаклда кўрсатиладиган хизматлар жорий этилди. Масалан, аҳолини энг кўп қийнаб келаётган коммунал соҳадаги ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказишни проактив тарзда амалга ошириш йўлга қўйилди. Натижада, 115 мингдан ортиқ фуқароларнинг давлат идораларига сарсон бўлиб мурожаат қилишларига чек қўйилди ва уларнинг 2,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тежалишига эришилди. Шунингдек, биргина туғилиш билан боғлиқ 5 та хизматнинг композит шаклда кўрсатилиши натижасида йилига 900 мингдан ортиқ фуқаронинг 22,5 млрд. сўм маблағлари тежалишига эришилмоқда.

Бундан ташқари, 30 га яқин давлат хизматларининг натижасини реал вақт режимида олиш имконияти яратилди, 68 та давлат хизматини кўрсатиш

¹ Алиаскарова Е.Б. Казахский национальный университет им. аль-Фараби (Республика Казахстан, г.Алматы)

функцияси хусусий секторга ўтказилди. Натижада йилига 7,7 млн.та хизмат автомат равишда кўрсатилмоқда.

ФХДЁ соҳасидаги 60 млн.дан ортиқ ҳужжатлар рақамлаштирилди ва фуқароларнинг оила таркиби шакллантирилди. Бугунги кунда ФХДЁ соҳасига оид маълумотлар 22 та вазирлик ва идораларга «Рақамли ҳукумат» тизими орқали тақдим этилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан 150 турдаги маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

Давлат органлари ўртасида **«Рақамли ҳукумат» тизими** орқали бир йилда ўртача 2,2 млн.дан ортиқ ҳужжатлар (маълумотлар) алмашилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорларнинг 22,7 млрд. сўмдан ортиқ маблағлари ҳамда 2,2 млн. дона (*11 минг кэ*) қоғоз тежалишига эришилди ҳамда 200 дан ортиқ давлат хизматлари бўйича ариза бериш жараёнлари «3 қадам» тамойили асосида соддалаштирилди. Натижада, ариза беришда фуқародан сўраладиган 2 193 та маълумот ва ҳужжатлар 1 457 тага (33 фоиз) қисқартирилди ва ариза тўлдириш вақти ўртача 2-5 дақиқага туширилди.

Ўртача хизмат кўрсатиш вақти 15-20 дақиқадан 5-8 дақиқага туширилиши, натижасида, инсонларнинг бир йилда 2,1 млн. соатдан (*247 йил*) ортиқ вақт тежаб қолинишига эришилди. Шунингдек, 188 та маҳаллаларда 24/7 режимидаги интерактив киосклар орқали 44 турдаги давлат хизматлари бўйича 373 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда тўловларнинг 50 фоизи миқдорида чегирма жорий қилинди. Маълумот учун, 2024 йилда 114 129 нафар шахсга имтиёз қўлланилган. ФХДЁ ҳамда бошқа давлат хизматларини экстерриториал тамойил асосида кўрсатиш йўлга қўйилиб, 60 млн.дан ортиқ ФХДЁ далолатномалари тўлиқ рақамлаштирилди ва фуқароларнинг оила таркиби шакллантирилди.

Миллий ҳайдовчилик, туғилганлик ҳақида бирламчи ва такрорий гувоҳномалари, хорижга чиқиш паспортини почта орқали етказиб бериш жорий этилди. Хусусан, туғилишни тиббиёт муассасалари орқали қайд этиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, «Ҳеч бир шахс ҳужжатсиз қолмайди» ҳуқуқий акцияси ўтказилиб, 116 мингдан ортиқ фуқароларга туғилиш, никоҳ, ажрим, ўлим, кадастр, тадбиркорлик субъектига гувоҳнома ва бошқа турдаги ҳужжатлар олишдаги муаммолари ҳал этилди. Шу билан бирга, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ягона идентификатор сифатида белгиланди. Шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID ва Face-ID тизимлари жорий этилди.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 8 сентябрда имзоланган ПФ–157-сон Фармон бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ва рақамлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 ноябрдаги «Бизнес юритишни ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-

таомилларини соддалаштиришга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–214-сон Фармонининг қабул қилиниши бизнесни бошлашда давлат хизматларини комплекс тарзда кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартиришда муҳим қадам бўлди.

Фармонга асосан, 2026 йил 1 январдан бошлаб **«Бизнесни 15 дақиқада бошлаш» тамойили** асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бир вақтнинг ўзида 7 та давлат хизматини кўрсатиш тартиби жорий этилиши, тадбиркорлик субъектларининг бирламчи маълумотлари (*исми, фамилияси, отасининг исми, фирма номи, манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ҳ.қ.*) ўзгарганда ушбу маълумотлар бўйича ўзгартиришлар якка тартибдаги тадбиркор гувоҳномасига, лицензия, рухсатнома ва хабарномаларга автоматик тарзда идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан бепул киритилиши белгиланди¹.

Умуман олганда, Ўзбекистонда сўнгги йилларда рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар устувор вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз рақамлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатишда салмоқли натижаларга эришди. Кўплаб, рақамлаштириш соҳасида ижобий натижаларга эришган давлатлар, жумладан, Эстония, Дания, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликни амалга оширмоқда. Давлатда барча соҳаларнинг рақамлаштирилиши коррупциявий омилларнинг камайишига, шаффофлик таъминланишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилади.

Фойдали иш коэффициенти 100 фоиз бўлмаганидек, рақамлаштириш жараёнининг ҳам ўзига яраша камчиликлари ва бир қатор хавфлари мавжуд. Жумладан, кибермакондаги хавфсизликни таъминлаш муаммолари, шахсга доир маълумотларнинг чиқиб кетиш хавфи, рақамли маълумотни олишдаги нотенглик (*Интернет сифати, саводхонлик даражаси пастлиги, ёшлар ва ёшки катталар ўртасидаги фарқ*), давлат органлари ва идораларининг «IT» корхоналарга суяниб қолиши натижасида хавфсизлик соҳасидаги янги хавфларнинг вужудга келиши, соҳадаги махсус кадрлар етишмовчилиги каби бир қатор камчиликлар ва хавфлар мавжуд.

Бироқ ушбу омиллар рақамлаштириш жараёнининг пасайишига ёки унга қарши туришга сабаб бўла олмайди. Рақамлаштириш давлат ва жамият ривожини учун улкан имкониятлар яратади. Юқорида санаб ўтилган хавфларни бартараф этиш учун кучли ва мукамал киберхавфсизликни таъминлаш, қонунчилик механизмларини аниқ белгилаш, «IT» соҳадаги кадрлар захирасини яратиш (*1 млн. дастурчи лойиҳаси*), фуқароларнинг рақамлаштириш соҳасидаги саводхонлигини ошириш, шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини давлат даражасида кафолатлаш талаб этилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 ноябрдаги «Бизнес юритишни ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришга доир навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–214-сон Фармони.

**Руҳшона БОЙМУРОДОВА, талаба,
(Ўзбекистон Миллий университети)**

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ СИЁСАТ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ЭЛЕКТРОН ИШТИРОК

Рақамли сиёсат замонавий давлат бошқарувидаги энг муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Сўнги йилларда ахборот-коммуникация технологияларининг тез суръатлар билан ривожланиши, фуқароларнинг сиёсий жараёнларга рақамли иштирокини ошириш, шаффофлик ва самарадорликни таъминлаш каби омиллар давлатлар учун рақамли сиёсатнинг стратегик устувор йўналишига айлантирди.

Рақамли сиёсат ўзи нима?

Рақамли сиёсат – бу замонавий давлатларнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатларини ташкиллаштириш, сиёсий жараёнларни ошкора, тезкор ва самарали амалга ошириш учун рақамли технологияларни қўллашни англатади. Рақамли сиёсатнинг асосий мақсади – сиёсий жараёнларни самарали ташкил этиш, фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва қарор қабул қилиш тизимини оптималлаштиришдир¹. Ҳозирги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, маълумотларга таянган бошқарув модели ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, ресурсларни оқилона тақсимлашда ва жамият эҳтиёжларига тезкор жавоб қайтаришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, рақамли трансформация давлат бошқарувида электрон ҳукумат тизимлари, сунъий интеллект, катта маълумотлар (Big Data) ва рақамли хавфсизликнинг аҳамиятини оширмоқда.

Рақамли сиёсат мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар кўплаб халқаро ва маҳаллий манбаларда ёритилган. Мавзу бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилганда, бир нечта асосий назариялар ва ёндашувлар алоҳида эътиборни талаб қилади. Шу соҳада Жан ван Дижк, Хелен Маргетц ва Чристонхер Г.Реддиск каби олимлар рақамли сиёсат ва e-government тушунчаларини ривожлантирган. Уларнинг тадқиқотларида рақамлаштиришнинг давлат бошқаруви, сиёсий жараёнлар ва фуқаролик иштирокига таъсир қилинган.

Жан Ван Дижк рақамли медиа, Интернет демократияси ва рақамли тенгсизлик бўйича етакчи олимлардан бири. У «The Deepening Divide» ва бошқа асарларида рақамли тенгсизлик (digital divide) ижтимоий, иқтисодий ва маданий тенгсизликни кучайтириши мумкинлигини таъкидлайди. Ван Дижк шундай ёзади: *рақамли воситалар барча гуруҳлар учун бир хил имкониятлар бера олмайди. Бу назария рақамли сиёсат ва давлат бошқарувида «рақамлаштириш ҳамма учун тенг фойда келтиради» деган*

¹ Harsanyi J.C. Games with incomplete information played by «Bayesian» players, I–III. Management Science, 14(3), 1967. – P. 159-182.

идеални танқид қилади ва сиёсатчиларни рақамли инклюзивлик (*inclusion*) стратегияларини яратишга чақиради¹.

Инглиз сиёсатшуноси Хелен Маргец сиёсий олим бўлиб, у «Рақамли давр бошқаруви» (*Digital Era Governance, DEG*) концепциясини Patrick Dunleavy билан бирга илгари сурган. DEG назариясига кўра, анъанавий «Янги Давлат Бошқаруви» (*New Public Management*) модели рақамли трансформация туфайли янгиланиши керак. Уларнинг асосий концепцияси уч тамойилга асосланган:

Реинтеграция – давлат органлари хизматлар ва жараёнларни бирлаштириш, яъни илгари бўлиниб юрган функцияларни қайта бирлаштириш.

Эҳтиёжларга асосланган яхлит ёндашув (*«Needs-based holism»*) – давлат хизматларини фуқароларнинг эҳтиёжлари асосида, интеграция шаклида ташкил этиш.

Рақамлаштириш (*«Digitization»*) – давлат бошқарувининг рақамли технологиялар ёрдамида модернизацияси, яъни онлайн платформалар, электрон ресурслар ва маълумотларга асосланган бошқарув².

Хален Маргец бошқа тадқиқотларида фуқароларнинг рақамли иштирокини, онлайн петициялар ва ижтимоий маълумотлар (*social information*) қандай ишлашини ўрганади. Масалан, Skott A.Hale, Piter Jon ва Таһа Yesserі билан ишлаган мақоласида у шундай дейди: *«Ижтимоий маълумотлар тенгдошларнинг хатти-ҳаракати ҳақида реал вақт режимида маълумот беришни осонлаштиради ва шу билан сиёсий фаолликни рағбатлантиради»* (*«Social information ... more easily give real-time information about the behaviour of peers ...and thereby stimulate political activity»*).

Бу фикр рақамли платформалар дизайни фуқароларнинг сиёсий фаоллигига таъсир қилиниши мумкинлигини кўрсатади ва сиёсий таҳлилчиларга рақамли сиёсатни платформа архитектураси, фойдаланувчи интерфейси ва дизайн психологияси нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш зарурлигини билдиради.

Шунингдек, Дунлеавй ва Маргетц 2015 йилда **«Рақамли бошқарув учун лойиҳалаш тамойиллари»** (*«Design Principles for Essentially Digital Governance»*) номли мақолада рақамли давлат бошқарувининг «асосан рақамли» тамойилларини белгилайди. Маргетц ва ҳамкорлари *«Artificial Intelligence in Goverment: Concepts, Standarts, and a Unidied Framework»* номли илмий мақоласида сунъий интеллект (AI)нинг давлат бошқарувида қўлланилиши учун *«operational fitness»*, *«epestemic alignment»* ва *«normative divergence»* деган уч ўлчовли концепциялар таклиф қилинган:

Амалий самарадорлик даражаси (*«Operational fitness»*) – AI тизимлари давлат операцияларига мос бўлиши, яъни амалда ишлай олиши керак.

¹ Van Dijk J. The deepening divide: Inequality in the information society. SAGE Publications, 2005.

² Margetts H.Z. Computerisation in American and British central government 1975-95: Policy-making, internal regulation and contracting in information technology (Doctoral dissertation). University of London, 1996.

Эпистемик уйғунлик («Epistemic alignment») – AI тизимлари билим ва маълумотларга қандай мос келиши кераклиги, яъни улар анализ қиладиган маълумотлар ва улардан чиққан натижалар давлат билим базасига мувофиқ бўлиши.

Меъёрий фарқланиш («Normative divergence») – AI тизимлари ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий талаблар билан қандай мувофиқлаштирилиши кераклиги, давлат учун муҳим меъёрлар (масалан, шаффофлик, адолат, масъулият) қандай таъминланиши кераклиги масаласи.

Бундан ташқари, Маргец «Rethinking AI for Good Governance» мақоласида AI давлатда уч асосий функцияни бажаришини мумкинлигини айтади:

1. Аниқлаш (detection) – муаммолар ва хатарларни автоматик аниқлаш,
2. Прогнозлаш (prediction) – маълумотлар асосида келажақдаги эҳтимолий ҳолатларни олдиндан баҳолаш,

3. Маълумотга асосланган қарор қабул қилиш (data-driven decision-making) – AI ёрдамида сиёсат ва стратегияларни илмий ва статистик асосларга таянган ҳолда ишлаб чиқиш.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, рақамли сиёсат глобал миқёсда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, фуқаролик иштирокини кучайтириш ва рақамли хавфсизликни таъминлашда муҳим восита сифатида қаралади.

Рақамли сиёсатни ўрганиш жараёни мураккаб, кўп қиррали ва турли методик ёндашувларни талаб қиладиган илмий йўналиш ҳисобланади. Шу сабабли, мавжуд жараёнлар самарадорлигини таҳлил қилиш учун комплекс методологик ёндашувдан фойдаланилади.

Дескриптив (тасвирий) таҳлил – бу тадқиқот жараёнида мавжуд рақамли сиёсий жараёнларни бевосита кузатиш, уларни тавсифлаш, солиштириш ва изоҳлашга асосланган метод ҳисобланади. Ушбу ёндашувнинг асосий мақсади рақамли сиёсатнинг ҳозирги ҳолатини умумий тасвирлаш ва ундаги асосий тенденцияларни аниқлашдир. Ушбу метод кўпинча статистик маълумотлар, ҳукумат ҳисоботлари, халқаро рейтинглар (*UN E-Government Survey, WEF индекслари, OECD маълумотлари*) ва эксперт хулосаларига таянади. Дескриптив ёндашув рақамли сиёсатни комплекс ҳолатда кўриш, жараёнларни тушуниш ва кейинги амалий босқичлар учун аниқ манзара шакллантириш имконини беради. Шу боис илмий мақолаларда у кўп қўлланади.

Индексли таҳлил – тадқиқот объекти бўлган сиёсий жараёнларни миқдорий кўрсаткичлар орқали баҳолашга имкон берувчи метод бўлиб, турли индикаторлар асосида интеграллашган индекслар тузиш ёки мавжуд халқаро индекслардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Унинг афзаллик жиҳати шундаки, индексли таҳлил усули рақамли сиёсат жараёнларини миқдорий мезонларда солиштириш имкониятини беради. Таҳлилнинг бу тури одатда статистик маълумотлар билан ишлаш, уларни тизимлаштириш, солиштириш, жадвал ва график орқали кўрсатишни талаб қиладди.

Тадқиқот методологиясида қўлланилган комплекс ёндашув – дескриптив таҳлил ва индексли баҳолаш – рақамли сиёсатнинг ҳозирги ҳолатини ҳар томонлама ёритиш имконини берди. Шунингдек, халқаро индекслардан фойдаланиш рақамли сиёсатни глобал мезонлар асосида баҳолашга имкон берди, бу эса мамлакатнинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий сиёсий тизимларда рақамли технологиялар давлат бошқарувини янгича сифат босқичига олиб чиқмоқда. Улар нафақат хизмат кўрсатиш жараёнларини тезлаштиради, балки давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ишончни кучайтиради. Рақамли технологияларнинг асосий вазифаларидан бири – давлат бошқаруви фаолиятини автоматлаштириш ва маълумотлар алмашинувини оптималлаштиришдир. Натижада, бюрократик жараёнлар қисқаради, инсон омилидан келадиган хатолар камаяди, қарор қабул қилиш тезлашади.

Масалан, давлат регистрлари, электрон идентификация, онлайн тўлов тизимлари, «бир дарча» электрон хизматлар платформалари бошқарув жараёнини марказлашган ҳолда бошқариш имконини беради. Жаҳон банки экспертлари таъкидлаганидек, *«рақамли давлатнинг асосий афзаллиги – маълумотларга асосланган сиёсий қарорлар қабул қилиш имкониятининг кескин ортишидир»*. Яъни, рақамли воситалар ҳукуматга реал вақт режимида таҳлил қилиш, прогноз бериш ва самарали бошқарувни таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, давлат бошқарувида рақамли технологиялар коррупция хавфини камайтиришнинг энг самарали инструментларидан бири ҳисобланади. Автоматлаштирилган жараёнлар, электрон ҳужжат алмашинуви ва рақамли назорат механизмлари хизмат кўрсатишда инсон аралашувини камайтиради, бу эса шаффофликни оширади.

Рақамли технологиялар, шунингдек, давлат хизматлари сифатини ошириб, уларни аҳолига қулайроқ ва тезкорроқ кўринишда тақдим этади. Ўзбекистонда my.gov.uz платформаси, электрон навбат тизимлари, солиқ ва божхона хизматларининг рақамлаштирилиши бунга яққол мисолдир.

Рақамли сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири – очиқ ҳукумат (open government) концепцияси бўлиб, унинг мазмуни давлат маълумотларини жамоатчиликка очиш, ҳукумат фаолиятини шаффофлаштириш ва фуқароларни қарор қабул қилиш жараёнига кенг жалб этишдир. Очиқ ҳукумат ташаббуси биринчи бор 2011 йилда бошлангач, бугунги кунга келиб 70 дан ортиқ давлат миллий очиқ ҳукумат дастурларини ишлаб чиққан.

Очиқ ҳукуматнинг уч асосий тамойили мавжуд:

1. Шаффофлик,
2. Фуқаролар иштироки,
3. Ҳисобдорлик.

Рақамли платформалар ушбу тамойилларни амалда таъминлаб беради. Масалан, давлат харидлари порталининг очиқ эълон қилиниши, бюджет маълумотларининг ошкор этилиши, электрон мурожаат ва жамоавий

таклиф платформалари (петициялар) фуқароларга сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имконини беради.

Электрон демократия (e-democracy) эса, рақамли технологиялар орқали сиёсий иштирокни кенгайтиришни англатади. Бу қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- а) Электрон мурожаатлар ва жамоатчилик эшитуви;
- б) Онлайн сўровлар ва ижтимоий фикрни ўлчаш тизимлари;
- с) Парламент ва маҳаллий кенгашлар фаолияти бўйича очиқ ахборотлар;
- д) Фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таклиф бериш имконияти.

Европа Кенгаши экспертларининг таъкидлашича, *«Электрон демократия – бу нафақат онлайн овоз бериш тизими, балки жамиятнинг сиёсий қарорлар устидан доимий мониторинг ва иштирокчанлик маданиятини шакллантирувчи механизмдир»*.

Рақамли иштирокнинг кучайиши фуқароларни сиёсий жараёнларга яқинлаштиради, давлат органларининг очиқлиги эса, ишончни мустаҳкамлайди. Шу сабабли рақамли сиёсат замонавий демократиянинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамли сиёсат сўнгги йилларда давлат бошқарувини модернизация қилишнинг устувор йўналишига айланди. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» концепцияси мамлакатнинг узоқ муддатли рақамли трансформациясини учун ишлаб чиқилган стратегик ҳужжат бўлиб, давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий хизматлар ва инфратузилмани тўлиқ рақамлаштиришни кўзлайди. Концепцияда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилган:

- электрон ҳукуматни жадал ривожлантириш, давлат хизматларини ягона платформа орқали кўрсатиш, «бир дарча» тизимини кенгайтириш;
- маълумотлар алмашинуви тизимини интеграция қилиш, давлат органлари ўртасидаги ягона маълумотлар базаси ва интероперабилитетни таъминлаш;
- аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш – мактаб, коллеж ва олийгоҳларда IT йўналишларининг кенгайиши, аҳоли учун очиқ IT-курслар ташкил этиш¹.

Концепцияда белгиланган ислохотлар давлат хизматларининг тезлиги, аниқ ишлаши ва шаффофлигини оширишга қаратилган. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш – Тараққиёт стратегиясининг устувор вазифаларидан биридир².

Рақамли трансформация жараёнлари айниқса солиқ, божхона, соғлиқни сақлаш, адлия, таълим каби соҳаларда фаол кечмоқда. Электрон навбат,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4996- сон Қарори.

² «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси – 2022-2026», 1-мақсад, 2-вазифа.

электрон паспорт, *my.gov.uz* орқали муружаатлар, рақамли тўлов тизимларининг кенгайиши бунинг амалий кўринишларидир. Бу жараённинг ижтимоий-сиёсий самараси сифатида фуқароларнинг давлат билан мулоқоти осонлашмоқда, маъмурий жараёнлар соддалашмоқда, давлат идоралари фаолияти устидан назорат кучаймоқда. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» концепцияси давлат бошқарувида сифат жиҳатдан янги босқични шакллантиришга қаратилган комплекс ислохот пакетидир.

Электрон ҳукумат Ўзбекистон рақамли сиёсатининг муҳим компоненти ҳисобланади. Бугунги кунда электрон ҳукуматнинг ривожланиш жараёнини қуйидаги мезонлар асосида тасвирлаш мумкин:

1. Хизматларнинг кенгайиши ва диверсификацияси электрон ҳукумат платформаларда (*хусусан, my.gov.uz орқали*) юзлаб хизматлар рақамли шаклда тақдим этилмоқда. Масалан, электрон солиқ декларацияси, туғилиш, никоҳ ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни онлине олиш, жарима ва давлат божлари бўйича реал вақт тўловлари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш, электрон навбат тизими. Хизматларнинг сони йил сайин ортиб бораётгани жараённинг динамик ривожланганини кўрсатади.

2. Давлат идоралари ўртасида маълумот алмашинуви (*interoperabilitet*). Таҳлил усули шуни кўрсатадики, давлат органлари ўртасида бир-бири билан уланадиган ягона маълумотлар алмашинув тизими шаклланимоқда. Бу эса, тақрорий ҳужжат талабларини қисқартириш, бюрократик жараёнларни камайитириш, аниқ ва тезкор маълумот олиш имконини яратмоқда.

3. Фуқароларнинг электрон хизматлардан фойдаланиш фаоллиги. Аҳоли томонидан электрон хизматлардан фойдаланиш суръатлари ошиб бормоқда. Бу – юқори мобил интернет қамрови, рақамли тўлов тизимларининг оммавийлашуви, платформаларнинг қулай интерфейси билан изоҳланади. Электрон хизматлардан фойдаланишнинг ортиши – сиёсий ишончнинг кучайганидан далолат беради.

4. Хизматлар сифати ва шаффофликнинг ошиши. Электрон ҳукуматнинг қўлланилиши коррупция хавфини камайтиради. Чунки, инсон аралашуви қисқаради, барча транзаксиялар рақамли из қолдиради, муружаатлар мониторинг қилинади. Таҳлил натижаларига кўра, электрон ҳукумат хизматлари давлат бошқарувида шаффофликни оширишнинг энг самарали инструментларидан бири бўлиб қолмоқда¹.

Рақамли инфратузилма – рақамли сиёсатнинг таянч омилларидан бири бўлиб, интернет қамрови, техник имкониятлар, тармоқ сифати ва ахборот хавфсизлиги даражасига бевосита боғлиқ. Ўзбекистонда рақамли инфратузилма сўнгги йилларда яхшиланиб, кенг полосали интернет, оптик толали тармоқлар ва мобил алоқа сифатининг ошиши кузатилмоқда.

Рақамли сиёсатни баҳолашда дескриптив таҳлилдан ташқари, мамлакатларни халқаро индикаторлар асосида солиштириш муҳим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030 стратегиясини юқори даражада амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

аҳамиятга эга. Бу ёндашув мамлакатнинг халқаро миқёсдаги ўрнини аниқлаш ва кучли ҳамда заиф томонларини белгилаш имконини беради.

E-Government Development Index (EGDI) бўйича таҳлил.

EGDI – БМТ томонидан ишлаб чиқилган электрон ҳукумат ривожланиш индекси бўлиб, уч компонентга асосланади:

1. Онлайн хизматлар ривож.
2. Телекоммуникация инфратузилмаси.
3. Инсон капитали.

Ўзбекистоннинг EGDI кўрсаткичлари (сўнгги йиллар):

- 1) 2018 йил: 0.45
- 2) 2020 йил: 0.52
- 3) 2022 йил: 0.57

Дескриптив таҳлил шуни кўрсатадики, сўнгги беш йилда Ўзбекистон EGDI индексини мунтазам ошириб келмоқда. Айниқса онлайн хизматлар ривож компонентида сезиларли ўсиш кузатилади, бу my.gov.uz ва электрон ҳужжат платформаларининг самарадорлигини тасдиқлайди.

EGDI бўйича Ўзбекистоннинг минтақавий ўрнини таҳлил қилганда¹:

- I) Қозоғистон: 0.63
- II) Қирғизистон: 0.49
- III) Тожикистон: 0.46

Бу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг минтақада ўрта даражада эканини кўрсатади, аммо ривожланиш суръати юқори.

E-Participation Index бўйича таҳлил.

E-Participation Index – фуқароларнинг электрон платформалар орқали сиёсий жараёнларда иштирокини баҳолайди. Индекс қуйидаги компонентлардан иборат:

- a) Онлайн ахборот олиш.
- b) Электрон консультация.
- c) Электрон қарор қабул қилиш жараёнида иштирок.

Ўзбекистон кўрсаткичлари²:

- 1) 2018 йил: 0.33
- 2) 2020 йил: 0.41
- 3) 2022 йил: 0.48

Дескриптив таҳлил шуни кўрсатадики, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги рақамли платформалар орқали ошиб бормоқда. Айниқса, электрон мурожаатлар ва петициялар орқали иштирок сезиларли даражада кўпайган. Минтақавий солиштиришда Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистондан юқори, Қозоғистондан бироз паст эканлиги кузатилади.

Network Readiness Index (NRI) ва рақамли иқтисодиёт тайёрлиги.

NRI мамлакатнинг рақамли технологияларга тайёрлик даражасини баҳолайди. Индекс қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Инфратузилма ва технологик имкониятлар.

¹ https://data360.worldbank.org/en/dataset/UN_EGDI - World Bank Open Data veb saytidan

² <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data-Center/>

2. Бизнес ва ҳукуматнинг рақамли стратегияси.
 3. Фуқароларнинг рақамли саводхонлиги.
- Ўзбекистон кўрсаткичлари¹:

- 1) 2018 йил: 3.5/7
- 2) 2020 йил: 4.1/7
- 3) 2022 йил: 4.7/7

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон рақамли тайёргарлик бўйича секин-аста, аммо ижобий ривожланмоқда. Айниқса, ҳукуматнинг рақамли стратегиялари ва электрон хизматлар кенгайиши бу кўрсаткични оширишга ёрдам берди.

Қиёсий таҳлил: минтақавий ва халқаро солиштириш.

EGDI, E-Participation ва NRI кўрсаткичларини бирлаштириб таҳлил қилганда:

Давлат	EGDI	E-Participation	NRI
Ўзбекистон	0.57	0.48	4.7
Қозоғистон	0.63	0.50	5.2
Қирғизистон	0.49	0.42	4.2
Тожикистон	0.46	0.39	4.0

Дескриптив ва индекс таҳлили шуни кўрсатадики:

- Ўзбекистон минтақада ўрта даражада ривожланган,
- онлайн хизматлар ва рақамли иштирокнинг ўсиш суръати юқори,
- рақамли инфратузилма ва иқтисодий тайёргарлик соҳаларида қўшимча ислохотлар зарур.

Индексли таҳлил натижасида Ўзбекистоннинг рақамли сиёсатдаги глобал ва минтақавий ўрнини баҳолаш мумкин бўлди. EGDI ва E-Participation кўрсаткичлари мамлакатнинг электрон хизматлар ва фуқароларнинг рақамли иштирокида сезиларли ютуқлар борлигини кўрсатади. Шу билан бирга, NRI кўрсаткичлари рақамли тайёргарлик ва инфратузилма соҳаларида қўшимча чора-тадбирлар зарурлигини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мақолада Ўзбекистоннинг рақамли сиёсати дескриптив ва индексли таҳлил методлари асосида ўрганиб чиқилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики:

1. Давлат бошқарувида рақамли технологияларнинг роли ортиб бормоқда. Электрон хизматлар, ягона давлат реестрлари ва my.gov.uz платформаси бошқарув самарадорлигини оширмоқда.

2. Очиқ ҳукумат ва электрон демократия тамойиллари асосида фуқароларнинг сиёсий жараёнларга иштироки кенгаймоқда. Электрон мурожаатлар, петициялар ва ижтимоий тармоқлар бу жараёнда асосий воситага айланган.

3. Дескриптив таҳлил мамлакатда рақамли трансформация ва инфратузилманинг изчил ривожланишини кўрсатди. Электрон ҳукумат хизматларининг кенгайиши фуқароларнинг сиёсий иштирокини кучайтирмоқда.

¹ <https://networkreadinessindex.org/-Network Readiness Index веб-сайтидан>

4. Индексли таҳлил (EGDI, E-Participation, NRI) Ўзбекистоннинг минтақавий ўрта даражада ривожланаётганини, лекин рақамли тайёргарлик ва инфратузилма соҳаларида қўшимча ислохотлар зарурлигини тасдиқлайди.

Шу билан, рақамли сиёсат мамлакатнинг давлат бошқарувини модернизация қилиш, шаффофликни ошириш ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини кучайтириш имконини бермоқда.

Таклифлар:

1. Рақамли инфратузилмани мустаҳкамлаш. Оптик толали тармоқлар ва мобил интернет қамровини янада кенгайтириш. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари ўртасидаги тармоқ сифатидаги тафовутни камайтириш.

2. Фуқароларнинг рақамли саводхонлигини ошириш. Мактаб, коллеж ва олий таълим муассасаларида IT ва рақамли сиёсат бўйича курслар кенгайтирилиши. Аҳоли учун онлайн курслар ва амалий машғулотлар ташкил этиш.

3. Электрон демократия платформаларини ривожлантириш. Электрон петициялар, консультациялар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш тизимини янада қулайлаштириш. Фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнида фаол иштирокини рағбатлантириш.

4. Ахборот хавфсизлигини кучайтириш. Давлат хизматлари ва маълумотлар базаларини киберхавфсизлик стандартларига мослаштириш. Ахборот тизимларини ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича махсус мониторинг марказларини кенгайтириш.

5. Рақамли сиёсатнинг мониторинг ва баҳолаш механизмларини жорий этиш. EGDI, E-Participation ва NRI каби халқаро индексларни мунтазам кузатиш. Бу кўрсаткичлар асосида рақамли сиёсатнинг самарадорлигини баҳолаб, кейинги стратегик чора-тадбирларни белгилаш.

Улуғбек ИСМОИЛОВ, катта ўқитувчи
(Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВИРТУАЛ **ҚАБУЛХОНАСИ: РАҚАМЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА** **ФУҚАРОЛАР МУЛОҚОТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМИ**

Рақамли технологиялар ва очиқлик принциплари давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишда муҳим воситага айланди. Хусусан, фуқаролар билан давлат мулоқотининг электрон платформалари давлат органларининг халққа яқинлигини таъминлаш, шаффофликни ошириш ва ҳуқуқий давлат тамойилларини мустаҳкамлашда марказий роль ўйнайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси – pm.gov.uz ахборот-коммуникация тизими жорий этилган бўлиб, у замонавий

демократия тамойиллари асосида давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар ўртасидаги бевосита мулоқотни таъминлашга хизмат қилади¹.

Президент виртуал қабулхонаси 2016 йил 24 сентябрда интернетда ишга туширилган бўлиб, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси сифатида фаолият бошлаган эди. Кейинчалик 2016 йил 28 декабрда имзоланган ушбу ҳужжат билан фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқ билан самарали мулоқот стратегиясини шакллантириш мақсадида халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхона жорий этилди².

Анъанавий қабулхоналар орқали шахсий мурожаатларни кўриб чиқиш давлат идораларининг иш юкини кўпайтирган, айрим фуқароларга айниқса чекка ҳудудларда мурожаат етказиш қийин бўлган. Виртуал қабулхона ушбу муаммони бартараф этиб, фуқароларга ўз ариза, таклиф ва шикоятларини бевосита президент даражасида юбориш имконини берди³.

Виртуал қабулхона 2026 йил ҳолатига кўра юзлаб минглаб мурожаатларни қабул қилган ва ишлаб чиқилган хабарлар статистикаси ҳам шуни тасдиқлайди. Бу кўрсаткичлар тизимнинг амалий натижалари ва фуқаролар томонидан фаол фойдаланилаётганлигидан далолат беради⁴.

Фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқини рағбатлантириш, давлат бошқарувидаги очиқлик ва ҳисобдорликни мустаҳкамлаш мақсадида, виртуал қабулхона тизими орқали ҳар бир фуқаро ўз ариза, шикоят ва таклифларини тўғридан-тўғри Президентга юбориш имконига эга бўлади. Бу – давлат раҳбари олдига мурожаат қилиш ҳуқуқини электрон шаклда амалга оширишга ёрдамлашувчи механизмидир. Фуқаролар ўз масалаларини интернет орқали юбориб, жавобни ҳам онлайн олиши мумкин⁵.

Тизим мурожаатларни ягона марказлаштирилган платформа орқали рўйхатга олиб, уларни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади. Бу давлат органлари фаолиятини баҳолаш, уларнинг фуқаролар мурожаатларига муносабатини назорат қилиш имконини беради. Бу йўл билан ижро этиладиган ишлар тизимли тарзда мониторинг қилинади⁶. Шу орқали, давлат идораларининг фуқаролар мурожаатига тез ва сифатли жавоб бериш тизимини шакллантиришга эришилади.

Виртуал қабулхона шаффоф мониторинг, статистик ахборот, мурожаатлар бўйича таҳлилий маълумотлар орқали жамият билан давлат органлари ўртасида узлуксиз алоқа ўрнатади. Бу ижро этилаётган сиёсатнинг самарадорлигини оширади ва ижтимоий ишончни мустаҳкамлайди.

Президент виртуал қабулхонаси pm.gov.uz портали орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва мурожаатларини интернет орқали қабул

¹ Rakhmonkulov G.F. The path of the ict development of the «smart city» in Uzbekistan. – Tashkent, 2018.

² Ўзбекистон матбуотининг ахборот дайжести, 2017. <https://www.uzbekembassy.in/information-digest-of-press-of-uzbekistan-1-january-2-2017--edition>

³ Rakhmonkulov G.F. The path of the ict development of the «smart city» in Uzbekistan. – Tashkent, 2018.

⁴ <https://pm.gov.uz/oz/lists/view/23>

⁵ <https://pm.gov.uz/oz/lists/view/23>

⁶ Президентнинг виртуал қабулхонаси, 2024. <https://uzinfocom.uz/uz/projects/prezidentning-virtual-qabulxonasi-uz-latin-34>

қилади. Улар тизимда автоматик рўйхатга олинади ва кейинги таҳлил учун сақланади.

Юборилган мурожаатлар мазмунига қараб, улар тегишли давлат органларига электрон тарзда йўналтирилади. Бу жараён мурожаатларни самарали кўриб чиқишнинг асосий механизмидир.

Марказлаштирилган тизимнинг яна бир вазифаси – мурожаатлар бўйича жараёни назорат қилиш ва кўриб чиқиш натижаларини мониторинг қилиш. Бу мурожаатлар ҳолати, уларнинг қайси муддатда кўрилгани ва қанчалик ҳал бўлганини аниқлашда хизмат қилади.

Тизимга йиғилган маълумотлар асосида мурожаатлар ихтисослашган таҳлилга юборилади. Бу давлат сиёсатини такомиллаштириш, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Президент виртуал қабулхонаси – бу фуқаролар, жисмоний ва юридик шахслар учун давлат бошқаруви органларига мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, йўналтириш ва мониторинг қилиш бўйича комплекс электрон ҳукумат тизими. Унда қуйидаги функционал имкониятлар мавжуд:

Виртуал қабулхона тизими орқали ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс ўз ариза, таклиф ёки шикоятини интернет тармоғи орқали rt.gov.uz сайти орқали юбориши мумкин. Тизим мурожаатларни автоматик тарзда рўйхатга олиб, уларни марказлаштирилган ахборот базасида сақлайди. Бу имконият мурожаатларнинг йўқолишининг олдини олади ҳамда уларни тизимли қайта ишлашга асос бўлади.

Бу функционаллик давлат бошқарувида рақамли трансформациянинг муҳим компоненти бўлиб, мурожаатларни стандарт форматда қабул қилиш орқали уларнинг кейинги таҳлили ва статистик мониторингини осонлаштиради.

2018 йил 1 февралдан бошлаб тизимда фойдаланувчиларга шахсий кабинет очиш функцияси жорий этилди. Шахсий кабинет орқали мурожаат юборувчи:

- мурожаат тарихи ва ҳолатини кузатиши,
- шахсий маълумотларини сақлаб, кейинги мурожаатларда автоматик тўлдириши,
- мурожаат билан боғлиқ ёзишмаларни бир жойда кўриши мумкин.

Виртуал қабулхона тизими мурожаат мазмуни бўйича уни тегишли давлат органлари ёки мансабдор шахсларга йўналтиради ҳамда ижроси бўйича мониторингни амалга оширади. Бу жараён мурожаатларнинг ҳал этилиш муддатлари, натижаси ва масъул идоралар бўйича статистик маълумотларни тўплаш имконини беради.

Мурожаатларнинг марказлаштирилган йўналтирилиши рағбатлантирувчи механизм бўлиб, давлат органларининг жавобгарлигини оширади ҳамда фуқаролар мурожаатига тезкор реакция кўрсатишга хизмат қилади.

2020 йилларнинг бошларидан виртуал қабулхонага **«Онлайн маслаҳатчи»** функцияси қўшилди. Бу модуль мурожаатчиларга тегишли соҳа бўйича мутахассислар билан реал вақт режимида маслаҳат олиш имкониятини тақдим этади. Мутахассислар мурожаат мазмунига қараб саволларга жавоб беради ёки уни тегишли йўналишга йўналтиради.

Тизим фойдаланувчиларга қуйидаги қўшимча функционал имкониятларни ҳам таклиф этади:

«Халқ қабулхоналари» бўлими. Фуқароларни мулоқотга жалб қилиш учун ҳудудлардаги халқ қабулхоналари жадвали ва манзиллари билан танишиш имконияти¹.

Янгиликлар ва статистик маълумотлар. Портал саҳифасида тизимда қўрилган мурожаатлар статистикаси ва янгиликлар акс эттирилади.

ID.GOV.UZ орқали кириш. Мурожаатчилар тизимга ягона идентификация орқали кириб, хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Порталнинг кенг функционал архитектураси мурожаатчилар учун хизмат кўрсатиш жараёнини янада қулай, очиқ ва шаффоф қилади.

Президент виртуал қабулхонаси функционал имкониятлари қуйидагилар билан ажралиб туради:

1. Электрон ва марказлаштирилган мурожаатни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва статистика юритиш – давлат бошқаруви самарадорлигини оширади ва фуқаролар билан алоқани автоматлаштиради.

2. Шахсий кабинет орқали идентификация ва изчилликни таъминлаш – мурожаатларни индивидуал даражада бошқариш имконини беради, бу эса мурожаатларни қайта кўриб чиқишни тизимли қилади.

3. Онлайн маслаҳатчи функцияси – мурожаатчиларга мураккаб масалаларни ҳал этишда қўшимча соҳа бўйича йўриқнома беради.

4. Тизимли йўналтириш ва мониторинг – мурожаатларнинг ижросини реал назорат остида тутати, бу эса давлат органларининг жавобгарлигини оширади.

Ушбу функциялар Президент виртуал қабулхонасини нафақат мурожаат қабул қилувчи электрон хизмат, балки давлат фуқаролар билан самарали рақамли мулоқот механизми сифатида белгилайди. Тизим фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасидаги интерактив диалогни мустаҳкамлашга хизмат қилади, бу эса замонавий давлат бошқаруви тамойилларига мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ишга туширилганидан бери мурожаатларнинг сони йилдан-йилга сезиларли даражада ошган. Портал 2016 йилда жорий этилганидан кўп ўтмай, қисқа муддат ичида 1,2 млн.дан ортиқ мурожаат қабул қилинганлиги қайд этилган².

2018 йил ҳолатига кўра эса мурожаатлар умумий сони 2 021 785 тадан ошган, улардан 1 964 123 таси кўриб чиқилган. 2024 йил май ҳолатига кўра,

¹ <https://pm.gov.uz/oz/lists/view/23>

² 1,2 million murojaat. Virtual qabulxona bilan bir yil, 2017. <https://kun.uz/news/2017/09/23/12-million-murojaat-virtual-kabulhona-bilan-bir-jil?q>

виртуал қабулхона орқали 9 416 267 дан зиёд мурожаат қабул қилинган ва 9 328 386 таси кўриб чиқилиб, ечим топганлиги ҳақида хабар берилган¹.

2026 йил январь ҳолатига қараганда, тизим бўйича жами 11 146 772 мурожаат статистика сифатида эълон қилинган, бу фуқароларнинг давлат бошқарувиға мурожаат қилиш фаоллигининг юқори эканини кўрсатади.

2017-2021 йиллар давомида Президент виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналарига жами 5,78 млн.дан ортиқ мурожаатлар қабул қилинганлиги маълум қилинган.

Ушбу мурожаатларнинг ечим топган қисми ҳар йили ошиб бораётганлиги қайд этилган:

- 2017: 47,5 фоиз ечим;
- 2018: 53,9 фоиз;
- 2019: 60,9 фоиз;
- 2020: 60,4 фоиз;
- 2021: 86,7 фоиз ечим топган.

Бу статистикалар мураккаб ижтимоий муаммоларни тез ҳал этиш бўйича виртуал қабулхонанинг самарадорлиги ошиб бораётганини кўрсатади.

Виртуал қабулхона орқали фуқаролар мурожаатлари таҳлили асосида ижтимоий муаммоларни тизимли ҳал этиш бўйича қатор амалий чоралар амалга оширилган:

▪ валюта конвертацияси бўйича кўплаб аризалар таҳлил қилиниб, шу асосда республикада валюта бозори либерализация қилинган, бунинг натижасида мурожаатлар сони сезиларли камайган (*2017 йилда 22 000 дан ортиқ бўлган мурожаатлар 2021 йилда 33 тага тушган*).

▪ фуқаролигини олиш тартиблари соддалаштирилгани туфайли 100 мингдан ортиқ оилалар бу жараёндан фойдаланиши мумкин бўлган.

▪ уй-жой масаласи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, меҳнатга лаёқатли бошқарилмаган аҳолига уй-жой ажратиш ва доимий бандлик таъминланган.

Бу амалий ечимлар виртуал қабулхонанинг фуқаролар ҳаётига бевосита ижобий таъсир кўрсатганини кўрсатади.

Виртуал қабулхона нафақат шикоят ва таклифларни қабул қилади, балки мурожаатлар асосида амалга ошириладиган сиёсат ва амалий чоралар жамият эҳтиёжларини инobatга олиш механизмини кучайтиради. Бу давлат бошқаруви ва фуқаролар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди.

Президент виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатларини электрон тарзда қабул қилиш механизмини яратган бўлса-да, унинг амалий самарадорлиги борасида жиддий танқидлар мавжуд. Мисол учун, 2024 йилда виртуал қабулхона ва халқ қабулхоналарига юборилган мурожаатларнинг тахминан 55 фоизи ижобий ҳал этилмаган деб қайд этилган. Бу ҳолат давлат раҳбари томонидан ҳам танқид қилинди, у тизимнинг асосан мурожаатларни «диспетчер хизматиға» айлантирилганини таъкидлади – яъни, тизим

¹ Prezident Virtual qabulxonasiga yuborilgan murojaatlar soni 2 milliondan oshdi, 2018. <https://kun.uz/news/2018/06/25/prezident-virtual-kabulhonasiga-yuborilgan-murojaatlar-soni-2-milliondan-oshdi>

фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш ўрнига мурожаатларни бошқа идораларга йўналтириб қўяди.

Тизимнинг етарлича самарали ишламаётгани фуқароларни ижтимоий тармоқларга мурожаатларни оширишга ундайди. Президентнинг ўз мурожаатида таъкидланишича, ҳал этилмаган муаммолар сабаб фуқаролар кўпроқ ижтимоий тармоқлардаги шикоятларга мурожаат қилмоқда. Бу ҳолат виртуал қабулхонанинг давлат-жамият мулоқоти доирасидаги функциясини заифлаштиради, чунки фуқаролар расмий канал орқали ечим топа олмаганда, норозиликни очиқ майдонларда ифодалашга ўтади.

Агар тизим мурожаатларни фақат йўналтирса ва ечим топиш механизмини бошланғич босқичдан ўткази олмаса, унда унинг жуда кўп миқдордаги мурожаатлар статистикани ошириши фуқаролар ҳаётига реал таъсир кўрсатмайди. Бу нафақат тизимнинг самарадорлигига, балки ҳукуматнинг жамиятдаги ишончига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Виртуал қабулхонада мавжуд «Онлайн маслаҳатчи» каби бўлимлар мавжуд бўлса-да, уларнинг самарадорлиги етарли даражада баҳоланмайди. Замонавий электрон ҳукумат тизимлари фуқароларнинг мурожаатларини тез ва самарали ҳал этиш учун молиявий, техник ва аналитик воситаларни кенг жорий этади. Бу эса, фойдаланувчи қониқишини оширади ва тизим самарадорлигини яхшилади.

Виртуал қабулхона тизими орқали ечим топмай қолган мурожаатларда фуқаролар шикоятларини тизимли таҳлил қилиш зарур. Бунинг учун:

- режалаштирилган интерактив жавоблар бериш механизми жорий қилиниши;
- қайта алоқа механизми, яъни мурожаатнинг ечим топиши бўйича ишчил хабарнома юбориш йўлга қўйилиши;
- низоларни ҳал этиш бўйича ўзаро самарали механизмлар ишлаб чиқилиши керак.

Бу йўналишлар фуқаролар билан диалогни мустаҳкамлаш, давлат органларининг жавобгарлигини ошириш ва норозилик ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, Президент виртуал қабулхонаси — бу Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви ва фуқаролар ўртасидаги мулоқотни замон талабларига мослаштирувчи замонавий электрон тизим бўлиб, у фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилади ва давлат хизматларини янада шаффоф, қулай ва самарали тарзда ташкил этишга хизмат қилади.

Ушбу тизимнинг ташкил этилиши давлат сиёсатининг фуқаролар манфаатларини биринчи ўринга қўювчи тамойили асосида шакллانган бўлиб, фуқаролар билан бевосита алоқани мустаҳкамлаш, мурожаатларни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш ва натижаларини мониторинг қилиш орқали давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган.

**Абдулхамид РАЙИМОВ, доцент
(САМУ халқаро тиббиёт университети)**

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ: ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

XXI асрда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши давлат бошқаруви тизимининг мазмун ва шакл жиҳатидан тубдан янгиланишини тақозо этмоқда. Рақамли трансформация давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш, фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларни очиқ ва шаффоф қилиш, қарорлар қабул қилиш жараёнларини тезкор ва асосли йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Жаҳон банки мутахассисларининг таъкидлашича, рақамли ҳукумат давлатнинг **«фуқаролар эҳтиёжларига мослашган, очиқ ва ҳисобдор бошқарув моделини»** шакллантиришга имкон беради¹.

Ўзбекистонда сўнгги-йилларда давлат бошқарувини модернизация қилиш доирасида рақамли трансформация устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. 2020 йилда қабул қилинган «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси мамлакатда электрон ҳукуматни ривожлантириш, давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш ва маълумотларга асосланган бошқарувни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратди².

Мазкур мақоланинг мақсади Ўзбекистонда давлат бошқарувида рақамли трансформациянинг назарий асослари, замонавий тенденциялари ва истиқболларини таҳлил қилиш ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Давлат бошқарувида рақамли трансформациянинг назарий асосларига тўхталсак. **Рақамли трансформация** – бу фақат ахборот технологияларини жорий этиш эмас, балки давлат бошқарувининг институционал, ташкилий ва функционал тузилмасини қайта қуриш жараёнидир. OECD экспертлари рақамли ҳукуматни **«Рақамли технологиялар асосида хизматлар кўрсатиш, фуқаролар иштирокини кучайтириш ва очиқ бошқарувни таъминловчи комплекс тизим»** сифатида талқин этадилар³.

Назарий жиҳатдан рақамли трансформация қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади: – давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш;

- маълумотларга асосланган бошқарув (data-driven governance);
- очиқ маълумотлар ва шаффофлик;
- фуқаролар иштирокини кенгайтириш;
- идоралараро интеграция ва ягона платформалар яратиш.

¹ World Bank. GovTech: Putting People First. Washington, DC: World Bank, 2021. – P. 34-43.

² Мирзиёев Ш.М. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси. – Тошкент: Адлия, 2020. – Б. 7-15.

³ OECD. Digital Government Review of Uzbekistan. Paris: OECD Publishing, 2020. – P. 21-31.

Жаҳон банки тадқиқотларида қайд этилишича, рақамли ҳукумат тизими давлат харажатларини 15-20 фоизгача қисқартириш ва хизмат кўрсатиш тезлигини бир неча баробар ошириш имконини беради¹. Шу сабабли рақамли трансформация замонавий давлат бошқарувининг ажралмас таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистонда рақамли трансформация сиёсати ва норматив-ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Ўзбекистонда рақамли давлат бошқарувини шакллантириш жараёни 2017 йилдан кейин тизимли тус олди. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 5-октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги фармони мамлакатда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди².

Мазкур стратегияда қуйидаги вазифалар устувор этиб белгиланди:

- барча асосий давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш;
- ягона идентификация ва маълумотлар алмашинуви тизимини яратиш;
- очиқ маълумотлар платформасини ривожлантириш;
- рақамли инфратузилмани ҳудудлар кесимида кенгайтириш.

Шунингдек, Президентнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да 2026 йилга қадар давлат хизматларининг камида 70 фоизини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси белгиланган³.

2024 йил ҳолатига кўра, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали 300 дан ортиқ хизматлар электрон шаклда кўрсатилмоқда⁴. Шундан хулоса қилиш мумкинки, ислохотлар халқ турмушини енгиллатишга қаратилмоқда ва ижтимоийлашмоқда.

Замонавий тенденциялар: электрон ҳукумат ва рақамли хизматларнинг ривожланиш ҳолатини қуйидагича изоҳлаймиз:

1. Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш. Ўзбекистонда электрон ҳукумат давлат органлари фаолиятини автоматлаштириш ва идоралараро ахборот алмашинувини таъминлашнинг асосий воситасига айланди. OECD ҳисоботида қайд этилишича, Ўзбекистон Марказий Осиёда электрон ҳукумат инфратузилмасини энг тез жорий этаётган мамлакатлардан биридир⁵.

2. Проактив давлат хизматлари. Сўнгги йилларда айрим хизматлар фуқароларнинг аризасисиз автоматик тарзда тақдим этилмоқда. Жаҳон банки таҳлилига кўра, проактив хизматлар инсон омилини 40 фоизгача камайтиради ва коррупция хавфини сезиларли даражада пасайтиради⁶.

¹ Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ–60-сон Фармон. – Тошкент: Адлия, 2022. – Б. 9-11.

² Мирзиёев Ш.М. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси. – Тошкент: Адлия, 2020. – Б. 7-15.

³ Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ–60-сон Фармон. – Тошкент: Адлия, 2022. – Б. 9-11.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти тўғрисида ҳисobot. – Тошкент, 2024. – Б. 4-6.

⁵ OECD. Digital Government Review of Uzbekistan. Paris: OECD Publishing, 2020, – P. 21-31.

⁶ World Bank. GovTech: Putting People First. Washington, DC: World Bank, 2021. – P. 34-43.

3. Очiq маълумотлар ва шаффофлик. Очiq маълумотлар портали (data.gov.uz) орқали давлат бюджети, статистика ва ижтимоий кўрсаткичлар эълон қилинмоқда. БМТ Тараққиёт дастурининг ҳисоботида очiq маълумотлар жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг муҳим омили сифатида баҳоланади¹. Ислохотлар албатта муаммолар ва чекловларсиз ривожланмайди.

Таъкидлаш жоизки, рақамли трансформация жараёнида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

- ҳудудлар ўртасида рақамли тенгсизлик;
- кадрлар малакасининг етарли эмаслиги;
- ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни ҳимоялаш масалалари;
- идоралараро интеграциянинг тўлиқ йўлга қўйилмагани.

OECD мутахассисларининг таъкидлашича, институционал ислохотлар билан бир қаторда инсон капиталига инвестициялар рақамли трансформациянинг муваффақиятини белгилайди².

Соҳадаги муаммолар ва чекловларни бартараф этиш учун истиқболлар ва амалий таклифлар зарур. Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Давлат хизматчилари учун рақамли компетенциялар бўйича мажбурий қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш. Ушбу таклифни амалга ошириш механизми сифатида, аввало, давлат хизматчилари учун ягона миллий «Рақамли компетенциялар стандарти»ни ишлаб чиқиш зарур. Мазкур стандарт асосида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамкорлигида мажбурий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Бунда:

- ҳар бир давлат органи ходимларининг рақамли кўникмалари даражаси баҳоланади;
- онлайн ва офлайн форматда модулли ўқув дастурлари ишлаб чиқилади;
- хизмат лавозимига тайинлаш ва аттестация жараёнларида рақамли компетенциялар алоҳида мезон сифатида киритилади.

Мазкур механизм давлат хизматчиларининг рақамли салоҳиятини тизимли равишда оширишга хизмат қилади.

2. Идоралараро ягона маълумотлар платформасини яратиш. Идоралараро интеграцияни таъминлаш мақсадида ягона миллий «**Давлат маълумотлар интеграция платформаси**»ни шакллантириш зарур. Ушбу платформа орқали барча вазирлик ва идоралар маълумотлари ўзаро автоматик тарзда алмашилиш имконига эга бўлади.

Амалга ошириш механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

¹ UNDP. Digital Transformation in Public Administration. – New York: UNDP, 2022. – P. 45-49.

² OECD. Digital Government Review of Uzbekistan. Paris: OECD Publishing, 2020. – P. 21-31.

- Давлат хизматлари агентлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ягона техник стандартлар ишлаб чиқиш;
- барча давлат реестрлари ва ахборот тизимларини босқичма-босқич интеграция қилиш;
- «бир марта тақдим этиш» (once-only principle) тамойилини жорий этиш.

Натижада фуқаролардан қайта-қайта маълумот талаб қилиш амалиёти бартараф этилади ва қарор қабул қилиш жараёни тезлашади.

3. Очиқ маълумотлар сифатини ошириш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш. Очиқ маълумотлар сифатини ошириш учун давлат органлари томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги, янгиланиш даврийлиги ва форматларини стандартлаштириш лозим. Бу борада махсус **«Очиқ маълумотлар сифати регламенти»** қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Амалга ошириш механизми сифатида:

- ҳар бир давлат органида очиқ маълумотлар учун масъул бўлинма белгилаш;
- маълумотларни машинада ўқиладиган (machine-readable) форматда жойлаштириш;
- фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида жамоатчилик мониторингини жорий этиш таклиф этилади.

Бу механизм очикликни кучайтириш, жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва давлат бошқарувида ишончни оширишга хизмат қилади.

4. Ахборот хавфсизлиги бўйича миллий стандартларни такомиллаштириш. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида миллий киберхавфсизлик стандартларини халқаро ISO/IEC талаблари билан уйғунлаштириш зарур. Бунда Ахборот хавфсизлиги агентлиги ҳамда тегишли вазирликлар иштирокида ягона норматив-ҳуқуқий база яратилиши лозим.

Амалга ошириш механизми қуйидагиларни қамраб олади:

- барча давлат ахборот тизимларини мажбурий аудитдан ўтказиш;
- шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ягона техник протоколларни жорий этиш;
- киберхавфсизлик бўйича ихтисослашган кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш.

Ушбу чора-тадбирлар рақамли давлат бошқарувида барқарорликни таъминлаш ва ахборот хатарларини минималлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса. Ўзбекистонда давлат бошқарувида рақамли трансформация жараёнлари сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли институционал ислохотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси, Президент фармонлари ҳамда халқаро ташкилотлар тавсияларига асосланган ҳолда электрон ҳукумат инфратузилмаси босқичма-босқич ривожлантирилди, давлат хизматларининг салмоқли қисми рақамли форматга ўтказилди, идоралараро ахборот алмашинуви ва очиқ маълумотлар тизимлари

шакллантирила бошланди. Мазкур жараёнлар давлат бошқарувида очиқлик, шаффофлик ва самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, тадқиқот натижалари рақамли трансформация жараёни қатор тизимли муаммо ва чекловлар билан боғлиқ эканини кўрсатади. Хусусан, давлат хизматчиларининг рақамли компетенциялари даражасининг етарли эмаслиги, идоралараро маълумотлар интеграциясининг тўлиқ таъминланмаганлиги, очиқ маълумотлар сифатининг нотекислиги ҳамда ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ хавф-хатарлар рақамли ислохотлар самарадорлигини чеклаб қўймоқда.

Мақолада илгари сурилган амалий таклифлар мазкур муаммоларни бартараф этиш ва давлат бошқарувида рақамли трансформацияни чуқурлаштиришга қаратилган. Давлат хизматчилари учун рақамли компетенциялар бўйича мажбурий қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилади.

Идоралараро ягона маълумотлар платформасини яратиш бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини оптималлаштириш ва **«бир марта тақдим этиш»** тамойилини тўлиқ жорий этиш имконини беради. Очиқ маълумотлар сифатини ошириш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш давлат бошқарувида жамоатчилик назорати ва ҳисобдорликни мустаҳкамлайди. Ахборот хавфсизлиги бўйича миллий стандартларни такомиллаштириш эса, рақамли инфратузилманинг барқарорлиги ва ишончилигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг асосий илмий натижаси сифатида Ўзбекистонда давлат бошқарувида рақамли трансформациянинг замонавий тенденциялари ва асосий муаммолари тизимли равишда аниқлаб берилди ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган комплекс амалий механизмлар таклиф этилди. Мақоланинг илмий янгилиги эса давлат бошқарувида рақамли компетенциялар, идоралараро интеграция, очиқ маълумотлар ва ахборот хавфсизлигини бир бутун тизим сифатида ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиниши ҳамда миллий шароитга мос интеграл ёндашув ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли трансформация Ўзбекистонда самарали, шаффоф ва фуқаролар эҳтиёжларига йўналтирилган давлат бошқаруви моделини шакллантиришнинг стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур жараённи изчил давом эттириш учун институционал ислохотларни чуқурлаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, технологик интеграцияни таъминлаш ҳамда ахборот хавфсизлигини комплекс равишда ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолади.

Бобир КАРИМОВ, соц.ф.д. (DSc), профессор
(Ўзбекистон Республикаси Давлат сиёсати
ва бошқаруви академияси)

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ

Глобал рақамлашув жараёнлари XXI асрда давлат бошқаруви тизимини тубдан янгилашни тақозо этмоқда. Замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши бошқарув жараёнларининг самарадорлигини ошириш, давлат хизматларини аҳолига яқинлаштириш ҳамда институционал шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараён давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини амалга оширишда янги ёндашувларни шакллантирмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Электрон ҳукумат тизимлари, рақамли платформалар ва интерактив хизматлар орқали фуқароларнинг бошқарув жараёнларидаги иштироки кенгаймоқда. Натижада, қарор қабул қилиш жараёнлари очиқлашиб, жамоатчилик назорати кучаймоқда.

Рақамли трансформация фақат техник янгиланиш эмас, балки бошқарув маданияти, институционал механизмлар ҳамда фуқаролар иштирокининг комплекс ўзгаришини англатади. У давлат хизматчиларининг профессионал компетенцияларини ошириш, маълумотларга асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда инновацион фикрлашни шакллантиришни талаб қилади. Шу боис рақамли давлатни ривожлантириш барқарор тараққиётнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Рақамли трансформация тушунчаси давлат бошқарувида жараёнларни автоматлаштириш, маълумотлар алмашинувини тезлаштириш ҳамда қарор қабул қилишда аналитик технологиялардан фойдаланишни қамраб олади. Бу жараёнлар давлат органлари фаолиятини оптималлаштириш, иш юритишда инсон омилини қисқартириш ва хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади. Натижада, бошқарув тизимида шаффофлик ва ҳисобдорлик даражаси ортиб боради. Рақамли трансформация маълумотларга асосланган бошқарув моделини шакллантириш имконини яратади¹. Катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлаш, хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ҳамда стратегик қарорларни илмий асосда қабул қилиш мумкин бўлади. Бу эса давлат сиёсати самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Анъанавий бюрократик моделдан сервисга йўналтирилган бошқарув тизимига ўтишни ифодалайди. Бунда фуқароларнинг эҳтиёжлари марказий

¹ Бурякова О.С. Влияние социальной функции информации на концепции информационного общества // международный журнал экспериментального образования. – Москва: «Мысль». 2016. – № 4-1. – С. 178-182.

ўринга қўйилиб, давлат хизматлари электрон платформалар орқали тезкор ва қулай шаклда тақдим этилади. Мазкур ёндашув фуқароларнинг давлат институтларига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади. Давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бюджет харажатларини оптималлаштириш ва давлат хизматлари сифатини ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Рақамлаштириш давлат органлари фаолиятида шаффофликни кучайтиради. Очиқ маълумотлар тизимининг жорий этилиши жамоатчилик назоратини ривожлантириб, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини оширади. Бу эса, коррупция хавфини камайтириш ва ҳисобдорлик механизмларини мустаҳкамлашга олиб келади. Рақамли давлат хизматларининг кенгайиши аҳолининг вақт ва ресурсларини тежаш имконини яратади. Онлайн ариза топшириш, электрон навбат ва интерактив хизматлар орқали фуқаролар давлат идораларига бориш заруратисиз кўплаб масалаларни ҳал қилиш имконига эга бўлмоқда. Бу ҳолат хизматлардан фойдаланишдаги ҳудудий нотенгликни ҳам камайтиради.

Социологик нуқтаи назардан, рақамли давлат фуқароларнинг институционал ишончини мустаҳкамлайди. Давлат қарорларининг очиқ эълон қилиниши, ижтимоий фикрни инобатга олиш ҳамда электрон мулоқот механизмлари аҳоли ва давлат ўртасидаги ўзаро ишончни кучайтиради. Онлайн мурожаатлар, интерактив порталлар ва мобил иловалар орқали аҳоли қарор қабул қилиш жараёнларига бевосита жалб этилади. Бу эса, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб, иштирокчи демократия элементларини шакллантиради. Натижада, давлат бошқаруви тизими фуқаролар эҳтиёжларига мослашган, очиқ ва самарали механизмга айланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида давлат бошқарувини модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу стратегия давлат хизматларини рақамлаштириш, иқтисодиёт тармоқларига инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда аҳолининг рақамли саводхонлигини оширишни назарда тутди. Жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали – my.gov.uz, электрон лицензиялаш тизими, рақамли кадастр ва солиқ платформаларининг жорий этилиши фуқаролар учун қулай ва шаффоф хизмат муҳитини яратди. Бу тизимлар орқали кўплаб маъмурий жараёнлар онлайн шаклга ўтказилиб, ортиқча қоғозбозлик ва бюрократик тўсиқлар сезиларли даражада қисқартирилди.

Мазкур жараёнлар давлат хизматларидан фойдаланишни соддалаштирибгина қолмай, бошқарув қарорларининг аниқлиги ва тезкорлигини таъминламоқда. Маълумотларни марказлаштирилган ҳолда йиғиш ва таҳлил қилиш имконияти стратегик режалаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий дастурларни самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда¹.

¹ Юлдашев А.Е. Основы информационной безопасности Республики Узбекистан. – Тошкент: Академия, 2006. – С. 153.

Давлат бошқарувида рақамли трансформация ҳақида гап кетар экан унинг қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш мумкин:

Бошқарув самарадорлигини оширади. Рақамли платформалар орқали қарор қабул қилиш тезлашади, инсон омили камаяди ва идоралараро ҳамкорлик яхшиланади.

Шаффофлик ва очиқликни таъминлайди. Электрон хизматлар коррупция хавфини пасайтиради, давлат органлари фаолияти жамоатчилик учун очиқроқ бўлади.

Фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайди. «Ягона дарча», онлайн муурожаатлар ва мобил иловалар орқали хизматлар тез, қулай ва масофадан кўрсатилади.

Давлат харажатларини оптималлаштиради. Қоғозбозлик камаяди, маъмурий сарфлар қисқаради, ресурслар тежалади.

Маълумотларга асосланган бошқарувни шакллантиради. Big Data ва аналитик тизимлар орқали қарорлар реал маълумотлар асосида қабул қилинади.

Инклюзивликни кучайтиради. Чекка ҳудудлардаги аҳоли ҳам давлат хизматларидан тенг фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Инновацион иқтисодиётни рағбатлантиради. Рақамли давлат стартаплар, IT соҳаси ва рақамли тадбиркорлик ривожига туртки беради.

Айни пайтда сунъий интеллект ва катта маълумотлар (Big Data) технологияларини давлат бошқарувида жорий этиш истиқболли йўналиш сифатида қаралмоқда. Ушбу технологиялар орқали аҳоли эҳтиёжларини прогнозлаш, хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва қарор қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш имконияти кенгаймоқда.

Рақамли ислохотларнинг муваффақияти кадрлар салоҳияти, киберхавфсизлик ҳамда рақамли инфратузилманинг барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Келгусида давлат хизматчилари учун махсус тайёрлов дастурларини кучайтириш, инновацион муҳитни ривожлантириш ва фуқаролар иштирокини янада фаоллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Рақамли трансформация жараёни кадрлар салоҳиятининг етарли эмаслиги, рақамли нотенглик ва киберхавфсизлик каби муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Уларни бартараф этиш учун аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш, давлат хизматчилари учун махсус тайёрлов дастурларини кучайтириш зарур.

Келгусида давлат бошқарувида платформа иқтисодиёти, сунъий интеллект асосида қарор қабул қилиш ва «ақлли шаҳар» моделларини жорий этиш рақамли давлатни шакллантиришнинг муҳим босқичи бўлади. Давлат бошқарувида рақамли трансформация жамият ривожининг стратегик омили ҳисобланади. У самарали бошқарув, очиқлик ва фуқаролар иштирокини таъминлаш орқали барқарор тараққиётга хизмат қилади. Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рақамлаштириш жараёнлари институционал самарадорликни ошириш билан бирга, ижтимоий ишончни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Шахрибону ЁЗИЕВА, младший научный сотрудник
(АН Республики Узбекистан)**

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ЦИФРОВОЙ ПОЛИТИКИ

На сегодняшний день в эпоху развития информационно-коммуникационных технологий цифровизация представляет собой ключевой мега тренд в развитии общества, затрагивающий различные сферы жизни¹. Цифровизация в современном мире охватила все отрасли социума, начиная от таких направлений как электронное правительство до цифровизации сферы здравоохранения. Являясь приоритетной и неотъемлемой частью жизни, процесс цифровизации считается основным критерием развивающегося государства и правительства. Внедрение цифровых технологий в различные сферы и бизнеса для улучшения и преобразования процессов, создания новых возможностей и повышения эффективности считается основной целью процесса цифровизации.

Считается, что впервые термин «цифровизация» ввел в употребление в 1995 г. Николас Негропonte, американский исследователь из Массачусетского технологического института. В своей книге «Being Digital» Н.Негропonte сравнивает атомы и биты как мельчайшие частицы соответственно материального и цифрового мира. По его мнению, то, что сложено из атомов, рано или поздно можно будет сложить и из битов².

Вместе с цифровизацией в практику введены такие термины как «цифровая трансформация» (digital transformation), «цифровая зрелость» (digital maturity), «цифровое преобразование» (digital conversion)³. Именно показателем цифрового развития организации, характеризующим степень и успешность его трансформации, считается уровень цифрового преобразования и цифровой зрелости.

Главной целью данной статьи является исследование концепта цифровизации к политической сфере на основе теории и практики политических и социальных процессов, которые направлены для обеспечения благоприятной среды и улучшения качества жизни.

Если рассматривать и анализировать литературу по данной теме, заслуживает внимание научная статья кандидата политических наук, доцента А.Е.Конькова. В своей **«Цифровизация политики и политика цифровизации»** автор подробно даёт пояснение процессам цифровизации и анализирует на примерах. Как отмечает автор, цифровое измерение

¹ Коньков А.Е. Цифровизация политики vs политика цифровизации. 2020. – С. 47. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovizatsiya-politiki-vs-politika-tsifrovizatsii/viewer>

² Negroponte N. Being Digital. – New York: Knopf, 1995. – 256 p.

³ Цифровая трансформация. 2022.

политики – это новый, только формирующийся предмет исследования. Поиск подходов к нему остается широким и в большей степени зыбким пространством дискуссии, ограниченным, с одной стороны, развивающимся дискурсом цифровизации экономики с его актуальными проявлениями и экстраполяцией в другие сферы (экономический редукционизм), а с другой стороны, прогнозированием возможного приложения будущих технологий¹.

Среди русских статей особенно важно подчеркнуть статью доктора экономических наук, профессора А.А.Пороховского **«Цифровизация и искусственный интеллект: перспективы и вызовы»**. В данной статье автор искусно даёт определение экономической природы цифровизации, особо отмечая роль искусственного интеллекта в современном мире, их перспективы и вызовы на основе обобщения мировых тенденций. Как подчёркивает автор, динамика распространения современных цифровых технологий настолько стремительна, что требует постоянного мониторинга и своевременного экономического анализа происходящих изменений. При этом цифровая среда по-разному охватывает все сферы экономики, политики и общества, высвечивает интересы личности и функции государства².

Процесс цифровизации, а также переход на электронное правительство также активно обсуждается в отечественной литературе. В статье Б.У.Бекмухамедовой, старшего преподавателя Гулистанского государственного университета «Вопросы развития цифровой экономики в Узбекистане как базовый элемент для развития разделения труда и трансформации профессий»³, особо отмечается вопросы цифровой экономики. Объясняется важность новых технологий и электронных платформ, формируется экономика, основанная на сетевых сервисах, то есть цифровая, или электронная. Как корректно отмечает автор, понятие «цифровизация» свидетельствует о новой стадии совершенствования управления производством товаров и услуг.

Необходимо также отметить статью С.А.Аблатдинова «Цифровизация государственного управления в Узбекистане: опыт и перспективы»⁴, где глубоко рассматривается опыт цифровизации государственного управления в стране, оцениваются результаты и перспективы развития, а также анализируются основные проблемы, с которыми сталкивается правительство страны на этом пути.

¹ Коньков А.Е. Цифровизация политики vs политика цифровизации, 2020. – С 49. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovizatsiya-politiki-vs-politika-tsifrovizatsii/viewer>

² Пороховский А.А. Цифровизация и искусственный интеллект: перспективы и вызовы, 2020. – С 85. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovizatsiya-i-iskusstvennyy-intellekt-perspektivy-i-vyzovy/viewer>

³ Бекмухамедова Б.У. Вопросы развития цифровой экономики в Узбекистане как базовый элемент для развития разделения труда и трансформации профессий. – С 20. <https://cyberleninka.ru/article/n/voprosy-razvitiya-tsifrovoy-ekonomiki-v-uzbekistane-kak-bazovyy-element-dlya-razvitiya-razdeleniya-truda-i-transformatsii-professiy/viewer>

⁴ Аблатдинов С.А. Цифровизация государственного управления в Узбекистане: опыт и перспективы, 2023. – С 630. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovizatsiya-gosudarstvennogo-upravleniya-v-uzbekistane-opyt-i-perspektivy/viewer>

В статье Ш.Г.Маннановой, старшего преподавателя Ташкентского финансового института «Анализ развития электронного правительства в Республике Узбекистан» даётся описание электронному правительству¹. Электронное правительство – система организационно правовых мер и технических средств, направленная на обеспечение деятельности государственных органов по оказанию государственных услуг физическим и юридическим лицам путём применения информационно-коммуникационных технологий, а также межведомственного электронного взаимодействия.

Цифровая политика в Узбекистане: теория и практика. Цифровая политика страны направлена на преобразование страны в цифровое общество используя высочайшие и современные IT-технологии, онлайн-услуги правительства, медицинские сервисы, электронные документообороты. Данная политика широко осуществляется в рамках стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030»², ключевыми направлениями которых является:

- развитие и широкое внедрение электронного правительства;
- внедрение инновационных технологий (роботы, сферы ИИ);
- усовершенствование цифровой инфраструктуры;
- повышение цифровых навыков среди населения, через разные программы, на примере «Миллион программистов».

Президент Республики Узбекистан дал старт программе «Ликвидация бюрократии-2030», которая планируется начать 1 января 2026 года. Консультировать Узбекистан по цифровизации будет ОАЭ, который считается одним из мировых лидеров в сфере виртуальных госуслуг³. В сегодняшнее время 99,21 процент госуслуг оказываются виртуально.

Необходимо отметить множество инициатив и проектов, которые были запущены с целью осуществления данной политики. Например, запущенная в 2018 году программа «Электронное правительство», главной целью которой было обеспечение интегрированной информационной системы для автоматизации и оптимизации работы государственных услуг.

В основной системе электронного правительства страны - Едином портале интерактивных государственных услуг («My.gov.uz») - внедрены новые технологии и проведена цифровизация многих государственных услуг. Как отмечается в источниках, по состоянию на октябрь 2024 года, более 60 процентов государственных услуг предоставляются через портал «My.gov.uz», а количество государственных услуг на этой платформе

¹ Маннанова. Ш.Г. Анализ развития электронного правительства в Республике Узбекистан. <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-razvitiya-elektronnogo-pravitelstva-v-respublike-uzbekistan/viewer>

² Указ Президента Республики Узбекистан. Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» и мерах по её эффективной реализации. <https://lex.uz/docs/5031048>

³ Узбекистаном будет править «безбумажное правительство». <https://www.trtrussian.com/article/f28300e189aa>

достигло 675. Также увеличилось количество пользователей мобильного приложения электронного правительства, достигнув 2,5 миллиона¹.

На сегодняшний день в качестве ключевых треков цифровизации были отмечены концепция «умных городов», совершенствование энергетического кластера, а также интенсивное продвижение IT-площадок на территории Узбекистана для привлечения зарубежных инвесторов и партнёров². Вместе с тем, ключевые направления цифровизации включают перевод 95 процентов госуслуг в цифровой формат к 2030 году, упрощение бюрократии и сокращение сроков предоставления услуг.

Благодаря усилиям правительства данные достижения высоко отмечены международным сообществом. Так, например, в рейтинге ООН по развитию электронного правительства, Департаментом по экономическим и социальным вопросам ООН (*UN Department of Economic and Social Affairs*), который выпускается раз в два года, Узбекистан поднялся на шесть позиций. Рейтинг определяется по таким важным аспектам как уровень интеграции цифрового правительства, эффективной цифровой политики и обеспечения электронных услуг в 193 государствах-членах ООН³.

Законодательство по цифровым технологиям. В процессе перехода к цифровизации, разработаны важные документы и приняты специализированные Законы по обеспечению безопасности и целостности проектов. В том числе, Законодательство о кибербезопасности от 15.04.2022 г. № ЗРУ-764⁴.

Единый подход к урегулированию сферы кибербезопасности обеспечивается внедрением единой государственной системы киберзащиты информационных систем и ресурсов, направленной на организацию, осуществление мониторинга и контроля за процессом разработке и внедрения программных и технических средств по обработке и защите данных⁵.

Процессы, которые возникают при обработке и защите персональных данных, независимо от применения средств обработки контролируется Законом Республики Узбекистан «О персональных данных» от 02.07.2019 г. № ЗРУ-547⁶.

Заключение и предложения. Анализируя данные сведения по теме, можно подвести следующие итоги. Процесс цифровизации начал занимать большую часть нашей жизни. Данный процесс играет основную роль в

¹ Цифровая трансформация Узбекистана способствует региональной интеграции в Центральной Азии. <https://uzconsulate-aktau.kz/2024>

² «Цифровой Узбекистан»: особенности развития и перспективные направления партнёрства. <https://cgirc.ru/media/tsifrovoy-uzbekistan-osobennosti-razvitiya-i-perspektivnye-napravleniya-partnerstva/>

³ Цифровая трансформация Узбекистана способствует региональной интеграции в Центральной Азии. <https://uzconsulate-aktau.kz/2024>

⁴ Закон Республики Узбекистан «О кибербезопасности». <https://lex.uz/ru/docs/5960609>

⁵ Цифровые технологии и транспорт. Правительственный портал Республики Узбекистан. https://gov.uz/ru/activity_page/digital_technology

⁶ Закон Республики Узбекистан «О персональных данных». <https://lex.uz/docs/4396428>

сокращении «бумажных» процессов, использовании современных технологий и нано изобретений, которые являются требованием развивающегося государства. Переход к процессу цифровизации – это переход к новому этапу развития страны, который считается важной целью Нового Узбекистана.

По данной теме можно дать несколько предложений:

1. Усовершенствование государственных услуг. Введение новых направлений и IT-технологий по улучшению и ускорению процесса цифровизации.

2. Вовлечение профессиональных и квалифицированных IT-сотрудников, с развитым критическим мышлением, которые могут дать новые идеи и усовершенствовать использование современных технологий в повседневной жизни.

3. Развитие образовательной сферы. Благодаря процессу цифровизации важно применять международные технологии, а также электронные и онлайн проекты по развитию образования.

**Абдуазиз АБУТАЛИПОВ, бош директор
(Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси)**

ДАВЛАТ АХБОРОТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

XXI асрда ахборот жамиятининг ривожланиши давлат бошқаруви, сиёсий тизим ва ижтимоий муносабатлар тизимида янги тенденциялар пайдо бўлишига олиб келди. **Ахборот** – бу нафақат ресурс, балки стратегик қудрат манбаи сифатида ҳам давлат сиёсатида марказий ўринни эгалламоқда. Давлат ахборот сиёсати орқали давлат фуқаролар билан мулоқот қилади, жамоатчилик фикрини шакллантиради, ижтимоий барқарорликни таъминлайди ва миллий хавфсизликни муҳофаза этади. Айниқса, бу борада ахборотнинг мунтазамлиги, тезкорлиги ва ҳаммабоплик, тенг ҳуқуқлилик ва ахборот ресурсларининг ҳимояланганлиги каби принциплари давлат ва жамиятнинг сиёсий барқарорлигини таъминлашда устувор вазифа эканлигини билдиради.

Ахборот сиёсати – бу замонавий сиёсий фаннинг энг тез ривожланаётган ва кўпқиррали йўналишларидан бири бўлиб, у ахборот, сиёсат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг илмий таҳлилини қамраб олади. Илмий манбаларда бу тушунча турли ёндашувларда изоҳланган бўлиб, айрим олимлар уни давлат коммуникация сиёсати¹, бошқалар эса жамоатчилик фикрини бошқариш воситаси сифатида баҳолайдилар².

¹ Lasswell H. Politics: Who Gets What, When, How. – New York, 1936.

² McQuail D. Mass Communication Theory. – London: Sage, 2010.

Ахборот сиёсати» тушунчаси қуйидаги хусусиятларни акс эттиради: *«ахборот сиёсати давлат сиёсатининг алоҳида йўналиши бўлиб, у нафақат ахборот ресурсларини бошқариш, ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни оптималлаштириш бўйича фаолиятни тартибга солиш, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳокимият фаолиятини ахборот билан таъминлашни ҳам қамраб олади»*¹.

«Ахборот сиёсати» тушунчаси ўзида иккита муҳим элементни бирлаштиради: ахборот (*маълумотлар, билимлар, хабарлар*) ва бошқарув. Шундай қилиб, ахборот соҳасидаги бошқарув бугунги кунда минтақавий сиёсатнинг иқтисодий сиёсат, ижтимоий сиёсатдан кам бўлмаган муҳим элементи ҳисобланади.

Сиёсат – бу бошқарув, ахборот сиёсати энг умумий маънода ахборот соҳасидаги бошқарувдир.

Регламент – бу у ёки бу орган фаолиятини тартибга солувчи ва иш тартибини белгиловчи қоидалар тўплами бўлиб, ахборот сиёсати ахборот жараёнлари ва ресурсларини бошқаришни тартибга солади. Яъни, минтақадаги махсус давлат ҳокимияти органи ахборот маконига «таъсир кўрсатадиган» қоидалар тўплами мавжуд. Албатта, ахборот маконининг фақат ушбу органга бевосита бўйсунishi мумкин бўлган ёки ўз сабабларига кўра минтақавий ҳокимият манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиладиган қисми тушунилади.

Давлат ахборот сиёсати икки жиҳати билан фарқланади:

- **технологик** (*ахборот муҳити таркибий қисмларини ривожлантириш жараёнини тартибга солиш*);
- **мазмунли** (*ижтимоий-сиёсий жараён иштирокчиларининг коммуникация фаолияти устуворликлари*).

Босма оммавий ахборот воситалари: (*газеталар, журналлар, китоб нашр этиш*); электрон оммавий ахборот воситалари: (*телевидение, радио, интернет*); алоқа воситалари; ахборот ҳуқуқи; ахборот хавфсизлиги давлат хавфсизлигининг шартли объектлари ҳисобланади.

Ахборот сиёсатини сиёсий таъсир ўтказиш воситаси ва сиёсий мақсадларга эришиш усули сифатида кўриш ҳам мумкин. Ахборот сиёсатининг субъектлари маълумот орқали инсонларнинг онги, руҳияти, хатти-ҳаракатлари ва фаолиятига таъсир ўтказа олади. Бу таъсир давлат ва фуқаролик жамияти манфаатлари йўлида бўлиши мумкин, шунингдек, ўз манфаатлари йўлида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ахборот сиёсатининг мақсадлари, вазифалари ва йўналишларини англаш қуйидаги имкониятларни яратади: ахборот мажмуасини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ахборот инфратузилмаси учун шарт-шароитлар яратиш, ахборот сиёсатини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, маъмурият, минтақавий ва федерал оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликлари

¹ Бурова Ю.Е., Стровский Д.Л. Информационная политика и ее формирование в современных российских условиях // Известия Уральского федерального университета. Сер. 1. Проблемы образования, науки и культуры, 2014. – С. 21-34.

ўртасида ахборот алмашинувини оптималлаштириш, оммавий ахборот воситаларини кузатиб бориш, тармоқ ахборот технологияларини ривожлантириш, шаҳар маъмуриятининг интернет-ресурсини такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни таъминлаш, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда иштирок этишини ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ахборот сиёсатининг назарий асослари XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон илм-фанида шакллана бошлади. Бу соҳада америкалик социолог Д.Беллнинг «Постиндустриал жамият келажаги»¹ асари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ахборотни иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг асосий манбаи сифатида талқин қилди. Беллга кўра, янги жамиятнинг асосий капитали - маълумот ва билимдир.

М.Кастелснинг «Ахборот жамиятининг иқтисоди, жамияти ва маданияти»² асарида эса ахборот тизими глобал ҳокимиятнинг янги шаклини белгилаб берувчи фактор сифатида таҳлил қилинган. Унинг фикрича, ахборотни назорат қилган субъект сиёсий таъсир кучига эга бўлади. Шу маънода, давлат ахборот сиёсати - бу фақат коммуникация эмас, балки ҳокимиятни амалга ошириш усулидир.

Канадалик олим М.Маклюен «The Medium is the Message»³ ғояси орқали оммавий ахборот воситалари жамият онгини шакллантиришда етакчи куч эканлигини асослади. Унингча, ҳар бир янги коммуникация технологияси жамиятнинг ижтимоий онгини қайта яратади.

Шу билан бирга, америкалик тадқиқотчи Э.Тоффлер «Учинчи тўлқин»⁴ асарида ахборот инқилобини инсоният цивилизациясининг янги босқичи сифатида тавсифлади. Унинг фикрича, ахборот жамиятидаги сиёсий тизимлар фақат ахборот устидан назоратни таъминлагандагина барқарор бўла олади.

Европа илмий мактабида ахборот сиёсати бўйича тадқиқотлар социологик ва фалсафий йўналишда ривожланган. Жумладан, ЮНЕСКОнинг «World Trends in Freedom of Expression» ҳисоботи⁵ ахборот сиёсати ва сўз эркинлиги ўртасидаги мувозанатни илмий асосда ёритган. Шунингдек, БМТ ва ИТУ (International Telecommunication Union) ташкилотларининг ҳисоботларида давлат ахборот сиёсатига доир халқаро стандартлар белгиланган.

Жаҳон давлатларида ахборот сиёсати миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўрилади. АҚШда «Freedom of Information Act» қонуни орқали давлат фаолияти очиқлиги таъминланса, Миллий хавфсизлик агентлиги ахборот хавфсизлигини муҳофаза этади. Японияда «Society 5.0» концепцияси инсон ва технология уйғунлигини таъминлайди. Жанубий Кореяда «Smart Government» тизими электрон бошқарув ва давлат-жамият мулоқотини янгича босқичга кўтарган.

¹ Bell D. The Coming of Post-Industrial Society. – New York: Basic Books, 1973.

² Castells M. The Information Age: Economy, Society and Culture. – Oxford: Blackwell, 1996.

³ McLuhan M. Understanding Media: The Extensions of Man. – New York, 1964.

⁴ Toffler A. The Third Wave. – New York: Bantam Books, 1980.

⁵ UNESCO. World Trends in Freedom of Expression and Media Development. – Paris, 2022.

Европа мамлакатларида ахборот сиёсати демократия ва маданий қадриятлар билан уйғунлаштирилган. Франциядаги ARCOM ва Германиядаги Bundesnetzagentur ахборот тенглигини таъминлайди. Хитой ва Россия эса, ахборот сиёсати орқали миллий суверенитет ва хавфсизликни муҳофаза қилишни устувор деб ҳисоблайди. Зеро, бугунги кунда ривожланган мамлакатлар асосан ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш йўлида фойдаланаётганини эътиборга олинса, масалани ўрганиш зарурати борлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида давлат ахборот сиёсати янги босқичга кўтарилди. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган **«Янги Ўзбекистон – очиқлик ва жамоатчилик назоратига асосланган давлат»** ғояси медиа соҳасида шаффофлик, ошкоралик ва фуқаролар билан очиқ мулоқотни таъминлашни кўзда тутди. Шу билан бирга, ахборот технологияларининг тез суръатларда ривожланиши, интернет ва ижтимоий тармоқлар таъсирининг кучайиши, ахборот хавфсизлигига доир таҳдидлар давлат сиёсатини илмий асосда янгидан ташкил этиш заруратини юзага келтирди.

Миллий илмий мактабда ҳам ахборот сиёсати масалаларига оид тадқиқотлар сўнгги ўн йилликда фаоллашди. Жумладан, Қ.Назаровнинг «Ахборот сиёсатининг назарий асослари»¹ асарида давлат коммуникация сиёсати ва ахборот хавфсизлиги ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинган. Б.Рўзметов «Ўзбекистонда медиа ислохотлар ва давлат сиёсати»² номли ишларида миллий медиа муҳитнинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этган.

Шу билан бирга, С.Турсунов ва Н.Шайхисламова ишларида ахборот сиёсати, ижтимоий онг ва маданиятга кўрсатаётган таъсир йўналишлари ёритилган³. Уларга кўра, ахборот сиёсатининг самарадорлиги фуқароларнинг ахборот маданияти даражасига боғлиқдир. Шунингдек, Ўзбекистонда сўнгги йилларда бир қатор илмий тадқиқот ишларида ҳам шу мавзуга бағишланган. Масалан, Д.Ахмадалиевнинг «Давлат ахборот сиёсатида ахборот хавфсизлиги масалалари»⁴ номли тадқиқотида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг миллий механизмлари таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, А.Рахмонов «Медиа сиёсат ва жамоатчилик фикрини бошқаришда давлат ролининг эволюцияси»⁵ асарида Ўзбекистондаги ахборот сиёсатининг ижтимоий таъсирини контент-таҳлил орқали ўрганган.

Ўзбекистонда ОАВ соҳаси мустақиллик йилларида изчил ривожланди, сўз ва матбуот эркинлиги билан боғлиқ қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, 2014 йилдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ахборотлашган жамиятнинг янада шаффофлашувига хизмат қилмоқда. Кўплаб давлат вазирликлари ва идораларида ахборот хизматлари замонавий талабларга мувофиқ қайта

¹ Назаров Қ. Ахборот сиёсатининг назарий асослари. – Тошкент: ТДЮУ, 2020.

² Рўзметов Б. Ўзбекистонда медиа ислохотлар ва давлат сиёсати. – Тошкент, 2021.

³ Турсунов С. Ахборот сиёсати ва ижтимоий онг масалалари. – Самарқанд, 2019., Шайхисламова Н. Ахборот маданияти ва сиёсий онг муносабати. – Тошкент, 2020.

⁴ Ахмадалиев Д. Давлат ахборот сиёсатида ахборот хавфсизлиги масалалари. – Тошкент, 2022.

⁵ Рахмонов А. Медиа сиёсат ва жамоатчилик фикрини бошқаришда давлат ролининг эволюцияси. – Тошкент, 2023.

ташкил етилди. Шунингдек, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида биринчи марта ахборот хизматлари ташкил қилинди¹.

Сўнги йилларда ОАВ фаолиятини либераллаштириш ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»** каби қонунлар соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро ва миллий тадқиқотлар ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ахборот сиёсати бўйича илмий асослар шаклланиб бормоқда, аммо унинг ижтимоий таъсири, фуқаролар онига таъсири механизми ва давлат коммуникация сиёсатининг самарадорлиги каби масалалар етарлича чуқур ўрганилмаган. Бу эса, ўз навбатида бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган масалалар кўплигини белгилайди.

**Хайрулла УМАРОВ, с.ф.н., доцент,
(Ўзбекистон Миллий университети)**

АХБОРОТ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Глобаллашув жараёнларининг шиддат билан кечиши, жаҳонда куч марказларининг трансформацияси, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалар ўртасида чегараларнинг ювилиб кетиши хавфсизлик масалаларини ҳал этишда мафкуранинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Давлатлар ўртасидаги қуроли низолаб ўрнига «маданиятлар (мафкуралар) тўқнашуви» юзага келмоқда. Бунинг мисоли сифатида турли ижтимоий тармоқ тармоқларида кечаётган турфа қарашлар мунозараларини кўриш мумкин.

Мафкуралар қарама-қаршилиги азал-азалдан бўлиб келган. Тарихда из қолдирган ҳар бир ҳукмдор сиёсат юритишда ахборот қуролидан самарали фойдаланиб келган.

Маълумки, Миллий мафкура миллий манфаатларнинг қобиғи бўлиб, унинг вазифаси шахс, жамият ва давлат жипслигини таъминлашдан иборат. Миллий мафкура ҳар бир давлатда турли ном ва қарашлар мажмуини қамраб олган бўлади. Масалан, АҚШда либерализм ғояларини ўзида мужассам этган «Америка орзуси», Японияда император ва халқ ягона ғоясини ифода этувчи «Япон руҳи», ХХРда конфуцийлик ғояларини кўриш мумкин. Мафкура борасидаги мағлубият, собиқ Иттифоқ мисолида, мамлакатнинг парчаланишига олиб келади.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига «Холислик ва ҳаққонийлик амал қилиши зарур» номли табриги, 2020. <https://president.uz/uz/lists/view/3675>

Маълумки, ахборот-мафкуравий уруш сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ёки стратегик даражадаги бошқа мақсадларга эришиш йўлида инсон жамоалари ўртасида олиб борилувчи рақобат жараёнидир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сонли қарор¹ ҳамда «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5040-сонли қарор² ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш борасида муҳим қадамлардан саналади.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган мазкур қарорларда маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизимнинг мавжуд эмаслиги, ҳалқимиз, айниқса ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаганлиги таъкидланиши билан бирга, маънавий-маърифий йўналишда олиб борилиши зарур бўлган фаолият йўналишлари кўрсатиб берилган.

Замонавий ахборот-мафкуравий урушнинг асослари XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб амалиётга жорий этилиб келинмоқда. Ахборот хуружининг самарадорлиги рақиб саналган ёки геосиёсий манфаатлар доирасида жойлашган давлатлар миллий манфаатларига салбий таъсир кўрсатишда, ички сиёсатида ижтимоий барқарорликни издан чиқаришда ҳам арзон, ҳам самарали амалиёт саналади.

Давлатлар ўртасида ахборот мафкуравий уруш бугунги кунда ҳам қўлами кенгайиб, ўзга давлатлар ижтимоий сиёсатига салбий таъсир кўрсатишда анча самарали кучга эга бўлмоқда. Ахборот мафкуравий урушнинг бош мақсади – махсус сараланган ва қайта ишланган ахборотни тарқатиш орқали инсон ва жамият қадриятларига таъсир кўрсатиш ва бу орқали рақиб саналган давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий салоҳиятини тушириш саналади. Бу борада ғоя ва мафкура ҳаёт воқеалигидан узилиб қолмаслиги, стратегик ва жорий манфаатларнинг ўзаро узвийлиги, фундаментал миллий қадриятларни қамраб олиши лозим.

ХХР Ҳарбий фанлар академияси ходимлари, ҳарбий хизматчилар Ван Баоцунь ва Ли Фэй: «Ахборот хавфсизлиги ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода қўлланилади. «Жанг майдонидаги ахборот уруши» деб аталувчи тор маънода «қўмондонлик ва бошқарув уруши»нинг моҳиятини ташкил этади ... Кенг маънода «ахборот уруши» тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳарбий/хавфсизлик даражаси билан бирга: 1) рақиб давлатнинг ахборот тизимига зарба бериш; 2) рақиб ахборот оқимиغا зарба бериш; 3)

¹Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // URL манзили: <https://lex.uz/docs/4320700>

² Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // URL манзили: <https://lex.uz/docs/5344692>

жамиятни бошқариш ҳамда акс таъсирларга тегишли жавоб бера олиш тизими имкониятларини чеклашни назарда тутди¹.

Миллий мафкура нималардан иборат бўлиши керак? Ушбу саволга жавоб беришдан аввал хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш жоиз.

Миллий мафкуралар ўртасидаги кураш ахборот-мафкуравий уруш ёрдамида олиб борилади. Хорижий давлатлар ўз миллий манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида турли хил сиёсий доктрина, концепцияларни илгари сурадилар. Хусусан, **АҚШда** 1947 йилда «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун², 1948 йилда Смит-Мундт (Ахборот ва таълим алмашинуви ҳақидаги) қонуни³ ҳамда ҳар бир АҚШ президентининг жорий сиёсатга қаратилган «Миллий хавфсизлик стратегияси»; **ХХРда** «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун (2015 йилдаги янги таҳрир)⁴, ХХР коммунистик партияси съездларида қабул қилинувчи «ХКП Давлат хавфсизлиги ғоялари» каби ҳужжатлар; Россия Федерациясида «Миллий хавфсизлик стратегияси ҳақида»⁵, «Ахборот хавфсизлиги доктринаси»⁶, «Жамоат хавфсизлиги концепцияси»⁷; Японияда «Миллий хавфсизлик стратегияси ҳақида»⁸ каби ҳужжатлар қабул қилинган.

Мазкур ҳужжатларда ахборот-мафкуравий фаолият давлат назоратида эканлиги ҳамда давлатнинг устувор/стратегик вазифалари сифатида ифода этилади.

Шу билан бирга, АҚШда сиёсий тадқиқотчилар томонидан – «Америка америкаликлар учун» (Монро доктринаси), Маршалл режаси, «Хавфсизлик комплекси» (Барри Бюзан концепцияси), «Юмшоқ куч» (Джозеф Най назарияси), «Маданиятлар тўқнашуви» (Самюэл Хантингтон концепцияси) каби илмий асосланган концепциялар ҳам илгари сурилади.

Ахборот-мафкуравий уруш олиб боришда АҚШ катта тажрибага эга давлат саналади ва ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлаб мазкур йўналишда фаолият юритиб келади. Шу даврдан бошлаб, АҚШ «Америка овози», «Озодлик» каби радиомарказларни жорий этиб, улар орқали ўз мафкуравий қарашларини илгари суриб келади. Боз устига, АҚШ – Британия, Канада,

¹ Wang Baocun, Li Fei. Information Warfare // Liberation Army Daily, 13 June 1995. – Url-address: https://irp.fas.org/world/china/docs/iw_wang.htm

² REF BOOK - 1947 NATIONAL SECURITY ACT (Public Law 235 of July 26, 1947; 61 STAT. 496) // URL манзили: <https://www.dni.gov/index.php/ic-legal-reference-book/national-security-act-of-1947>

³ . United States Informational and Educational Exchange Act of 1948 // Public Law 80-402, 62 Stat. 6. Passed Congress/Enrolled Bill: Jan 27, 1948 (АҚШ Конгрессининг электрон кутубхонаси). - URL манзили: <https://2009-2017.state.gov/documents/organization/177574.pdf>

⁴ 中华人民共和国国家安全法（主席令第二十九号），2015年7月1日 // URL манзили: http://www.gov.cn/zhengce/2015-07/01/content_2893902.htm

⁵ Концепция общественной безопасности в Российской Федерации // 20 ноября 2013 года // URL манзили: <http://www.kremlin.ru/acts/news/19653>

⁶ Доктрина информационной безопасности Российской Федерации // URL манзили: www.scrf.gov

⁷ Концепция общественной безопасности в Российской Федерации // 20 ноября 2013 года // URL манзили: <http://www.kremlin.ru/acts/news/19653>

⁸ 国家安全保障戦略について，2013年12月17日 // URL манзили: <https://worldjpn.grips.ac.jp/documents/texts/JPSC/20131217.O1J.html>

Австралия ва Янги Зеландия каби бошқа англо-саксон давлатлари билан узвий равишда ҳамкорлик олиб боради.

АҚШда ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш 1947 йилда қабул қилинган «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун асосида тартибга солинади. Ахборот-мафкуравий уруш олиб боришда назорат АҚШ Хавфсизлик кенгашига юклатилган.

Конгресс қарорига биноан АҚШ Ахборот агентлиги АҚШ Давлат департаменти негизида жорий этилган бўлиб, унинг асосий мақсади ҳам мамлакат ичкарасида ҳам халқаро майдонда «АҚШга қарши қаратилган ахборотнинг ҳар қандай турига қарши фаолият олиб бориш»дан иборат. 1948 йилда қабул қилинган Смит-Мундт қонуни АҚШ ахборот-тарғибот фаолиятининг ҳуқуқий асосини белгилаб берди. Унга биноан АҚШ Давлат котиби «зарурият юзага келган пайтда АҚШ, унинг халқи ва сиёсати ҳақидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда уларни ОАВ, нашрлар, радио, кино ва бошқа воситалар, шунингдек, хориждаги ахборот марказлари ва инструкторлар орқали тарқатиш фаолиятига раҳбарликни амалга ошириши» белгиланган.

Шу билан бирга, Смит-Мундт қонунига¹ биноан АҚШда Ижтимоий дипломатия бўйича маслаҳатлашув комиссияси (ИДМК, Advisory Commission on Public Diplomacy – ACPD) ҳам жорий этилди. Мазкур ташкилот олдида турли халқаро доираларда АҚШ ҳақида ахборот тарқатиш ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантириш вазифаси қўйилган.

Мазкур Комиссия олдида, шунингдек, хорижий жамоатчилик орасида мамлакат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хабардор қилиш, рағбатлантириш ва таъсир кўрсатиш жараёнини баҳолаш вазифаси ҳам юклатилган. ИДМК АҚШ президенти, Давлат котиби ва Конгрессга бўйсунади. Ташкилий масалаларда Комиссия фаолиятини эса Давлат котибининг Ижтимоий дипломатия ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича ўринбосари бошқаради.

Бугунги кунда АҚШ қадриятлари, сиёсати ва хатти-ҳаракати ҳақидаги маълумотларни кенгроқ тарқатиш вазифаси АҚШдаги барча давлат муассасалари – департамент ва агентликлари олдида қўйилган².

Смит-Мундт қонунига³ биноан дастлаб икки Комиссия – **Ахборот бўйича АҚШ маслаҳатлашув комиссияси** ва **Таълим ва маданият масалалари бўйича АҚШ маслаҳатлашув комиссияси** (Mutual educational and cultural exchange program – Fulbright-Hays Act of 1961)⁴ тарғибот йўналишда фаолият юритувчи орган сифатида жорий этилган. 1977 йилда

¹ United States Informational and Educational Exchange Act of 1948 // Public Law 80-402, 62 Stat. 6. Passed Congress/Enrolled Bill: Jan 27, 1948 (АҚШ Конгрессининг электрон кутубхонаси). - URL манзили: <https://2009-2017.state.gov/documents/organization/177574.pdf>

² U.S. Advisory Commission on Public Diplomacy // URL манзили: <https://www.state.gov/about-us-u-s-advisory-commission-on-public-diplomacy/>

³ United States Informational and Educational Exchange Act of 1948 // Public Law 80-402, 62 Stat. 6. Passed Congress/Enrolled Bill: Jan 27, 1948 (АҚШ Конгрессининг электрон кутубхонаси). - URL манзили: <https://2009-2017.state.gov/documents/organization/177574.pdf>

⁴ Fulbright-Hays Act (see Mutual Educational and Cultural Exchange Act of 1961) // URL манзили: <https://uscode.house.gov/view.xhtml?path=/prelim@title22/chapter33&edition=prelim>

иккала Комиссия бирлаштирилиб, **Ижтимоий дипломатия бўйича АҚШ маслаҳатлашув комиссияси** (ИДМК) жорий этилди.

ИДМК 7 нафар аъзодан иборат бўлиб, улар АҚШ президенти томонидан 3 йил муддатга тайинланади ва Сенат томонидан тасдиқланади. Аъзолар бир партиядан 3 нафардан ортиқ киши бўлмаслиги керак. Комиссия ижрочи директори кундалик операцияларни назорат қилади ва бутун дунёда давлат дипломатияси фаолиятини яхшилаш борасида конструктив қарорлар ишлаб чиқиш мақсадида қонунчилик ва ижроия органлари, ННТлар ҳамжамияти, бизнес ва илмий доиралар билан фаол равишда ишлайди¹.

АҚШ Қурулли кучлар уставида: «Ахборот мафкуравий уруш - рақиб томон саналмиш ўзга давлат фуқароларига «ҳақиқат»ни матндан узиб олган ҳолда, ёлғон хулосага келтирувчи далиллар орқали таъсир кўрсатиш саналади», - деб таъриф берилади².

Шу билан бирга мафкура борасида ХХР тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Хитой Халқ Республикаси коммунистик мафкура асосида таркиб топган бўлса-да, **миллий мафкура асосан хитой маданияти асосига қурилган**. Мазкур концепция Ден Сяопин томонидан ХХ асрнинг 80-йилларида илгари сурилган «Мушук оқми ё қора – фарқи йўқ, асосийси сичқон тутса бас» ғояси ётади. Яъни, коммунистик давлатлари хитойликми, ёки хорижда истиқомат қилувчи хитойликми, фарқи йўқ. Энг муҳими барча хитойликлар бирлашишлари даркорлиги ғояси ётади.

Мазкур ғоянинг амалга оширилиши ва унинг устидан назорат этилиши Хитой коммунистик партияси Марказий кенгаши Ахборот ва тарғибот бўлими томонидан амалга оширилади. Мазкур бўлим асосий кўрсатмаларни ишлаб чиқади ҳамда барча ҳудудий бошқармаларга тегишли кўрсатмалар беради³.

Хусусан, «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги қонуннинг 2 боб 2-моддасида «давлат ... **хитой миллатининг илғор анъанавий маданиятини илгари суради**, социалистик маданиятнинг муҳим қадриятларини шакллантиради ва амалга оширади, **бузғунчи маданият таъсирини бартараф этади ва қарши туради, мафкура соҳасида етакчи ўринни эгаллайди** ва умуммиллий маданиятни рағбатлантиради» деб қайд этилган⁴. Мазкур ҳужжатнинг 15-моддасида ушбу жараёни назорат этиш давлат ваколатида эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Хитойда мафкуравий ғояларнинг илгари сурилишида тарғибот воситаларининг барча турларидан фаол фойдаланилади. Ташқи рекламаларнинг барчаси хитой маданияти ва конфуцийлик ғоялари билан сингдирилган бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Хитой телевидениеси

¹ U.S. Advisory Commission on Public Diplomacy // URL манзили: <https://www.state.gov/about-us-u-s-advisory-commission-on-public-diplomacy/>

² Information Operations. Joint Publication 3-13. 27 November 2012 Incorporating Change 1 20 November 2014 // URL манзили: https://www.jcs.mil/Portals/36/Documents/Doctrine/pubs/jp3_13.pdf

³ 国务院新闻. 人力资源和社会保障部宣传中心 // URL манзили: http://www.mohrss.gov.cn/xxgk2020/fdzdgknr/zjg/zsdw/201802/t20180206_288041.html

⁴ 中华人民共和国国家安全法（主席令第二十九号），2015年7月1日 // URL манзили: http://www.gov.cn/zhengce/2015-07/01/content_2893902.htm

ва радиоси мафкуравий ғояларни илгари суришда муҳим восита сифатида қаралади.

ХХР раиси Мао Цзэдун ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида: «Биз «Совет Иттифоқи тажрибаси асосида ўрганиш» шиорини илгари сурганмиз; бироқ биз ҳеч қачон унинг қолоқ тажрибаси асосида ўрганишни назарда тутмаганмиз. Унинг қолоқ тажрибаси борми? Бор. Масалан, ғайри тафаккур эгаларига қарши куч ишлатилган. **Бизда эса, бу иш билан ташкилот ва мактаблар шуғулланишган. Биз барчани мазкур масалага жалб этиб, асосий урғуни ижтимоий хавфсизлик масаласига қаратганмиз».**

ХХРда мафкуравий тарғибот фуқароларнинг ёшлик чоғидан, яъни мактабгача таълим муассасаларидан бошланади. Мактаб ҳамда ОЎЮларида тарғибот ишларига жиддий эътибор қаратилади.

Ижтимоий тармоқлар устидан назорат ХХР хавфсизлик хизмати ваколатига киритилган ва бу борада Хитойда миллий дастурий таъминот ишлаб чиқилган бўлиб, Google ўрнига Baidu браузер, Telegram ўрнига WeChat, QQ ижтимоий тармоғи каби дастурлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Боз устига Интернет тармоғига чиқиш учун ҳар бир фуқаронинг ўз логини бўлиб, ким, нима ҳақида ёзаётгани назорат қилиб борилади.

Хорижий давлатлар ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш тажрибаси асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Аксарият давлатларда ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалалари билан шуғулланиш Хавфсизлик кенгаши доирасида, давлат раҳбари назорати остида амалга оширилади.

2. Барча давлатларда ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган ҳамда ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш муайян тизимга солинган.

3. Етакчи давлатларда Ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалаларини мувофиқлаштириш мақсадида муайян кенгашлар жорий этилган ҳамда йилига камида бир маротаба давлат раҳбарига ҳисобот беради.

4. Хорижий давлатлар органларининг барчалари ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашга масъулдирлар.

5. Ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш узлуксиз ва бўлинмасдир, тарғибот-ташвиқот ишлари бошқарув шаклларида (давлат органлари ёки хусусий) қатъий назар ҳар бир фуқаро, ҳар бир муассаса ва ҳар бир давлат органи томонидан амалга оширилади.

6. Тарғибот-ташвиқот ишлари мактабгача таълим, ўрта таълим ва Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида (давлат, хусусий ёки хорижий бўлсин) ягона давлат стандартлари асосида олиб борилади.

Миллий мафкурани шакллантиришда турфа хил мос келадиган ва мос келмайдиган сунъий хорижий илмий қолипларга солиш тўғри келмаслигини таъкидлаш ўринли. Ўзбекистон Миллий мафкураси нималарни қамраб олиши керак?!

Биринчидан, ҳар бир мафкура миллий манфаатларни: фундаментал – тили, дини, урф-одат-қадриятлари, тарихи; рамзий – давлат белгилари, ҳудуди, тузуми, чегаралар кўлами; жорий – ташқи сиёсий мақсадлар ва ички интилишларини ўзида ифода этиши лозим.

Иккинчидан, ойкумена концепцияси – мамлакат ва миллий ҳаётинг кенглик масаласи. Яъни, мафкура давлатнинг ташқи сиёсий хавфсизлик муҳитини яратиш учун буфер ҳудуд чегараларини белгилаб бериши. Бугунги кунда аксарият тадқиқотчилар томонидан минтақавий интеграцияни амалга ошириш зарурлиги ҳақида фикрлар билдириб келинмоқда. Бироқ уларнинг деярли барчаси умумий, эҳтиросларга таянган, амалга оширилиш механизмлари кўрсатилмаган фикрлардир. Миллий мафкура минтақачилик мафкураси қарашларини ифода этиши ҳамда унинг минтақавийлашуви/институционаллашуви учун шарт-шароитлар яратиши жоиз.

Учинчидан, мафкуранинг таянч ижтимоий қатламини – стратосига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ. Бу борада Ватанпарварлик, миллий бирлик, адолат, инсонпарварлик, маърифий юксалиш каби тушунчалар миллий мафкуранинг самарадорлигини кўрсатиб берувчи натижа саналади.

Ўзбекистон Республикасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ҳамда мафкуравий вазиятни тартибга солиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

Биринчидан, «Ўзбекистон Республикаси Ахборот-мафкуравий хавфсизлик концепцияси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ушбу ҳужжат ўз ичига қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олиши талаб этилади.

Иккинчидан, Ахборот-мафкуравий хавфсизлик тизимини шакллантириш, унинг субъектлари, объекти, предмети ва воситаларини аниқ белгилаб бериш.

Учинчидан, барча стратегик соҳа ва йўналишлар бўйича Ақлий марказлар жорий этиш ва уларни ягона мақсадга бўйсундириш.

Тўртинчидан, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг барча қатлами, ОАВ, Телевидение ва радио фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бешинчидан, ижтимоий тармоқларда илгари сурилаётган ғоя ва фикрларни мониторинг қилиб бориш, уларнинг динамикасини аниқлаш, ушбу фикрларни илгари сураётган шахсларнинг психологик портретини яратиш.

Ахборот-мафкуравий хавфсизлик тизимининг самарали ишлаши Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларининг таъминланишига, унинг миллий хавфсизлигининг самарали таъминланишига, юртимизнинг жаҳон сиёсатида ўз мақоми ва позицияларини ушлаб қолишига кўмак беради.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ОМИЛИ

XXI асрда рақамлаштириш глобал сиёсий тизимларнинг энг муҳим трансформация омилларидан бирига айланди. Давлат бошқаруви, фуқаролар билан мулоқот, сайлов жараёнлари, жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот майдони рақамли технологиялар таъсирида тубдан қайта шаклланмоқда. Рақамли платформалар орқали давлат хизматларининг узлуксиз амалга оширилиши бюрократик тўсиқларни қисқартириб, шаффофлик ва жавобгарлик даражасини оширади. Бироқ, рақамлаштириш жараёнлари ҳар доим ҳам бир хил самара бермасдан, технологиялар демократик иштирокни кенгайтириши мумкин бўлгани каби, нотенглик ва хавфсизлик муаммоларини ҳам кучайтириши эҳтимолдан холи эмас.

Хусусан, рақамли нотенглик оқибатида аҳолининг маълум қатламлари, жумладан, қишлоқ жойлардаги фуқаролар ва кекса авлод рақамли хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланганлигидан сиёсий жараёнларда фаол иштирок этолмаслиги мумкин. Бу эса, демократик иштирокда номутаносиблик пайдо бўлишига олиб келади¹. Бундан ташқари, киберхавфсизликнинг заифлиги, фейк янгиликлар ва дезинформация политизация жараёнларини издан чиқариши мумкин.

БМТнинг «Барқарор ривожланиш кун тартиби – 2030» дастури рақамли технологияларни демократик институтларни мустаҳкамлаш воситаси сифатида кўриб чиқади ва рақамлаштиришни жамоатчилик иштироки, инклюзивлик, ҳисобдорлик ва очиқликни оширишнинг глобал стратегияси сифатида белгилайди². Бу рақамли демократиянинг халқаро даражада ўрнатилган меъёрлар ва тенденциялар билан мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистонда рақамли ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури мамлакатнинг демократик ривожланиш стратегияси билан узвий боғланиб, рақамли инфратузилмани ривожлантириш, ахборот очиқлигини таъминлаш ва фуқаролик жамияти институтларини рақамли муҳитга интеграция қилишни мақсад қилади. 2025 йилга келиб, мазкур дастур доирасида амалга оширилган лойиҳалар мамлакатнинг Марказий Осиёда рақамли марказга айланиш амбицияларини кучайтирди. Масалан, Тошкент шаҳрида ўтказилган

«ICT Week Uzbekistan – 2025» тадбирида сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали иқтисодиётга 1,1 млрд. АҚШ доллари қўшиш режалари

¹ Norris P. Digital divide: Civic engagement, information poverty, and the Internet worldwide. Cambridge University Press, 2001. – P. 1-35.

² United Nations. Transforming our world: The 2030 Agenda for Sustainable Development (Resolution A/RES/70/1). United Nations General Assembly, 2015. – P. 5-6.

тақдим этилган¹. Бироқ, амалий муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, Интернет инфратузилмасининг ҳудудлар бўйича номутаносиблиги, маълум ресурсларга киришнинг чекланиши ва онлайн танқид учун жавобгарлик масалалари рақамли демократиянинг амалдаги имкониятларини чекламоқда. «Freedom House»нинг 2025 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон интернет эркинлиги бўйича ҳануз паст кўрсаткичларга эга бўлиб қолмоқда.

Маълумки, рақамлаштириш ва демократик жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишда сиёсий модернизация назарияси асосий методологик пойдевор ҳисобланади. Машҳур олим Ж.Хантингтоннинг фикрича, *«Сиёсий тизимлар барқарор ва самарали бўлиши учун улар технологик ва институционал ўзгаришларга мослашиши зарур; технологиялар эса модернизация жараёнининг муҳим омили сифатида сиёсий ислохотларни тезлаштиради ва унинг сифатини оширади»*².

Замонавий сиёсий назариялар рақамлаштиришни «учинчи модернизация тўлқини» сифатида баҳолайди. Биринчи тўлқин индустриалаштириш, иккинчиси оммавий коммуникациялар (телевидение, радио) бўлган бўлса, бугунги кун технологиялари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ-атворини, давлатнинг бошқарув механизмларини ва демократик институтларни тубдан ўзгартирмоқда. Аҳолининг ахборотга кириш канали кенгайиши сиёсий жараёнларда шаффофликни оширади, мансабдорлар ҳисобдорлигини кучайтиради, коррупция эҳтимолини камайтиради, фуқаролар ва давлат ўртасидаги мулоқотни жадаллаштиради.

Демократия назарий жиҳатдан фуқаролар ўртасида тенг иштирок ва эркин танловни таъминловчи тизимдир. Рақамлаштириш эса ушбу иштирокни қуйидаги механизмлар орқали кенгайтиради:

- электрон ҳукумат (e-government): давлат хизматларининг онлайн шаклга ўтиши тезлик, шаффофлик ва бюрократиядан халос бўлишни таъминлайди;
- электрон петициялар ва жамоат муҳокамалари: қарор қабул қилиш жараёнларида фуқароларнинг овози реал вақтда инобатга олинишини таъминлайди;
- очиқ маълумотлар (open data): давлат фаолиятини таҳлил қилиш, аудит ва мониторинг жараёнларини фуқароларнинг ўзлари амалга ошириш имкониятини яратади;
- онлайн сайловлар: овоз бериш жараёнларида иштирокни кенгайтириб, айниқса ёшлар ва мигрантлар фаоллигини оширади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, электрон ҳукумат стандартларини жорий этган мамлакатларда давлат хизматларини кўрсатиш харажатлари

¹ ICT Week Uzbekistan 2025 расмий материаллари. <https://www.ictweek.uz/eng/news/2025/08/28/ict-week-uzbekistan-2025-dunyoning-yetakchi-ekspertlarini-suniy-intellekt-va-kelajak-tehnologiyalarini-muhokama-qilish-uchun-birlashtiradi>

² Huntington S.P. The third wave: Democratization in the late twentieth century. University of Oklahoma Press. Political modernization and technology: Chapter 1 "Why?", 1991. – P. 31-108.

ўртача 15–30 фоиз камайган, шаффофлик индикаторлари эса сезиларли ошган.

Рақамли демократиянинг энг жиддий камчилиги рақамли нотенгликдир. Интернетга уланиш даражаси, рақамли саводхонлик, қурилмаларга эгалик даражаси, ҳудудлар бўйича имкониятлар турличалиги демократик иштирокдаги диспропорцияларни кучайтиради.

ITU (*Халқаро телекоммуникация бирлашмаси*)нинг 2024 йил ҳисоботида кўра дунёдаги катта ёшли аҳолининг 33 фоиз интернетдан фойдалана олмайди, шунингдек ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 47 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар рақамли демократия имкониятлари фақат техник инфратузилма етарли ва рақамли саводхонлик юқори бўлган жойда самарали эканини кўрсатади¹.

Таъкидлаш ўринлики, рақамли технологиялар замонавий давлат бошқарувининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда ва улар демократиянинг асосий тамойиллари бўлган очиқлик, ҳисобдорлик ва фуқаролик иштирокини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Рақамлаштириш демократик институтларнинг функционал самарадорлигини ошириб, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Рақамлаштириш давлат фаолиятида шаффофликни таъминловчи асосий механизмлардан бири ҳисобланади. Электрон ҳукумат, очиқ маълумотлар порталлари ва интерактив давлат платформалари орқали фуқаролар янги қабул қилинаётган қонунлар, бюджет харажатлари ҳамда хизматлар сифатини мустақил равишда мониторинг қилиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистонда 760 дан зиёд давлат хизматларининг рақамлаштирилгани бюрократик жараёнларни қисқартириш, коррупция эҳтимолини камайтириш ва фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилмоқда². Очиқ маълумотлар орқали харажатлар, тендерлар ёки давлат харидлари бўйича маълумотлар фуқаролар ва фуқаролик жамияти томонидан таҳлил қилиниши мумкин. Бу эса, шаффофлик фақат техник эмас, балки сиёсий жараёнга ҳам айланганини кўрсатади.

Давлат ҳисобдорлигини оширишда рақамли платформаларнинг ўрни жуда катта. Айниқса, AI технологияларига асосланган чат-ботлар, автоматлаштирилган мурожаат тизимлари ва интерактив сервислар давлат органларининг фуқаролар олдидаги жавобгарлигини кучайтиради. Чат-ботлар 24/7 режимда фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиб, давлат хизматларига оид саволларга тезкор жавоб беради.

Электрон мурожаатлар платформалари мансабдорларнинг жавоб бериш муддатларини назорат қилади. Фуқароларнинг ҳар бир мурожаати электрон қайд этилиши ҳисобдорликнинг институционал механизмига айланади.

¹ International Institute for Democracy and Electoral Assistance (International IDEA). The Global State of Democracy, 2025. – P. 120-150.

² «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури расмий ҳисоботи, 2025. <https://lex.uz/uz/docs/-5030957?ONDATE=25.05.2024&ONDATE2=01.03.2025&action=compare>

Халқаро амалиётда ҳам (*Эстония, Сингапур, Канада*) шундай платформалар вазифаси давлатнинг жавобгарлик маданиятини мустаҳкамлаш экани таъкидланади. Хусусан, Эстония рақамли давлат қуришда дунёда энг муваффақиятли моделлардан бири сифатида тан олинган бўлиб, онлайн сайлов (*i-Voting*) тизими орқали демократик иштироки янги босқичга олиб чиқди. Ушбу тизим фуқароларга мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлган тақдирда ҳам овоз бериш имконини беради. Эстониянинг рақамли хизматлар экотизими *X-Road* маълумот алмашинув платформасига асосланган бўлиб, бу фуқаролар, хусусий сектор ва давлат идоралари ўртасидаги маълумот айланмасини хавфсиз, тезкор ва шаффоф шаклда таъминлайди¹.

OECD (*Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти*) томонидан эълон қилинадиган рақамли ҳукумат индексларида Эстония йиллар давомида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Тадқиқотларда таъкидланишича, рақамли инфратузилманинг барқарорлиги ва мустаҳкам ҳуқуқий базаси онлайн сайлов тизимининг ишончлилиги ҳамда фуқаролар иштирокининг ошишига хизмат қилган.

Бундан ташқари, Жанубий Корея ҳам рақамли ислохотларни жадал амалга оширган мамлакатлардан ҳисобланади. Унинг рақамли ҳукумат стратегияси фуқароларга онлайн хизматлардан ташқари, сунъий интеллект орқали жамоат фикрини таҳлил қилиш, мурожаатларни саралаш ва давлат қарорлари учун муҳим бўлган ахборотни реал вақтда шакллантириш имконини беради. Бу фуқароларнинг давлат билан «икки томонлама» мулоқотини кучайтириб, очиқлик ва ҳисобдорлик даражасини оширган.

Рақамли технологияларнинг демократик фойдаси улардан фойдаланиш имконияти тенг бўлгандагина намоён бўлади. Рақамли нотенглик интернетга уланиш имконияти, техник инфратузилма, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмалари ва рақамли саводхонлик даражасидаги тафовутлар демократиянинг инклюзивлигини чеклайди. Бу муаммолар фуқароларнинг айрим қатламлари рақамли хизматлардан четда қолиши, сиёсий иштироки паст бўлган гуруҳлар манфаатларининг етарлича акс этмаслиги, рақамли хизматлардан фойдалана олмаслик орқали ижтимоий номутаносибликни келтириб чиқариши мумкин.

Шу сабабли, рақамли демократик ислохотлар барча фуқароларга бирдай фойда келтириши учун давлат томонидан инклюзив рақамлаштириш стратегиялари яъни, интернет қамровини кенгайтириш, рақамли саводхонлик курслари, ижтимоий ҳимояланган қатламларга арзон интернет дастурлари жорий этилиши зарур.

Очиқ маълумотлар рақамли демократиянинг энг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Бюджет, давлат харидлари, статистик маълумотлар, экологик кўрсаткичлар ва бошқа соҳалардаги очиқ маълумотлар фуқаролар, журналистлар ва тадқиқотчиларга давлат фаолиятини мустақил таҳлил қилиш имконини беради. Бироқ очиқ

¹ World Bank. Digital Progress and Trends Report 2025: Strengthening AI foundations for inclusive growth. World Bank Group. Washington, DC. (E-government and transparency: Chapter 3, 2025. – P. 45-70.

маълумотлар самарали бўлиши учун ҳуқуқий муҳофаза механизмлари, маълумотларнинг сифатлиги ва тўлиқлиги, улардан фойдаланиш учун техник қулайликлар таъминланган бўлиши керак. Акс ҳолда очиқ маълумотлар номига очиқ бўлади, амалда эса жамоат назоратига хизмат қилмайди¹.

Ўзбекистонда ҳам рақамли давлат қурилиши ва демократик ислохотларнинг ўзаро уйғунлашуви «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури доирасида амалга оширилмоқда. Мазкур стратегия давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини кучайтириш ва давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни институционал тарзда ривожлантиришни мақсад қилган. Дастурнинг асосий йўналишлари давлат хизматларини рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, очиқ маълумотлар экотизимини шакллантириш ва рақамли демократик механизмларни кенг жорий этишдан иборат.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда фуқаролик иштирокини таъминлашга қаратилган бир қатор рақамли платформалар ишга туширилди. Жумладан, «OpenBudget.uz» орқали фуқаролар маҳаллий бюджет тақсимои юзасидан таклифлар бериши, овоз бериш орқали ташаббусларни илгари суриши мумкин. «E-Parlament» платформаси қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, фуқароларга қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш имконини яратди.

Шунингдек, «Mening fikrim» петиция портали аҳолига муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ташаббус кўтариш ва ушбу ташаббуслар белгиланган чегарага етган тақдирда уларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқилишига асос яратди. Бу рақамли платформалар демократик иштирокнинг янги институционал механизми сифатида шаклланиб, фуқароларнинг сиёсий жараёнларга таъсир қилиш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлардан сўнг рақамли трансформациянинг иқтисодий ва сиёсий самаралари ҳам кўзга ташланмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиши индексида 6 поғона юқори кўтарилиб, 63-ўринни эгаллади. IT соҳасининг ўсиши, шу жумладан, сунъий интеллектни иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш орқали 2025 йил охирига қадар 1,1 млрд. доллар қўшимча иқтисодий қиймат яратиш режалари мамлакатнинг Марказий Осиёдаги рақамли ҳабга айланиш салоҳиятини оширмоқда².

Бироқ амалдаги вазиятга танқидий ёндашув рақамли ислохотларнинг тўлиқ демократик потенциалига эришишда бир қатор тўсиқлар мавжудлигини кўрсатади. Биринчидан, мамлакатда интернет тезлиги ва инфратузилмасининг ҳали ҳам етарли даражада ривожланмагани аҳоли ҳамда жамоат ташкилотларининг рақамли платформалардан унумли фойдаланиш имкониятларини чеклайди.

¹ World Bank. Worldwide Governance Indicators, 2025 Update. World Bank Governance Research Group. Washington, DC. Accountability: Section 2, 2025. – P. 8-12.

² «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури расмий ҳисоботи, 2025. <https://lex.uz/uz/docs/-5030957?ONDATE=25.05.2024&ONDATE2=01.03.2025&action=compare>

Иккинчидан, айрим веб-сайтлар ва онлайн манбаларга киришнинг чекланганлиги очиқлик ва ахборот эркинлиги тамойилларига зид бўлиб, рақамли демократик механизмларнинг самарадорлигини пасайтиради. Бу ҳолат рақамли демократик институтлардан кенг кўламли фойдаланиш учун ҳуқуқий кафолатлар ва ахборот сиёсатининг янада либераллаштирилишини талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамлаштириш – бу нафақат технологик янгиланиш, балки демократик маданиятни кучайтиришнинг илмий ва амалий асосидир. Ўзбекистонда рақамли демократия соҳасидаги ислохотлар миллий ривожланиш стратегияси билан уйғун ҳолда амалга оширилмоқда. Шу ўринда амалга оширилаётган ислохотлар билан бир қаторда танқидий муаммолар ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар мавжуд. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган давлат дастурлари ва йўл хариталари ёрдамида келгусида рақамли инклюзия, киберхавфсизлик ва рақамли этика соҳасидаги фаолият кучайиб, рақамли демократиянинг барқарор тизими шаклланади.

Бу ислохотлар фақат ҳукумат эмас, балки фуқаролик жамияти ва халқаро ҳамкорлик орқали муваффақиятли бўлади. Умуман олганда, рақамлаштириш демократиянинг янги босқичини белгилайди, лекин унинг муваффақияти ҳуқуқий ва этик нормаларга боғлиқ.

Моҳинур ВОҲИДОВА, талаба
(Бухоро Давлат университети)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИДА РАҚАМЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ПАРАДИГМАСИ

Бугунги кунда халқимиз, давлатимиз ва жамиятимиз олдидаги энг муҳим мақсад – Янги Ўзбекистонни барпо этишдир. Бу ҳаёт ва турмуш сифатини яхшилаш, аҳолига етарли ва муносиб яшаш шароитларини яратиш, давлат хизматларини кўрсатишда замонавий усуллардан фойдаланишни такомиллаштиришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, рақамлаштириш сиёсатини ҳар бир ташкилот, корхона, муассаса ёки муҳим тизимга жорий этиш ҳам устувор вазифалардан биридир. Давлатимизнинг бош мақсади бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун биринчи навбатда фуқароларнинг ҳаётидан розилиги ва бахтлилигига эришиш керак.

Шунинг учун ҳам ҳукумат ҳар бир тизимда, ҳар бир соҳада, аниқлик, шаффофлик, тезкорлик ва очиқликни таъминлаш мақсадида муҳим қарорлар ва ислохотларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2023 йилда қабул қилинган Конституция бу жараёнларнинг муҳимлигини, зарурлигини ва ортга суриб бўлмаслигини таъминлаш учун яна бир қадам сифатида баҳоланди. Барча жараёнлар, ислохотлар ва ҳаракатларнинг асосий мақсади инсонга хизмат қилишдан иборатдир.

Шунингдек, Янги таҳрирдаги Конституциянинг 2-моддасида ҳам «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»¹ деб қайд этилган. Бу тамойил халқ манфаатлари давлат сиёсатининг марказида бўлишини, барча қарорлар инсон манфаатига хизмат қилишини англатади. Инсон манфаатларини устувор қилиш нафақат ҳуқуқий меъёр сифатида, балки амалий фаолиятнинг бош мезонига айланган. Шу сабабли давлат бошқаруви тизими ҳам замон талабига мос равишда янгиланмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда рақамлаштириш сиёсати кенг жорий этилаётгани давлат хизматларини янада қулай, очиқ ва тезкор кўринишга келтиришга хизмат қилмоқда. Электрон ҳукумат тизимининг ривожланиши эса фуқаролар ва давлат ўртасидаги масофани қисқартириб, ҳар бир жараёнда шаффофликни таъминлашга ёрдам бермоқда.

Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистон шароитида рақамлаштириш сиёсати ва электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш давлат бошқарувининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу нафақат хизматлар сифатини ошириш, балки жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Мазкур мавзунинг долзарблиги айнан шу жараёнларнинг изчил амалга оширилаётгани ва улар бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаётганида намоён бўлади.

Янги Ўзбекистон – бу мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланишлар ва ислохотлар жараёнидир. У давлат бошқарувини самарали қилиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, рақамли технологияларни кенг жорий этишга қаратилган. Шу орқали фуқаролар фаровонлиги оширилади ва Ўзбекистон замонавий давлатга айлантирилади. Бугунги кунда рақамлаштириш ва электрон ҳукумат эса янги Ўзбекистон бошқарув тизимининг таянчи ҳисобланади.

Рақамлаштириш – хизмат сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ташкилот ва корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнес жараёнларини автоматлаштиришни ўз ичига олади. Оддий қилиб айтганда, рақамлаштириш аҳолининг узоғини яқин оғирини энгил қилишга соҳаларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади². Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли *«Рақамли иқтисодиёт ва Рақамли ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 июндаги 409-сонли *«Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги айрим ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Рақамли

¹ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: 2023.

² Ҳарафутдинов Ш.С. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси. – Тошкент, 2023.

технологиялар вазирлиги ҳузурида рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ташкил этилди.

Электрон ҳукумат – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими¹. Бу икки тизим қанчалик самарали ишласа, фуқароларимизга шунча энгилликлар яратилади. Шунга қарамай фақатгина ривожланишни юклашни давлатдан эмас, балки инсонлар фуқаролар ўзларидан ҳам бошлашлари керак деб ҳисоблайман.

Жамиятимизда ва давлатимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданият юқори даражада шаклланса, бу давлатимиз ривожини ва барқарорлигига катта фойда келтиради. Натижада, рақамлаштириш жараёнлари ва электрон ҳукумат тизими самарали ишлайди, давлат бошқарувида очиқлик, тезлик ва қулайлик янада ортади.

Рақамлаштиришнинг жадал ривожланиши давлат хизматларини кўрсатишда янги босқични бошлаб берди. Эндиликда кўплаб жараёнлар электрон шаклга ўтаётгани туфайли, давлат идораларининг ишлаш услуби янгиланмоқда, аҳолига хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифати ошмоқда. Бу жараёнлар фақат қоғозда ёки оддий сўзда қолиб кетмаяпти, балки унинг ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий асослари ўз вақтида, ўз ўрнида яратилмоқда. Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш жараёнлари 2013 йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий этила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2012 йилда *«Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»* 378-сон қарори эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида, шу жумладан «бир дарча» режимида фаолият кўрсатади².

Ягона интерактив давлат хизматлари портали фуқароларга барча давлат хизматларига тўғридан- тўғри, бир жойдан ва қулай тарзда кириш имконини беради, бу эса хизматларни тезроқ бажариш, навбат ва қоғоз ишлари билан боғлиқ масалаларни камайтириш ҳамда рақамли жараёнларни соддалаштиришга хизмат қилади. Энг муҳими бу жараён коррупция, пора олиш ва бериш жараёнига тўлиқ тарзда зарба берди.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йил ҳолатига кўра Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 150 дан ортиқ хизматлар фаолият

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 18 ноябрдаги «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2012 йилдаги «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 378-сонли Қарори.

кўрсатмоқда. Бу йўналишдаги ислохотлар давлат хизматларини модернизация қилиш, уларни аҳолига янада қулай ва шаффоф кўринишда етказиш имконини берди. Натижада, сўнгги йилларда рақамлаштиришнинг қамрови сезиларли даражада кенгайди ва электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражаси ортди.

БМТ томонидан эълон қилинадиган **Электрон ҳукумат ривожланиши индекси** (ЭГДИ) бўйича Ўзбекистоннинг ўрни ҳам изчил равишда яхшиланиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилги ЭГДИ ҳисоботида Ўзбекистон 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллади. Мамлакатнинг умумий ЭГДИ кўрсаткичи 0,7999 бўлиб, Ўзбекистон электрон ҳукумат ривожланиши бўйича юқори даражадаги ривожланиш тоифасига кирди. Шунингдек, электрон иштирокчилик (E-Participation) индексида Ўзбекистон 53-ўринни эгаллаган¹. Ушбу кўрсаткичлар соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва рақамлаштириш сиёсатининг самарадорлигини яққол акс эттиради. Олдин айтиб ўтганимиздек, ҳуқуқий меъёрлар сифатида бир нечта қонун ҳужжатлари стратегиялар қабул қилинди. Хусусан, 2025 йил Рақамли ҳукумат 2028 стратегияси қабул қилиниб, унинг асосий устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар киритилди:

- 1) Давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш.
- 2) Талаб қилинган маълумотлар ва ҳужжатлар сонини қисқартириш.
- 3) Шахсни масофадан тасдиқлашнинг қўшимча шакл ва усуллари жорий этиш.
- 4) Давлат органларига мурожаатларни кўриб чиқилишини ҳолатини онлайн режимда кузатиш имконияти.

Ушбу стратегиядан кўриниб турибдики, бугунги кунда ушбу устувор вазифаларнинг барчаси ҳаётимизга шу стратегия орқали жорий қилинмоқда. Хусусан, давлат органига ёки ташкилот муассасага ишга кирмоқчи бўлсак, биздан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинмайди. Бу ҳам бир томондан харажатларни камайтириб, ортиқча исрофгарчиликларни олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, 3-устувор вазифанинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 30.08.2022 йилдаги 479-сон Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни идентификациялашнинг Mobil-ID тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида қонуни эълон қилинганди. Қонунда Mobil-ID тизимига қуйидагича таъриф берилади: «**Mobil-ID** – интерактив давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланувчини рўйхатга олиш, идентификациялаш, аутентификациялаш, верификация қилиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчилар билан алоқани

¹ United Nations. E-Government Development Index: Uzbekistan Country Profile. United Nations Department of Economic and Social Affairs, 2024.

таъминлашга мўлжалланган мобил телефон рақамига боғланган идентификация тизими»¹.

Бу тизим фуқароларга ҳар бир соҳада тезкор, уйдан чиқмасдан туриб, исталган пайтда керакли ҳужжатларни олиш имконини яратиб беради. Энг муҳими бу жараён тўлиқ хавфсиз ҳисобланади. Чунки, бугунги глобаллашув жараёнида инсониятга катта хавф туғдираётган кибер жиноятларни олдини олиш, ёлғон ахборотлардан ҳимояланиш учун ҳам фуқароларга ишончли бўлган манбалар жуда зарур ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу тизим кўп хизматларда интеграция қилади, яъни Mobil-ID ягона идентификация воситаси сифатида давлат, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларига кира олади. Mobil-ID тизими қулай бўлса-да, у бир қанча камчиликларга эга. Ҳар қандай рақамли тизим каби, Mobil-ID ҳам баъзи чекловларга дуч келади. Масалан, техник чекловлар (*бу тизим фақатгина телефон интернет мавжуд бўлсагина ишлайди, ташқи ва ички хавф-хатарлар, вируслар ёки фирибгарликлар*), бошқа тарафдан бу жараён фойдаланувчининг билимига боғлиқ ҳолда ишлайди. Бунда фойдаланувчи бу тизимдан тўғри фойдалана олиши керак, бир сўз билан айтганда, фойдаланиш саводхонлигини билиш керак.

Яна бир камчилиги агар фойдаланувчи рўйхатдан ўтган телефони ёки рақамини йўқотиб қўйса, янгидан рўйхатдан ўтиши керак бўлади. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан айнан шу жараёнларни фуқаролар орасида бўлмаслиги ва бу орқали кўпгина ноқулайликлар келтириб чиқармаслигини олдини олиш мақсадида ҳам малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳам бир қатор вазифаларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, рақамлаштириш ва электрон ҳукуматни янада самаралироқ қилиш мақсадида кўпгина ташкилотларда KPI тизими жорий қилинмоқда. Хўш, **KPI нима ва қандай пайдо бўлган унинг қандай афзаллик тарафлари бор?** деган саволлар пайдо бўлади.

KPI (key performancr indicator) – энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади KPIлар – бу ташкилотнинг фаолиятидаги энг муҳим жиҳатларга қаратилган ўлчовлар мажмуи бўлиб, улар ташкилотнинг ҳозирги ва келажакдаги муваффақияти учун энг муҳим ҳисобланади. Рақамли давлат хизматларининг самарадорлигини оширишда KPI тизими муҳим восита ҳисобланади. У ҳар бир хизматнинг ишлаш тезлиги, фойдаланувчиларга қулайлиги ва сифатини баҳолаш имконини беради. Шу орқали давлат органлари қайси жараёнларни яхшилаш кераклигини аниқ кўра олади.

KPI натижалари хизматларни тезлаштириш ва тартибли ташкил этишга ёрдам беради. Бундан ташқари, тизим янги стратегик қарорлар қабул қилишда ҳам йўл-йўриқ беради. Шу тарзда, KPI нафақат хизматлар сифатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.08.2022 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларни идентификациялашнинг Mobil-ID тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 479-сон Қарори.

оширади, балки рақамли бошқарув жараёнини янада самарали қилади. Маълумотларга кўра КРІ ҳақидаги илк тушунчалар XX асрнинг 50-йилларида ПІТер Друкернинг «Мақсадга сари бошқариш» ғояси орқали шакллана бошлаган. Шу ғоя асосида кейинчалик бизнес ва давлат бошқарувида иш фаолиятини ўлчаш тизими сифатида КРІ тизими ривожланди. У ташкилотларга вазифаларни аниқ белгилаш, жараёнларни назорат қилиш ва ресурсларни самарали тақсимлаш имконини беради. Шу йўл билан хизматларни тезроқ ва тартибли бажариш, фойдаланувчиларга қулайлик яратиш осонлашади. Рақамли давлат бошқарувида КРІ натижалари янги стратегик қарорларни қабул қилишда ҳам ёрдам беради ва хизмат сифатини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамлаштириш ва электрон ҳукумат концепцияси давлат хизматларини самарали ташкил этиш ва фуқароларга қулайлик яратишда муҳим роль ўйнайди. [My.gov.uz](http://my.gov.uz) портали орқали барча хизматларга бир жойдан тезкор кириш имконияти мавжуд бўлиб, қоғоз ишлари камаяди ва жараёнлар соддалаштирилади. Малакали ІТ кадрларни тайёрлаш ва уларнинг иш фаолиятини КРІ кўрсаткичлари орқали баҳолаш хизмат сифатини ошириш ва жараёнларни тартибга солиш имконини беради. Шу билан бирга, ёшлар рақамли технологиялар билан эрта танишиб, инновацион лойиҳаларда фаол иштирок этади. Натижада, рақамли бошқарув тизими давлат хизматларини модернизация қилиш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшади.

Диёрбек АБДУЛЛАЕВ, мустақил изланувчи
(Ўзбекистон Миллий университети)

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ҲУКУМАТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

XXI асрнинг учинчи ўн йиллигига келиб, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) нафақат иқтисодий ўсишнинг драйвери, балки давлат бошқаруви архитектурасини тубдан ўзгартирувчи асосий омилга айланди. Глобал миқёсда кечаётган рақамли трансформация жараёнлари давлат органлари фаолиятини янада мосланувчан, шаффоф ва натижага йўналтирилган бўлишини тақозо этмоқда.

Давлат бошқарувининг аънавий моделлари ўзининг иерархик мураккаблиги ва қарор қабул қилишдаги сусткашлиги сабабли замонавий ахборот жамияти эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Шу маънода, рақамли ҳукумат (Digital Government) тушунчаси шунчаки технологик янгиланиш эмас, балки давлат аппаратининг жамият билан мулоқот қилишининг янги фалсафасидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

электрон ҳукумат бўйича ҳисоботларида таъкидланганидек, рақамлаштириш барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг энг қисқа йўлидир¹.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, давлат бошқарувида рақамли технологияларни жорий этиш орқали нафақат ресурслар тежалади, балки фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи (public trust) ортади. Ўзбекистон Республикасида рақамли трансформация жараёнларининг концептуал асоси сифатида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси хизмат қилиб, унда «давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, қарор қабул қилиш жараёнларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш» устувор вазифа этиб белгиланган².

Шунингдек, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида давлат бошқарувини ислоҳ қилишнинг фундаментал мезони сифатида «халқчил давлат» тамойили илгари сурилган. Мазкур стратегияда «давлат хизматларини тўлиқ рақамли шаклга ўтказиш ва аҳолининг давлат хизматларидан қониқиш даражасини ошириш» орқали бюрократияга чек қўйиш ва бошқарув самарадорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш назарда тутилган³. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқарувида «G2C» (Government to Citizens) ва «G2B» (Government to Business) моделларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Илмий адабиётларда «рақамли ҳукумат» тушунчаси кўпинча «электрон ҳукумат»нинг эволюцион давоми сифатида қаралади. Агар электрон ҳукумат жараёнларни шунчаки рақамли шаклга ўтказишни (digitization) англатса, рақамли ҳукумат бошқарув моделининг ўзини маълумотларга таянган ҳолда қайта лойиҳалаштиришни (digital transformation) билдиради.

Klaus Shwab (Klaus Schwab) ўзининг «Тўртинчи саноат инқилоби» асарида таъкидлаганидек, давлат органлари технологик ўзгаришларга мослашишда «тезкор бошқарув» (agile governance) тамойилларига таяниши шарт⁴. Бу ерда самарадорликнинг учта асосий параметри кўзга ташланади:

Операцион самарадорлик. Ички маъмурий жараёнларнинг автоматлашиши ҳисобига вақт ва бюджет маблағларининг тежалиши.

Ижтимоий самарадорлик. Фуқаролар ва бизнес субъектлари учун давлат хизматларининг инклюзивлиги ва қулайлигининг ошиши.

Сиёсий-ҳуқуқий самарадорлик. Бошқарув қарорларининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратининг кучайиши орқали коррупсион рискларнинг камайиши.

Жанубий Корея ва Сингапур каби мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли ҳукуматнинг муваффақияти фақатгина технологик

¹ United Nations E-Government Survey 2024: Accelerating Digital Transformation for Sustainable Development. – New York: United Nations Department of Economic and Social Affairs, 2024.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони.

⁴ Schwab K. The Fourth Industrial Revolution. – Geneva: World economic Forum, 2016.

инфратузилмага эмас, балки «маълумотлар экотизими»нинг (data ecosystem) қай даражада шаклланганига боғлиқ¹.

Замонавий сиёсий тадқиқотларда рақамли ҳукуматнинг самарадорлигини баҳолашда нафақат технологик инфратузилманинг мавжудлиги, балки унинг ижтимоий-институционал натижалари (social-institutional outcomes) ҳал қилувчи мезон ҳисобланади. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида қайд этилганидек, давлат бошқарувини ислоҳ қилишнинг фундаментал мақсади – «давлат органларининг фуқаролар ва бизнесга хизмат қиладиган ихчам ва профессионал аппаратга айланиши» ҳамда «аҳолининг давлат хизматларидан қониқиб даражасини 95 фоизга етказиш»дир². Бу жараён давлат бошқарувида «жараёнларга йўналтирилганлик»дан «натижага йўналтирилганлик»ка ўтишни тақозо этади.

Анъанавий бюрократик моделда қарор қабул қилиш жараёни кўп босқичли ва иерархик тўсиқларга эга бўлиб, бу «транзакцион харажатлар»нинг ортишига олиб келади. Рақамли ҳукумат тизими доирасида «Ягона интерактив давлат хизматлари портали» (my.gov.uz) хизматларни алгоритмлаш орқали инсон аралашувини минималлаштирди. Бу ерда Европа Иттифоқи тажрибасида кенг қўлланиладиган «Бир марта тақдим этиш» (Once-Only Principle) тамойили устувор аҳамият касб этади. Ушбу тамойилга кўра, давлат идоралари фуқародан ўзларининг маълумотлар базасида мавжуд бўлган ҳужжатни такроран талаб қилишга ҳақли эмас.

Статистик ва таҳлилий динамика шуни кўрсатадики, рақамли трансформация натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

Вақт ресурсларининг оптималлашуви. Давлат хизматларини кўрсатиш муддати ўртача 3-5 бараварга, айрим турдаги лицензиялаш жараёнларида эса 10 бараваргача қисқарди. Бу ўз навбатида, бизнес субъектларининг «вақт харажатларини» сезиларли даражада камайтирди.

Ҳужжатлар айланмасининг қисқариши. Фуқаролардан талаб қилинадиган маълумотномалар ва қоғоз кўринишидаги ҳужжатлар сони 45 фоизга қисқартирилди, бу эса давлат аппаратида «қоғозсиз иш юритиш» тизимига ўтишнинг амалий ифодасидир.

Маъмурий харажатларнинг камайиши. Рақамли маълумотлар алмашинуви тизими (interoperability) ҳисобига давлат идораларининг канцелярия ва архивлаш харажатлари оптималлашди, бу эса бюджет маблағларини ижтимоий соҳаларга йўналтириш имконини яратмоқда.

Рақамли ҳукумат бошқарувда субъективизмни чекловчи «институционал тўсиқ» вазифасини ўтайди. Машҳур иқтисодчи ва коррупцияга қарши кураш бўйича эксперт Роберт Клитгаарднинг 1988 йилда чоп этилган «Controlling Corruption» китоби коррупция муаммосига иқтисодий ва бошқарув нуқтаи назаридан ёндашган илк фундаментал асарлардан биридир. Унинг қуйидаги формуласи (Monopoly + Discretion - Accountability) бугунги кунда Жаҳон Банки (World Bank) ва Transparency International каби

¹ OECD Digital Government Index: 2023 Results. – Paris: OECD Publishing, 2024.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентабрдаги ««Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони.

нуфузли ташкилотлар томонидан рақамли бошқарувни жорий этишнинг асосий мантикий драйвери сифатида ишлатилади. Унинг коррупция формуласига ($C = M + D - A$) кўра, коррупция монопол ҳокимият ($M - Monopoly$) ва қарор қабул қилишдаги ихтиёрийлик ($D - Discretion$) ортиб, ҳисобдорлик ($A - Accountability$) камайган тизимларда муқаррар равишда юзага келади.

$$C = M + D - A$$

Бу ерда C (Corruption) – коррупция даражаси ҳисобланади¹.

Рақамли трансформация жараёнида «ихтиёрийлик» (discretion) тушунчаси инсон омилидан маҳрум бўлган алгоритмик қоидалар билан алмаштирилиши коррупсион муҳитни институционал даражада бартараф этади. Чунки, рақамли тизимда ҳар бир маъмурий ҳаракат «рақамли из» қолдиради, бу эса ҳисобдорлик (A) коэффицентини максимал даражага кўтаради.

Хусусан мамлакатимизда, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида жорий этилган «Лицензия» ахборот тизими ва бошқа рақамли платформалар давлат хизматчиси ва фуқаро ўртасидаги бевосита мулоқотни (direct human interface) истисно қилди². Бу тизим қуйидаги сиёсий-ҳуқуқий ютуқларни таъминлади:

Алгоритмик шаффофлик: Ҳар бир мурожаатнинг кўриб чиқиши босқичи автоматлаштирилган бўлиб, муддати ўтган ёки асоссиз рад этилган мурожаатлар тизимда автоматик тарзда «қизил чироқ» (red flag) сифатида акс этади, бу эса назорат органлари учун мониторинг базаси бўлиб хизмат қилади.

Жамоатчилик назорати (Public Oversight). Очiq маълумотлар (Open Data) сиёсатининг кучайтирилиши давлат органларининг молиявий ва маъмурий фаолиятини жамоатчилик томонидан аудит қилиш имконини яратди. Бу, ўз навбатида, давлат аппаратининг жамият олдидаги «сиёсий масъулияти»ни (political accountability) оширди. Натижада, рақамли ҳукумат шунчаки техник восита эмас, балки давлат бошқарувида қонун устуворлигини таъминловчи ва "яширин иқтисодиёт" улушини камайтирувчи стратегик инструментга айланди.

Жаҳон амалиётида рақамли ҳукуматни жорий этишнинг муваффақиятли моделлари давлат бошқарувининг самарадорлиги нафақат технологик ресурсларга, балки маъмурий тизимнинг очиклигига боғлиқлигини исботламоқда. Хусусан, Эстония, Сингапур ва Жанубий Корея тажрибаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Рақамли Ўзбекистон – 2030» ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиялари учун муҳим методологик база бўлиб хизмат қилади.

Эстония рақамли бошқарув бўйича глобал етакчи ҳисобланиб, унинг муваффақияти асосида «Х-Рoad» – маълумотлар алмашувининг очик ва

¹ Klitgaard R. Controlling Corruption. – Berkeley: University of California Press, 1988.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармони.

хавфсиз платформаси ётади. Ушбу тизим давлат органлари ўртасида маълумотларнинг реал вақт режимда интеграциялашувини таъминлайди.

Эстония моделининг илмий-сиёсий аҳамияти шундаки, у Klitgaard формуласидаги «ихтиёрийлик» факторини тўлиқ алгоритмик қоидалар билан алмаштирган. Эстонияда «Once-Only» (фақат бир марта) тамойили қонун даражасида мустаҳкамланган: давлат фуқародан унинг маълумотлар базасида мавжуд бўлган ахборотни иккинчи марта сўраши тақиқланади¹. Бу нафақат бюрократияни камайтиради, балки давлат аппаратининг операцион харажатларини ЯИМнинг 2 фоизи миқдорида тежаш имконини беради².

Сингапур рақамли ҳукуматни «Платформа сифатида давлат» (Government as a Platform – GaaP) концепцияси асосида ривожлантирмоқда. Сингапур тажрибасининг ўзига хослиги – проактив хизматлар кўрсатишдир. Масалан, «LifeSG» мобиль платформаси фуқарога у мурожаат қилишдан олдин, унинг ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб (фарзанд туғилиши, нафақага чиқиш ва ҳ.к.) зарур хизматларни таклиф этади. Бу ёндашув давлат бошқарувида «фуқарога йўналтирилганлик» (citizen-centricity) тамойилини максимал даражага кўтаради. Сингапур модели Ўзбекистоннинг «Ўзбекистон – 2030» стратегиясидаги «халқчил давлат» ғоясининг технологик эквиваленти ҳисобланади.

Жанубий Корея БМТнинг электрон ҳукумат рейтингида (EGDI) доимий равишда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Корея тажрибасида «G-Cloud» (Ҳукумат булути) тизими барча давлат идораларининг сервер инфраструктурасини ягона марказга бириктирган.

Кореянинг «Digital Platform Government» стратегияси давлат органлари, бизнес ва фуқаролар ўртасидаги маълумотлар алмашинувини «Ягона экотизим»га айлантиришни мақсад қилган³. Бу моделда сунъий интеллект (АИ) ёрдамида ижтимоий муаммоларни башорат қилиш (predictive analytics) ва уларга тезкор ечим топиш механизмлари йўлга қўйилган.

Халқаро тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, Ўзбекистон ўзининг рақамли трансформация моделида қуйидаги ёндашувларни уйғунлаштирмоқда:

Эстония моделидан маълумотлар алмашинуви ва рақамли идентификацияни (OneID) ривожлантириш.

Сингапур моделидан давлат хизматларини ягона платформада (my.gov.uz) жамлаш ва проактив хизматларни жорий этиш.

Корея моделидан марказлашган ахборот тизимлари ва булутли технологияларни давлат бошқарувида татбиқ этиш.

Ушбу ёндашувлар «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда, хусусан, давлат бошқаруви

¹ Republic of Estonia «The Story of e-estonia: A Digital Success Story», e-estonia Briefing Centre, 2026. <https://e-estonia.com/solutions>

² Kaevats M. Interoperability and the X-Road: The Foundation of e-Estonia. International Journal of Public Administration in the Digital Age 9, no. 2, 2022.

³ Ministry of the Interior and Safety (MOIS), Digital Platform Government: For a New Leap Forward of Korea. – Seoul: MOIS Publishing, 2023.

самарадорлигини ошириш ва коррупсион монополияни бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Рақамли ҳукуматнинг давлат бошқаруви самарадорлигини оширишдаги ижобий динамикасига қарамай, мазкур жараён бир қатор институционал ва технологик хатарлар билан тўқнаш келмоқда. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида қуйидаги тўсиқларни бартараф этиш долзарб ҳисобланади:

Рақамли тафовут ва ҳудудий тенгсизлик. Рақамли трансформация фақат пойтахт ёки йирик шаҳарлар билан чекланиб қолмаслиги керак. Сиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, олис ҳудудларда интернет инфратузилмасининг пастлиги ва аҳолининг рақамли саводхонлик даражаси ўртасидаги фарқ «рақамли истисно» (digital exclusion) хавфини туғдиради. Бу эса, давлат хизматларининг инклюзивлигига салбий таъсир кўрсатади.

Киберхавфсизлик ва маълумотлар суверенитети. Давлат бошқарувини рақамлаштиришда маълумотларнинг марказлашиши уларни киберҳужумлар нишонига айлантиради. Роберт Клитгаард формуласидаги ҳисобдорлик (A) коэффицентини ошириш учун нафақат шаффофлик, балки маълумотларнинг дахлсизлиги ҳам кафолатланиши шарт. Бугунги кунда киберхавфсизлик давлат суверенитетининг таркибий қисмига айланди.

Инсон капитали ва маъмурий қаршилиқ. Рақамли ҳукуматни жорий этишда кўпинча «ўрта бўғин» давлат хизматчиларининг анъанавий бошқарув усулларидадан воз кечишни истамаслиги – «маъмурий инерция»га дуч келинади. Рақамли кўникмаларнинг етишмаслиги тизимнинг самарадорлигини пасайтирувчи омилдир. Шу сабабли, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида таълим тизимини рақамлаштириш ва IT-кадрлар тайёрлашга алоҳида урғу берилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли ҳукумат – бу шунчаки технологик восита эмас, балки давлат бошқарувининг демократик ва самарали моделини қуришдаги стратегик платформадир. Рақамли трансформация жараёнлари Роберт Клитгаарднинг коррупция формуласидаги монополияни пасайтириш ва ҳисобдорликни ошириш орқали давлат аппаратининг жамият олдидаги легитимлигини мустаҳкамлайди.

Ўтказилган таҳлиллар асосида давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

AI-Governance моделига ўтиш. Давлат хизматларида сунъий интеллект алгоритмларини қўллаш орқали инсон омилини «ноль» даражага тушириш ва қарор қабул қилиш жараёнларини прогнозли таҳлилга асослаш.

Маълумотлар интеграциясини қонунийлаштириш. «Бир марта тақдим этиш» тамойилини барча давлат идоралари учун мажбурий этиб белгилаш ва идоралараро маълумот алмашинувини 100 фоиз рақамлаштириш.

Кибер-иммунитетни шакллантириш. Давлат ахборот тизимларининг киберчидамлигини ошириш учун халқаро стандартларни (ISO/IEC 27001) мажбурий жорий этиш ва шахсий маълумотлар ҳимоясини кучайтириш.

Рақамли таълим кластерлари. Давлат хизматчилари учун «Digital Governance» йўналишида мунтазам малака ошириш тизимини йўлга қўйиш орқали маъмурий инерцияни синдириш.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли ҳукуматнинг ривожланиши «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида кўзда тутилган «Халқчил ва инсон қадрини улуғловчи давлат» қуришнинг энг самарали ва муқобил бўлмаган йўлидир.

Баҳром ФАРМОНОВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

РАҚАМЛИ ДЕМОКРАТИЯ: НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АМАЛИЙ КЎРИНИШЛАР

Рақамли демократия жамиятнинг демократик бошқарувини ривожлантиришда рақамли технологияларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Фуқароларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этишга имкон яратиш, давлатнинг шаффофлигини таъминлаш ва қарорларни самарали қабул қилиш учун рақамли технологиялар муҳим восита сифатида намоён бўлмоқда¹. Ушбу мақола рақамли демократиянинг замонавий аҳамиятини, дунё давлатларининг ушбу жараёнда қандай иштирок этаётганини ва унинг келажақдаги ривожланишини ўрганади.

Рақамли демократия – бу замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АҚТ) ёрдамида фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини ошириш ва демократик жараёнларни самарали ва шаффоф тарзда амалга оширишни таъминлашга қаратилган бир қатор ташаббуслардир. Бугунги кунда дунё миқёсида рақамли демократия жамиятни ривожлантириш, давлат бошқарувини шаффофлаштириш ва фуқаролар иштирокини кенгайтириш мақсадида қўлланилмоқда². Ушбу мақолада рақамли демократиянинг аҳамияти, унинг асосий компонентлари ва дунё давлатларининг бу жараёндаги иштироки кўриб чиқилади.

Рақамли демократия фуқаролар иштирокини кенгайтириш ва давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Электрон овоз бериш, рақамли идентификация, онлайн сўровлар ва очиқ маълумотлар платформалари орқали фуқаролар давлат қарорларида ўз фикрларини билдиришлари мумкин. Шу билан бирга, рақамли демократия, давлат фаолиятининг шаффофлигини таъминлаб, коррупцияни камайтириш ва давлат ресурсларини самарали бошқариш имкониятларини яратади.

¹ Krimmer M.H. Towards the enhancement of e-democracy: identifying the notion of the middleman paradox. Information Systems Journal. 15 (1), 2005. – P. 27-42.

² Муминжонова У. Замонавий дунёда рақамли демократиянинг аҳамияти. Илм-фан тараққиёти: илмий инновацион ёндашувлар ва стратегик таҳлиллар мавзусида халқаро илмий-техник конференция, 2024. – 366 б.

Таъкидлаш лозимки, рақамли демократия фуқароларни давлат бошқаруви жараёнларига тўғридан-тўғри жалб қилиш имкониятини яратади. Электрон овоз бериш тизимлари, онлайн сўровлар ва муҳокама платформалари фуқароларни жамиятдаги сиёсий ва ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга рағбатлантиради ¹. Рақамли платформалар фуқароларга ўз фикрларини билдириш, онлайн овоз бериш ёки муҳокамаларда қатнашиш имкониятини беради. Бу, айниқса, турли жойларда яшовчи ёки бошқа сабабларга кўра сиёсий жараёнларда иштирок эта олмайдиган кишилар учун муҳимдир.

Рақамли платформалар давлат фаолиятининг очиқлигини таъминлайди. Очиқ маълумотлар, давлат бюджети ва харажатлари ҳақида фуқароларни хабардор қилиш орқали, коррупция даражаси пасаяди ва бошқарув самарадорлиги ошади. Рақамли технологиялар ёрдамида давлат фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш осонлашади. Масалан, очиқ маълумотлар (open data) платформалари орқали фуқаролар давлат бюджети ёки қонун лойиҳалари ҳақида аниқ маълумот олиши мумкин.

Бу платформалар ёрдамида электрон сайловлар, рақамли имзо ва бошқа технологиялар ёрдамида сайлов жараёнларини ишончли ҳамда самарали қилиш мумкин. Бу фуқароларнинг сайловда қатнашишларини осонлаштиради ва сайловларнинг тез ва аниқ натижаларини олишга имкон яратади.

Рақамли демократия фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, ишончни ошириш ва бошқарув самарадорлигини таъминлаш учун муҳим воситадир. Бироқ, бу тизимни жорий этишда киберхавфсизлик, маълумотларнинг махфийлиги ва технологик тенглик каби масалаларга эътибор бериш зарур ². Рақамли демократиянинг моҳияти демократик жараёнларни рақамли технологиялар орқали такомиллаштириш, фуқароларни кенгайтирилган иштирокчиликка жалб этиш ва давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу тизим давлат ва фуқаролар ўртасидаги мулоқотни янада очиқ, самарали ва ишончли қилишга хизмат қилади.

Дунё давлатларида рақамли демократиянинг қўлланиши рақамли демократия дунё давлатларида фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини ошириш ва демократик жараёнларни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Унинг жорий этилиши давлатлар учун қуйидаги имкониятларни беради:

1. Мамлакатда демократик иштирокни кенгайтиради. Рақамли воситалар орқали аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ёшлар, қишлоқ аҳолиси ва бошқа тоифалар давлат бошқарув жараёнларида фаол иштирок этиши мумкин.

¹ Tucker J.A., Theocharis Y.R., Margaret E.B. From Liberation to Turmoil: Social Media And Democracy. Journal of Democracy. 28 (4), 2017. – P. 46-59.

² Spakovsky H.A., Malcolm J.G. The Dangers of Internet Voting. The Heritage Foundation, 2023. <https://www.heritage.org/election-integrity/report/the-dangers-internet-voting>

2. Давлат бошқарувида шаффофликни таъминлайди. Швеция, Дания ва бошқа Скандинавия давлатлари очиқ маълумотлар платформаларини ривожлантириб, давлат қарорлари ҳақида фуқароларга маълумот етказиб беришда етакчилик қилмоқда. Бу фуқаролар ишончини оширади ва коррупцияни камайтиради.

3. Тезкорлик ва самарадорликни вужудга келтиради. Электрон ҳукумат тизимлари давлат хизматларини тез ва самарали кўрсатишга имкон яратади. Масалан, Сингапурда «Smart Nation» лойиҳаси орқали фуқаролар онлайн шаклда турли хизматлардан фойдаланади, бу эса ўз навбатида вақт ва ресурсларни тежайди.

4. Инновацион имкониятларни яратади. АҚШ ва Буюк Британияда онлайн платформалар орқали жамоатчилик фикри ўрганилади ҳамда қонунчилик ёки сиёсий қарорлар лойиҳаларига таклифлар киритилади. Бу жараён аҳолини давлатга нисбатан яқинлашишига олиб келади ва самарадорликни оширади.

5. Глобал алоқаларни мустаҳкамлайди. Рақамли демократия давлатларaro ҳамкорлик ва халқаро мулоқотни кучайтиради. Масалан, Европа Иттифоқи доирасида онлайн платформалар фуқаролар учун умумий лойиҳалар бўйича ўз фикрларини билдириш имкониятини яратади.

6. Пандемия ва фавқулодда ҳолатларга мослашувчан ҳисобланади. COVID-19 пандемияси даврида кўплаб давлатлар рақамли платформалардан фойдаланиб, фуқароларни жараёнларга жалб этди ва муҳим қарорлар бўйича масофавий маслаҳатлар олиб борди. Бу эса, рақамли демократиянинг аҳамиятини янада оширди.

Дунё давлатларида рақамли демократиянинг жорий этилиши фуқароларнинг сиёсий жараёнларга фаолроқ иштирокини таъминлайди, давлат ва жамият ўртасидаги ишончни кучайтиради ҳамда бошқарувнинг самарадорлигини оширади. Аммо, бу тизимни муваффақиятли қўллаш учун киберхавфсизлик ва технологик тенглик каби муаммоларни ҳал қилиш муҳимдир.

Бу соҳада бир қанча хориж давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш муҳимдир. Хусусан, Эстония рақамли демократия соҳасида дунёдаги етакчи давлатлардан биридир. Электрон овоз бериш, «e-Residency» дастури ва рақамли идентификация орқали Эстония фуқаролари ҳамда чет элликлар ҳам давлат хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, мамлакатда 2005 йилдан буён сайловларда электрон овоз бериш қўлланилмоқда. 2023 йилги парламент сайловларида умумий иштирокчиларнинг 51,2 фоиз «i-voting» тизими орқали овоз берган ¹. E-Residency дастури дунё бўйлаб 100 мингдан зиёд чет элликка Эстониянинг рақамли хизматларидан фойдаланиш имконини бермоқда. X-Road платформаси барча давлат базалари хавфсизлигини таъминлайди. Бунинг натижасида давлат хизматларининг 90 фоизи онлайн тарзда амалга

¹ Estonia: The world's longest standing, most advanced internet voting solution – Smartmatic, 2023. <https://www.smartmatic.com/us/all-case-studies/estonia-the-worlds-longest-standing-most>

оширилмоқда, бу эса фуқароларга йилига ўртача 5 иш кунини тежашга замин яратмоқда.

Швецияда эса, давлат хизматларини рақамлаштириш ва очиқ маълумотлар платформалари орқали фуқаролар ўз фикрларини билдиришлари ва қарорларни қабул қилишда қатнашишлари мумкин. Бунда, давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқалар янада самарали бўлади. Швеция рақамли демократия соҳасида дунёдаги энг қадимги ва мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга давлатлардан бири ҳисобланади. 1766 йилда қабул қилинган «**Offentlighetsprincipen**» (*Давлат фаолиятининг очиқлиги принципи*) бугунги кунда ҳам амалда бўлиб, давлат идоралари ҳужжатлари ва маълумотларининг фуқаролар учун очиқлигини таъминлайди. Бу принцип рақамли даврда очиқ маълумотлар (open data) ва шаффоф бошқарувнинг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Bank ID рақамли идентификация тизими дунёдаги энг муваффақиятли рақамли имзо ва идентификация тизимларидан бири ҳисобланади. 2025 йилги маълумотларга кўра, Швеция аҳолисининг 95 фоиздан ортиғи (8,5 миллиондан зиёд киши) Bank IDдан фойдаланмоқда¹.

Бу орқали фуқаролар давлат хизматлари (солиқ, соғлиқни сақлаш, таълим), банк операциялари ва шахсий шартномалари ҳам рақамли имзо билан амалга оширилмоқда. Тизим хусусий сектор (банклар) ҳамда давлатнинг ўзаро ҳамкорлигида ишлайди. Sveriges Dataportal (opendata.se) миллий очиқ маълумотлар портали бўлиб, статистик маълумотларга кўра ҳозирги кунда мамлакатда 10 мингга яқин дата сет мавжуд (транспорт, атроф-муҳит, бюджет, соғлиқни сақлаш). Фуқаролар ҳамда бизнес вакиллари реал вақт режимида давлат маълумотларидан фойдаланиб инновацион лойиҳалар яратмоқдалар.

Шунингдек, Сингапурнинг «Smart Nation» ташаббуси рақамли демократиянинг муваффақиятли қўлланишидаги муҳим тажриба ҳисобланади. Бу ерда фуқаролар рақамли платформалар орқали давлат хизматларига кириш, қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ва онлайн тарзда ўз фикрларини билдириш имкониятига эга. Сингапурнинг Smart Nation ташаббуси 2014 йил 24 ноябрда бош вазир Li Hsien Lung томонидан эълон қилинган ва дунёдаги энг муваффақиятли рақамли трансформация лойиҳаларидан биридир.

2025 йилга келиб, Smart Nation (2023–2025 йилларда янгиланган стратегия) доирасида ташаббус нафақат давлат хизматларини рақамлаштириш, балки фуқароларни сиёсий ва ижтимоий қарорлар қабул қилиш жараёнларига фаол жалб қилиш орқали ҳақиқий рақамли демократия моделини яратди². Sing Pass (Singapore Personal Access) тизими фуқаролар ва резидентлар учун ягона рақамли каліТ вазифасини бажармоқда.

2025 йил ҳолатига кўра, аҳолининг 99 фоиздан ортиғи (5,8 миллион киши) Sing Pass тизимидан фаол фойдаланмоқда. Ҳозирги кунда 1000 дан

¹ <https://www.government.se/government-policy/digital-policy/>

² Smart Nation Official Achievements; <https://www.smartnation.gov.sg/about/achievements/>

ортиқ давлат ва хусусий хизматлар (*солиқ, соғлиқни сақлаш, таълим, банк ва супермаркет чегирмалари*) бир марталик логин билан ишламоқда. Sing Pass Face Verification ва биометрик аутентификация тизимлари энг юқори хавфсизлик даражасини таъминлайди, бунинг натижасида Sing Pass тизими орқали фуқаролар онлайн петициялар, давлат консултациялари ва овоз бериш синовларида мунтазам равишда иштирок этмоқда.

Юқоридаги давлатлар тажрибасидаги ютуқлар билан бир қаторда рақамли демократиянинг муваффақиятли ривожланиши учун хавфсизлик, технологик тенглик ва махфийлик масалаларини ҳал қилиш зарур. Келажақда, рақамли демократия янги технологиялар ёрдамида янада ривожланиб, жамиятдаги сиёсий ва ижтимоий жараёнларни янада самарали қилади. Рақамли демократиянинг муваффақиятли ривожланиши учун киберхавфсизликни таъминлаш зарур.

Фуқаролар маълумотларини ҳимоя қилиш, сайлов тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш ва рақамли тизимларни ишончли қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Рақамли демократия барча фуқаролар учун тенг имкониятларни яратиши керак.

Ривожланаётган мамлакатларда интернетга кириш имкониятларининг чекланганлиги, технологик тенгликни таъминлашда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Фуқароларнинг шахсий маълумотлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш рақамли демократиянинг муҳим қисми ҳисобланади. Маълумотларнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун рақамли технологияларнинг хавфсизлигини кучайтириш зарур. Рақамли демократия келажақда янада кенгроқ қўлланилиши кутилмоқда. Янги технологиялар, масалан, сунъий интеллект, блокчейн ва «Internet of Things» (IoT) каби инновациялар, рақамли демократияни янада кучайтириши мумкин. Бироқ, бу жараёнда технологик муаммолар, хавфсизлик ва маълумотлар махфийлигини таъминлаш каби масалалар ҳал қилиниши зарур.

Рақамли демократия келажақда жамиятни бошқаришда замонавий ўзгаришларни амалга ошириш учун катта имкониятларга эга. Унинг ривожланиш истиқболлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Кенг қамровли иштирокни таъминлаш. Рақамли платформалар орқали фуқароларни сиёсий ва ижтимоий жараёнларга жалб қилиш янада осонлашади. Сунъий интеллект ва big data технологиялари фуқароларнинг фикрларини таҳлил қилиш ва уларни сиёсий қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилишни такомиллаштиради.

2. Электрон овоз беришни кенг қўллаш. Электрон овоз бериш тизимлари глобал миқёсда кенг жорий қилиниши мумкин. Бу ўз навбатида нафақат сайловларда қатнашишни қулайлаштиради, балки овоз бериш жараёни тезкорлигини ҳамда ҳаққоний қилади.

3. Шаффофликни кучайтириш. Блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали давлат хизматлари ва сайлов жараёнларини янада шаффоф ва очиқ кузатиш мумкин бўлган ҳолатга келтириш мумкин. Бу эса ўз навбатида коррупцияни камайитишга ёрдам беради.

4. Тенгдошлараро бошқарув (Peer-to-Peer Governance). Рақамли демократия технологиялари давлат бошқарувини номарказлаштириш ва фуқароларни ўз ҳудудий муаммоларини мустақил ҳал қилиш жараёнига жалб қилиш имконини беради. Масалан, жамоалар ўз лойиҳаларини молиялаштириш ёки маҳаллий қонунларни қабул қилишда тўғридан-тўғри иштирок этишлари мумкин.

5. Сунъий интеллект ва автоматлаштириш. Сунъий интеллект давлат бошқаруви ва сиёсий қарор қабул қилиш жараёнларини оптималлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Масалан, AI ёрдамида фуқароларнинг эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва уларнинг муаммоларига мос ечимларни таклиф қилиш мумкин.

6. Глобаллашув ва трансмиллий демократия. Рақамли платформалар халқаро ҳамкорликни кучайтиради. Трансмиллий масалалар бўйича жамоавий фикр билдириш ва қарор қабул қилиш имкониятлари кенгаяди. Бу эса ўз навбатида экологик муаммолар ёки глобал хавфсизлик бўйича муҳимдир.

7. Таълим ва билимнинг ўсиши. Келажакда рақамли демократия аҳолига давлат бошқаруви ва ҳуқуқий масалалар бўйича янада кўпроқ маълумотларни олиш имкониятини беради. Виртуал семинарлар, очиқ маълумотлар базалари ва онлайн курслар орқали фуқаролар ўз ҳуқуқларини яхши англаб, янада фаол иштирокчилар бўлиб этишади.

8. Адолатли бошқарувни таъминлаш. Рақамли технологиялар турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини кўпроқ ҳисобга олишга ёрдам беради. Сунъий интеллект асосидаги таҳлил фуқаролар эҳтиёжларини аниқроқ тушуниш ва уларга мос келувчи сиёсатни ишлаб чиқишга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли демократия – бу замонавий жамиятни бошқаришда демократик тамойилларни такомиллаштириш ва кенг жамоатчиликни қарор қабул қилиш жараёнларига жалб қилиш учун инновацион ёндашувдир. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида фуқаролар ва давлат ўртасидаги алоқалар шаффоф, тезкор ва самарали шаклда ташкил қилинмоқда. Эстония, Швеция ва Сингапур каби давлатларнинг муваффақиятли тажрибалари рақамли демократиянинг бошқарув тизимини кучайтиришдаги аҳамиятини намоён этмоқда.

Шу билан бирга, ривожланаётган давлатларда бу жараёнларни жорий қилиш имкониятлари технологик инфратузилмага боғлиқ. Келажакда рақамли демократия сунъий интеллект, блокчейн ва бошқа илғор технологиялар ёрдамида глобал миқёсда ривожланиб, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий жараёнларда фаолроқ иштирокини таъминлаши кутилмоқда. Бироқ, технологияларни жорий этишда киберхавфсизлик, технологик тенглик ва маълумотларнинг махфийлиги муаммоларига эътибор қаратиш зарур.

Ушбу масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши рақамли демократиянинг самарадорлигини ошириб, давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Рақамли демократия инсоният учун янада адолатли, шаффоф ва инклюзив бошқарув тизимини яратишга асос бўлиб хизмат қиладиган, келажакка йўналтирилган муҳим воситадир. Рақамли демократия келажақда давлат бошқаруви ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни янада самарали, шаффоф ва инклюзив қилиш учун асосий воситага айланиши мумкин. Аммо технологик ривожланиш билан бирга киберхавфсизлик, махфийлик ва тенг имкониятларни таъминлаш бўйича масалалар устувор аҳамият касб этади.

Жасур ФАЙЗИЙЕВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

АХБОРОТ УРУШИ: РАҚАМЛИ ДУНЁДА СИЁСИЙ ҚУРОЛ СИФАТИДА

Замонавий давлатлараро стратегик рақобатнинг марказий соҳаси анъанавий ҳарбий қудрат кўрсаткичлари (*Қуролли Кучлар сони, мудофаа харажатлари ҳажми*) эмас, балки ахборот муҳити орқали жамиятнинг идрок жараёнлари ва қарор қабул қилиш механизмларига тизимли таъсир кўрсатиш қобилиятидир.

Халқаро муносабатлар назариясининг етакчи мутахассисларидан бири Жозеф Най 2021 йилда янгиланган «юмшоқ қудрат» концепциясида қуйидаги хулосага келган: *«XXI асрда ғалаба қозонувчи давлат энг кўп қурол ишлаб чиқарувчи эмас, балки ўз нарративини глобал миқёсда энг тезкор ва ишончли тарзда тарғиб қила оладиган давлатдир»*¹.

Ахборот уруши (инг. *Information Warfare*) энди фақат пропаганда эмас – у deepfake видеолар, миллионлаб ҳисоблар бошқариладиган бот-тармоқлар ва мақсадли дезинформация компаниялари орқали жамиятни ичидан парчалаб, давлат институтларига ишончни йўқотишга қодир жиддий стратегик таҳдидга айланди.

Шу ўринда, Ўзбекистон 2018-2025 йиллар оралиғида ахборот маконидаги бир қатор ҳужумларга дуч келди. 2021 йилги сайловлар олдиан бот-тармоқлар орқали ижтимоий тармоқларда сунъий трендлар яратилгани, 2022 йил Қорақалпоғистон воқеалари вақтида deepfake аудио ва видеолар тарқатилгани, 2025 йилнинг ёзида Сенат раиси номидан фуқароларнинг Россия Мудофаа вазирлиги билан шартнома имзолашига тарғиб қилган deepfake видео тарқатилган². Ушбу ҳужумларнинг барчасида асосий мақсад – ички беқарорликни келтириб чиқариш эди.

Бу ҳужумларнинг барчаси бир хил белгиларга эга:

тезкорлик (биринчи 2–6 соат ичида миллионлаб одамга этиб бориш);

¹ Nye J.S. Soft Power in the Evolution of a Concept. Journal of Political Power, 14(1), 2021. – P. 1-12. <https://doi.org/10.1080/2158379X.2021.1879572>

² <https://kun.uz/news/2025/06/25/ogoh-boling-taniqli-shaxslar-obrazi-asosida-rossiya-armiyasiga-yollanish-ga-chorlovchi-dipfeyk-videolar-tarqalmoqda>

кўп тиллилик (ўзбек, рус, инглиз, қисман араб ва хитой тилларида);
ташқи серверлардан бошқарилиши (асосан Россия, Хитой, Руминия ва Нидерландиядаги ВПС-лардан);
давлат институтлари томонидан жавоб беришнинг кечикиши (ўртача 42 соат).

Ахборот уруши энди фақат ташқи давлат акторлари билан чекланмай қолди, яъни, у маҳаллий гуруҳлар томонидан ички сиёсий, бизнес ёки иқтисодий рақобат мақсадларида фаол қўлланилмоқда. Хорижий манбаларда бу жараён **«Дезинформация тактикаларининг маҳаллийлашуви»** (*localization of disinformation operations*) деб аталиб, аввал ташқи таъсир воситаси бўлган усуллар энди маҳаллий тил, маданий ва ички зиддиятлар асосида қайта ишланаётгани қайд этилган¹.

Бундай тенденция жамиятда ишончсизлик муҳити шаклланиши, **«Ҳаммаси ёлғон бўлиши мумкин»** деган ахборот тартибсизлигига олиб келиши мумкин. Бугунги кунда ҳар қандай расмий хабар чиқса, автоматик равишда **«бун ҳам deepfake қилишган бўлса?»** деган савол туғилади. Ҳукуматнинг ҳақиқий ютуқлари ҳам шубҳа соясида қолмоқда. Натижада, ёлғон ахборотнинг тезкор тарқалиши ва давлат органларининг кечиккан жавоби оқибатида ҳукумат билан жамият ўртасидаги ишончли коммуникация каналлари сусаймоқда. Бу ҳолат давлат-халқ муносабатларида ахборот асимметрияси ва институционал ишонч даражасининг пасайишига олиб келмоқда.

Энг муҳими – технология ва усуллар **«ичкарига экспорт қилинди»**. Улар энди ташқи буюртма билан эмас, балки ички сиёсий ёки бизнес рақобат учун ишлай бошлади. Яъни, аввал ташқи акторлардан кириб келган технологик усуллар энди маҳаллий сиёсий ва бизнес рақобатнинг қуролига айланди. Агар ушбу жараёни тизимли равишда назорат қилинмаса, ахборотнинг ҳақиқийлигини (*authenticity*) аниқлаш қобилияти сезиларли даражада пасайиб, ҳар қандай муҳим воқеа юз берганда жамиятда эпистемологик ноаниқлик (*epistemic uncertainty*) ва ҳақиқатни верификация қилиш имкониятининг йўқолиши хавфи вужудга келади².

Шундай экан, агар Ўзбекистон бугундан бошлаб жиддий чоралар кўрмаса, 2030 йилга келиб Ўзбекистоннинг рақамли муҳит устидаги стратегик назорат ва мустақил бошқарув қобилияти жиддий даражада пасайиши эҳтимоли юқори деб баҳоланмоқда³.

Замонавий ахборот операцияларида стратегик зарар етказиш учун энди жисмоний инфратузилма ёки ҳудудни йўқотиш шарт эмас. Етарли шарт – жамиятнинг когнитив заифликларидан фойдаланган ҳолда, қисқа муддат ичида (*бир неча соат давомида*) ижтимоий тармоқларда қуйидаги турдаги дезинформация хабарларини оммавий тарқатишдир:

- **валюта курсининг кескин пасайиши;**

¹ Bradshaw S., Howard P.N. The Global Disinformation Order. Oxford Internet Institute, 2024.

² Lewandowsky S. Technology and Democracy: Understanding the Influence of Online Technologies on Political Behaviour and Decision-Making. European Psychological Society Report, 2023.

³ Atlantic Council. Digital Sovereignty Index. Central Asia Assessment, 2025.

- банк тизимининг музлатилиши ёки тўловларнинг тўхтатилиши;
- энергетика ва коммунал хизматларнинг узилиши;
- таълим муассасалари ёки транспорт тармоқларининг ёпилиши;
- чегаралар ва йўлларнинг тўсиб қўйилиши.

Бундай хабарлар жамиятда ваҳима, ижтимоий тартибсизлик ва институционал ишончнинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Илмий адабиётларда бу механизм «когнитив ҳужум орқали ички беқарорликни индукция қилиш» деб аталади¹.

Ўзбекистон рақамли маконида ушбу оқибатларни келтириб чиқараётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Ёлғон ахборот тарқалишига қарши институционал жавоб бериш тезлигининг пастлиги мавжуд стратегик хавфни кучайтирувчи муҳим омилдир. Ёлғон ахборот биринчи 2-6 соат ичида миллионлаб одамга этиб бораётган бир пайтда давлат органларининг ўртача жавоб бериш муддати 42-72 соатни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида deepfake технологиялари ва бот-тармоқлар аниқ жиноят сифатида белгиланмаган. Бу ҳолат ахборот уруши, дезинформация ва рақамли манипуляция соҳаларида жиддий ҳуқуқий бўшлиқни келтириб чиқармоқда. Натижада, ушбу технологиялар орқали содир этилган жиноятлар учун махсус жавобгарлик белгилаш қийинлашмоқда, бу эса де-факто жазосизлик режимини шакллантиради.

Шулар билан бирга, Ўзбекистон жамиятида **«ахборот гигиенаси»** – яъни дезинформация, ёлғон ахборот ва сунъий манипуляциялардан ҳимояланиш қобилияти етарли даражада эмас. Бу ҳолат нафақат шахсий даражада, балки миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликка ҳам жиддий таҳдид солмоқда. 2024 йилги UNESCO тадқиқоти (*«Media and Information Literacy in Central Asia: ChallenGES and Opportunities»*) бу муаммони батафсил ёритган бўлиб, Ўзбекистонни энг заиф кўрсаткичларга эга мамлакатлардан бири сифатида кўрсатган. Тадқиқотга кўра, ўзбек тилидаги интернет фойдаланувчиларнинг аксарияти ахборотни танқидий баҳолаш кўникмасига эга эмас, бу эса deepfake, бот-тармоқлар ва дезинформация ҳужумларига қарши заифликни оширмоқда².

Соҳа бўйича ваколатли органлар халқаро ижтимоий тармоқ платформалари (*Telegram, TikTok, Facebook, YouTube ва бошқалар*) билан ахборот хавфсизлиги, дезинформация ва deepfakeга қарши кураш бўйича самарали ҳамкорлик қила олмаяпти. Бу ҳолат асосан расмий меморандумлар ва шартномаларнинг чекланганлиги, шунингдек, платформаларнинг контентни ўчириш сўровларига секин жавоб бериши билан боғлиқ. Натижада, бот-тармоқлар, deepfake ва ёлғон ахборот тарқалиши 24-72 соатдан ортиқ давом этиб, жамиятда ваҳима ва ишончсизликни кучайтирмоқда. 2025 йилги Freedom House ҳисоботида кўра, Ўзбекистон интернет эркинлиги бўйича 180

¹ Prier J. Commanding the Trend: Social Media as Information Warfare. Strategic Studies Quarterly, 11(4), 2017. – P. 50-85

² <https://www.unesco.org/en/articles/institutional-capacities-media-central-asia-strengthened-integrate-media-and-information-literacy> (UNESCO 2024, Central Asia MIL).

мамлакат орасида 160-ўринни эгаллаб, платформалар билан ҳамкорликдаги заифликни танқид қилган¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг киберхавфсизлик соҳасида халқаро стандартларга тўлиқ мос келмаслиги технологик заифликларни келтириб чиқариш билан бирга, глобал кибертаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик ва ёрдам олиш имкониятларини чекламоқда. БМТ нинг тегишли резолюциялари, НАТО Стратегик коммуникациялар маркази (StratCom) тавсиялари, шунингдек, Европа Иттифоқининг Digital Services Act (DSA) ва General Data Protection Regulation (GDPR) талабларига қисман мослашув хорижий техник ёрдам ва технология трансферини чеклаб, рақамли иқтисодиёт ривожланиш суръатини пасайтирмоқда.

2025 йил Ўзбекистон учун киберхавфсизлик соҳасида «ўтиш йили» бўлиб, кибержиноятлар сони 2024 йилга нисбатан 2 баравардан ортиқ ошган. Ички ишлар вазирлиги (ИИБ) Киберхавфсизлик маркази маълумотларига кўра, 2025 йилнинг 9 ойида 1,5 мингдан ортиқ кибержиноят қайд этилган бўлса-да, бу фақат расмий статистикада кўрсатилган ҳолатларнинг бир қисми. Умумий жиноятчиликдаги кибержиноятлар улуши 2024 йилда 44 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 50 фоизга яқинлашган. Кибержиноятларнинг 98 фоизи банк карталари ва тўлов тизимлари билан боғлиқ бўлиб, улардан 40 фоизи молиявий фирибгарлик (*сохта инвестиция схемалари, крипто-фирибгарликлар*)².

Асосий платформалар – Telegram ва Facebook – бу жиноятларнинг 70 фоизини ташкил этади, унда фирибгарлик, шахсий маълумотлар ўғирлаш ва deepfake орқали зўравонлик ҳолатлари кўпайган. 2021-2025 йилларда фуқаролар ва банклар жами 2,5 трлн. сўмдан ортиқ зарар кўрган, бу эса иқтисодиётга катта зарба бераётганини кўрсатади.

Юқоридаги мавжуд муаммоларни минималлаштириш ҳамда бартараф этиш бўйича бир қатор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, 2007 йилда **Эстония** йирик киберхужум таҳдидига (DDoS + дезинформация) учради. Бутун интернет тармоғи уч ҳафта ишламади. Ҳукумат томонидан **«Рақамли фавқулодда вазиятлар маркази» (РИА)** ташкил этилган. Унинг таркибида «Тезкор рад этиш гуруҳи» мавжуд бўлиб, ёлғон ахборот чиққанда биринчи 30-60 дақиқада уни аниқлаб, 2-4 соат ичида расмий раддия чиқариш вазифасини бажаради.

Эстонияда «Cyber Unit» номли 1000 дан ортиқ дастурчи, таҳлилчи ва журналистни бирлаштирган киберволонтерлар бўлими мавжуд. Улар кундузги асосий ишидан ташқари, фавқулодда ҳолатларда РИАга ёрдам беради: мониторинг қилади, ёлғон ахборотни топади ва рад этиш матнларини тайёрлайди. Бундан ташқари, мактабларда 1-синфдан бошлаб **«Рақамли саводхонлик» фани** мажбурий киритилган бўлиб, унинг доирасида болалар deepfake'ни аниқлаш (верификация) усулларини ўрганадилар. Натижада 2025 йилда эстонияликларнинг 75 фоизи ёлғон ахборотни ажратиш даражасини

¹ <https://freedomhouse.org/country/uzbekistan/freedom-net/2025>

² https://monitor.kun.uz/en/news/2025/05/29/uzbekistan-sees-68-fold-surge-in-cybercrime-nearly-2-trillion-uzs-stolen-in-five-years?utm_source=chatgpt.com

кўрсатган. Бу модель нафақат техник, балки жамият ва ҳукуматни бирлаштирган ёндашувга асосланган бўлиб, 2025 йилда Эстония «**Cyber Security Strategy 2024–2030**» доирасида янада ривожлантирилган¹.

Финландия (аҳолиси 5,5 млн.) Эстония каби кибертаҳдидларга дуч келган, лекин у ўз моделини «кенг қамровли хавфсизлик» деб аталган концепцияга асослаб қурган. Бу кибертаҳдидларни (*DDoS, дезинформация, сунъий интеллект хужумлари*) нафақат техник мутахассислар, балки ҳукумат, бизнес, мактаблар ва оддий одамлар биргаликда ҳал қилишга асосланади. 2024 йилда янгиланган «Кибермудофаа стратегияси 2024-2035» доирасида бу модель янада кучайтирилган бўлиб, 2025 йилда миллий кибер машқлари орқали 2 мингдан ортиқ иштирокчи ўқитилган.

2025 йилда Финландия Global Cybersecurity Indexда 5-ўринни эгаллаб², кибертаҳдидларга қарши дунёдаги тайёр давлатлар қаторида турибди, чунки модель кибертаҳдидларни жамиятнинг барча қатламлари билан биргаликда ҳал қилишга асосланган. Финландия стратегияси 2035 йилгача мўлжалланган бўлиб, кибертаҳдидлар нафақат техник, балки ижтимоий ва иқтисодий хавфсизликнинг бир қисми сифатида кўрилади. Стратегия 2024 йилда COVID-19, Россия-Украина уруши ва НАТОга аъзолик фонида янгиланган бўлиб, янги бўлим – «жавоб ва чоралар кўриш» қўшилган.

Сингапурда 2019 йилда **POFMA** (*Protection from online falsehoods and manipulation act*) қонуни қабул қилинган бўлиб, ёлғон ахборотни ўчирмасдан, унинг ёнига «Бу ёлғон, ҳақиқат шу» деган огоҳлантириш қўйиш мажбурияти белгиланган. Бу 24 соат ичида бажарилади ва платформалар (Facebook, Telegram) томонидан амалга оширилади.

Ушбу тадқиқотда ўрганилган фактлар ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2025 йилга келиб Ўзбекистоннинг рақамли маконида ахборот уруши энди фақат назарий хавф эмас, балки кундалик равишда тизимли тарзда амалга оширилаётган жиддий стратегик таҳдидга айланган. Deepfake технологиялари, бот-тармоқлар ва мақсадли дезинформация компаниялари орқали қисқа вақт ичида миллионлаб фойдаланувчиларга тарқалаётган сунъий ваҳима ҳолатлари мунтазам кузатилмоқда, бироқ давлат идоралари томонидан жавоб чораларининг ўртача муддати 48-72 соатни ташкил этиб, тарқалиш тезлигидан анча орқада қолмоқда.

Бу жараёнлар оқибатида давлат институтлари ва жамият ўртасидаги ишонч даражаси пасайиб бормоқда, шу билан бирга, илгари асосан ташқи акторлар қўллаган дезинформация усуллари маҳаллийлашув жараёнидан ўтиб, ички контекстга мослаштирилган ҳолда қўлланилмоқда. Шу боис, рақамли маконда миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш тезкор, илмий асосланган ва тизимли чоралар билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу йўналишдаги фаол ҳаракатлар мамлакатнинг узоқ муддатли стратегик барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилидир.

¹ ria.ee/en

² <https://www.wionews.com/photos/global-cybersecurity-rankings-2025-best-and-worst-cyber-defenses-1763039188153>

Ахборот маконида стратегик барқарорликни таъминлаш фақат технологик чоралар билан эмас, балки тезкор бошқарув, ҳуқуқий аниқлик ва жамиятнинг танқидий фикрлаш салоҳиятини ошириш орқали амалга оширилади. Ушбу йўналишдаги тизимли чоралар Ўзбекистоннинг узок муддатли миллий хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлиги учун муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида ўрганилган муаммолар ва хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар билдирилади:

1. Миллий контент ишлаб чиқарувчи марказ қошида узлуксиз фаолият юритадиган (*30 киши, 3 сменада*) гуруҳ ташкил этиш (Эстония тажрибаси) ва бу гуруҳда ёлғон маълумотлар тарқалиш ҳодисаси кузатилса, тезкор раддия (раддия стратегияси) ишлаб чиқиб, барча йирик ОАВ, давлат сайтлари ва ижтимоий тармоқларда марказлаштирилган, ягона мулоқот стратегияси асосида эълон қилиш чораларини кўради.

2. Сингапур тажрибасига асосан 2025 йил 30 апрелдаги *«Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига ўзгартириш сифатида, платформаларга riskли контентни 24 соат ичида ўчириш ёки **«Бу ёлғон»** огоҳлантириш қўйиш мажбуриятини киритиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2026-2027 ўқув йилида 5-синфдан бошлаб ҳафтада бир академик соат **«Рақамли иммунитет»** фанини жорий этиш тўғрисидаги қарорини ишлаб чиқиш ва фан дастурига ахборот манбаларини баҳолаш алгоритмлари, deepfake (сохта контент) ва сунъий интеллект воситаларини аниқлаш усуллари ҳамда ижтимоий тармоқларда танқидий фикрлашга асосланган хавфсиз хулқ-атвор қоидаларини киритиш. Натижада, 2030 йилга бориб 9-синф битирувчиларининг 65 фоизи deepfake ни аниқлай олади ва 2035 йилга бориб Ўзбекистон «Global Media Literacy Index» да ТОП 10 таликка киради.

**Гулчехра АШУРОВА, мустақил тадқиқотчи,
(Ўзбекистон Республикаси Давлат сиёсати
ва бошқаруви академияси)**

СИЁСИЙ БОШҚАРУВДА «FAKE NEWS» ИЖТИМОИЙ ХАВФ СИФАТИДА

Рақамли жамият шароитида «fake news» – ёлғон ёки манипулятив ахборот – бошқарув самарадорлигига таҳдидлардан бирига айланиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларда тез тарқаладиган дезинформация аҳоли фикри, сиёсий қарорлар ва ижтимоий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатмоқда. **Fake news** – бу фақатгина ахборот тарқатиш нуқсони эмас, балки ижтимоий хавф, чунки у халқнинг давлатга бўлган ишончини пасайтиради, институционал барқарорликка путур етказди.

Фейк – инглизча «fake» сўзнинг аналоги бўлиб, замонавий тилшуносликда кўпинча икки хил: «trick» – қув, айёр, алдов, ясама, сохта деган маъноларда қўлланади. Шу билан бирга, баъзан «swindle» – ҳазил, хушчақчақлик деган маъноларни ҳам ифода этади¹. Интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожлангани сари бу феномен жаҳон миқёсида жиддий ижтимоий хавф сифатида намоён бўлмоқда. Аслида эса ёлғон ахборот тарқатиш амалиёти тарихан анча илгари, сиёсий пропаганда шаклида пайдо бўлган.

«Fake news» атамасининг оммалашуви 2016 йил АҚШда президентлик сайловлари пайтида оммавий равишда тарқалди. Ижтимоий тармоқларда сохта сиёсий хабарлар, манипулятив видеолар ва ботлар орқали тарқалган ахборот жамоатчилик фикрига катта таъсир кўрсатди². 2010 йилдан ҳозиргача Facebook, YouTube, X(Twitter) каби платформаларда алгоритмлар «сенсацион» ва тез тарқаладиган материалларни илгари суради. Шу туфайли фейк хабарлар оддий ахборотдан кўра тезроқ тарқалади³.

Илмий манбаларда фейк хабарларни бир нечта турга бўлиб, ўрганишади. Жумладан, **дезинформация** (Disinformation) – бунда қасддан ёлғон маълумот тарқатилади, жамият онгига таъсир қилинади ёки сиёсий манфаатлар илгари сурилади. **Мисинформация** (Misinformation) – фактлар ҳақида адашиш ёки текширилмаган маълумотни тарқатишдир. **Малинформация** (Malinformation) эса – ҳақиқий маълумотни манипуляция қилиш, уни контекстдан узиб олиш ёки шахсий маълумотни тарқатиш ҳисобланади.

«Rasmiy axborot» телеграм канали маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2017/2025 йилларда интернет фойдаланувчилари сони 14,7 млн.дан 32,7 млн.га ошган⁴. Энг оммабоп платформалар орасида – «Telegram»да 28 млн., «Odnoklassniki»да 19,2 млн., «Facebook»да 2,3 млн., «ВКонтакте»да 1,5 млн., «LinkedIn»да 850 минг, «Twitter»да 250 минг нафар ўзбекистонлик фойдаланувчи мавжуд. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, онлайн платформалар фойдаланувчилари қандай ҳуқуқларга эгаллиги (эгамаслиги) борасида қонунчиликда аниқ нормалар мавжуд эмас. Ахборот тарқатишга оид талаблар эса миллий қонунчиликда тизимли ва етарли даражада комплекс тартибга солинмаган. Шу боис, бугунги кунда шаклланиб улгурган «fake news» жамиятда маълум салбий таъсир кучига эга бўлди. Бундай контентлар омма фикрини манипуляция қилиш ва уни сунъий равишда маълум мақсадга йўналтиришга ҳам баъзан эришмоқда.

Тадқиқотлар бу саволнинг бир нечта омилларини кўрсатади. Биринчидан, ижтимоий тармоқларда ахборотнинг ўта тез алмашинуви. Бу майдонда хабарлар фактологиядан кўра тезлик ва қизиқиш асосида тарқалади. Оддий фойдаланувчилар манба текширмайди. Яъни, аудитория бирданига тўғри ахборот билан фейкларнинг фарқини ажрата олмайди.

¹ Fake news: медиада дезинформация» ўқув қўлланмасы, Тошкент, 2020

² Zafarani Z. A Survey of Fake News, 2018.

³ Wang Liu. Beyond News Contents, 2017.

⁴ https://t.me/Rasmiy_axborot_official/13018

Иккинчидан, бунда иқтисодий манфаат – «кликбейт» модели мавжуд. Яъни, ёлғон ва «сенсацион» сарлавҳаларни кўпроқ кўриш-ўқишга олиб келади, бу эса реклама даромадини оширади. Учинчидан, ЮНЕСКОнинг «Дезинформация бўйича огоҳлантириш»ига кўра, фуқароларда ахборот саводхонлиги анча паст. Кўпчилик манбани текширмасдан ишонади. Фактчекинг маданияти кўп давлатларда ҳали яхши шаклланмаган ¹. Тўртинчидан, бунда психологик омиллар таъсири мавжуд. Яъни, инсон тафаккури хавотир уйғотувчи хабарлардан тез таъсирланади. Бешинчидан, технологик омиллар – Deepfake, AI контент. Сунъий интеллект аудио, видео ва фотонинг ҳақиқийлигини фарқлаш имконини камайтирди.

UNESCOнинг 2023 йилдаги маълумотларига кўра, глобал рақамли муҳитнинг тез суръатларда ривожланиши, ахборот оқимининг ҳаддан ташқари ошиши ва ижтимоий тармоқлар аудиториясининг кенгайиши натижасида медиахавфсизлик масаласи давлат бошқаруви учун стратегик аҳамият касб этмоқда. Айниқса, фейк маълумотлар тарқалиши, дезинформация ва манипулятив ахборот кампаниялари жамият барқарорлигига, аҳоли онги ва давлат тузилмаларига ишонч даражасига жиддий таҳдид солмоқда².

Фейклар ахборотнинг шунчаки бир тури эмас, XXI асрда энг кўп муҳокама қилинаётган янги феномен сифатида унинг назарий ва амалий моҳиятини аниқлаш, тадқиқ қилиш муҳимдир. Бу турдаги инфолар ўз-ўзини кўпайтира олиши ва ёлғон тафсилотлар билан бойиб бориши унинг ижтимоий хавф даражасини янада оширади. 2018 йилда ЮНЕСКО томонидан нашр этилган «Journalism, fake news & disinformation: handbook for journalism education and training» қўлланмасида Даниэл Патрик Мойнихан (Daniel Patrik Moynihan), Nyu-York штати сенатори ва Ҳиндистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг элчисининг қуйидаги фикри келтирилади: «*Ҳар бир инсон ўз шахсий фикрига эга бўлиш ҳуқуқига эга, ammo ўз шахсий фактларига эга бўла олмайди*» ³. Яъни, факт барча учун бирдек. Уни ўзлаштириш, ўзгартириш, нотўғри талқин қилиш мумкин эмас. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори Канат Абдикаримов «Media literacy as a means of protecting Uzbekistan's media environment from disinformation» мақоласида Ўзбекистонда 2023 йилда сўровнома ўтказгани, унда 1066 нафар респондент иштирок этгани ва фейкни аниқлашда аҳолининг ахборот саводхонлик даражаси етарли эмас, деган гипотезани беради.

Охириги йилларда, айниқса, 2019-2020 йиллардан бошлаб, Ўзбекистонда фейк хабарлар (disinformation) тарқалиши сезиларли даражада оммалашди. Бу жараён COVID 19 пандемияси даврида, айниқса авж олди. Бунга интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали нотўғри ахборот тез ва кенг тарқалишига имконият яратди. Гарчи давлат томонидан фейк хабар

¹ https://www.unesco.org/ru/articles/yunesko-povyshaet-osvedomlennost-lyudey-o-feykovoy-informacii?utm_source=chatgpt.com

² Choras et al. Advanced Machine Learning Techniques for Fake News Detection. 2020.

³ Journalism, fake news & disinformation: handbook for journalism education and training. ЮНЕСКО. 2018. – Б. 109.

тарқатганлик учун қонуний жавобгарлик (Criminal and Administrative Liability) кучайтирилган бўлса ҳам, ахборотнинг виртуал муҳитда тез тарқалишини бутунлай назорат қилиш ва чеклаш амалиётида аниқ чегараларни ўрнатиш имконсизлигича қолмоқда.

Фейк хабарларнинг тарқалиши давлат бошқарувида ҳам бир неча йўналишда таъсир кўрсатади. Ёлғон ахборотнинг тез тарқалиши ва жамоатчилик фикрига таъсир этиши давлат хизматчилари томонидан қабул қилинадиган қарорлар самарадорлиги ва сифатини пасайтиради. Жамоатчилик фикри нотўғри маълумотларга асосланса, қарорлар асоссиз танқидга учраши мумкин, бу эса **«public trust deficit»** (жамоатчилик ишончининг пасайиши)га олиб келади. Ёлғон хабарлар давлат хизматчилари ёки идоралар фаолиятига қаратилганда, уларнинг ижтимоий мавқеига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, бу жараён уларда стресс ва босимни оширади. Табиийки, фейк хабарлар тарқалиши фактчекингни талаб қилади. Бу эса, ортиқча вақт сарфи дегани. Натижада бошқарув самарадорлигида пасайиш кузатилади.

Анъанавий оммавий ахборот воситалари (*матбуот, ТВ, радио, интернет*) одатда редакция стандартлар ва фактчек қоидаларига риоя қилади. Аммо иқтисодий ва редакция сабаблар туфайли маълумотлар бир томонлама ёритилиши мумкин. Аксар ОАВлар коммерция (*фойдага йўналтирилган фаолият*) ташкилотлари ҳисобланади. Шу боис, баъзи материаллар тўлов асосида чоп этилиши мумкин. Табиийки, бу ҳолатда улар фақат муайян томон манфаатини акс эттиришади. Шу боис, ахборотдан фойдаланишда бир неча манбани текшириш, тўлов асосида чоп этилган материаллар (PR) ва мустақил журналистик мақолаларни онгли равишда англаб, фойдаланиш лозим.

Ўзбекистонда ахборот асосан Telegram, Instagram, Facebook ва TikTok орқали тез тарқалади. Бу платформаларда эмоцияга йўналтирилган контент дезинформация хавфини оширади. Шу боис, фейк хабарларни аниқлаш ва уларга қарши чора кўриш давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қуйида самарали фактчекинг жараёнини тавсия қиламиз:

Манба ишончилигини баҳолаш. Аккаунт қачон очилган, у орқали қандай контент тарқатилган, фойдаланувчи қайси гуруҳлар ва тармоқларга тегишли эканини таҳлил қилиш лозим. Янги аккаунтлар кўпинча дезинформация тарқатиш ва мистификация учун яратилади. Баъзи хабарлар маълум гуруҳ ёки шахс манфаатига хизмат қилиш мақсадида тарқатилиши ҳам мумкин.

Контент контексти ва жой маълумотларини текшириш. Фойдаланувчи постида кўрсатилган жой, вақт ва ҳолатнинг ҳақиқийлиги текширилади. Гео-теглар ва визуал далиллар воқеа ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда содир бўлганини тасдиқласа, ахборот қарор қабул қилишда асос бўлади. Баъзи видеолар ва фотолар хориждан олинган ва маҳаллий воқеага боғланган ҳолда тарқатилади.

Визуал контентни текшириш. Фото ва видеоларни Google Reverse Image, Yandex Images, TinEye ва InVID орқали текшириб, манба ишончилиги аниқланади.

Бирламчи манбалардан текшириш. Хабардаги маълумотлар расмий манбалар(president.uz, lex.uz, stat.uz, gov.uz.) орқали текширилади. Бу босқич давлат бошқарувининг ахборот шаффофлиги ва ишончилигини оширишга хизмат қилади. Кўп фейк хабарлар «манбага кўра», «инсайдерларга кўра», «ҳукуматдаги ишончли вакилимизга кўра», деган иборалар билан тарқатилади.

Далилларни қиёслаш ва мантиқий таҳлил. Рақамлар, фактлар, сана ва жой бир нечта мустақил манбаларга мос келиши текширилади. Агар маълумотлар бир-бирига зид бўлса, хабарнинг ишончилиги пасаяди. Бу давлат идораларига нотўғри ахборотга асосланган қарорлар қабул қилишнинг олдини олиш имконини беради.

Дезинформация турини аниқлаш («First Draft» асосида). Бунда контекстдан чиқариш, сохталаштириш, монтаж, эски маълумотни «янги» қилиб кўрсатиш каби фейк хабарлар турлари аниқланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, «Fake news»га замонавий ахборот муҳитида ҳар қандай демократик давлат учун глобал ижтимоий ва сиёсий таҳдид сифатида қаралади. Дезинформацияга қарши самарали сиёсатларни амалга ошириш, очиқлик ва ҳисобдорлик стандартларини жорий этиш, фактчекинг ҳамда медиа саводхонликни ривожлантириш давлат бошқарувининг институционал самарадорлигини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, ахборотларни мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш механизмлари бошқарув қарорларини фактларга асосланиб қабул қилишда ва ижтимоий хавфларни минималлаштиришда стратегик аҳамиятга эга. Бу эса давлат ва жамият ўртасида ишонч муҳитини мустаҳкамлаб, бошқарувнинг барқарорлигини таъминлайди.

**Мухаммадзиё ШАВКАТБЕКОВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)**

СИЁСИЙ МАНИПУЛЯЦИЯ ВА ДЕЗИНФОРМАЦИЯЛАРГА ҚАРШИ МЕДИАСАВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот алмашинуви тезлашиб, жамият онгига таъсир кўрсатувчи турли ахборотларни саралаш мушкуллашиб бормоқда. Медиа маконда тарқалаётган ахборотлар ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, салбий оқибатлари ҳам мавжуд: турли ёлғон хабарлар, фейк контент, манипулятив материаллар ва текширилмаган маълумотлар кескин кўпайиб бормоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва онлайн медиа платформалар орқали тарқаладиган сохта ахборотлар жамиятда адашиш, чалкашлик, ишончсизлик ва ҳатто ижтимоий беқарорликка олиб келувчи омилга айланмоқда. Сохта хабарлар одатда

жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш, турли сиёсий ёки иқтисодий мақсадларни амалга ошириш, ёки аудитория эътиборини тортиш мақсадида яратилади.

Шунингдек, улар оддий фойдаланувчилар томонидан текширилмасдан тез тарқатилиши орқали янада кучайиб, кенг аудиторияга этиб боради. Шундай шароитда ҳар бир фуқаро ахборотни танлаб қабул қилиш, манбаларни текшириш ва фактларга таянган ҳолда хулоса чиқариш кўникмаларига эга бўлиши жамият барқарорлиги ва ахборот хавфсизлигининг муҳим шарти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳам ахборот маконидаги хавфсизликни таъминлаш, дезинформацияга қарши курашиш ва жамиятда соғлом медиа маданиятни шакллантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айланган. Хусусан, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг 96-мақсадида айнан Интернет жаҳон ахборот тармоғидан тўсиқларсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, миллий интернет маконида киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг интернетдан фойдаланиш борасидаги саводхонлигини ошириш вазифаси белгилаб қўйилган¹.

Шу нуқтаи назардан, сиёсий манипуляция ва дезинформация таҳдидларига қарши медиасаводхонликни ривожлантириш нафақат замонавий ахборот муҳити талаби, балки миллий хавфсизликнинг стратегик йўналиши сифатида ҳам долзарб ҳисобланади.

Сиёсий манипуляция – бу сиёсий мақсадларга эришиш йўлида ахборот, оммага психологик таъсир ўтказиш усуллари тизими бўлиб, у сиёсий алдов ва сиёсий ҳаёт ҳақидаги ҳаёлий тасаввурларни халқ онгига сингдириш мақсадида қўлланилади².

Дезинформация – ташвиқот ёки пропаганданинг бир қисми бўлиб, одамларни алдаш учун атайлаб тарқатилган ёлғон ахборот сифатида таърифланади³.

Медиасаводхонлик – медиа материалларидан самарали фойдаланиш ва уларни танқидий таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўникма ва билимлар мажмуасидир. Бу тушунча медиа ўйинлар, сохта хабарлар ва манипуляциялар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган ҳозирги ахборот жамиятида тобора муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

Медиа саводхонлигининг асосий таркибий қисмларидан бири турли медиа манбаларидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятидир. Бу қобилият маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини аниқлаш, шунингдек, фактларни шахсий фикрлардан ажрата олишни ўз ичига олади⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030 стратегияси» ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

² Манипулирование политическое. <https://ulagat.com/2021/01/16/манипулирование-политическое/>

³ https://uz.wikipedia.org/wiki/Dezinformatsiya#cite_note-1

⁴ Федоров А.В. Медиаобразование и медиаграмотность. – Таганрог: Кучма, 2004. – С. 11.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий манипуляция ва дезинформациянинг кундан кунга ортиб бориши, ижтимоий фикрга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимиз ахборот маконида ҳам асоссиз дезинформациялардан фойдаланиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бундай ахборотлардан сиёсий мақсадларни кўзлаб ёки мўмай даромад топиш мақсадида фирибгарлик ва бошқа мақсадларда фойдаланиб келинмоқда.

Мисол тариқасида, ижтимоий тармоқларда «Президент фармонида кўра, 18 ёшга тўлмаган фуқароларга 650 минг сўмдан, 1 июнь куни муносабати билан болаларга 300 минг сўмдан пул тарқатилаётгани» ҳақидаги ёлғон хабарлар тарқатилган. Бу каби фейк эълонларнинг барчаси тузоққа тушган одамларнинг картасидан пул ечиб олиш мақсадидагина қилинади. Аммо улар мамлакат Президенти номидан тарқатилаётгани боис айрим фуқаролар, айниқса, интернетдан одатда фақат Telegram, Instagram ёки Facebook, Одноклассники каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланадиганлар тузоққа тушиб, пулларида айрилиб қолишмоқда.

Бундан ташқари, сиёсий саҳнадаги шахсларнинг сунъий интеллект орқали ясалган видео ва аудио материаллари ҳам фуқароларнинг фикрини чалғишига ҳамда ахборот саводхонлиги паст бўлган фуқаролар бу хабарларга ишониб қолишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолатларга қонунчилигимизда чоралар кўрилиши белгиланган бўлса-да, ахборот кўламининг кўплиги ва жавобгарларни топиш билан боғлиқ ҳолатлар бирмунча вақт талаб этгани боис, бартараф этиш озроқ чўзилиб кетиши мумкин. Агар медиасаводхонлик яхши ривожланган бўлса, ахборотни истеъмол қилишда текшириб, танқидий руҳда мулоҳаза қилиш билан ҳар бир хабарни асл манбасида текшириб, бирёқлама хабарларга ишониб қолмаслигига эришиш мумкин.

Сиёсий манипуляция ва дезинформацияларга қарши медиасаводхонликни ошириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, Финландия Европа медиасаводхонлик индексида (*Open Society Foundations, 2017 йилдан бери*) 1-ўринни эгаллаб келмоқда¹.

Финландия аввало таълим тизимига урғу берган. Бунда болаларни боғчалик давридан бошланиб, ҳикоялар орқали ҳақиқатни ажратишни ўргатади. Финляндияда медиасаводхонлик мактаб билан чекланмайди: кутубхоналар, бошқа таълим муассасалари катталар учун deepfake ва AI курсларини ўтказади, рус тилида гапирувчи аҳоли учун Россия медиаларига қарши материаллар тайёрлайди².

Шунингдек, АҚШда медиасаводхонликни ошириш борасида интенсив курс жорий қилган. Вашингтон университети Center for Excellence in Media Literacy ва Center for Media Literacy ҳамкорлигида ташкил этилган 16 соатлик онлайн курс AI асрида медиасаводхонликни ўргатишга қаратилган. Курс дастури: медиа назарияси AI воситаларига асосланган рамкаларни

¹ What other countries can learn from Finland's world-beating media literacy. <https://monocle.com/culture/media-industry/finlands-world-beating-media-literacy/>

² How Finland is preparing its citizens for a world swamped by fake news. <https://www.dandc.eu/en/article/finland-has-been-world-leader-media-literacy-many-years-children-young-kindergarten-age-are>

қўллаш, ноқулай мавзулар (стереотиплар) бўйича муҳокама олиб бориш дастурига интеграция қилинган¹.

АҚШда ёшларнинг рақамли соҳадаги заифлигини йўқотиш учун тўрт кадам таклиф этилади:

1) Манбаларни текшириш (*ким ёзган, қачон?*);

2) Контекстни талқин қилиш (*сурат/видео нима ниятда?*);

3) Истиқболларини кўриш (*бошқа қарашлар нима?*);

4) Этик қарорлар қабул қилиш (*буни улашсам, зарари нима?*). Ушбу кадамлар таълим олувчилар учун амалий ҳамда AI ва deepfakeларга қарши самарали бўлиб, 2024 йил сайловларида фейк контент таъсирини 40 фоизга камайтирган².

Канада медиасаводхонликни ривожлантириш соҳасида дунёнинг етакчи давлатларидан ҳисобланади. Бу соҳада 1996 йилдан буён фаолият юритиб келаётган **«MediaSmarts» нодавлат ташкилоти** мавжуд. Бу ташкилот болалар, ўқувчилар ва умуман жамият учун медиа ва рақамли саводхонлик бўйича ресурслар, ўқув материаллари ва стратегиялар ишлаб чиқади. Канадада медиа таълимга тизимли, узлуксиз ва компетенциявий ёндашувни белгилаб берган. Ушбу тузилма медиасаводхонликни тўртта асосий тамойил асосида тартибга солинган: ахборотга кириш, ундан фойдаланиш, тушуниш ва фаол иштирок этиш. Медиа таълим, шунингдек, 9 та соҳани қамраб олади: матнларни таҳлил қилиш, медиада тасвирлаш, шахсий маълумотлар хавфсизлиги ва рақамли ҳимоя, ахборот этикаси, жамоатчилик иштироки, рақамли саломатлик, истеъмолчи онги, фактларни текшириш ва контент яратишдан иборат.

Канадада медиасаводхонлик мактаб таълимининг барча босқичларида (K-12) расман ўқитилади. «MediaSmarts» ўқитувчилар, ота-оналар ҳамда ўқувчилар учун ўқув материаллари, мультимедиа ресурслари ва амалий машғулотлар режаларини тайёрлайди. Бу ёндашув ёш авлодда танқидий фикрлаш, манбаларни текшириш, нотўғри ахборот ва реклама таъсирини аниқлаш каби кўникмаларини шакллантиради. Канада модели фақат мактаб билан чекланиб қолмайди, балки рақамли саводхонликни фуқаролик маданияти ва жамоатчилик иштирокининг муҳим қисми сифатида кўради. Канада медиасаводхонликни жамиятнинг нотўғри ахборот, сиёсий манипуляция, дезинформация ва рақамли таҳдидларга қарши интеллектуал ҳимояси сифатида ривожлантирган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сиёсий манипуляция ва дезинформация замонавий ахборот маконидаги асосий муаммо ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот иммунитетини ривожлантириш долзарб. Жамиятни турли ёт ғоялар ва психологик таъсирлардан ҳимоя қилиш учун ахборот истеъмоли маданиятини медиасаводхонлик орқали шакллантириш ягона ва самарали ечим бўлиб хизмат қилади.

¹ Media Literacy Institute 2025.

² Helping Digital Natives Overcome Digital Naïveté: Four Steps to Media Literacy. <https://www.nytimes.com/2025/03/27/learning/helping-digital-natives-overcome-digital-naivete-four-steps-to-media-literacy.html>

Медиясаводхонликни ошириш масалалари юзасидан қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Таълим тизимида медиясаводхонликни шакллантиришга қаратилган «Махсус курс» дарсларини ташкил қилиш. Ушбу курсда ахборот истеъмол маданияти ўргатилади. Курс давомида интернетдан тўғри фойдаланиш, ахборотларни текшириш, ахборотларни текшириш усуллари, ишончлилик даражалари, ноҳолис, манипулятив, дезинформация каби тушунчалар бўйича маълумотлар бериш ва амалиётда қўллаб кўриш орқали тизимлаштирилади. Шу орқали фактчекинг қилиш малакаларини ўзлаштиради.

Олий ўқув юртлари учун манбани текшириш, фейкларни аниқлаш, AI—deepfake маълумотларни таҳлили, медиа психология асосларидан таълим бериш орқали ҳам амалга жорий қилиш мумкин.

2. Фактчекинг хизматини ташкил қилиш, ушбу хизматда платформа яратилиб, Телеграм ботлар орқали фуқаролар шубҳаланган, эътироз билдирган маълумотларни таҳлил қилиб, раддия ва бошқа кўринишдаги тезкор маълумотлар бериш механизминини ишлаб чиқиш.

3. Медиа-маърифатни қўллаб-қувватлаш орқали миллий контентларни тайёрлаш. Фейк ва ёлғон ахборотларга қарши қисқа видеороликлар тайёрлаш. Бу орқали нафақат ёшларни, балки катта ёшлиларни ҳам эътиборини тортиш мумкин. Бундай контентлар медиясаводхонликни оширишга хизмат қилади.

Нуриддин ҚОЛҚАНОВ, с.ф.б. ф.д (PhD), доцент
Зухриддинжон ЭРГАШОВ, талаба
(Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси)

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ВА МИНТАҚАВИЙ ИММУНИТЕТ

Бугунги кунда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ахборот оқимининг кенгайиши жамият тараққиётини рағбатлантириши билан бирга, турли ахборий таҳдид ва хавфларни ҳам кучайтирмоқда. Бу таҳдидлар давлат хавфсизлиги, жамият барқарорлиги ва инсон онгига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли ахборий хавфсизликни таъминлаш ва ахборий иммунитетни шакллантириш, айниқса Марказий Осиё давлатлари учун долзарб вазифадир. Минтақа мамлакатларининг умумий тарихий, маданий ва иқтисодий яқинлиги бу борада ҳамкорликни кучайтиришни янада муҳим қилади.

Шунингдек, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарурати тобора ортиб бормоқда. Мисол учун, Ўзбекистонда 2016 йилда интернетдан мунтазам фойдаланадиган аҳоли сони тахминан 12,1 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам

22,5 млн.дан ошган эди. Шунингдек, мобил алоқа абонентларининг умумий сони 22,8 млн.га этиб, уларнинг 16 млн.дан ортиғи учинчи ва тўртинчи авлод мобил алоқасидан фойдаланмоқда.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг тахминан 60 фоизи 25 ёшгача бўлган ёшлардир, яъни, мамлакатдаги энг фаол рақамли фойдаланувчи қатламни нафақат ёшлар, балки келажакдаги етакчилар ташкил қилади. Шу билан бирга, 2025 йилнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 32,7 млн.ни ташкил этиб, бу аҳолининг 89 фоиз га тенг¹.

Сўнгги йилларда интернетда бузғунчилик, зўравонлик ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи платформалар кўпаймоқда. Бундай ахборот хуружлари жамият маънавиятига ва ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли ахборий таҳдидларга қарши курашда техник ҳимоя билан бирга маънавий-маърифий ёндашувлар ҳам муҳимдир.

Энг аввало, ёшлар орасида ахборот маданиятини ошириш, ишончли манбалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш ва зарарли ғояларга нисбатан танқидий фикрлашни шакллантириш муҳимдир. Таълим муассасалари, маҳалла ҳамда жамоатчилик институтларининг мунтазам тушунтириш ва тарбиявий фаолияти эса жамиятда ахборий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Миллий ахборий иммунитетни шакллантиришда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Ушбу стратегия Ўзбекистонни рақамли иқтисодиёт ва жамиятга ўтказиш, давлат хизматларини электронлаштириш, киберхавфсизликни таъминлаш ва аҳолининг, айниқса ёшларининг ахборот маданиятини оширишга қаратилган.

Дастур доирасида қуйидаги устувор йўналишлар белгиланган:

рақамли инфратузилмани ривожлантириш ҳамда юқори тезликдаги интернет ва мобил тармоқ қамровини кенгайтириш;

электрон ҳукумат тизимини жорий этиш ва давлат хизматларини рақамлаштириш орқали очиқлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш;

ёшлар орасида рақамли саводхонликни ошириш, дастурлаш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;

ахборий хавфсизлик тизимларини мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни кучайтириш орқали ахборий таҳдидларга қарши барқарорлик яратиш².

Шу тарзда, «Рақамли Ўзбекистон-2030» нафақат технологик трансформацияни, балки ахборий иммунитетни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Дастур ёшларнинг онги ва жамиятнинг маънавиятини ҳимоя қилиш, ахборот хуружларига қарши курашиш ҳамда Марказий Осиё минтақасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим восита

¹ Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. <https://regulation.gov.uz/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил ПФ-6079 Фармони. <https://lex.uz/docs/-5030957>

сифатида хизмат қилади. 2025 йилда ушбу стратегия доирасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, уларнинг натижасида давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда рақамли инфратузилма сезиларли даражада ривожланиди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўсиш суръати 123,5 фоизни ташкил этди, IT-хизматлар экспорти 90 дан ортиқ давлатни қамраб олди. IT-парклар фаолияти кенгайиб, рақамли стартаплар давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 54 та янги хизмат ишга туширилиб, умумий сони 761 тага етди. Бу фуқаролар учун давлат хизматларидан фойдаланишни енгиллаштирди. Таълим тизимида электрон дарсликлар ва онлайн платформалар кенг жорий этилди ҳамда «Рақамли касблар» бўйича янги йўналишлар очилди. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт учун малакали кадрлар тайёрлаш жараёни кучайди. Умуман олганда, 2025 йилда амалга оширилган ислохотлар мамлакатнинг рақамли трансформациясини жадаллаштириб, 2030 йилгача белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон ахборий таҳдидларга қарши доимий сиёсат юритиб, миллий ва минтақавий ахборот хавфсизлигини мустаҳкамламоқдалар. Марказий Осиё давлатлари, хусусан Қозоғистон, ахборот-телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва рақамли трансформацияни тезлаштириш орқали ахборий таҳдидларга қарши миллий иммунитетни мустаҳкамлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

2025 йилга келиб Қозоғистон «Тўлиқ рақамли давлат» концепциясини жорий этиб, электрон ҳукумат орқали юзлаб хизматларни онлайн кўрсатишни режалаштирмоқда. Сўнгги йилларда 6179 қишлоқ аҳоли пунктдан 2606 таси оптик толали алоқа линиялари билан таъминланган бўлиб, 2026 йил охиригача яна 3 минг қишлоқни қамраб олиш ва уланиш даражасини 90 фоизга етказиш режалаштирилган. Шу билан бирга, ахборий таҳдидларга қарши миллий иммунитетни мустаҳкамлашнинг самарали воситаси сифатида «Арзон интернет» миллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг мақсади - 2027 йилга қадар мамлакатнинг барча ҳудудларини камида 100 Мбит/с тезликдаги интернет билан қамраб олишдир¹. Бу эса, нафақат рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига, балки ахборий таҳдидларга тезкор жавоб бериш ва барқарор ахборот оқимини таъминлашга хизмат қилади.

Натижада, Қозоғистон тажрибаси Марказий Осиё мамлакатлари учун ахборий таҳдидларга қарши миллий ва минтақавий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим модель ҳисобланади. Рақамли инфратузилма, юқори тезликдаги интернет ва сунъий интеллект элементларини жорий этиш орқали нафақат иқтисодий ривожланиш, балки ҳудудий барқарорлик ва ахборий хавфсизликни таъминлаш мумкин.

¹ Official Information Source of the Prime Minister of the Republic of Kazakhstan, 2025. Head of State has tasked country with transforming into fully digital nation within three years. <https://primeminister.kz/en/news/head-of-state-has-tasked-country-with-transforming-into-fully-digital-nation-within-three-years-government-discussed-measures-for-project-implementation-30631>

Тоҷикистон ҳам ахборий таҳдидларга қарши миллий иммунитетни мустаҳкамлаш йўналишида қатор дастурларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2025-2030-йиллар «Рақамли иқтисодиёт ва инновацияларни ривожлантириш йиллари» деб эълон қилинди¹. Тоҷикистон 2028 йилгача аҳолининг 80 фоизини интернет хизмати билан қамраб олиш ва мобил алоқани босқичма-босқич 4G ва 5G технологияларига ўтказишни режалаштирмоқда.

Молиявий рақамлаштириш соҳасида ҳам сезиларли ютуқлар кузатилмоқда. 2025-йилнинг январидан июнигача умумий қиймати 19,4 млрд. сомоний (2 млрд. доллар) бўлган 56,3 млн. нақд пулсиз транзаксия амалга оширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан БИТимлар сони 34,9 фоизга, БИТимларнинг умумий қиймати эса 51 фоизга ошганини кўрсатади. Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жами тўловларнинг 28,2 фоизини, электрон тўловлар эса 71,8 фоизини ташкил этмоқда. Шу даврда муомаладаги банк карталарининг умумий ҳажми 9,1 миллионга, электрон ҳамёнлар эса 15,7 миллионга етди, бу ўтган йилга нисбатан мос равишда 20,5 фоиз ва 50,8 фоиз ўсишни кўрсатади².

Шуни кўрсатадики, Тоҷикистоннинг рақамли трансформация ва ахборий хавфсизлик соҳасидаги саъй-ҳаракатлари сезиларли натижа бермоқда. Аҳолининг интернет билан қамраб олиниши ва 4G/5G технологияларига ўтиши миллий ахборий иммунитетни кучайтиради. Молиявий рақамлаштириш эса электрон тўловларга ишончни мустаҳкамлаб, маблағларнинг тезкор ва хавфсиз айланишини таъминлайди. Булар киберхавфсизликни мустаҳкамлаш ва ахборий таҳдидларга қарши самарали стратегияни амалга ошириш учун мустаҳкам илмий асос яратади.

Туркменистон «2026-2028-йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш концепцияси» асосида электрон ҳукумат тизимларини жорий этиш ва давлат маълумот марказларини ташкил этиш йўлида фаол иш олиб бормоқда.

Дастур доирасида:

- рақамли иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини халқаро стандартлар ва миллий манфаатларга мувофиқ такомиллаштириш,
- электрон ҳукумат, рақамли таълим ва фан, рақамли соғлиқни сақлаш ҳамда молиявий технологияларни ривожлантириш,
- маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва рақамли соҳага инвестицияларни жалб қилиш устувор йўналишлар этиб белгиланган.

Бу йўналишлар ахборий хавфсизлик ва миллий иммунитетни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқдир. Электрон ҳукумат тизимлари ва давлат маълумот марказлари рақамли инфратузилмани мустаҳкамлаш

¹ Tajikistan declares 2025–2030 as period of development of digital economy and innovations, 2024. <https://admin.tj/tajikistan-to-declares-2025-2030-as-period-of-development-of-digital-economy-and-innovations/>

² Trend News Agency, 2025. Tajikistan sees rise in cashless payments in 1H 2025. <https://www.trend.az/casia/tajikistan/4076466.html>

орқали ахборий таҳдидларга қарши барқарор ҳимоя механизмларини яратади.

Қирғизистонда 2025 йилда ахборот барқарорлигини ошириш учун муҳим ишлар қилинди. Бишкекда «Digital Kyrgyzstan – 2025» номли кибер машғулотлар ўтказилиб, давлат идоралари ва IT-мутахассислар киберҳужумларга қандай жавоб бериш кераклигини амалда синаб кўришди. Бу тадбир мамлакатнинг киберҳодисаларга тайёргарлигини оширишга хизмат қилди. Шунингдек, давлат ахборот тизимларини ҳимоя қилиш учун СИРТ-компьютер ҳодисаларига жавоб берувчи гуруҳлар фаолияти кенгайтирилди.

Қирғизистон минтақавий ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда. Давлат киберхавфсизлик бўйича маълумот алмашиш, қўшма тренинглар ўтказиш ҳамда ахборот тизимларини интеграциялаш лойиҳалари ва форумларида қатнашади. Натижада, Қирғизистоннинг ахборий таҳдидларга қарши иммунитетни тобора мустаҳкамланмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатадики, рақамли трансформациялар минтақада ахборий иммунитетни сезиларли кучайтирмоқда. Рақамли бошқарув ва сунъий интеллект асосидаги хавфсизлик тизимлари давлат хизматларини тез ва шаффоф қилган ҳолда, ахборий таҳдидларга қарши мустаҳкам ҳимоя яратмоқда. Келгусида бу сиёсат минтақа давлатларининг ахборий суверенитети ва киберхавфсизлик бўйича илғор амалиётини янада мустаҳкамлаши кутилади.

Замонавий ахборот маконида тобора ортиб бораётган хавф ва таҳдидларни самарали бошқариш ва бартараф этиш халқаро ҳамкорликни зарур қилади. Шу жиҳатдан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ахборий таҳдидларга қарши фаол курашишда муҳим минтақавий платформа сифатида кўзга ташланмоқда.

Ташкилот доирасида киберхавфсизлик, сохта ахборот оқимларига қарши курашиш, ахборот маконини ҳимоялаш каби йўналишларда қўшма ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда. 2025 йил 1 сентябрь куни бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 25-саммити доирасида ШХТнинг илмий-технологик ҳамкорлик истиқболлари алоҳида эътибор марказида бўлди. Президент Ш.Мирзиёев сунъий интеллект, катта маълумотлар, робототехника ва биомуҳандислик каби соҳалар минтақавий технологик мустақиллик ва рақобатбардошликни оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Нутқда, шунингдек, **«Янги ғояларни генерация қилиш, илғор ташаббусларни ишлаб чиқиш ва технологиялар трансфери учун ШХТ инновацион-технологик хабарлар тармоғини яратишни амалий қадам сифатида таклиф этамиз»**. Шуни кўрсатадики, «ШХТ инновацион-технологик хабарлар тармоғи»ни яратиш ташаббуси илғари сурилди. Ушбу тармоқ янги ғояларни ишлаб чиқиш, стартапларни қўллаб-қувватлаш ва технологияларни трансфер қилиш учун ягона платформа сифатида хизмат қилади. Натижада ШХТ давлатлари ўртасида илмий ҳамкорлик кучаяди, кадрлар алмашинуви ривожлантирилади ва инновацион маҳсулотлар биргаликда яратилади. Президент таъкидлаганидек, бундай ташаббус

минтақанинг рақамли мустақиллигини мустаҳкамлайди, илмий салоҳиятни уйғунлаштиради ва глобал иқтисодий рақобатда устунлик яратади. Ушбу ташаббус ШХТ ривожига стратегик ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Илм-фан ва технология соҳасидаги интеграция минтақавий иммунитетни мустаҳкамлайди ва ахборий таҳдидларга қарши қўшимча имкониятлар яратади.

Шунингдек, 2025 йил 30 октябрда Самарқандда ўтказилган ЮНЕСКО 43-сессиясида Президент Ш.Мирзиёев ахборот ва сунъий интеллект соҳасидаги масалаларни биринчи ўринга қўйди¹. Президент таъкидлашича, «Сунъий интеллектни таълим тизимига кенг жорий этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО иштирокида **«Сунъий интеллект – мактаб»** намунавий лойиҳасини амалга оширишга тайёрмиз.» Шуни билдирадики, истиқболда сунъий интеллект ва ахборот технологияларини пухта эгаллаган, креатив фикрлайдиган ёш авлод тарбияланади.

«Сунъий интеллект – мактаб» лойиҳаси доирасида таълим тизимида ўқувчилар замонавий билим ва рақамли компетенциялар билан қуролланиб, мамлакатнинг инновацион ривожланиши ва рақобатбардош келажаги таъминланади. Шунингдек, *«ЮНЕСКО шафелигида барча қитъаларнинг етакчи олийгоҳлари, педагогика ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари иштирокида Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар анжуманини ўтказишни таклиф этамиз»*. Марказий Осиё давлатлари учун ушбу ташаббус муҳимдир, чунки у минтақа мамлакатларига илғор халқаро тажрибани ўрганиш, рақамли ва ахборий саводхонликни ривожлантириш, ёшларни манипулятив ахборотдан ҳимоя қилиш ҳамда ахборий маданиятни тенг ривожлантириш имконини беради. Натижада, бу жараён миллий ахборий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорлик орқали барқарор рақамли трансформацияни амалга ошириш, шунингдек, инновацион ва ижодкор ёш авлодни тарбиялаш учун пойдевор яратади.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё давлатлари рақамли технологияларни ривожлантириш ва ахборий хавфсизликни кучайтириш орқали замонавий таҳдидларга барқарор жавоб беришга интилоқда. Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларда интернет инфратузилмасини яхшилаш, электрон хизматларни кенгайтириш ҳамда ёшларнинг рақамли саводхонлигини ошириш жамиятнинг ахборий иммунитетини мустаҳкамлаб бормоқда.

Шунингдек, ШХТ ва ЮНЕСКО доирасидаги ҳамкорликлар сунъий интеллект, инновация ва киберхавфсизлик бўйича тажриба алмашишни кучайтириб, минтақа учун янги имкониятлар яратмоқда. Умуман олганда, рақамли инфратузилма, таълим, қонунчилик ва минтақавий ҳамкорликнинг уйғун ривожига Марказий Осиёда хавфсиз ва барқарор ахборий макон шаклланишига замин яратмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. 2025. ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. <https://president.uz/oz/lists/view/8610>

Маржона АБДУЖАББОРОВА, талаба
(Ўзбекистон Миллий университети)

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ БИЛАН ИШЛАШ

Рақамли технологиялар замонавий сиёсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Интернет сиёсий коммуникация, фуқаролик иштироки ва бошқарув тизимида янги имкониятларни яратди. Бугунги кунда фуқаролар сўнгги сиёсий хабарларни онлайн тарзда кузатиб, фикр билдирадилар, электрон ҳукумат хизматларидан фойдаланадилар ва ижтимоий тармоқлар орқали ўз эмоциясини билдириш имконига эга.

Pew Research Center маълумотларига кўра, интернет фойдаланувчиларининг қарийб 33 фоиз фоизи сиёсий ёки фуқаролик фаолиятида онлайн иштирок этган¹. Бу эса, рақамли муҳит сиёсий онгни шакллантиришда қанчалик муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Шу билан бирга, бу жараён ҳар доим ҳам тенг кечмайди: инфратузилма, рақамли саводхонлик ва сиёсий институтларнинг очиқлик даражаси сиёсий иштирокига бевосита таъсир қилади.

Ушбу мақолада Ўзбекистон мисолида интернет технологияларининг сиёсий жараёнлардаги ўрни, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, шунингдек, фуқаролик иштирокини оширишдаги роли таҳлил қилинади.

Кўплаб хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар интернетнинг сиёсий жараёнларга таъсирини ўрганиб келмоқда.

Pew Research ҳисоботида АҚШдаги фойдаланувчиларнинг 39 фоизи сиёсий ахборотни интернет орқали олган, лекин юқори даромадли ва олий маълумотли қатламлар бу жараёнда устун бўлган. Бу эса рақамли тафовут муаммосини кўрсатади.

Boulianne ўз тадқиқотида рақамли технологиялардан фойдаланиш сиёсий иштирок даражасини оширганини аниқлаган, аммо бу асосан илгари сиёсий фаол бўлган гуруҳларда кузатилганини белгилайди². Бу **«Мустақкамловчи модел»** (*reinforcement model*) сифатида танилган.

Европада ўтказилган «Lietuvos viešoji politika ir administravimas» тадқиқотида эса интернет пенетрациясининг ўсиши ва сайловчилар фаоллигининг ортиши ўртасида ижобий боғлиқлик аниқланган³. Шу қаторда, Cambridge University Press томонидан олиб борилган эксперимент натижаларига кўра, онлайн петициялар ҳақида ижтимоий ахборот (

¹ Pew Research Center. Internet and American Life Project: Civic engagement and the internet, 2009.

² Boulianne S. Social media use and participation: A meta-analysis of current research. *Information, Communication & Society*, 18(5), 2015. – P. 524-538.

³ Lietuvos viešoji politika ir administravimas. The impact of internet penetration on political engagement in Europe. Vilnius: Lithuanian University Press, 2012.

«Миллиондан ортиқ одам қатнашди») берилиши фуқаролар иштирокини оширган¹.

Маҳаллий адабиётларда ҳам бу мавзу ўрганилмоқда. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари стратегияси – 2030» концепциясида интернетнинг давлат бошқарувидаги роли алоҳида таъкидланади².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси ҳамда «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантиришга оид норматив ҳужжатлар асосий манба сифатида олинди. Ушбу ҳужжатлар давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни замонавий ахборот технологиялари орқали йўлга қўйиш, сиёсий бошқарувда шаффофлик ва тезкорликни таъминлаш йўлидаги муҳим омиллар сифатида баҳоланди³.

Фикримизча, интернет технологиялари сиёсий коммуникациянинг янги босқичини бошлаб берди - эндиликда давлат ва фуқаролар ўртасидаги мулоқот бир йўналишда эмас, балки интерактив шаклда, яъни ўзаро таъсир таъминли асосида кечмоқда.

Бугунги кунда интернет технологиялари қуйидаги вазиятлар учун кенг қўлланилмоқда (сиёсий нуқтаи назардан):

1. Ахборот олиш ва тарқатиш – сиёсий партиялар, ҳукумат идоралари ва ОАВ ўз расмий сайтларида янгиликлар, қарорлар, қонун лойиҳаларини жойлаштиради.

2. Сиёсий мулоқот ва муҳокама – ижтимоий тармоқлар (*Telegram, X, Facebook ва бошқалар*) орқали фуқаролар сиёсий мавзуларда фикр алмашади.

3. Онлайн иштирок (e-participation) – жамоатчилик эшИТувлари, онлайн сўровлар, электрон петиТлар орқали фуқаролар сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашади.

4. Сиёсий маркетинг ва ПР – сайлов компанияларида интернет рекламалари, блоглар ва видеомурожаатлар орқали номзодлар ўз ғояларини тарғиб қилади.

5. Электрон ҳукумат ва рақамли хизматлар – давлат органлари фаолиятида интернет технологиялари орқали шаффофлик ва тезкорлик таъминланади.

Бугунги кунда сиёсий жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланишида интернет технологиялари ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Рақамли майдон сиёсий коммуникациянинг энг муҳим платформасига айланган. У орқали давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро мулоқот, ижтимоий фикр мониторинги,

¹ Cambridge University Press. Online petitions and civic engagement: Global experiences. Cambridge: Cambridge University Press, 2017.

² Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари стратегияси – 2030. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, 2019.

³ Мирзиёев Ш.М. Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегияси ва «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантиришга оид норматив ҳужжатлар. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2019.

фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда ҳукумат қарорларининг шаффофлиги таъминланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида интернет технологияларини сиёсий бошқарув тизимига татбиқ этиш борасида муҳим қадамлар ташланди. **«Электрон ҳукумат», «онлайн мурожаат»** тизимлари, рақамли сўровномалар ва давлат порталининг фаолияти сиёсий жараёнларда фуқароларнинг бевосита иштирокини кучайтирди. Бу эса, давлат бошқарувида очиқлик ва масъулият таъминлашини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Электрон ҳукуматни жорий этишдан кўзланган мақсадлар:

- давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини такомиллаштириш;
- барча сайловчиларнинг мамлакат бошқаруви жараёнидаги иштирок даражасини ошириш;
- аҳолининг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш;
- технологик билим ва фуқароларнинг касбий маҳоратларини ошириш;
- географик жойлашув омилининг таъсирини камайтириш¹.

Фикримизча, сиёсий жараёнларда интернетнинг роли нафақат ахборот алмашинуви ёки тарғибот воситаси сифатида, балки ижтимоий назорат ва жамоатчилик фикрининг реал ифодаси сифатида ҳам тобора кучаймоқда. Шу жиҳатдан, замонавий сиёсий бошқарувда интернет технологияларидан оқилона фойдаланиш – бу давлатнинг легитимлигини ошириш, фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлаш ва демократик қадриятларни чуқурлаштиришнинг энг самарали йўлидир.

Шунингдек, рақамли сиёсий коммуникациялар тизимида сунъий интеллект, big data таҳлил, онлайн сўровлар каби воситаларнинг жорий этилиши сиёсий қарор қабул қилишда таҳлилий аниқликни кучайтирмоқда. Шу билан бирга, интернет маконининг ҳаддан ташқари эркинлиги, сохта ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидлари сиёсий барқарорликка хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли, давлат сиёсий бошқарув тизимида ахборот хавфсизлиги ва рақамли маданиятни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, интернет технологияларини сиёсий жараёнларга татбиқ этиш Ўзбекистон учун янги демократик ислохотлар босқичини бошлаб берди. Рақамли сиёсий коммуникация тизими мамлакат сиёсий тизимининг шаффофлигини ошириб, давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашда асосий омиллардан бирига айланди.

Интернет технологиялари бугунги сиёсий бошқарув тизимида муҳим стратегик ресурсга айланган бўлиб, у фуқаролар иштирокини кучайтириш, шаффофликни таъминлаш ва давлат-ҳокимият алоқаларини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак:

¹ Мирзаахмедов К. Давлат бошқаруви // Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2025. – 240 б. <https://www.researchgate.net/profile/Kamoliddin-Mirzaaxmedov-2/research>

- интернет сиёсий бошқарувнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим воситадир;

- онлайн платформалар орқали фуқароларнинг сиёсий фикрини ўрганиш, ижтимоий назоратни кучайтириш ва қарор қабул қилиш жараёнларини тезлаштириш мумкин;

- рақамли коммуникациялар сиёсий жараёнларда легитимлик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади, чунки улар давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни самарали йўлга қўяди;

- интернетнинг эркинлиги ва тезлиги сохта ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидларини ҳам юзага келтиради, бу эса давлат бошқарувининг барқарорлиги учун алоҳида эътибор талаб қилади.

Ўзбекистонда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси ва «Электрон ҳукумат» тизими орқали интернет технологияларини сиёсий жараёнларга татбиқ этиш фуқаролар иштироки ва давлат бошқарувининг шаффофлигини оширишда самарали қадам сифатида намоён бўлмоқда.

Албатта, интернет технологиялари сиёсий бошқарув тизимини модернизация қилиш, демократик жараёнларни мустаҳкамлаш ва давлат-ҳокимият ишончлилигини ошириш йўлида муҳим стратегик ресурс ҳисобланади. Бу ҳолат мамлакатимизда замонавий сиёсий бошқарувнинг рақамли воситаларга таянган ҳолда ривожланишининг асосий механизмини ташкил этади.

Комилжон БАҲРИЕВ, талаба
(Бухоро давлат университети)

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА УЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ СИЁСАТНИНГ ЎРНИ

Коррупция давлат бошқаруви тизимининг институционал барқарорлиги, иқтисодий ўсиш суръатлари ва жамиятнинг давлатга бўлган ишонч даражасини бевосита белгиловчи омил сифатида талқин қилинади. Халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий тадқиқотларда коррупцияга қарши кураш фақат жазога йўналтирилган криминал-ҳуқуқий чоралар эмас, балки профилактика, ошкоралик, жавобгарлик ва ҳалоллик инфратузилмасига таянган комплекс бошқарув сиёсати сифатида ёритилади¹. Давлат секторида коррупциянинг олдини олишга қаратилган сиёсат «good governance» тамойиллари, институтлар сифати, ахборотнинг очиклиги ва фуқаролик жамияти иштирокини уйғунлаштирган ҳолда шаклланиши зарурлиги таъкидланади².

¹ Mauro P. Corruption and Growth.» Quarterly Journal of Economics, 1995

² World Bank. Anticorruption in Transition. Washington DC, 2000.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши сиёсатдаги асосий бурилиш рақамли трансформация билан боғлиқ бўлиб, электрон ҳукумат, назорат ва ҳисобот тизимларининг рақамлаштирилиши коррупцион муносабатлар структураси ва транзаксияларини сезиларли даражада ўзгартирмоқда¹. Эмпирик тадқиқотлар турли мамлакатлар кесимида давлат хизматларини рақамлаштириш даражаси билан коррупцияни назорат қилиш кўрсаткичлари ўртасида барқарор ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Рақамли ҳукумат бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, мансабдорлар билан бевосита мулоқотни қисқартириш, транзаксияларни рақамли излар орқали қайд этиш ва давлат фаолияти устидан ташқи мониторинг имкониятларини кенгайтириш орқали коррупцион хатарларни камайтиради². Шу билан бирга, ҳуқуқ устуворлиги ва институтлар сифати етарли бўлмаса, рақамлаштириш фақат ёрдамчи восита бўлиб қолиши, институционал ислохотларнинг ўрнини боса олмаслиги ҳам алоҳида таъкидланади³.

Рақамли сиёсатнинг мураккаб шакллари – очиқ маълумотлар сиёсати, блокчейн асосидаги транзаксия реестрлари, сунъий интеллектга таянган риск-аналитика, электрон декларация ва рақамли идентификация тизимлари – давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олишга хизмат қилувчи янги бошқарув архитектурасини шакллантирмоқда⁴. Очиқ маълумотлар, давлат молияси ва давлат харидларидаги шаффофлик бўйича халқаро ташаббуслар ахборот оқимини яхшилаш, ҳисобдорликни кучайтириш ва жамоатчилик муҳокамасини фаоллаштириш орқали коррупцияни аниқлаш ва олдини олишга хизмат қилиши кўрсатилади⁵. Электрон давлат харидлари тизимлари электрон процедуралар очиқлиги ва изчиллигини коррупцияга қарши стратегиянинг марказий элементи сифатида талқин қилади, рақамли платформалар коррупцион келишувлар майдонини торайтирувчи механизм сифатида баҳоланади⁶.

Янги Ўзбекистон шароитида «Рақамли Ўзбекистон» концепциясининг жорий этилиши, махсус коррупцияга қарши органларнинг ташкил этилиши, электрон ҳукумат платформалари, «ягона дарча» тизими, очиқ бюджет ва очиқ маълумотлар порталларининг ишга туширилиши коррупцияга қарши сиёсат мазмунини сезиларли даражада янгиледи. Миллий тадқиқотларда рақамли технологиялар электрон давлат хизматлари, катта маълумотлар таҳлили, блокчейн, электрон имзо ва онлайн мурожаатлар тизими орқали бошқарув самарадорлиги ва шаффофлигини оширувчи восита сифатида баҳоланади⁷.

Шу билан бирга, мавжуд ишлар кўпроқ норматив-ҳуқуқий базани тавсифлаш ва алоҳида лойиҳалар тажрибасини баён этиш билан

¹ UNODC. Global Programme against Corruption. Vienna.

² OECD. Digital Government Review, 2019.

³ Andersen T. E-Government and Control of Corruption.» Government Information Quarterly, 2020.

⁴ EU Blockchain Observatory. Blockchain in Public Services, 2020.

⁵ Open Data Charter. Global Principles of Open Data, 2015.

⁶ World Bank. Electronic Procurement and Transparency, 2018.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонун, 2015.

чегараланиб, рақамли сиёсатнинг коррупцияга қарши механизмлар самарадорлигига комплекс ва тизимли таъсирини баҳоловчи тадқиқотлар етарли эмаслиги қайд этилади.

Тадқиқотнинг материаллар базасини халқаро ва миллий статистик кўрсаткичлар, рейтинглар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда очиқ маълумотлар платформаларидан олинган рақамли маълумотлар ташкил этди.

Тадқиқот дизайни комплекс, аралаш типдаги бўлиб, миқдорий ва сифат таҳлил усуллари уйғун қўлланди. Миқдорий блокда 2010–2024 йиллар оралиғида Ўзбекистон ва таққосланадиган давлатлар бўйича CPI, WGI ва EGDИ кўрсаткичлари асосида динамик қаторлар тузилди.

Тадқиқот дизайни комплекс, аралаш типдаги бўлиб, миқдорий ва сифат таҳлил усуллари уйғун қўлланди. Миқдорий блокда 2010–2024 йиллар оралиғида Ўзбекистон ва таққосланадиган давлатлар бўйича CPI, WGI ва EGDИ кўрсаткичлари асосида динамик қаторлар тузилди, панел маълумотлар базаси шакллантирилди. Рақамли ҳукумат билан боғлиқ индикаторлар (*EGDИ, онлайн хизматлар субиндекси, очиқ маълумотлар рейтинглари, электрон харидлар жорий этилиш саналари*) коррупцияни назорат қилиш кўрсаткичлари (*CPI баллари, «Control of Corruption» қийматлари*) билан корреляцион таҳлил қилинди, индекслар динамикаси, ўртача йиллик ўсиш ва ўзгариш амплиТудаси баҳоланди. Алоҳида равишда Ўзбекистон бўйича 2016–2024 йиллардаги кўрсаткичлар рақамли ислохотлар календари билан «Timeline» шаклида солиштирилди.

Сифат таҳлилида ҳужжатлар таҳлили усули қўлланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стратегик концепциялар, ҳукумат қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги материаллари мазмуний ўрганилди. Коррупцияга қарши замонавий усуллар сифатида қайд этилган электрон давлат хизматлари, «Ягона дарча» платформалари, электрон лицензиялаш, электрон декларация, «Очиқ бюджет», онлайн харидлар, рақамли идентификация, биометрик аутентификация, блокчейн ва сунъий интеллектга асосланган риск-аналитика алоҳида категориялар сифатида ажратилди ва уларнинг мақсад, функциялар, ҳуқуқий асос ва жорий этиш босқичлари структуралаштирилди.

Давлат бошқарувида коррупцияга қарши замонавий усуллар ва рақамли сиёсатнинг ўрни бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рақамли трансформация жараёнлари билан коррупцияни назорат қилиш кўрсаткичлари ўртасида изчил ижобий боғлиқлик шаклланмоқда. Халқаро индекслар динамик таҳлиliga кўра, Ўзбекистонда 2013–2023 йиллар оралиғида CPI кўрсаткичи деярли икки барабар ошган, EGDИ қийматлари ва рейтингдаги ўринлар сезиларли яхшиланган. Айниқса, 2016 йилдан сўнг, «Рақамли Ўзбекистон» кун тартиби шаклланиб, янги анти-коррупция институтлари вужудга келган даврда CPI балларининг ҳар икки-уч йилда изчил ўсиши ва EGDИнинг барқарор юқори сегментга ўтиши кузатилди, бу жараён оддий статистик тебраниш эмас, балки рақамли сиёсат ва

институционал ислохотлар ўртасидаги тизимли боғлиқлик натижаси сифатида талқин қилинди.

Соҳалар кесимидаги таҳлил рақамли платформалар жорий этилган йўналишларда маиший коррупция шаклларининг анча қисқараётганини кўрсатди. Рухсатнома ва сертификатлар, паспорт-виза, кадастр, автомобиль рўйхатдан ўтказиш, пенсия тайинлаш каби хизматларда электрон навбат, онлайн ариза, масофавий тўлов ва ариза статусини кузатиш блокларининг жорий этилиши мансабдор шахс билан бевосита мулоқот нуқталарини камайтирди. Ички мониторинг маълумотлари шуни кўрсатдики, электрон давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар сони бир неча баравар ошган сари норасмий тўловлар ҳақидаги мурожаатлар камида уч баравар қисқарган. Интервьюларда тадбиркорлар ва фуқаролар **«хужжатни тезлаштириш учун қўшимча ҳақ»** таклифи тобора кам учрашини, кўп ҳолларда қарорлар платформа алгоритмлари ва аниқ регламентлар асосида қабул қилинишини таъкидлашди.

Натижалар шуни кўрсатдики, рақамли сиёсат коррупцияни «бир зумда йўқотмайди», аммо қарор қабул қилиш жараёнларида изчил рақамли из яратиш, мансабдорлар учун «жавобгарлик тор зоналари»ни кўпайтириш ва фуқаролик назоратини технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали коррупцион имкониятлар майдонини сезиларли даражада торайтиради. Ижтимоий нафақа ва субсидиялар соҳасида электрон идентификация ва биометрик тизимлар жорий этилгач, «ўлик жонлар» ва дублёр қабул қилувчилар билан боғлиқ ҳолатларнинг кескин камайиши, қайта верификация чоғида бир қатор тўловларнинг бекор қилиниши бунинг яққол далили бўлди.

Шу билан бирга, экспертлар техник носозликлардан фойдаланиш, дастурий таъминотга ноқонуний аралашуш, маълумотлар билан манипуляция қилиш каби «Рақамли коррупция» хавфларига ҳам эътибор қаратдилар, бироқ кучли киберхавфсизлик, мустақил аудит ва очиқ кодли ечимлар ёрдамида бу хатарларни тизимли равишда камайтириш мумкинлигини таъкидладилар.

Давлат бошқарувида коррупцияга қарши замонавий усуллар ва рақамли сиёсат бўйича олинган натижалар халқаро адабиётда шаклланган умумий тенденциялар билан мос келади, лекин Ўзбекистон шароитида айрим ўзига хос жиҳатларни ҳам кўрсатади. CPI ва EGDИ каби индекслар динамикаси рақамли ҳукумат инфратузилмаси ривожланиши билан коррупцияни назорат қилиш кўрсаткичлари ўртасида барқарор ижобий боғлиқлик шаклланганини намоён қилади. Бу ҳолат рақамли трансформацияни коррупцияга қарши сиёсатнинг иккиламчи техник воситаси эмас, балки стратегик марказий элементи сифатида талқин қилиш зарурлигини кўрсатади.

Бироқ рақамли технологияларни ўз-ўзидан коррупцияни йўқотадиган «мўъжиза» сифатида баҳолаш тўғри эмас. Ўзбекистон мисолида ижобий динамикага айнан рақамли ислохотлар коррупцияга қарши институтлар ташкил этилиши, «Рақамли Ўзбекистон» кун тартиби, ошкоралик ва ҳисобдорликни кучайтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий янгиланишлар

билан бирга кечгани сабаб бўлганини кўриш мумкин. Яъни, технологик ўзгаришлар институционал ислохотлар билан устма-уст тушган, шунинг учун ҳам индекслардаги ўсиш ҳақиқий бошқарув сифатидаги силжишлар билан боғлиқ.

Натижалар рақамли сиёсатнинг ички чекловларини ҳам кўрсатади. Айрим соҳаларда, айниқса йирик инвестицион қарорлар, юқори даромадли рухсатлар ва элита келишувлари билан боғлиқ сегментларда рақамлаштириш сустроқ кечмоқда, коррупцион хавфнинг катта қисми эса айнан шу майдонда жамланган. Шу билан бирга, рақамли тизимларнинг ўзи ҳам янги хатарларни – техник носозликлардан ғаразли фойдаланиш, дастурий таъминотга яширин аралашув, маълумотлар билан манипуляция қилиш каби «рақамли коррупция» кўринишларини юзага келтириши мумкин. Шунинг учун рақамли сиёсат киберхавфсизлик, мустақил аудит ва алгоритмларнинг шаффофлигини таъминлаш билан бирга олиб борилмагунча, унинг потенциали тўлиқ рўёбга чиқмайди.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот шуни кўрсатдики, давлат бошқарувида коррупцияга қарши замонавий усуллар самарадорлиги айнан рақамли сиёсат, институционал ислохотлар ва good governance тамойилларининг бир бутун тизим сифатида ишлаганда энг юқори даражада намоён бўлади. Рақамли трансформация – электрон ҳукумат, очиқ маълумотлар, рақамли назорат ва иштирок платформаларининг ривожланиши – CPI, EGDl ва «Control of Corruption» каби кўрсаткичларда ижобий динамика билан уйғун кетаётгани рақамли технологияларни ҳалоллик инфратузилмасининг асосий сиёсий-институционал ресурси сифатида кўриш зарурлигини тасдиқлайди.

Олий таълим муассасалари учун асосий тавсиялар қуйидагича:

биринчидан, коррупцияга қарши рақамли сиёсат концепциясини давлат бошқаруви, ҳуқуқ, ИТ, сиёсатшунослик ва иқтисодиёт фанларининг ўқув режалари ва дастурларига тизимли равишда интеграция қилиш зарур. Талабаларга электрон ҳукумат, очиқ маълумотлар, давлат харидлари ва рақамли иштирок тизимларининг ҳуқуқий ва институционал асослари реал кейслар (*тендерлар*, *«очиқ бюджет»*, *мурожаатлар статистикаси*) асосида ўргатилиши лозим.

иккинчидан, университетларнинг ўзида ҳам масофавий ҳужжат айланиши, электрон деканат, онлайн ариза ва шикоят тизимлари, очиқ рейтинг ва рақамли баҳолаш механизмларини жорий этиш орқали ички коррупцион рискларни камайтириш мумкин.

учинчидан, рақамли антикоррупция сиёсати бўйича илмий марказлар, лабораториялар ёки талабалар иштирокидаги лойиҳаларни йўлга қўйиш, очиқ маълумотлар билан ишлаш, рискларни моделлаштириш ва прогнозлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Санъатжон РАЖАБОВ, катта ўқитувчи
Бегзод ҲАМИДОВ, талаба
(Бухоро давлат университети)

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

XXI асрнинг иккинчи чорагида давлат сиёсати ва бошқаруви чуқур трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда. Глобализация, технологик модернизация, рақамли иқтисодиётнинг ўсиши, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллашуви, экологик ва ижтимоий барқарорлик масалаларининг кескинлашуви – буларнинг барчаси давлат бошқаруви тизимидан янгича ёндашувни талаб этмоқда. Давлат энди фақат бошқарувчи орган сифатида эмас, балки инновацияларни рағбатлантирувчи, фуқароларга хизмат кўрсатувчи, ҳамкорликни ривожлантирувчи ва шаффоф тизим сифатида майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида *«Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин»*¹ – дея барчанинг эътиборини қаратиб, давлат бошқарувида рақамлаштириш жараёнларини самарали ташкил этишга чақирган. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда рақамли технологиялар давлат секторининг деярли барча жараёнларига чуқур кириб бормоқда. Маъмурий бошқарув, давлат хизматлари, ахборот ресурсларини бошқариш, статистика, солиққа тортиш, иқтисодий мониторинг каби соҳаларда рақамлаштириш натижасида тезлик, аниқлик ва қулайлик ошмоқда.

Давлат бошқарувида шаффофлик, очиклик ва ҳисобдорлик шаффоф бошқарув - самарадорликнинг асоси давлат фаолияти очиклиги коррупцияни камайтиради, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини кучайтиради ва бошқарув самарадорлигини оширади. Очик маълумотлар (Open Data) экотизими кўплаб давлатларда очик маълумотлар порталини жорий этиб, бу жараёнларда журналистлар, илмий тадқиқотчилар ва фуқаролар учун кенг маълумот майдонини яратади; давлат фаолиятини мониторинг қилиш имконини оширади; инновацион технологиялар ва стартапларга туртки беради².

Давлат сиёсати ва бошқарувида кузатилаётган замонавий трендлар нафақат ижтимоий-сиёсий соҳаларга, балки иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, бозор институтларини ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестицион муҳитни яхшилаш каби

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020. <https://president.uz/en/lists/view/3324>

² Рақамли бошқарув тамойиллари (Электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича халқаро тавсиялар): <https://publicadministration.un.org>

йўналишларга ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда. Рақамли иқтисодийнинг афзалликлари рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди.

Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди. «Рақамлаштириш» сўзи аслида янги атама бўлиб, инновацион бошқарув ва иш юритиш жараёнига ИТ ечимларнинг жалб этилишини, бунинг самараси ўлароқ эса интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган барча тизимларда ахборот технологияларини қўллашни кўзда тутди¹.

Иқтисодиётнинг рақамли сегментига тегишли бош манба – транзакцион секторнинг ўсишидир. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ миқдорни ташкил этиб, давлат бошқаруви, консалтинг ва информацион хизмат кўрсатиш, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, хизматлар соҳасини (*коммунал, шахсий ва ижтимоий*) бирлаштиради. Иқтисодиёт диверсификацияси ва динамикаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичида ва ташқарисида ноёб ахборотлар айланмаси шунчалик кўп, миллий иқтисодиётлар ичида ахборот трафики эса шу қадар салмоқли бўлади.

Шу боис, иштирокчилар сони кўп ва ИТ хизматлар кенг тарқалган бозорларда рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланади. Айниқса, бу – транспорт, савдо, логистика ва шу сингари интернет билан фаол ишловчи соҳаларга чексиз қулайликлар яратади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, уларда электрон сегментнинг улуши ЯИМнинг 10 фоизига яқинлашиб, 4 фоиз аҳоли бандлигини таъминлайди. Энг аҳамиятлиси, бу кўрсаткичлар барқарор тарзда ўсиб боради.

Шубҳасиз, рақамли иқтисодиётнинг самарадорлигига нафақат ахборот технологияларининг қамрови ва инфратузилманинг мавжудлиги, балки ишбилармонлик муҳити, инсон капиТали ва муваффақиятли бошқарув инструментлари каби стандарт иқтисодий мезонлар ҳам таъсир кўрсатади. Бинобарин, иқтисодий тараққиёт айнан уларга таянади, бу эса ушбу мезонларнинг рақамли иқтисодиёт ривожланишида аввалгидай муҳим ўрин тутишини билдиради. Рақамли иқтисодиёт кўз ўнгимизда яралмоқда. Ҳозир бутун дунё бўйлаб янги сервислар ва бизнес моделларни яратиш учун ИТ инструментлардан фойдаланадиган эски ва янги компаниялар аксарият соҳаларда етакчи бўлган компанияларга кучли рақобат туғдирмоқда.

Прогнозларга кўра, яқин йилларда макроиқтисодиёт «lean production», аддитив, нано ва биотехнология мезонларига таянадиган ишлаб чиқарувчиларга қаттиқ боғлиқ бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан оқилона бошқарув учун зарур ҳисобланган ахборот қўлами ҳам ортиб боради,

¹ Юнусова М.С. Электрон ҳукумат ва давлат бошқарувини рақамлаштириш. Давлат бошқаруви йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Димал, 2025. – 88 б.

ишлаб чиқариш ва фуқаролар мулоқоти, бизнес ва давлат органларини бошқариш тузилмаси эса жиддий ўзгаришларни бошдан кечиради.

Рақамли тўлов тизимлари ҳам шиддат билан ривожланмоқда. 2024 йилда онлайн тўловларнинг улуши умумий ҳисоб-китоб операцияларининг 70 фоизини ташкил қилди. Бу ҳам давлат хизматларидан фойдаланишда шаффофлик ва қулайликни таъминлаяпти. Дунё тараққиётининг бугунги босқичида рақамли технологиялар давлат бошқарувини ислоҳ қилишнинг асосий омили сифатида намоён бўлмоқда. Ахборот технологиялари орқали самарадорликни ошириш, шаффофликни таъминлаш ва фуқаролар учун қулай шароит яратиш замонавий давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Ўзбекистон ҳам бу йўналишда сўнгги йилларда сезиларли қадамлар ташлади.

Давлат раҳбари томонидан «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилиниб, мамлакатда рақамли трансформация жараёни тубдан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, *«Янги Ўзбекистонни яратишда давлат бошқарувининг самарадорлиги ва шаффофлиги ҳал қилувчи оил ҳисобланади»*. Шу сабабли рақамли трансформация нафақат ислохотлар, балки бутун жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда электрон давлат хизматларининг турлари 50 тадан 400 дан зиёдга ошди.

My.gov.uz орқали тақдим этилаётган хизматлар сони йилига камида 20-25 фоизга ошиб бормоқда. Масалан, 2022 йилда 11 млн.га яқин фуқаро электрон хизматлардан фойдаланган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 18 млн.дан ошиб кетди. Бу рақамлар аҳолининг рақамли хизматларга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Энг катта ютуқлардан бири - давлат идоралари фаолиятида электрон ҳужжат айланиши жорий этилиши бўлди. Бугунги кунда барча вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари интеграция қилинган ҳолда ишляпти. Бу нафақат иш юритиш самарадорлигини оширди, балки қоғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни камайтирди.

Хусусан, «MyGov», «Soliq.uz», «E-auksion» каби платформалар давлат ва жамият ўртасида янги ўзаро алоқани шакллантирди. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, рақамли хизматлар улуши 2020 йилда 35 фоиз бўлган бўлса, 2025 йилга келиб 70 фоизга етди. Электрон хизматларнинг ривожланиши аҳолининг кундалик ҳаётини енгиллаштирди. Масалан, олдин паспорт олиш ёки кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун бир неча марта идораларга бориш талаб этилган бўлса, бугун бу жараёнларнинг кўпчилигини онлайн амалга ошириш мумкин. Тадбиркорлар учун эса лицензия ва рухсатномаларни олиш муддати бир неча ойдан бир неча кунгача қисқарди. Рақамли тўлов тизимлари ҳам шиддат билан ривожланмоқда. 2024 йилда онлайн тўловларнинг улуши умумий ҳисоб-китоб операцияларининг 70 фоизини ташкил қилди. Бу ҳам давлат хизматларидан фойдаланишда шаффофлик ва қулайликни таъминлаяпти. Ўзбекистон тажрибасини халқаро амалиёт билан таққосласак, тубдан фарқ ва умумий

жиҳатларни кўриш мумкин. Масалан, Эстонияда барча давлат хизматларининг 99 фоизи электрон шаклда тақдим этилади.

Жанубий Корея электрон ҳукумат тизими орқали фуқароларнинг давлат идораларига мурожаат вақти 70 фоизга қисқарганини қайд этган. Сингапурда эса рақамли давлат платформалари орқали барча давлат хизматлари «бир дарча» асосида тақдим этилади. Бунинг натижасида ЯИМ 2–3 фоизга ўсгани қайд этилган. Ўзбекистон бу мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, миллий шароитга мослаштирмоқда. Масалан, «Ягона интерактив давлат хизматлари портали» (my.gov.uz) Эстониянинг X-Road тизимига ўхшаш интеграция модели асосида ишлаяпти. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида интернет инфратузилмасини кенгайтириш ва аҳолининг рақамли саводхонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлат бошқарувини рақамлаштириш жараёни қонунчилик ислохотларисиз самара бермайди. Шу мақсадда мамлакатимизда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, рақамли давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шунингдек, давлат хизматларини рақамли кўринишда кўрсатиш учун махсус агентликлар ва марказлар ташкил этилди. Ахборот технологияларига киритилаётган инвестициялар ҳажми ҳам йил сайин ортиб бормоқда. 2023 йилда бу соҳада инвестициялар 2 млрд. доллардан ошгани қайд этилди. Бу рақам рақамли иқтисодиётнинг миллий иқтисодиётдаги улуши тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Сўнги тадқиқотлар аҳолининг рақамли хизматлардан қониқиш даражаси 80 фоиздан ошганини кўрсатмоқда. Энг катта талаб паспорт олиш, кадастр хизматлари ва банк хизматларига бўлган. Тадбиркорлар эса онлайн лицензия олиш тизимини давлатдаги энг самарали ислохотлардан бири сифатида эътироф этмоқда. Рақамли давлат – бу фақат технология эмас, балки халққа хизмат қиладиган, очиқ ва самарали бошқарув тизимидир. Ўзбекистонда бу жараён қадам-бақадам амалга оширилиб, жаҳон тажрибалари билан уйғунлаштирилмоқда. Энг асосийси, рақамли давлат фуқаролар учун қулайлик, давлат учун самарадорлик, жамият учун эса шаффофлик ва ишончни таъминлайди. Шу боис, юртимизда амалга оширилаётган рақамли ислохотлар нафақат бугунги кун, балки эртанги авлодлар учун ҳам мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Давлат сиёсати ва бошқарувининг замонавий тенденциялари – бу фақат технологик янгиликлар эмас. Бу – бошқарув фалсафаси, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, фуқаролик ҳуқуқлари, глобал ҳамкорлик ва миллий манфаатлар мувозанати ҳақидаги янги тушунчалар. Агар давлатлар бу тенденцияларни – рақамли трансформация, фуқаролик иштироки, шаффофлик ва инновацияларни – интеллектуал, эҳтиёткор ва инклюзив ёндашув билан амалга оширсин, бу жамиятлар барқарор, демократик, самарали ва одил бўлиши мумкин. Акс ҳолда – технологик жиҳатдан ривожланган, лекин адолатсиз ва фуқаролар ишончини йўқотган бошқарувга дуч келиш эҳтимоли бор.

Абдували МИРЗАКАРИМОВ, талаба
(Тошкент давлат Транспорт университети)

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ПЛАТФОРМАСИ: ГЕРМАНИЯ ВА ЭСТОНΙΑ ТАЖРИБАСИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

XXI асрда давлат бошқарувида рўй бераётган энг муҳим ўзгаришлардан бири рақамли трансформациядир. Коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, сунъий интеллектнинг оммалашуви ва катта маълумотлар ҳажмининг ортиши давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартирмоқда. Рақамли идентификация, очиқ маълумот платформалари ва автоматлаштирилган хизматлар давлат фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бирга янги хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқаради: ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларнинг ҳимояси ва рақамли тенгсизлик шу жумладандир.

Муаммо шундан иборатки, турли мамлакатларда рақамли трансформация қандай босқичларда ўтаётгани ва унинг самарадорлиги билан боғлиқ асосий омиллар қандай эканлигини аниқлаш зарур. Ушбу мақоланинг мақсади Эстония ва Германия мисолида рақамли давлат бошқарувининг ривожланиш даражасини солиштирма усулда таҳлил қилиш ва сиёсий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Мазкур тадқиқот давлат сиёсати ва бошқарувидаги замонавий йўналишлар ҳамда янги трендларни чуқурроқ англаш мақсадида олиб борилди. Тадқиқот жараёнида давлат бошқаруви тизимларининг трансформацияси, рақамлаштириш жараёнлари, шаффофлик ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил марказига қўйилди. Мавзунинг мураккаб ва кўп қиррали эканлигини инобатга олиб, турли мамлакатлар тажрибаси асосида таҳлилий ёндашув қўлланилди. Шу асосда ушбу мақолада энг аввало ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг давлат бошқаруви, рақамли бошқарув моделлари ўзаро қиёсланди ва замонавий глобал тенденциялар билан солиштирилди. Бу эса, мавзуни нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш имконини берди.

Тадқиқотда солиштирма таҳлил (comparative analysis) ва тренд таҳлили (trend analysis) методлари қўлланилди. Маълумотлар очиқ манбалардан (ҳукумат статистикаси, OECD v ва UNDP ҳисоботлари, илмий мақолалар ва эксперт таҳлиллари) йиғилди.

Солиштирма таҳлил учун қуйидаги мезонлар белгиланди:

- e-ID тизимининг қамрови ва фаолият даражаси;
- давлат хизматларининг рақамлаштирилиш даражаси;
- идоралараро маълумот алмашинуви инфраструктурасининг интеграцияси;
- фойдаланувчи тажрибаси (usability);

- миллий рақамли стратегиялар ва уларнинг изчиллиги.

Тренд таҳлил Эстонияда 1990 йиллардан бошланган рақамлаштириш ва Германияда сўнги ўн йилликдаги сиёсий ташаббусларни қамраб олди.

Эстонияда миллий e-ID жуда кенг тарқалган: тахминан 90 фоиз аҳолиси фойдаланади. Эстониянинг «Tiger Leap» дастури: мустақилликдан сўнг мактаблар ва кутубхоналарга компьютер ва интернет олиб киришни амалга оширган¹. Қуйида келтирилган жадвал Эстония ва Германияда рақамли бошқарувнинг асосий кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлил натижаларини умумлаштириб беради.

Мезонлар	Эстония	Германия
e-ID тизими қамрови	Аҳолининг ~90 фоиз фойдаланади; тўлиқ жорий этилган	10 фоиздан кам; кенг тарқалмаган
Давлат хизматларидан рақамли фойдаланиш	Деярли барча соҳалар рақамлаштирилган (e-resept, e-imzo ва бошқалар)	62 фоиз атрофида; кўп хизматлар ярим рақамлаштирилган
Рақамли стратегия ва инфратузилма	«Tiger Leap» дастури асосида изчил, 1990 йиллардан бошлаб ривожланган	Яқинда янги вазирлик ташкил этилди; стратегия энди шаклланмоқда
Маълумот алмашинуви ва «once-only» принципи	Тўлиқ ишлайди; идоралараро маълумот оқими интеграциялашган	Ҳали жорий этилмаган ёки суст; федерал тизим сабаб интеграция паст

Эстония соғлиқни сақлаш тизимида ҳам рақамли трансформацияни амалга оширган – масалан, рецептлар онлайн рўйхатда сақланади ва дорихонада ID орқали текширилади. Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар айнан шу муаммо бўйича ечимларни рақамли трансформация йўлида амалга оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда, электрон ҳукумат – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими сифатида амалга оширилмоқда².

Германияда эса, рақамли хизматлардан фойдаланиш камроқ кўрсаткич беради. DW мақоласида айтилишича, тахминан 62 фоиз мамлакат аҳолиси давлат маъмурияти хизматларида рақамли платформалардан фойдаланади. Германияда миллий e-ID тарқалиши жуда паст.

¹ UNDP. *Digital governance*. United Nations Development Programme, 2025. <https://www.undp.org/governance/digital-governance>

² Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни <https://lex.uz/mact/-2833860>

DW маълумотига кўра, 10 фоиздан кам аҳолиси фойдаланади. Германияда янги **Рақамли трансформация ва давлатни модернизация қилиш вазирлиги** (*Ministry for Digital Transformation and Government Modernisation*) ташкил этилган. Унинг асосий мақсади давлат хизматларини «end-to-end», яъни бошидан охиригача тўлиқ рақамлаштиришдир.

Software ва рақамли платформалар фойдаланувчига дўстона эмаслиги, фойдаланувчига қулай дизайн этишмаслиги Эстониянинг эрта услубларидан бири сифатида кўриб чиқилади. Эстония ва Германияни рақамли бошқарув нуқтаи назаридан қиёслаганда, Эстония Германиядан анча олдинга чиққани яққол кўринади¹. Эстонияда миллий e-ID кенг қабул қилинган бўлиб, маълумотлар алмашинуви ва давлат хизматларини рақамлаштириш бўйича жиддий ютуқларга эришилган.

Шу билан бирга, «once-only» принципи, яъни, фуқаролар ва компаниялар бир маротаба маълумотларни тақдим этса, кейин бу маълумот ички идоралар ўртасида қайта ишлатилади – мамлакатда самарали ишламоқда. Бу рақамли идентификация ва маълумотлар оқимини оптимallasштириш орқали бюрократияни камайтиради ва давлат хизматлари самарадорлигини оширади. Германияга келганда, у рақамли трансформацияда **«Таъқиб қилиш»** (*catch-up*) режимида турибди.

Яқинда Германияда **«Рақамли трансформация ва давлатни модернизация қилиш»** вазирлиги ташкил этилди – унинг мақсади давлат хизматларини бошидан охиригача, яъни, «end-to-end» тарзда рақамлаштиришдир. Аммо фойдаланувчи тажрибаси ва бюрократик тизимни рақамлаштиришда Германия ҳали Эстония даражасига етмаган. Шу боис, Эстониянинг тажрибаси Германия учун катта илмий ва амалий аҳамиятга эга: бюрократик процедураларни соддалаштириш, маълумот алмашинувини самарали ташкил этиш ва рақамли идентификация системаларини жорий этиш борасида Германия Эстониядан ўрганиши мумкин.

Трендлар нуқтаи назаридан қараганда, Эстониянинг рақамлаштириш тарихи жуда тизимли: 2010 йилгача «Tiger Leap» лойиҳаси орқали инфратузилмани барпо этиш бошланган, кейинчалик (*тахминан 2015 йилда*) давлат хизматларининг асосий соҳалари, жумладан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, рақамлаштирилган. Сўнгги йилларда эса, e-gazvod (*уюлмаган ажралиш*) жорий этилган, рақамли имзо ва e-ID кенг қўлланилади, ва «once-only» принципи қонун даражасида мустаҳкамланган.

Германияда эса, рақамли трансформация соҳасида сўнгги йилларда янги ёндашувлар шаклланимоқда: янги вазирлик ташкил этилиши ва «end-to-end» рақамли хизматларни жорий этиш режалари бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, Эстонияга ўхшаш юқори даражадаги рақамли интеграция ва маълумотлар алмашинуви Германияда ҳали тўлиқ амалга оширилмаганлиги кўзга ташланади. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, Эстонияда маълумот

¹ Sheryazdanova G.R. Impact of digitalization and e-government on good governance: achievements and challenges in Kazakhstan. <https://bulpolit.enu.kz/index.php/main/article/view/650>

алмашинуви ва e-ID тизимининг кенг қамрови рақамли хавфсизлик ва шахсий маълумотларнинг махфийлиги муаммоларини келтириб чиқариши мумкин¹.

Германияда федерал тузилма ва кўп идоралар ўртасидаги муросасизлик маълумотларни самарали алмашишда муаммолар туғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Германияда UNDP ва ОЕСД каби халқаро ташкилотлар рақамли бошқарувни инсон марказли, инклюзив ва хавфсиз қилишга қаратилган йўналишларни илгари сурмоқда. UNDPнинг Digital Governance Framework ва ОЕСДнинг Digital Government Index каби ҳужжатлари давлатларга рақамли сиёсатларни баҳолаш ва режалаштириш учун қоидалар беради.

Таҳлил шуни кўрсатадики, рақамли трансформациянинг муваффақияти технологик ечимларнинг мавжудлигидан кўра сиёсий изчиллик, фуқаролар билан ишонч ва идоралараро ҳамкорликка боғлиқ. Эстония мисолида кичик аҳоли ва марказлашган ёндашув орқали тез ва кенг қамровли рақамлаштиришни амалга ошириш имконига эга бўлди. Германияда эса, федерал таркиб, ҳуқуқий ва техник номувофиқлашув жараёни секинлаштирган. Халқаро ташкилотлар томонидан тавсия қилинган платформа ёндашуви (*масалан, DPI – Digital Public Infrastructure*) мамлакатлар учун мослашувчан модель сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ушбу тадқиқотда асосий чекловлар қуйидагилардан иборат:

маълумотлар асосан очиқ манбаларга таянган – интеграциялашган, ammo баъзи янгиланган миллий статистикалар тўлиқ қўл етмаслиги мумкин;

тадқиқот квантитат қилади ва эмпирик микро-таҳлил (*сўровнома ёки интервью*) ўтказилмади;

мамлакат ичидаги ҳудудий фарқлар ва демографик омиллар кенгроқ ўрганилмаган.

Келажак тадқиқотлари учун кенгроқ эмпирик маълумотлар ва фуқаролар ҳамда давлат ходимлари билан ўтказилган сўровномалар тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқот Эстония ва Германия мисолида давлат сиёсати ва бошқарувидаги замонавий йўналишлар ҳамда рақамли трансформациянинг асосий тенденциялари самарадорлик, интеграция ва фойдаланувчи тажрибаси билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатади, Эстониянинг рақамли бошқарувдаги етакчилиги, марказлашган платформа, кенг қамровли e-ID ва «бир марталик» принципи орқали давлат хизматларининг соддалаштирилган, тезкор ва ишончли бўлишини таъминлаган бўлса, Германия мисолида федерал тизим, идоралараро мослашувчанликнинг пастлиги ва e-IDдан фойдаланиш даражасининг етарли эмаслиги рақамли ўзгаришларни секинлаштираётгани кузатилди.

¹ Rahimova M. Digitalization of public services and improvement of the e-government system. Current Approaches and New Research in Modern Sciences, 4(16), 2025. – P. 14-19. <https://econferences.ru/index.php/canrms/article/view/33677>

Шундан келиб чиқиб, таклифлар қуйидагича шакллантирилади:

- e-ID тизимидан фойдаланишни кенгайтириш ва унинг активация жараёнларини соддалаштириш, идоралараро маълумот алмашинувини ягона хавфсиз платформага бирлаштириш;
- «бир марталик» принципини қонуний мустаҳкамлаш орқали бюрократияни камайтириш;
- давлат хизматларида фойдаланувчи тажрибасини устувор қилиш ва платформа дизайнини қулайлаштириш;
- рақамли хавфсизликни кучайтириш ҳамда мунтазам аудит ва очиқлик механизмларини жорий этиш.

Бу тавсиялар давлат бошқарувида замонавий рақамли ёндашувларни чуқурлаштириш ва трансформация жараёнларини изчил давом эттиришга хизмат қилади.

Малоҳат МАНСУРОВА, ф.ф.б. ф.д. (PhD), катта ўқитувчи
(Навоий давлат университети)

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА РАҚАМЛИ СИЁСАТ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВГА ТАЪСИРИ

XXI асрда давлат бошқаруви тизимлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – жамият ҳаётининг барча жабҳаларини рақамлаштириш, бошқарувни тезкор, шаффоф ва самарали қилишдир. Рақамли сиёсат нафақат технологик янгиланишни, балки бошқарув маданиятининг бутунлай янги моделга ўтишини англатади.

Президент Ш.М.Мирзиёев ўз асарларида давлатнинг замонавий тараққиёти «рақамли трансформация жараёнларига мослашиш билан бевосита боғлиқ» эканини, рақамли технологияларсиз «*ривожланган, очиқ ва халқчил давлатни тасаввур қилиб бўлмаслигини*»¹ алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам рақамли сиёсат бугунги кунда давлат ислохотларининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланган.

Рақамли сиёсат – давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон бошқарувни яратиш ва маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилишга йўналтирилган давлат стратегиясидир.

У қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- электрон ҳукумат (e-gov);
- рақамли хизматлар;
- сунъий интеллект асосида бошқарув;
- катта маълумотлар (Big Data) таҳлили;
- киберхавфсизлик тизими;

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 480 б.

■ рақамли инфратузилма (интернет, платформалар, булут технологиялари)¹.

Рақамли сиёсатнинг шаклланиш босқичлари илмий-назарий ёндашувлар асосида тартибланган ҳолда келтирилади. Бу босқичлар кўплаб давлатлар тажрибаси ва рақамли трансформация жараёнлари таҳлиliga асосланади.

Рақамли сиёсат одатда уч босқичда шаклланади:

1. Технологик тайёргарлик – инфратузилма яратиш, қонунчиликни такомиллаштириш. Рақамли сиёсатни шакллантиришнинг энг асосий бошланғич босқичи – бу давлатнинг технологик тайёргарлигини таъминлашдир. Ушбу босқич икки асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: техник-инфратузилмавий база яратиш ва норматив-ҳуқуқий мувофиқлаштириш. Бу эса давлат ахборот тизимларининг киберҳужумларга қарши ҳимоясини тартибга солиш, интернетдаги юридик жавобгарликни белгилаш, ягона киберхавфсизлик стандартларини яратиш.

2. Электрон хизматлар жорий этилиши – давлат хизматларини рақамлаштириш. Рақамли сиёсатнинг энг муҳим босқичларидан бири – бу давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларни электрон шаклга ўтказишдир. Бу жараён давлат бошқарувини модернизация қилиш, бюрократияни қисқартириш, фуқароларга қулайлик яратиш ҳамда бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

3. Маълумотларга асосланган бошқарув – барча тизимлар интеграцияси, сунъий интеллект асосида таҳлилий бошқарув. Рақамли сиёсатнинг энг стратегик босқичларидан бири – бу маълумотлардан самарали фойдаланишга асосланган бошқарувни шакллантиришдир. Бунда давлат қарорлар қабул қилишни инсон сезгиси ёки субъектив фикрлар эмас, балки катта маълумотлар, таҳлилий моделлар ва сунъий интеллект орқали шакллантиради. Ушбу босқич давлат бошқарувининг сифат жиҳатидан янги даражасини яратади².

Рақамли технологиялар фуқаролар ва давлат ўртасида тезкор, очиқ ва икки томонлама мулоқот тизимини яратади. Бунда мурожаат ва шикоятлар электрон шаклда юборилади, натижада фуқаролар мурожаатлари тезроқ кўриб чиқилади, ижтимоий тармоқлар, давлат порталлари ва мобил иловалар орқали аҳоли ўз фикрини эркин билдириб, муаммоларга дарҳол эътибор қаратилиши таъминланади ва аҳоли давлат сиёсати шаклланишида фаолроқ иштирок эта бошлайди.

Бу жараён ижтимоий бошқарувнинг демократлашишига олиб келади. Ижтимоий хизматларнинг сифат жиҳатдан яхшиланиши рақамли сиёсат, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларда туб ўзгаришларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни. 2015-йил 9-декабрь, ЎРҚ-395-сон.

² Ходжайев. Б. Ўзбекистон давлат бошқарувида рақамлаштириш жараёнлари. – Тошкент: Тошкент давлат иқтисодийёт университети илмий журнаli, 2021. – Б. 45-53.

юзага келтиради. Масалан: соғлиқни сақлашда электрон тиббий карта, онлайн навбат, телемедицина хизматлари. Таълимда масофавий ўқиш, онлайн платформалар, рақамли баҳолаш тизимлари. Ижтимоий ҳимояда «ягона реестр»лар орқали моддий ёрдамнинг аниқ манзилли етказилиши. Бу эса аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини оширади ва ижтимоий бошқарув самарадорлигини кучайтиради.

Ушбу жараёнда яна бир муҳим қадам коррупциянинг камайиши ва бюрократиянинг қисқариши бўлиб, унда рақамлаштирилган бошқарув тизимида инсон омили камаяди, натижада коррупция хавфи пасаяди ва бу қуйидаги натижаларга олиб келади:

Электрон навбат ва электрон ҳужжат алмашинуви ортиқча қоғозбозликни йўқ қилади. Давлат хизматларини олишда мансабдор билан бевосита алоқа минималлаштирилади.

Автоматлаштирилган тизимлар орқали қарорлар аниқлик ва тезлик билан қабул қилинади. Бу жараён ижтимоий бошқарув тизимини адолатли, шаффоф ва самарали қилади¹.

Фуқароларнинг рақамли фаоллиги ва иштирокининг ортиши натижасида рақамли сиёсат фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда иштирокини оширади. Рақамли сиёсатнинг энг муҳим натижаларидан бири – бу фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини сезиларли даражада кенгайтириши ва уларни давлат бошқарувида фаол субъектга айлантиришидир. Рақамли технологиялар орқали фуқаролар сиёсий ва ижтимоий қарорлар қабул қилиш жараёнларига нисбатан кўпроқ жалб қилинади, уларнинг фикри, эҳтиёжлари ва таклифлари давлат сиёсатига тезкор акс эттирилади.

Рақамли сиёсат – ижтимоий бошқарувни тубдан ўзгартираётган муҳим омил бўлиб, унинг таъсири қуйидагича умумлаштирилади: «Рақамли сиёсатнинг ижтимоий бошқарувга энг муҳим таъсири – фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда иштирокининг ортиши, жамоатчилик назоратининг кучайиши ва жамиятда фаол фуқаролик позициясининг шаклланишидир». Электрон мурожаатлар, очиқ маълумотлар платформалари ва онлайн мулоқот воситалари фуқароларнинг давлат сиёсатига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бирга, рақамли трансформация жараёнлари киберхавфсизликни таъминлаш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли тенгликни яратиш каби масъулиятли вазифаларни ҳам долзарб қилиб қўяди. Демак, рақамли сиёсатни самарали амалга ошириш учун технологик, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлар биргаликда ривожлантирилиши зарур.

¹ Муминов А. Электрон ҳукумат технологияларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлиги. «Ижтимоий фанлар» журналы, №2, 2022. – Б. 60-68.

Умуман олганда, рақамли сиёсат давлат бошқарувининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишини таъминлаб, фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи, очиқ ва инновацион бошқарув тизимини шакллантиришга хизмат қилади. Рақамли бошқарувнинг изчил ривожидан давлат ва жамият ўртасидаги ишончли мустақамлайдиган ҳамда барқарор ижтимоий тараққиёт учун муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Бекзод САХАТОВ, мустақил тадқиқотчи
(Навоий вилоят Ички ишлар бошқармаси
ТКХ КИТЕБ ходими)

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА РАҚАМЛИ ХАВФСИЗЛИК: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ МОДЕЛИ

Глобаллашув ва рақамли трансформация жараёнларининг жадаллашуви давлат бошқаруви, иқтисодиёт, хавфсизлик ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига чуқур таъсир кўрсатмоқда.

Ахборотлаштирилган жамият – бу ахборот ресурслари етакчи иқтисодий омилга айланган, рақамли технологиялар кундалик ҳаётнинг асосий воситасига айланган ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Ушбу жараён давлат сиёсатида янги ёндашувларни, айниқса рақамли хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг модернизациясини талаб этмоқда. Ахборот технологияларининг тез суръатларда ривожланиши жамият ҳаётида янги қулайликлар яратгани каби, турли хавф-хатарлар - кибержиноятлар, ахборот манипуляцияси, шахсий маълумотларнинг тарқалиши каби таҳдидларни ҳам юзага келтирмоқда.

Шу боис, бугунги кунда ички ишлар органлари фақатгина жисмоний хавфсизликни эмас, балки рақамли хавфсизликни таъминловчи муҳим тизим сифатида шаклланимоқда. Бу эса, бошқарувнинг янги модели – ахборотлашган жамиятдан рақамли хавфсизлик тизимига ўтиш заруратини туғдиради.

Ахборотлашган жамиятдан рақамли жамият сари ўтиш жараёни XXI аср бошларида ахборотлашган жамият тушунчаси жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларида ахборотнинг ҳал қилувчи роль ўйнаши билан изоҳланади¹. Аммо бугунги даврда бу босқич ўзгариб, жамият рақамли фазога тўлиқ кириб келди. Рақамли жамиятда маълумотлар реал вақт режимида қайта ишланади; қарорлар сунъий интеллект, «Big Data», булутли тизимлар

¹ Каримов А. Ахборот хавфсизлиги ва рақамли маданият асослари. – Тошкент, 2022. –Б. 45-52.

асосида қабул қилинади, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар онлайн платформалар орқали амалга ошади¹.

Ички ишлар органлари бу жараённинг энг фаол иштирокчиси сифатида янги рақамли ечимларни жорий этмоқда. Масалан, **«Рақамли полиция»** тизими, автоматлаштирилган назорат пунктлари, маълумотлар интеграцияси ва жамоатчилик билан онлайн мулоқот платформалари шулар жумласидандир.

Ички ишлар органларида рақамли бошқарув моделининг шаклланиши. Мазкур модель қуйидаги асосий йўналишларда шаклланимоқда:

а) маълумотларга асосланган қарорлар тизими. Ҳар бир жиноят, ҳуқуқбузарлик ёки ҳодиса ҳақидаги маълумотлар электрон базаларда жамланади, улар сунъий интеллект орқали таҳлил қилинади. Натижада, профилактика ва тезкор чоралар аниқ, таҳлилий асосда белгиланади.

б) интеграциялашган ахборот тизимлари. Ички ишлар органлари фаолияти Адлия, солиқ, миграция, йўл ҳаракати хавфсизлиги, суд ва бошқа идоралар билан ягона маълумот алмашиш платформаларига уланмоқда. Бу эса инсон омилини камайтириб, ҳолислик ва шаффофликни таъминлайди.

с) электрон хизматлар ва фуқаролар билан очиқ мулоқот. Онлайн мурожаат тизимлари, мобил иловалар, «Е-полиция» платформалари фуқароларнинг ички ишлар органларига бўлган ишончини оширмоқда. Шу билан бирга, хизмат фаолиятида жамоатчилик назорати кучаймоқда.

д) киберхавфсизлик тизимининг мустаҳкамланиши. Рақамли даврда хавфсизлик тушунчаси фақат жисмоний ҳимоя билан чегараланмайди. Маълумотларни рухсатсиз киришдан ҳимоялаш, давлат сирларини сақлаш ва сохта ахборотларга қарши кураш ички ишлар органлари зиммасидаги янги масъулиятли йўналишдир².

Рақамли хавфсизлик тизимининг маънавий-ахлоқий ўлчови. Рақамли хавфсизликни фақат техник воситалар билан эмас, ходимларнинг маънавий етуклиги ва ахлоқий масъулияти билан ҳам боғлаш лозим. Чунки энг мукамал технология ҳам инсон омилини тўлиқ алмаштира олмайди.

Ички ишлар ходимларининг рақамли муҳитда қуйидаги маънавий тамойилларга амал қилиши зарур:

1. Ахборот махфийлиги ва ҳалоллик – хизмат маълумотларидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслик.

2. Ахборот этикаси – фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини ҳурмат қилиш.

3. Масъулият ва инсонпарварлик – технологиядан фойдаланишда инсон қадриятларини устувор қўйиш.

¹ UNESCO Report. Digital Society and Ethics in Public Security, 2021. – P. 22–28.

² Каримов А. Ахборот хавфсизлиги ва рақамли маданият асослари. – Тошкент, 2022. –Б. 88-93.

4. Рақамли саводхонлик ва маънавий иммунитет – сохта ахборот, киберпровокация ва манипуляцияларга қарши тура олиш қобилиятини шакллантириш.

Демак, рақамли хавфсизлик тизими бу – технологик имкониятлар билан инсоний қадриятлар уйғунлашган бошқарув модели демакдир.

Янги бошқарув моделининг афзалликлари ва муаммолари:

- ҳуқуқбузарликлар таҳлили тезлашади;
- тизимда инсон омили ва субъективлик камаяди;
- жамоатчилик ишончи ошади;
- бошқарув шаффофлиги таъминланади;
- профилактика ишлари аниқ маълумотларга асосланади.

Шу боис, янги бошқарув модели фақат технологияни эмас, балки инсон омилини, маънавиятни, бошқарув маданиятини ҳам ўз ичига олиши керак.

Яқин йилларда ички ишлар органларида қуйидаги йўналишлар ривожланиши кутилмоқда:

- сунъий интеллект асосидаги жиноятчиликни прогнозлаш тизимлари;
- биометрик идентификация ва «ақлли кузатув» технологиялари;
- маълумотларни ҳимояловчи миллий криптографик тизимлар;
- ходимларнинг доимий рақамли ва маънавий малакасини ошириш

дастурлари;

- жамиятда «рақамли ишонч» муҳитини мустаҳкамлаш.

Бу йўналишлар мамлакатимизда барқарор ва хавфсиз рақамли жамият қуриш йўлида ички ишлар тизимини стратегик ўринга олиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборотлашган жамиятдан рақамли хавфсизлик тизимига ўтиш – бу технологик жараён эмас, балки жамият тафаккуридаги янги босқичдир. Ички ишлар органлари бу ўзгаришларда асосий иштирокчи ва ҳимоячи сифатида намоён бўлади.

Ахборотлаштирилган жамият шароитида давлат сиёсати рақамли трансформация ва ахборот хавфсизлиги билан узвий боғлиқ. Рақамли макондаги таҳдидлар кеча-кундуз ортиб бораётганлиги сабабли, ички ишлар органларининг инновацион бошқарув модели давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланган. Сунъий интеллект, катта маълумотлар, ақлли мониторинг ва рақамли хизматлар асосидаги бошқарув тизими замон талабларига мос бўлган янги авлод ҳуқуқий муҳофаза механизмини шакллантиради.

Демак, рақамли хавфсизлик тизими – бу инсон, технология ва маънавият уйғунлигига асосланган бошқарув моделидир. Ички ишлар органлари ана шу уйғунликни таъминлаш орқали жамиятда ишонч, адолат ва хавфсизлик пойдеворини мустаҳкамлаб боради.

Шоҳижаҳон ТОШПЎЛОТОВ, с.ф.б. ф.д. (PhD), катта ўқитувчи
(Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси)

РАҚАМЛИ СИЁСИЙ ПРОГНОЗЛАШ: СИ, BIG DATA ВА ПРЕДИКТИВ МОДЕЛЛАР АСОСИДА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ОЛДИНДАН АЙТИШНИНГ ЯНГИ ПАРАДИГМАЛАРИ

Сиёсий прогнозлаш – бу жорий тенденциялар, тарихий маълумотлар ҳамда бошқа кўплаб омилларни ўрганишга асосланган ҳолда сиёсий жараёнлар ривожини таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб беришнинг мураккаб жараёнидир. Глобал беқарорлик, халқаро муносабатлардаги тез суръатларда кечаётган ўзгаришлар ҳамда давлатларнинг ички сиёсатидаги динамик жараёнлар шароитида прогнозлаш стратегик қарорлар қабул қилиш учун ҳам муҳим воситага айланмоқда. У давлат ташкилотлари, мустақил эксперт марказлари, тадқиқот институтлари томонидан хавфларни камайтириш ва келажақдаги содир бўлиши мумкин бўлган турли сценарийларга тайёргарлик кўриш мақсадида қўлланилади.

Замонавий сиёсий прогнозлаш услублари анъанавий ёндашувлар – тарихий ўхшашликларни таҳлил қилиш, экспертларнинг фикрлари каби методлар билан бир қаторда инновацион технологияларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, ҳозирда катта маълумотлар (big data) ва сунъий интеллектдан фойдаланиш сиёсий жараёнларни башорат қилишда тобора кенгайиб бормоқда. Машинавий ўрганиш алгоритмлари улкан ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, яширин қонуният ва тенденцияларни аниқлаш имконини бериб, прогнозларнинг аниқлигини сезиларли даражада оширади.

Бироқ технологиялар тараққиётига қарамай, сиёсий прогнозлаш ҳануз мураккаб жараён бўлиб қолмоқда. Прогноз тузишда иқтисодий шароитлар, ижтимоий кайфиятлар, маданий омиллар, ҳатто иқлим ўзгаришлари каби кўплаб жиҳатларни ҳисобга олиш талаб этилади. Шунингдек, инсон омили ҳам ниҳоятда муҳим: лидерларнинг субъектив (ноҳолис) қарорлари, кутилмаган инқирозлар ёки можаролар сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, СССРнинг парчаланиши ёки «Араб баҳори» каби воқеалар сиёсий ўзгаришларни олдиндан тўлиқ прогнозлашнинг қанчалик мураккаблигини яққол кўрсатади.

Шундай қилиб, сиёсий прогнозлаш нафақат илмий фаолият, балки тез ўзгариб турувчи шароитларга мослаша олишни, сиёсий жараёнларни чуқур англашни талаб қиладиган бетақдор санъат ҳамдир.

Сиёсий прогнозлаш методлари:

1. Аналитик ёндашув. Аналитик ёндашув сиёсий воқеаларни олдиндан айтиш мақсадида маълумотларни тизимли равишда йиғиш, қайта ишлаш ва талқин қилишга асосланади. Ушбу ёндашув сифат ва миқдорий

маълумотлардан фойдаланиб, мавжуд қонуният ва тенденцияларни аниқлашни назарда тутати.

1.1. Сифат таҳлили. Сифат таҳлили сиёсий матнлар, суҳбатлар, экспертларнинг фикрлари ва тарихий мисолларни ўрганишни ўз ичига олади. Масалан, сиёсий лидерларнинг нутқларини таҳлил қилиш орқали уларнинг риторикасидаги ўзгаришларни аниқлаш мумкин. Бу ўзгаришлар сиёсий қарашларнинг янгиланиши ёки стратегик йўналишлардаги силжишдан дарак бериши мумкин. Мисол: 2022 йилда бир қатор экспертлар G20 етакчиларининг нутқларини таҳлил қилиш орқали уларнинг COP27 иқлим саммитидаги позицияларини олдиндан прогноз қила олишган ёки бўлмаса, 1930 йилларда Уинстон Черчилл нутқларини таҳлил қилиш унинг нацистлар Германиясига нисбатан қатъий позициясини олдиндан прогноз қилиш имконини берганини кўриш мумкин¹.

1.2. Миқдорий таҳлил. Миқдорий методлар статистик таҳлил, моделлаштириш ва катта маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Масалан, сайловолди сўровномалари ва иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш сайлов натижаларини прогнозлаш имконини беради. АҚШда 2020 йилги президент сайловлари натижаларини прогнозлаш айнан сайлов сўровномалари, иқтисодий индикаторлар ва демографик тенденциялар маълумотларини қайта ишлашга асосланган эди.

Шунингдек, катта маълумотлардан фойдаланиш орқали 2024 йилда аналитиклар Лотин Америкасидаги норозилик кайфиятларини прогнозлаш учун ижтимоий тармоқларни машинавий ўрганиш алгоритмлари орқали таҳлил қилган.

2. Сценарий ёндашуви. Бу ёндашув жорий маълумотлар ва ноаниқлик омилларидан келиб чиқиб, воқеалар ривожининг бир нечта мумкин бўлган сценарийларини ишлаб чиқишни назарда тутати. Бу ёндашув айниқса юқори беқарорлик шароитида фойдали ҳисобланади.

2.1. Муҳим омилларни аниқлаш. Сценарий таҳлили сиёсий вазиятга таъсир қилиши мумкин бўлган асосий омилларни аниқлашдан бошланади. Масалан, 2023 йилда Украинадаги вазият бўйича прогнозларда ҳарбий ҳаракатлар, халқаро ёрдам ва иқтисодий шароит каби омиллар ҳисобга олинган².

2.2. Сценарийларни ишлаб чиқиш. Бу босқичда зарурий омиллар аниқлангач, оптимистик, пессимистик ва базавий каби бир нечта сценарийлар ишлаб чиқилади. Мисол: 2025 йилда Африкадаги сиёсий вазиятни прогнозлашда иқлим ўзгаришларининг миграция жараёнларига ва сиёсий барқарорликка таъсири ҳисобга олинган ҳолда сценарийлар ишлаб чиқилган³.

¹ <https://www.foreignaffairs.com/articles/united-states/2020-10-13/better-crystal-ball>

² Европа Иттифоқининг кенгайиш сиёсати бўйича хабарномаси. Украина бўйича 2023-йилги ҳисобот https://enlargement.ec.europa.eu/system/files/2023-11/SWD_2023_699%20Ukraine%20report.pdf?utm_source=chatgpt.com

³ Африка қитъасида миграция ҳолати, эволюциялари ҳамда уларнинг сиёсий, ижтимоий ва хавфсизликка таъсири ҳақида 2025 прогнозлари https://africacenter.org/spotlight/migration-trends-2025/?utm_source=chatgpt.com

2.3. *Сценарийларнинг эҳтимоллигини баҳолаш.* Ҳар бир сценарий амалга ошиш эҳтимоли юқорилиги бўйича баҳоланади. Бунда экспертларнинг фикрлари ва статистик моделлардан фойдаланилади.

3. Математик моделлаштириш методлари. Математик моделлаштириш сиёсий прогнозлашда, айниқса мураккаб тизимларни таҳлил қилишда муҳим ўрин тутadi. Бу ёндашув формулалар, алгоритмлар ва симуляциялар ёрдамида сиёсий жараёнларни олдиндан айтишни ўз ичига олади.

3.1. *Нол йиғинди ўйини.* Ўйинлар назарияси сиёсий акторлар ўртасидаги ўзаро таъсирни моделлаштиришда қўлланади. Масалан, 2024 йилда АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо бўйича музокараларни моделлаштиришда ўйинлар назариясидан фойдаланилган¹.

4. Агентли моделлаштириш. Бу метод алоҳида агентлар (*масалан, сайловчилар ёки сиёсатчилар*) хулқи ва уларнинг ўзаро таъсирини моделлаштириш имконини беради. 2019 йилда Гонконгдаги норозилик ҳаракатларини прогнозлашда агентли моделлаштириш қўлланилган.

5. Эконометрик моделлардан фойдаланиш. Эконометрик моделлар иқтисодий ва сиёсий омиллар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш учун ишлатилади. Масалан, ишсизлик даражаси билан боғлиқ норозиликлар эҳтимоли ўртасидаги боғлиқликни аниқловчи модель 2023-йилда Яқин Шарқ мамлакатларидаги беқарорликни прогнозлашда қўлланилган².

6. Сунъий интеллект ва машинавий ўқитишдан фойдаланиш. Замонавий технологиялар, сунъий интеллект (СИ) ва машинавий ўрганиш сиёсий прогнозлаш имкониятларини сезиларли кенгайтirmoқда. Бу методлар улкан маълумотлар мажмуаларини таҳлил қилиш ва яширин қонуниятларни аниқлашга ёрдам беради.

6.1. *Ижтимоий тармоқларни таҳлил қилиш.* СИ Twitter, Facebook каби ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни таҳлил қилиб, жамоатчилик кайфиятини аниқлаш ва норозилик ҳаракатларини прогнозлаш имконини беради. Мисол: 2023 йилда СИ ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчилар орасида асосий сўзларнинг кўпайиши асосида Франциядаги оммавий норозиликларни олдиндан прогнозлашга ёрдам берган.

6.2. *Табиий тилни қайта ишлаш (NLP).* NLP янгиликлар, расмий ҳужжатлар ва баёлотларни таҳлил қилиш орқали сиёсий рИТорикадаги ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Масалан, 2024 йилда Судан бўйича БМТ баёлотларини таҳлил қилишда NLP технологияларидан фойдаланилган.

6.3. *Предиктив моделлар.* Машинавий ўрганиш сайлов натижалари ёки можаролар эҳтимолини прогнозлай оладиган моделлар яратишга имкон беради. Мисол учун, 2025 йилда Ҳиндистондаги сайловлар натижасини прогнозлаш учун предиктив моделлар қўлланилган³.

¹ https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=5155007

² Нефти ёки геосиёсий омилларми?: Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги сиёсий беқарорликни миқдорий қайта кўриб чиқиш. https://link.springer.com/article/10.1007/s10708-024-11045-2?utm_source

³ https://arxiv.org/abs/2405.07828?utm_source

7. Эксперт методлари. Эксперт методлари сиёсат, иқтисодиёт ва халқаро муносабатлар бўйича мутахассисларнинг билим ва тажрибасига асосланади. Ушбу методлар интервьюлар, фокус-гурuhlар ва экспертлар панели орқали амалга оширилади.

7.1. Делфи методи. Бу метод бир нечта босқичларда олиб борилади, хусусан экспертлар орасида сўровномалар ўтказиш ва уларнинг якуний фикрларидан консенсусга келишни назарда тутди. 2018-2019 йилларда Буюк Британиянинг ЕИдан чиқиши оқибатларини прогнозлашда Делфи методидан фойдаланилган. Тадқиқотчилар логистика, савдо ва ишлаб чиқариш бўйича экспертлар фикрини бир неча босқичда йиғиб, умумий консенсусга келишган. Экспертлар БРЕХИТдан кейин божхона тўсиқлари, транспорт ва бошқа харажатларнинг ортиши мумкинлигини прогноз қилган. Натижаларга кўра, кўплаб компаниялар ишлаб чиқаришни Буюк Британиядан Европа Иттифоқи ҳудудига кўчириш эҳтимоли юқори деб баҳоланган. Шундай қилиб, Делфи методи БРЕХИТнинг иқтисодий ва логистика таъсирини ноаниқ вазиятда илмий асосда олдиндан баҳолашга ёрдам берган¹.

7.2. Фокус-гурuhlар. Фокус-гурuhlар жамоатчилик кайфияти ва фикрларини чуқур тушуниш имконини беради. Мисол: 2023 йилда Францияда пенсия тизимидаги ўзгаришларга сайловчиларнинг муносабатини таҳлил қилиш учун фокус-гурuhlардан қўлланилган.

7.3. Экспертлар панеллари. Экспертлар панеллари мураккаб масалаларни муҳокама қилиш ва таҳлил этиш учун турли соҳалардан мутахассисларни бир жойга тўплайди. 2025 йилда экспертлар гуруҳи халқаро хавфсизликка СИНинг таъсирини муҳокама қилган.

8. Тарихий аналогиялар асосидаги прогнозлаш. Тарихий аналогияларни қўллаш жорий воқеалар ва тарихдаги прецеденциялар (*тарихда йўл кўрсатувчи, намуна бўлиб қолган ҳолатлар*) ўртасида ўхшашликларни аниқлаш имконини беради. Бу метод воқеалар ривожининг мумкин бўлган сценарийларини олдиндан кўришга ёрдам беради.

8.1. Аналогияларни аниқлаш. Аналитиклар жорий ва ўтган воқеалар ўртасидаги ўхшашликларни излайдилар. Масалан, 1962 йилги Кариб инқироzi замонавий ядровий инқиروزларни таҳлил қилишда тез-тез аналогия сифатида қўлланилади.

8.2. Фарқларни таҳлил қилиш. Прогнозлашда хатоларга йўл қўймаслик учун тарихий ва жорий воқеалар ўртасидаги фарқларни инобатга олиш жуда муҳим. Масалан, Сурия можаросини таҳлил қилишда Ироқ урушидаги фарқли жиҳатлар, халқаро акторларнинг роли ва аҳоли этник таркиби ҳисобга олинган.

8.3. Аналогиялар асосида прогнозлаш. Тарихий аналогиялар сиёсий қарорларнинг мумкин бўлган оқибатларини прогнозлашда ёрдам беради. Бу усулдан 2010 йиллардаги Эрон иқтисодий санкциялари оқибатларини таҳлил

¹ <https://dspace.lib.cranfield.ac.uk/server/api/core/bitstreams/dd792a66-3ac5-4ce7-9864-83343bc648dc/content>

қилиш ҳамда 2022 йилда Россияга қаратилган санкцияларнинг таъсирини прогнозлашда қўлланилган.

Сиёсий прогнозлар аниқлигига таъсир қилувчи омиллар:

Маълумотларнинг мавжудлиги ва сифати. Сиёсий прогнозлашнинг аниқлиги таҳлилда ишлатиладиган маълумотларнинг мавжудлиги ва сифатига кучли боғлиқ. Бунинг учун статистик маълумотлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари, иқтисодий кўрсаткичлар ва тарихий маълумотлар зарур. Аммо маълумотларнинг ишончсизлиги ёки бузиб кўрсатилиши прогнозлар аниқлигини сезиларли пасайтириши мумкин.

Маълумотларнинг ишончлилиги билан боғлиқ муаммолар. Масалан, авторитар режимларда расмий статистиканинг кўпинча манипуляция қилиниши объектив таҳлилни қийинлаштиради. 2023 йилда **Transparency International** (*Халқаро шаффоф коррупцияга қарши ташкилот*) демократия даражаси паст бўлган давлатларнинг 68 фоизиди статистик маълумотлар бузиб кўрсатилганини қайд этган¹. Шунингдек, 2020 йилда Венесуэла сиёсий вазиятини прогнозлашда ишончли иқтисодий статистик маълумотларнинг йўқлиги сабабли таҳлилчилар Мадуро режимининг барқарорлашиши эҳтимолини нотўғри баҳолашган.

Ноаниқлик омилларини ҳисобга олиш. Сиёсий муҳит кўпинча ички ва ташқи омиллар таъсирида юқори ноаниқлик билан характерланади. Ушбу ноаниқликларни ҳисобга олиш прогнознинг тўғри бўлиши учун жуда муҳим. Пандемиялар, табиий офатлар ёки тўсатдан юзага келган сиёсий инқирозлар сиёсий жараёнлар динамикасини буткул ўзгартириши мумкин. Масалан, 2019 йилда COVID-19 пандемияси АҚШдаги сайловларга катта таъсир кўрсатиб, почта орқали овоз беришнинг аҳамиятини оширган ва номзодларнинг сайловолди компаниялари стратегияларини ўзгартирган. Бундан ташқари, 2022 йилда Европадаги энергетика инқирозининг сиёсий барқарорликка таъсири таҳлилчилар томонидан тўлиқ баҳоланмай, Германия ва Италиядаги ҳукмрон коалицияларнинг беқарорлиги нотўғри прогноз қилинган.

Инсон омилининг роли. Инсон омили, жумладан, эксперт ва аналитикларнинг субъективлиги прогнозларнинг аниқлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Замонавий технологиялар мавжудлигига қарамай, субъектив қарашлар натижаларни бузиши мумкин.

Когнитив хатоликлар. Тасдиқловчи оғиш (confirmation bias) аналитикларни ўз гипотезаларини тасдиқловчи маълумотларни танлашга, қарама-қарши маълумотларни эса инкор этишга ундаши мумкин. 2016 йилда кўплаб аналитиклар Ҳиллари Клинтоннинг ғалабасини кутиб, Доналд Трампнинг сайловлардаги муваффақият эҳтимолини паст баҳолашган. Ёки 2024 йилда Туркиядаги сайлов натижаларини прогнозлашда таҳлилчилар шаҳардаги зиёлилар таъсирини ортиқча баҳолаб, Эрдоғаннинг қишлоқ ҳудудларидаги кенг оммавий қўлловини етарлича эътиборга олишмаган.

¹ Халқаро шаффофлик (коррупцияга қарши ташкилот) ташкилот ҳисоботи. <https://www.transparency.org/en/news/how-transparency-international-fought-corruption-in-2024>

Технологик чекловлар. Сунъий интеллект ва машинавий ўрганиш каби замонавий технологиялардан фаол фойдаланилаётган бўлса-да, сиёсий прогнозлашда уларнинг қўлланиши маълум чекловларга эга. Технологиялар ишлатиладиган маълумотлар сифати ва алгоритмларга боғлиқ, шунингдек, аналитикларнинг натижаларни тўғри интерпретация (талқин) қилиш қобилиятига ҳам таянади.

Алгоритмлардаги чекловлари. Масалан, машинавий ўрганиш алгоритмлари агар тарафкаш (холис бўлмаган) маълумотларда ўқитилса, хатоларга мойил бўлиши мумкин. 2025 йилда Ҳиндистондаги сайловларни башорат қилиш жараёнида сунъий интеллект алгоритмлари минтақавий партиялар таъсирини етарлича баҳоламаган, бу эса коалицион ҳукумат тузилиш эҳтимоли бўйича нотўғри хулосаларга олиб келган.

Халқаро омилларнинг таъсири. Бир мамлакатдаги сиёсий жараёнлар кўпинча халқаро вазиятга иқтисодий санкциялар, ҳарбий можаролар ва глобал тенденцияларга боғлиқ бўлади. Бу омилларни етарлича инобатга олмаслик жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

Иқтисодий санкциялар. 2022 йилда таҳлилчилар Россияга қарши санкцияларнинг мамлакат ички сиёсий барқарорлигига таъсирини етарлича баҳолай олишмаган, натижада эҳтимолий норозиликлар бўйича нотўғри прогнозлар берилган.

Глобал тенденциялар. Иқлим ўзгариши ва миграция инқирозлари ҳам муҳим роль ўйнайди. 2023 йилда Европа Комиссияси маърузаси бўйича ЕИ мамлакатларининг 78 фоизда Африкадан ва Яқин Шарқдан келаётган мигрантлар сонининг ошиши сиёсий тарангликнинг кучайишига сабаб бўлган.

Сиёсий жараёнларни таҳлил қилишда катта маълумотлардан фойдаланиш. Замонавий сиёсий башоратлаш сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланишини олдиндан билиш учун катта маълумотлар (Big Data)дан фаол фойдаланади. Анъанавий усуллардан фарқли ўлароқ, катта маълумотлар таҳлили демографик маълумотлар, оммавий сўровлар натижалари, хулқ-атвор(бихевиористик) моделларини ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни ўз ичига олган улкан маълумотлар тўпламини ҳисобга олиш имконини беради.

2024 йилда Оксфорд университети томонидан ўтказилган тадқиқот катта маълумотлардан фойдаланиш, Бразилиядаги сайлов натижаларини 89 фоиз аниқлик билан башорат қилишга ёрдам берганини кўрсатди. Башорат сайловчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги асосида амалга оширилган.

Геосиёсий башоратлаш ва халқаро муносабатларни таҳлил қилиш. Халқаро муносабатлар соҳасида прогнозлаш иқтисодий санкциялар, ҳарбий можаролар, глобал иттифоқлар ва иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу ёндашув ташқи сиёсатда фаол бўлган АҚШ, Хитой ва Россия каби давлатлар учун айниқса муҳимдир. 2023 йилда Европа Ташқи алоқалар бўйича кенгаши (ECFR) таҳлилчилари Россияга қарши санкцияларнинг Европа Иттифоқи иқтисодиётига таъсирини баҳолаш учун

геосиёсий башоратлашдан фойдаланган. Башоратлар қисқа муддатда энергия нархлари ошишини кўрсатган ва бу 2024 йилда тасдиқланган.

Норозилик ҳаракатлари ва ижтимоий тўлқинларни башорат қилиш. Ижтимоий тўлқинлар ва норозилик ҳаракатларини таҳлил қилиш сиёсий башоратлашнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу усул ижтимоий тармоқлар, иқтисодий кўрсаткичлар ва сиёсий риторикани таҳлил қилиш орқали потенциал беқарорлик ўчоқларини аниқлашга ёрдам беради. 2025 йилда таҳлилчилар Twitter ва Facebook маълумотларидан фойдаланиб Аргентинадаги иқтисодий инқироз сабаб норозиликлар бошланишини башорат қилишган. Таҳлил натижаларига кўра, протест фаоллигининг асосий индикаторлари ижтимоий тармоқларда «инфляция» ва «коррупция» каби сўзларнинг кўпайиши бўлган.

Сиёсий барқарорликни прогнозлаш. Сиёсий барқарорликни башорат қилиш ҳукуматга бўлган ишонч даражаси, иқтисодий вазият, ишсизлик даражаси ва коррупция каби омилларни ҳам таҳлил қилишни ўз ичига олади. Бу ёндашув ҳокимиятлар алмашинуви ёки сиёсий инқироз эҳтимолини баҳолашга ёрдам беради.

2024 йилда Жаҳон банки Африкадаги мамлакатларнинг сиёсий барқарорлигини баҳолаш учун махсус модель ишлаб чиқди. Ушбу модель коррупция даражаси 10 фоизга камайтирилса, сиёсий барқарорлик эҳтимоли 15 фоизга ошишини кўрсатди.

Сайловларни прогноз қилишда технологияларнинг роли. Сайлов натижаларини башорат қилиш сиёсий таҳлилнинг энг талаб юқори бўлган йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Замонавий технологиялар – машинавий ўрганиш, Big Data ёки катта маълумотлар таҳлили ва табиий тилни қайта ишлаш – овоз бериш натижаларини юқори аниқлик билан олдиндан айтиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий прогнозлаш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, у аналитик, сценарийли, математик моделлаштириш, сунъий интеллектдан фойдаланиш, эксперт баҳолаш ва тарихий аналогиялар каби турли методларга таянади. Ҳар бир методнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари мавжуд бўлгани сабабли, уларни биргаликда қўллаш энг самарали натижаларни беради. Масалан, аналитик ёндашув сифат ва миқдорий маълумотларга асосланиб қонуниятларни аниқлашга имкон берса, сценарийли таҳлил ноаниқликни ҳисобга олиб, воқеалар ривожининг турли вариантларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Сунъий интеллект ва машинавий ўрганиш эса, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва яширин тенденцияларни аниқлаш имконини кенгайтиради. Айниқса, бу бу протест ҳаракатларини ёки сайлов натижаларини прогноз қилишда яққол намоён бўлган.

Прогнозларнинг аниқлигига таъсир қилувчи асосий омиллар – маълумотларнинг мавжудлиги ва сифати, ноаниқлик омилларини ҳисобга олиш, халқаро вазият ва инсон омили бўлиб қолмоқда. Масалан, ишончли маълумотларнинг этишмаслиги, айниқса авторитар тузумларга хос ҳолатларда ёки аналитикларнинг когНИТИв хатолари башоратлар аниқлигини

сезиларли даражада пасайтириши мумкин. Бундан ташқари, пандемия ёки энергетика инқирозлари каби кутилмаган ҳодисалар сиёсий манзарани тубдан ўзгартириб юбориши мумкин, бу эса прогноزلаш жараёнида мослашувчанликни талаб қилади.

Келажакда табиий тилни қайта ишлаш (NLP) ва предиктив моделлар каби технологияларнинг ривожланиши, шунингдек, фанлараро ёндашувларнинг интеграцияси сиёсий прогноزلарнинг аниқлиги ва ишончилигини ошириши мумкин. Бироқ бунинг учун маълумотлар сифатини яхшилаш, ҳолисликни таъминлаш ва глобал омилларни ҳисобга олиш ўта муҳим. Сиёсий прогноزلаш нафақат таҳлил воситаси, балки тобора мураккаблашиб бораётган ва ноаниқлик кучайиб бораётган глобал сиёсатда стратегик қарорлар қабул қилиш учун зарур механизмдир.

Тохир САФАРОВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ УРУШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахборот уруши белгилари ҳали антик даврлардаёқ кузатилган ва коммуникациялар ривожланиши билан унинг инсоният цивилизациясига таъсири ҳам ортиб борган. Бугун Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг қўлланиши, шунингдек киберурушнинг ахборот урушининг алоҳида тури сифатида пайдо бўлиши билан давлатнинг ахборот макони ва киберфазодаги хавфсизлиги масаласи янада кескинлашмоқда. Махсус ҳарбий операция бошланиши билан Россия мислсиз қўламдаги ахборот бостириб киришига дуч келди, бу жараёнда Ғарб катта ресурсларни сафарбар қилди. Жумладан, юз миллионлаб аудиторияга эга йирик интернет-компаниялар ҳам қарама-қаршиликка жалб этилди¹.

XXI асрда ҳарбий ғалаба энди фақат танклар сони ёки ракеталар аниқлиги билан белгиланмайди. Замонавий урушнинг ҳал қилувчи майдони – инсон онги. Россия Бош штаби бошлиғи Валерий Герасимов 2013 йилда айтганидек: *«Уруш ва тинчлик чегараси хиралашди. Ғарбнинг қудрати энди ҳарбий куч эмас, балки ахборот орқали жамиятни бошқариш қобилиятидир»*².

Бугунги кунда **ахборот уруши** – бу давлатлар, нодавлат акторлар ва трансмиллий корпорациялар ўртасидаги доимий, яширин ва глобал можаро бўлиб, унда асосий қурол – маълумотнинг ўзи. У анъанавий қуролсиз ҳам давлатни ичкаридан емириши, жамиятни бўлинишига олиб келиши ва миллионлаб одамларнинг идрокини ўзгартириши мумкин.

¹ <http://council.gov.ru/services/discussions/blogs/136503>

² Gerasimov V. «The Value of Science in Prediction» // Military Review, 2013.

Бугунги кунда янги оммавий коммуникация воситалари дунёни кўринмас ришталар билан боғлади ва афсуски, бу дунё ахборот урушларидан холи эмас. «Ахборот уруши» термини замонавий тараққиёт босқичида долзарб ва муҳим бўлиб, уни аниқ тушунмасдан мамлакат ва дунё сиёсий ҳаётида кечаётган жараёнларни англаб бўлмайди. Ахборот урушлари ҳам бутун инсониятга, ҳам алоҳида шахсга таҳдид солиши мумкин.

Информацион технологиялар ёрдамида ҳарбий ва бошқа турдаги можароларни юритиш тактикаси ўзгарди. Маълумот ва дезинформация кимнинг қўлида бўлиши ҳамда қандай мақсадда қўлланишига қараб хавфли қуролга айланади. Маълумот орқали инсон онгига таъсир ўтказишга бўлган уринишларни **Н.Макиавелли** («*Хукмдор*») ёки **Сун Цзи** («*Уруш санъати*») асарларида ҳам кузатиш мумкин. Ҳар қандай даврда сифатли ахборотни тўплаш ва душманни чалғИТИш қобилияти юқори қадрланган.

Ўз тараққиётининг дастлабки босқичларида информацион уруш ҳудудларни эгаллашга қаратилган қуролли можароларнинг қўшимча қисми бўлган. Ҳозир эса, информацион уруш кўпинча «иссиқ» қарама-қаршиликдан ажралган ҳолда, мустақил ва етакчи позицияни эгаллайди¹.

Олимлар Я.С.Шатило ва В.Н.Черкассовнинг фикрича, «*Илк ахборот урушлари сифатида мифлар қаралади, чунки ҳар бир босқинчининг қўшинлари уларнинг шафқатсизлиги ҳақидаги ривоятларни тарқатган, бу эса рақибнинг маънавий руҳини сезиларли даражада пасайтирган*»².

«Ахборот уруши» атамаси биринчи марта 1976 йилда америкалик мутахассис Томас Рона томонидан илмий муомалага киритилган. Аммо И.Н.Панарин фикрича, «ахборот уруши» атамаси илк бор 1967 йилда А.Даллеснинг «Яширин капитуляция» китобида қўлланган. Кейинчалик бу термин матбуотда ҳам кенг тарқалди. Бироқ, энг кенг тарқалган таърифлар куйидагилар:

- АҚШ доктринасига кўра, ахборотдан фойдаланган ҳолда рақибнинг қарор қабул қилиш жараёнини бузиш ва ўз қарорларини ҳимоя қилиш.

- Россия доктринасига кўра, ахборот-техник ва ахборот-психологик таъсир воситаларидан фойдаланган ҳолда рақибнинг жамиятини беқарорлаштириш, ҳарбий куч ишлатмасдан сиёсий мақсадларга эришишдир³.

- Хитой концепциясига кўра, ҳарбий ва нодавлат воситалар чегарасини йўқ қилиш, иқтисодий, маданий, психологик ва кибер босимни бирлаштиришдир.

- РАНД корпорацияси талқинига кўра эса, стратегик ахборот уруши – АҚШ ҳудудидаги муҳим инфратузилмани ҳам жанг майдонига айлантирадиган янги турдаги можаро ҳисобланади⁴.

Энг аниқ ва замонавий таърифни 2022 йилги Congressional Research Service ҳисобот беради: «Ахборот уруши – бу рақибнинг ахборот тизимларига

¹ <https://www.anti-malware.ru/threats/information-war>

² Rona T. Weapon Systems and Information War, 1976.

³ Россия Федерацияси Ҳарбий доктринаси, 2014.

⁴ Arquilla J., Ronfeldt D. The Emergence of Noopolitik, RAND, 1999.

ва инсон идрокига таъсир ўтказиш орқали стратегик устунликка эришишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир»¹.

Ахборот уруши кўпинча информацион технологиялар инқилоби билан боғлиқ ҳолда кўрилади. Бу жараён давлатларнинг ҳарбий стратегияларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ахборот тизимлари мустаҳкам ҳимоя қилинмаса, давлатнинг стратегик барқарорлиги хавф остида қолади.

Ахборот урушининг «жанг майдони» доимо кенгайиб бормоқда. Шу боис тадқиқотларда «ахборот стратегиялари» тушунчаси ҳам қўлланади. Бу ахборот ва ахборот технологияларини миллий қудрат воситаси сифатида қўллашни англатади. Баъзан ахборот уруши тушунчаси компьютерлар ва тармоқлар ўртасидаги мураккаб ўзаро таъсирнинг метафорик, ҳатто эзотерик талқинига эга бўлиши ҳам мумкин. Г.Штайннинг фикрича, ахборот ҳужумлари «кузатиш - ориентация - қарор қабул қилиш» циклини бузишга қаратилган.

Ахборот урушининг асосий шакллари:

1. Қўмондонлик ва бошқарув уруши – рақибнинг бошқарув тизимини фалаж қилиш (масалан, Украинадаги рус алоқа тизимларининг издан чиқарилиши).

2. Разведкага асосланган уруш – ECHELON, PRISM каби глобал кузатув тизимлари.

3. Электрон уруш – электромагНИТ спектрни назорат қилиш (Россиянинг Украинадаги GPS jamming).

4. Психологик уруш – энг муҳим ва энг хавфли шакл. Мақсад – рақиб жамиятининг мафкуравий-иммун тизимини йўқ қилиш.

5. Хакерлик уруши – шахсий ва корпоратив даража.

6. Иқтисодий ахборот уруши – санкциялар, патент ўғирлаш, молиявий бозорларнинг манипуляцияси.

7. Киберуруш – танкидий инфратузилмага ҳужум.

Замонавий дунёда миллий ресурслар ва ахборот алмашинувининг махфийлигини ҳимоя қилиш зарурати ортиб бормоқда. Акс ҳолда бу маълумотлар давлатлар ўртасида сиёсий ёки иқтисодий тўқнашувларга сабаб бўлиши, ҳатто халқаро муносабатлар коллапсига олиб келиши мумкин.

Кўплаб давлат бошқарув тизимлари ахборотга қарам бўлиб қолди. Компьютер тизимлари ёки телекоммуникациялардаги кичик носозлик энергетика ва молия тизимларига катта зарар етказиши мумкин. Шахсий ва махфий маълумотларни сақлаб қолиш тобора қийинлашиб бормоқда, чунки ахборот ҳажми мунтазам ошиб бормоқда. Ҳеч ким маълумотларнинг тўлиқ сақланишига кафолат бера олмайди.

Саноат жосуслиги ва разведка операцияларида замонавий рақамли технологиялар патентланган маълумотларни ўғирлаш ёки рақиб ҳақида маълумот тўплаш учун кенг қўлланмоқда.

Интернетнинг анонимли, кўп йўналишли, тезкор ва мультимедиа имкониятлари уни ахборот урушларининг асосий воситасига айлантиради. Э.Касперский «Интернетнинг 1 фоиз компьютерлари зомби-тармоқларга

¹ Congressional Research Service. Information Warfare: Issues for Congress, 2022.

айланса, бутун алоқа, электр, молия тизимлари издан чиқарилиши мумкинлигини»¹ таъкидлайди.

Интернетда ахборот компаниялари кўпинча ОАВдаги ахборот курашидан ҳам каттароқ миқёсга эга. Фойдаланувчилар кўп вақтини интернетда ўтказгани учун бу майдон ахборот урушининг марказига айланган.

Шундай қилиб, улкан афзалликларга эга бўлган ахборот технологиялари миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган хавфларни ҳам юзага келтиради. Ахборот макони тобора заифлашиб бормоқда, шу сабабдан «ахборот уруши» феномени янада кескинлашди. Ахборот уруши халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатида алоҳида ҳодиса сифатида телекоммуникация тизимлари, айниқса Интернетнинг ривожланиши билан муҳим аҳамият касб этди.

РАНД корпорациясининг 1995 йилги машҳур машғулотлари ахборот урушининг етти асосий белгисини аниқлаган эди. Кейинги 30 йил давомида улар янада кескинлашди:

1. Кириш нархининг пастлиги – 2025 йилда Chat GPT, Midjourney каби сунъий интеллект воситалари билан ҳар бир шахс давлат даражасидаги дезинформация компаниясини юРИТа олади.

2. Чегараларнинг йўқлиги – жанг АҚШ, Россия ёки Индонезия ҳудудида эмас, глобал ахборот маконида кетмоқда.

3. Перцепцияни бошқаришнинг кенгайиши – «ҳақиқатдан кейинги дунё» (post-truth) даври.

4. Стратегик разведканинг заифлашуви – реал вақт режимидаги ахборот оқимини таҳлил қилишни қийинлаштирмоқда.

5. Ҳужумни аниқлашдаги қийинчиликлар – техник носозликми ёки ҳужумми, фарқи йўқ.

6. Коалиция куришнинг мураккаблашуви – НАТО иттифоқчиларининг ҳар хил ахборот хавфсизлиги даражаси заиф бўғинни яратмоқда.

7. Ўз ҳудудининг заифлиги – АҚШ, Европа ва Россияда ҳам танқидий инфратузилма хавф остида.

Бугунги кунда давлатлар энди фақат ҳарбий куч ёки иқтисодий босим орқали эмас, балки ахборот оқимини назорат қилиш, нарративлар яратиш ва жамоатчилик фикрини бошқариш орқали ҳам устунликка эришишга интилмоқда. Интернет, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши ахборотни стратегик қуролга айлантирди. Натижада, ахборот майдони давлатлараро рақобат, ички сиёсий кураш ва халқаро ҳуқуқни талқин қилишнинг асосий фронтига айланди.

Россия-Украина ахборот уруши. Россия Федерацияси 2014 йилдан бери Украинага қарши кенг кўламли ахборот операцияларини олиб бормоқда. Асосий мақсад эса, Украина суверенитетига шубҳа туғдириш ва ўз ҳаракатларини оқлаш ҳисобланади. Шунингдек, Қримдаги «референдум»нинг қонунийлигини глобал миқёсда тарғиб қилиш, Украина ҳукуматини «фашистлар ва нацистлар» деб тасвирлаш каби нарративлар Кремль

¹ Сидорина Т.В. Экономическая безопасность, учет и право, 2020.

назоратидаги оммавий ахборот воситалари ва тролл тармоқлари орқали тарқатилди. 2022 йилги тўлиқ босқиндан кейин «денацификация» ва «демилитаризация» атамалари халқаро майдонда фаол ҳимоя қилина бошлади. Ушбу компаниялар ички консолидацияни таъминлаш билан бирга, Ғарбий ҳамжамиятда Украинага бўлган қўллаб-қувватлашни заифлаштиришга қаратилган эди.

АҚШнинг ички ахборот уруши. Америка Қўшма Штатларида ички ахборот уруши жамиятни чуқур кутблантирди. 2016 йилги президентлик сайловига Россия аралашуви (*хакерлик ҳужумлари ва тролл операциялари*) орқали тарқатилган маълумотлар ички ишончсизликни кучайтирди. 2020 йилги сайловдан кейин «сайлов ўғирланди» нарративи Доналд Трамп тарафдорлари орасида кенг оммалашди. 2024 йилги сайлов жараёнида сунъий интеллект асосидаги deepfake видеолар (*Жо Байден ва Доналд Трампнинг сохта нутқлари*) пайдо бўлиб, сайловга ишончни янада пасайтирди. Ушбу ички ахборот уруши демократик институтлар ва жамият бирлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Хитойнинг «Уч уруш» доктринаси. Хитой Халқ Озодлик Армияси томонидан 2003 йилда эълон қилинган «Уч уруш» доктринаси (*жамоатчилик фикрини бошқариш, психологик уруш ва ҳуқуқий уруш*) кинетик бўлмаган усуллар билан стратегик мақсадларга эришишга қаратилган. Ҳуқуқий уруш Жанубий Хитой денгизидаги «тўққиз чизик» даъволарини халқаро трибунал қарорларига қарамай ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Психологик уруш Тайван аҳолисига «бир оила» ва «тинч бирлашув» нарративини сингдириш орқали амалга оширилади. Жамоатчилик фикрини бошқаришда TikTok каби платформалар алгоритмлари ёш авлод тафаккурига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида айбланмоқда. Ушбу доктрина Хитойнинг минтақавий ва глобал таъсирини кучайтиришда муҳим роль ўйнамоқда, лекин халқаро ҳуқуқ нормалари ва очиқ ахборот маконига хавф туғдирмоқда.

Замонавий ахборот уруши энди фақат оммавий ахборот воситалари билан чекланмайди – ижтимоий тармоқлар, сунъий интеллект ва рақамли платформалар асосий майдонга айланди. Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, ахборот майдонидаги ғалаба кўпинча анъанавий ҳарбий муваффақиятдан муҳимроқ натижа бериши мумкин. Давлатлар ва жамиятлар бу таҳдидларга қарши медиа саводхонлиги, факт-текширув механизмлари ва очиқ ахборот сиёсатини кучайтириш орқали тайёр бўлиши зарур.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ахборот урушига қарши курашда бир қатор ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Жумладан,

1. «Рақамли иммунитет»ни ривожлантириш. Мактаб ва университетларнинг ўқув дастурларига медиасаводхонлик ва танқидий фикрлаш курсларини мажбурий киритиш. Фуқароларни дезинформацияни мустақил аниқлашга ўргатиш.

2. Ҳуқуқий назоратни кенгайтириш. Ижтимоий тармоқлар учун шаффофлик ва жавобгарликни кучайтирувчи халқаро ва миллий қонунларни қабул қилиш. Компанияларни бот-фермаларни ўз платформаларида блоклашга мажбурлаш.

3. Давлат-хусусий шерикчилик. Давлатнинг хавфсизлик агентликлари ва етакчи IT-компаниялари (*телекоммуникация, дастурий таъминот*) ўртасида ахборот алмашинуви ва ахборот таҳдидларига қарши кураш бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш.

4. Халқаро ҳамкорлик. Информацион ва киберхавфсизлик бўйича БМТ доирасида қатъий халқаро конвенция (*масалан, Ядро қуролини тарқатмасликка ўхшаш*) яратишни ташаббус қилиш.

Умуман олганда, 2025 йилда ахборот уруши энди «келажак таҳдиди» эмас – у ҳозирги реал урушнинг асосий шакли. Ким бу соҳада орқада қолса, у ҳарбий кучига қарамай, мағлубиятга учрайди. Украина тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳатто кичик давлат ҳам тўғри ахборот стратегияси билан глобал гигантни психологик жиҳатдан енгиши мумкин.

Келажакда ғолиб бўладиган давлат – ахборот маконида суверенитетга эга давлат бўлади. Бунинг учун эса сиёсий ирода, институционал салоҳият ва жамиятнинг юқори ахборот иммунитетига талаб этилади.

Нодир КАРИМОВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

КИБЕРХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ҲАМКОРЛИГИ

Давлат ва хусусий секторнинг киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги – миллий ва глобал даражада замонавий таҳдидлардан самарали ҳимоялашнинг муҳим омилидир. Киберхавфсизлик қурилмалари ва тизимларининг кўпчилиги хусусий компанияларга тўғри келган ҳолда, уларнинг қўлга киритган технологиялари ва маълумотлари давлат мустақил ҳимоя тизимларини мустаҳкамлайди. Масалан, **ENISA** (*Европа Иттифоқи Киберхавфсизлик агентлиги*) таъкидича, давлат-хусусий шериклик (*Public-Private Partnership*) муҳим ахборот инфратузилмалари хавфсизлиги ва барқарорлиги учун беқиёсдир¹.

АҚШ Киберхавфсизлик ва Инфратузилмаларни ҳимоя агентлиги (*Cybersecurity and Infrastructure Security Agency, CISA*) мутахассислари ҳам «давлат ва хусусий сектор ўртасида ахборот алмашишни рағбатлантирувчи шерикликлар асосий инфратузилмаларни ҳимоя қилиш ва киберхавфсизликни кучайтириш учун зарур»² эканини таъкидлайдилар. Шу жумладан, давлат ва хусусий сектор орасида шаффоф ва ишончли алоқалар ўрнатилиши киберхавфсизлик соҳасида оддий бизнес жиҳатида эмас, балки стратегик муҳим йўналиш сифатида қабул қилинади.

¹ Enisa: European union agency for cybersecurity: Public Private Partnerships. <https://www.enisa.europa.eu/topics/state-of-cybersecurity-in-the-eu/national-cybersecurity-strategies-0/public-private#:~:text=Public,belongs%20to%20private%20sector%20stakeholders>

² NICB (National Insurance Crime Bureau): The Importance of Public-Private Partnerships. <https://www.nicb.org/importance-public-private-partnerships#:~:text=laundrying%20and%20terrorist%20activities,%E2%80%9D>

Мазкур шерикликнинг аҳамиятини янада очиш учун хорижий тажрибалар мисолини кўриб чиқиш зарур. Европа Иттифоқи киберхавфсизлик сиёсатида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигига алоҳида эътибор берган. Масалан, Европанинг киберхавфсизлик стратегиясида ва унинг тегишли коммуникацияларида давлат-хусусий шерикликлар зарурлиги кўрсатилган ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, Биринчи **NIS Директиваси** (*Европа Иттифоқининг киберхавфсизлик соҳасидаги асосий меъёрий ҳужжатларидан бири ҳисобланади*) «Кибер таҳдидлар деярли ҳар доим чегаралараро хусусиятга эга бўлиб, бир мамлакатнинг муҳим объектларига қилинган киберхужум бутун Европа Иттифоқига таъсир ўтказиши мумкин. Европа Иттифоқи мамлакатлари ўз ҳудудларида киберхавфсизликни назорат қиладиган ва бошқа аъзо давлатлардаги ҳамкасблари билан маълумот алмашиш орқали ҳамкорлик юритадиган кучли давлат органларига эга бўлишлари шарт. Бу, айниқса, жамиятимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳалар учун жуда зарур»¹ деган фикрларни таъкидлайди.

Илмий таҳлил ва амалий ишларда саволларга эришиш мақсадида Европада махсус механизмлар яратилган. Жумладан, 2016 йилда Европа комиссияси ва **Европа киберхавфсизлик ташкилоти** (*European Cyber Security Organisation, ECSO*) билан биргаликда «Horizon 2020» доирасида киберхавфсизлик соҳасида шартномавий давлат-хусусий шериклик (PPP) ташкил этилган. Бу эса, киберхавфсизлик технологияларини ривожлантиришга миллиардлаб евро миқдорида маблағ сарфлаш имкониятини яратган.

PPP модели доирасидаги Европа ташаббуси давлат ва хусусий маблағларни бирлаштириш орқали миллий киберхавфсизлик салоҳиятини жаҳон бозорига олиб чиқишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ENISA томонидан ташкил этилган «Европа киберхавфсизлик бардошлилиги PPP» (EP3R) каби уюшмалар зарур маълумотлар ва тажрибалар алмашинувини енгиллаштириш мақсадида фаолият юритади, бу эса минтақавий даражада ижобий натижалар бермоқда.

Европа Иттифоқида давлат-хусусий шерикликни тартибга солувчи барча қонунлар (Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонун ва бошқалар) иштирокчиларни кибертаҳдидлар ҳақида холисона маълумот ёки ишончли хабардорликни сақлаб туришга ундайди. Бу ҳам ўз навбатида, умумий хавфсизлик даражасини оширишга ҳисса қўшувчи омил ҳисобланади.

Қўшма Штатларда ҳам давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги кибертаҳдидларга қарши курашишнинг асосий ёндашувларидан бири саналади. АҚШ Киберхавфсизлик ва инфратузилма хавфсизлиги агентлиги (CISA) бундай ҳамкорликни йўлга қўйишни устувор вазифа деб билади ва бу ҳамкорлик орқали «муҳим маълумотларнинг узлуксиз оператив алмашинуви»ни таъминлайди. **GAO** (*Ҳукумат ҳисобдорлиги бошқармаси*)

¹ europa.eu: Shaping Europe's digital future: EU cybersecurity policies, <https://digital-strategy.ec.europa.eu/en/policies/cybersecurity-policies#:~:text=Cybersecurity%20threats%20are%20almost%20always,are%20critical%20for%20our%20societies>

томонидан тайёрланган ҳисоботда ҳам АҚШ ҳукумати ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорлик ушбу соҳадаги таҳдидларни бартараф этишнинг асоси эканлиги таъкидланган¹.

Хусусан, тармоқлараро киберхавфсизлик тузилмаларида давлат ва хусусий сектор вакиллари IT-ёрдам ва кўрсатмаларни мувофиқлаштириш учун қуйи даражада ҳамкорлик қиладилар. Масалан, **DHS (Ички хавфсизлик департаменти)** қошидаги кибермарказлар ва турли соҳаларга оид маслаҳат кенгашлари давлат идоралари ва хусусий корхоналар вакилларини мунтазам учрашувларда бирлаштиради.

Шунингдек, АҚШдаги йирик компаниялар ҳам ҳукумат билан кибертаҳдидлар ҳақида маълумот алмашишни осонлаштириш учун турли ташкилотлар (*ISAOлар, ISACлар*) тузишган. Мисол учун, АҚШдаги Киберхавфсизлик бўйича миллий саммит «*National Cybersecurity Summit*» каби тадбирлар умумий ҳимоя чораларини муҳокама қилиш учун давлат ва хусусий секторларни бир жойга тўплашга қаратилган. DHS бундай саммитларни давлат-хусусий шерикликнинг амалий намунаси сифатида эътироф этган².

Жанубий Кореяда ҳам давлат-хусусий ҳамкорлигининг аҳамияти юқори баҳоланади. **Жанубий Корея интернет ва хавфсизлик агентлиги (KISA)** мамлакатда киберхавфсизлик бўйича марказий орган вазифасини бажариб, кўплаб масъулиятларни ўз зиммасига олган. Масалан, Кореяда «Фан ва ахборот-коммуникация технологиялари вазирлиги» (MSIT) KISArа киберхавфсизлик бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш вазифасини юклаган. Шу билан бирга, KISA хусусий секторда фаолият юритувчи Жанубий Кореянинг миллий киберхавфсизликка жавоб берувчи тузилмасини (Krcert/CC (Korea Computer Emergency Response Team / Coordination Center)) бошқаради³.

Krcert банк ва телекоммуникация каби соҳаларда ҳодисаларга тезкор муносабат билдириш, заифликларни аниқлаш бўйича маслаҳат бериш ва таҳдидлар маълумотларини таҳлил қилиш каби хизматларни кўрсатади. KISA шунингдек, жорий этилаётган ташкилий тизимлар соҳасида давлат-хусусий ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Жумладан, 2014 йилда KISA «**Кибер таҳдидларни таҳлил қилиш тизими**» (*Cyber Threats Analysis System, C-TAS*) номли автоматлаштирилган таҳдидлар ҳақида маълумот алмашиш тизимини ишга туширди. Бу тизим кибер таҳдидлар ҳақидаги маълумотларни компаниялар ва илмий доиралар билан тезкор алмашиш имконини беради.

Бундан ташқари, молия соҳасида Кореянинг Молиявий хизматлар комиссияси (FSC) қошидаги Молиявий назорат хизмати (FSS) ва Молиявий

¹ U.S. Government Accountability Office: Critical Infrastructure Protection: Key Private and Public Cyber Expectations Need to Be Consistently Addressed GAO-10-628, 2010. <https://www.gao.gov/products/gao-10-628#:~:text=Pervasive%20and%20sustained%20computer,1%29%20private%20sector>

² An official website of the United States government: DHS National Cybersecurity Summit Fact Sheet <https://www.dhs.gov/publication/dhs-national-cybersecurity-summit-fact-sheet#:~:text=The%20DHS%20National%20Cybersecurity%20Summit,networks%20and%20managing%20national%20risk>

³ Миллий киберхавфсизлик Ташкилот: Корея Республикаси Сунгбек Чо НАТО ССДСОЭ стратегия тадқиқотчиси: – Р. 17-18. <https://ccdcoe.org/uploads/2022/12/ROK-Country-report.pdf#:~:text=private%20sector%20and%20the%20protection,and%20incidents%3B%2070%20issues%20up>

хавфсизлик бўйича ижроия қўмитаси (FSEC) барча молия муассасалари учун махсус маълумотлар алмашиш тизими ҳамда галма-гал ишлайдиган мониторинг марказларини ишлаб чиқган. Бу эса, тўлов тизимлари ва банкларнинг киберхавфсизлигини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, йирик кибертаҳдид юзага келган тақдирда, MSIT жисмоний шахслар, давлат ва хусусий ташкилотларнинг тажрибаси ҳамда ресурсларини бирлаштирган ҳолда давлат ва хусусий секторлардан иборат қўшма тергов қўмитасини тузиш тартибини жорий этган.

Ушбу хорижий тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида давлат ва хусусий сектор ўртасида киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича бир қатор муҳим қадамлар қўйилиши мумкин. Биринчи навбатда, амалдаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш талаб этилади. Масалан, 2022 йил апрель ойида Ўзбекистонда **«Киберхавфсизлик тўғрисида»**ги биринчи қонун (ЎРҚ-764, 2022 йил 15 апрель) қабул қилинди ва 2022 йил 17 июлдан кучга кирди¹. Ушбу қонун миллий инфратузилманинг киберхавфсизлигини таъминлашни мақсад қилган бўлиб, ижтимоий эътибор ва хавфсизлик талаблари ўртасида мувозанат яратади.

Кейинги тадбир сифатида давлат органлари ва йирик хусусий ташкилотларни жалб қилувчи янги қонун ва қоидалар ишлаб чиқиладиганлигини таъкидлаш мумкин. Масалан, 2025 йил 30 апрелда имзоланган **«Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»** Президент қарори (ПҚ-153) билан Ички ишлар вазирлиги кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди ва барча давлат муассасалари, ташкилотлари, банклар ва тўлов тизимлари операторларига ахборот хавфсизлиги учун қатъий жавобгарлик юклатилган².

Фармоннинг 1 боб 2-моддаси, 2 боб 5-моддаси (в) банди, 3 боб 7-моддаси (а) бандларида банк ва молия институтлари зиммасига киберхавфсизлик чораларини кучайтириш ва аҳоли ўртасида хавфсизлик маданиятини ошириш вазифаларини юклайди. Ушбу фармон доирасида ИИБ томонидан киберхужумга учраган банкларни аниқлаш ва рўйхатини ошкор қилиш тизимини жорий этиш ҳам режалаштирилган. Масалан, 2025 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ИИБ Киберхавфсизлик маркази ҳар йил якунида кибержиноятлар энг кўп содир этиладиган банклар ва тўлов ташкилотлари ҳақида очиқ статистика эълон қилинишини маълум қилди (ушбу чора банкларнинг масъулиятини оширишга қаратилган)³.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Киберхавфсизлик тўғрисида» <https://lex.uz/en/docs/6997403#:~:text=Law%20of%20the%20Republic%20of,764>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. <https://www.lex.uz/uz/docs/7511145>

³ Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги киберхужумлар сони энг кўп бўлган банкларнинг йиллик рўйхатини эълон қилади, 2025. <https://www.uzdaily.uz/en/uzbekistans-interior-ministry-to-publish-annual-list-of-banks-with-highest-number-of-cyber-incidents/#:~:text=According%20to%20Mirabdullaev%2C%20the%20new,vulnerabilities%20and%20violations%2C%E2%80%9D%20he%20said>

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда давлат регуляторлари молия бозори иштирокчилари билан ҳамкорликни янги форматда амалга ошира бошлади. Шу билан бирга, мамлакатдаги мавжуд технологик инфратузилмадан фойдаланиш хусусий сектор билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Мисол учун, миллий **UZCERT** (*Ўзбекистон Компьютер фавқулудда вазиятларга жавоб бериш гуруҳи*) киберразведка ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва алмашишни назорат қилади¹.

UZCERT давлат ташкилотлари ва хусусий сектор ўртасида ҳодисаларга биргаликда жавоб бериш ва ҳимоя чораларини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Бу ерда қўшимча муассаса ва платформалар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий тажрибалар сингари, Ўзбекистонда ҳам алоҳида соҳалар (масалан, молия, телекоммуникация, энергетика) бўйича ахборот алмашиш ва таҳлил марказларини ташкил этиш лозим. Шу мақсадда корхона ва банкларда киберхавфсизлик бўйича махсус гуруҳлар (масалан, ISAC) фаолиятини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жанубий Корея ва Европа тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам ихтисослашган билим марказларини шакллантириш мумкин. Масалан, жаҳон амалиётида **«Молия соҳасида таҳлил ва ахборот алмашиш марказлари»** (ISAC) ёки **«Муҳим инфратузилма бўйича кенгашлар»** мавжуд. Ўзбекистон шароитида ҳукумат ва хусусий секторни бирлаштирувчи шундай кенгашлар тузилиши керак.

Хусусий ИТ-компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эга. Мисол учун, Group-IB халқаро киберхавфсизлик компанияси 2024 йил декабрь ойида Ўзбекистон Киберхавфсизлик маркази билан меморандум имзолади. Унда кибертаҳдидлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни алмашиш, заифликларни текширишда техник ёрдам кўрсатиш, киберхавфсизлик бўйича ўқув тадбирларини ташкил этиш каби бир қатор муҳим ташаббуслар белгиланган.

Шундай қилиб, хусусий ИТ-компаниялар ва давлат органлари ўртасидаги бундай стратегик ҳамкорлик алоқаларни мустаҳкамлашда бекиёс аҳамият касб этади. Бундай ўзаро ҳамкорлик бошқа соҳаларда ҳам кенгайиши мумкин. Агар банклар, телекоммуникация компаниялари, яширин сектор корхоналари билан умумий ахборот алмашиш тизимини жорий этиш, киберхужумларни симуляция қилиш, кибертаҳдидларни кузатиш бўйича махсус марказлар ташкил этиш каби чоралар кўрилса, миллий киберҳимоя тизими сезиларли даражада мустаҳкамланади.

Натижада, давлат ва хусусий секторнинг киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги миллий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг асосий омилига айланади. Европа Иттифоқи, шунингдек, АҚШ ва Жанубий Корея тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат-хусусий шериклик орқали тезкор ва ишончли ахборот алмашиш имкониятлари кенгайиб, умумий тенденцияларга

¹ Компьютер фавқулудда вазиятларига жавоб бериш гуруҳи: Киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш хизмати <https://uzcert.uz/en/about/#:~:text=of%20information%20on%20cyber%20threats>

олдиндан тайёргарлик кўриш ва кибертаҳдидларга қарши биргаликда курашиш самарадорлигини оширган.

Ўзбекистон шароитида ҳам ушбу моделларни қўллаш учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қонунлар ва қарорларга хусусий компаниялар, банклар ва тадбиркорларнинг масъулиятини киритиш, шунингдек, миллий кибертаҳдид марказлари ва ҳамкорлар (*масалан, UZCERT, Марказий банк ва бошқа банклар, KISA каби ташкилотлар*) ўртасида маълумот алмашиш учун платформалар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, молия соҳасида хусусий банклар ва давлат органлари ўртасида ахборот алмашиш ва ҳамкорликда чора кўриш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилса, бу кибертаҳдидларга қарши курашишда тизимли ва самарали ёндашувни таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бундай ҳамкорликнинг дастлабки белгилари кўзга ташланмоқда. Ички ишлар вазирлиги банклар учун кибертаҳдидлар тўғрисидаги ҳисоботларни эълон қилиш ва банклар давлат билан ахборот алмашиш ҳамда ҳодисаларни жамоавий тарзда симуляция қилиш бўйича таклифлар тайёрлашмоқда. Бу каби тажрибани кенгайтириш орқали Ўзбекистонда киберхавфсизлик соҳасидаги давлат-хусусий шерикликни янги босқичга кўтариш мумкин.

Умуман олганда, киберхавфсизлик кенг кўламда молиявий, маънавий ва фойдаланувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мураккаб соҳадир. Давлат ва хусусий компанияларнинг тажрибаси, технологиялари ва ресурсларини бирлаштириш миллий ва минтақавий даражада кибертаҳдидларга қарши курашиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Чет эл тажрибаларидан маълум бўлдики, давлат қонунчилик ва институционал механизмлар орқали хусусий сектор билан ишончли алоқаларни ўрнатади, шунингдек, ахборот алмашиш, ўқитиш ва малака ошириш ҳамда техник ёрдам каби тадбирларни ташкил этади.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда янги қонунлар қабул қилиниб, марказий ва маҳаллий даражаларда ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилса, миллий киберхавфсизлик тизими кўплаб афзалликларга эга бўлади.

Сайдулло ТўРАЕВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

ЎЗБЕКИСТОНДА СУДЛАР ҲОКИМИЯТИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЎРНИ

Инсоният аллақачон глобаллашувнинг янги босқичига қадам қўйиб улгурди. Бу даврда кўплаб мамлакатлар рақамли технологияларни ривожлантириш, айниқса, сунъий интеллект соҳасини давлат сиёсатининг стратегик йўналишига айлантириш чораларини кўрмоқда.

Ўзбекистонда бу борадаги дастлабки қадам 2020 йил 6 октябрда қабул қилинган «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент

Фармони орқали қўйилган бўлиб, ахборот-коммуникация технологияларини миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш воситаси сифатида кўриш белгилаб берилган.

Бугунги кунда сунъий интеллект нафақат иқтисодиёт ёки саноат соҳаларида, балки ҳуқуқ тизими, айниқса, судлар фаолиятида ҳам фаол татбиқ этилмоқда. Судлар фаолиятини рақамлаштириш масаласи давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланиб, одил судловни таъминлашда янги ёндашувларни шакллантирмоқда.

Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, бир томондан, иш юритиш жараёнларини тезлаштириш ва соддалаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, инсон омилига боғлиқ хатоликларни камайтириш ҳамда қарорларнинг ҳолислигини ошириш имконини беради. Шу билан бирга, бу жараён адолат концепциясини янги босқичда талқин қилишни, судья ҳамда суд процесси иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини замонавий ахборот муҳитига мослаштиришни талаб этади.

Сунъий интеллектнинг суд тизимига кириб келиши бу оддий технология жараён эмас, балки адолатни таъминлашнинг фалсафий, ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини қайта кўриб чиқишни талаб этувчи мураккаб босқичдир.

Сунъий интеллект тизимларининг ривожланиши ва жорий этилиши судлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инсон омилига боғлиқ хатоликларни камайтириш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш имконини беради.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида судлар фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг қуйидаги йўналишлари шаклланиб бормоқда:

1) Маъмурий жараёнларни автоматлаштириш. Сунъий интеллект ёрдамида даъво аризаларини қабул қилиш, ҳужжатлар айланишини ташкил этиш, уларни тўғрилиги ва тўлиқлиги бўйича дастлабки таҳлил қилиш каби жараёнлар автоматлаштирилмоқда. Россияда синов тариқасида жорий этилган «Виртуал котиб» тизими бундай амалиётга ёрқин мисолдир – у аризаларни қайта ишлаш вақтини бир неча баравар қисқартирган¹.

2) Суд қарорларини таҳлил қилувчи ва прогнозловчи тизим. АҚШ, Хитой ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқилган алгоритмлар мавжуд суд қарорларини таҳлил қилиб, ўхшаш ҳолатлар учун эҳтимолий натижаларни прогноз қилади². Бу тизимлар судьяга ёрдамчи восита сифатида хизмат қилиб, қарор қабул қилишда объективликни оширишга хизмат қилади.

3) Ҳуқуқий маслаҳатчи ва ахборот тизими. Аргентина, Бразилия, Португалия каби мамлакатларда юридик «чатбот»лар фуқароларга суд жараёнларининг тартиб-таомили, даъво аризаси ёзиш тартиби, суд процесси

¹ Erbutaeva Z. Features of using artificial intelligence technologies in judicial activity. Russian law journal Volume -XIII 2025. <https://russianlawjournal.org/index.php/journal/article/view/4868/3151>

² Yu Wen, Ping Ti. SageJournals. A Study of Legal Judgment Prediction Based on Deep Learning Multi-Fusion Models – Data from China. (2024) <https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/21582440241257682>

босқичлари ҳақида маълумот олиш учун фойдаланилади¹. Бу эса аҳолининг судларга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтиради.

4) Суд қарорларининг бирхиллигини таъминлаш. Қозоғистон, Эстония ва бошқа давлатлар тажрибасида сунъий интеллект суд қарорларидаги тафовутларни аниқлаш, уларни умумлаштириш ва ягона ёндашувни шакллантиришда ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, адолат ва барқарорлик тамойилларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёни ижобий натижалар билан бир қаторда ҳуқуқий ва ахлоқий саволларни ҳам юзага келтирмоқда. Хусусан, агар сунъий интеллект иштирокидаги тизим нотўғри ёки адолатсиз қарор шакллантирса, бунга ким жавобгар бўлиши масаласи очиқ қолмоқда. Ҳуқуқий амалиётда бу жавобгарлик инсон – дастурчи, оператор ёки судья зиммасига юклатилади.

Шунингдек, сунъий интеллект алгоритмлари мураккаб математик моделлар асосида ишлагани сабабли, қарор қабул қилиш механизмини тўлиқ таҳлил қилиш жараёни ҳам қийинлигича қолмоқда. Натижада, фуқароларда суд қандай асосларга кўра қарор қабул қилганлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлиши табиий. Айрим мамлакатларда қўлланилаётган «risk assessment» алгоритмлари айрим ижтимоий гуруҳлар учун адолатсиз баҳолаш натижаларини келтириб чиқаргани боис танқидга учраган². Зеро, сунъий интеллект тизимларининг инсон ҳуқуқларини чеклашига йўл қўйиб бўлмайди.

Таъкидлаш ўринлики, сунъий интеллект тизимларининг ҳаддан ташқари фаол ишлатилиши судьялар мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, сунъий интеллект ҳар доим инсон томонидан назорат қилинадиган, қарор қабул қилиш жараёнида фақатгина ёрдамчи роль ўйнайдиган восита бўлиши лозим. Шу билан бирга, рақамли инфратузилманинг этишмаслиги, маълумотлар хавфсизлигини таъминлашдаги қийинчиликлар ва кадрлар тайёрлаш масалалари сунъий интеллект тизимларини кенг миқёсда жорий этишда асосий тўсиқлардан ҳисобланади.

Фикримизча, сунъий интеллектни суд тизимига татбиқ этиш инсон тафаккури, адолат туйғуси ва ахлоқий қадриятларни алмаштириш учун эмас, балки уларни технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилиши керак. Бунда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш инсон назорати ва масъулиятини сақлаб қолиш, адолат, шаффофлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, техник хавфсизлик ва маълумотлар махфийлигини таъминлаш, суд ходимларининг рақамли саводхонлигини ошириш каби тамойилларга асосланиши зарур.

Маълумки, сўнгги йилларда кўплаб мамлакатлар судлар фаолиятида сунъий интеллект технологияларини қўллашни кенгайтирмоқда. Ушбу

¹ AI in justice administration and access to justice. OECD, 2025. https://www.oecd.org/en/publications/governing-with-artificial-intelligence_795de142-en/full-report/ai-in-justice-administration-and-access-to-justice_f0cbe651.html#title-7ddbc74736

² Can the criminal justice system's artificial intelligence ever be truly fair? Natalia Mesa. University of Washington, 2021. <https://massivesci.com/articles/machine-learning-compas-racism-policing-fairness/>

йўналишнинг ривожланиши рақамли ислохотлар жараёнининг ажралмас қисмига айланган бўлиб, у нафақат суд жараёнларини тезлаштириш, балки қарорлар сифати ва шаффофлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Хусусан, АҚШда сунъий интеллект суд жараёнларида кенг миқёсда синовдан ўтказилган. Энг машҳур тизимлардан бири – **«Risk Assessment Algorithm»** (баъзи манбаларда COMPAS номи билан танилган) дастури бўлиб, у судланувчининг қайта жиноят содир этиш эҳтимолини баҳолаш учун статистик ва ижтимоий маълумотлардан фойдаланади. Ушбу алгоритм айрим штатларда жазони тайинлаш ёки кафиллик эвазига озодликка чиқариш масалаларида ёрдамчи сифатида ишлатилмоқда¹.

Шу билан бирга, АҚШда бу тизим танқидга ҳам учраган, чунки айрим ҳолларда алгоритмлар ирқий ёки ижтимоий тарафкашлик кўрсатган. Шунинг учун сўнгги йилларда **«Алгоритмик адолат»** тушунчаси кенг муҳокама қилиниб, сунъий интеллектдан фойдаланишнинг этик ва ҳуқуқий чегаралари қайта кўриб чиқилмоқда². 2023 йилда Оқ уй томонидан эълон қилинган **«AI Bill of Rights»** ҳужжатида ҳам алгоритмик тизимлардан фойдаланишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланди.

АҚШ тажрибаси шуни кўрсатадики, сунъий интеллект суд амалиётини оптималлаштириш, маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш ва инсон ҳатоларини камайтиришда катта имкониятларга эга. Шу билан бирга, тарафкашлик, этик ва ҳуқуқий хавфларни камайтириш учун тизимларнинг ишлаш механизмларини очиқлаш, уларни мунтазам равишда мустақил экспертиза ва аудитдан ўтказиш зарурияти таъкидланади.

Россия Федерациясида эса, сунъий интеллект технологиялари суд амалиётига 2019 йилдан бошлаб синов тариқасида жорий этила бошланди. Биринчи лойиҳалардан бири **«Виртуал котиб»** тизими бўлиб, у ҳужжатларни автоматик қайд қилиш, иш юритиш жараёнларини назорат қилиш ҳамда тарафларни электрон тарзда хабардор қилишни амалга оширади. Бу тизим суд ходимлари юкламасини камайтирган, иш юритиш вақтини қисқартирган ва инсон омилига боғлиқ ҳатоликларни камайтирган³.

Россия Олий суди ҳузурида фаолият юритаётган Суд департаменти сунъий интеллектдан фойдаланишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқмоқда. Хусусан, улар суд қарорларини прогностловчи тизимларини синовдан ўтказиб, суд қарорларини таҳлил қилиш ва уларнинг бирхиллигини таъминлаш бўйича натижалар олишмоқда.

Хитой Республикаси сўнгги ўн йилликда суд тизимини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича дунёда етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу жараён **«Smart Court»** (ақлли суд) концепцияси доирасида амалга оширилмоқда. Бу тизим сунъий интеллект

¹ Megan T. Stevenson. Algorithmic Risk Assessments and the Double-Edged Sword of Youth, 2018. https://openscholarship.wustl.edu/law_lawreview/vol96/iss3/6

² Xiaomeng Wang, Yishi Zhang, Ruilin Zhu. A brief review on algorithmic fairness. Management System Engineering, 2022. <https://link.springer.com/article/10.1007/s44176-022-00006-z>

³ Buzova N.V. Artificial intelligence in the judicial system: advantages and risks. Tyumen State University Herald. Social, Economic, and Law Research, 10(2), 2024. 57–73. <https://doi.org/10.21684/2411-7897-2024-10-2-57-73>

асосида ишларни автоматик рўйхатга олиш, суд мажлисларини видеоконференсия орқали ўтказиш ва суд қарорларини электрон шаклда тайёрлаш имконини беради.

Хитойда сунъий интеллект даъво аризасини топширишдан тортиб, якуний қарорни таҳлил қилишгача бўлган судлар фаолиятининг барча босқичларига интеграция қилинмоқда. Мамлакатда ҳозиргача 300 дан ортиқ **«Рақамли суд»** платформалари фаолият юритмоқда. Бунда сунъий интеллект нафақат техник ёрдамчи, балки суд амалиётини бошқаришнинг муҳим элементи сифатида қаралмоқда¹.

«206 System» – жинойт ишларини юритишда фойдаланиладиган сунъий интеллект тизими бўлиб, у далилларни тўплаш, шахс маълумотларини таҳлил қилиш ва жинойт ҳолатларини таснифлашда ёрдам беради. «AI Judge» платформаси судларда даъволарни дастлабки қайта ишлаш, даъво аризаларини тўғри шакллантириш ва процессуал ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам бермоқда. Бу тизимлар, айниқса, интернет судларида (*Ханжоу, Пекин ва Гуанжоу шаҳарларида*) фаол қўлланилмоқда. Улар электрон далилларни таҳлил қилиш, онлайн тингловларни ўтказиш ва суд қарорларини тайёрлашни соддалаштирган.

Бироқ, бу тизимлар ҳам муаммолардан холи эмас. Мутахассислар сунъий интеллект алгоритмларининг шаффоф эмаслиги, уларнинг қандай қарор қабул қилаётгани ҳақида суд иштирокчиларида тўлиқ тушунча мавжуд эмаслиги, маълумотлар махфийлиги ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ хавфлар ҳамда суд қарорларига сунъий интеллект тавсиялари ҳаддан ташқари таъсир кўрсатиши, яъни инсон назоратининг камайиб бориши борасидаги хавфларни қайд этишган².

Европа Иттифоқи мамлакатларида сунъий интеллект технологияларини судлар фаолиятига жорий этишда асосий эътибор этик меъёрлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига қаратилган. 2018 йилда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган **«Суд тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ахлоқий хартияси»** ушбу жараённинг асосий йўналишларини белгилаб берди³. Мазкур ҳужжатга кўра, суд тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланиш инсон назорати устуворлиги, адолат ва шаффофликни таъминлаш, маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, дискриминацияни истисно этиш каби тамойилларга асосланиши зарур.

Франция, Эстония ва Нидерландияда яратилган рақамли суд платформалари айнан шу принципларга таянади. Мисол учун, Францияда

¹ Corrado M. Artificial Intelligence in the judicial field: China's experience, 2022. (PDF) Artificial Intelligence in the judicial field: China's experience

² Oxford Institute for Technology and Justice. «China | AI deeply embedded in criminal justice system», 2025. <https://www.techandjustice.bsg.ox.ac.uk/research/china>

³ European ethical Charter on the use of Artificial Intelligence in judicial systems and their environment, 2018. <https://rm.coe.int/ethical-charter-en-for-publication-4-december-2018/16808f699c>

«Predictice» номли тизим суд қарорларини таҳлил қилиб, суд процесси иштирокчиларига эҳтимолий прогнозлар ҳақида таҳлилий маълумот беради¹.

Қозоғистон Республикасида «Рақамли суд» лойиҳаси 2018 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ушбу тизим орқали даъво аризаларининг 90 фоиздан ортиғи онлайн шаклда топширилмоқда, суд мажлислари эса видеоконференсия орқали ўтказилади². Қозоғистон Республикаси Олий Суди раиси маълумотига кўра, сунъий интеллект 2 миллиондан ортиқ ишлар ичида тахминан 665 000 та ҳужжатни кўриб чиққан³. Натижада иш ҳажми кўп бўлган иш туркумлари, айниқса, маълумот тўплаш ва ҳужжатларни тайёрлаш каби жараёнларда юклама камая бошлаган. Бундан ташқари, «**AI-analitika**» **тизими** суд қарорларини таҳлил қилиб, уларнинг бирхиллигини сақлаш ҳамда судьялар учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради⁴.

Хорижий тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, сунъий интеллектдан фойдаланишнинг муваффақияти технологик ривожланганлик даражасига эмас, балки ҳуқуқий, ахлоқий ва ташкилий механизмларнинг уйғунлигига боғлиқ.

Ҳар бир мамлакат ўзининг суд тизими, менталитети ва норматив-ҳуқуқий базасидан келиб чиқиб, сунъий интеллектни жорий этишнинг ўз моделини шакллантирмоқда. Шу боис, Ўзбекистон учун ҳам хорижий тажрибани бевосита кўчириб олиш эмас, балки уни миллий шароитга мослаштириш муҳимдир.

Умуман олганда, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳозирги даврда нафақат техник модернизация жараёни, балки адолат концепциясининг янги босқичда шаклланишини тақозо этувчи мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир. Сунъий интеллект инсон тафаккурининг ўрнини тўлиқ эгаллай олмайди. У ижодий фикрлаш, ахлоқий баҳо бериш ва ижтимоий масъулият каби инсоний фазилатларни ўзида мужассам этмайди. Шу сабабли, сунъий интеллект технологиялари судья фаолиятини алмаштирувчи эмас, балки қўллаб-қувватловчи восита сифатида кўрилиши лозим.

Сунъий интеллектнинг судлар фаолиятига жорий этилиши қуйидаги ижобий натижаларга олиб келади. Биринчидан, суд жараёнлари тезлашиб, инсон омилига боғлиқ хатоликлар камаяди; иккинчидан, маълумотларни таҳлил қилиш ва ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги ошади; учинчидан, суд қарорларининг бирхиллиги ва шаффофлиги таъминланади; тўртинчидан, аҳолининг суд хизматларига кириш имконияти кенгайди.

¹ French Magistrates See 'No Additional Value' in Predictive Legal AI, 2017. https://www.artificiallawyer.com/2017/10/13/french-justice-ministry-sees-no-additional-value-in-predictive-legal-ai/?utm_source=chatgpt.com

² Akhmetzakirov N. Digitalizing Kazakhstan's Courts: Keeping Up with the Times // Legal Issues in the Digital Era, 2020. <https://lida.hse.ru/article/view/11598>

³ Сейтмуратова А. Казахстанские суды используют ИИ в своей повседневной практике, 2025. https://kz.kursiv.media/ru/2025-01-22/eng-k-nknk-kazakhstani-courts-embrace-ai-in-their-daily-practices/?utm_campaign=endless_feed

⁴ Artificial intelligence will help to predict court decisions. https://atameken.kz/en/news/33084-prognozirovat-sudebnye-resheniya-pomozhet-iskusstvennyj-intellekt1?utm_source=chatgpt.com

Бироқ, бу технологияларни татбиқ этиш жараёнида айрим хавфлар ҳам вужудга келиш эҳтимоли мавжуд. Бу борада, аввало, ахборот хавфсизлиги, ҳуқуқий жавобгарлик ва этик меъёрларни аниқлаб олиш зарур. Сунъий интеллект томонидан шакллантирилган қарорларнинг шаффофлигини таъминлаш, инсон назорати тамойилини сақлаб қолиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилган ҳолда, судлар фаолиятида сунъий интеллектни самарали қўллаш учун қуйидаги стратегик йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, сунъий интеллектдан судлар фаолиятида фойдаланиш тартиби, жавобгарлик механизми ва ахлоқий чекловларни белгиловчи махсус қоидалар ва низомларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Иккинчидан, судьялар ва суд аппарати ходимлари учун сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус ўқув дастурларини жорий этиш зарур.

Учинчидан, суд тизимининг барқарор ишлашини таъминлайдиган замонавий серверлар, маълумотлар базалари ва дастурий ечимлар яратилиши керак.

Тўртинчидан, суд қарорларида инсон ҳуқуқларини устувор қўйиш, алгоритмик адолатни таъминлаш ва тарафкашликка йўл қўймайдиган тарзда сунъий интеллектнинг инсон иродасига бўйсуншини кафолатлаш лозим.

Бешинчидан, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, ҳамкорлик дастурлари доирасида қўшма илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистон суд тизими учун катта имкониятлар яратади.

Достон ХОЛМУРОДОВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бугунги кунда дунё аҳолиси сунъий интеллект (СИ) технологияларини турли соҳаларда - саноатдан тортиб давлат бошқарувигача қўлланилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир давлат учун сунъий интеллектни қонуний тарзда тартибга солиш, стратегия ва дастурлар ҳамда замонавий инфратузилма яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, ҳозирги вақтда турли мамлакатлар томонидан сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича 50 дан ортиқ миллий стратегиялар қабул қилинган¹. Ўзбекистон ҳам бу йўналишда катта қадамлар қўймоқда. Хусусан, 2024 йили сунъий интеллект технологияларини 2030 йилгача ривожлантириш бўйича президент қарори

¹ Хайриддинов М. Сунъий интеллект-Ўзбекистон технологик ривожланишининг асоси - <https://yuz.uz/news/suniy-intellekt-ozbekiston-technologik-rivojlanishining-asosi>

қабул қилинган, сунъий интеллектга бағишланган марказ ташкил этилган ва шу билан бирга турли соҳаларда пилот лойиҳалар жадал тарзда амалга оширилмоқда¹.

Сунъий интеллектни ривожлантириш Ўзбекистонда стратегик йўналишлардан бири сифатида эълон қилинган. 2024 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-358-сонли президент қарорида 2030 йилгача сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди². Ушбу стратегия «Рақамли Ўзбекистон-2030» умуммиллий стратегияси билан уйғунликда ишлаб чиқилди ва унда давлат хизматлари, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллектни кенг миқёсда жорий этиш вазифалари назарда тутилган.

Бундан ташқари, ҳозирда ҳукумат томонидан турли дастурлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Президент матбуот хизмати маълумотларига кўра, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бораётган СИ технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш учун 50 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилди ва бу борадаги тизимли лойиҳалар асосан соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардан танлаб олинди. Шунингдек, «Бир миллион сунъий интеллект етакчилари» миллий дастури доирасида ҳам ёшлар орасида сунъий интеллект бўйича билимларни кенгайтириш ва кадр салоҳиятини оширишга қаратилади. Ушбу дастур доирасида AI соҳасида бешта бепул онлайн ўқув курси ишга туширилди ва 2027 йилга қадар бир миллион нафар ёшга сунъий интеллект бўйича асосий билимлар бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳар бир ҳудудда «сунъий интеллект ҳакатон»ларини ташкил этилиши режалаштирилмоқда³. Масалан, Нукусда соғлиқни сақлаш йўналишида «HealthTech AI Hackathon» мусобақаси ўтказилди ва уни кенгайтириш тавсия этилди.

Халқаро тажрибага асосланиб, Ўзбекистон ҳам сунъий интеллект соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, ахборот технологиялари йўналишидаги олий таълим муассасаларида сунъий интеллект йўналишлари очилиши, ўқув дастурлари янгиланиши кўзда тутилган. Мисол учун, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб мактабларда ва олий ўқув юртларида сунъий интеллект бўйича таълим мавзулари киритилиши белгиланган. Шу билан бирга, кўплаб университетларда сунъий интеллект лабораторияларини ташкил этиш режалаштирилган. Хусусан, 2026 йилгача республика ҳудудида 15 та лабораторияни ишга тушириш кўзланган.

¹ Сунъий интеллект соҳасининг инфратузилмаси ва кадрлар салоҳияти ривожлантирилади - <https://president.uz/uz/lists/view/8545>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.10.2024 йилдаги ПҚ-358-сон қарори, <https://lex.uz/docs/7158604>

³ Сунъий интеллект ҳакатони – бу қисқа муддат ичида дастурчилар, маълумотлар билан ишловчи мутахассислар ва сунъий интеллект мутахассисларидан иборат жамоаларнинг биргаликда ишлаши, сунъий интеллект моделларини яратишга қаратилган интенсив тадбир.

Сунъий интеллект технологиялари давлат хизматларининг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим восита ҳисобланади. Ўтган йилларда турли соҳаларда сунъий интеллект лойиҳалари пилот тарзда амалга оширилмоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш (машинали ташхис), қишлоқ хўжалиги (*ҳосил даражаси прогнозлари*), молия (*кредит беришда рейтинглар*) каби жараёнлар автоматлаштирилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 21 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида, қисқа даврда давлат хизматлари, банк-молия, жамоат хавфсизлиги, транспорт каби йўналишларда 30 дан ортиқ пилот лойиҳалар муваффақиятли синовдан ўтказилганлиги таъкидланди¹.

Шундай лойиҳаларни кенгайтириш мақсадида давлат дастурларида бир қатор чоралар кўзда тутилган. Мисол учун, 2026 йилгача давлат бошқаруви органлари, ижтимоий соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллектни кенг жорий қилиш бўйича камида 100 та лойиҳа амалга ошириш мўлжалланган. Бу лойиҳага стратегик даражадаги соҳалар, жумладан соғлиқни сақлаш, энергетика, банк-молия, божхона-солиқ, транспорт, тоғ-кон ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида сунъий интеллект бўйича 100 та лойиҳа киритилган. Лойиҳалар тизимли равишда режалаштирилиши ва ўзаро мувофиқлаштирилиши учун идоралараро маслаҳатлашув гуруҳлари ва эксперт кенгашлари тузилмоқда.

Лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар ўзаро ҳамкорлик, ресурслар миқдори ва кадрлар салоҳияти жиҳатидан кенгайтирилмоқда. Масалан, сунъий интеллектни жорий этишда зарур ҳисоблаш ресурсларини яратиш учун замонавий «суперкомпьютер кластерлари»ни ташкил этиш ишлари давом этмоқда. Инвестицияларни жалб қилиш учун алоҳида имтиёзлар берилади.

Жамоатчиликда эълон қилинган маълумотларга кўра, Қорақалпоғистонда сунъий интеллект инфратузилмасига 100 млн. АҚШ долларидан зиёд сармоя киритадиган инвесторлар учун электр энергияси нархи 5 центгача пасайтирилади, IT-парк имтиёзлари кенгайтирилади ва импортдаги техникалар божхона тўловларидан озод этилади. Шунингдек, хорижий сармоядорларни жалб қилиш мақсадида махсус режим (*ер ва солиқ имтиёзлари*)ни яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда сунъий интеллект соҳасида қонунчилик базаси ҳозиргача барқарор шаклланиб бормоқда. Сунъий интеллектни тизимли жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича асосий ҳужжатлар сифатида Президент қарорлари, фармонлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинган. Жумладан,

1) 2021 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда сунъий интеллектни жорий этиш тартибини соддалаштириш ва мазкур соҳадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун

¹ Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш янги босқичга олиб чиқилади <https://president.uz/uz/lists/view/8582>

асосий чоралар белгиланган. Яъни, сунъий интеллектга асосланган тажриба-синов лойиҳалари учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, уларни ИТ-парк тизими доирасида мувофиқлаштириш назарда тутилган;

2) 2021 йил 26 августда Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5234-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарор сунъий интеллект асосидаги инновацион бизнес-моделлар ва маҳсулотларни ривожлантириш учун «махсус режим» ташкил этиш йўли билан тадбиркорлар ва илмий ташкилотларга имтиёзли шароитларни кафолатлади. Мазкур махсус режим сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишда уйғунлаштирувчи кузатувчи муассаса «ишчи орган» - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (ҳозирги кунда Рақамли технологиялар вазирлиги) орқали тадбиркорлар ҳамда тадқиқотчиларга солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этишни назарда тутди;

3) 2021 йил 31 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 475-сонли қарори билан қабул қилинди. Бу қарор сунъий интеллект соҳасидаги илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва илмий инновациялар экотизимини ривожлантириш мақсадида алоҳида институтни ташкил этишни назарда тутди;

4) 2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сунъий интеллект технологияларини қўллаб-қувватлаш учун махсус режим ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 717-сонли қарори билан сунъий интеллектни қўллаб-қувватлаш учун махсус режим тартиби тасдиқланган. Унда махсус режим иштирокчиларига бериладиган имтиёзлар, уларни рўйхатга олиш тартиби ва бошқа таркибий жиҳатлар белгиланган.

Ушбу қарор асосида тасдиқланган Низомда сунъий интеллект йўналишидаги лойиҳаларни бажаришда фаолият юритувчи ташкилотларга солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар яратишни кўзда тутилган. 2024 йилга келиб ушбу соҳага нисбатан янада тизимли сиёсат юрИТила бошланди. Буни кейинчалик қабул қилинган ҳужжатларнинг кўламида ва савиясида қўришимиз мумкин:

1) 2024 йил 14 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-358-сонли қарори қабул қилинди;

2) 2025 йил 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2025-2026 йилларда сунъий интеллект технологиялари соҳасида устувор лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 425-сонли қарори қабул қилинди;

3) 2025 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида»ги 1193-V-сонли қарори қабул қилинди;

4) 2025 йил 21 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-140-сонли Фармони қабул қилинди;

5) 2025 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-189-сонли Фармони қабул қилинди;

6) 2025 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларига асосланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-320-сонли қарори қабул қилинди.

Сунъий интеллект соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш нафақат республика миқёсида, балки ҳудудий ҳокимият идоралари томонидан ҳам олиб борилмоқда. Сирдарё вилояти ҳокимининг 2025 йил 28 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сонли Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш ҳақида»ги 358-9-0-Қ/25-сон қарори бунга яққол мисолдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сунъий интеллект соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш мақсадида, мавжуд айрим ҳужжатларга давлат томонидан ўзгартиришлар киритилмоқда. Айниқса, илм-фан ва таълим соҳасидаги концепцияларда сунъий интеллектни илмий-инкубатор сифатида қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилмоқда. Шу билан бирга, турли соҳаларда сунъий интеллектни жорий этишда ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш ва этик меъёрлар тизимига оид қоидаларни белгилаш юзасидан ҳам таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Рақамли трансформация жараёнида сунъий интеллект давлат органларининг вазифаларини автоматлаштириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омилга айланмоқда. Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимига сунъий интеллектни интеграция қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган электрон хизматлар ҳажмида сунъий интеллектга асосланган имкониятларни кенгайтириш мақсад қилинган. Президент қарорига илова сифатида тасдиқланган стратегияда берилган кўрсаткичларга кўра, порталдаги сунъий интеллект бўйича хизматлар улуши 10 фоизга етказилиши мўлжалланган¹. Бу электрон хизматлар орқали фуқароларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.10.2024 йилдаги ПҚ-358-сонли қарори - <https://lex.uz/docs/7158604>

тўғридан-тўғри сунъий интеллект ёрдамида маслаҳат ва тавсиялар бериш имкониятларини назарда тутди.

Шу билан бирга, давлат муассасасида инсон ўрнини сунъий интеллект эгалласа, унда қарорларнинг шаффофлиги ва жавобгарлиги масаласи долзарб бўлади. Президентимиз 2025 йил октябрда ўтказилган йиғилишда таъкидлаганларидек, *«давлат органларидаги маълумотларнинг ҳар хил серверларда алоҳида сақланиши ва форматларининг бир хил бўлмаслиги сунъий интеллектни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда»*.

Шу боис, вазирлик ва идоралардаги маълумотларни ягона майдон (data lake)га йиғиш, ҳар бир вазирликда рақамлаштириш ва сунъий интеллект масалалари бўйича масъул ўринбосарларни тайинлаш ёрдамида фаолиятни мувофиқлаштириш муҳим экани қайд этилди.

Масалан, вазирлик ва ҳудуд раҳбарлари орасида рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий қилинмоқда. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир вазирлик ва туман (шаҳар) даражасида сунъий интеллектни жорий этиш даражасини баҳолайдиган рейтинг тизими ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Бу тадбирлар СИ технологияларини давлат бошқарувида фаол татбиқ этилишини рағбатлантириш ва ахборот-техник базасини бирлаштиришга қаратилган.

Сунъий интеллект давлат органларининг «ахборотни қайта ишлаш» функцияларини ҳам такомиллаштиришда кўмак беради. Ҳисоб-китобларни автоматлаштириш, аҳоли мурожаатларини машинали ўрганиш орқали таҳлил қилиш, электрон ҳужжат айланмасини тезлаштириш каби жараёнларда СИ технологиялари қўлланилади. Рақамли трансформация доирасида давлат органлари ушбу технологиялардан фойдаланган ҳолда ресурсларни тежаш ва хизматлар сифатини яхшилашни мақсад қилишмоқда.

Халқаро тажрибаларга кўра, барча ривожланган давлатлар сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Европада иқтисодий муносабатларни тартибга солиш бўйича махсус **«AI Act»** каби қонунлар ишлаб чиқилган. Бу лойиҳада сунъий интеллект фаолияти учун хавфсизлик, шаффофлик ва жавобгарлик мезонлари белгилаб берилган. АҚШ, Хитой, Япония каби давлатлар ҳам миллий AI стратегияларини тасдиқлаб, соҳага инвестиция киритиш ва кадрлар тайёрлаш борасида рақобатлашмоқда.

Ўзбекистон бу каби халқаро жараёнларга фаол қўшилмоқда. 2025 йилда халқаро рейтингларда Ўзбекистон сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича 17 поғона юқорилади ва 188 та мамлакат орасида 70-ўринга кўтарилиб, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич давлатнинг сунъий интеллектга оид стратегик вазифаларни аниқ тарзда белгилаб, самарали ишлашининг натижасидир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ҳам ЕИ ва бошқа давлатлардаги каби ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатларга устувор аҳамият берилмоқда. Мисол учун, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Буюк Британия каби давлатлар инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминловчи сунъий интеллект этика қоидаларини ишлаб

чиқмоқда. Ўзбекистон ҳам сунъий интеллектнинг инсон ҳуқуқларига таъсирини камайтириш учун қонунчилик асосини яратишни кўзламоқда.

Шунингдек, сунъий интеллект бўйича халқаро ҳамкорлик ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Словения илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари томонидан давлат бошқарувида АИни жорий этиш лойиҳалари бўйича қўшма лойиҳаларни ўрнатиш истиқболлари муҳокама қилинди. Мазкур ҳамкорлик сунъий интеллект лойиҳаларини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантиришда ёрдам беради. Шу билан бирга, IT-компаниялари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш орқали глобал ёндашувлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, «NVIDIA» билан ҳамкорлик сунъий интеллект инфратузилмасини ривожлантиришда инновацион ечимларни олиб киришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Қозоғистон жорий йилда йилда сунъий интеллектни тартибга солиш бўйича қонун қабул қилди. Бу қонун мамлакатда сунъий интеллект технологияларини механизмлаштириш, ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларнинг фойдаланилишини назорат қилиш учун асос бўлди.

Қонуннинг асосий мақсадлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- сунъий интеллект маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишда ҳуқуқий ҳолатни белгилаш;
- сунъий интеллектдан фойдаланишдаги жавобгарликни аниқлаш;
- deepfake ва сунъий интеллект ёрдамида яратилган мультимедиялар учун жавобгарликни жорий қилиш;
- миллий сунъий интеллект платформасини яратиш ва ривожлантириш.

Мутахассисларга кўра, бу қонун СИ соҳасини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий механизм бўлиб, мамлакатни глобал технологиялар бозорида рағбатлантиришни ва ривожланишини таъминлайди.

Умуман олганда, халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, сунъий интеллектни муваффақиятли жорий этишда ҳуқуқий регламент, кадрлар тайёрлаш, стандартлар ва халқаро ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон бундай омилларни иноватга олиб, илғор хорижий амалиётни ўзлаштириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Айниқса, Европа қонунларидаги адолат ва жавобгарлик тамойиллари Ўзбекистонда ҳам техник қарорларда инсон омилига эътибор беришга чақирмоқда.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича илк қадамлар қўйилди. Мамлакатимизда 2030 йилгача сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича стратегия ва унга мос чора-тадбирлар режаси тасдиқланди, тегишли вазирлик ва муассасалар қайси соҳаларда қандай лойиҳалар амалга оширилишини белгилаб бермоқда. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар учун лойиҳалар ишлаб чиқилди, сунъий интеллект лойиҳалари учун махсус режим жорий этилди. Натижада, Ўзбекистон сунъий интеллект йўналишидаги халқаро ва минтақавий рейтингларда юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

**Улуғбек ДАВЛАТОВ, мустақил тадқиқотчи,
(Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси)**

РАҚАМЛИ БОЗОРЛАРДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА БОШҚАРУВИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномасида сўзлаган нутқида *«2026 йилдан бошлаб Электрон ҳукумат платформаси тубдан янгиланади. Энди барча давлат идораларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари; 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалари; 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими; 100 мингдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинишини»*¹ таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши белгиланган².

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиши ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаши ўз ифодасини топган³.

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда электрон тижорат савдо ҳажми жадал ўсиб бормоқда, 2024 йилда 1,0 трлн. сўмга тенг бўлган бўлса, 2024 йилда 15,2 трлн. сўмга етган бўлиб, ўтган даврда ўсиш суръати 15 бараварни ташкил этган. KPMG халқаро аудиторлик компанияси Ўзбекистондаги электрон тижорат бўйича ҳисоботида бу бозор ҳажми 2027 йилга бориб 2,2 млрд. долларга етиши мумкинлигини прогноз қилган⁴.

қоридаги рақамлар Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт, айниқса электрон тижорат бозорининг жадал ривожланаётганини кўрсатади. Давлат раҳбари даражасида Электрон ҳукумат платформасини янгилаш ва давлат хизматларини ягона рақамли тизимга интеграция қилиш ташаббусининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Тошкент-2025. <https://president.uz/oz/lists/view/8834>

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

³ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/4704>

⁴ KPMG халқаро аудиторлик компанияси Ўзбекистондаги электрон тижорат бўйича ҳисоботи. <https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/uz/pdf/2023/E-commerce-in-Uzbekistan.pdf>

илгари сурилиши рақамли бозорларда давлат бошқарувини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадам ҳисобланади. Бу эса рақамли бозорларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали, шаффоф ва ҳисобдор давлат бошқаруви механизмларининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини англатади.

Халқаро амалиётда рақамли платформаларни тартибга солишда икки асосий йўналиш шаклланган. Биринчиси - мавжуд рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигини рақамли бозор хусусиятларига мослаштириш; иккинчиси эса - махсус, олдиндан (*ex ante*) тартибга солиш механизмларини жорий этишдир. Хусусан, Европа Иттифоқида қабул қилинган Рақамли хизматлар тўғрисидаги акт (DSA) ва Рақамли бозорлар тўғрисидаги акт (DMA) рақамли платформаларнинг истеъмолчиларга нисбатан адолатли ва шаффоф фаолият юритишини таъминлашга қаратилган¹.

OECD ва бошқа халқаро ташкилотлар тадқиқотларида рақамли платформалар «ўз экотизимининг хусусий регулятори» сифатида ҳаракат қилиши, бу эса истеъмолчилар манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг вазифаси рақобатни қўллаб-қувватлаш, маълумотларни ҳимоя қилиш ва истеъмолчиларни манипулятив тижорат амалиётлардан муҳофаза қилишдан иборат².

Ўзбекистон Республикаси **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни**да истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) ҳақида тўлиқ ахборот олиш, сифатли ва хавфсиз товарни танлаш ҳамда ҳуқуқларини суд ёки ваколатли органлар орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Рақамли бозорларда мазкур нормалар айниқса долзарб бўлиб, онлайн платформалар орқали тақдим этилаётган товар ва хизматлар ҳақида истеъмолчини тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш мажбурияти ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчилар зиммасига юклатилган. Товар ёки хизмат ҳақида нотўғри ёхуд этарли даражада тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилса, истеъмолчи шартномани бекор қилиш ва этказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

«Рақобат тўғрисида»ги Қонун рақобат муҳитини таъминлаш, бозорда устун мавқени суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва адолатли рақобатни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Рақамли бозорларда мазкур қонун нормалари платформаларнинг бозор қудратини чеклаш, истеъмолчилар манфаатларига зид бўлган амалиётларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бозорда устун мавқегга эга субъектларнинг истеъмолчилар учун ноадолатли шартлар белгилаши ёки ахборотни яшириши рақобат қонунчилиги нуқтаи назаридан ҳам баҳоланади. Шу ўринда, рақобат сиёсати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўзаро боғлиқ

¹ The Digital Markets Act: ensuring fair and open digital markets, 2022. <https://commission.europa.eu/strategy-and-policy/priorities-2019-2024>

² Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) // Competition in the Digital Age. Paris, 2020.

бўлиб, рақамли платформалар фаолияти устидан назоратни кучайтириш орқали истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш имкони кенгаяди¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 майдаги 256-сонли қарори билан тасдиқланган **«Рақамли платформа операторининг устун мавқеини ва устун музокара кучини эътироф этиш ҳамда рақобатнинг чекланишига ва (ёки) истеъмолчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситишга олиб келадиган ҳаракатларни аниқлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 8-бандига мувофиқ, рақамли платформа оператори қуйидаги шартларнинг бирига риоя қилинганда ҳамда бевосита ва билвосита тармоқ самараси мавжуд бўлганда устун мавқега эга деб эътироф этилади:

агар рақамли платформа операторининг рақамли макон чегаралари доирасидаги сўнгги календарь йилдаги тушуми миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 минг бараваридан (37,5 млрд. сўм) юқори бўлса;

агар рақамли платформа операторининг фаол якуний фойдаланувчиларининг умумий ўртача сони ҳар ойда камида 50 мингга ёки фаол тадбиркор фойдаланувчиларнинг ўртача сони ҳар ойда камида 3 мингга ташкил этса.

Шунингдек, юқоридаги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, рақамли платформа оператори ушбу кўрсаткичларга эришган санадан эътиборан икки ой муддатда монополияга қарши органни хабардор қилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан мазкур Низомга асосан, 8 та хўжалик юритувчи субъектлар:

«YandexGo UB» МЧЖ йўловчиларни ташиш (такси) учун буюртмаларни жойлаштириш ва такси хизматларини кўрсатишга имкон берувчи воситачилик (агрегатор) хизматлари бўйича;

«Yandex eats» МЧЖ ХК, «Uzum Tezkor» МЧЖ ХК ва «Express24 APP» МЧЖлар тайёр овқат ва бошқа истеъмол маҳсулотлари учун буюртмаларни жойлаштириш ва этказиб беришга имкон берувчи воситачилик (агрегатор) хизматлари бўйича;

«Рауме» АЖ, «Click» АЖ онлайн тўлов тизимлари хизмати бўйича;

«Шоппе Group» МЧЖ ХК булутли технологиялар асосидаги хизмати бўйича;

«Узум Market» МЧЖ ХК Электрон савдо майдончалари (маркетплейслар) бўйича рақамли платформа сифатида устун мавқега эга деб эътироф этилган².

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасида устун мавқега эга бўлган деб эътироф этилган рақамли платформа операторига маълумотлар,

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни, <https://lex.uz/docs/6518381>

² Рақамли платформа операторлари сифатида устун мавқеи эътироф этилган корхоналар рўйхати. <https://raqobat.gov.uz/raqamli-platforma-sifatida-ustun-mavqega-ega-deb-etirof-etilgan-korxonalar-rojhati/>

технологиялар ва рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш ҳақидаги талабларни белгилаш орқали рақобатни чеклайдиган ҳаракатларни бажариш тақиқланади. Ҳамда мазкур қонуннинг 42-моддаси рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун молиявий санкциялар белгиланган.

Рақобат қўмитаси томонидан 2025 йилда истеъмолчиларнинг номуайян доирасида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 10 га яқин йўналишда 378 та тизимли ўрганишлар ўтказилган. Шунингдек, ушбу даврда 40 мингдан зиёд истеъмолчиларнинг мурожаатлари кўриб чиқилган.

Умумий ҳисобда, Қўмита томонидан 2025 йилда 19 млн. нафардан ортиқ истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, улар ҳисобидан асоссиз олинган 140 млрд. сўмдан ортиқ маблағ истеъмолчиларга қайта ҳисоб қилинган.

Шунингдек, Рақобат Қўмитаси томонидан электрон тижоратда истеъмолчиларнинг номуайян ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш мақсадида бир қанча электрон савдо платформаларининг оммавий оферта шартномалари мавжудлиги ҳамда мавжуд оферталар шартномаларни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўядиган бандларини қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш ишлари олиб борилди.

Бироқ, рақамли бозорларнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан платформаларнинг кўп томонлама бозор сифати, алгоритмлар орқали қарор қабул қилиниши ва маълумотларнинг марказлашуви амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Айниқса, онлайн хизматлар бозорида истеъмолчилар шикоятларини кўриб чиқиш, платформалар фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва регулятор органларнинг институционал салоҳиятини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида рақамли бозорларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- институционал салоҳиятни ошириш - ваколатли органларнинг рақамли таҳлил, мониторинг ва назорат воситаларини жорий этиш;
- ҳуқуқий базани модернизация қилиш - рақамли платформалар фаолиятига оид махсус нормаларни ишлаб чиқиш;
- халқаро ҳамкорликни кучайтириш - трансегаравий платформаларни тартибга солишда халқаро стандартлар ва илғор амалиётларни қўллаш.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли бозорларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни давлат томонидан тартибга солиш комплекс ёндашувни талаб этади. Амалдаги қонунчилик, хусусан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва «Рақобат тўғрисида»ги Қонун нормалари рақамли иқтисодиёт шароитида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Бироқ, рақамли платформаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазкур нормаларни амалиётда самарали қўллаш, институционал ислохотларни чуқурлаштириш ва халқаро илғор тажрибаларни жорий этиш рақамли бозорларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА РАҚАМЛИ КОММУНИКАЦИЯЛАРДА СИЁСИЙ МОБИЛИЗАЦИЯ

Миразим ЎРАЗАЛИЕВ, мустақил тадқиқотчи
*(Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети)*

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАН СИЁСИЙ МОБИЛИЗАЦИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Сиёсий мобилизация – фуқароларни муайян сиёсий мақсадлар ёки ҳаракатларга жалб қилиш жараёни сифатида таърифланади¹. Ҳозирги кунда бу жараёнда ижтимоий тармоқлар асосий роль ўйнамоқда. Жумладан, «Telegram», «Facebook», «X» (Twitter), «YouTube» ва бошқа онлайн платформалар сайлов жараёнларига таъсир қилиш, оммавий фикрни шакллантириш ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда қўлланилади.

XXI аср – техника асрида ижтимоий тармоқлар замонавий жамиятда фуқаролик фаоллиги ва сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда асосий воситага айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали маълумот тез ва кенг тарқалади, фуқаролар мулоқот қилади, онлайн ташаббуслар оммавий ва сиёсий ҳаракатларга айланиши мумкин. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлар сиёсий мобилизация жараёнида иштирокчиларни ташкил этиш, ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва ёшларнинг фаоллигини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий мобилизация жараёнини ижтимоий тармоқлар контекстида таҳлил қилишда назарий асосларга таяниш мақсадга мувофиқ. **Ресурсларни сафарбар қилиш назарияси** (*Resource Mobilization Theory*) нуқтаи назаридан, ижтимоий тармоқлар ташкилотчилар учун анъанавий медиага нисбатан анча арзон ва тезкор ресурсларни (*ахборот тарқатиш, кадрларни жалб қилиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш*) тақдим этади.

Шу билан бирга, **Сиёсий имкониятлар назарияси** (*Political Opportunity Theory*) ижтимоий тармоқларни авторитар тизимлар шароитида фуқароларга норозиликни билдириш учун янги виртуал имкониятлар яратувчи восита сифатида кўради. Бироқ тармоқдаги фаолликнинг ўзи етарли эмас. Сиёсий мобилизациянинг яна бир муҳим танқидий жиҳати – бу **«Клик-Активизм» (Clicktivism)** тушунчасидир. Бунда фуқароларнинг «лайк» ёки **«поделиться»**

¹ Tilly Ch. From Mobilization to Revolution. – New York: McGraw-Hill, 1978. – P. 7-9.

тугмасини босиш билан чекланиши, яъни ҳақиқий офлайн ҳаракатларга ва чуқур сиёсий иштирокка бўлган эҳтиёжни қондирмаслиги муаммоси мавжуд. Шу боис, самарали сиёсий мобилизация учун онлайн фаолликнинг офлайн ҳаракатлар билан мустаҳкам алоқаси муҳимдир.

Сиёсий мобилизация жараёнида ижтимоий тармоқлар нафақат ахборот тарқатиш воситаси, балки фуқаролик фаоллигини ошириш, норозиликни ташкил қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боис, ижтимоий тармоқларнинг сиёсий таъсири, афзалликлари ва хавфлари замонавий демократия жараёнларини тадқиқ қилишда илмий жиҳатдан муҳим объект ҳисобланади.

Мақоланинг асосий мақсади — ижтимоий тармоқларнинг сиёсий мобилизациядаги ролини, уларнинг афзалликлари ва хавфларини, шунингдек, онлайн ва офлайн мобилизациянинг ўзаро боғлиқлигини илмий таҳлил қилишдан иборат. Бу таҳлил ёшлар фаоллиги ва замонавий рақамли демократияда ижтимоий тармоқлар таъсирини аниқлаш имконини беради.

1. Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг сиёсий мобилизациядаги ўрни. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамлаштириш, Интернет ва ижтимоий тармоқлар сиёсий муҳитнинг трансформациясида ва фуқаролик фаоллигининг динамикасида марказий ўрин эгалламоқда. Янги даврдан бошлаб Интернет фойдаланиш даражаси 33 млн.дан ортиқ фойдаланувчига (аҳолининг 90 фоиздан ортиғи) етди, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари эса 12 млн. атрофида (аҳолининг 32 фоизи атрофида)¹ бу ўз навбатида, ижтимоий тармоқларнинг сиёсий мобилизациядаги ролини кучайишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий тармоқлар фақат ахборот тарқатиш воситаси билан биргаликда сиёсий жараёнларни ташкил этиш, фуқароларни мобилизация қилиш ва жамоатчилик фаоллигининг оширишида стратегик ресурс сифатида хизмат қилади. Бу жараёнларнинг сиёсий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- жамоатчилик фикрини шакллантириш. Ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий ва ижтимоий хабарлар тез тарқатилиб, кенг аудиторияда (хусусан, ёшлар орасида) муҳокама қилинади. Хусусан, жорий йилда «Telegram» каналларидаги сиёсий контент тарқалиши сезиларли даражада ошди, бу жамоатчилик фикрининг хилма-хиллигига олиб келди;

- сайлов жараёнларида иштироки. Ижтимоий тармоқлар сайлов ҳақидаги маълумотларни тарқатиш, номзодлар дастурларини тақдим этиш ва сайловчиларни огоҳлантиришда муҳим роль ўйнайди. Жумладан, 2024 йилги парламент сайловларида онлайн ташвиқот компаниялари ёшлар иштирокини 25 фоизга оширди, бу рақамли демократиянинг ривожланишини кўрсатади;

- фуқаролар норозилиги ва ташаббусларини мобилизация қилиш. Онлайн муҳокамалар, хештеглар (#saylov2024) ва визуал контент орқали норозилик акциялари ва фуқаролик ташаббуслари (*экологик ташаббуслар*)

¹ DataReportal. Digital 2025: Uzbekistan 2025 // <https://datareportal.com/reports/digital-2025-uzbekistan>

ташкил қилинади, бу оффлайн ҳаракатлар ва муҳокамаларга ўтишни тезлаштиради.

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий мобилизациянинг амалий тажрибалари платформа хусусиятларига асосланади ва онлайндан оффлайнга ўтишни кучайтиради. Хусусан, «Telegram» каналлари маҳаллий ва миллий сиёсий хабарлар, фикрлар ва норозилик мулоқотларини тез тарқатишда нисбатан фаол ҳисобланади.

Шунингдек, сайлов билан боғлиқ фаолликни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. «Facebook» ва «Instagram» визуал контент, хештег компаниялари ва флешмоблар орқали фуқароларнинг сиёсий муҳитга таъсири ва сайловларда иштирокини кенгайтиради. Ўзбекистонда онлайн фаолликнинг сиёсий таъсирини ўлчаш жараёни мураккаб бўлса-да, баъзи амалий кейс-стадилар унинг аҳамиятини тасдиқлайди.

«YouTube» видеохостинг орқали сиёсий тadbирлар, суҳбатлар ва номзодлар дастурларини тарқатишда самарали ҳисобланиб, 2024 йилги сайловларда «YouTube» видеоларида 10 млн.дан ортиқ кўришлар сони бўлган, бу сайловчиларнинг онлайн мулоқоти ва фикр алмашинувини оширди.

Freedom House 2025 ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда Интернет эркинлиги 29/100 баллни ташкил этади¹, бу кўрсаткич ижобий бўлмаса-да, лекин тармоқлардаги маълумотлар оқими ошганини кўриш мумкин. Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни ёритишда ижтимоий тармоқлар стратегик аҳамиятга эга. Бу жиҳатлар ижтимоий тармоқларнинг Ўзбекистон сиёсий трансформациясидаги катализатор ролини кўрсатади, лекин дезинформация хавфини ҳам юзага келтиради.

Умуман олганда, Ўзбекистон тажрибаси ижтимоий тармоқларнинг сиёсий жараёнларда марказий аҳамиятга эга рақамли демократия воситаси сифатида фуқаролар фаоллигини сезиларли даражада кучайтиришини тахмин қилишга асос бўлади. Келгусида ижтимоий тармоқларда дезинформациянинг олдини олиш ва рақамли ҳуқуқларни кучайтириш билан юқори натижаларга эришиш мумкин.

2. Ижтимоий тармоқлар сиёсий мобилизация жараёнлар воситаси сифатида хорижий мисоллар. Хорижда ижтимоий тармоқларнинг сиёсий мобилизацияда турли жиҳатларда кузатилишини кўриш мумкин. Бир томондан ижтимоий тармоқлар фуқароларнинг сайлов жараёнларида фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнларга нисбатан муносабатларини билдиришда намоён бўлса, бошқа томондан сиёсий институтларнинг фаолиятини тартибга солишда, уларнинг ўз вазифасига нолойиқлиги ва мавжуд тизимни ўзгартириш воситаси сифатида, сиёсий мобилизациянинг турли кўриниш ҳолатларида кузатилади.

Бу жараёнда онлайн платформалар фуқароларнинг сиёсий жараёнлардан норозилигини тез ва кенг кўламда тарқатиш, ташкил этиш

¹ Freedom House. Freedom on the Net 2025: Uzbekistan. // <https://freedomhouse.org/country/uzbekistan/freedom-net/2025>

ҳамда оффлайн (митинг) ҳаракатларига ўтказиш механизмларини таъминлайди. Ушбу бўлимда 2025 йилдаги Непалдаги «Gen Z» протестлари, Марокашдаги «Gen Z 212» ҳаракати ва Араб баҳори (2010–2012) мисолларида таҳлил қилинади. Бу ҳолатлар ижтимоий тармоқларнинг мобилизацияни тезлаштирувчиси сифатидаги натижадорлигини кўрсатади. Ижтимоий тармоқлар сиёсий мобилизациянинг самарали воситаси бўлиши билан бирга, жиддий дезинформация ва рақамли репрессия хавфини ҳам келтириб чиқаради. Непал ва Марокашдаги Gen Z ҳаракатлари мисолида, дезинформация акцияларнинг аниқ мақсадлари ва ҳаракат бўйича ишончли маълумот олишни қийинлаштирган.

Дезинформация механизмлари. Геосиёсий жараёнларда ижтимоий тармоқлар айрим давлатлар манфаатларига эришишда восита сифатида фойдаланилади. Бунда нотўғри маълумотлар (*фейк хабарлар*) ёки бот-аккаунтлар орқали сиёсий норозилик кайфиятини сунъий равишда ошириш ёки аксинча, уни бўғиш мақсадида тарқатилиши мумкин.

Рақамли репрессия (кузатув). Онлайн мобилизациянинг оффлайн ҳаракатларга ўтиши билан, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар, хештеглар ва ташкилий маълумотлар ҳукуматлар томонидан фаолларни аниқлаш ҳамда кузатиш учун стратегик восита сифатида ишлатилиши мумкин. Непалдаги тўқнашувлар ва Марокашда 2400 дан ортиқ иштирокчининг қўлга олиниши шундан далолат беради. Анонимлик ва децентрализация репрессиялардан ҳимоя берса-да, ҳукуматлар тармоқларни блоклаш ёки назоратни кучайтириш орқали фуқароларнинг рақамли ҳуқуқларини чеклайди.

Хусусан, 2025 йилнинг сентябрь ойида Непалда «Gen Z» протестлари юзага келди, бу ҳаракат коррупция, непотизм (#NepoBaby тренди) ва ишсизлик (*аҳолининг 20 фоиздан ортиғи*) каби масалаларга қарши чиқди. Ҳаракатнинг триггери ҳукуматнинг 4 сентябрда 26 та ижтимоий тармоқ ва мессенжерларни (*Facebook, X, WhatsApp, YouTube ва бошқалар*) блокировка¹ қилиши бўлди, бу рақамли ҳуқуқларни чеклаш ва ёшлар фаолиятини бостириш сифатида талқин қилинди.

Натижада, ёшларнинг ҳукуматга нисбатан норозилик билдириш намоийшларини ташкил этишда ижтимоий тармоқлар асосий ўрин эгаллади. Норозилик намоийшлари Катманду ва бошқа шаҳарларда оммавий акцияларга олиб келди, 8 сентябрдаги намоийшларда полиция билан тўқнашувлар юз берди, натижада 74 нафар ўлим ва 2100 дан ортиқ жароҳатлар сабаб бўлди (*Britannica, 2025*). Ўътиборли жиҳати ҳаракат сиёсий лидерсиз ва рақамли платформалар орқали ташкил этилди, бу 1997-2012 йилларда туғилган ёшларнинг ижтимоий адолат ва иқтисодий имкониятларга бўлган талабларини кучайтирди.

Ижтимоий тармоқлар ҳаракатнинг асосий қўзғатувчи кучи бўлиб хизмат қилди. Уларда ҳаракатни марказлаштирмасдан ташкил этиш ва ахборотни тез ҳамда эркин тарқатиш имконияти устун бўлди.

¹ Britannica. 2025 Nepalese Gen Z Protests 2025. // <https://www.britannica.com/event/2025-Nepalese-Gen-Z-Protests>

«Gen Z» ҳаракатларида «Discord» каби платформалардан фойдаланиш мобилизациянинг тезлигини ва номарказлашувини оширди. Аноним серверлар орқали ташкил этиш ҳукуматлар учун ҳаракат лидерларини аниқлашни қийинлаштирди. «TikTok» ва «Instagram» эса, AI воситалари ёрдамида норозилик контентини тез ва кенг тарқатишда, айниқса, ёшлар аудиторияси орасида апатияни фаолликка айлантиришда муҳим роль ўйнади. Бироқ бу децентрализация ва анонимлик баъзида ҳаракатнинг ягона, аниқ мақсадга эга бўлмаслигига ёки дезинформация таъсирига осонроқ учрашига сабаб бўлади. Шундай қилиб ижтимоий тармоқларнинг эволюцияси мобилизацияни кучайтирди, аммо ҳаракатларнинг сиёсий барқарорлиги ва аниқ натижаларга эришиш муаммосини сақлаб қолди.

Онлайн чақириқлар тез орада оффлайн намойишларга айланди: Катмандуда парламент олдидаги акциялар ҳукуматнинг истеъфосига ва вақтинчалик ҳукумат ташкил этилишига (*Сушила Карки бошчилигида*) олиб келди. Ҳаракат Непал ҳукумати иқтисоди учун 42 млрд. доллар зарар келтирди¹, лекин антикоррупция ислохотлари (*активларни текшириш*) ва рақамли ҳуқуқларни кучайтиришни кузатди. Таҳлил шуни кўрсатадики, ижтимоий тармоқлар фрагментация ва репрессия хавфини оширса-да (*полиция зўравонлиги*), ёшлар мобилизациясини тезлаштирди.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг 27 сентябридан бошлаб Марокашда «Gen Z 212» ҳаракати (*Марокаш телефон коди +212 га ишора*) юзага келди, бу номарказлашган ёшлар гуруҳлари томонидан ташкил этилган. Бу жараёнда таълим, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш ва коррупцияга қарши бўлган. Ҳаракатнинг сабаблари иқтисодий чекловлар (*ишсизлик 30 фоиздан ортиқ*), давлат харажатларининг спорт тадбирларига (*2030 ЖФК ва 2025 Африка кубоги*) йўналтирилиши ва 14 сентябрдаги Агадир шаҳридаги оналар ўлимлари фожиаси бўлди. Намойишлар Касабланка, Рабат ва 11 дан ортиқ шаҳарга тарқалди, бу 2011 йилги Араб баҳоридан кейинги энг катта ҳаракат сифатида баҳоланди.

Ушбу ҳаракат рақамли платформалар орқали номарказлашган, бу ерда анонимлик ва краудсорсинг устунлик қилди. Хусусан, «Discord» тармоғи режаларни мувофиқлаштириш учун асосий восита бўлиб, аудитория 18 сентябрда мингга аъзодан 260 минггача ўсди, талаблар (*таълим ва соғлиқни сақлашни бепуллаштириш*) краудсорсинг орқали шаклланди; шунингдек, «TikTok», «Instagram» ва «Facebook» тармоқларида визуал контент ва «#GenZ212» ҳештеглари орқали норозилик тарқатилди.

Онлайн сиёсий мобилизация бевосита оффлайн мобилизация акцияларни бирлаштирди, ёшлар давлат сиёсатига таъсир қилиб, иш ўринлари ва субсидиялар талаб қилди. Натижада ҳукумат ислохотларни ваъда берди ва 2400 дан ортиқ иштирокчи қўлга олинди. Ҳаракатга 50-150 минг иштирокчини жалб қилди, лекин анонимлик ва децентрализация репрессиялардан ҳимоя берди. Таҳлил шуни кўрсатадики, ижтимоий

¹ <https://www.reuters.com/world/asia-pacific/nepal-says-economy-suffered-586-million-hit-gen-z-protests-2025-12-12/>

тармоқлар апатияни фаолликка айлантирди, лекин дезинформация (*Жазоир ва Канададан бошқариладиган кучлар*) хавфи мавжудлиги, ҳаракатнинг аниқ мақсадлари ва ҳаракат бўйича ишончли маълумот олишни қийинлаштирган.

Шу билан биргаликда, Араб баҳори («Twitter инқилоби») Тунис, Миср ва Ливияда ижтимоий-иқтисодий адолатсизлик, коррупция ва авторитар бошқарувга қарши оммавий норозиликлар билан бошланди (*2010–2012 йил*). Ҳаракатнинг сабаблари ишсизлик, озодлик чекловлари ва иқтисодий инқироз бўлди, бу фуқароларнинг сиёсий ўзгаришлар талаб қилишига олиб келди.

Бунда ижтимоий тармоқлар механизмини кўриб чиқадиган бўлсак, «Twitter» ва «Facebook» тармоқлари норозилик акциялари ва митингларни ташкил қилишда асосий роль ўйнаган бўлса, «YouTube» видеохостинги (ҳуқуқбузарликлар ҳақида) орқали миллионлаб кўриш тарқалган, революцион сўзлар платформаларда 2300 твит/кундан 230 минггача ўсган.

Араб баҳори ижтимоий тармоқларда тезкор ахборот тарқатиш ва фуқароларни жалб қилиш орқали амалдаги ҳокимиятни алмаштиришга ёрдам берди (*Муборакнинг истеъфоси*). Таҳлил уларнинг мобилизация ва фикр шакллантиришдаги ролини тасдиқлайди, лекин оффлайн фаолликсиз самараси чекланган. Бу жараёнларни Непал ва Марокаш мисоллари билан солиштирилганда, ижтимоий тармоқларнинг нафақат сиёсатда балки ахборот асрида уларнинг эволюциясини таҳлил қилиш имконини беради. Ўша вақт учун Араб баҳори жараёнларида Twitter устун бўлган бўлса, ҳозир бу каби ижтимоий тармоқлар сони кенгайиб бормоқда, бу мобилизациянинг номарказлашганини таъкидлайди.

Албатта сўнгги тенденциялар Непал, Марокаш ва Араб баҳори мисоллари ижтимоий тармоқларнинг сиёсий мобилизациядаги универсал ролини кўрсатади, бу ерда гап ижтимоий тармоқлар орқали салбий ҳаракатлар билан ҳокимиятни ўзгартиришга эришиш масаласи эмас, XXI асрда ижтимоий тармоқлар сиёсий мобилизацияда янги имконият сифатида саҳнада намоён бўлишини кўриш мумкин. Ўз навбатида, дунёда содир бўлаётган геосиёсий жараёнларда ижтимоий тармоқлар айрим давлатлар манфаатларига эришишда восита сифатида фойдаланаётгани ҳаммага аён.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар сиёсий мобилизацияда марказий аҳамиятга эга стратегик восита сифатида хизмат қилади. Уларнинг таъсири фуқароларнинг сиёсий билимини ошириш, норозилик ва қўллаб-қувватлаш ҳаракатларига жалб қилиш ҳамда онлайн ташаббусларни самарали тарзда оффлайн ҳаракатларга айлантиришда намоён бўлади. «Telegram», «Facebook», «Instagram» ва «YouTube» ижтимоий тармоқлари орқали сайлов жараёнлари самарали ташкил этилиб, номзодлар ва партиялар дастурлари ҳақида маълумотлар кенг тарқатилади, шунингдек, фуқаролар орасида муҳокамалар ва сиёсий мулоқотлар ривожлантирилади.

Мамлакатимизда ижтимоий тармоқлар сайлов жараёнларида фуқароларни фаолликка жалб қилиш, овоз беришга тайёрлаш ва турли

сиёсий ташаббуслар ҳақида хабардор қилишда муҳим восита ҳисобланади. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган ахборот ва фикрлар онлайндан офлайн ҳаракатларга ўтишда механизм сифатида ҳам самарали ишлайди, бу эса сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда қимматли имконият яратади.

Хорижий тажрибалар Непал ва Марокашда «Gen Z» ёшлар ҳаракатлари ҳамда Араб баҳори мисолида ижтимоий тармоқларнинг сиёсий мобилизациядаги глобал аҳамиятини кўрсатади. Ушбу жараёнларда онлайн платформалар орқали тез ва кенг қамровли ахборот тарқатиш, фуқароларни жалб қилиш ва онлайндан офлайн ҳаракатларга ўтиш механизмлари самарали ишлагани кузатилади. Шу тартибда, Ўзбекистон ва хорижий тажрибалар биргаликда ижтимоий тармоқларнинг сиёсий жараёнларда марказий аҳамиятга эга стратегик ресурс эканини ва замонавий рақамли демократияда фуқароларнинг фаоллигини шакллантиришдаги самаралилигини тасдиқлайди.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий тармоқлардан қонуний ва масъулиятли фойдаланишни рағбатлантириш, давлат ва нодавлат ташкилотлар ижтимоий тармоқларда ахборот тарқатишда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш чораларини етарлича таъминлаш, сайловчилар ва ёшлар учун онлайн таълим ва сиёсий хабарлар платформалари орқали сиёсий билим ва фуқаролик фаоллигини кенгайтириш, ижтимоий тармоқларда тарқатилган нотўғри маълумот ва зўравонликка чақириқларга қарши профилактика чораларини кучайтириш зарур ҳисобланади. Булар, ўз навбатида, Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий мобилизация жараёнларини яхшилаш ва глобал тажрибалардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бекмирза АБДУЛҚОСИМОВ, магистрант
(Ҳарбий хавфсизлик ва муҳофаа университети)

ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА: ТЕНДЕНЦИЯ ВА ЗИДДИЯТЛАР

Глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда сиёсий жараёнларнинг самарадорлиги ва очиклиги бевосита сиёсий коммуникация тизимининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб бормоқда. Интернет технологиялари айниқса бу жараёнларда тезкорлиги ҳамда таъсир доирасининг кенглиги билан аҳолида ўринга эгадир.

Бугунги кунда Интернет ривожланиши натижасида ахборотни ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар ўртасидаги масофадан қатъи назар, маълумотларни осон тарзда тарқатиш имконияти мавжуд. Сўнгги йиллардаги статистик маълумотларга кўра, дунё бўйлаб Интернет фойдаланувчилар сони 2014 йилда дунё аҳолисининг 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг октябрь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 73,2 фоизга етганлиги кузатилмоқда¹.

Шунингдек, Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари 2021 йилда аҳолининг 77,6 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 94,2 фоизга етганлиги қайд этилган². Бу эса, инсон фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан сиёсий жараёнларда фуқароларнинг иштирок даражасига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

XXI асрда Интернет технологиялари сиёсий жараёнларнинг ажралмас қисмига айланиб, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳамда демократик институтларнинг ишлаш механизмларини тубдан ўзгартирмоқда. Ушбу жараённи чуқур илмий таҳлил қилиш бугунги сиёсатшунослик ва ижтимоий фанлар учун стратегик аҳамиятга эга.

Интернет технологиялари фуқароларнинг сиёсий хабардорлигини оширишнинг асосий воситасига айланмоқда. Хусусан, Интернет орқали фуқароларга нафақат кундалик янгиликларни, балки сиёсий жараёнлар, норматив ҳужжатлар, давлат дастурлари ва қарорлар ҳақида ҳам тез ва эркин ахборот олиш имкониятлари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали нафақат давлат хизматлари ҳақида маълумот олиш мумкин, балки керакли ҳужжатлар рўйхати, хизмат кўрсатиш муддати, натижалар ва улар билан боғлиқ норматив ҳужжатлар билан ҳам танишиш мумкин.

Бу – фуқароларга сиёсий ва ҳуқуқий жараёнларни тушуниш, таҳлил қилиш ҳамда ўз қарорларини асослаш имконини беради. Порталнинг энг

¹ <https://www.statista.com/statistics/325706/global-internet-user-penetration>.

² Ўзбекистон Миллий статистика қўмитаси маълумотлари. 2025.

муҳим имкониятларидан бири – онлайн мурожаат ва шикоят юбориш. Фуқаролар ўз таклиф ва фикрларини давлат органларига тўғридан-тўғри етказиш имконини яратади, бу эса фуқароларнинг сиёсий жараёнларга фаол иштирокини оширади. Шунингдек, портал жамоатчилик ташаббуслари, онлайн сўровлар ва консультацияларда қатнашиш имконини ҳам беради, бу эса сиёсий иштирокнинг янги рақамли шакллари яратади.

Юқоридагилар исботи сифатида, ҳукумат портали орқали юборилган мурожаатлар сони 2025 йилда 1,2 млн.дан ошган, шундан 85 фоизга яқин мурожаатларга ижобий жавоб берилганлигини келтириш мумкин. Бундан кўриш мумкинки, Интернет технологиялари фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишига бевосита таъсир қилмоқда.

Шу билан биргаликда, ижтимоий тармоқлар фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишининг асосий воситаларидан бирига айланиб бормоқда. Улар орқали онлайн форумлар, гуруҳлар ва постлар шакллантирилиб, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардан хабардорлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий тармоқлар бугунги кунда сиёсий ахборотнинг энг оммавий ва тез тарқалувчи манбаларидан бири ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёшлар орасида ижтимоий тармоқлар сиёсий маълумот ва муҳокамалар марказига айланмоқда. Хусусан, АҚШдаги ёшлар (18-34 ёш) орасида 77 фоиз ижтимоий медиа платформаларини сиёсий маълумот олиш манбаи сифатида танлаши маълум бўлган. Бу уларнинг сиёсий хабардорлигини оширишда ижтимоий тармоқларнинг бевосита ролидан далолат беради¹.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар фуқароларнинг фаол сиёсий муҳокамалар учун асосий воситаларга айланмоқда. 2024 ва 2025 йилларда ўтказилган тадқиқотларга кўра ёшлар орасида ижтимоий тармоқларда сиёсий гуруҳларни кузатиш, сиёсий лидерлар ёки сиёсий контентни таҳлил қилиш каби жараёнлар фаоллашганлиги аниқланган. Ижтимоий тармоқларни сиёсий фаолият учун ишлатадиган ёшлар орасида онлайн мунозараларда қатнашиш 55 фоизга яқин, сиёсий саҳифаларни кузатиш 65 фоиз атрофида ва сиёсий контентни бўлишиш 48 фоиз даражада ошганлиги аниқланган. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий контент билан мулоқот қилаётган ёшлар ўз фикрини бошқалар билан баҳам кўриб, муҳокамаларни шакллантирадиган фаол қатнашувчиларга айланмоқда. Бунда Интернет технологиялари роли ошганлигидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Интернет технологиялари сиёсий жараёнларга ижобий таъсири билан биргаликда салбий хусусиятларга ҳам эгадир. Хусусан, Интернет ва ижтимоий тармоқларда фуқароларга тезкор сиёсий ахборотлар етказилса-да, у ерда сохта (факе) янгиликлар, манипулятив постлар ва дезинформация ҳам кенг тарқалади.

¹ <https://circle.tufts.edu/latest-research/youth-rely-digital-platforms-need-media-literacy-access-political-information>

Натижада, фуқаролар сиёсий жараёнлардан хабардор бўлиши билан биргаликда, нотўғри маълумот асосида жамиятдаги сиёсий жараёнларга нисбатан хато фикрлар шаклланишига сабаб бўлади. Глобал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий тармоқларда тарқалган сиёсий контентнинг тахминан 15-20 фоиз қисми нотўғри ёки қисман ёлғон маълумотлар бўлиб чиқади.

UNESCOнинг 2023 йилдаги маълумотларига кўра, глобал рақамли муҳитнинг тез суръатларда ривожланиши, ахборот оқимининг ҳаддан ташқари ошиши ва ижтимоий тармоқлар аудиториясининг кенгайиши натижасида медиахафсизлик масаласи давлат бошқаруви учун стратегик аҳамият касб этмоқда. Айниқса, фейк маълумотлар тарқалиши, дезинформация ва манипулятив ахборот компаниялари жамият барқарорлигига, аҳоли онги ва давлат тузилмаларига ишонч даражасига жиддий таҳдид солмоқда. Фейклар ахборотнинг шунчаки бир тури эмас, XXI асрда энг кўп муҳокама қилинаётган янги феномен сифатида унинг назарий ва амалий моҳиятини аниқлаш, тадқиқ қилиш муҳимдир¹.

2023 йилги **Vibrant Information Barometer (VIBE)** ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар ва бошқа Интернет платформалар орқали дезинформация ва нотўғри хабарлар тез-тез тарқалади ва бу ахборотлар жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳисоботда қайд этилишича, Веб саҳифаларда ва ижтимоий медиа каналларида нотўғри ёки тасдиқланмаган маълумотлар кенг тарқалади, бу эса ижтимоий фикр ва қарашларни чалғитади. Мисол учун, Қорақалпоғистон воқеалари пайтида ижтимоий тармоқларда тарқалган баъзи видеолар аслида бошқа воқеалардан олинган бўлиб, уларнинг мазмуни тўғри экани тасдиқланмаган эди².

Сиёсий жараёнларда Интернет технологияларининг қўлланилиши янги сиёсий тенденцияларни белгилаб берувчи асосий омилга айланди. Жумладан, Интернет технологиялари сиёсатчилар ва партиялар учун маълумот тарқатиш, овоз йиғиш ва сайлов компанияларини юритиш усулларини тубдан ўзгартирди. Сиёсий кампаниялар энди анъанавий оммавий ахборот воситаларидан ташқари ижтимоий тармоқлар орқали бевосита халқ билан мулоқот қилишни афзал кўрмоқда.

Рақамли платформалар ёрдамида сиёсатчилар ўз аудиториясига тўғридан-тўғри мурожаат қилади, кампанияларни тарғиб қилади ва ҳатто сайловчилардан молиявий ёрдам олади – бу классик сиёсий коммуникация моделидан кескин фарқ қилмоқда. Масалан, Доналд Трампнинг президентлик кампанияларида ижтимоий тармоқлар марказий воситага айланган. «Project Alamo» деб номланган кампания орқали Трамп жамоаси Facebook, Instagram ва бошқа платформаларда сиёсий рекламаларни мақсадли тарзда тарқатган - бу кампания сайловчиларнинг демографик маълумотларига асосланиб ҳар куни юзлаб «targeted» реклама эълонларини етказиб берган.

¹ <https://uza.uz/oz/posts/fake-news-fenomeni-va-raqamli-manipulyatsiya-rivojlanayotgan-jamiyat>

² Vibrant Information Barometer ҳисоботи, 2023. <https://www.irex.org/files/vibrant-information-barometer-2023-uzbekistan.pdf>

Бу ёндашув Трамп 2016 йилдаги ғалабасининг муҳим омилларидан бири бўлган. Ушбу жараёнлар Интернет технологияларининг сиёсий жараёнларни ўзгартирувчи омилга айланаётганлигининг яққол далили саналади.

Хукумат портали ўз фаолиятини бошлагандан сўнг, Ўзбекистонда қонун лойиҳалари ва сиёсий ташаббуслар фуқароларга тезкор етказилмоқда. Фуқаролар уларни муҳокама қилган ҳолда онлайн сўровномаларда иштирок этиб, қонун лойиҳаси ва муҳим қарорлар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқда. Сайлов жараёнларида ҳам кўриш мумкинки, Интернет технологиялари ҳамда замонавий ИТ орқали сайловчилар овозларини онлайн олиш, сайлов жараёнларини замонавий кўринишларга ўтказиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, замонавий жамиятда Интернет технологиялари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим воситага айланиб улгурди. Глобаллашув жараёни, технологик ривожланиш ва ижтимоий тармоқларнинг кенгайиши сиёсий жараёнларни тезкор ва интерактив қилиш имкониятини яратмоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали фуқаролар нафақат сиёсий янгиликлар, балки норматив ҳужжатлар, давлат дастурлари ва қарорлар билан тезкор танишиш имкониятига эга бўлмоқда. Бироқ Интернетнинг ижобий таъсири билан бирга, сохта янгиликлар, дезинформация ва манипулятив контент сиёсий жараёнларга салбий таъсир кўрсатиш жараёнлари ҳам кузатилмоқда.

Интернет технологиялари сиёсий жараёнларни трансформация қилувчи стратегик восита сифатида, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва демократик институтлар самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шу билан бирга, медиа саводхонлиги ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари сиёсий жараёнларда барқарор ва ишончли иштирокни кафолатлаш учун муҳим омил сифатида қаралмоқда.

Фаррух ШАРИПОВ, мустақил изланувчи
(Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети)

СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА TELEGRAM, FACEBOOK ВА INSTAGRAM КАБИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ЎРНИ

Сўнгги ўн йилликларда рақамли технологияларнинг глобал миқёсда ривожланиши сиёсий коммуникациянинг анъанавий тузилмаларини сезиларли даражада ўзгартирди. Ижтимоий медианинг пайдо бўлиши фуқароларнинг янгиликлар ва сиёсий ахборотга кириши, уни истеъмол қилиши ҳамда сиёсий дискурсда иштирок этиши учун янги механизмларни яратди. Хусусан, Facebook, Instagram ва Telegram каби платформалар жамиятнинг сиёсий ҳаётида марказий кучга айланиб, маргиналлашган жамоаларга ўз фикрларини эркин билдириш ва қарашлари ўхшаш бўлган

инсонлар билан алоқа ўрнатиш имконини берди. Бу ҳолат ижтимоий медиани сиёсий мақсадларга эришиш, жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва сиёсий қарорларга таъсир ўтказишда самарали восита сифатида тасдиқламоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви ва сиёсий жараёнларни рақамлаштириш йўлида фаол ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатда Интернет кириб бориш даражаси юқори бўлиб, 2024 йил бошига келиб 29,5 млн. нафар фойдаланувчи ёки аҳолининг 83.3 фоиз Интернетдан фойдаланади.

Шу билан бирга, ижтимоий медиа фойдаланувчилари сони 8,7 млн.га етган². Бу рақамли инфратузилма сиёсий ташкилотлар (*Парламентнинг икки палатаси ва партиялар*) учун янги коммуникация парадигмасини яратди. Ахборот истеъмолидаги энг муҳим хусусият эса, Telegram мессенжерининг мутлақ доминантлигидир, у Интернет фойдаланувчиларининг 95 фоизини қамраб олади ва асосий янгилик тарқатиш каналига айланган³.

Сиёсий ташкилотлар бу динамик муҳитда анъанавий медиа мантиғидан тармоқ мантиғига ўтишда қандай функционал стратегияларни қўлламоқдалар. Сиёсий ташкилотлар ахборотни фақат ТВ ёки газеталар орқали эмас, балки тармоқлар орқали, интерактив ва сегментлашган тарзда тарқатишга мажбур бўлмоқда.

Маълумот ўринда: Бу ибора ахборот маконида содир бўлаётган катта ўзгаришни билдириш учун қўлланилади. **Медиа мантиғи (media logic)**, яъни анъанавий ахборот тарқатиш қонуниятлари, бу – анъанавий оммавий ахборот воситаларига (*телевидение, радио, газета*) хос қоидалар, ишлаш тартиби, контентни тарқатиш услуги. Унинг асосий хусусиятлари сифатида бир томонлама ахборот (*канал-аудитория*) бериш, марказлашган назорат, қандай маълумот чиқишига муҳаррирлар қарор бериши ва оммавий, умумий мессежлар кўринишида намоён бўлишини кўрсатиш мумкин.

Тармоқ мантиғи (network logic), ижтимоий тармоққа асосланган коммуникацион модель бўлиб, бу – ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, онлайн платформаларга хос ишлаш тартиби. Унинг асосий хусусиятлари: кўп томонлама коммуникация (*ҳамма-ҳамма*), тармоқ орқали тез тарқалиш, децентрализация (*марказий назорат йўқ*), аудитория бўлиниб кетган, ҳар бир микроғуруҳга алоҳида мессеж ҳамда бу ерда фойдаланувчи ҳам ахборот яратади.

Шунингдек, уларнинг фаолияти дезинформация, ахборот хаоси ва сиёсий поляризация каби тизимли хатарлар шароитида қандай баҳоланади. Ижтимоий медианинг сиёсий дискурсдаги ўрнини концептлаштириш кўп жиҳатдан демократия назарияси билан боғлиқдир. Аксарият демократик назариялар инсонларнинг қарор қабул қилиш

¹ Editorial: Social media and political participation: unpacking the role of social media in contemporary politics - PMC - PubMed Central.

² Digital 2024: Uzbekistan – DataReportal – Global Digital Insights. datareportal.com

³ Uzbekistan SMM Strategies and Social Network Insights. russia-promo.com.

жараёнларида иштирок этиш ғоясини қўллаб-қувватлайди, бу **иштирокчи демократия** (*participatory democracy*) деб аталади. Бу назариянинг марказида жамоатчиликнинг ёки фуқароларнинг масалаларнинг ижобий ва салбий томонларини оқилона баҳолашдаги роли туради¹.

Ижтимоий тармоқлар, айниқса, Facebook, Instagram ва Telegram каби платформалар фуқароларга реал вақтдаги муҳокамаларда қатнашиш, сиёсий контентни чекловсиз истеъмол қилиш ва уни географик чегараларсиз тарқатиш имконини беради. Бу, айниқса, сиёсий ташкилотлар томонидан қўлланилганда, жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва сиёсий мақсадларга эришиш учун янги, тезкор каналлар яратади. Ижтимоий медианинг бу роли замонавий демократияда ўта муҳим кучга айланмоқда, чунки дунё бўйлаб кўплаб одамлар янгиликлар ва ахборот олишда бевосита уларга таянадилар².

Сиёсий коммуникациядаги технологик ривожланиш 1990 йиллардан бошлаб жадал ўзгаришларга дуч келди. Анъанавий медиа (*матбуот ва телевидение*) асосан медиа мантиғига асосланган бўлиб, у юқоридан-пастга йўналтирилган (*top-down*) моделни акс эттирган. Бу моделда журналистлар ва медиа каналлар сиёсий манбалар ва аудитория ўртасида ахборотни назорат қилувчи ва тартибга солувчи (*gatekeeper*) сифатида фаолият юритган.

Медиа сиёсий партиялар ва жамоатчилик ўртасида филтр вазифасини бажарган. Сиёсий акторлар аудиторияга тўғридан-тўғри чиқолмаган, фақат медиа орқали етиб борган.

Маълумот ўрнида: Gatekeeper - бу асосан АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларига хос бўлган классик XX аср сиёсий коммуникация моделидир. CNN, Fox News каби 24 соатлик ахборот телеканаллари пайдо бўлди. Журналистлар сиёсий ахборотни филтрловчи ва назорат қилувчи «*gatekeeper*» сифатида ижтимоий роль ўйнади. Медиа мантиғи сиёсатни шакллантирувчи асосий механизмга айланди. Шу боис, сиёсий коммуникацияда «*media logic*» атамаси аввало АҚШда ишлатила бошлаган.

Рақамли инқилоб натижасида бу модель тармоқ мантиғи (*network logic*) билан кенгайтирилди, бу горизонтал ва интерактив алоқаларни назарда тутди. Ижтимоий тармоқлар сиёсий коммуникацияни юқоридан-пастга намуналардан интерактив намуналарга ўтказди. Бироқ амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аксарият давлатларда ҳукумат ва сиёсий ташкилотлар коммуникацияси ҳали ҳам аралаш мантиққа (*медиа ва тармоқ мантиқларининг биргаликда ишлатилиши*) амал қилади. Масалан, Facebookдаги расмий саҳифалар кўпинча шахсий брендинг учун юқоридан-пастга канал сифатида хизмат қилса, Telegram каби платформалар (*тармоқнинг тезкорлигидан фойдаланган ҳолда*) ахборот алмашинувини таъминлайди ³ . Бу сиёсий ташкилотларнинг анъанавий назорат

¹ Social Media Effects: Hijacking Democracy and Civility in Civic Engagement – PMC. [pmc.ncbi.nlm.nih.gov](https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/).

² Editorial: Social media and political participation: unpacking the role of social media in contemporary politics - PMC - PubMed Central. [pmc.ncbi.nlm.nih.gov](https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/).

³ Social media in political communication - DiVA portal. [diva-portal.org](https://portal.diva.org/).

функцияларини янги рақамли шаклларга мослаштиришга уринаётганини англатади.

Ахборот медиасининг парчаланиши ва ижтимоий медиада дезинформациянинг тарқалиши сиёсий поляризациянинг кучайишига олиб келувчи асосий тизимли хатар ҳисобланади.

Тадқиқотлар сиёсий қутбланишнинг иккита асосий шаклини ажратиб кўрсатади:

идеологик поляризация (*сиёсий фикрларнинг кескин ажралиши*);

аффеktiv поляризация (*сиёсий гуруҳлар орасидаги ҳиссий душманликнинг кучайиши*).

Тизимли таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўз қарашларига мос келадиган (*pro-attitudinal*) медиа контентни истеъмол қилиш идеологик ва аффеktiv поляризацияни кескинлаштиради. Ўзбекистон контекстида бу жараён ўзига хос тарзда кечади. Сиёсий тизимда поляризация асосан расмий ахборот манбалари (давлат каналлари) ва танқидий ёки муҳолифат овозлари (*кўпинча чет элдаги ёки тақиқланган ижтимоий тармоқ каналлари*) ўртасидаги ишончсизлик ва аффеktiv ажралиш сифатида намоён бўлади¹. Ижтимоий тармоқлар бу бўлинишни чуқурлаштирувчи асосий восита бўлиб хизмат қилади, бу эса ахборот маконининг фрагментациясига олиб келади.

Ўзбекистонда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши сиёсий ташкилотлар учун деярли бутун мамлакатни рақамли тарзда қамраб олиш имкониятини яратди. 2024 йил бошидаги маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчилари 29.5 млн.га етган (*аҳолининг 83.3 фоизи*). Умумий ижтимоий медиа фойдаланувчилари сони эса, 8.7 млн.ни ташкил этади, бу аҳолининг 24.6 фоизига тенг.

Сиёсий коммуникацияда муҳим бўлган 18 ёшдан ошган фойдаланувчилар сони 7.50 млн.га яқин бўлиб, бу катта ёшдаги аҳолининг 32.6 фоиз қамраб олади. Ижтимоий медиа фойдаланувчиларининг 63 фоизини эркалар ва 37 фоизини аёллар ташкил этади². Бу гендер тақсимооти шуни кўрсатадики, сиёсий ташкилотларнинг асосий ахборот каналларидаги коммуникация стратегиялари эркалар аудиториясида нисбатан устун бўлиши мумкин. Хотин-қизларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги эса, кўпроқ визуал ва аффеktiv контентга йўналтирилган Instagram каби платформаларда кузатилиши мумкин. Шу сабабли, сиёсий ташкилотлар коммуникацияни режалаштиришда гендер дисбалансини ҳисобга олишлари талаб этилади.

Ўзбекистоннинг рақамли маконидаги платформалар улуши ва функционал афзалликлари сиёсий коммуникацияни шакллантирувчи асосий омил ҳисобланади.

¹ The role of (social) media in political polarization: a systematic review. tandfonline.com.

² Digital 2024: Uzbekistan – DataReportal. Global Digital Insights. datareportal.com.

1-жадвал. Ўзбекистон рақамли экологиясининг асосий кўрсаткичлари (2024 йил)¹.

Кўрсаткич	Рақам	Аҳолига нисбатан фоиз
Интернет фойдаланувчилари	29.52 млн.	83.3 фоиз
Ижтимоий медиа фойдаланувчилари	8.70 млн.	24.6 фоиз
Facebook реклама аудиторияси	2.15 млн.	N/A
Telegram камрови (Интернет фойдаланувчилари орасида)	N/A	95 фоиз
Instagram бозор улуши	N/A	42.82 фоиз

Telegram Ўзбекистондаги Интернет фойдаланувчиларининг 95 фоизини қамраб олиш билан мутлақ доминант ҳисобланади. Ушбу мессенжер нафақат шахсий мулоқот, балки янгиликлар ва кўнгилочар контентни улашишда ҳам асосий восита сифатида хизмат қилади. Кўплаб (174 минг) маҳаллий каналларнинг мавжудлиги маҳаллийлаштирилган ва ўзбек тилидаги контентнинг устунлигини таъминлайди².

Statcounter маълумотларига кўра, Instagram энг катта бозор улушига эга бўлиб, 42.82 фоизни ташкил этади, Facebook эса 23.92 фоиз эгаллайди³. Facebookнинг реклама аудиторияси 2.15 млн. фойдаланувчини ташкил этса-да, бу кўрсаткич 2023 йил охиридан 2024 йил бошигача биров камайган (-2.3 фоиз)⁴. Шунга қарамай, сиёсий ташкилотлар ахборотни тарқатиш тезлиги учун Telegramга, имиж ва визуал алоқа учун эса Instagram ва Facebookга таянадилар.

Фуқароларнинг ижтимоий тармоқлардаги сиёсий жараёнлардаги интерактив фаоллиги юқори даражада. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, респондентларнинг 48 фоиз онлайн овоз бериш, изоҳлаш ва сиёсий контентни қайта жойлаштиришда (repost) иштирок этади. Бундан ташқари, 34 фоиз респондентлар сиёсий мазмундаги шахсий блогларни юритадилар⁵.

Бу фаоллик даражаси сиёсий ташкилотлар учун жамоатчилик билан бевосита алоқа ўрнатиш ва уларни қарор қабул қилиш жараёнларига жалб қилиш учун кенг имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Бироқ Марказий Осиёдаги баъзи минтақалардаги каби, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий ва лингвистик омиллар фуқароларнинг глобал сиёсий муҳокамаalarda тенг иштирок этишини чеклаши мумкин. Шу сабабли, сиёсий ташкилотлар маҳаллийлаштирилган ва миллий тилдаги контентга устуворлик беришлари, айниқса, Telegram орқали тарқатилаётган хабарларнинг ўзбек тилида эканлигига эътибор қаратишлари муҳимдир⁶.

¹ Муаллиф томонидан datareportal.com., russia-promo.com., gs.statcounter.com. сайтлари таҳлили орқали тузилган.

² Uzbekistan SMM Strategies and Social Network Insights. russia-promo.com.,

³ Social Media Stats Uzbekistan. gs.statcounter.com.

⁴ Uzbekistan – irex. irex.org.

⁵ Social Media and Political Communication: Studying the Interactive Component. ejecs.org.

⁶ Uzbekistan SMM Strategies and Social Network Insights. russia-promo.com.

Маълумки, сиёсий ташкилотларнинг рақамли стратегиялари ҳар бир платформанинг ўзига хос мантиғи ва аудитория хусусиятларига мослаштирилади.

Telegram Ўзбекистонда асосий хабар етказувчи восита сифатида хизмат қилади. Унинг энг муҳим функционал роли тезкор ва марказлаштирилган ахборотни тарқатишдир. Йирик расмий каналлар (*Huquqiy axborot, UzA*) ва йирик медиа каналлар (*Kun.uz, Gazeta.uz, Daryo*) 15 сиёсий ташкилотларнинг расмий баёнотларини, қонунчилик янгиликларини ва муҳим бошқарув қарорларини аҳолининг 95 фоиз жуда тез етказишда асосий канал ҳисобланади.

Сиёсий субъектлар Telegramда тарғибот учун ёки Telegram Ads Managerдан фойдаланадилар, ёки аудиторияси катта бўлган хусусий каналлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қиладилар. Бу стратегия ахборотни кўпайтириш (diffusion) функциясини амалга оширишга қаратилган бўлиб, коммуникация кўпроқ юқоридан-пастга йўналтирилган (*broadcast-centric*) характерга эга. Яъни, анъанавий медианинг гейткиперлик мантиғи рақамли форматда қайта тикланади. Сиёсий ташкилотлар Telegram орқали асосий эътиборни мурожаатнинг тезлиги ва қамровига қаратадилар, интерактив мулоқотни эса сўровномалар ёки чек-листлар каби чекланган форматларда қўллаб-қувватлайдилар.

Facebook ва Instagram сиёсий коммуникацияда Telegramнинг тезкор янгиликлар ролидан фарқли ўлароқ, иккиламчи, лекин стратегик жиҳатдан муҳим функцияларни бажаради.

Facebook сиёсий ташкилотлар ва элиталар учун кенгроқ, таҳлилий контентни жойлаштириш, мунозаралар учун майдон яратиш ва шахсий брендлаштиришда қўшимча канал сифатида хизмат қилади. Бу платформадан сиёсатчилар кўпинча анъанавий оммавий ахборот воситаларини четлаб ўтиш ва ўз хабарларини бевосита аудиторияга етказиш учун фойдаланадилар¹.

Instagramнинг бозор улуши (42,8 фоиз) ёш аудитория билан ишлашда муҳим саналади². Унинг асосий роли визуал коммуникация орқали сиёсий имижни шакллантиришдир. Бу платформа сиёсий контентни соддалаштириш, сиёсатчиларнинг инсоний қиёфасини кўрсатиш ва эмоциялар орқали аффектив алоқа ўрнатишга қаратилган. Хотин-қизлар аудиториясининг Instagram ва Facebookда нисбатан фаолроқ бўлиши мумкинлиги инобатга олинса, бу платформалар гендер жиҳатдан аниқ мақсадли коммуникация учун муҳим восита ҳисобланади.

Иккала платформанинг биргаликда қўлланилиши сиёсий ташкилотлар учун мураккаб, кўп каналли коммуникация стратегиясини яратишга имкон беради.

¹ Social media in political communication - DiVA portal. diva-portal.org.

² Social Media Stats Uzbekistan. gs.statcounter.com.

Сиёсий ташкилотлар коммуникациясида асосий платформаларнинг функционал дифференциацияси:

Платформа	Асосий сиёсий функция	Тармоқ мантиғи хусусияти	Аудитория фокуси	Стратегик мақсад
Telegram	Тезкор ахборот тарқатиш ва сафарбарлик	Broadcast-Centric (Юқоридан-пастга)	Кенг ва янгиликларни истеъмол қилувчи (95 фоиз)	Қамров ва хабардорликни ошириш
Instagram	Сиёсий имижни (брендни) шакллантириш	Визуал ва аффектив	Ёш, визуал контентни афзал кўрувчи	Эмоционал алоқа ва содқликни ошириш
Facebook	Делибератив (муҳокама) ва таҳлилий контент	Аралаш (Network/Media Logic)	Кичикроқ, кенгроқ фикр алмашинувига мойил	Сиёсий мунозарани йўналтириш

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари рақамли платформалардан фаол фойдаланмоқда. Жумладан, улар қуйидаги мақсадлар учун хизмат қилмоқда:

- сиёсий хабарларни тарқатиш;
- янги тарафдорларни жалб қилиш;
- жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш;
- онлайн-сўровлар ва маслаҳатлар ўтказиш;
- дастурлар ва ҳисоботларни визуал шаклда тақдим этиш.

Айниқса, 2024 йилги сайловлар арафасида рақамли электорал маркетинг ўсиши кузатилди. Шу даврда партияларнинг Telegram ва Instagram даги расмий саҳифалари нафақат агитация воситаси, балки фуқаролар билан икки томонлама мулоқот имкониятига айланди. Бунга мисол сифатида 2023-2024 йиллар сайлов кампанияси давомида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг Telegram каналини келтириш мумкин. У очиқ ахборот беришни ва сиёсий жараённи реал вақт режимида мониторинг қилишни таъминлади¹.

Маълумки, ижтимоий тармоқларнинг сиёсий коммуникациядаги ролини тизимли баҳолаш унинг бошқарув хавфсизлигига ва жамият барқарорлигига етказиши мумкин бўлган хатарларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг ахборот макони дезинформация ва фейк хабарлар тарқалишига мойил. Бу айниқса, 2022 йилда Қорақалпоғистон воқеалари ва Украинадаги уруш каби юқори сиёсий кескинлик даврларида яққол намоён бўлди. Бу ҳодисалар ижтимоий медида ахборот хаоси ва қарашларнинг поляризациялашувини келтириб чиқарди.

Дезинформациянинг тез тарқалишидаги асосий сабаблардан бири Telegram нинг тезкор, лекин кам назорат қилинадиган тарқатиш хусусиятидир. Бу мессенжерда ёлғон ёки бир томонлама ахборотнинг кенг ва тез тарқалиши

¹ <https://www.elections.uz>

учун мукамал муҳит яратилади. Расмий ташкилотлар ўзларининг юқори қамровли каналларидан фойдаланган ҳолда проактив чоралар кўрмаса, ахборот вакууми тезда фейк янгиликлар билан тўлдирилиши мумкин.

Ижтимоий медидаги муҳит про-позицион контентни устувор қилиш орқали аффектив поляризацияни кучайтиради. Ўзбекистон каби кўппартиявий тизимларда бу поляризация сиёсий элиталар орасидаги келишмовчиликдан кўра, расмий ахборот манбалари ва танқидий овозлар ўртасидаги ишончсизликнинг чуқурлашуви сифатида намоён бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг сиёсий дискурсдаги юқори интерактив фаоллиги (48 фоиз онлайн овоз бериш ва изоҳ ёзишда иштирок) ҳар доим ҳам конструктив натижа бермайди. Аксинча, ижтимоий тармоқлар ижтимоий бирлик ўрнига, ахборотнинг бўлинишига ва жамоатчиликнинг сиёсий масалаларда рационал консенсусга эришиш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади. Бу давлат бошқаруви учун жиддий тизимли хавф бўлиб, қабул қилинаётган қарорларга фуқароларнинг рационал баҳо бериш имкониятига путур етказиши мумкин¹.

Ташқи таъсир механизмларининг таҳлили шуни кўрсатадики, дунёнинг турли хил давлатлари ижтимоий медиани кузатув ва тарғибот учун ҳам фаол қўллайдилар. Ўзбекистонда ҳам экстремизм ва терроризмни тарғиб қилувчи деб топилган Telegram каналлари суд қарорлари билан тақиқланган рўйхатга киритилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон медиа макони ташқи акторларнинг таъсирига очиқ бўлиб қолади. Айниқса, Россия давлат мулки медиаларининг ижтимоий тармоқлар орқали ўзаро алоқалар ёрдамида Ўзбекистоннинг миллий маънавий тасаввурини формаллаштиришга уриниш имкониятлари мавжуд². Сиёсий ташкилотлар ўз коммуникация хавфсизлигини таъминлаш учун бундай ташқи таъсирларни тизимли равишда мониторинг қилишлари ва уларга қарши туриш стратегияларини ишлаб чиқишлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистондаги сиёсий ташкилотларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга. Улар Telegram ни асосий ахборот тарқатиш ва хабардорликни таъминлаш канали сифатида қўллайдилар, бу модель анъанавий медианинг юқоридан-пастга йўналтирилган мантиғини рақамли форматда қайта тиклайди. Шу билан бирга, Instagram ва Facebook визуал брендинг ва мақсадли аффектив алоқа учун муҳим восита сифатида дифференциация қилинган.

Сиёсий ташкилотлар учун энг катта тизимли хавф ижтимоий тармоқлар томонидан кўзғатиладиган аффектив поляризация ва дезинформация тўлқинларидир. Бу омиллар жамиятда ижтимоий фрагментацияни кучайтириб, давлат бошқаруви қарорларига бўлган ишончни сусайтириши мумкин.

¹ Social Media Effects: Hijacking Democracy and Civility in Civic Engagement – PMC. pmc.ncbi.nlm.nih.gov.

² Uzbekistan: Media Ownership and Potential Foreign Influence Channels – AidData. aiddata.org.

Тизимли хатарларни юмшатиш ва сиёсий коммуникация самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон сиёсий ташкилотларига куйидаги тавсиялар берилиши мумкин:

1. Интерактив мулоқотни кучайтириш. Telegram да бир томонлама тарғиботни камайтириб, фуқаролар саволларига тез ва очиқ жавоб берувчи интерактив усулларни жорий этиш. Жамоатчилик билан алоқани яхшилаш учун чат-бот ва аналитик воситалардан фойдаланиш.

2. Медиа саводхонлик ва контент сифатини ошириш. Мақсадли аудиторияда танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва Telegram даги сиёсий контент сифати устидан мунтазам мониторинг олиб бориш.

3. Кризис вазиятларида тезкор расмий ахборот. Ахборот вакуумини олдини олиш учун расмий ташкилотлар Telegram орқали фактларга асосланган расмий маълумотни биринчи бўлиб ва кечиктирмасдан тарқатиши керак.

4. Эмоционал контентни масъулиятли қўллаш. Instagram ва Facebook да ҳиссий материаллардан фойдаланганда жамиятда поляризацияни кучайтирмасликка эътибор бериш. Аффектив тенденцияларни мониторинг қилиш орқали ижтимоий бирликни қўллаб-қувватловчи контентни шакллантириш.

Санжарбек ШОНАЗАРОВ, магистрант
(Ўзбекистон миллий университети)

БЛОГОСФЕРАНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Сўнгги йилларда глобаллашув ва рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ахборот маконида туб ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Айниқса, Интернет ва ижтимоий тармоқлар бугунги кунда инсон ҳаётининг барча соҳаларига, жумладан, сиёсий жараёнларга ҳам кучли таъсир кўрсата бошлади. Ана шу жараёнда блогосфера алоҳида ижтимоий-сиёсий феномен сифатида намоён бўлмоқда. Ўзи блогер ким? Блогосфера нима?

Блогер – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс¹.

Блогосфера - бу блоглар ва блогерлар фаолиятдан иборат ахборот муҳити бўлиб, у анъанавий оммавий ахборот воситаларига муқобил равишда жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий воқеликни талқин қилиш ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг 560-II-сонли «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент. 2003. (янги таҳрири)

муҳокама қилиш имкониятини яратади. Шу боис, блогосферанинг сиёсий жараёндаги ўрни ва ролини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда замонавий сиёсий жараёнларда блогосфера муҳим роль ўйнайди, чунки у анъанавий ОАВдан фарқли равишда, ҳар бир фуқарога ўз ахборотини ўзига мос талқинда эшитиш имконини беради. Глобал миқёсда блогосфера сиёсий муҳокамаларни кенгайтириб, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширади, лекин айти пайтда фейк янгиликлар ва иғво тарқатиш хавфини ҳам келтириб чиқаради. Блогерлик фаолияти бугунги кундаги энг сердаромад соҳалардан бирига айланган. Ҳозирда блогер бўлиш учун тегишли маълумот талаб этилмайди. Яхши телефон ва сермазмун нутқ (ёки бачканалик) бўлса шуни ўзи етарли.

Ўзбекистонда бугунги кунда блогерлик соҳасини тартибга соладиган ва айнан блогерлар фаолияти тўғрисидаги махсус қонун ишлаб чиқилмаган. Мазкур соҳани тартибга солувчи ҳозирда амалда мавжуд бўлган ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (33-моддаси. ...*Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга...*) бу Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-560-II-сонли «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги 402-I-сон «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда блогер тушунчаси, ахборот олиш ва айрим нормалар келтирилган.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун нуқтаи назаридан айтсак, ижтимоий тармоқ фойдаланувчисига тегишли бўлган, шахсий, маълум бир мавзу доирасида янгилик ёки фикр чоп этиладиган, онлайн саҳифа сифатида фойдаланиладиган ҳар бир саҳифа блог ўрнига ўтади ва унинг эгаси блогер саналади. Демак, **«Telegram», «Facebook», «Instagram», «Одноклассники», «Twitter», «ВКонтакте»** ва бошқа ижтимоий тармоқларда очилган шахсий саҳифа, гуруҳлар ва каналлар ҳам блог ҳисобланади.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 121-моддасига кўра, «Веб-сайт эгаси, журналист ва блогер Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга ундовчи ва бошқа қонунан тақиқланган материалларни тарқатиши тақиқланган».

Таъкидлаш жоизки, блогларнинг кенг тарқалиши ўтган асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмидан бошланган. Биринчи блог 1994 йилда пайдо бўлган, аммо тадқиқотчилар ҳали ҳам биринчи блогни ким яратганлиги ҳақида баҳслашиб келмоқдалар. 2004 йилги маълумотларга кўра, дунё бўйлаб жами 4 млн.дан ортиқ, 2008 йилги маълумотларга кўра эса, 133 млн.дан ортиқ блог рўйхатдан ўтган. Яъни, 4 йил ичида блоглар сони 33 баравар кўпайганини кўрсатади. Мазкур болглларнинг ярмидан кўпи реклама мақсадида яратилган¹.

¹ <https://www.xabar.uz/uz/jamiyat/ozbekistonda-blogosfera-va-bloggerlik-faoliyati-qanday-kechayapti>

Бугунги кунда блогосфера сиёсий муҳокамаларнинг фаол қатнашчисидир. Блогерлар сиёсий воқеаларни тезкорлик билан шарҳлайди, анъанавий ОАВдан фарқли ўлароқ, ўқувчиларга маълумотларни исталган жойда ва исталган вақтда бериш имконияти мавжуд. Биргина мисол, бугунги кунда Ўзбекистондаги мавжуд 5 та партиянинг аъзоларининг умумий йиғиндиси 5 млн.дан ошқни ташкил этмайди. Аммо ўзбек шоу-бизнесининг ижтимоий тармоқлардаги энг фаол ва оммабоп юлдузларидан бири Дурдона Қурбонованинг «Instagram» (@durdona_qurbonova) обуначилари сони бугунги кунда 6 млн.дан ортиқни ташкил этади.

Бугунги шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, фуқароларга (электоратга) сиёсий янгиликларни анъанавий усуллар, яъни давра суҳбати, учрашувлар, расмий ОАВлари орқали бериш жараёнида расмий услубдан фойдаланилганлиги учун, бу маълумотлар электоратга зерикарли ва қизиқарсиз туюлади. Шу сабабли бугунги кунда Ўзбекистонда фаол бўлган блогерлар имконияти орқали фойдаланилган маълумот. Блогосфера сиёсий коммуникацияда анъанавий ОАВ билан ўзаро алоқада бўлади, бу эса ахборот тарқатишни бойитади. Шахсий блоглар одамларга ўз сиёсий ва ижтимоий муаммоларини ифода этиш имконини беради, бу эса сиёсий фаолликни оширади.

Блогосферанинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

ахборот тарқатишда тезкорлик; таҳрирнинг нисбатан камлиги;
интерактивлик ва фикр алмашиш имконияти;
аудитория билан тўғридан-тўғри мулоқот.

Мазкур хусусиятлар блогосферани сиёсий жараёнларни ёритиш ва уларга таъсир кўрсатишда самарали воситага айлантирди. Блогерлар эса, сиёсий қарорлар юзасидан жамоатчилик муносабатини шакллантиради. Ҳокимият ва жамият ўртасида ахборот кўпригини яратади; расмий ахборотларни таҳлил ва танқид қилади. Натижада, блогосфера сиёсий жараёнларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда блогосфера 2000 йиллар бошидан ривожлана бошлаган. 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сонли қонунининг 3 ва 12-моддаларида эса, веб-сайт ва веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан, блогер тарқатиши тақиқланган ахборот материаллари турларининг рўйхати белгилаб қўйилган.

Ўзбекистондаги блогосфера сўнги пайтларда қуйидаги асосий вазифаларни бажариш орқали сиёсий жараёнда муҳим ўрин эгалламоқда:

Жамоатчилик назорати. Блогерлар ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари долзарб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни, хусусан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятидаги камчиликлар, коррупция ҳолатларини тезкорлик билан ёритиб, танқидий муносабат билдиришмоқда.

Очиқлик. Блогосфера давлат органлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Блогерларнинг фаоллиги натижасида 2018 йилга нисбатан 2020 йилда

давлат органларининг танқидий материалларга муносабат билдириш кўрсаткичи сезиларли даражада ошган.

Фуқароларнинг сиёсий онгини ошириш. Ижтимоий тармоқлар сиёсий ахборотни тарқатиш, долзарб мавзуларни муҳокама қилиш ва фуқароларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш учун замонавий платформа вазифасини бажармоқда. Бу, айниқса, ёшларнинг сиёсий онги ва фаоллигини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Давлат ва фуқаро орасида кўприк. Блогерлар кўпинча аҳоли муносабатларини йиғиб, уларни тегишли давлат органларига етказишда кўприк вазифасини ўтайдилар, бу эса «халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойилнинг амалдаги ифодаси бўлмоқда.

Ўзбекистонда блогосферанинг сиёсий жараёндаги ижобий ролига қарамай, унинг ривожланиши йўлида бир қатор муаммолар ҳам кузатилмоқда. Хусусан, айрим қўштирноқ ичидаги блогерлар ўз манфаатларини халқ манфаати қилиб кўрсатиб, моддий бойлик ва халқ ишончини қозонишга ҳаракат қилиб келмоқда. Шу сабабли «уддабурон» блогерлар манипуляция ва дезинформация – ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий жараёнларга таъсир этувчи ёлғон маълумотлар тарқатиш эҳтимоли мавжуд.

«Блогосфера 5-ҳокимият», яъни, Ўзбекистоннинг демократик модернизациялашув жараёнида блогосфера сиёсий жараённинг ажралмас ва муҳим қисмига айланди. Сиёсий партиялар бугунги кунда «Z ва B авлод»га сиёсий янгиликларни ўз вақтида улар қизиқишларига мос равишда етказиш учун улардек ўйлашлари ва уларнинг услубларида етказмоғи керак. Бу мақсадга эришишда энг қулай йўл бу Интернет ва унда фаол бўлган блогерлар имкониятидан фойдаланиш.

Мисол учун бугунги кундаги энг фаол бўлган блогерлар Жаҳонгир Хўжаев (@Jahongir_xojaev: *обуначилари 6.3 млн.*), Бобур Мансуров (@boburmansurov: *обуначилари сони 2.8 млн.*) обуначилари барча партиялар аъзоларидан кўп. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, 6 млн.лик обуначига эга бўлган бир блогер, 5 та сиёсий партияга қараганда кўпроқ одамларни маълум бир сиёсий партия атрофида бирлаштириши ва ҳаракатга келтириши мумкин. Шу сабабли ижтимоий тармоқларда фаол бўлган блогерлар имкониятидан сиёсий жараёнларни аҳолига, айниқса ёш авлодга етказиш мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Блогосфера жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ошкораликни таъминлаш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда катта роль ўйнамоқда. Блогосферанинг келгусидаги самарали фаолияти ва сиёсий жараёнга ижобий таъсирини таъминлаш учун сўз эркинлигини янада кафолатлаш, блогерлар ва давлат органлари ўртасидаги конструктив мулоқотни кучайтириш, ҳамда ахборот маконида этик ва ҳуқуқий нормаларга риоя қилинишини таъминлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Олимжон ЖУРАЕВ, ведущий специалист
(Генеральная прокуратура Республики Узбекистан)

ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ПЛАТФОРМ В ИЗБИРАТЕЛЬНЫХ КОМПАНИЯХ

За последние два десятилетия глобальное политическое пространство претерпело фундаментальные изменения, обусловленные стремительной цифровизацией общества. Если в начале 2000-х годов Интернет воспринимался политтехнологами исключительно как вспомогательный канал, выполняющий функцию цифрового архива для пресс-релизов и предвыборных программ, то сегодня ситуация радикально изменилась.

Мы наблюдаем не просто смену носителя информации, а трансформацию самой природы взаимодействия между кандидатами, партиями и электоратом. Современные политические организации, кандидаты и общественные активисты активно используют социальные сети, платформы анализа данных, инструменты таргетированной рекламы и видеохостинги, что позволяет не только расширять охват аудитории, но и выстраивать принципиально новые модели политического влияния. Как отмечает Мануэль Кастельс, коммуникация стала центральным ресурсом власти, а сетевое пространство превратилось в основную арену политической борьбы¹.

Для полного понимания текущих процессов необходимо обратиться к концепции гибридных медиасистем, разработанной Эндрю Чедвиком². Согласно этой теории, старые и новые медиа не существуют изолированно, а находятся в состоянии сложного взаимодействия, где они одновременно конкурируют за внимание аудитории и взаимно усиливают друг друга. Это означает, что современный избиратель находится в сложной, постоянно меняющейся информационной экосистеме. Инфоповод, зародившийся в Telegram-канале или TikTok, может быть подхвачен и легитимизирован традиционным телевидением, и наоборот.

Данный сдвиг ознаменовал собой переход от массовой коммуникации (*broadcasting*), характерной для эпохи доминирования ТВ и прессы, к сетевой коммуникации (*narrowcasting*), ориентированной на узконаправленные аудитории. В доцифровую эпоху крупные медиахолдинги выполняли роль «привратников» (*gatekeepers*), фильтрующих повестку; сегодня эта функция частично перешла к алгоритмам ранжирования самих социальных платформ, которые решают, какой контент будет увиден пользователем.

Ключевое отличие современной кампании, начиная с середины 2010-х годов, заключается в интенсивном использовании больших данных (Big Data) для предельно точной сегментации и микронацеливания

¹ Castells M. Communication Power. Oxford University Press, 2009. – P.11.

² Chadwick A. The Hybrid Media System: Politics and Power. Oxford University Press, 2017.

(microtargeting). Цель состоит в том, чтобы уйти от дорогостоящей и малоэффективной ковровой рекламы к персонализированному сообщению.

Политические штабы собирают и анализируют массивы данных о пользователях, включая их демографические, географические, потребительские и, что самое важное, психографические характеристики. Если демография позволяет таргетировать рекламу на *«мужчин 30-45 лет с высшим образованием»*, то психография, основанная на лайках, подписках и времени пребывания на страницах, позволяет адресовать сообщения *«тревожным мужчинам, которые ценят стабильность и скептически относятся к миграционной политике»*.

Эти данные используются для создания так называемых «темных постов» (dark posts) рекламных сообщений в социальных сетях, которые видны только узкой, четко определенной целевой группе и остаются невидимыми для широкой публики и, что критично, для оппонентов и журналистов. Этот инструмент позволяет кандидату транслировать потенциально противоречащие друг другу меседжи разным сегментам электората без риска быть пойманным на непоследовательности. Как подчеркивает Дж. Туруо, новая рекламная индустрия не просто продает товары, но определяет идентичность и политические предпочтения пользователей¹.

Эволюция цифровых кампаний проходила через несколько этапов. Начало было положено в 2008 году в кампании Барака Обамы, которая впервые использовала Интернет не только для сбора пожертвований и добровольцев, но и для построения уникальной базы данных избирателей. Это был первый прорыв в сторону data-driven политики. Впоследствии, в 2016 году, компания Дональда Трампа продемонстрировала, как агрессивное, децентрализованное использование Twitter, подпитываемое вирусными мемами и прямым, нефiltroванным общением с базовым электоратом, может дестабилизировать традиционный политический нарратив и сломать медийные правила².

Однако хрестоматийным примером «цифрового переворота» на постсовецком пространстве стала компания Владимира Зеленского в 2019 году в Украине. Успех его штаба был обусловлен полным отказом от классических канонов политической борьбы, таких как дебаты, телеинтервью и массовые митинги. Вместо этого стратегия строилась на геймификации и создании эффекта симулякра. Благодаря сериалу *«Слуга народа»*, избиратель воспринимал кандидата как уже знакомого, честного персонажа Голобородько. Цифровые платформы (*в первую очередь Instagram и YouTube*) стали идеальным инструментом для поддержания этой иллюзии. Общение велось через короткие, неформальные видеоролики, челленджи, а избирателям предлагалось участвовать в «написании» программы. Это не просто мобилизовало молодежь и абсентеистов, но и полностью вывело

¹ Turow J. The Daily You: How the New Advertising Industry Is Defining Your Identity. Yale University Press, 2011.

² Kreiss D. Prototype Politics: Technology-Intensive Campaigning and the Data of Democracy. Oxford University Press, 2016.

кампанию из под контроля традиционных медиа-«привратников». Победа с рекордным результатом стала доказательством того, что грамотная, нелинейная цифровая стратегия способна нивелировать отсутствие партийной структуры и политического опыта.

Вместе с тем, технологический оптимизм ранних 2010-х сменился осознанием серьезных системных рисков. Исследования показывают, что алгоритмы ранжирования контента, настроенные на удержание внимания пользователя, способствуют поляризации мнений. Они формируют так называемые «информационные пузыри» (*filter bubbles*) и «эхо-камеры» (*echo chambers*), где пользователь изолируется от альтернативных точек зрения, видя только контент, подтверждающий его собственные убеждения. Это радикализирует аудиторию и разрушает общее поле для рациональной политической дискуссии, превращая выборы в битву эмоций и идентичностей.

Самым серьезным вызовом стала скорость распространения дезинформации. Как показали С. Восоуги, Д. Рой и С. Арал в своей работе для журнала Science, ложная информация (fake news) распространяется в социальных сетях быстрее, глубже и шире, чем правдивая¹. Это объясняется ее эмоциональной новизной, которая стимулирует репосты. В условиях избирательной гонки это ставит под сомнение способность общества принимать рациональные решения, поскольку фактчекинг и опровержения просто не успевают за потоком фейков, создаваемых зачастую не людьми, а ботофермами для создания иллюзии массовой поддержки (*astroturfing*).

В контексте стремительного развития искусственного интеллекта (ИИ) возникает и новая угроза дипфейки (*Deepfakes*). Технологии позволяют создавать предельно реалистичные аудио-видеообращения кандидатов, которые могут быть использованы для компрометации в критически важные дни перед голосованием. В ситуации, когда на проверку может не хватить часов, дипфейки представляют угрозу самому институту выборов. Это заставляет поднимать вопросы алгоритмической предвзятости и этики, а также срочности регулирования платформ, требуя от них прозрачности в отношении политической рекламы и алгоритмических решений. Государствам необходимо найти баланс между правом на свободу выражения в Интернете и обязанностью защитить избирательный процесс от манипуляций и внешнего вмешательства².

Таким образом, цифровизация политической коммуникации это неотвратимый и двусторонний процесс. Она снижает барьеры входа в политику, демократизирует доступ к информации и повышает эффективность прямой мобилизации. Однако одновременно она создает беспрецедентные риски для общественного согласия, информационной безопасности и доверия к демократическим институтам. Будущее

¹ Vosoughi S., Roy D., Aral S. The spread of true and false news online. Science, Vol. 359, Issue 6380, 2018.

² Коньков А.Е. Цифровизация политики vs политика цифровизации // Вестник Санкт-Петербургского университета. Международные отношения. 2020. Т. 13. № 1. – С. 47-68.

избирательных кампаний зависит не только от освоения новых технологий, но и от способности политических систем адаптировать правовые и этические нормы к стремительно меняющейся цифровой реальности. Только через прозрачность, ответственное использование Big Data и борьбу с алгоритмической поляризацией цифровые платформы смогут стать инструментом укрепления, а не ослабления демократии¹.

**Санъатбек ЭРИММЕТОВ, мустақил тадқиқотчи
(Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети)**

СИЁСИЙ ФЕЙК КОНТЕНТЛАР: ДИНАМИКАСИ ВА ЖАВОБ ЧОРАЛАРИ

Замонавий ахборот маконида сиёсий фейк контентларнинг тарқалиши глобал муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон каби ўтиш давридаги мамлакатларда рақамли платформаларнинг жадал ривожланиши фонида бундай ахборотлар давлат олиб бораётган сиёсати ва жамият барқарорлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Сиёсий фейк контент ташқи кучлар томонидан мафкуравий иммунитетни заифлаштириш, суверенитетга хавф туғдириш ва «рангли инқилоб» сценарийларини амалга ошириш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган хавфли қуролга айланмоқда. Шунингдек, кузатувларга кўра фейк контентлар орқали конституциявий тузумга путур етказишга чақирув, ноқонуний митингларга ундаш ва ички низоларни кўзғатиш орқали давлат сиёсатини беқарорлаштиришга уринишлар эҳтимоли юқори бўлиб қолмоқда.

Испаниянинг Соруна университети профессори Паула Фрага Ламаснинг фикрича, *«Кўпинча сохта хабарлар деб аталадиган «дипфейк»лар, ёлгон маълумотлар ва дезинформациялар ортиб бориши замонавий демократик жамиятларда Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ўрни ҳақида ташвишни уйғотмоқда. Рақамли алдаш тез ва кенг тарқалиши туфайли нафақат индивидуал ёки ижтимоий харажатларга эга, балки у сезиларли иқтисодий йўқотишларга олиб келиши ҳамда миллий хавфсизликка хавф туғдириши мумкин»*².

Дипфейк (ингл. *deep Learning* - «чуқур ўрганиш», *fake* - «қалбаки») - бу сунъий интеллект (СИ) асосидаги воситалар ёки аудио-видео таҳрирлаш дастурлари ёрдамида таҳрирланган ёки яратилган тасвирлар, видеолар ёки аудиолардир. Улар ҳақиқий ёки ҳаёлий одамларни тасвирлаши мумкин ва синтетик медиа шакли, яъни одатда турли медиа элементларини янги медиа артефактига бирлаштириш орқали СИ тизимлари томонидан яратилган медиа ҳисобланади.

¹ Freedom House. Freedom on the Net 2023: The Repressive Power of Artificial Intelligence.

² IT Professional Dr. Paula Fraga-Lamas, 2020 // https://arxiv.org/abs/1904.05386?utm_source

Сиёсий ёлғон ахборотларнинг жамият муҳитига таъсири янада чуқурроқ намоён бўлмоқда. Сиёсий фейк контент ёшлар орасида экстремизм ва бузғунчи ғояларни тарқатиб, миллий қадриятлар ва менталитетни заифлаштирмоқда.

Шу ўринда мутахассис Ғ. Абдиевнинг айнан мазкур муаммо юзасидан *«Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар барчамиздан ёшлар тарбиясига янада эътиборли бўлишни талаб этади. Бугунги шиддатли глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурини Интернет орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб масалага айланмоқда. Бу эса ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада хушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни талаб этади. Албатта, тақиқлар ёки филтр воситалари орқали одамларни Интернет оламидаги турли кучларнинг хатарли таҳдидларидан, кераксиз ва салбий ахборотлардан сақлаш қийин ва фақатгина вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин»¹* - деган фикрлари ҳам муҳимдир.

Экспертлар таъкидлашича, медиа саводхонликнинг пастлиги сиёсий фейк контентларнинг тез тарқалишига имкон яратади, бу эса одамларнинг ҳиссий манипуляцияга берилишига ва нотўғри қарорлар қабул қилишига сабаб бўлади. Натижада сиёсий ҳокимиятга эга шахс шаъни ва обрўсига таъсир ўтказилади, ижтимоий ишонч сусаяди ва жамиятдаги соғлом муносабатлар бузилади.

Сўнгги йилларда глобал миқёсда фейк контентларнинг тарқалиши **lineer** (тўғри чизиқли) эмас, балки кризислар билан боғлиқ бўлган ҳолда **сурғЭС** (кескин сакрашлар) билан юз берди. Бу ўринда кризис сўзини ишлатиш асосан COVID-19 пандемияси билан боғлиқ бўлиб, дезинформация тарқалишининг биринчи йирик чўққиси бўлди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ўша даврдаги Бош директори Tedros Adhanom Gebreyesus 2020 йил 15 февраль куни Мюнхенда ўтказилган Хавфсизлик Конференциясида бу ҳолат учун илк бора «Инфодемик²» атамасини қўллади. Сиёсий жиҳатдан бу ёлғонлар ҳукуматларга ва демократик институтларга бўлган ишончни йўқотишга, шунингдек, турли давлатларнинг геосиёсий нарративларини чалғитишга қаратилгандир, деб қўшимча қилган.

Глобал миқёсда сиёсий фейк контентлар тарқалиши динамикаси учта асосий, бир-бирини қўллаб-қувватловчи омилга асосланмоқда.

Технологик ўзгаришлар. Сиёсий дезинформациянинг тарқалиш суръати ва сифати технологик инновациялар туфайли кескин ошди. СИ технологиялари, айниқса «Генератив AI» нинг технологик ютуқлари ортидан динамикада COVID-19 давридан кейинги энг катта «сакраш» юз берди. СИ сиёсий мақсадларда фойдаланиладиган ёлғон контентларни

¹ Абдиев Ғ. Ёшларни ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлардан қандай ҳимоя қиламиз? // https://zarnews.uz/post/yos'hlarni-axborot-xurujlari-va-mafkuraviy-tahdidlardan-qanday-himoya-qilyapmiz?utm_source

²World Health Organization. Infodemic. // https://www.who.int/health-topics/infodemic#tab=tab_1

(матн, тасвир ва айниқса, дипфейк видеоларни) инсон аралашувисиз, тез, кўп миқдорда ва юқори ишончлилиқда яратиш имконини берди.

Бугунги кунда «сиёсий фейк контент» тушунчасининг ўзи турли давлатлар ва платформалар томонидан ҳар хил таърифланиши, СИ моделларининг доимий янгиланиши ва тарқатувчиларнинг услублари ўзгариб туриши, яратилган контентларнинг ҳақиқий сонини аниқ санашнинг имкони йўқлиги ҳамда Facebook, X (Twitter), YouTube каби ижтимоий тармоқлар (платформалар) СИ ёрдамида яратилган ёки тарқатилган сиёсий контентларнинг аниқ йиллик сонини очиқ равишда эълон қилмаслиги туфайли СИ ёрдамида яратилган «сиёсий фейк контентлар»нинг аниқ сони ҳақида расмий, умумий қабул қилинган глобал статистика мавжуд эмас.

Аммо, Жаҳон Иқтисодий Форуми (WEF)нинг 2024 ва 2025 йиллардаги Глобал хатарлар ҳисоботлари (*Global Risk Report 2024 and 2025*¹) да дезинформация ва ёлғон маълумотларни глобал хавфлар рўйхатида энг юқори ўринга қўйди. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан, СИ туфайли сиёсий контентларнинг ҳажми ва таъсирининг кескин ўсганини тан олишни англатади.

Иқтисодий омил. СИ кенг тарқалишидан олдин, сиёсий ёлғон хабарларни яратиш бирмунча мураккаб ва қиммат эди. Бунга фақат молиявий қудратли ва технологияга эга ташкилотлар қодир эди. Ҳозирги кунга келиб, СИ сабабли, сиёсий ёлғон ишлаб чиқариш ҳамма учун осон ва арзон бўлди.

Натижада, ҳар қандай кичик гуруҳ, ҳатто бир шахс ҳам ўзига ёқмаган сиёсий рақибига, партиясига ёки сайлов каби муҳим давлат жараёнларига қарши кучли, ишонарли сохта контентларни тайёрлаши мумкин бўлди. Мисол учун олдинги даврларда бирор бир сиёсатчи ёки машҳур шахснинг ишончли Deepfake видеосини яратиш учун, профессионал CGI (*компьютер графикаси*) мутахассислари жамоаси, юзлаб соат рендер ва юз минглаб доллар маблағлар талаб этилган бўлса, ҳозирда бу ишни бир киши умумий мавжуд дастурлар (*«stable diffusion» моделлари*) ёрдамида бир неча соат ичида, деярли бепул сиёсатчининг нотўғри баёнот бераётган видеосини тайёрлаши мумкин бўлмоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги алгоритмлар ёки «фильтр пуфакчалари»². Ижтимоий тармоқлардаги махсус дастурлар (алгоритмлар) бизнинг қизиқишларимизни тушунади ва эслаб қолади. Улар бизга ёқадиган ва фикримизни тасдиқлайдиган (*биз қўллаб-қувватлайдиган сиёсий гуруҳнинг хабарлари*) маълумотларни кўпроқ кўрсатади.

Натижада, биз ўз фикримизга зид бўлган ҳақиқий маълумотлардан узоқлашиб, фақат қарашларимиз тўғри эканлигини тасдиқловчи хабарлар билан ўралиб қоламиз. Бундай ҳолатда инсон хато маълумотга ҳам осонликча ишонади, чунки у унинг сиёсий қарашларига мос келади. Шу йўсинда сиёсий фейк контентлар ҳам тезда катта аудиторияни қамраб

¹ Global Risk Report 2024 and 2025, 2024. // https://www3.weforum.org/docs/WEF_The_Global_Risks_Report_2024.pdf

² The Filter Bubble: What the Internet Is Hiding from You (E'tiqod pufakchasi: internet sizdan nimani yas'hirmoqda). Yeli Pariser. 2011. // https://www.ted.com/talks/eli_pariser_beware_online_filter_bubbles.

олади. Одамлар бир хил фикрга эга бўлган тор гуруҳларга ажралиб қоладилар.

Юқорида глобал миқёсда сиёсий дезинформациянинг тарқалиши динамикасига асосан уч омил таъсирини кўрган бўлсак, қуйида эса Ўзбекистон ахборот майдонида сиёсий фейк контентларнинг тарқалиш динамикаси асосан икки қутбда кечаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ички сиёсий қутбланиш. Ички сиёсий йўналишда кўзга ташланаётган сиёсий фейк контентларнинг асосий мақсади – ҳокимият институтларининг легитимлиги (қонунийлиги) ва уларнинг қарорлари атрофида ҳиссий ва бўлувчи нарративларни яратиш эканлигида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (ЎзЖОКУ) ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) мустақил тадқиқотчилари ўтказган таҳлиллар шуни кўрсатадики 2022/2024-йиллар оралиғида, ички муаммолар (*иқтисодий ислохотлар, табиий газ тақчиллиги, инфратузилма*) юзасидан тарқалган чалғитувчи контентлар ҳажми умумий сиёсий ва ижтимоий муҳокамаларнинг 55-60 фоизни ташкил қилган¹.

Ижтимоий муаммолар ва манипуляция. Ижтимоий муаммолар атрофида тарқалган фейк контентлар доимий равишда жамиятнинг энг заиф нуқталарига зарба беришга интилади. Бу йўналишдаги дезинформация асосан ижтимоий адолат, таълим ёки соғлиқни сақлаш масалалари атрофида тарқалиб, жамиятдаги турли гуруҳлар ўртасида ўзаро ишончсизлик ва низони кучайтиради. Бу ҳаракат ижтимоий зиддиятни кучайтириб, муаммоларни давлат механизмлари орқали ҳал қилиб бўлмайди деган салбий нарративни шакллантиради.

Фейк контентлар асосан қиш мавсуми ёки ҳар хил техноген ва табиий офатлар каби кризислар даврида, инфратузилма (*газ, электр, сув таъминоти*) билан боғлиқ муаммолар бўйича тарқатилмоқда. Бу эса аҳолининг коммунал хизматларга ва локал ҳокимиятга бўлган ишончини пасайтириб, жамоат норозилигининг кескинлашуви хавфини оширишга интилмоқда. (*2023 йил бошидаги аномал совуқ даврида, электр ва газ таъминотидаги узилишлар фониди юзага келган ваҳима ва дезинформация муаммосига Энергетика вазирлиги ахборот хизмати расман тўхталиб ўтган*).

2024 йил 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз ҳам бу масалага алоҳида урғу бериб, журналистларни мамлакат ахборот маконида миллий контент яратишга чақириб, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бериш, халқимизни турли ахборот хуружларидан сақлаш муҳимлигини таъкидлаган эди².

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда сиёсий фейк контентларнинг тарқалишини чеклаш юзасидан бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

¹ ЎзЖОКУ ҳамда АОКА таҳлилларини ўрганиш ёрдамида.

² Ўзбекистон Президенти Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказди. // <https://president.uz/oz/lists/view/6967>

қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 2020 йил 20 сентябрдаги 658-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан «*Ёлғон ахборот тарқатиш*» 2446-моддаси билан тўлдирилган, ўз ўрнида мазкур модда қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2022-моддасига ўзгартиришлар киритилган, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «*Ахборотлаштириш тўғрисида*»¹ 560-II-сонли¹ Қонунига 2021 йил 30 мартдаги 679-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан «*Ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш*»

121-моддаси² билан тўлдирилган.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда кўплаб кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, соҳада айрим камчиликлар ва муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Муаммолар асосан «Сиёсий фейк контент» ҳамда «Фейк хабарлар»лар тарқалишининг олдини олиш механизмларинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдаги номукамалликлардан келиб чиқмоқда:

биринчидан, қонунчиликдаги ноаниқлик ва ихтиёрий талқин қилиш имконияти сўнгги йилларда юқорида санаб ўтилган айрим қонун ҳужжатлари орқали анча тартибга солинган бўлса ҳам Ўзбекистон Жиноят кодексининг 2441-моддасига кўра, «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш» учун 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Бироқ айнан «фейк» ёки СИ имкониятларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган дезинформация тўғрисида тушунчанинг аниқ таърифи йўқ. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тушунмовчиликни ихтиёрий талқин қилиш имконини беради. Натижада, журналистлар ва блогерлар ўзини цензура қилишга мажбур бўлади, чунки ҳақиқий танқидий материаллар ҳам «фейк» деб баҳоланиши мумкин. Масалан, 2020 йилда пандемия вақтида ёлғон ахборот тарқатиш бўйича жазолар кучайтирилган, аммо бу журналистика ҳамда ОАВ фаолиятида эркинликни чеклашга олиб келган ҳолатлар кузатилишига сабаб бўлган;

иккинчидан, аҳолининг рақамли саводхонлик даражаси пастлиги ва амалий механизмларнинг етишмаслиги тенденцияси сақланиб қолмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар (Telegram, Facebook) орқали сиёсий фейк контент тез тарқалмоқда, аммо расмий глобал ташкилотлар манбаларига кўра аҳолининг рақамли саводхонлик даражаси пастлигича сақланиб қолмоқда (*UNESCO маълумотларига кўра, Марказий Осиёда бу кўрсаткич 50 фоиздан паст*).

¹ ЎПҚ-679-сон. // <https://lex.uz/docs/5348845>

² ЎПҚ-560-II-сон. // <https://lex.uz/docs/-83472>

Амалиётда эса, медиа ва платформаларда ёлғон ахборотга қарши модерация механизмлари етарли даражада эмас. Масалан, IREX ташкилотининг 2023 йилги ҳисоботида айтилишича, платформаларда фейк янгиликларни аниқлаб, белгилаб ёки ўчириб бориш тизими деярли ишламайди. Бу эса, айниқса, 2023 йилги мамлакатимизда ўтказилган сайловлар вақтида Telegram ва Facebookда сиёсий ёлғон хабарларнинг тез ва кенг тарқалишига сабаб бўлган;

учинчидан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунда 12¹-модда веб-сайт ва ижтимоий саҳифа эгаларини (шу жумладан, блогерлар ва Телеграм каналларини) ёлғон ахборот тарқатмасликка мажбур қилади. Мазкур моддага кўра, тақиқланган ҳолатлар рўйхати кенгайтирилган: конституциявий тузумни ўзгартиришга даъват, оммавий тартибсизликларга чақириқ, адоват кўзғатувчи ва сиёсий ёлғон маълумотлар тарқатиш каби. Мазкур қонун бузилиши ҳолатида эса сайт блокланиши мумкин (2024 йил 12 декабрдан кучга кирган).

Қонунга кўра платформалар (Telegram, Facebook) мажбурий модерация қилиниши керак, аммо глобал компаниялар (*Meta ёки Telegram*) Ўзбекистон қонунларига тўлиқ бўйсунмайди, улар асосан ўз ички сиёсатига ҳамда шахснинг маълумотлари махфийлигига асосланади. Бундан ташқари, модда «сиёсий фейк»ни тўғридан-тўғри қамрамайди, балки умумий «ёлғон»га асосланади, бу эса тушунмовчиликлар ҳамда ҳар ким моддани ўз йўлида талқин қилиши мумкинлиги каби юқорида келтирилган ҳолатларни келтириб чиқаради;

тўртинчидан, Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги қонунчилик базаси етарлича кенг (*Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ахборотлаштириш тўғрисидаги Қонун, Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги Қонун, Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун, Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги Қонун, Электрон ҳукумат тўғрисидаги Қонун, Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари тўғрисидаги Қонун, Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги Қонун, Киберхавфсизлик тўғрисидаги Қонун*) бўлишига қарамай, қонунлар ўртасида норматив мувофиқлик ва иерархик боғланишнинг етишмаслиги жиддий тизимли муаммо бўлиб қолмоқда.

Жиноят кодексида жиноий жавобгарлик (244³-модда), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жазо (46¹-модда), «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунларда эса асосан фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий тартибга солиш механизмлари (*блоклаш, огоҳлантириш, зарарни қоплаш*) назарда тутилган. Ушбу параллел жавобгарлик турлари ўзаро аниқ чегараланмаган ва бир хил ҳуқуқбузарлик (*масалан, сиёсий дезинформация тарқатиш*) учун қайси норма қўлланилиши олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган ҳолатни яратади. Натижада, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (*прокуратура, суд ва бошқалар*) ўртасида ваколатлар тўқнашуви,

ишларнинг бир турдан иккинчисига ўтиб кетиши ва ҳуқуқий ноаниқликни юзага келтирмоқда.

Мавжуд муаммоларни ўрганиш юзасидан хориж тажрибаси. Мамлакатимизда айнан сиёсий фейк контентларни чеклаш юзасидан юқорида санаб ўтилган муаммоларга ечим сифатида ёки мавжуд амалиётни ўрганиш мақсадида илғор хорижий тажрибаларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Европа Иттифоқининг **«Рақамли хизматлар тўғрисида»ги қонуни** (*«Digital Services Act»¹ – DSA, 2022 йил қабул қилинган ва 2024 йил 17 февралдан тўлиқ кучга кирган*) дезинформацияни аниқ ва операциял таърифлаган бўлиб, «қасддан ёлғон ёки чалғитувчи ахборот бўлиб, жамиятга, шу жумладан, сайлов жараёнларига, демократик муҳокамаларга ёки ижтимоий барқарорликка жиддий зарар етказиши мумкин бўлган материаллар» деб белгиланган.

Бу таъриф DSAнинг 34-моддасида келтирилган бўлиб, у платформаларга (масалан, Meta, Google) айнан сиёсий соҳадаги фейк контентлар тарқалиши рискин баҳолаш ҳамда шаффофлик юзасидан олиб бориладиган ҳисоботларини тақдим этишни мажбурий қилиб белгилаб қўйди. Шу билан бирга, Қонун билан дезинформацияни оддий хато ёки танқидий фикрдан фарқлашга имкон яратилди. Қонун 27 та Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда бир хил қоида сифатида ишлайди², чунки у доимий равишда Европа Комиссияси томонидан марказлашган назорат остида амалга оширилади. Масалан, 2024 йил август ойида Комиссия Metaга қарши 800 млн. евро жарима қўллаган, чунки платформа дезинформация рискларини етарлича баҳоламаган.

Финландия 2016 йилдан бошлаб миллий ўқув дастурига (Finish National Core Curriculum) «Медиа саводхонлиги»ни (Медиа Литерасй) алоҳида фан сифатида киритган бўлиб, бу дарслик болаларга ахборотни танқидий баҳолаш, медиа манипуляциясини аниқлаш ва этик медиа хулқ-атворини ўргатишга қаратилган³. Дарслар асосан мактаб босқичларига мослаштирилган бўлиб, бошланғич синфларда (7-9 ёш) оддий янгиликлар ва расмларни таҳлил қилиш, ўрта синфларда (10-12 ёш) ижтимоий тармоқлар ва дипфейклар ҳақида, юқори синфларда эса сиёсий дезинформация ва СИ асосидаги контентни таҳлил қилиш ўргатилади.

2024 йилга келиб, бу дастур натижасида Финландиялик болалар 9 ёшдан бошлаб дипфейк ва фейк янгиликларни 65–70 фоиз аниқлай олишмоқда (*масалан, OpenAI ва Европа Комиссияси томонидан ўтказилган тестларда фин ўқувчиларининг 88 фоиз СИ генерациялаган видеоларни ҳақиқий эмаслигини ажрата олишган, бу эса глобал ўртача кўрсаткичдан*

¹ Европа Иттифоқининг «Рақамли хизматлар тўғрисида»ги қонуни. // <https://eur-lex.europa.eu/EN/legal-content/summary/digital-services-act.html>

² Европа Комиссияси ДСА Ҳисоботи, 2024. // <https://digital-strategy.ec.europa.eu/en/policies/digital-services-act-package>

³ Финландияда сохта янгиликларга қарши уруш мактабларда бошланади. AI буни анча қийинлаштириши мумкин. // <https://www.euronews.com/next/2025/08/19/finlands-war-on-fake-news-starts-in-schools-ai-could-make-that-a-lot-harder>

(60 фоиз) 28 фоиз юқори). Финландия 2017 йилдан бери «Open Society Institute - Sofia» – Софиядаги Очиқ жамият институти томонидан 47 та асосан Европа мамлакатлари бўлган давлатлар фуқаролари ўртасида ўтказилиб келинадиган «Media Literacy Index» - Медиа саводхонлик индексида 1-ўринни эгаллаб келмоқда.

Германия 2017 йил июнь ойида қабул қилган ва 2018 йил 1 январдан кучга кирган **«Тармоқни қўллаш тўғрисида»ги Қонун** билан ахборот соҳасидаги барча қарашларни битта ҳужжатга жамлади. Қонунда платформаларга (Facebook, X (Twitter)) 24 соат ичида шикоятларни кўриб чиқиш, 7 кун ичида олиб ташлаш мажбурий чора сифатида талқин қилинган ҳамда жазо сифатида 50 млн. еврогача маъмурий жарима белгиланган (*2024 йилда давлат 1,5 млн.та агрессияни қўзғатувчи материалларни платформадан олиб ташламаганлиги сабабли X (Twitter)га нисбатан 20 миллион евро жарима қўллаган*). Мазкур Қонунга кўра жиноий иш фақат прокуратура томонидангина қўзғатилишига рухсат берилади, бу эса ўрнида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида чалкашликларнинг олдини олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда сиёсий фейк контентлар асосан мураккаб даврда (*COVID-19, энергия тақчиллиги*) кескин ўсиб, ҳукуматга бўлган ишончни сусайтиришга уринмоқда. Ўз ўрнида СИ ривожига эса «deepfake»лар яратишни осон ва арзон қилиб, муаммони янада чуқурлаштирди. Қонунчиликдаги мавжуд номукаммалликлар эса уларга қарши курашишда бир қанча тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Юқорида келтириб ўтилган реал ҳолат таҳлили, сиёсий дезинформацияга қарши туришда юзага келаётган турли хилда муаммолар ҳамда ўрганилган илғор хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, қонунчиликдаги ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида 2026 йил 1 июнгача «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунга 12²- қилиб «*Сиёсий дезинформация – қасддан ёлғон ёки чалғитувчи ахборот бўлиб, сайлов жараёнларига, давлат сиёсатига ёки жамоат тартибига жиддий путур етказишга қаратилган, шу жумладан СИ ёрдамида яратилган контент*» моддасини қўшиш. Бу таъриф DSA (Европа Иттифоқи) тажрибасидан олинган бўлиб, Жиноят кодексининг 244⁶- моддаси билан бирга фақат оғир оқибатларда қўлланилади, қолган ҳолларда эса маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий базани мувофиқлаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллашдаги чалкашликларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги бошчилигида Рақамли технологиялар вазирлиги, АОКА, Олий суд ҳамда нодавлат ташкилотлар иштирокида махсус ишчи гуруҳ тузиш ҳамда барча ахборот соҳасидаги қоидаларни битта ягона кодификацияланган ҳужжат – **«Ўзбекистон Республикаси Ахборот кодекси»**га бирлаштириш. Кодексда Германиянинг NetzDG ҳамда Европа Иттифоқининг DSA тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қуйидагиларни бир жойга жамлаш:

сиёсий дезинформация таърифи;
платформалар мажбуриятлари;
жавобгарлик турлари; (маъмурий, фуқаролик, жиноий);
fact-checking тартиби;

учинчидан, 1-11 синфларда ҳафтада 1 соат **«Рақамли ҳимоя ва медиа саводхонлиги»** мажбурий дарсини ташкил этиш. Дарсликлар Финландия моделини ўзлаштирган ҳолда UNICEF билан музокаралар олиб бориб, UNICEF ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда бепул ишлаб чиқишга ҳаракат қилиш;

тўртинчидан, жамоатчиликни фаоллаштириш мақсадида ҳар йили январь-февраль ойларида **«Фейкга қарши 30 кун»** умуммиллий компанияси жорий этиш. Компанияни Ахборот кодексининг махсус моддаси билан давлат мажбурияти сифатида белгилаб қўйиш ҳамда ўтказилиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Сардор АШУРОВ, магистрант
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

ВИРТУАЛ ЖАМОАЛАРДА СИЁСІЙ ФИКР ЭРКИНЛИГИ ВА УНГА БЎЛГАН ТАҲДИДЛАР

Рақамли даврда виртуал жамоалар сиёсий ғоялар шаклланадиган, алмашиналадиган ва баҳс-мунозара қилинадиган асосий майдонлардан бирига айланди. Ижтимоий тармоқлар, онлайн форумлар ва ўйин платформалари миллионлаб одамлар учун ахборот олиш ва мулоқот қилишнинг етакчи манбаи бўлиб бормоқда¹. Рақамли муҳит сиёсий фикрлаш ва қарор қабул қилиш жараёнига чуқур кириб келар экан, сиёсий фикр эркинлиги демократик жамиятнинг асосий шарти сифатида янада катта аҳамият касб этмоқда.

Бироқ виртуал муҳитда ушбу эркинлик анъанавий цензура шаклларида фарқли, кўпинча яширин ва мураккаб механизмлар орқали издан чиқарилиши мумкин. Алгоритмик тавсия тизимлари, «ехо-камера»лар, дезинформация компаниялари ва кибербосим шакллари эркин сиёсий фикрлаш учун зарур бўлган турли манбалардан маълумот олиш, танқидий фикрлаш ва ўз нуқтаи назарини қўрқувсиз ифода этиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди.

Шу нуқтаи назардан, виртуал жамоаларда сиёсий фикр эркинлигига таҳдидларни таҳлил қилиш нафақат назарий аҳамиятга эга, балки реал сиёсий жараёнлар барқарорлиги ва жамоатчилик ишончини сақлаш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир.

¹ DataReportal, Global Digital Overview, 2024. // <https://datareportal.com>

Сиёсий фикр эркинлиги — инсоннинг ўз сиёсий қарашларини шакллантириш, уларни эркин ифода этиш ва оммавий мулоқот жараёнида иштирок этиш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ, одатда, сўз эркинлиги ва ахборот эркинлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, демократик тизимларда конституциявий даражада кафолатланади¹.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги Конституциянинг 33-моддасида мустақамланган, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи эса тегишли моддаларда белгиланган. Шу билан бирга, ахборотни тарқатиш давлат сири, бошқалар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш зарурати билан қонуний чекланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Виртуал жамоалар ушбу ҳуқуқларнинг амалда рўёбга чиқадиган янги майдони сифатида намоён бўлмоқда. Бироқ анъанавий оммавий ахборот воситаларидан фарқли равишда, бу майдон:

- юқори тезлик,
- анонимлик,
- трансмиллийлик,
- алгоритмик бошқарув каби хусусиятларга эга бўлиб, сиёсий фикр эркинлигига бўлган таҳдидларни ҳам янги шаклларда вужудга келтиради.

Глобал миқёсда Интернет сиёсий мулоқотнинг ажралмас қисмига айланди. 2024 йилга келиб дунё бўйича Интернет фойдаланувчилари сони тахминан 5,35 млрд.ни, ижтимоий тармоқлардаги фаол фойдаланувчилар эса 4,95 млрд.ни ташкил этмоқда². Бу кўрсаткичлар рақамли платформалар сиёсий ахборот алмашинуви, жамоатчилик фикри шаклланиши ва фуқаролик иштироки учун асосий инфратузилма сифатида шаклланишини кўрсатади.

Виртуал жамоалар сиёсий маълумотга тезкор кириш, муқобил нуқтаи назарларни топиш, фуқаролик ташаббусларини уюштириш ва анъанавий сиёсий институтлар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш учун кенг имкониятлар яратади.

Шу билан бирга, рақамли сиёсий макон бир қатор жиддий таҳдидларни ҳам кучайтирмоқда. Дезинформация, сиёсий ботлар, экстремистик контент ва кибержиноятлар глобал миқёсда кескин ошгани қайд этилмоқда. Европа Комиссияси маълумотларига кўра, 2024 йилда сиёсий мазмундаги фейк ахборот ҳажми сезиларли даражада ошган³. Oxford Internet Institute тадқиқотларида эса, 80 дан ортиқ давлатда сиёсий манипуляция компаниялари қайд этилган⁴.

UNESCO тадқиқотларига кўра, экстремистик мазмундаги материаллар Интернетда ёшлар орасида оддий контентга нисбатан анча тез тарқалиши

¹ Dworkin R. Freedom's Law: The Moral Reading of the American Constitution. Oxford University Press, 1996.

² DataReportal, Global Digital Overview, 2024. // <https://datareportal.com/reports/digital-2024-global-overview> accessed 12 February 2025.

³ European Commission, Digital Services Act: 2024 Transparency Report on Disinformation and Political Content, European Union Publications 2024.

⁴ Oxford Internet Institute, Global Cyber Troops and Political Manipulation Report, University of Oxford 2023.

аниқланган¹. Бу рақамлар виртуал муҳитдаги сиёсий ахборот оқимлари демократик жараёнларга ижобий таъсир билан бир қаторда, уларни заифлаштирувчи омилга ҳам айланиши мумкинлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда рақамли коммуникация имкониятлари сезиларли кенгайди. 2024 йил ҳолатига кўра, мамлакатда Интернет фойдаланувчилари сони 31,8 млн.га етиб, умумий аҳоли сонининг қарийб 89 фоизини ташкил этади. Ижтимоий тармоқларда фаол фойдаланувчилар сони эса 24,5 млн. атрофида экани қайд этилган².

Бу кўрсаткичлар ёшлар Интернетдаги энг фаол аудитория эканини ва уларнинг виртуал жамоаларда сиёсий ахборот истеъмоли ҳамда муҳокамаларида марказий роль ўйнашини кўрсатади.

Сўнгги йилларда мамлакатда 15 мингдан ортиқ блогер фаолият юритаётгани, уларнинг тахминан 60 фоизи сиёсий-ижтимоий мавзуларда контент ишлаб чиқаётгани, 2016-2024 йиллар давомида мустақил оммавий ахборот воситалари сони қарийб 1,5 бараварга ошгани³ каби маълумотлар ахборот маконининг эркинлашуви ва диверсификацияланаётганини кўрсатади.

Бироқ сиёсий контентнинг кўпайиши билан бирга, виртуал маконда манипулятив ахборот, кескин қутбланиш ва нафрат сўзларининг ортиши ҳам кузатишмоқда.

1. Дезинформация ва фейк контент. Дезинформация ижтимоий тармоқларда нотўғри ахборотнинг кенг тарқалишига олиб келиб, фуқароларнинг сиёсий қарор қабул қилиш жараёнини бузади⁴. 2022-2024 йилларда Ўзбекистон бўйича 20 мингга яқин ёлғон ахборот тарқатилган контент аниқланиб, блоклангани қайд этилган⁵. Таҳлиллар сиёсий мавзудаги фейкларга қараганда бошқа контент турларига нисбатан юқори фаоллик кузатилишини кўрсатади.

Бу ҳолат сиёсий дезинформация жамиятдаги ишонч тизимини емириши, фуқароларнинг институтлар ва ислохотларга бўлган муносабатини ўзгартириши мумкинлигини англатади. Демак, фейк ахборотга қарши кураш нафақат техник блокировка, балки мақсадли медиа саводхонлик сиёсатини талаб қилади.

2. Алгоритмик манипуляция ва ботлар. Глобал миқёсда сиёсий ботлар сонининг сўнгги йилларда сезиларли ошгани қайд этилган. Ўзбекистон мисолида 2024 йилда 120 мингга яқин бот-аккаунт аниқлангани, виртуал

¹ UNESCO, Youth and Violent Extremism on Social Media: Mapping the Research, UNESCO Publishing 2017.

² Ўзбекистон Рақамли технологиялар вазирлиги, 2024 йил учун Рақамли ривожланиш бўйича йиллик ҳисобот. // <https://digitaleconomy.mtc.uz>

³ Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА), Ўзбекистон ахборот макони бўйича йиллик таҳлилий ҳисобот, 2024. // <https://aoka.uz>

⁴ Европа Комиссияси, Digital Services Act: Disinformation and Political Content Transparency Report, 2024. // <https://digital-strategy.ec.europa.eu/en/policies/disinformation>

⁵ Ўзбекистон Киберхавфсизлик маркази, Ахборот хуружлари ва фейк контент бўйича йиллик мониторинг ҳисоботлари 2022-2024. // <https://cyber.uz>.

макондаги сиёсий жараёнларга сунъий таъсир кўрсатиш уринишлари мавжудлигини кўрсатади¹.

Алгоритмик тавсия тизимлари эса маълум турдаги сиёсий контентни кўпроқ кўрсатиб, фойдаланувчини битта мафкура ёки позицияга яқинлаштириши мумкин. Натижада, ахборот пуфакчалари кучаяди, қарама-қарши нуқтаи назарлар билан мулоқот камаяди, сиёсий қутбланиш чуқурлашади.

3. Экстремистик контент ва радикаллашув. UNESCO маълумотларига кўра, экстремистик мазмундаги материаллар ёшлар орасида одатий контентга қараганда сезиларли даражада тез тарқалади². Ўзбекистонда 2021-2023 йиллар давомида 10 мингдан ортиқ экстремистик линк блоклангани виртуал радикаллашувга қарши курашнинг долзарблигини кўрсатади³.

Бу кўрсаткичлар шуни англатадики, ёшларнинг сиёсий ва маънавий қадриятларига таъсир кўрсатувчи экстремистик контентни фақат техник чоралар билан эмас, балки:

- таълим тизимида танқидий фикрлашни ривожлантириш,
- ахборот манбаларини таҳлил қилиш кўникмаларини кучайтириш,
- ижобий рақамли маданиятни шакллантириш орқали ҳам жиловлаш зарур.

4. Кибержиноятлар ва кибербосим. Глобал статистикага кўра, 2024 йилда кибержиноятлар бозори ҳажми триллион долларлик кўрсаткичга яқинлашгани қайд этилган⁴. Ўзбекистонда эса 2024 йилда 3 мингдан ортиқ кибержиноят ҳолати қайд этилиб, йиллик ўсиш суръати 20-25 фоиз атрофида бўлгани кўрсатилмоқда⁵.

Сиёсий мавзудаги агрессив комментлар, троллинг ва шахсга қарши кибербосим онлайн сиёсий фаолликни пасайтирувчи омилга айланади. Айрим тадқиқотлар Ўзбекистонда сиёсий мавзудаги агрессив комментлар ҳажми қарийб 28 фоизга ошганини кўрсатади⁶. Бу эса, виртуал сиёсий мулоқотдаги психологик босим кучайиб бораётганидан далолат беради.

5. Ҳуқуқий ва институционал жавоб чоралари. Ўзбекистон рақамли таҳдидларга қарши курашиш бўйича қатор ҳуқуқий ва институционал чораларни қабул қилган.

2022 йил 15 апрелда қабул қилинган «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонунида киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг устуворлиги, соҳани

¹ Ўзбекистон Киберхавфсизлик маркази, Рақамли таҳдидлар ва бот-аккаунтлар бўйича йиллик мониторинг ҳисоботлари 2024. // <https://cyber.uz>.

² UNESCO, Ижтимоий тармоқларда ёшлар ва зўравон экстремизм: илмий тадқиқотлар шарҳи, 2017. // <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000259719>

³ Ўзбекистон Киберхавфсизлик маркази, Экстремистик контент ва ахборот хуружлари бўйича йиллик мониторинг ҳисоботлари 2021-2023. // <https://cyber.uz>

⁴ Cybersecurity Ventures, 2024 Cybercrime Report. // <https://cybersecurityventures.com/cybercrime-report/>

⁵ Ўзбекистон Киберхавфсизлик маркази, Кибержиноятлар бўйича йиллик статистик ҳисобот 2024. // <https://cyber.uz>

⁶ Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА), Онлайн мулоқот ва ижтимоий тармоқларда агрессив комментлар мониторинги бўйича ҳисобот 2023-2024. // <https://aoka.uz>

ягона ёндашув асосида тартибга солиш, миллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликка очиқлик каби тамойиллар белгиланган.

Бундан ташқари, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» (2002), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997), «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997) каби қонунлар ахборот олиш ва тарқатиш, шунингдек, сўз эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Сўнгги йилларда ахборот хавфсизлиги стратегиялари, ёшлар ўртасида рақамли саводхонликни ошириш дастурлари ва зарарли контентга қарши тарғибот ишлари йўлга қўйилгани кузатилмоқда. Халқаро даражада эса Европа Иттифоқининг «Digital Services Act» (DSA) каби ҳужжатлари платформаларнинг ноқонуний ва зарарли контент учун жавобгарлигини оширишга қаратилган. АҚШда «Cybersecurity and Infrastructure Security Agency» томонидан ёшларни кибержиноятлардан ҳимоя қилиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган¹.

Бу тажрибалар Ўзбекистон учун ҳам рақамли сиёсий маконни тартибга солиш, мониторинг қилиш ва фуқароларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлиллар шуни кўрсатадики, виртуал жамоалар Ўзбекистонда сиёсий фикр эркинлиги, жамоатчилик назорати ва ижтимоий-сиёсий муҳокамаларнинг асосий манбаларидан бирига айланмоқда. Рақамли коммуникация воситалари фуқароларга сиёсий жараёнларда тўғридан-тўғри иштирок этиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва муаммоларни очиқ муҳокама қилиш имкониятини сезиларли даражада кенгайтирмоқда.

Бироқ дезинформация оқимларининг кўпайиши, кибержиноятлар динамикасининг мураккаблашуви, экстремистик контент ва нафрат сўзларининг кўпайиши виртуал муҳитда соғлом сиёсий мулоқот учун жиддий хавф туғдирмоқда. Бу хавфлар фуқаролик онгига, ижтимоий барқарорликка ва давлат институтларига бўлган ишончга бевосита таъсир кўрсатади.

Шу асосда қуйидаги таклифлар илгари сурилиши мумкин:

Ҳуқуқий базани тизимли такомиллаштириш йўналишида:

рақамли сиёсий жараёнларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий механизмларни аниқлаштириш, онлайн сиёсий фаолиятнинг мезонларини белгилаш ва дезинформация ҳамда экстремистик контент учун жавобгарлик механизмларини аниқлаштириш зарур.

Платформалар шаффофлигини ошириш йўналишида:

ижтимоий тармоқлар алгоритмларининг ишлаш механизмларини мустақил мониторинг қилиш, контент тарқалишига таъсир этувчи омилларни баҳолаш ҳамда сиёсий реклама ва сиёсий ботлар фаолиятини ошқора қилиш бўйича механизмлар жорий этилиши лозим.

¹ Cybersecurity and Infrastructure Security Agency (CISA), Youth Cyber Safety and Online Protection Programs, 2024. // <https://www.cisa.gov>

Медиа ва рақамли саводхонликни кенгайтириш йўналишида:

мактаб ва олий таълим тизимига танқидий ахборот таҳлили, фейкларни аниқлаш, киберхавфсизлик ва медиа этикаси бўйича мажбурий модуллар киритиш ёшларни виртуал манипуляциялардан ҳимоя қилишда энг самарали воситалардан биридир.

Киберхавфсизлик инфратузилмасини кучайтириш йўналишида:

давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида замонавий ҳимоя технологияларини жорий этиш, ахборот хавфсизлиги бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ва халқаро стандартларга мос сертификация тизимини йўлга қўйиш зарур.

Фуқаролик жамияти иштирокини қўллаб-қувватлаш йўналишида:

онлайн сиёсий жараёнларни кузатувчи ва таҳлил қилувчи нодавлат институтлар ҳамда мустақил тадқиқот марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг очиқ ҳисоботлари орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим.

Юқоридаги чора-тадбирлар виртуал сиёсий маконни барқарор, хавфсиз ва демократик ривожлантириш, шунингдек, виртуал жамоаларнинг ижобий салоҳиятини максимал даражада рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Бунёд ҚАРШИЕВ, магистрант
(Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети)**

ИНФЛЮЕНСЕРЛАР ОРҚАЛИ СИЁСИЙ ФИКРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ Йўллари: ТАҲЛИЛ ВА БАҲОЛАШ

Ҳозирги кунда Интернет технологияларининг жадал ривожланиши жамиятда, айниқса ёшлар ўртасида, сиёсий фаолликнинг ошишига кучли таъсир кўрсатмоқда. Бу жараёни, аввало, рақамли платформалар орқали ахборот олиш, фикр алмашиш ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиш имкониятларининг кенгайиши билан изоҳлаш мумкин. Жаҳонда Интернет фойдаланувчиларининг сони 2025 йил январь ҳолатига кўра, 5,56 млрд. кишини ташкил этиб, дунё аҳолисининг 67,9 фоизини қамраб олган. Мобил алоқа фойдаланувчилари эса 5,78 млрд.га етгани ҳолда, бу кўрсаткич 70,5 фоизни ташкил қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам 33 млн.дан ортиқ абонент Интернет имкониятларидан фаол фойдаланмоқда¹.

Айниқса, ёшлар орасида рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси кескин ошган. **Европа Иттифоқи статистика бошқармаси (Eurostat)**² маълумотларига кўра, 2022 йилда 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган Европа Иттифоқи фуқароларининг 96 фоизи ҳар куни Интернетдан

¹ Исломов И. Замонавий босқичда ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишнинг Интернет технологиялари Республика илмий-амалий конференцияси. – Т., 2025. – Б. 21.

² Eurostat – Европа Иттифоқининг статистика идораси бўлиб, у мамлакатлар ва минтақаларни таққослаш имконини берувчи юқори сифатли умумевропа статистикаси ҳамда кўрсаткичларини мустақил равишда эълон қилиш учун масъулдир. Бу маълумотлар Европа бўйлаб турли ҳудудларни қиёслаш имконини беради.

фойдаланган. Баъзи мамлакатларда – Люксембург, Португалия, Чехия, Литва, Словения, Латвия ва Малта каби давлатларда бу кўрсаткич 99 фоизга етган¹. Бу рақамлар ёшлар орасида рақамли саводхонлик, ахборотга интилувчанлик ва онлайн ижтимоий фаолликнинг юқори эканлигини кўрсатади.

Ушбу шароитда Интернет – ёшларнинг сиёсий онгини шакллантириш, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, онлайн петициялар, жамоавий муҳокамалар ва сайловолди компанияларида иштирок этиш учун қулай майдон вазифасини бажармоқда. Шу боис Интернет технологияларини ёшлар ўртасида сиёсий фаолликни оширишдаги стратегик восита сифатида кўриш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий фаолликни оширишнинг замонавий технологиялари мавжуд. Электрон демократия технологияларига э-ҳукумат (*e-Government*), э-парламент (*e-Parliament*), э-сайлов (*онлайн овоз бериш тизимлари*), электрон мурожаат ва петиция платформаларини киритиш мумкин. Мисол сифатида Эстонияда 2005 йилдан сайловларда электрон тарзда овоз бериш йўлга қўйилганлигини таъкидлаш ўринли. Ўша пайтда электрон овоз берувчиларнинг улуши 2 фоиздан кам бўлган бўлса, 2023 йилдаги Riigikogu² сайловларида бу кўрсаткич 51,2 фоизга етган.

Умуман олганда, фуқаролар электрон демократия механизмлари орқали давлат хизматларидан онлайн фойдаланиш орқали ечим излаш ва талабларини билдириш, жамоавий муаммоларни кўтариш ҳамда иштирок этиш масалаларида фаоллашмоқда.

Замонавий **«рақамли авлод»** – ўсиб-улғаяётган ёшлар – Интернет ва ижтимоий тармоқлардан доимий равишда фойдаланади. 2025 йил маълумотларига кўра, глобал ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг идентификаторлари ҳозирда 5,24 млрд.ни ташкил этиб, ҳар 10 Интернет фойдаланувчисидан 9 нафари ижтимоий платформаларда фаол³. Ёшлар рақамли муҳитда катта авлодга нисбатан эркинроқ, фаолроқ, тез ўзлаштирувчи бўлиб, реал ва виртуал ҳаёт ўртасидаги фарқни англамайди.

Шу муносабат билан, ижтимоий тармоқлар энди фақат ахборот алмашиш воситаси эмас, балки ёшларнинг дунёқараши ва ахлоқий қадриятларини шакллантирувчи муҳим омилга айланган. Шу боис бугун ёшларнинг ахлоқий идентиклиги даражаси долзарблик касб этмоқда. Бу борада эса рақамли сиёсий вакиллар (*блогерлар, влогерлар ва ижтимоий тармоқлар фаоллари (инфлюенсерлар)*)нинг ўрни муҳим аҳамият касб этиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Инфлюенсер (*инглизча influence – таъсир этиш*) – ижтимоий тармоқларда – кенг ва содиқ аудиторияга эга фойдаланувчи деган маъноларни англатади. Бунда ҳар икки хусусият ҳам муҳим саналади:

¹ Исломов И. Замонавий босқичда ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишнинг Интернет технологиялари Республика илмий-амалий конференцияси. – Т., 2025. – Б. 22.

² Riigikogu – Эстония Республикасининг бир палатали парламенти. У мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи ҳисобланади.

³ Katz E., Lazarsfeld P. Personal Influence: The Part Played by People in the Flow of Mass Communications. – New York: Free Press, 1955.

нашрлари обуначиларга катта таъсир кўрсатган блогернигина инфлюенсер деб аташади. Бу тушунча Elix Kats ва Pol Lazarsfeld томонидан «Шахсий таъсир кўрсатиш» номли китобда таклиф этилган «фикрлар етакчиси» терминига мос келади. Инфлюенсер атамаси ғарбдан кириб келган.

У ерда реклама орқали фойда топувчи инсонларни шу ном билан аташади. Аслида, инфлюенсерлар ижтимоий тармоқларда фаол қатнашувчи ва ундан фойда олувчилардир. Улар ўзларининг ўзгача дунёқараши орқали фикрлари билан кўпчиликка таъсир ўтказа олади. Олга Бузова TikTok хизмати пайдо бўлгунга қадар МДХ ижтимоий тармоқларидаги энг машҳур блогер эди. У Instagramда жойлаштирадиган постларидаги рекламадан ҳар ойда юз минглаб доллар ишлаб топарди. У инфлюенсер бўлишни орзу қилган минглаб ёшлар учун муваффақият синонимига айланган эди.

Ёш авлод орасида инфлюенсерларнинг фикри жуда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, медиа реклама ва алоқа компаниялари гуруҳи маълумотларига кўра, инфлюенсерларга ўсмирларнинг ишончи 66 фоизни ташкил этади. Ўсмирларнинг маълум бир фоизи инфлюенсерларнинг фикрларига қулоқ солади, бу уларнинг ушбу демографик гуруҳга сезиларли таъсирини кўрсатади.

Ижтимоий тармоқлар томонидан рағбатлантирилган харидлар 43 фоиз атрофида. Истеъмолчиларнинг маълум бир фоизи ижтимоий тармоқлардаги рекламаларни кўргандан сўнг харид қилади, бу эса ушбу платформаларнинг савдони рағбатлантиришдаги самарадорлигини таъкидлайди.

Истеъмолчиларнинг блогерларга қарамлиги эса, 51 фоиз ҳисобланади. Ўсмирларнинг маълум бир фоизи машҳурлардан кўра инфлюенсерлар фикрига кўпроқ ишонади, бу анъанавий машҳурлик таъсирида ижтимоий тармоқлардаги таъсирга нисбатан силжишни кўрсатади¹.

Инфлюенсерлар ва ижтимоий тармоқлар сиёсий фикрни шакллантиришда бир қанча замонавий технологиялардан фойдаланади:

1. Сиёсий мобилизация ва тарғибот. Ижтимоий тармоқлар (*Facebook, Telegram, Twitter, YouTube, Instagram*) орқали сиёсий тарғибот, сиёсий блогерлик ва инфлюенсерлар таъсири ҳамда хештег компаниялари (*#vote, #siyosiyfaollik kabu*) сиёсий мобилизация масалаларига киради.

2. Креатив сиёсий коммуникация. АКТ фуқароларга нафақат ахборот олиш, балки ахборот яратиш ва тарқатиш имконини ҳам бери. Масалан, бирор маҳаллий муаммони ёритган фуқаронинг пости ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, муаммонинг ҳал қилинишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, электрон петициялар, жамоавий сўровномалар ва онлайн компаниялар орқали аҳолининг ижтимоий талабларини ифодалаш имконияти ҳам кенгайди. Бу каби рақамли фаолият турлари орқали фуқаролар ўзларининг жамиятдаги ўрнини англаб, ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этишга интилоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришда ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Авваллари одамлар жамоат йиғинлари ёки оммавий учрашувлар орқали

¹ <https://munamedia.me/uz>

ижтимоий муаммоларга муносабат билдиришган бўлса, бугунги кунда бу жараёнлар виртуал маконга кўчди. Онлайн форумлар, ижтимоий тармоқлар, блоглар ва турли мобил иловалар орқали ҳар бир фуқаро ўз фикрини оммага етказиш, долзарб муаммоларни кўтариш ва жамоатчиликни жалб этиш имкониятига эга бўлди. Бу эса, ижтимоий фаоллиكنинг доимий ва интерактив шаклда намоён бўлишига замин яратди.

3. Жамоавий фикрни шакллантириш. АКТ орқали жамиятдаги муҳим мавзулар юзасидан жамоавий фикр пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида ижтимоий бирдамлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлайди. Блогерлар ва фаол фуқаролар ижтимоий адолатсизлик, қонунбузарлик ҳолатларини ёритиш орқали жамиятда кузатувчанлик ва жавобгарлик муҳитини кучайтиради. Масалан, экологик муаммолар, инсон ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш ёки таълим соҳасидаги камчиликлар юзасидан бошланган оддий бир пост ёки видео миллионлаб кўрувчиларга етиб бориши, ҳатто давлат ташкилотларининг эътиборини жалб қилиши мумкин.

Бу эса, аҳоли иштирокида муаммоларга тезкор реакция бериш, ечим топиш ва ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, блогерлар ва фаол фуқаролар ижтимоий адолатсизлик, қонунбузарлик ҳолатларини ёритиш орқали жамиятда кузатувчанлик ва жавобгарлик муҳитини кучайтирмоқда.

4. Виртуал норозилик ва компаниялар. Ёшларнинг фаоллигини протест характеридаги чиқишлар ва норозилик ҳаракатлари орқали намоён бўлиши ҳисобланади. Бу ерда ёшлар ўз норозиликларини намойишлар, митинглар, флешмоблар, Интернет орқали сиёсий кампаниялар ва фаол ижтимоий ҳаракатлар орқали ифода этадилар.

Ушбу ёндашувга кўра, ёшларнинг бундай фаоллиги мавжуд сиёсий-ижтимоий тизимга нисбатан танқидий муносабатни акс эттиради ва тизимни трансформация қилишга даъват ҳисобланади. Бундай ҳолатларда, айниқса ёш авлоднинг турли сиёсий манипуляцияларнинг таъсирига тушганлиги кўпроқ кузатилади. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида авж олаётган **«3 авлод инқилоб»**лари бунга ёрқин мисол бўлмоқда.

5. Махсус сиёсий технологиялар. Сиёсий фаоллиқни оширишнинг замонавий технологиялари қаторига **Gamification** (*ўйинлар орқали сиёсий таълим*), **Crowdsourcing** (*ғоялар ва таклифларни йиғиш*) ва **Crowdfunding** (*сиёсий кампаниялар учун маблағ йиғиш*) киради. Масалан, АҚШда «iCivics» онлайн платформаси орқали ўқувчиларга конституция, суд тизими, фуқаролик ҳуқуқлари каби мавзулар интерактив ўйинлар асосида ўргатилади. «Do I Have a Right?», «Win the White House» каби ўйинлар орқали ёшлар сиёсий жараёнларда қатнашиш аҳамиятини англайдилар¹.

Инфлюенсерлар томонидан фикрни шакллантириш механизмлари демократик иштирокни кенгайтириши мумкин бўлса-да, улар жиддий хавф-хатарларга ҳам эга:

¹ Dahl R.A. Democracy and Its Critics. Yale University Press, 1989.

■ **манипуляция ва фейк хабарлар.** Ахборот-коммуникация технологиялари орқали ижтимоий фаоллик ривожланаётган бўлса-да, ушбу воситаларнинг айрим салбий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ижтимоий жараёнларга нохуш таъсир кўрсатиши мумкин. Энг аввало, нотўғри ёки ёлғон ахборотнинг кенг тарқалиши жамоатчилик орасида чалғитувчи фикрлар ва тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Бу эса, жамиятдаги муҳим ижтимоий масалаларнинг нотўғри талқин қилинишига, ишончсизлик муҳитининг кучайишига олиб келиши мумкин. Айниқса, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган фейк хабарлар фуқароларнинг фикрини манипуляция қилиш воситасига айланмоқда.

Ижтимоий-ахлоқий қадриятларнинг бузилиш жараёнида сиёсий омилларнинг ҳам сезиларли таъсири бор. Бир томондан, сиёсий институтлар томонидан адолат, қонун устуворлиги, ҳалоллик каби тамойилларни эълон қилиниши - ахлоқий тартибни сақлашда муҳим эканлиги ҳамisha таъкидланади. Бироқ амалиётда айтилган ёки ёлғон сиёсий институтларнинг ўзида коррупция, манфаатпарастлик, манипулятив мафкуравий тарғибот ҳоллари юз бераётган бўлса, жамоат онгида ахлоқий нормага бўлган ишонч сусайиши муқаррар. Nikolas Rescher сиёсий манипуляция ахлоқий мувозанатни бузишда энг хавфли омил эканини эслатиб ўтади¹.

Сохта контентлар (Deepfake). Ҳозирда турли сиёсий кучлар СИ ёрдамида машҳур шахсларнинг сохта тасвирлари ва видеолари («deepfake»лар)ни яратиб, ижтимоий тармоқларда, Интернет платформаларида фаол равишда тарқатиш ишларини амалга оширмоқда. Масалан, Доналд Трамп сайлов компанияси вакиллари 2024 йилги сайловларда АҚШда машҳур бўлган аёл хонанда Teylor Swiftнинг Трампни қўллаб-қувватлаётганини кўрсатадиган сохта тасвирларни тарқатишга қўл урди². Teylor Swiftнинг Қўшма Штатларнинг ўзида миллионлаб ашаддий мухлислари борлигини инобатга олсак, Трамп жамоасининг бундай ҳаракатлари мантиғини тушуниш мумкин. Хонанданинг ўзи кейинроқ сохта контентларни рад қилиб чиқди. Бу ерда Swiftнинг Трампнинг рақиби – демократларни қўллаб-қувватлашини эсдан чиқармаслик керак.

Жанубий Кореяда дипфейк-порнография билан боғлиқ жиноятчилик авж олиб, оддий одамлар ҳаётини барбод қилмоқда. Жиноятчилар илғор СИ дастурлари воситасида одамларнинг, айниқса, аёлларнинг оддий расмларидан фойдаланиб, беҳаё суратлар, видеоматериаллар тайёрлаб турли яширин гуруҳларда, ижтимоий тармоқларда тарқатиш билан шуғулланишади. Расмий маълумотларга қараганда, 2024 йил давомида 900 дан зиёд шундай жиноят ҳолатлари содир этилган. Ҳукумат эса, бунга қарши қатъий чоралар кўришга мажбур бўлмоқда. Энди беҳаё мазмундаги дипфейкларни сақлаш учун уч йилгача, уларни яратганлик учун эса етти

¹ Rescher N. Moral Absolutes: An Essay on the Nature of Prosperity. – New York: Free Press, 1995. – P. 102.

² Donald Trump shares fake AI images of 'support' from Taylor Swift fans, The Times. // <https://www.thetimes.com/world/us-world/article/donald-trump-taylor-swift-ai-truth-social-btsbsng>

йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади¹. Кескин чоралар кўрилаётганига қарамай, бу турдаги жиноятчилик даражаси камайгани йўқ: минглаб жиноят ишлари орасида ўнлаб жиноятчиларгина ҳибсга олинишига эришилган.

Сунъий ижтимоий ҳаракатлар. Айрим сиёсий ёки иқтисодий манфаатдор гуруҳлар АКТ имкониятларидан нотўғри фойдаланиб, фуқароларнинг фикрини бошқаришга, сунъий ижтимоий ҳаракатлар уюштиришга ҳаракат қилиши мумкин. Бу эса, ижтимоий фаолликнинг соф ва табиий шаклларига таҳдид солади. Шундай экан, ижтимоий фаолликни АКТ орқали ривожлантиришда нафақат техник воситалар, балки ахборот маданияти, танқидий фикрлаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутadi².

Виртуалга боғланиш. Ижтимоий тармоқларда ҳаддан ташқари кўп вақт ўтказиш ва виртуал ҳаётга тўлиқ берилиб кетиш айрим ҳолларда реал ижтимоий фаолликни сусайтиради. Фуқаролар фақат онлайн изоҳлар ёки лайклар орқали ўз фаоллигини ифодалайди, лекин амалий ҳаракатлар қилишга суут қарайди. Бу эса, ижтимоий фаолликнинг юзаки шаклга айланишига олиб келади. Шунингдек, технологиялардан фойдаланиш имкониятининг нотекис тақсимланиши, яъни, рақамли номутаносиблик – айрим аҳоли қатламларини ижтимоий жараёнлардан четда қолдиради.

Ўзбекистонда инфлюенсер лик фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳаракатлар мавжуд. Хусусан, 2025 йилнинг май ойида *«Онлайн платформалар ва веб-сайтлардан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун* лойиҳаси инфлюенсер-маркетинг бозорини тартибга солиш, контент муаллифлари фаолиятини қонунийлаштириш ва уларнинг даромади шаффофлигини таъминлаш мақсадини кўзлаган ҳолда умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Бироқ ҳанузгача қабул қилинган эмас.

Қонун лойиҳаси инфлюенсерлар учун маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш, қонунга риоя қилиш, ноқонуний контентни ўчириш ва солиқ тўлаш каби мажбуриятларни жорий этади. Бундай чора-тадбирлар аудитория манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам бериши мумкин.

Қонун лойиҳасига жамоатчилик, хусусан блогерлар томонидан ижобий муносабат билдирилган эди. Жумладан, таниқли блогерларнинг ПР менежери ва «FACES» агентлиги асосчиси С.Бакийева ушбу қонун лойиҳасини Ўзбекистонда инфлюенсер-маркетингнинг жадал ривожланиши фонида мантиқий қадам деб ҳисоблайди. Унинг айтишича, *«мазкур ташаббус бозорнинг шаффофлигини таъминлаш ва аудитория манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, шу билан бирга ёш блогерларга ортқча босим ўтказмаслик жуда муҳим»*.

Тролл.уз муаллифи ва «Таниш Билиш» реклама агентлиги раҳбари У.Ғафуровнинг фикрича, блог ва рақамли платформаларнинг тартибга

¹ Deepfake porn is destroying real lives in South Korea, CNN: // <https://edition.cnn.com/2025/04/25/asia/south-korea-deepfake-crimes-intl-hnk-dst/index.html>

² Мулайдинов Ф., Бутабойев М., Шодийев Т. Рақамли иқтисодиёт юксалишнинг мезони, XII халқаро иқтисодчилар форуми, 2020.

солиниши кутилган ва тўғри амалга оширилганда барча томонлар учун манфаатли қадамдир. «Реклама бозори «қора схема»лардан азият чекмоқда: блогерлар кўп ҳолларда шартномаларсиз ишлашади, тўловни нақд пул кўринишида олишади. Бу айниқса, бошловчи блогерларга тегишли.

Шу билан бирга, уларнинг аксарияти солиқ тўлашга қарши эмас – шунчаки, буларнинг барчасини қандай қилиб расмийлаштириш кераклигини билишмайди. Йирик блогерлар шаффоф иш олиб боришади». У шунингдек, қонун лойиҳасини такомиллаштириш, жумладан қонунийлаштириш ва ҳисобот бериш қонун-қоидаларини осонлаштириш кераклигини таъкидлаган.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ОАВлар ахборот берувчи эмас, балки жамиятга таъсир қилувчи кучга айланган. Шу сабабли рақамли сиёсий вакиллар нафақат қонун олдида, балки ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан ҳам масъулиятли бўлишлари керак. ОАВда ижтимоий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш орқали соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш мумкин.

Инфлюенсерлар орқали сиёсий фикрни шакллантириш жараёни худди йирик бир сув иншоотидаги қувурларга ўхшайди: улар ахборот оқимини жуда тез ва кенг тарқатиши (*ижтимоий фаолликни ошириши*) мумкин, лекин агарда қувурларга назорат бўлмаса, у ердан тоза сув (ҳаққоний ахборот) ўрнига лойқа сув (*манипуляция ёки дезинформация*) ҳам ўтиб, бутун тизимни ифлослантириши хавфи мавжуд. Шу сабабли, ахборотнинг сифатини таъминлаш (*ҳаққонийликни текшириш ва ахлоқий мезонлар*) ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Нодир КАРИМОВ, магистрант
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА РАҚОБАТБАРДОШ СИЁСЙ БРЕНДЛАР ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ

Ижтимоий тармоқлар инсоният тарихида илк бор вақт ва макон чегараларини йўққа чиқариб, ҳар бир индивидни глобал ахборот оқими иштирокчисига айлантирган медиа муҳит ҳисобланади. Маргарет Скаммел таъкидлаганидек, «Рақамли инқилобдан кейин жамиятда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни ҳам тубдан ўзгарди: инсонлар сиёсий дастурлар ёки партиявий ҳужжатларни эмас, балки шахс ҳақидаги жамоавий тасаввурлар, визуал рамзлар, эмоционал боғланишлар ва қисқа шакллантирилган идрок йўллари асосида қарор қабул қила бошлайди»¹. Шу боис, ижтимоий тармоқларда сиёсий бренд яратиш муаммоси нафақат сиёсий фаннинг, балки

¹ Scammell M. Consumer Democracy The Marketing of Politics, 2014. – P. 66-87. // <https://doi.org/10.1017/CBO9781139046107.005>

социология, психология, коммуникация ва рақамли медиа тадқиқотларининг ҳам устувор йўналишига айланган.

Сиёсий бренд тушунчаси классик имиж назариясидан анча мураккабдир, зеро у фақат ташқи кўриниш ёки пиар материаллар эмас, балки инсон онгида шаклланидиган когнитив ва эмоционал рефлекслар, автоматик реакциялар ва ҳиссий триггерлар мажмуси, шахсни маълум маънолар билан боғлайдиган символик тизим ва фуқаролар хотирасидаги узоқ муддатли концепт ҳисобланади.

Бугунги дунёда сиёсий бренд тушунчаси «диққат иқтисодиёти» назарияси, яъни замонавий иқтисодий ва медиа муҳитда инсон диққати энг қиммат ва чекланган ресурс сифатида қадрланишини тушунтирадиган назария билан узвий боғланган. Инсон кун давомида юзлаб, баъзан минглаб ахборот унсурларига дуч келади. Ушбу ахборотлардан фақат энг ёрқин, энг рамзий ва энг камида когнитив куч талаб қилганлари хотирада қолади.

Ижтимоий тармоқларда эса, бу жараён янада жадал тус олади: контентни 2-3 сонияда ўқиш ёки ўтказиб юбориш одатга айланган. Демак, сиёсий шахс ҳам ўз ғоясини, ўз қиёфасини, ўз ташаббусини аудитория онгига жуда қисқа ва жуда таъсирли усулда кирита олиши лозим. Бу жараёнда сиёсий бренд – шахс ҳақидаги чуқур таҳлил ва батафсил материаллар эмас, балки одам онги учун енгил қабул қилинадиган, тез таниладиган ва ечимлар таклиф этадиган маъно рамкаси вазифасини бажаради¹. Ана шу хусусиятлар сиёсий брендни XXI аср сиёсий жараёнларининг энг долзарб ва энг таъсирли инструментиға айлантирди.

Сиёсий бренднинг долзарблигини яна бир неча омиллар белгилайди:

Биринчидан, глобал рақобат ва ахборот урушлари шароитида сиёсий шахснинг фақат ички аудиторияға эмас, балки ташқи медиа контекстда ҳам танилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, аудитория ижтимоий тармоқларда реал вақт режимида фикр алмашади, муносабат билдиради ва сиёсий воқеликни биргаликда қайта тайёрлайди. Бундай вазиятда сиёсий бренд – фаол мулоқотға қодир, рақамли фаолиятда жонли иштирок этувчи, индивидуал ва жамоавий эҳтиёжларни инobatға олган қиёфадир.

Учинчидан, ижтимоий тармоқлардаги контент эстетикаси, визуал рамзлар, қисқа видеолар, инфографика ва мемлар сиёсий шахснинг омма учун қандай қабул қилинишини белгилайди.

Тўртинчидан, замонавий сиёсатда ишонч капитали энг муҳим ресурсға айланган ва ушбу ишончни тиклашда сиёсий бренд ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Сиёсий бренднинг назарий моҳиятини чуқур англаш, аввало, унинг ички тузилмасини илмий асосда таҳлил қилишни талаб этади. Сиёсий бренд кўп қиррали концепт яъни, бир нечта маъно, таркибий қисм ёки функцияларға эга бўлган, бир йўналиш билан чекланмайдиган назарий тушунчани (*сиёсий, ижтимоий, коммуникатив, психология, имиж, бренд менежмент ва ҳ.к.*)

¹ Marshment J.L. Political Marketing: Principles and Applications 2019.

бўлиб, у бир-бирига боғлиқ бир қатор таркибий унсурларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири бренднинг шаклланиши, барқарорлиги ва жамоатчилик онгида мустаҳкам ўрнашишига хизмат қилади¹.

Биринчидан, сиёсий бренднинг марказий элементи – сиёсий қадриятлар ядросидир. Бу ядро сиёсий шахснинг қандай принципларга содиқ эканини, қайси ижтимоий-гуманитар тамойилларни ҳимоя қилишини ва жамият олдидаги асосий масъулиятни қандай тушунишини белгилайди. Қадриятлар ядроси барқарор сиёсий идентикликнинг асосий омилларидан бири бўлиб, у бренднинг моҳиятини, унинг идеал ва стратегик йўналишини ифодалайди.

Иккинчидан, сиёсий бренднинг муҳим таркибий қисми сифатида шахсий тарихи ва ҳикояси (storytelling) алоҳида аҳамият касб этади. Сиёсий етакчининг ҳаётий тажрибаси, болалиқдаги хотиралари, уларнинг юксалишига туртки бўлган воқеалар, бошдан кечирган қийинчиликлари ва уларни енгиб ўтиш жараёнлари аудитория учун кучли символик аҳамиятга эга. Самимий, ҳаётий ва ишонарли ҳикоялар жамоатчиликда эмоционал боғланишни кучайтиради ҳамда брендингнинг таъсирчанлигини оширади.

Учинчидан, сиёсий бренднинг визуал қатламини ташкил этувчи визуал кодлар – ранг танлови, фотостиль, кийиниш услуби, тасвир сифати, инфографика эстетикаси, логотип ва шахсий символика – бренднинг визуал идентификациясини таъминлайди. Визуал кодлар қайтарилувчанликка эга бўлгани учун брендингда «танишлик эффекти»ни пайдо қилади ва сиёсий шахсни рақобат муҳитида ажратиб кўрсатади.

Тўртинчидан, сиёсатчининг жарангдор идентификациясида тил ва нутқ услуби ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Нутқнинг қатъий ёки мулойимлиги, халқчил ёки эксперт муҳитига мос тарзи, расмий ёки норасмий услубда олиб борилиши, юмор ва эмоционал мурожаат даражаси брендингнинг мазмун ва таъсир форматини шакллантиради. Тил услуби бренднинг маърифий, ижтимоий ёки стратегик йўналишини белгилайди ва унинг жамоатчиликда қандай қабул қилинишига бевосита таъсир қилади.

Бешинчидан, рақамли давр шароитида сиёсий бренднинг асосий қатламларидан бири – рақамли мулоқот форматидир. Жонли эфирларда иштирок этиш, аудитория билан реал вақтда мулоқот қилиш, савол-жавоб сессиялари ўтказиш, изоҳларга муносабат билдириш, рақамли фаол гуруҳлар ва қўлловчи ҳамжамиятлар билан ишлаш сиёсий бренднинг замонавий динамикасини белгилайди. Бу формат нафақат ахборот тарқатиш, балки жамоатчиликнинг фикрини тинглаш, жавобгарликни намоён қилиш ва интерактив етакчиликни шакллантириш имконини яратади.

Шундай қилиб, сиёсий бренднинг тузилмаси комплекс хусусиятга эга бўлиб, у идеологик, психологик, коммуникатив ва визуал элементларнинг органик уйғунлигидан ташкил топади. Ана шу элементлар мустаҳкам ва изчил шакллантирилганда, сиёсий бренд фақат ахборот воситаси эмас, балки жамоатчилик онгида барқарор рамзий капиталга айланади.

¹ Your Political Brand Could Be Holding You Back — Here's How to Fix It Before Election Day.2025. // <https://reachvoters.com/imagebranding/#:~:text=A%20strong%20brand%20identity%20must,when%20they%20hear%20your%20name>

Жаҳон тажрибасида ижтимоий тармоқларда сиёсий бренд яратиш бўйича энг муваффақиятли мисоллардан бири – АҚШда 2008 йилдаги Барак Обама компаниясидир¹. Унинг бренди ўзининг халқчиллиги, самимийлиги, ранг-кодлари, умид ва ўзгариш тамойилларига асосланган шиорлари, юқори сифатли рақамли контенти ва аудитория билан кучли эмоционал боғланиш орқали шаклланди.

Бошқа бир мисол сифатида Франция президенти Эммануэль Макроннинг рақамли ҳаракат **«En Marche!»**ини² келтириш мумкин. Макрон бренди анъанавий партиявий структуралардан ажралиб чиққан ҳолда, ёшлар аудиториясига қаратилган, динамик, инновацион, очиқ коммуникацияларга таянган. Россияда эса сиёсий брендлар кўп ҳолларда медиа монополия, пропаганда ва визуал рамзлар орқали шаклланади, **«the firehose of falsehood»** модели манипулятив сиёсий бренд яратишнинг қора технологияларини очиб беради³. Жанубий Корея ва Японияда эса, сиёсий брендлар технологик тараққиёт, фанга эътиқод, рақамлаштириш ва меҳнат маданияти билан боғланади.

Ижтимоий тармоқларда сиёсий бренд яратиш стратегияси бир неча босқични ўз ичига олади: аудитория сегментацияси, асосий хабарни белгилаш, контент форматини танлаш, визуал қиёфани шакллантириш, шахсий миссияни аниқлаш, рақамли платформаларда изчил фаоллик, инфлюенсерлар билан ҳамкорлик. Бу босқичларнинг барчаси аудитория психологияси ва рақамли медиа муҳитини чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Контентда самимийлик, шаффофлик, инсонпарварлик ва фойдали маълумотлар устувор бўлиши керак. Аудитория билан реал вақт режимида мулоқот қилиш сиёсий брендининг кучини оширади.

Ўзбекистон шароитида ижтимоий тармоқларда сиёсий бренд яратиш, аввало, мамлакатнинг демографик таркиби ва Интернет истеъмоли билан белгиланади. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми ёшлардан иборат ва уларнинг аксарияти ахборотни ижтимоий тармоқлардан олади⁴.

Telegram мамлакатда энг кўп ишлатиладиган платформа, YouTube эса сиёсий фикрларнинг асосий диспутига айланган. Ёшлар телевидениега эмас, балки блогерлар ва рақамли етакчиларга таянади. Бу шароитда сиёсий брендининг муҳим вазифаси – рақамли фаолиятни самарали ташкил қилиш, шаффофликка таяниб ишонч капиталини ошириш, оммани рағбатлантирувчи, оддий ва тушунарли тилда мулоқот олиб боришдир. Ўзбекистондаги ижтимоий муҳитнинг ўзига хослиги – анъана ва замонавийликнинг бирлашуви.

¹ Article Special Report: How the 'Obama for America' Campaign Used Digital Media to Turn Ordinary Citizens Into Campaign Evangelists by Kimberly Smith. <https://www.marketingprofs.com/9/how-obama-for-america-campaign-used-digital-marketing-part1smith.asp#:~:text=First%2C%20it%20molded%20campaign%20messaging,make%20the%20story%20their%20own>

² The French Tech Journal 2022, // <https://www.frenchtechjournal.com/inside-macrons-data-driven-2017-campaign/#:~:text=startup,for%20Obama%E2%80%99s%20campaign%20in%202008>

³ Bertolin G. Conceptualizing Russian Information Operations: Info-War and Infiltration in the Context of Hybrid Warfare IO Sphere, 2015. – P. 10.

⁴ <https://www.uzdaily.uz/en/telegram-76-reach-YouTube-no-1-e-commerce-on-the-rise-inside-uzbekistans-digital-landscape/#:~:text=With%20a%20population%20of%20over,Millennials%20and%20Gen%20Z%20consumers>

Шу боис, сиёсий бренд ҳам миллий қадриятларни инкор этмаган ҳолда, замонавий медиа эстетикасига мос бўлиши керак.

Ижтимоий тармоқларда сиёсий бренд яратишнинг яна бир жиҳати – инсон инсон билан мулоқот қилишга муҳтож эканлигидир. Сиёсатчи рақамли форматда ҳам инсон сифатида кўрина билиши, индамайдиган машина эмас, балки ҳиссиётга эга, ўз хатоларини тан ола оладиган, кулувчи, мулойим, фаол, бир вақтда қатъий шахс қиёфасини намоён қила олиши зарур. Рақамли аудитория орхидеяга ўхшайди, чунки, эҳтиёткорлик билан боқиш, ихлос ила суғориш ва самимийлик билан мулоқот қилишни талаб қилади. Ёлғонга нисбатан чидамсиз, сунъийликни тез англайди ва манипуляцияни қабул қилмайди. Шу сабабли сиёсий брендда энг асосий жиҳат – ҳаққонийликдир.

Шунинг баробарида, дезинформация, ботлар, виртуал армиялар, таҳқир ва ёлғон манипуляциялар сиёсий брендни йўқ қилишда энг хавфли қуроллардан биридир. Жаҳонда ахборот урушлари кучайган шароитда сиёсий брендни инсонпарварлик, ҳақиқатга содиқлик ва очиқ мулоқот асосида қуриш муҳим. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда рақамли маданият ривожланмоқда, шу билан бирга ахборот хавфсизлигига эътибор ошмоқда. Бундай шароитда сиёсий бренд рақамли софлик ва ижтимоий масъулият мезонларига жавоб бериши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ижтимоий тармоқларда сиёсий бренд яратиш – бу фақат маркетинг эмас, балки фуқаролик жамияти, ишонч, идентиклик ва модернизация жараёнларининг бирлашуви ҳисобланади. Кучли сиёсий бренд демократик жараёнларни мустаҳкамлайди, инсонийликни сақлайди, жамоатчилик фикрини барқарор ривожга йўналтиради ва давлат билан фуқаро ўртасидаги ишонч кўпригига айланади. Замонавий дунёда сиёсий бренд – фақат шахс эмас, балки маъно, қадрият, салоҳият ва келажак ҳақидаги умумий орзуларнинг рамзидир.

**Узакберген ТУРСЫНБАЕВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)**

СИЁСИЙ ОНЛАЙН ЧЕЛЛЕНЖЛАРНИНГ АҲОЛИ КАЙФИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

Сўнгги йилларда Интернет ва ижтимоий тармоқлар нафақат коммуникация воситаси, балки сиёсий жараёнларнинг асосий майдонига айланди¹. Жаҳон амалиётида сиёсий онлайн челленжлар (*флешмоблар, хештег компаниялари, видео челленжлар, интерактив мурожаатлар*) орқали жамоатчилик кайфиятига таъсир кўрсатиш, фуқароларни сафарбар этиш, сиёсий позицияларига таъсир қилиш амалиёти кенг тарқалмоқда².

¹ Chadwick A. The Hybrid Media System. Oxford University Press, 2017.

² Jensen M. Political Mobilization in the Digital Era. Journal of E-Politics, 2021.

Ўзбекистонда 2020-2024 йилларда рақамли майдон фаол ривожланиб, аҳолининг 80 фоиздан ортиғи Интернетдан фойдаланмоқда ҳамда 20-35 ёшдаги фойдаланувчилар асосий онлайн аудиторияни ташкил қилади¹. Шундай шароитда сиёсий онлайн челленжлар аҳоли кайфияти, давлатга ишонч, фуқаролик фаоллиги ва ижтимоий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистондаги очиқлик ва ислохотлар сиёсати аҳолининг ахборотга бўлган талабини кескин оширди. Ижтимоий тармоқлар (*асосан Telegram*) сиёсий курашнинг асосий воситасига айланди. **Сиёсий онлайн челленжлар** – бу нафақат ички муҳокама, балки ташқи сиёсий таъсир ва дестабилизация учун ҳам кенг қўлланиладиган воситадир. Ушбу челленжларнинг тезлиги ва эмоционал юки, уларни сиёсий барқарорликка тезкор ва чуқур таъсир этувчи инструментга айлантиради.

Назарий жиҳатдан, челленжларнинг таъсири **«Медиа-агендани белгилаш» (Agenda-Setting)** ва **«Жамоатчилик фикрини бошқариш»** назариялари орқали тушунтирилади. Онлайн челленжларнинг асосий хавфи – улар ҳукуматнинг ижобий ислохотлар кун тартибини бир зумда ижтимоий ёки норозилик мавзулари билан алмаштириб юбориш қобилиятидадир.

Асосий таъсир механизмлари

Механизм	Таъриф	Миллий барқарорликка таъсири
Вируслилик (виральность) ва дезинформация	Тезкор тарқалиш ортида асоссиз ёки сохта ахборотнинг (фейкларнинг) яшириниши.	Тезкор ваҳима ва саросима кайфиятини келтириб чиқаради, ижтимоий тартибга хавф солади.
Поляризация ва ажратиш	Ижтимоий муҳокамаларни кескин «Биз ва улар» қарама-қаршилигига олиб келиш.	Жамиятдаги бирлик ва тотувликка путур етказди, миллатлараро ёки ҳудудлараро можаролар хавфини оширади.
Манипулятив дизайн	Челленжларнинг муайян сиёсий кучлар (кўпинча хорижий) манфаати йўлида шакллантирилиши.	Давлатнинг суверенитетига ташқаридан таъсир ўтказиш имкониятини кенгайтиради.

Сиёсий ишонч индексининг таъсири ва ислохотлар обрўси. Ислохотлар даврида юқори кутишлар мавжуд. Онлайн челленжлар, айниқса, камчиликларни муҳокама қилганда, қуйидаги салбий натижаларни беради:

- ислохотларга бўлган сабрсизлик ва шубҳа кайфиятини кучайтиради.
- ҳукуматнинг аниқ ютуқларини эмас, балки айрим мансабдор шахсларнинг хатоларини умумлаштириб, бутун тизимга бўлган ишонч пасайишига олиб келади.

¹ UzStat. Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари ҳақида ҳисобот, 2024.

Фуқаролик фаоллигининг конструктивлиги. Челленжлар фаолликни ошириши мумкин, лекин унинг сифати муҳим:

Клавиатурадаги фаоллик. Бу пассив норозилик шакли бўлиб, фуқароларни реал сиёсий жараёнлардан (*масалан, маҳаллий Кенгашлардаги муҳокамалардан*) узоқлаштиради.

Реал ҳаракатга мотив. Агар челленжлар асоссиз популизмга асосланса, улар аҳолини ғайриқонуний ёки радикал ҳаракатларга ундаши мумкин. Ўзбекистон учун фаолликни қонуний ва конструктив диалог шаклига ўтказиш устувор вазифадир.

Жамиятдаги поляризациянинг миллий хавфсизликка таҳдиди. Ўзбекистон шароитида жамиятнинг ахборот қабилаларига ажралиши нафақат сиёсий, балки минтақавий, маданий ва диний асосларда ҳам поляризация хавфини оширади. Натижада, сиёсий муҳокамаларнинг кескинлашиши миллий бирлик ва ҳудудий яхлитлик тамойилларига таҳдид солиши мумкин.

Telegramнинг доминантлиги ва рақамли суверенитет масаласи. Telegram каналларининг ёпиқлиги ва хорижий серверларда жойлашгани назоратсиз ахборот оқимларини келтириб чиқаради. Бу эса, дезинформациянинг тез тарқалиши ва аҳоли кайфиятини тезда ўзгартириш учун қулай шароит яратди. Бу масалани ҳал қилишда давлатга ахборот хавфсизлиги ва рақамли суверенитетни таъминлаш, шу билан бирга, фуқароларнинг фикр билдириш эркинлигини ҳимоя қилиш ўртасидаги нозик мувозанатни топиш талаб этилади.

Ижтимоий мавзулардан сиёсий мавзуларга ўтишнинг сабаби. Коммунал, транспорт ёки таълим муаммолари ҳақидаги челленжларнинг сиёсийлашуви – бу аҳолининг ислохотлар самарадорлигига юқори баҳо бериши ва тезкор натижалар кутиши билан боғлиқ. Натижада, жамиятда «сабрсизлик» ва «ҳаммасини тезда ўзгартириш керак» деган кайфият шаклланади. Бу ҳукуматдан фақатгина муаммони ҳал қилишни эмас, балки радикал сиёсий ўзгаришларни ҳам талаб қилишга ундаши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг TikTok каби платформалардаги фаоллиги уларнинг сиёсий жараёнларга жалб қилиниши учун имкониятдир. Бироқ популистик ва радикал ғояларнинг таъсирига қарши курашиш учун ёшларда танқидий фикрлаш ва ватанпарварлик ғояларини шакллантириш муҳим.

Ўзбекистонда кузатилаётган сиёсий онлайн челленжларни шартли равишда қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

Ижтимоий муаммоларга қаратилган челленжлар:

- коммунал хизматлар, йўллар, таълим, тиббиёт соҳасидаги муаммолар ҳақида оммавий видео челленжлар;
- давлат органлари реакциясини тезлаштирувчи «виртуал мониторинг» эффекти.

Ватанпарварлик ва ижтимоий бирликка йўналтирилган челленжлар:

▪ миллий байрамлар, спортдаги ютуқлар, эҳтиёжмандларга ёрдам акциялари;

▪ ижобий ижтимоий энергияни кучайтириш.

Сиёсий ахборот юритишга йўналтирилган челленжлар:

▪ сайловларда иштирок этишга чақирув;

▪ давлат сиёсатини тушунтириш (ижобий ёки танқидий форматда).

Манипулятив рақамли челленжлар:

▪ сохта видеолар асосида шаклланган трендлар;

▪ ташқи ахборот таъсирлари;

▪ нотўғри маълумот тарқатиш орқали жамоатчилик кайфиятига босим.

Челленжларнинг аҳоли кайфиятига таъсир механизмлари:

▪ ижобий таъсирлар;

▪ фуқаролик фаоллигининг ошиши.

Ўз навбатида, онлайн челленжлар жамоатчилиikka ўз фикрини ифода этиш имкониятини беради. Давлат органлари тармоқлардаги кенг муҳокамаларга тезроқ реакция қила бошлайди. Яхши ташаббуслар ёшлар ўртасида ижтимоий бирлик ва ватанпарварлик ҳиссини оширади.

Салбий таъсирлари:

▪ манипуляция ва фейк ахборот таъсири;

▪ ҳиссий видео челленжлар орқали нотўғри маълумот тарқатилиши мумкин.

Паника ёки кўтаринки кайфиятнинг сунъий шаклланиши, яъни, хаёлий муаммолар ҳақидаги челленжлар аҳоли орасида чалғиш ва хавотир келтириши мумкин. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар алгоритмлари қарама-қарши гуруҳланишни кучайтириши мумкин.

Ўзбекистонда 20-35 ёшдаги фойдаланувчилар умумий аудиториянинг 55–60 фоизини ташкил этади. Бу ёшлар ахборотни тез қабул қилади ва тез тарқатади¹.

Бу соҳадаги тенденцияларни кузатадиган бўлсак, Telegram ва TikTok – сиёсий челленжларнинг асосий майдонига айланмоқда, ижтимоий адолат мавзусидаги видео челленжлар энг кўп тарқалиш хусусияти ошмоқда. Сиёсий онлайн челленжларнинг бир қисми давлат органларига муаммоларга тез реакция қилиш имконини берса, бошқа қисми вақтинча ижтимоий кескинлик келтириши мумкин.

Сиёсий челленжлар натижасида юзага келадиган хатарлар ва имкониятлар қуйидагилардан иборат:

Хатарлар:

▪ рақамли манипуляциялар орқали жамоатчилик кайфиятини сунъий ўзгартириш;

▪ фейк ахборот оқимларининг кучайиши;

▪ ёшлар онгида радикал фикрлар пайдо бўлиши;

▪ сайлов даврларида ташқи рақамли таъсир хавфи.

Имкониятлар:

¹ We Are Social: Digital Uzbekistan Overview, 2024.

- фуқаролик фаоллигини ошириш;
- муаммоларни тезкор аниқлаш ва ҳал қилиш;
- давлат-аҳоли мулоқотини кучайтириш;
- рақамли дипломатия ва рақамли давлат тузилмаларининг ривожланиши.

Сиёсий онлайн челленжлар Ўзбекистон учун аҳолининг тезкор фикрини билиш учун ноёб имконият ва айти пайтда ташқи таъсир ва ички дестабилизация хавфини олиб келувчи муаммодир. Онлайн челленжларнинг энг катта хавфи рационал мунозара ўрнини эмоционал реакция билан алмаштиришда ҳисобланади. Бу эса, миллий бирликка путур етказиши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда сиёсий онлайн челленжлар жамоатчилик кайфияти ва сиёсий соғлом муҳит шаклланишида муҳим роль ўйнамоқда. Улар давлат ва жамият ўртасидаги интерактив алоқаларни кучайтириши, шу билан бирга, манипулятив ахборот оқимлари орқали салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Мамлакатда рақамли сиёсатни мазмунан янада такомиллаштириш, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш ва рақамли хавфсизликни мустаҳкамлаш орқали онлайн челленжларни ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик фаоллигини ривожлантиришга хизмат қилувчи механизмга айлантириш имкони катта.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда Ўзбекистоннинг стратегик манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидаги тавсияларни илгари суриш мумкин:

- рақамли суверенитет стратегияси. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун зарур инфратузилмани (*дата-марказлар*) ривожлантириш ва Telegram каби платформалар билан конструктив ҳамкорлик механизмларини кучайтириш¹.

- проактив ва танқидий коммуникация. Давлат органлари муаммолар юзага келишидан олдин шаффоф ва тезкор ахборот бериш тизимини янада мустаҳкамлаши лозим. Жавоб беришда кечикиш сиёсий вакуумни келтириб чиқаради.

- конструктив диалогни ривожлантириш. Аҳолининг хавотирларини конструктив оффлайн ёки расмий онлайн муҳокама майдонларига (*масалан, «Менинг фикрим» портали*) йўналтириш. Бу фаоллик энергиясини норозиликдан ечим топиш ва ислохотларда иштирок этиш жараёнига йўналтиради.

- медиасаводхонликни миллий даражага олиб чиқиш. Таълим тизимида танқидий фикрлаш ва фейк хабарларни аниқлаш бўйича мажбурий курслар жорий этиш орқали аҳолининг рақамли иммунитетини ошириш².

¹ ISO 27001 Digital Security Standards, 2020.

² UNESCO Media Literacy Guide, 2021.

**Ғолибжон ТОХИРОВ, магистрант
(Бухоро давлат университети)**

СИЁСИЙ ҚАРАМА – ҚАРШИЛИКЛАРДА «ФЕЙК» КОМПАНИЯЛАРНИНГ РОЛИ

*«Ҳақиқат шундай қимматли нарсаси, уни доим
ёлғонлар қалқони ичида асраш керак бўлади».
Уинстон Черчилл*

Рақамли сиёсий коммуникация сўнги 10 йилликларда кучли тараққий этди. Шу билан бирга сиёсий рақобат майдонига янги иштирокчи-ахборот манипуляцияси билан шуғулланувчи яширин ташкилотлар, яъни «фейк компаниялар» пайдо бўлди. Шу жараёнда «фейк компаниялар», яъни маълум бир сиёсий манфаат йўлида ташкил этилган сохта медиа тузилмалари, блогерлик тармоқлари, бот-фермалар ва виртуал пропаганда гуруҳлари, сиёсий қарама-қаршиликларнинг энг таъсирчан иштирокчилари сифатида майдонга чиқди. Улар ўзларининг фаолият жараёнларида маълум сиёсий кучларнинг таъсири остида жамият фикрини манипуляция қилиш, қўрқитиш ва шубҳалар уйғотиш орқали ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириб келмоқда. Мисол учун, 2024-2025-йилларда телеграм ижтимоий тармоғида «Россия-Украина» конфликти билан боғлиқ 302 та «фейк» хабарлар аниқланган.

«Фейк» компаниялар – ҳуқуқий ёки ташкилий жиҳатдан расман мавжуд бўлиши мумкин, аммо амалдаги фаолияти ёпиқ сиёсий мақсадларга қаратилган, сохта медиа контент, дезинформация, манипулятив материаллар тарқатишни асосий вазифа қилиб олган виртуал ёки гибрид ахборот тузилмаларидир.

Улар кўпинча бот-фермалар, сохта медиа каналлар, аноним тарғибот тармоқлари ёки маблағ манбаси ноаниқ платформалар кўринишида фаолият юритади. Бунда «Фейк» компанияларнинг фаолиятининг асосини ҳақиқатга ўхшатиб яратилган, лекин мазмунан сохта, нотўғри, асосга эга бўлмаган ахборот ёки сохта фото-видео, тўқима хабарлар, сохта иқтибослар, манбаи йўқ статистика ва монтажланган материаллардан иборат «фейк ахборот» ташкил этади¹.

Сиёсий манипуляция – бу жамоатчилик онги, сиёсий фикри ёки электорат хатти-ҳаракатини яширин, билвосита ва психологик таъсир усуллари орқали ўзгартиришга қаратилган режалаштирилган амалиётлар мажмуидир. Унинг асосий мақсади – электорат реал манфаатлари ва вазият ҳақидаги объектив маълумотдан чалғитилган ҳолда муайян сиёсий куч манфаатларига мувофиқ қарор қабул қилишга ундашдир².

¹ Timoty L.T. The Information War. 2004.– P. 77-78.

² Chomsky N. Manufacturing Consent. 1988. – P. 90.

Дезинформация – жамоатчиликни чалғитиш, адаштириш, сиёсий ёки стратегик мақсадга эришиш учун қасддан яратилган, сохталаштирилган, манипуляция қилинган ёки контекстдан узилган маълумотлар мажмуи. Дезинформациянинг марказий белгиси – унинг қасддан, аниқ режа ва мақсад асосида тарқатилиши¹.

Фейк хабарларни тарқатишдан асосий мақсад эътиборни тортиш, ёлғон хабарларга аудиторияни ишонтириш, жамиятда амалдаги ҳукуматга нисбатан ишончсизликни ҳосил қилиш, мамлакатда парокандаликни келтириб чиқаришдир.

Таъкидлаш жоизки, фейкларнинг асосий қисми Интернет орқали тарқалади, у ерда эса манбани топишга илож ҳар доим ҳам бўлавермайди. Кўпгина ҳолларда материал «вируссимон» бўлиб қолиши билан, муаллиф манбани яшириш учун уни ўзининг саҳифасидан ўчириб ташлайди.

«**Фейк**» компаниялар орқали маълум сиёсий кучлар сиёсий жараёнларда ўзининг мақсадларига эришиш учун сайловчиларни сиёсий манипуляция қилиш, шунингдек, маълум давлат бошқарувига қарши бўлган кучлар томонидан давлат бошқаруви тузумига нисбатан аҳоли ўртасида популизм ва экстремистик ғояларни кучайтириш ҳамда умумий ишончсизлик ҳиссини яратиш каби мақсадларда фойдаланиб келмоқда.

Шунингдек, сайлов жараёнларида «Фейк компаниялар» сохта хабарларнинг таъсири сезиларли даражададир. Улар нафақат сайловчиларнинг фикрига таъсир қилади, балки ишончсизлик ва чалкашлик муҳитини ҳам яратади. Кўпгина сайловчилар қонуний ахборот манбалари ва ёлғон маълумотлар ўртасидаги фарқни аниқлашга ҳаракат қилишади, бу эса сайловчиларнинг қутбланишига олиб келади. Масалан, «**MIT Media Lab** тадқиқотларига кўра», 2020 йилда АҚШ президентлик сайловларида фейк хабарлар айрим штатлардаги сайловчиларнинг тахминан 3 фоиз овозини ўзгартирган².

Шунингдек, «Фейк компаниялар» сиёсий қарама-қаршилиқлар жараёнида уч асосий ролни бажаради:

- электорат хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиш;
- жамият аъзолари ўртасида ижтимоий қутблантириш;
- давлатнинг демократик институтларига ишончсизликни кучайтириш.

Шу билан бирга, сохта янгиликларнинг таъсири сайловнинг ўзидан ҳам ташқарига чиқиши, ижтимоий медиа платформаларида нотўғри маълумотларнинг тарқалиши акс-садо хонаси эффектини яратади. Бу жамият ичидаги ҳақиқатга нисбатан консенсуснинг йўқолиши, турли сиёсий гуруҳлар ўртасидаги адоватни кучайтиради ва конструктив мулоқотга тўсқинлик қилади.

Шунингдек, сохта ва ёлғон хабарлар тарқатиш «синдроми» асосан муҳим сиёсий воқеалар арафасида, бугунги кунда йирик резонансга сабаб бўлаётган мавзулар атрофида «хуруж қилади». Жумладан, фейкнинг инсон онгига таъсирини АҚШнинг Вашингтонда жойлашган «**Pew Research Center**»

¹ Ўша манбаа. – Р. 35.

² Media Lab. // <https://www.media.mit.edu/MIT>

таҳлил маркази томонидан 2016 йил АҚШдаги Президент сайловлари даврида ўтказилган тадқиқот натижалари куйидагича, респондентларнинг 64 фоиз фейк хабарлар сиёсий жараёнларга кучли таъсир қилишини тасдиқлаши, жамоатчиликнинг бу хавфни англаб етганлигини кўрсатади¹.

«Фейк» компаниялар орқали фейк ахборотларнинг кўпайиши сиёсий тузилмадаги сиёсий кучлар, жамият ва давлатда обрўдор шахсларларининг обрўси тўкилишига, жамиятда ваҳима кайфияти пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, фейклар оммавий ахборот воситаларининг нуфузига ҳам зиён етказди, уларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Жумладан, сохта, ёлғон маълумотларни тарқатувчилар, яъни, фейк хабарлар яратувчилари бир неча турли хил манфаатларни кўзлаган бўлиши мумкин.

Моддий манфаат кўзлаган сохта ахборот муаллифлари кўпинча жалб қилувчи сарлавҳалардан ёки тўлиқ тўқималардан фойдаланиб, ўз аудиториясини оширишга, ўзларининг контингентини кўпайтиришга ҳаракат қилишади. Бунда кликбейтинг принципи орқали фойда олиш мақсад қилинади.

Маълумот учун, «Clickbait» – Интернет медидада фойдаланувчиларнинг эътиборини жалб қилиш ва уларни маълум бир мақола, видео ёки ҳаволани босишга мажбур қилиш учун ишлатиладиган тактика. Кликбейтнинг асосий мақсади - ҳаволага босишни ва кўришни кўпайтириш, бу эса, реклама даромадларининг ошишига ёки контентнинг машҳурлигига олиб келиши мумкин².

Сиёсий манфаат – аудиторияси катта бўлган платформаларда сохта контент яратиш, таҳликини чақирувчи маълумотларни жойлаш орқали аудиторияни бошқаришга, тартибсизлик, ваҳима кайфиятини келтириб чиқаришга уриниш ҳам мумкин³.

Фейкнинг сиёсий онга таъсири - манбаси хорижда бўлган сохта янгиликларга таъсирланиш аудитория орасида сиёсий қутбланишнинг ўсишига олиб келиши мумкин. Бу қутбланиш фақат идеологик эмас, балки миллий оммавий ахборот воситалари ва ҳукумат институтларига нисбатан ортиб бораётган ишончсизликда ҳам намоён бўлади⁴.

Хусусан, ёлғон ва нотўғри маълумотларнинг тарқалиши жамиятнинг институтларга бўлган ишончини пасайтиради, демократик иштирокини бузади ва қутбланишни кучайтиради. Натижада жамиятдаги институтларнинг консенсусга эришиш ва демократик ҳаётда конструктив иштирок этиш қобилиятини заифлаштиради. Бу жараён экзистенсиал хавф туғдиради, чунки у жамиятдаги ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи муҳим ишончни йўқотиш орқали демократик бошқарув тузилишини парчалаши мумкин. Шахслар қутбланиши натижасида, жамиятда демократик институтлар орқали ҳамкорлик қилиш ва низоларни ҳал қилиш тобора қийинлашиб боради, бу эса сиёсий дезинформация ва фейк хабарларнинг кенг тарқалган таъсирига қарши қурашиш зарурлигини билдиради.

¹ Pew Research Center. // <https://www.pewresearch.org>

² Klikbeyt bu nima? // <https://legalclinic.uz/tpost/ecpplxymh1-klikbeyt-bu-nima>

³ <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000367882>

⁴ <https://cyber.fsi.stanford.edu/io>

Жамият ичида «Фейк компаниялар» фаолиятини сезиларли даражада камайтириш учун медиа саводхонлик дастурларини **«Тарқатмаслик назарияси»** асосида қуриш зарур. Тарқатмаслик назариясига кўра, манипуляцияга чидамликни шакллантириш учун қабул қилувчига ахборотни тақдим этишнинг тизимли ва босқичма-босқич таъсир этиш жараёнидир.

«Тарқатмаслик назариясини» қўллашнинг энг самарали усулларида бири **«Симуляция ва ўйинлаштириш»**. Бунда виртуал ўйинлардан кенг фойдаланган ҳолда виртуал ўйин муҳитга жойлаштирилади ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига манипулятор ролини ўйнаш таклиф қилинади. Иштирокчи қисқа вақт ичида ижтимоий тармоқда энг тез ва кўп тарқаладиган ёлғон хабарни яратиши керак бўлади. Бу жараёнда ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси «Фейк» хабарлар қандай яратилишини ич-ичидан тушуниши, когнитив таҳлил механизмларини ишга туширади. Масалан, Европада **«Bad News»** онлайн ўйини фойдаланувчиларига **«Қутбланиш»**, **«Эмоционал танаффус»** ва **«Сохта экспертлар»** каби дезинформация тактикаларини яратишни ўргатиш орқали иммунитет ҳосил қилади.

Шу билан бирга, «фейк маълумотларга иммунитет» ҳосил қилишдан ташқари, уларни бугунги кунда аниқлашга ёрдам берувчи кўплаб онлайн воситалар ишлаб чиқилган. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

«Google» корпорацияси *фактчекинг функцияси*, *Фейкфотони ва видеони аниқлаш* функциялари ҳисобланади.

Фактчекинг функцияси – қидирув жараёнида фойдаланувчилар ахборотни текшириш тизимини ишга туширганлигини эълон қилди. Фактчекинг ёлғон ахборотни текшириш усулидир. Глобал текширишни махсус компаниялар амалга оширса-да, бу жараёнга ишончли манба сифатида текширувдан ўтган ҳар бир оммавий ахборот воситаси кўшилиши мумкин. Ахборотларнинг ҳаққонийлигини баҳолашга бугунги кунда **«BBC»**, **«CNN»**, **«The Guardian»**, **«The New York Times»** ва яна шунга ўхшаш 111 та компания кирган. Шулардан энг йириги «Google» мазкур фаолиятни биринчи бўлиб бошлади ва фактчекинг иборасига асос солди¹.

Фейкфотони аниқлаш. Фотофейклар ҳам кўп учрайди, уларни аниқлаш унчалик мураккаб эмас. Суратнинг асл манбасини аниқлаш учун сурат устига сичқончани олиб келиб, «суратни Google»дан топиш буйруғини танлаш керак. **«TinEye»** сервисига фотони юклаш орқали суратнинг аслини топиш, унинг турли ҳажмдаги вариантлари, қачон тармоққа юклангани, компьютерда ишлов берилгани ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин.

Фейк видеони аниқлаш. Видео «You tube»га жойланган бўлса, «You tube» «Dataviewer» сервисидан ўтказилади. У видеонинг тармоққа қачон юкланганини кўрсатади ва бир нечта скриншотларни чиқариб беради. Скриншотлар орқали қидирув бериб, шунга ўхшаш видеоларни қидириб қуриш мумкин бўлади.

«InVID» сервиси орқали эса, турли платформалардан юкланган видеолар ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. У видео Интернетга юкланган пайтдан бошлаб «босиб ўтган йўл»ини кўрсатади. Видеони кўришда машина

¹ https://www.poynter.org/ifcn/?utm_source

рақамлари, майда ёзувлар, одамларнинг уст-боши, бинолар ҳолатига диққат қаратиш орқали ҳам видеога ишлов берган-берилмаганини аниқлаш мумкин.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шу йўналишдаги мавжуд моддаларга қонунчиликни такомиллаштириш ишлари амалга оширилган. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 2022-моддасига 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-658-сонли Қонуни асосида **«Ёлғон ахборот тарқатиш»** банди киритилиб, ёлғон маълумотларни била туриб тарқатганлик учун тегишли тартибда жавобгарлик белгилаб ўтилган.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий қарама-қаршиликларда «фейк» компаниялар янги даврнинг энг хавфли ахборот акторлари сифатида майдонга чиқди. Уларнинг СИ ва дипфейклар билан бойитилган манипулятив фаолияти электорал хатти-ҳаракатга таъсир қилади, партиявий адоватни кучайтиради ва демократик институтларнинг асосий ишончини емиради.

Шунингдек, «Фейк компаниялар» қутбланишни кучайтириши, сиёсий институтларга бўлган ишончни заифлаштириши, сайлов натижаларига таъсир қилиши ва дезинформациянинг кенгроқ муҳитга тарқалишига ўз ҳиссасини қўшади. Сохта янгиликлар муаммосини ҳал қилиш медиасаводхонлик бўйича таълим, фактларни текшириш ташаббусларини, ахборотни тарқатишда шаффофлик ва жавобгарлик тамойилларини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз ичига олган кўп қиррали ёндашувни талаб қилиб келмоқда.

Учинчи бўлим

КИБЕРХАВФСИЗЛИК, АХБОРОТ УРУШИ ВА РАҚАМЛИ СУВЕРЕНИТЕТ

Шербек УСМОНОВ, етакчи мутахассис,
(Тошкент шаҳар маъмурий суди)

АХБОРОТ УРУШЛАРИ: РАҚАМЛИ ДУНЁДА СИЁСИЙ ҚУРОЛ СИФАТИДА ВА МИЛЛИЙ МУДОФАА СТРАТЕГИЯСИ

Анъанавий ҳарбий сиёсатда куч асосан моддий ресурслар билан ўлчанар эди. Бироқ ХХI асрнинг иккинчи декадасига келиб, «4-авлод урушлари» концепциясига мувофиқ¹, ахборот урушлари ҳарбий тўқнашувларнинг марказий элементига айланди.

Рақамли асимметрия шароитида ахборот – бу сиёсий иродани ўзгартиришга қаратилган қуролдир². Ушбу қуролнинг асосий устунлиги – унинг арзонлиги ва глобал қамровидир. Ахборот уруши – энг арзон ғалабага элтувчи йўлдир.

Жаҳон сиёсатида куч ишлатиш омилларининг туб трансформацияси кузатилмоқда. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида давлатларнинг ҳарбий-иқтисодий қудрати билан бир қаторда, уларнинг ахборот маконидаги таъсир доираси ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув ва рақамли технологияларнинг шиддатли ривожланиши анъанавий кинетик тўқнашувлар ўрнини «гибрид урушлар» ва «когнитив операциялар» эгаллашига замин яратди³. Бугунги кунда ахборот – шунчаки коммуникация воситаси эмас, балки давлат суверенитети ва миллий хавфсизликка жиддий путур етказа олувчи стратегик қуролга айланди.

Экспертлар ҳамжамиятида «ахборот урушлари» феноменининг энг хавфли жиҳати сифатида унинг асимметрик табиати эътироф этилади⁴. Яъни, рақиб томон минимал молиявий ва техник ресурслар сарфлаган ҳолда, кенг кўламли вайронкор сиёсий-психологик натижаларга эришиши мумкин. Интернет платформалари ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга

¹ Исмаилов Ш.Э. Геополитические аспекты обеспечения информационной безопасности в Центральной Азии. Общество и инновации, 3(4/S), 2022. – С. 283-293.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида». // <https://lex.uz/docs/5841063>

³ Манойло А.В. Государственная информационная политика в условиях психологических войн и киберконфликтов. Москва: Горячая линия – Телеком, 2018.

⁴ Исмаилов Ш.Э. Геополитические аспекты обеспечения информационной безопасности в Центральной Азии. Общество и инновации, 3(4/S), 2022. – С. 283-293.

ошириладиган дезинформация компаниялари жамиятда ишончсизлик уйғотиш, қадриятларни емириш ва сиёсий барқарорликни издан чиқаришда қимматбаҳо ҳарбий техникадан кўра самаралироқ воситага айланмоқда¹.

Ушбу глобал қаҳриқлар Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ғоят долзарб ҳисобланади. Биринчидан, Ўзбекистон ўзининг «Янги Ўзбекистон» тараққиёт стратегияси доирасида дунёга очиқлик сиёсатини юритмоқда ва глобал ахборот маконига фаол интеграциялашмоқда². Чегараларнинг очиқлиги ва ахборот оқимининг эркинлиги ташқи мафкуравий таҳдидларнинг қириб келиш эҳтимолини ҳам оширади.

Иккинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг демографик таркибида ёшларнинг улуши юқорилиги ва Интернетлашув даражасининг кескин ортиб бориши³, ахборот-психологик таъсирларга нисбатан заифлик коэффициентини юзага келтириши мумкин. Учинчидан, Марказий Осиёнинг геосиёсий жиҳатдан йирик куч марказлари кесишган нуқтада жойлашганлиги, минтақани турли давлатларнинг «ахборот полигони»га айланиб қолиш хавфини туғдиради⁴.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган «Жамиятда ахборот маданиятини юксалтириш ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш» ғояси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган⁵. Миллий ахборот макони хавфсизлигини таъминлаш нафақат технологик ҳимояни, балки илмий асосланган сиёсий стратегияларни ҳам тақозо этади.

Ахборот урушлари давлатлар учун минимал молиявий ва ресурс харажатлари эвазига стратегик ғалабаларни таъминловчи энг мақбул воситага айланди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақиб давлатнинг ички барқарорлигини издан чиқариш учун йўналтирилган дезинформация ва ташвиқот компаниялари, замонавий ҳарбий техника харидига нисбатан бир неча баробар арзон тушади, аммо вайронкорлик кучи (давлат институтларига ишончсизлик уйғотиш нуқтаи назаридан) юқори бўлади.

Олинган натижалар таҳлили ташқи ахборот хуружларига қарши курашда фақатгина **реактив** (*мудофаага асосланган*) ёндашувлардан воз кечиб, **проактив** (*олдини олишга қаратилган*) мудофаа механизмларини жорий этиш заруриятини илмий-назарий жиҳатдан асослашга имкон беради.

Миллий медиа контент рақобатбардошлигини ошириш орқали «Ахборот суверенитети»ни мустаҳкамлаш ҳамда аҳолининг, айниқса ёшларнинг медиасаводхонлигини ошириш ва «танқидий фикрлаш иммунитетини»ни шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

¹ Сковрцов С.В. Информационно-психологические операции в современных конфликтах: механизмы и противодействие. Вопросы политологии, 11(8), 2021. – С. 2697-2704.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари ва демографик кўрсаткичлар (Ҳисобот). Тошкент.

⁴ Маликов Ш.С. Геополитическое положение Центральной Азии в условиях цифровой трансформации. Политическая наука и регионалистика, 8(2), 2023. – С. 55-68.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2021.

Киберхавфсизлик ва ахборот хавфсизлиги доктриналарини гибрид таҳдидларга мослаштириш бўйича тушунчалар беришга ҳаракат қиламиз.

Ахборот урушларининг замонавий ҳарбий доктриналарда устуворлик касб этишининг асосий сабаби – бу унинг иқтисодий асимметриясидир. Яъни, ҳужум қилувчи томон минимал харажат билан максимал сиёсий вайронкорликка эришади.

Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, анъанавий қуроллар ва ахборот қуроллари ўртасидаги харажат тафовути улкан. Мисол тариқасида бир дона замонавий F-35 қирувчи самолётининг ишлаб чиқариш нархи тахминан 80-100 млн. АҚШ долларини ташкил этади¹. Уни қўллаш халқаро санкциялар, инсон талафотлари ва инфратузилманинг жисмоний вайрон бўлишига олиб келади. 2016 йилда АҚШ сайловларига аралашишда айбланган «Интернет тадқиқотлари агентлиги» (*троллар фабрикаси*)нинг ойлик бюджети тахминан 1,25 млн. долларни ташкил этган².

Таъкидлаш жоизки, бир дона қирувчи самолёт нархига (100 млн. АҚШ доллари) рақиб давлат ҳудудида 5-6 йил давомида узлуксиз, кенг қамровли дезинформация компаниясини олиб бориш, жамиятни қутблаштириш ва сиёсий беқарорлик келтириб чиқариши мумкин.

НАТОнинг Стратегик коммуникациялар маркази (NATO StratCom COE) тадқиқотларига кўра, ижтимоий тармоқларда сохта трендларни яратиш, «лайк» ва изоҳларни сотиб олиш орқали жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш учун ишлатиладиган дастурий таъминот ва ботнетлар нархи қора бозорда 300 доллардан 5000 долларгача баҳоланади³. Бу эса, ахборот урушини нафақат йирик давлатлар, балки кичик геосиёсий акторлар ва экстремистик гуруҳлар учун ҳам «чўнтакбоп» қуролга айлантиради.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг географик жойлашуви ва табиий ресурслари туфайли глобал куч марказларининг «ахборот полигони»га айланган. Ўзбекистон мисолида бу жараён қуйидаги омиллар асосида кечмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Статистика агентлиги маълумотларига кўра, мамлакат аҳолисининг қарийб 55,1 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади⁴. Ёшлар ахборотни асосан ижтимоий тармоқлар хусусан Telegram, Instagram, YouTube орқали олади.

«Digital 2023: Uzbekistan» ҳисоботида кўра, мамлакатда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сони аҳолининг 53,7 фоизини ташкил қилгани ҳолда, аҳолининг медиа ва рақамли саводхонлик даражаси ҳали ҳам ривожланиш босқичида эканлигини кўрсатмоқда⁵. Бу эса, ёшларни **«КОГНИТИВ ХАКЕРЛИК»** (*cognitive hacking*) – инсоннинг фикрлаш алгоритмларини бузишга

¹ Lockheed Martin Corporation. F-35 Lightning II Program Status and Cost Report. Official Report, 2023.

² RBC (РосБизнесКонсалтинг). (2017). ««Расследование РБК: как из «фабрики троллей» выросла «фабрика медиа»». // https://www.rbc.ru/technology_and_media/24/03/2017/58d106b09a794710fa8934ac

³ NATO Strategic Communications Centre of Excellence (NATO StratCom COE). Social Media Manipulation Report. Riga, Latvia, 2021.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. Demographic Situation in the Republic of Uzbekistan. Tashkent, 2024. // https://stat.uz/img/demografiya-press-reviz-26_01_2024-eng-26_01.pdf

⁵ DataReportal. Digital 2023: Uzbekistan. Global Digital Insights, 2023. // <https://datareportal.com/reports/digital-2023-uzbekistan?utm>

қаратилган ҳужумлар қурбонига айланиш хавфини оширади. Бунга жиддий муаммо сифатида қарашимиз лозимлигини англатмоқда.

Минтақавий эксперт Ш.Исмоилов ўз тадқиқотларида таъкидлаганидек, Марказий Осиё давлатларига қарши ахборот ҳуружларида **«Бошқарилувчи хаос» (Controlled Chaos)** технологияси қўлланилмоқда¹.

Миллий қадриятлар ва тарихий шахсларга нисбатан шубҳа уйғотиш орқали миллатнинг ўзлигига ишончини йўқотиш, жамиятни сунъий равишда диндор ва дунёвий, этник ёки маҳаллийчилик белгилари асосида қарама-қарши гуруҳларга ажратиш эканлигини англаш мумкин. Давлат институтлари ва ислохотларга бўлган ишончни емириш (*энергетика ёки иқтисодий қийинчиликлар пайтида сунъий ваҳима уйғотиш орқали*).

Таҳлиллар кўрсатадики, Ўзбекистон учун фақат техник ҳимоя (*Firewall, сайтларни блоклаш*) етарли эмас. Ахборот асрида тақиқлаш – қизиқишни янада оширади.

«Ахборот суверенитети» тушунчаси эндиликда чегараларни ёпишни эмас, балки глобал тармоқда рақобатбардош миллий контент устунлигини англатиши керак.

Давлат грантлари асосида тарихий, илмий ва кўнгилочар йўналишда, лекин миллий мафкурага мос юқори сифатли медиа-маҳсулотларни яратиш лозим. Тажриба шуни кўрсатадики, Туркиянинг «Юмшоқ куч» сиёсати доирасида яратилган сериаллари (*Diriliş: Ertuğrul*) мамлакат имижини оширишда юзлаб дипломатик миссиялардан кўра самаралироқ бўлди².

Ахборот бўшлиғи пайдо бўлган жойда, уни дарҳол дезинформация тўлдиради. Барча даражадаги давлат органларида **«Олтин соат» (Золотой Час, Golden Hour)** қондасига амал қилиш тизимини жорий этиш зарур³. Бундай инқирозли вазиятларда ҳодиса юз бергандан сўнг биринчи 60 дақиқа ичида расмий муносабат ёки дастлабки маълумот берилмаса, кейинги берилган раддияларнинг самарадорлиги кескин тушиб кетади.

ЮНЕСКО тавсияларига кўра, медиа ва ахборот саводхонлиги XXI аср фуқаросининг базавий кўникмаси ҳисобланади⁴.

Мактабгача таълимдан бошлаб, олий таълимгача узлуксиз равишда фактни фикрдан ажратиш, манипулятив сарлавҳаларни таниб олиш ва кибергигиена қоидаларини ўқитишни жорий этиш лозим. Фақат танқидий фикрлайдиган жамиятгина ахборот урушида ғолиб бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли дунёда ахборот урушлари давлат барқарорлигига таҳдид солувчи арзон, аммо стратегик жиҳатдан юқори самарали сиёсий қуролга айланди. Тадқиқот натижалари тасдиқлайдики,

¹ Исмаилов, Ш.Э. Геополитические аспекты обеспечения информационной безопасности в Центральной Азии. Общество и инновации, 3(4/S), 2022. – С. 285.

² Yavuz, H. Turkish Soap Operas as a Soft Power Tool. International Journal of Communication, 2018. – С. 234-236.

³ Coombs, W. T. Crisis Communication: A Casebook Approach. Los Angeles: Sage Publications, 2015. – P. 45-50.

⁴ UNESCO. Media and Information Literacy: The time for a new curriculum. Paris: UNESCO Headquarters, 2021.

Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги эндиликда фақат ҳарбий чегаралар билан эмас, балки ахборот маконидаги суверенитет билан ўлчанади.

Биз таклиф қилаётган проактив мудофаа стратегияси – жамиятда кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий контентни ривожлантириш ва стратегик коммуникацияни такомиллаштиришга асосланади. Зеро, ахборот урушида ғолиб бўлишнинг ягона йўли – ҳақиқатни тезкор, сифатли ва ишончли тарзда етказишдир.

**Бахтиёр УСКЕНБАЕВ, илмий изланувчи
(Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети)**

САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИДА КИБЕРХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ

XXI асрда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жамиятнинг барча соҳаларига, шу жумладан сайлов тизимига кескин таъсир кўрсатмоқда. Демократик институтларнинг асосий элементи бўлган сайлов жараёни фуқаролар иродасининг эркин ва холис акс этишини таъминлаши лозим.

Бироқ рақамлашув жараёни сайлов тизимининг киберхавфсизлигини таъминлашни долзарб масалалардан бирига айлантирди. Сайлов жараёнининг рақамли инфратузилмаларига қаратилган ҳужумлар нафақат техник муаммолар, балки сиёсий барқарорлик ва давлат хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдид солади.

Сўнгги ўн йилликда дунёда турли мамлакатлар сайловларига нисбатан кўламли киберҳужумлар қайд этилган¹. Электрон овоз бериш тизимларини бузишга уринишлар, сайловчилар рўйхатини ўзгартириш, натижаларни сохталаштириш, ахборот хуружлари орқали жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш каби усуллар сайлов хавфсизлигининг асосий муаммолари сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса, киберхавфсизликни сайлов жараёнининг ажралмас қисми сифатида қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Сайлов жараёнлари давлат бошқарувининг ҳамда демократик давлатларнинг асосий сиёсий институти бўлиб, унда фуқароларнинг сиёсий иродасини тўғри акс эттириш ва адолатли натижаларга эришиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб дунёда замонавий техникаларни турли соҳаларга жалб этиш ишлари шиддат билан амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда, ушбу замонавий рақамлашув жараёнлари сайлов тизимида ҳам бир қатор қулайликларни яратиш мақсадида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

¹ Schmitt M. «Foreign Cyber Interference in Elections,» International Law Studies. // digitalcommons.usnwc.edu

Рақамлашувнинг тез суръатда ривожланиши сайлов тизимини ҳам замонавий технологиялар билан бойитиб, унинг самарадорлигини ошириб бормоқда, шу билан бирга ушбу жараёнларга янги киберхужумларнинг амалга оширилиши натижасида бир қатор киберхавфсизлик муаммоларини ҳам келтириб чиқармоқда. Шунингдек, сайлов жараёнларидаги электрон рўйхатлар, овоз бериш тизимлари, маълумотлар базалари ва тарғибот майдонларининг рақамли муҳитга ўтиши киберхужумлар учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда сайловчилар рўйхатлари электрон маълумотлар базасида сақланади, овозлар электрон тизимлар ёки машина воситасида ҳисобланади, сайлов натижалари марказий серверлар орқали қабул қилинади ва маълумотлар Интернет тармоқлари орқали узатилади. Шундай шароитда киберхужумлардан ҳимояланиш сайлов жараёнларининг энг заиф нуқтасига айланиши мумкин. Шу боис, киберхавфсизликни таъминлаш сайлов жараёнининг муҳим элементи айланимоқда.

Сайлов тизимидаги асосий киберхавфлардан бири маълумотлар базасига қилинган ҳужумлардир. Сайловчилар рўйхатларига ноқонуний кириш маълумотларни ўғирлаш, ўчириш, ўзгартириш ёки сохта рўйхатлар қўшиш имконини беради. Бу номувофиқликлар сайлов жараёнига ишончни сусайтиради ва сиёсий барқарорликка путур етказиши мумкин.

Электрон овоз бериш ёки овозларни машиналар орқали ҳисоблаш тизимлари ҳам ташқи ва ички ҳужумларга очиқ бўлади: дастурий таъминотга зарарли код жойлаш, овозларни ўзгартириш, қурилмаларни ишдан чиқариш ёки натижаларни манипуляция қилиш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, сайлов комиссиялари веб-порталларига йўналтирилган DDoS ҳужумлари¹ уларнинг вақтинча ишдан чиқишига сабаб бўлиб, овоз бериш ва уни кузатиш жараёнида жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Сайлов жараёнлари учун яна бир катта хавф – **дезинформация** (*ёлғон ахборот*) ва психологик таъсирга қаратилган киберкомпаниялардир. Ижтимоий тармоқларда фейк хабарлар тарқатиш, сохта профиллар орқали жамоатчилик фикрини бошқариш, ботлар ёрдамида тарғиботни манипуляция қилиш каби ҳолатлар турли мамлакатларда кўп бор кузатилган. Бу эса, сайловчиларнинг адекват қарор қабул қилиш имкониятини чеклаб, демократик жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга **инсайдер хавфлари**² ходимларнинг имкониятлари суиистеъмол қилиниши, паролларнинг ҳимояланмаган ҳолда сақланиши, техник хато ва эътиборсизлик ҳам киберхавфсизлик нуқтаи назаридан жиддий муаммодир.

Сайлов жараёнларида киберхужумлар турли манфаатдор гуруҳлар, ташкилотлар ёки айрим шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Улар ҳар хил мақсад, имконият ва усулларга эга бўлади.

¹ DDoS (Distributed Denial of Service) ҳужумлари. (*Хизмат кўрсатишдан воз кечишга қаратилган тармоқли ҳужумлар тури ҳақидаги изоҳ ёки манба*).

² Инсайдер хавфлари – ташкилотнинг ички ходимлари томонидан амалга оширилаётган хавфлар таърифи ёки бундай ҳолатларнинг статистик маълумотлари келтирилган манба.

Ҳар қандай сайлов жараёнларига қаратилган киберҳужумлар одатда давлатлараро рақобат, сиёсий манфаат, молиявий фойда ёки жамоатчилик фикрини бошқариш мақсадида турли томонлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Энг аввало, хорижий давлатлар махсус хизматлари ва уларнинг кибер жамоалари бошқа мамлакат сайлов жараёнига таъсир кўрсатиш, сиёсий барқарорликни издан чиқариш ёки ўзларига маъқул натижани таъминлаш мақсадида киберҳужумлар уюштириши мумкин. Иккинчи катта гуруҳ кибержиноятчилар бўлиб, улар маълумотларни ўғирлаш, шовқин ва ноаниқлик келтириб чиқариш ёки сайлов тизимидан моддий манфаат олишни кўзлайди, баъзан эса уларни сиёсий кучлар ёллайди.

Шунингдек, айрим сиёсий партиялар, номзодлар ёки уларнинг тарафдорлари рақибларга қарши компания юритиш, дезинформация тарқатиш, овоз бериш жараёнини бузиш ёки рақиблар ҳақида ёлғон маълумотлар тарқатиш мақсадида киберҳужумларни амалга оширишлари мумкин.

Ички хавфлар ҳам катта роль ўйнайди: сайлов комиссиялари ходимлари, IT мутахассислари ёки ахборот тизимига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар билмаган ҳолда ёки қасддан хато қилишлари, маълумотларни тарқатишлари ёки тизимни бузишлари мумкин. Бундан ташқари, идеологик ёки активист гуруҳлар масалан, **Anonymous**¹ каби ташкилотлар адолатсиз деб ҳисоблаган сиёсий жараёнларга қарши туриш мақсадида сайлов тизимларига ҳужум қилиши мумкин. Айрим ҳолларда эса манфаатдор бизнес гуруҳлар ёки лоббистик ташкилотлар муайян сиёсий қарорлардан фойда кўриш ниятида кибертаъсир ўтказди.

Қисқача айтганда, сайлов жараёнларига қилинган киберҳужумларнинг амалга оширувчилари турли ва кўп қиррали бўлиб, уларнинг мақсади ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам геосиёсий манфаатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Халқаро тажриба сайлов хавфсизлигини таъминлашда комплекс ёндашув муҳимлигини кўрсатади. Масалан, Эстония электрон овоз бериш тизимини кучли криптографик ҳимоя, блокчейн элементлари ва мустақил аудит орқали назорат қилади². АҚШда эса CISA сайлов хавфларини мониторинг қилиш, таҳлил қилиш ва тезкор реакция чораларини ташкил этиш бўйича миллий марказ сифатида фаолият юритади³. Европа Иттифоқида ENISA сайловда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича хавфсизлик тавсияларини ишлаб чиққан⁴.

Техник муҳофаза чораларига шифрлаш алгоритмларини мустаҳкамлаш, икки босқичли аутентификация, серверларнинг резерв

¹ Anonymous – халқаро хакерлар гуруҳининг сайлов ёки сиёсий жараёнларга таъсири ҳақидаги маълумот манбаси.

² Эстония тажрибаси. Эстониянинг электрон овоз бериш тизимини ҳимоя қилишда қўлланиладиган технологиялар ва қонунчилик асослари ҳақидаги расмий ёки илмий манба.

³ CISA (Cybersecurity and Infrastructure Security Agency). АҚШ Киберхавфсизлик ва инфратузилма хавфсизлиги агентлигининг сайловларни ҳимоя қилиш бўйича фаолияти ҳақидаги расмий манба.

⁴ ENISA (European Union Agency for Cybersecurity). Европа Иттифоқининг Киберхавфсизлик агентлиги томонидан сайловларга оид хавфсизлик бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ҳақидаги расмий ҳужжат.

нусхаларини яратиш, доимий мониторинг ва аудиторлик текширувлари киради. Ташкилий жиҳатдан эса ходимларни ўқитиш, хавф юзага келганда ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш, шаффофликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий тармоқларда фейклар ва манипуляцияларни камайтириш учун медиа саводхонликни ошириш, расмий ахборот каналларини кучайтириш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда сайлов жараёнлари, асосан, президент сайлови, Олий Мажлис депутатларини сайлаш ва маҳаллий кенгашлар депутатларини сайлаш орқали амалга оширилади. Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги, жумладан 2022 йилда қабул қилинган **«Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонун** (ЎРҚ-764) сайлов жараёнида ахборот тизимлари ва киберфазоларда хавфсизликни таъминлаш талабларини белгилайди¹.

Қонуннинг 5-моддасида давлат органлари ва овоз бериш инфратузилмалари операторларининг киберхавфсизлик чораларини амалга ошириши, хавфсизлик аудитларини ўтказиши ва ҳодисаларни мониторинг қилиши мажбурийлиги кўрсатилган.

Сайлов жараёнида киберхавфсизликни таъминлаш муаммолари қатор омиллар билан боғлиқ. *Биринчидан*, овоз бериш жараёнида маълумотлар базаси, электрон ва онлайн овоз бериш тизимлари ҳимояси етарли даражада таъминланмаган. Масалан, 2019 йилда Ўзбекистоннинг маҳаллий кенгашларига оид сайлов жараёнида электрон маълумотлар базаси серверларида техник хавфсизлик нуқсонлари аниқлангани хабар қилинган. Бу ҳолат серверлар ва маълумотлар базасини хакерлар ёки ноқонуний шахслар томонидан ўзгартириш эҳтимолини кўрсатади.

Иккинчидан, дезинформация ва манипуляция хавфи ҳам катта аҳамиятга эга. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиладиган нотўғри маълумотлар фуқароларнинг овоз бериш ҳулқини ўзгартириши мумкин. Хорижий тажрибалар (АҚШ, Британия) шуни кўрсатдики, сайловларга аралашув фаолияти киберхавфсизликни таъминламайдиган шароитда натижаларга жиддий таъсир қилади. Шу боис Ўзбекистонда 2022 йилда қабул қилинган қонуннинг 12-моддасида дезинформацияга қарши чоралар, шу жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситаларида мониторинг қилиш вазифалари белгилаб қўйилган.

Учинчидан, сайлов жараёнида техник инфратузилма, жумладан серверлар, овоз санаш ва онлайн овоз бериш тизимлари ҳам ҳимоя талабларига жавоб бериши лозим. Ўзбекистонда давлат органлари ва махсус ахборот технологиялари марказлари ушбу тизимларни сертификациядан ўтказиш, уларда заифликлар аниқланса, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Бу жараён қонунчиликда белгиланган ҳолда амалга оширилади, лекин амалий тажрибада техник мутахассислик ва ресурс етишмаслиги сабабли ҳам баъзи муаммолар юзага келиши мумкин.

¹ Ўзбекистон «Киберхавфсизлик тўғрисида» ЎРҚ-764 Қонуни, 2022.

Тўртинчидан, сайлов жараёнида аудиторлик ва верификация механизмларининг етарли даражада ишлаши киберхавфсизликни таъминлаш учун муҳимдир. Овоз бериш натижалари ва сервер маълумотлари аудит қилинадиган бўлса, хакерлик ёки техник хато ҳолатлари ўз вақтида аниқланади. Ўзбекистоннинг қонунчилиги бу жараёни ҳам қўллаб-қувватлайди: «Сайлов қонунчилиги»нинг 45-моддасида овоз бериш натижаларини текшириш ва ҳисоб-китобни қайта текшириш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

Бешинчидан, онлайн овоз беришда шифрлаш механизми ва криптографик технологиялар асосий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда онлайн овоз бериш тизимида шифрлаш усуллари қўлланилади, лекин халқаро экспертлар тавсиясига кўра шифрлашнинг мустаҳкамлиги ва аудит механизми доимо янгиланиб бориши лозим. Шифрлаш заифлиги овозларнинг махфийлиги ва интегритетини таҳдид қилади, бу эса демократияга путур етказиши мумкин.

Шу билан бирга, киберхавфсизлик муаммолари инсон фактори билан ҳам боғлиқ. Давлат органлари ва овоз бериш комиссияси ходимлари киберхавфсизлик бўйича тегишли тайёргарликдан ўтмаган бўлса, улар техник хавфларга, хусусан фишинг ва хакерлик ҳужумларига осонликча учраши мумкин. Шу боис Ўзбекистонда қонунчилик ҳамда давлат стратегиялари ходимларнинг малакали тайёргарлигини таъминлаш, киберҳодисаларга жавоб бериш тизимини ташкил қилишни талаб қилади.

Ўзбекистонда сайлов жараёнларида киберхавфсизликни таъминлашда халқаро тажрибани ҳисобга олиш ҳам муҳим. АҚШ, Британия, Австралия, Канада ва Россияда сайлов жараёнларида хакерлик, дезинформация ва серверга ҳужумлар каби таҳдидлар мавжуд бўлган ва улардан олинган сабоқлар Ўзбекистонда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, АҚШда **Cybersecurity and Infrastructure Security Agency (CISA)** сайлов инфратузилмасини кўриқлайди, Британияда **Electoral Commission** маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича мониторинг олиб боради, Австралияда онлайн овоз беришда шифрлаш ва верификация механизмлари қўлланилади. Бу тажрибалар Ўзбекистонда киберхавфсизлик сиёсати ва қонунчилиги учун намуна бўлиши мумкин.

Сайлов жараёнида киберхавфсизликни таъминлаш учун қатор чоралар тавсия қилинади:

- қонунчиликни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини назорат қилиш;
- техник ҳимояни таъминлаш, институтлар орасида ҳамкорлик ва мониторинг тизимини кучайтириш;
- фуқаролар ва ходимларни ахборот хавфсизлиги бўйича тайёрлаш, инцидентларни бошқариш ва жавоб механизмларини яратиш.

Ўзбекистонда қонунчиликда ушбу чоралар кўзда тутилган, аммо уларнинг самарали амалга оширилишида ресурслар ва малакали мутахассислар етишмаслиги катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, рақамлашув ва онлайн овоз бериш тизимлари сайлов жараёнини қулай ва самарали қилади, лекин киберхавфсизлик масалалари эътиборсиз қолса, демократия ва сайлов интегритетига жиддий таҳдид туғилади. Ўзбекистонда қонунчилик ва давлат стратегиялари киберхавфсизликни таъминлаш йўлида муҳим қадамлар бўлиб, уларнинг самарали амалга оширилиши сайлов натижаларининг ишончилиги ва шаффофлигини кафолатлайди. Давлатлар мисолидаги таҳлил, қонунчилик асоси ва халқаро тажриба Ўзбекистонда сайлов жараёнида киберхавфсизлик соҳасидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш чораларини аниқлаш имконини беради.

**Ойбек РЕЙИМБАЕВ, тадқиқотчи
(Ахборот технологиялари маркази)**

РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРДА «БОТЛАР» ОРҚАЛИ СИЁСИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ

Замонавий ахборот маконида Интернет ижтимоий тармоқлари тобора жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий ва мафкуравий таъсир ўтказишнинг асосий воситасига айланиб бормоқда. Улар орқали ахборот тез, интерактив ва кўпинча назоратсиз тарқалмоқда. Бу ҳолат тарғибот фаолиятининг рақамли муҳитга мослашувини тезлаштирмоқда. Шу сабабли, ижтимоий тармоқлардаги тарғибот усуллари илмий таҳлил этиш долзарб аҳамият касб этади.

Ижтимоий тармоқлар, фойдаланувчиларнинг қизиқишлари ва фаолиятига мос равишда контент тавсия этувчи алгоритмик тизимлар асосида ишлайди. Бу ҳолат ахборотнинг табиий эмас, балки таргетланган ва манипулятив тарқалишига замин яратмоқда. Тарғиботчилар бу алгоритмлардан фойдаланиб, маълум хабарлар ёки ғояларнинг омма орасида тез ёйилишини таъминлайдилар.

Сўнгги ўн йилликда рақамли коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши сиёсий жараёнларнинг шаклланиши, амалга оширилиши ва идрок этилишида туб бурилиш ясади. Агар аввал сиёсий таъсир асосан анъанавий оммавий ахборот воситалари телевидение, радио ва матбуот орқали амалга оширилган бўлса, ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар марказий ўринни эгалламоқда.

Айнан шу муҳитда **автоматлаштирилган аккаунтлар** – «ботлар» орқали сиёсий таъсир кўрсатиш янги, самарали ва бир вақтнинг ўзида хавфли восита сифатида намоён бўлмоқда¹. Ботлар орқали амалга оширилаётган таъсир усуллари жамоатчилик фикрини сунъий шакллантириш, сиёсий рақобатни бузиш ва демократик институтларга нисбатан ишончни пасайтиришга олиб келмоқда.

¹ Social bots in political communication – review of types, use in elections and their strategies

«Бот» тушунчаси ва унинг турлари:

Бот (инглизча *bot – robot*) – бу автоматик равишда белгиланган алгоритм асосида ишловчи дастурий akkaунт бўлиб, у инсонга ўхшаш фаолият юритади: пост қолдиради, лайк босади, изоҳ ёзади, қайта улашади. Сиёсий жараёнларда қуйидаги бот турлари кенг тарқалган:

Тарқатувчи ботлар – маълум бир сиёсий хабар ёки ғояни оммавий тарқатиш.

Манипулятив ботлар – жамоатчилик фикрини сунъий равишда ўзгартириш.

Тролл-ботлар – баҳсларни кескинлаштириш, қарши фикрларни бостириш.

Гибрид ботлар – инсон ва автоматлаштирилган бошқарувни бирлаштиради.

Ижтимоий тармоқлар анъанавий ОАВдан фарқли равишда тезкорлик, кенг қамров ва назоратнинг нисбатан заифлиги билан ажралиб туради. Бу эса ботлар учун қулай муҳит яратади. Шунингдек, алгоритмлар ва ахборот **«пуфаклари»**¹ платформа алгоритмлари фойдаланувчи қизиқишларига мос контентни кўрсатади. Ботлар айнан шу алгоритмлардан фойдаланиб **«тренд»** яратади ва маълум мавзунини сунъий равишда оммалаштиради.

Бундан ташқари ботлар орқали сиёсий таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари мавжуд. Хусусан, **ахборотни оммавий тарқатиш (Astroturfing)** – бу жамоатчилик қўллаб-қувватлаётгандек сунъий тасаввур яратиш усулидир². Ботлар бир хил хабарни минглаб akkaунтлар орқали тарқатади ва оммавий қўллаб-қувватлаш иллюзиясини ҳосил қилади.

Шу қаторда дезинформация ва фейк янгиликларни ботлар орқали тарқатишнинг бир нечта усуллари мавжуд. Хусусан, сохта хабарлар, манипулятив сарлавҳалар ва контекстдан узиб олинган маълумотлар тарқатилади, бу айниқса сайлов даврида хавфли ҳисобланади. Сиёсий рақибларни дискредитация қилиш учун тролл-ботлардан кенг фойдаланиб келинмоқда, булар ҳақоратли изоҳлар, ёлғон айбловлар ва шахсий ҳаётга оид маълумотлар орқали сиёсий рақиб обрўсига путур етказмоқда.

Шунингдек, ботларнинг сайлов жараёнларига таъсирини кўришимиз мумкин, яъни, муайян номзодни қўллаб-қувватлаш, қатнашишдан қайтариш (*voter suppression*), ишончсизлик муҳитини яратиш учун ишлатилади.

Ҳозирги даврда бот тармоқлари ва координациялашган хатти-ҳаракатлар орқали бот-фермалар яратилмоқда. **Бот-ферма** – минглаб akkaунтларни марказлашган тарзда бошқарувчи тизим. Улар маълум вақтда фаоллашади ва бир хил хабарни синхрон тарқатади. Шу билан бирга, координациялашган таъсир амалиётлари кузатилади, бундай амалиётлар ички, ташқи сиёсатга ва геосиёсий рақобатга қаратилган бўлиши мумкин.

¹ Using Trolls and Bots in Social Media: Propagandistic Influence on Public Opinion

² Bots influence opinion dynamics without direct human-bot interaction

Рақамли платформалар орқали ахборотнинг тезкор, интерактив ва кенг қамровли тарзда тарқалиши сиёсий коммуникация табиатида туб ўзгаришларни юзага келтирди. Айни пайтда ахборот оқимларининг юқори даражада назоратсизлиги ва фрагментлашуви манипулятив технологиялар, хусусан автоматлаштирилган аккаунтлар «ботлар» орқали таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларнинг қизиқишлари, фаоллиги ва ахборот истеъмол қилиш одатларига мос равишда контент тақдим этувчи алгоритмик тизимлар асосида фаолият юритади. Мазкур алгоритмлар ахборотнинг табиий тарқалишидан кўра, таргетланган ва селектив равишда оммага етказилишига замин яратади. Сиёсий акторлар ва манфаат гуруҳлари айнан ушбу алгоритмик механизмлардан фойдаланиб, муайян сиёсий ғоялар, нарративлар ёки қарашларни сунъий равишда оммалаштиришга интиладилар.

Мазкур жараёнда **«Big Data»** таҳлили орқали фойдаланувчиларнинг ёши, жинси, сиёсий қарашлари, истеъмол одатлари каби кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, ҳар бир аудитория учун индивидуал мослаштирилган тарғибот хабарлари яратилади ¹. Бу усул сиёсий кампаниялардан тортиб маркетинггача кенг қўлланилмоқда. Замонавий шароитда соҳа вакиллари томонидан кўзланган мақсадга эришиш учун бир қатор тарғибот технологиялари қўлланилиб келмоқда.

Хусусан, **астротурфинг** (*«grassroots simulation»*) орқали ботлар, сохта аккаунтлар ва тролл-гуруҳлар орқали маълум фикр «оммабоп» қилиб кўрсатилади. Масалан, Twitter (X) ва Facebook платформаларида муайян сиёсий мавзуларда бу каби қўллаб-қувватлаш компаниялари мунтазам кузатилиши хусусида турли манбаларда маълумотлар мавжуд.

Тролл-фермалар маълум сиёсий ёки ғоявий йўналишдаги хабарларни тарқатиш, танқидий фикрларнинг кенг ёйилишига қаршилик қилиш ёки маълум шахсларни обрўсизлантириш мақсадида ташкил этилиши мумкин².

Россия, Хитой ва АҚШдаги сиёсий жараёнларда бундай фаолиятлар бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилгани хусусида турли маълумотлар мавжуд. Онлайн платформалар фойдаланувчиларининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, сўнгги вақтларда видеолар, инфографика ва мемларнинг рақамли тарғиботдаги ўрни тобора мустаҳкамланиб, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда YouTube, TikTok ва Instagram каби платформалардаги аудиовизуал тарғибот инсон ҳиссиётига тез ва самарали таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас. Глобаллашув ва рақамли технологиялар тараққиёти шароитида ахборот маконидаги рақобат янги босқичга кўтарилди.

Давлат ва нодавлат субъектлар ўртасидаги ахборот кураши. Глобаллашув шароитида ахборот кураши геосиёсий рақобатнинг муҳим элементига айланди. Давлатлар расмий ОАВ, дипломатик каналлар

¹ Tufekci Z. Big Data, Algorithmic Power, and the Politics of Visibility. Data & Society Research Institute, 2015.

² Howard P.N., Woolley S., Calo R. Algorithms, Bots, and Political Communication in the US, China, and Russia. International Journal of Communication, 2018.

ва стратегик коммуникация воситалари орқали ахборот сиёсати юритади. Шу билан бирга, айрим ҳолларда махфий ахборот операциялари орқали хорижий аудиторияларга таъсир ўтказиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Нодавлат субъектлар – сиёсий партиялар, блогерлар, PR компаниялар ва халқаро ташкилотлар – ижтимоий тармоқларда ахборот курашининг фаол иштирокчиларига айланиб бормоқда. Давлат ва нодавлат субъектлар ўртасидаги ахборот кураши замонавий геосиёсий муносабатлар тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида ҳар бир иштирокчи – давлат институтлари, сиёсий ва жамоат ташкилотлари ҳамда алоҳида фуқаролар – жамоатчилик онги ва халқаро аудиторияга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлмоқда.

Шу билан бирга, тарғибот ва манипуляция усулларининг оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиши сиёсий ва ижтимоий жараёнларнинг ажралмас қисмига айланди. Ахборот маконида давлат ва нодавлат субъектлар ўртасидаги муносабатлар янги шакл ва мазмун касб этмоқда. **Ахборот кураши** – бу сиёсий, иқтисодий ёки ғоявий мақсадларга эришиш йўлида ижтимоий онга таъсир кўрсатиш, рақибнинг ахборот муҳитини издан чиқариш ёки ўз манфаатини илгари суришга қаратилган тизимли фаолият ҳисобланади.

Давлат субъектлари, одатда, расмий оммавий ахборот воситалари, матбуот хизматлари ва дипломатик каналлар орқали ахборот сиёсати ва тарғибот ишларини амалга оширадilar. Бундай фаолият давлатнинг ташқи сиёсати, миллий хавфсизлик ва имижини таъминлашга қаратилган бўлиб, стратегик коммуникациянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, айрим ҳолларда давлатлар махфий **«ахборот операциялари»**¹ орқали хорижий аудиторияларга таъсир кўрсатиш, рақиб давлатлардаги ижтимоий ёки сиёсий муҳитни манипуляция қилишга уринадилар.

Нодавлат субъектлар эса кенг қамровли ва динамик таркибга эга бўлиб, уларга сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, блогерлар, PR компаниялар, халқаро ННТлар ҳамда экстремистик ёки террористик гуруҳлар киради. Улар, асосан, ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар орқали ахборот курашининг фаол иштирокчиларига айланган.

Бу жараёнда фейк ахборот тарқатиш, бот тармоқлар орқали манипуляция қилиш, ёлғон нарративлар яратиш ва маълумотни таҳрирлаш орқали жамоат фикрини бошқариш усуллари кенг қўлланилмоқда. Масалан, 2016 йилги АҚШ президентлик сайловлари даврида айрим хусусий PR компаниялар ва автоматлаштирилган бот тармоқлари орқали манипулятив ахборот компаниялари амалга оширилгани аниқланган.

Замонавий шароитда давлат ва нодавлат субъектлар ўртасидаги чегаралар тобора йўқолиб бормоқда. Давлат муассасалари нодавлат ахборот майдонларидан фойдаланишга интилаётган бўлса, нодавлат субъектлар, ўз

¹ Rid T. Active Measures: The Secret History of Disinformation and Political Warfare. Farrar, Straus and Giroux, 2020.

навбатида, давлат даражасида таъсир кучига эга коммуникация имкониятларини яратишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳолат гибрид ахборот тизими тушунчасини шакллантириб, ахборот хавфсизлигини таъминлашда янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Психологик ва когнитив манипуляция механизмлари. Рақамли муҳитда тарғибот жараёни ижтимоий – психологик ва коммуникацион омиллар таъсирида шаклланади. Тарғиботнинг асосий мақсади инсон онги, тафаккури ва ҳиссий ҳолатига таъсир кўрсатиш орқали унинг хулқ – атворини бошқаришдан иборатдир. Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан қаралганда, рақамли тарғибот ахборот алмашинуви, когнитив таъсир ва эмоционал стимуллар тизимидан иборат кўпқиррали жараён сифатида намоён бўлади.

Когнитив психология нуқтаи назаридан бу жараён Ф.Фестингернинг когнитив диссонанс назарияси орқали изоҳланади. Унга кўра, инсон онгидаги қарама – қарши маълумотлар номувофиқлик ҳиссини келтириб чиқаради ва шахс бу ҳолатни бартараф этиш учун маълум бир фикр ёки позицияни қабул қилишга мойил бўлади. Рақамли тарғибот эса, айнан шу психологик механизмдан фойдаланиб, аудиторияда маълум эмоционал реакциялар ва манфаатли фикрни шакллантиришга интилади.

Бундан ташқари, Р.Чиалдинининг «таъсир психологияси» тамойиллари рақамли муҳитдаги манипулятив усулларни тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тамойил – ишонч уйғотиш, ўхшашлик эффекти, ижтимоий далил ва авторитет орқали таъсир кўрсатиш – тарғибот стратегияларининг асосий компонентларини ташкил этади¹.

Г.Асмоловнинг тадқиқотларида таъкидланганидек, ижтимоий тармоқлар даврида тарғиботнинг мақсади эндиликда маълум бир мафкурани сингдиришдан кўра, жамоатчилик муҳокамасини бошқариш ва ахборот оқимини йўналтиришга қаратилган. Бу ҳолат рақамли коммуникация тизимини фақат маълумот узатиш воситаси эмас, балки жамоатчилик онгини шакллантирувчи таъсирчан ижтимоий механизм сифатида баҳолаш имконини беради. Шу тариқа рақамли тарғибот тизими психологик таъсир, когнитив манипуляция ва коммуникацион воситалар ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайдиган мураккаб ижтимоий-информацион механизм сифатида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ахборот – ғоявий хавфсизликни таъминлаш ва жамиятни манипулятив таъсирлардан ҳимоя қилиш масаласи стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан бу жараён ахборот инфратузилмаси, медиа маданият ва фуқароларнинг когнитив иммунитетини ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қамраб олади. Ижтимоий тармоқларда рақамли тарғибот технологияларининг фаоллашуви жамоатчилик фикрини бошқариш имкониятларини кенгайтди. Бу ҳолат ахборот хавфсизлиги ва фуқароларни

¹ Cialdini R.B. Influence: The Psychology of Persuasion. – New York: Harper Business, 2009.

ёт манипулятив таъсирлардан ҳимоя қилиш масаласини долзарб муаммога айлантирмоқда.

Турли хил ахборотга нисбатан жамиятнинг иммунитетини мустаҳкамлашда медиа саводхонликни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Медиа саводхонликка эга шахс маълумот манбасини танлай олади, фейк контентни фарқлайди ва манипулятив усулларни аниқлайди. Шу орқали рақамли муҳитда тарқалувчи, миллий манфаатларимизга мос келмайдиган контентнинг таъсири сезиларли даражада камайишига эришиш мумкин.

Шунингдек, факт-чекнинг платформалари ахборот оқимини назорат қилиш ва жамоатчиликни ишончли маълумот билан таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Давлат даражасидаги ахборот хавфсизлиги сиёсати эса киберхавфсизлик, ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилиш ва оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини ошириш орқали жамоавий барқарорликни таъминлайди. Ижтимоий тармоқлар замонавий тарғиботнинг асосий майдонига айланиб, унда ахборот уруши, манипуляция ва когнитив таъсир усуллари кенг қўлланилмоқда.

Тарғиботнинг самарадорлиги алгоритмик тизимлар, «Big Data» таҳлили ва визуал коммуникация воситалари билан боғлиқ. Шу билан бирга, рақамли саводхонлик ва ахборот хавфсизлиги маданияти жамиятни ёлғон ёки зарарли ахборот таъсиридан ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли платформаларда ботлар орқали сиёсий таъсир кўрсатиш замонавий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Ушбу жараён ахборот эркинлиги ва миллий хавфсизлик ўртасида мураккаб мувозанатни талаб қилади. Самарали кураш фақат техник эмас, балки ҳуқуқий, институционал ва маърифий ёндашувни ҳам талаб этади.

Жасур АТАКУЛОВ, мустақил тадқиқотчи
(Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети)

КИБЕРҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Ҳозирги замонда технологиялар ривожланиши, хавфсизлиكنинг ҳар бир соҳасини рақамлашиши ва сунъий интеллект билан интеграция қилиш жараёнлари шиддат билан амалга оширилмоқда. Бироқ шу қаторда дунё бўйлаб кибержиноятлар сони ҳам ортиб бормоқда, киберхужумлар эса мураккаблашмоқда ва самараси хавфсизлиكنинг ҳар бир соҳасига сезиларли зарарлар етказмоқда.

Экспертларнинг таҳлилига кўра, 2025 йилда дунё бўйлаб тадбиркор ва йирик компания эгаларига кибержиноятлар 10,5 трлн. доллар зарар

етказган ҳамда ушбу зарарлар 2029 йилга келиб, 15,63 трлн. долларгача етиши тахмин қилинган¹.

Шу билан бирга, уруш ва конфликтлар юз бераётган давлатларда сиёсий ҳукумат ва муҳим инфратузилмалар (*нефть, ишлаб чиқариш, молия ва соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлари ва корхоналар*)га қарши қаратилган ҳамда Миллий хавфсизликка оид махфий маълумотларни ўғирлаш ва даражасини бузиш каби киберхужумлар такомиллашмоқда². Дунё бўйлаб ҳар куни 2300 дан ортиқ ноёб киберхужумлар амалга оширилмоқда. Шу қаторда, фишинг ва ҳисоб маълумотларини ўғирлаш 84 фоизга, «Ransomware and Double Extortion» 28 фоизга, тақсимланган «DDoS» хизматидан воз кечиш 550 фоизга, носоз қурилмалардан фойдаланиш, таъминот занжири, сунъий интеллект ва булутли хужумлар, ижтимоий муҳандислик ва ички таҳдидларга қаратилган киберхужумлар бир неча баробарга ошган³.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 31 млн. фуқаро Интернетдан фойдаланади. Охириги беш йил ичида кибержиноятлар сони 68 бараварга ошган ҳамда 2025 йилда 46 мингдан ортиқ ҳодиса аниқланган. Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига етказилган моддий зарарлар 1,2 трлн. сўмдан ошди⁴. Шу билан бирга, шахсий маълумотлар, банк карталари ва электрон имзолар билан боғлиқ кибержиноятчиликнинг фирибгарлик ҳолатлари кескин ўсган. Мазкур жиноятларнинг кўп ҳолати онлайн тарзда амалга оширилган ҳамда банк карталари билан боғлиқ кибер фирибгарлик кенг тарқалганларидан бири ҳисобланади.

2025 йил ҳолатига кўра, ахборот технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилган жиноятлар умумий жиноятларнинг 44,4 фоизини ташкил этмоқда. Бу рақамлар кибержиноятчилликка қарши чора кўришни ҳамда 2026 йилда юқори хавф даражасини кўрсатади⁵.

Киберхавфсизлик мутахассисларининг маълумотига кўра, Ўзбекистон кибержиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда халқаро тажрибаларни ўрганмоқда ҳамда Хитой, Сингапур, Россия, Қозоғистон ва Европага бориб тажриба алмашилмоқда. Шунга қарамасдан, сўнгги беш йилликда кибержиноятлар 863 тадан 58,8 мингга қадар кўпайган ва фуқаролар кўп миқдорда маблағларини йўқотган⁶.

¹ VikingCloud team томонидан 2025 йил 11 декабрда «207 Cybersecurity Stats and Facts for 2025» илмий мақоласи. // <https://www.vikingcloud.com/blog/cybersecurity-statistics#risks-small>

² Institute of defense and business томонидан 2025 йил 8 декабрда «Top 5 Cyber Threats Facing the Public Sector» мақоласи. <https://www.idb.org/top-5-cyberthreats-facing-the-public-sector>

³ Mohammed Kh. Top 10 Most Targeted Countries for Cyber Attacks 2025. <https://deepstrike.io/blog/top-10-countries-most-targeted-by-cyber-attacks-in-2025>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 3 ноябр куни «Миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш, кибержиноятларга қарши самарали курашиш ҳамда прокупор назоратини рақамлаштириш юзасидан таклифлар тақдими» // <https://president.uz/oz/lists/view/8617>

⁵ Тошкент шаҳар ИИББ Киберхавфсизлик маркази маълумотлари, 2025. // <https://www.gazeta.uz/oz/2025/11/06/kiberjinoiat>

⁶ Yuz.uz ахборот манбаининг 2025 йил 30 майдаги «Ўзбекистонда кибержиноятлар сони сўнгги беш йил ичида 68 баравар ошди» мақоласи. // https://yuz.uz/en/news/v-uzbekistane-chislo-kiberprestupleniy-za-poslednie-pyat-let-vroslo-v-68-raz?utm_source=chatgpt.com

Шу боисдан, киберхужумларнинг таъсирини камайтириш ва киберҳимояни оширишда олиб борилаётган киберҳимоя механизмларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш долзарб ҳисобланади. Мазкур механизмлар миллий хавфсизлик соҳаларида киберхавфсизликни таъминлаш, кибертаҳдидларга чидамлилиқни ошириш, хавфни камайтириш ва энг қимматли актив (маълумот)ларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

Ушбу механизмларнинг самарадорлигини баҳолашнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти ва заруриятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, миллий хавфсизликни кибермакonda таъминлаш имкониятини баҳолаш. Таҳдидлар кўламининг кенгайиши натижасида амалда мавжуд ҳимоя тизимларининг имкониятлари пасайиши ҳамда такомиллаштириш учун йўналишни аниқлашга ёрдам беради;

иккинчидан, ресурслардан оптимал фойдаланиш. Самарадорлик паст бўлса кераксиз харажатларни камайтириш ва эътиборни долзарб ҳимоя усуллари белгилашга қаратади;

учинчидан, миллий баҳолаш мезонларини халқаро кўрсаткичларга мослаштириш. Кўплаб стандартлар ва қонунлар мунтазам баҳолашни мажбурий қилади;

тўртинчидан, киберхужумлар вақтида йўқотишларни камайтириш. Самарали ҳимоя тизимнинг ишламай қолиш вақтини камайтиради, ахборот сизиб чиқишини олдини олади, молиявий зарарни пасайтиради;

бешинчидан, ахборот активлари қийматини сақлаш. Маълумот – энг қиммат ресурс, уни ҳимоя самарадорлигини ўлчаш, баҳолаш ва бошқаришга ёрдам беради.

Киберҳимоя механизмлари ва уларнинг самарадорлигини баҳолашдан асосий мақсад киберҳимоя механизми қаерда, қандай ва қанчалик самарали ишлашини илмий асосда аниқлаш, шу орқали давлат ва ташкилотлар учун киберхужумлар оқибатидаги зарарни камайтиришга қаратилган энг оптимал ҳимоя стратегиясини таклиф қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

- киберҳимоя механизмларининг ишлаш принципларини ўрганиш, ҳар бир механизм қайси таҳдид турига қарши ишлайди, унинг имконияти ва чегаралари нимадан иборат;
- мавжуд киберҳимоя механизмларни амалий самарадорлигини баҳолаш ва уларни кибертаҳдидларга бардошлигини ўрганиш;
- самарадорлик мезонларини белгилаш, киберҳимоя механизмларини такомиллаштиришга тавсиялар ишлаб чиқиш.

Киберхавфсизлик масалалари хорижий муаллифларнинг асарларида кўриб чиқилди, масалан, В.Г.Степанов-Эгянц, В.А.Мешчеряков, А.П.Стелмах, А.В.Тонконогов, В.Б.Вехов, Д.В.Грибанов, Р.И.Дремлюга, Я.О.Кучин, И.Р.Бегишев, В.Ф.Жафарли, Хиао Линг Ванг, М.Келемен, С.Сзао, И.Ваидова, Ж.Д.Ховард, Ж.С.Смит, В.Файяд, Г.Пятецкий-Шапиро, К.Вилсон ва бошқалар. Бироқ электрон асбоб-ускуналар, ахборот технологиялари қурилмаларининг ривожланиш тезлиги, ахборотнинг янги шакллари (*масалан*,

тарқатилган маълумотлар ва бошқалар), таҳдидларнинг янги турлари (масалан, полиморф вируслар, идентификация ва аутентификация тизимларини бузишга қаратилган квант технологиялари) туфайли, бу ишлар ўзларининг услубий аҳамиятини сақлаб қолган ҳолда, ҳозирги вақтда уларга қарши курашиш усулларини маълум даражада орқада қолмоқда.

МДХга аъзо давлатларнинг «Кибержиноятларга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида ахборот ва телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернетда, технологик қурилмалар ва тармоқлар орқали одамлар, дастурий таъминот ва хизматларнинг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўладиган рақамли муҳитга кибермакон деб таъриф берилган ҳамда киберхавфсизликнинг асосий хусусиятлари белгиланган¹.

Бизнинг фикримизча, киберхавфсизликнинг асосий хоссалари қуйидагилардан иборат:

- киберхужумга учраган қурилмаларнинг тармоққа уланиши;
- ахборотга фақат рақамли шаклдаги ҳужумлар;
- киберхужумга учраган ахборот қурилмаларининг технологик мураккаблиги;
- киберхавфсизлик ландшафтининг доимий ўзгариши;
- зарур шарт сифатида маълумотларни қазиб олиш ва турли киберхавфсизлик чораларини ўзаро интеграциялаш;
- киберхавфсизлик тизимларининг ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлиги;
- фаол кўп даражали ҳимоя;
- нафақат ҳужумларни қайтариш ва хавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, балки кўп жиҳатдан хавфларни бошқаришга ҳам эътибор қаратиш;
- глобал қамров – аксарият киберхужумлар энди трансчегаравий характерга эга.

Шундай қилиб, киберхавфсизликнинг мақсади фақат компьютер тармоқлари, тизимлари ва маълумотлар базаларида жойлашган рақамли ахборотни ҳимоя қилишдир. Шу боисдан киберхавфсизлик технологик, дастурий чора-тадбирлар ва воситалар билан амалга оширилади.

Фикримизча, киберхавфсизлик механизми ўз моҳиятига кўра ахборот тизимлари, тармоқлари ва маълумотларини турли кибертаҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган стратегиялар, усуллар ва чора-тадбирлар мажмуидир. Ушбу механизмлардан фойдаланиш хавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга жавоб беришга ёрдам беради. Киберхавфсизлик механизмини ташкил этувчи ва ҳар қандай фойдаланувчи учун мавжуд бўлган умумий усуллар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: янгиланишлар ва ямоқларни ўз вақтида ўрнатиш, фойдаланувчини идентификациялаш ва аутентификация қилиш, хавфсизлик девори ва антивирус дастурларини ўрнатиш ва ўз вақтида ишлатиш.

¹ Модельный закон «О противодействии киберпреступности» (принят на пятьдесят пятом пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ (постановление № 55-20 от 14 апреля 2023 г.)) // СПС Гарант.

М.М.Безкоровайнӣ ва А.Л.Татузовлар томонидан кибермакон хавфсизлигини таъминлашнинг умумий усулларида ташқари, махсус ва интеллектуал усуллар гуруҳларини ажратадилар¹.

Улар кибермакон хавфсизлигини таъминлашнинг махсус усуллари қаторига қуйидагиларни киритади:

- топологик тузилмани таҳлил қилиш ва уни ўзгартириш бўйича тавсиялар, уларни амалга ошириш усуллари ва аниқ алгоритмларини ишлаб чиқиш;

- қаршилиқни амалга ошириш учун нафақат соф ҳисоблаш механизмларига, балки кўп тармоқли алоқа архитектурасининг афзалликларидан ва кўплаб қонуний фойдаланувчилардан фойдаланишга асосланган криптографик ҳимоянинг янги усуллари;

- гуруҳ хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш учун махсус процедуралардан фойдаланган ҳолда киберҳужумларга қарши курашиш учун ижтимоий хизматларга асосланган ахборот хавфсизлиги усуллари.

Интеллектуал усулларга қуйидагилар қиради:

- фойдаланувчини ақлли идентификациялаш усуллари;
- вирус ва бошқа ҳужумларнинг олдини олиш;
- ҳужумлар ва босқинларни аниқлаш;
- ахборот хавфсизлиги ҳолатининг таҳлили;
- нейрон тармоқ технологияларига асосланган криптографик ҳимоянинг янги усуллари.

Ушбу ёндашув билан келишиш мумкин, аммо киберхавфсизликни ташкилий, техник ва тактик-криминалистик таъминлаш ҳамда киберхавфсизлик соҳасида амалиётчилар ҳамжамиятларини жалб қилишни ҳисобга олган ҳолда, усуллар қаторига ташкилий ва криминалистик усулларни қўшиш керак.

Ташкилий чора-тадбирларга хавфларни мониторинг қилиш ва прогноз қилиш, хавфларни камайтириш стратегияларини ишлаб чиқиш, ходимларни кибергигиенага ўргатиш, кибер таҳдидларни тан олиш ва уларга жавоб беришни киритиш мумкин.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича асосий чора-тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кучли мураккаб пароллар, икки факторли аутентификация; мунтазам ҳисобни текшириш;

- дастурий таъминотни ҳимоя қилиш воситаларини ўз вақтида янгилаш; тармоқ фаолиятини мониторинг қилиш; ўқитиш ва ўз-ўзини тарбиялаш;

- мунтазам захира нусхалари; маълумотларни шифрлаш; онлайн харид қилиш ва шубҳали веб-сайтларга ташриф буюриш пайтида хавфсизлик;

- умумий Wi-Fi тармоқларидан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш; киришни чеклаш ва киришни назорат қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

¹ Безкоровайнӣ М., Татузов А. Cybersecurity - approaches to the definition. Вопросы кибербезопасности, 2014. – Р. 22–27.

- фойдаланиладиган электрон ахборот воситаларини текшириш; компьютер ҳодисаларига қарши курашиш ва тергов қилиш учун яратилган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Хорижий мамлакатлардаги киберхавфсизлик стратегиялари ҳар хил бўлса-да, кўплаб ўхшаш ёндашувларни бирлаштиради. Хусусан, компьютер ҳодисаларига тезкор жавоб бериш кучларини қўллаш, кибержиноятчиларга қарши курашиш бўйича илғор тажрибалар тўғрисидаги маълумотларни максимал даражада тарқатиш, тармоқ операторларининг хавфсизлик чораларини етарли даражада қўлламаганликлари учун жавобгарлиги, тегишли органларни хабардор қилмаслик ва ҳ.к.

Стратегик нуқтаи назардан, киришни назорат қилиш кибер ҳодисаларга қарши курашишнинг киберхавфсизлик механизмларида биринчи даражаси сифатида белгиланади ҳамда тизимни ҳимоя қилиш даражаси, шу жумладан зарур дастурий таъминот, ҳодисаларнинг олдини олиш ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш, турли даражадаги тизимлар ва тармоқлар учун хавфларни таҳлил қилиш, компьютер ҳодисаларини аниқлаш, бостириш, содир этилган кибержиноятлар ва бошқа кибер ҳодисаларни текшириш навбатдаги босқичлари ҳисобланади.

Ушбу киберҳимоя механизмларининг самарадорлигини баҳолашда асосий муаммолар мавжудлиги туфайли ягона механизмни қўллаш киберхавфсизликни таъминламайди. Жумладан, шахсий маълумотларни ҳимоя қилишнинг ишончли механизмлари мавжуд эмаслиги ва баъзи корхоналар мижозлар маълумотларини очиқ маълумотлар базаларида сақланиши;

- давлат хизматларида биометрик идентификация ва электрон имзолардан фойдаланишда ҳам киберхавфсизлик чоралари етарли эмаслиги;

- банк тизимида киберҳужумларнинг олдини олиш ва шубҳали молиявий операцияларни аниқлаш бўйича чора-тадбирлар етарли даражада самарали эмаслиги қайд этилди;

- янги турдаги таҳдидларни ҳисобга олмаслиги.

Умуман олганда, киберхавфсизлик, рақамли гигиена ва компьютер ҳодисаларига тезкор жавоб бериш соҳасидаги кенг қўламли ўзгаришларга қарамай, муҳим ахборот инфратузилмаси ҳисобланади. Шунингдек, кибермакондаги юридик ва жисмоний шахсларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳал этилмаган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-764-сон қонунининг 4-моддаси 4-бандида назарда тутилган киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув белгиланган бўлишига қарамасдан, киберҳимоя муаммоларини ҳал қилишда комплекс ёндашув мавжуд эмас. Муҳим ахборот инфратузилмаси мураккаб архитектурага эга, бу эса уни ҳимоя қилишни мураккаблаштиради ва киберхавфларни бошқаришнинг мураккаблигини оширади. Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ушбу соҳада етарли даражада ихтисослаштирилган тайёргарлиги ҳам катта ёрдам бермоқда.

Илғор технологиялардан фойдаланишнинг чекланганлиги муҳим ахборот инфратузилмаси хавфсизлигини ҳам бузади. Кўпгина киберҳодисаларнинг трансчегаравий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, фақат маҳаллий киберхавфсизлик чоралари ҳар доим ҳам етарли даражада самарали бўлмаслиги мумкин. Бу борада халқаро ҳамкорлик зарур.

Дастурий таъминот ва технологик суверенитетнинг етарли эмаслиги ҳам киберхавфсизликка салбий таъсир қилади. Чет элда ишлаб чиқилган дастурий таъминот тизимларидан фойдаланиш ҳужумларга, маълумотларнинг сизиб чиқишига ва баскдоор (*инг. баск доор* – «орқа эшик», «қора туйнук») яъни, кейинчалик рухсатсиз кириш ёки бошқарувни эгаллашга рухсат бериш учун ишлаб чиқувчи томонидан атайлаб киритилган дастур алгоритмидаги нуқсонлар орқали бошқарувни эгаллашга олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, замонавий шароитда киберхавфсизлик субъектнинг электрон қурилмалари кибермакониани мураккаб кўп даражали тизим билан шартланган ҳимоя ҳолати бўлиб, унинг оптимал ишлаши фақат синергик самарани таъминлайдиган комплекс, тизимли чора-тадбирлар билан таъминланиши мумкин.

Киберҳимоя механизмларини самарадорлигини баҳолашни ўрганишдан келиб чиқиб, барча механизмларни комплекс қўллаган ҳолда ҳимоя қилиш самарали ҳисобланади.

Киберҳимоя механизмлари самарадорлигини баҳолашда қуйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш мумкин:

1. Ишончлилик даражаси. Маълумотларни сақлашнинг мажбурий шarti сифатида рухсатсиз кириш, ҳужумлар ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишни изчил таъминлайдиган ҳимоя қилишнинг самарали даражалари;

2. Тизимни яратишда нафақат инструментал, балки маълумотларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий нормалар, тамойиллар ва талабларга риоя қилиш даражалари;

3. Механизмлар самарадорлиги. Бу ҳимоя тизимининг қанчалик тез ва самарали тарзда шахсий маълумотларга ҳужумни аниқлаш ёки дарҳол олдини олиш ва хавфсизлик бузилган тақдирда маълумотларни тиклаш имконини беришига боғлиқ;

4. Иқтисодий самарадорлик коэффициенти. Бу тизимни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, тизимни амалга ошириш мумкин деб тан олиниши кераклигини англатади ҳамда харажатлар ва натижалар ўртасида мувозанат бўлиши керак.

Киберҳимоя механизмлари самарадорлигини баҳолашда амалдаги қонунчилик, таъсис этилган бўлинмалар, ҳамкорлик шакллари ҳамда натижаларга асосан ҳар бир мезон нисбий баҳоланади. Экспертлар гуруҳи томонидан баҳолар қуйидагича берилади¹:

¹ Тизимли тадқиқотлар илмий журналы, 2025. – 89 б.

1 балл – муайян соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжудлиги (N_h);

5-10 балл – киберхавфсизликни таъминлаш бўйича маҳаллий ҳамда халқаро кибер мусобақалардаги иштироки (N_m);

5 балл – бошқа давлатлар ёки киберхавфсизликка ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан расмий ҳамкорлик форматининг мавжудлиги (N_d);

5 балл – киберхавфсизлик соҳасининг юқори натижаларга эришадиганлиги ҳамда ушбу соҳада фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар яратилаётганлиги (N_i).

Самарадорликни ушбу кўрсаткичларнинг кўпайтмаси сифатида топишимиз мумкин:

$$E = N_h * N_m * N_d * N_i \quad (1)$$

Экспертларнинг механизми баҳолашдаги келтирган намунавий жадвали билан солиштирилади:

Чегаравий миқдор	Чегаравий миқдор кўрсаткичлари	Минимал қиймат	Максимал қиймат
IO1	1,4+0,64=2,04	1,5	2,04
IO2	2,04+0,64=2,68	2,05	2,68
IO3	2,68+0,64=3,32	2,69	3,32
I1	3,32+0,64=3,96	3,33	3,96
I2	3,96+0,64=4,6	3,97	4,6
I3	4,6+0,64=5,24	4,7	5

Киберҳимоя механизмларининг самарадорлигини киберҳимоя даражасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш харажатларига нисбати сифатида ҳам аниқлаш мумкин¹ ҳамда бу ишончлироқ ҳисобланади:

$$E = D_h / M_{ktn} \quad (2)$$

E – самарадорлик, D_h – ҳимояланиш даражаси, M_{ktn} – киберхавфсизлиги тизимининг нархи. Ушбу мезон орқали баҳолаш натижасида самарадорликни паст, ўрта ва юқори тоифаларга ажратиш мумкин. Хавфсизликни баҳолаш сифат кўринишида аниқланган тақдирда, ҳар бир сифат тоифасига миқдорий баҳо берилади²:

¹ Громов Ю.Ю., Карасев П.И., Губсков Ю.А., Котюкова В.О. Оценка эффективности систем защиты информации и анализ рисков информационной безопасности в организации. Информация и безопасность. – 2022. – Т. 25, № 2. – С. 187-192. – DOI 10.36622/ВСТУ.2022.25.2.003

² Кондаков С.Е., Чудин К.С. Разработка исследовательского аппарата оценки эффективности мер обеспечения защиты персональных данных. Вопросы кибербезопасности, 2021. – № 5(45). – С. 45-51. – DOI 10.21681/2311-3456-2021-5-45-51.

Киберхавфсизлиги тизимининг нархига қўйидагилар киради: ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, ички ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиш, ишлатиладиган хавфсизлик воситалари, ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассисларнинг иш ҳақи. Киберхавфсизлиги тизимининг нархини шартли равишда паст, ўрта ва юқори даражаларга бўлиш мумкин.

Ўлчовларнинг харажат кўрсаткичларини таққосладиган қийматларга етказиш учун M_{ktn} кўрсаткичи учун рейтинг шкаласини киритамиз¹:

паст (0,1) - 0 дан 30 000 000 сўмгача;

ўрта (0,5) - 30 000 000 дан 75 000 000 сўмгача;

юқори (1) - 75 000 000 сўмдан кўп.

Ҳимояланиш даражаси (D_h) эҳтимоллик назариясига кўра аниқланади:

$$D_h = 1 - P_{ty} * P_{tm} * U \quad (3)$$

U - рухсат этилмаган таҳдиддан зарар, P_{ty} - таҳдиднинг юзага келиш эҳтимоли, P_{tm} - таҳдидларнинг бир-бирига мос келиши (пана қилиши) эҳтимоли.

Кўрсаткичларни таққосладиган қийматларга келтириш учун биз P_{ty} кўрсаткичи учун рейтинг шкаласини киритамиз:

паст·эҳтимоллик.....	0,1¶
ўртача·эҳтимоллик.....	0,5·¶
юқори·эҳтимоллик.....	1¶

Кўрсаткичларни U кўрсаткичи учун таққосладиган қийматларга мослаштириш учун биз қўйидаги рейтинг шкаласини киритамиз:

кам·зарар·(0,1).....	0·дан·75°000°000·сўмгача¶
ўртача·зарар·(0,5).....	75°000°000·дан·150°000°000·сўмгача¶
юқори·зарар.....	150°000°000·сўмдан·юқори¶

Келинг, «А» корхона учун хавфсизлик самарадорлиги рейтингини ҳисоблаб чиқамиз. Корхона хавфсизлик тизими учун 22 500 000 сўм ажратади, маълумотларнинг сизиб чиқиши натижасида кўриши мумкин бўлган зарар 75 000 000 сўмни, таҳдиднинг юзага келиш эҳтимоли ўртача, таҳдидларнинг бир-бирига мос келиши (пана қилиши) эҳтимоли ўртача²:

$$E = (1-0,5*0,5*0,5)/0,1=8,75$$

¹ Покусов, В.В. Оценка эффективности системы обеспечения ИБ. Часть 2. Методика и результаты / В.В. Покусов // Защита информации. Инсайд. – 2019. – № 3 (87). – С. 64-72.

² Какорин И.А. Волгоградский государственный университет (Россия, г. Волгоград), Оценка эффективности защиты информации на предприятии. Есономй анд Бусинесс: Theory and Practice, 2023.

Биз юқори самарадорлик рейтингини оламиз, яъни хавфсизлик тизимига инвестициялар ўзини оқлайди.

Шуни ёдда тутиш керакки, хавфсизлик бир марталик ҳодиса эмас, балки мунтазам кўриб чиқиш ва мослашишни талаб қиладиган доимий жараёндир. Хавфсизлик чоралари самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш, юзага келадиган таҳдидларни кузатиш, зарур янгиланишлар ва такомиллаштиришларни амалга ошириш ахборот хавфсизлиги чораларининг вақт ўтиши билан ишончли ва самарали бўлишини таъминлайди.

Корхонада киберхавфсизлиги самарадорлигини баҳолаш жуда муҳим вазифадир. Хавфсизлик чоралари, ходимларни хабардор қилиш дастурлари, ҳодисаларга жавоб бериш қобилиятлари ва мувофиқлик саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама баҳолаш орқали ташкилотлар заифликларни аниқлашлари, заиф томонларини бартараф этишлари ва умумий хавфсизлик ҳолатини яхшилашлари мумкин. Мунтазам баҳолаш, доимий мониторинг ва такомиллаштириш билан биргаликда корхоналарга пайдо бўладиган таҳдидлардан олдинда туришга ва ўзаро боғлиқ бўлган дунёда қимматли ахборот активларини ҳимоя қилишга имкон беради.

Миразим МИРЗАЛИЕВ, илмий тадқиқотчи
(Тошкент ахборот технологиялари университети)

КИБЕРХАФСИЗЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, «электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, тўлов хизматларининг рақамлашуви ва ахборот тизимларининг кенг қўлланилиши киберхавфсизликни таъминлаш масаласини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Шу билан бирга, давлат сектори ёлғиз ҳолда замонавий таҳдидларга қарши кураша олмаслиги, хусусий сектор билан самарали ҳамкорликни талаб этади. Давлат-хусусий шериклик нафақат технологиялар алмашуви, балки жиноятларни олдини олиш, кадрлар тайёрлаш, риск-менежмент ва ахборот алмашинувининг ўзаро боғлиқ механизмларини яратишни назарда тутди.

С.Баҳромовнинг мақоласида қайд этилганидек, **кибержиноятчилик** – бу нафақат компьютерларга қарши қаратилган жиноятлар (computer crime), балки ахборот технологиялари, Интернет, глобал тармоқлардан фойдаланиб содир этиладиган ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишдир. Оксфорд ва Кембриж луғатларидаги мазкур атамаларнинг мазмунан фарқи ҳам шундан далолат беради: «cybercrime» кенг қамровли, «computer crime» эса торроқ тушунча¹.

¹ Баҳромов С. Рақамли жамятда киберхавфсизлик муаммолари. // Илмий журнал «Иқтидорли тадқиқотчилар», 2025. – Б. 217-225.

Кибержиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- макон ва вақт чекланмаганлиги, жиноятчи исталган жойдан ҳаракат қила олади;
- тезкор ривожланиш: ҳар куни янги, хавфлироқ вирус ва зарарли дастурлар яратилади;
- жиноятни кеч аниқлаш – техник ёки кадрлар ресурсларининг етишмаслиги сабабли;
- мулк эмас, ахборот ва ресурсларга зарар етказилиши;
- халқаро ҳуқуқий мувофиқлашувнинг етарли эмаслиги.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг кибержиноятларга қарши курашиш бўлинмаларига бағишланган тадқиқотда таъкидланишича, кибержиноятларнинг аксарияти фирибгарликнинг янги шакллари, зарарли дастурларни тарқатиш, шахсий маълумотларни ўғирлаш ва иқтисодий фойдалар олиш мақсадида амалга оширилади. Киберхавфсизлик соҳаси сифатида фақат техник чора-тадбирларгина эмас, балки ҳуқуқий, ташкилий, оператив, психологик ва профилактик механизмларни қамраб олади.

«Киберхавфсизлик фаолиятини ташкил этишга оид назарий мулоҳазалар» номли мақолада таъкидланишича, хавфсизликни таъминлашда қуйидаги компонентлар марказий ўрин тутади ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилишдан (*серверлар, тармоқлар, тўлов тизимлари*), инсон омилидан (*хизматчиларнинг малакалари, одоб-ахлоқий хатарлар*), ҳуқуқий базадан (*жиноят қонунчилиги, стандартлар, халқаро келишувлар*), оператив кузатув ва жавоб реакциясидан ва таҳлил ҳамда прогнозлашида рақамли моделлардан¹.

Замонавий таҳдидлар кўламининг кенгайиши давлатнинг вазифаларини янада мураккаблаштиради. Шу сабабли давлат сектори киберхавфсизликни таъминлашда етакчи роль ўйнаса-да, хусусий сектор иштирокисиз тўлиқ барқарор тизим яратиб бўлмайди.

Давлат стратегик тармоқларни ҳимоя қилади, қонунчилик ва стандартлар яратади, ички ишлар бўлинмалари орқали жиноятларга қарши курашни амалга оширади, миллий ахборот инфратузилмасини бошқаради. Бироқ давлат ресурслари чекланган, технологиялар тез янгиланади, кадрлар етишмаслиги кузатилади. Бу эса, хусусий сектор иштирокини талаб қилади.

Хусусий сектор:

1. Инновацион технологиялар яратади;
2. Тезкор фаолият юритади;
3. Ахборот тизимларининг катта қисмига эгалик қилади;
4. Бозор механизмлари юксак малакали мутахассислар жалб этади.

Кибержиноятлар, айниқса, банк, телекоммуникация, онлайн тўловлар, логистика ва IT хизматларига қарши йўналтирилгани сабабли, хусусий сектор биринчи бўлиб ҳужумни сезади ва давлатга тезкор маълумот тақдим этади.

¹ Рўзиёв Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 116 б.

Энг муҳим механизмлардан бири – **кибертахдидлар тўғрисидаги маълумот алмашинуви**. Кибержиноятчилар ҳужумини биринчи сезган ташкилот унинг хусусиятлари ҳақида тезда маълумот бериши зарур. Бу ҳужумларни барвақт аниқлашга, жиноят изларини йўқотиб юбормасликка ва давлат органларининг оператив реакциясини амалга оширишга имконият яратади.

Кўпчилик давлатларда давлат ва хусусий сектор иштирокида киберинцидентларга жавоб бериш марказлари (CERT) фаолият юритади. Улар:

1. Таҳлил ва мониторинг ишларини олиб боради;
2. Ҳужумлар ҳақида эслатмалар беради;
3. Жамоавий ҳимоя тизимини ташкил қилади.

Ўзбекистонда ҳам CERT-UZ шундай функцияларни бажаради, аммо хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш зарур. Ички ишлар органлари фаолиятига бағишланган мақолада таъкидланганидек, малакали кадрлар етишмаслиги кибержиноятларга қарши курашишда энг катта муаммолардан биридир.

Давлат ва хусусий сектор қуйидагиларни қўшма амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

- таълим дастурлари;
- амалиёт ва стажировкалар;
- илмий-тадқиқот лойиҳалари;
- малака марказлари.

Давлат стандартларини бозор талаблари билан уйғунлаштириш муҳим. ISO/IEC 27001, NIST, COBIT каби стандартлар хусусий ташкилотлар томонидан кенг қўлланилади ва уларни миллий меъёрларга интеграция қилиш зарур.

С.Баҳромовнинг тадқиқотида таъкидланганидек, кибержиноятчиликка қарши курашишда Европа Кенгашининг **«Кибержиноятчилик тўғрисидаги Конвенцияси (Будапешт конвенцияси)»** алоҳида аҳамият касб этади. У халқаро миқёсда ҳуқуқий мувофиқлашувни таъминлайди¹.

Халқаро амалиётда давлат-хусусий ҳамкорлик қуйидаги моделлар асосида амал қилади:

1. Information Sharing and Analysis Centers (ISACs) – тармоқлар кесимида ахборот алмашинув марказлари;
2. Public-Private Cybersecurity Task Forces – АҚШ ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган;
3. Киберполигонлар ва машғулотлар – Эстония, Сингапур ва Кореяда.

Ўзбекистон учун муҳим хулосалар бу давлат органлари ва хусусий сектор ўртасида тизимли ахборот алмашинув платформаси зарур, ҳамда банклар, IT-компаниялар ва давлат тузилмалари ўртасида қўшма тезкор гуруҳлар тузилиши керак, шунингдек кибермахорат марказларини ташкил

¹ Баҳромов С. Рақамли жамиятда киберхавфсизлик муаммолари. // Илмий журнал Иқтидорли тадқиқотчилар, 2025. – Б. 217-225.

этиш; шу билан бирга киберхавфсизлик соҳасида стартапларни қўллаб-қувватлаш.

1. Киберхавфсизлик бўйича миллий давлат–хусусий кенгаш тузиш.
2. Инцидентлар бўйича ягона миллий портал яратиш.
3. Ахборот хавфсизлиги соҳасида лицензиялаш ва сертификатлашни такомиллаштириш.
4. Киберполиция ва хусусий сектор ўртасида тезкор алоқа каналлари яратиш.
5. Талабалар ва мутахассислар учун амалий лабораториялар ташкил этиш.
6. Кибержиноятчилик жиноят кодексининг махсус бўлимларини халқаро стандартларга мослаштириш.

Умуман олганда, киберхавфсизлик замонавий давлатнинг миллий хавфсизлигининг ажралмас қисми. Киберфазодаги таҳдидлар чегара танламайди, глобал хатарлар эса бир мамлакат ичида ҳал этилиши мумкин эмас. Шу боис киберхужумларга қарши самарали курашишда давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги стратегик аҳамиятга эга.

Таҳлил қилинган мақолаларда берилган назарий ва амалий хулосалар шуни кўрсатадики, кибержиноятчиликнинг табиати ўзгармоқда ва таҳдидлар кўлами кенгаймоқда ҳамда кадрлар ва институционал тузилмаларни такомиллаштиришни талаб қилади. Шунингдек, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги тизимли даражада кучайтирилиши зарур. Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнларининг тез суръатлар билан кечаётгани шароитида мазкур ҳамкорлик нафақат киберхавфсизлик, балки иқтисодий барқарорлик ва жамият хавфсизлиги учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мазкур мақолада келтирилган таклиф ва хулосалар давлат органлари, хусусий компаниялар, илмий муассасалар ва экспертлар учун киберхавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик моделларини шакллантиришда амалий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мухиддин МАМАДАЛИЕВ, магистрант
(Тошкент давлат шарқшунослик университети)

ПОСТСОВЕТ МАКОНИДА ГЕОСИЁСИЙ АХБОРОТ УРУШЛАРИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида давлатлараро қарама-қаршиликларнинг ҳар бир актори жиддий ўзгаришларга учради, бунда анъанавий ҳарбий куч ишлатиш билан бир қаторда «юмшоқ куч» (**soft power**) ва геосиёсий ахборот уруши воситалари етакчи ўринни эгалламоқда.

Постсовет макони деб аталувчи ҳудуд, собиқ Совет Иттифоқи республикаларини қамраб олиб, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан турли давлатлар ўртасидаги доимий рақобат майдонига айланган. Ушбу минтақада демократик институтларнинг шаклланиши, миллий

идентификациянинг мустаҳкамланиши ва суверен ривожланиш йўлининг танланиши учун кураш олиб борилаётган бир шароитда, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви кўпинча ахборот майдонида намоён бўлмоқда.

Хусусан, ахборот урушлари атамаси бугунги кунда янги дунёнинг геосиёсий рақобат шароитида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган уруш воситаси сифатида илмий манбаларда аниқ қайд этилмоқда¹.

Бу кенг қамровли тушунча коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган манипуляция, маълумотлар тўплаш ва мақсадли тарғибот жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу жараённинг геосиёсий йўналиши давлатлар ёки трансмиллий субъектлар томонидан, ахборот ресурслари орқали, бошқа бир давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатишга қаратилган стратегик фаолият сифатида тавсифланади. Бу таъсир нишон давлатнинг суверенитети ва ички қарор қабул қилиш механизмларига зарар етказишга хизмат қилади.

Постсовет маконда ахборот урушларининг долзарблиги шундаки, улар ҳудудий таназзул ва низоларни (*Украина ва Грузия*) келтириб чиқариши ёки уларни кучайтириши мумкин. Бу ҳолат минтақа давлатларининг, жумладан, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларининг миллий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларига айланмоқда.

Мазкур мақоланинг асосий мақсади Постсовет маконида амалга оширилаётган геосиёсий ахборот урушларининг замонавий кўринишлари, механизмлари ва асосий акторларнинг стратегияларини комплекс таҳлил этишдан иборатдир.

Бу мақсадга эришиш учун аввало, «ахборот уруши» ва «геосиёсий ахборот уруши» тушунчаларининг назарий асослари ва концептуал мазмунини атрофлича ёритиб бериш муҳим бўлиб, асосий геосиёсий акторлар – Россия, Ғарб давлатлари ва маҳаллий элиталарнинг мақсадларини аниқ белгилаб олиш зарур. Бундан ташқари, ахборот урушининг асосий воситалари (*медиа, ижтимоий тармоқлар, киберхужумлар*) ва техник кўринишларини тизимлаштириш кўзда тутилади. Тадқиқот якунида ахборот урушларининг минтақа давлатларининг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётига кўрсатаётган таъсирини муфассал баҳолаш талаб этилади.

Мазкур тадқиқотнинг назарий асослари сиёсий коммуникация, геосиёсат ва гибрид уруш назарияларини қамраб олади. Унда ахборот уруши концепциясига оид А.Манойло, Ж.Почепцов ва А.Назаров каби тадқиқотчиларнинг фундаментал ишлари, шунингдек, коммуникация назарияларининг рақамли талқини (*Agenda-Setting ва Framing назариялари*) асосий методологик пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Назарий пойдевордан келиб чиқиб, тадқиқот методологияси турли постсовет мамлакатларида ахборот урушининг кўринишларини солиштирма

¹ Ражабов Х.И. Геосиёсий рақобат шароитида ахборот урушларининг халқаро миқёсда намоён бўлиш шакллари, 2022.

таҳлил қилишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, хусусан, ижтимоий тармоқлар (*Telegram, Facebook, Instagram*) орқали тарқатилаётган геосиёсий контентни сифат жиҳатидан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу амалий таҳлилларни Ўзбекистон мисолидаги сиёсий коммуникация жараёнларини кузатиш орқали чуқурлаштириш ва олинган маълумотлар асосида назарий хулосаларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот уруши (инглизча: information war) – рақибнинг ижтимоий онги, сиёсий позицияси, стратегик қарор қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказишга қаратилган комплекс операциялар йиғиндиси¹. Постсовет ҳудудида бу термин нафақат ҳарбий, балки сиёсий, иқтисодий ва маданий рақобат контекстида ҳам қўлланилади¹.

Тадқиқотчи А.В.Манойло таърифига кўра, *«Ахборот уруши – бу инсоният жамоалари ўртасидаги, тинч аҳолига, ҳокимиятларга ва қуролланган кучларга таъсир кўрсатиш орқали сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ёки стратегик даражадаги бошқа мақсадларга эришишга қаратилган қарама-қаршилик жараёнидир»*.

Бу жараёнда қарши томоннинг кучларига махсус танланган ва тайёрланган ахборот материаллари тарқатилади ҳамда ўз томонида бундай ташқи таъсирларга қарши курашилади».

Ж.Почепцов эса, *«Ахборот урушини ҳужумкор ва мудофаавий таркибий қисмларга эга бўлган жараён сифатида кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича, бу уруш қарор қабул қилувчиларга низоларнинг барча турларида аниқ маълумот устунлигини таъминлайдиган бошқарув, алоқа, компьютер ва разведка тизимига таянади. «Ахборот-психологик уруш» атамаси эса рус тилига АҚШ ҳарбий доиралари луғатидан кириб келган»².*

Тадқиқотчи Ж.Почепцов бу фарқларни бир неча асосий жиҳатларга ажратган. Ахборот уруши мослашувчан қурол арсеналига эгалиги туфайли унинг натижасини олдиндан айтиш юқори даражада мураккаб ва ноаниқдир. Агар оддий урушда ҳудудлар эгалланадиган бўлса, ахборот урушида фақатгина ҳудудларни босқичма-босқич эгаллаб олиш ёки улар устидан назорат ўрнатишга уриниш кузатилади. Бундан ташқари, ахборот урушида бир хил одамларни ёки уларнинг онгидаги алоҳида мавзувий жиҳатларни бир неча маротаба қўлга олиш ва такрорий таъсир ўтказиш имконияти мавжуд.

Яна бир муҳим фарқ – бу урушаётган акторларни аниқ ажратиб бўлмаслигидадир, чунки улар бирон бир гуруҳга мансублиги ёки маълум бир ижтимоий ролни бажариши асосида очиқ намоён бўлмайди. Душманга етказилаётган таъсирнинг сезиларсиз бўлиши, ҳатто хайрихоҳ шаклга кириши мумкин, агар жамият манипуляция қилинаётганини англаб етса, жараён амалга ошмаган ҳисобланади.

Шу билан бирга, таъсирлар оммавий эмас, балки танланма таъсир тамойилига асосланиб, аҳолининг турли қатламларини турли йўллар билан

¹ Назаров А. Ахборот хавфсизлиги ва геосиёсат. – Тошкент: Фан, 2018.

² Почепцов Г.Г. Современные информационные войны. – Киев: Ваклер, 2015.

қамраб олади. Ниҳоят, ахборот урушининг асосий хавфи – бу кўринадиган вайронагарчиликнинг йўқлигидадир. Натижада, жамиятнинг ҳимоя механизмлари ишга тушмайди, бу эса унинг қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини пасайтиради.

Мазкур хусусиятлар, айниқса, постсовет макони каби ички сиёсий ва этник муаммолари мавжуд бўлган минтақаларда, ахборот урушининг кенг ҳамда чуқур психологик компонентга эга эканлигини кўрсатади.

Ахборот уруши ҳодисаси инсоният тарихи учун янгилик эмас. Қадимги муаллифлар давлат компанияларини тасвирлаб, душманни руҳий тушқунликка солиб, ўз ватандошларининг маънавиятини кўтарганликлари ҳақида ёзадилар. Масалан, Қрим уруши (1853–1856) даврида рус аскарларининг ярадор туркларни отгани ҳақидаги сохта хабарлар инглиз газеталарида тарқатилган. Биринчи жаҳон уруши (1914–1918) даврида ҳам ахборот уруши фаол олиб борилган.

Ахборот уруши тушунчаси нисбатан яқинда, аниқроғи, 1970 йилларда Совуқ уруш авжига чиққан пайтларда пайдо бўлган бўлса-да, унинг илмий таҳлилининг янгилигини кўрсатади. Масалан, М.Маклюэн 1970 йилдаёқ «Учинчи жаҳон уруши ҳарбий ва фуқаролик иштироки ўртасида бўлинмасдан, партизанларнинг ахборот урушидир» дея таъкидлаган эди.

Бу назарий қарашлар ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш воситаларининг, шунингдек, глобал алоқа тизимларининг экспоненциал даражада ривожланиши билан ўз тасдиғини топди. Ушбу ривожланиш ахборот таъсирининг тезлиги ва кўламини кескин ошириб, ҳар қандай геосиёсий актор учун тезкор тарғиботни амалга ошириш имкониятини яратди. Фуқаролар массасини аниқ мақсадга йўналтирилган манипуляция қилиш ва уларни бошқаришнинг янги, рақамли воситалари пайдо бўлиши эса ахборот урушларини янада самарали ва яширин қилди, мақсадли аудиториянинг психологик заиф томонларига таъсир ўтказишга қулай шароит яратди.

Оммавий маданиятнинг глобал миқёсда тарқалиши ва инсонлар турмуш тарзини стандартлаштиришга таъсири жамиятнинг бир хилдаги ахборот таъсирларига нисбатан сезувчанлигини оширди, натижада геосиёсий акциялар учун ахборот усулларида кенг фойдаланиш қулай ва мантиқий қарорга айланди.

Бугунги кунда геосиёсий ахборот уруши гибрид урушнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, анъанавий ҳарбий ҳаракатларсиз ҳам сиёсий ва ижтимоий таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Постсовет макони эса, кўплаб геосиёсий манфаатлар тўқнашадиган мураккаб ҳудуд бўлиб, бу ерда ахборот урушларини олиб боришда бир нечта асосий субъектлар фаол иштирок этади.

Хусусан, Россия Федерацияси тарихий, маданий ва иқтисодий алоқалари туфайли постсовет маконидаги энг муҳим геосиёсий актор бўлиб қолаверади. Унинг ахборот уруши стратегиясининг асосий мақсади – собиқ таъсир доирасини сақлаб қолиш, Ғарб интеграциясига тўсқинлик қилиш ва ўз ҳудудий-сиёсий ташаббусларини қонунийлаштиришдан иборат.

«Рус дунёси» (*Русский мир*) концепцияси Россия ташқи сиёсатининг асосий идеологик қуролларидан бири бўлиб, унинг мақсади постсовет давлатларининг рус тилида сўзлашувчи аҳолисини ёки этник русларни ягона маданий-тарихий маконнинг ажралмас қисми сифатида бирлаштиришдир. Ахборот воситалари орқали «Рус дунёси» ғояси тарғиб қилинади, бунда Россия «катта ака» ёки минтақадаги асосий ҳимоячи сифатида тасвирланади. Бу эса маҳаллий давлатларнинг суверенитетига шубҳа туғдириши ва ички сиёсий жараёнларга аралашуш учун асос яратиши мумкин.

RT (*Russia Today*) ва **Sputnik** каби глобал медиа-тармоқлари Россиянинг ташқи сиёсатини халқаро майдонда, жумладан, постсовет давлатлари аҳолиси орасида фаол тарғиб қилади. Улар асосан Ғарб сиёсатининг камчиликларини ва Россиянинг муқобил позициясини кўрсатишга қаратилган. Бу медиа-каналлар «**қарши-нарратив**» (*нарратив – маълум бир мақсадга қаратилган, ўзаро боғлиқ хабарлар, образлар, рамзлар ва тезисларнинг мантиқий жиҳатдан тузилган тизими*) яратиш орқали Ғарб мамлакатларига ОАВнинг таъсирини пасайтиришга интилади.

Шунингдек, Россия ахборот маконида постсовет мамлакатларидаги ҳар қандай Ғарбга йўналтирилган сиёсий ўзгаришларни (*масалан, Украинадаги «Майдан» ёки Грузиядаги «Атиргул инқилоби»ни*) «ташқи кучлар томонидан уюштирилган тўнтариш» ёки «рангли инқилоб» сифатида тасвирлайди. Бу, аҳоли орасида норозилик ва сиёсий фаоллик хавфли ва беқарорликка олиб келувчи омил деган қарашни шакллантиришга хизмат қилади¹.

Ахборот урушининг энг яққол ва энг кескин мисоли Украина мисолидир. Россия медиаси ушбу мамлакатдаги сиёсий вазиятни доимий равишда «фашизм» ёки «неонацизм» ғоялари устун бўлган давлат сифатида тасвирлайди, бу эса ҳарбий ҳаракатларни оқлаш учун идеологик асос яратади. Ахборот уруши доирасида маҳаллий аҳолини қутблаш ва марказий ҳукуматга ишончсизликни ошириш учун фейк хабарлар ва психологик операциялар фаол қўлланилган².

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Россия-Украина можароси ҳам ахборот урушининг ҳақиқий майдонига айланди. Ҳарбий можаро юзасидан икки давлат ҳам ёлланма ҳарбийларни даъват ишлари билан очиқдан-очиқ шуғулланмоқда. Ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган хабарларнинг фейкларини аниқлаш энг мушкул ишлардан ҳисобланиб, бунда Россия ОАВлари кибермаконда тўлиқ блокланганлик масаласини янада жиддийлаштирмоқда.

Расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб борилаётган суҳбат мавзулари (*ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер, расмлар, аудио-видео ролик*) Интернетнинг «**Facebook**», «**Odnoklassniki**», «**Vkontakte**», «**Telegram**», «**Twitter**», «**WhatsApp**» каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий

¹ Почепцов Г.Г. Научная статья. Информационная война: роль дезинформации и пропаганды в современных конфликтах // Современные информационные войны. - Киев: Ваклер, 2015

² Гислер К. Российские нарративы о «цветных революциях»: формирование образа опасного и хаотичного Запада // Полис. Политические исследования. – 2018.

тармоқлар орқали тарқатилмоқда. Бу ҳолат дунё аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилувчи ёшларга кучли таъсир қилмоқда.

Россия ва Украина давлатларига хайрихоҳ бўлган давлатларда олиб борилаётган ташвиқотлар орқасидан минглаб инсонлар ҳарбий ҳаракатларга жалб қилинишига олиб келди. Улар катта куч ҳисобланади. Ёшларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нима сингдирилса, у тошга ўйилган нақшдек муҳрланади¹.

Грузия ва Молдова давлатларида, айниқса, Абхазия, Жанубий Осетия (Грузия) ва Днестрбўйи (Молдова) каби низоли ҳудудлардаги рус тилли аҳоли Россиянинг доимий ахборот оқими остида яшайди. Бу, минтақавий можароларни музлатиш ва ушбу давлатларнинг НАТО ва ЕИга интеграциялашувига тўсқинлик қилиш учун ахборот-психологик шароит яратади.

Болтиқбўйи давлатлари (Литва, Латвия, Эстония) гарчи НАТО ва ЕИ аъзоси бўлса-да, Россиянинг ахборот уруши бу ерда ҳам фаол олиб борилади. Асосий мақсад – урушдан кейинги тарихни қайта кўриб чиқишга уриниш ва этник русларнинг камситилиши ҳақидаги нарративни тарқатиш. Бу эса ички этник зиддиятларни кучайтиришга қаратилган.

Ғарб давлатларининг постсовет маконидаги геосиёсий ахборот стратегияси, асосан, «юмшоқ куч» (soft power) воситаларига таянади. Уларнинг асосий мақсади - минтақа давлатларида демократик қадриятларни ва очиқ жамият институтларини мустаҳкамлаш, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик орқали уларни Ғарб сиёсий ва иқтисодий тизимига интеграциялашувига кўмаклашишдир.

АҚШ ва ЕИ фондлари мустақил журналистлар, ННТлар ва тадқиқот марказларини молиялаштириш орқали ҳукуматларнинг ҳисобдорлигини оширишга ва ахборот эркинлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу «ҳисобдорлик» нарративини кучайтириш ва шаффофликни талаб қилиш учун шароит яратади.

BBC World Service, Radio Liberty/Free Europe ва Deutsche Welle каби халқаро медиа-компаниялар постсовет давлатлари тилларида (*жумладан, рус тилида*) кенг тарқалиб, Россиянинг тарғиботига муқобил, далилларга асосланган ахборот оқимини етказиб беради.

Ғарб лойиҳалари кўпинча рақамли саводхонликни ошириш, медиа-саводхонлик ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган **«Ахборотга қарши иммунитет»**ни шакллантириш орқали аҳолининг манипуляцияга қарши иммунитетини ошириш боради.

Ғарбнинг таъсирини таҳлил қилишда, Россия томонидан «рангли инқилоблар» деб номланувчи нарративга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Россия ОАВ бу жараёнларни Ғарб махсус хизматлари томонидан молиялаштирилган ва бошқарилган «давлат тўнтаришлари» сифатида

¹ Эминов А. Ҳар бир фикр ақл тарозисидан ўтиши керак ёхуд Украина воқеаларига муносабат. // <https://xabar.uz/jamiyat/har-bir-fikr-aql-tarozisidan-o-tishi-kerak>

тасвирлайди. Ғарб нуқтаи назаридан эса, булар фуқароларнинг ўзгариш истаги ва демократияга интилишининг натижасидир.

Реаллик шундан иборатки, Ғарб фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлаши мумкин, лекин инқилобларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи - ички ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва маҳаллий элиталар ўртасидаги зиддиятлар ҳисобланади. Ахборот урушининг вазифаси – бу ички сабабларни ташқи аралашув сифатида қайта рамкалашдан (framing) иборат.

Марказий Осиё давлатлари (*Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон*) геосиёсий акторларнинг ахборот таъсирини нейтраллаштиришга интилади, аммо уларнинг ахборот майдони ўзи ҳам ички сиёсий курашлар майдонига айланган.

Асосий ахборот муаммоси - бу кўп векторли ташқи сиёсатни ахборот маконида акс эттириш зарурлиги бўлиб, Марказий Осиё давлатлари ҳам Россиянинг, ҳам Ғарбнинг, ҳам Хитойнинг ахборот оқими остида турибдилар. Ушбу ҳолатда, ҳукуматлар ахборот суверенитетини сақлашга, яъни ўз ахборот майдонини (маконини) ташқи манипуляциялардан ҳимоя қилишга ҳаракат қиладилар.

Мамлакатимизда сиёсий ташкилотларнинг ахборот фаолиятида ижтимоий тармоқлар роли кескин фаоллашган бўлиб, бунда «Telegram» оператив маълумот тарқатиш ва жамоатчиликни тезкор мобилизация қилиш воситаси сифатида тавсифланади «Facebook» эса таҳлилий ва интеллектуал муҳокамалар майдони сифатида хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, «Instagram» сиёсий субъектларнинг визуал имижини шакллантириш ва ёшлар аудиториясига эмоционал таъсир ўтказиш учун қўлланилмоқда. Бу рақамли фаоллик маҳаллий элиталар ва муҳолифат гуруҳлари ўртасидаги курашда рақибларнинг обрўсини тушириш, сохта ахборот тарқатиш ва жамоатчилик фикрини бошқариш мақсадидаги ахборот усуллари қўллашга олиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, постсовет маконида геосиёсий ахборот урушларининг кўринишлари борасидаги мулоҳазаларга нисбатан қуйидаги асосий хулосаларни айтиш мумкин:

Биринчидан, постсовет макони геосиёсий ахборот урушининг марказий аренаси бўлиб қолмоқда. Бу ҳудудда давлатларнинг суверенитетини мустаҳкамлаш ва уларнинг цивилизацион йўналишини белгилаш учун кураш кетаётганлиги сабабли, ахборот-психологик таъсирлар анъанавий ҳарбий ёки иқтисодий босимдан кам аҳамиятга эга эмас. Ахборот урушининг асосий хавфи унинг кўринмас (латент), яширин ва мақсадли эканлигидадир;

Иккинчидан, геосиёсий ахборот урушининг асосий иштирокчилари сифатида **Россия Федерацияси** (асосан «Рус дунёси» ва «Ғарбнинг тажовузи» нарративлари орқали таъсир ўтказиш), **Ғарб давлатлари** («демократия ва очиқ жамият» қадриятларини илғари суриш орқали) ва **маҳаллий элиталар** (ички сиёсий рақобатда ижтимоий тармоқлардан фойдаланадилар) ажралиб туради. Бу акторларнинг ўзаро қарама-қарши

нарративлари постсовет жамиятларини кутблаш ва уларнинг сиёсий тизимига ишончсизлик туғдиришга хизмат қилади;

Учинчидан, анъанавий медианинг сиёсий таъсири пасаяётган бир пайтда, ижтимоий тармоқлар (*Telegram, Facebook, Instagram*) ахборот урушининг асосий воситасига айланди. Ўзбекистон мисолида ҳам бу платформалар сиёсий коммуникацияда марказий ўрин эгаллаб, оператив мобилизация, таҳлилий дискурс ва визуал имижни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Тўртинчидан, ахборот урушининг самарадорлиги тролл ва бот тармоқлари, фейк хабарлар ва киберхужумлар каби техник воситаларнинг кенг қўлланилиши билан кучаймоқда. Бу воситалар жамоатчилик фикрини сунъий равишда ўзгартириш, ахборот инфратузилмасини издан чиқариш ва мамлакатнинг ахборот суверенитетига жиддий путур етказиш имкониятига эга.

Хуршид АБДУЛЛАЕВ, илмий изланувчи
(Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

СИЁСИЙ МАНИПУЛЯЦИЯ ВА ДЕЗИНФОРМАЦИЯЛАРГА ҚАРШИ РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда фейк ёки ёлғон янгиликлар замонавий ҳаётнинг бир қисмига айланиб улгурди. Уларнинг тан олиниши эса бу каби хабарларнинг нафақат юқори самарадорлиги, «дунёвий фитналар», турли сенсациялар эҳтиёжи учун жамиятда талаб борлиги билан ҳам характерланади.

Фейк янгиликлар – дезинформациянинг энг кенг тарқалган турларидан бири. Улар жамият фикрини манипуляция қилиш мақсадида яратилади, кўрқитиш ва шубҳалар уйғотади. Масалан, 2020 йилда COVID-19 билан боғлиқ тахминан 3,5 млн. фейк янгиликлар қайд этилган¹.

Сиёсий манипуляция – кўп ҳолларда сирли равишда ўтказиладиган ва аста-секин кишиларга зиён етказишга, уларни шикастлантиришга йўналтирилган психологик таъсир².

Сиёсий дезинформация – бу сиёсий мақсадларда фойдаланиш учун қасддан яратилган ва тарқатиладиган ёлғон ёки чалғитувчи маълумот бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолининг муайян сиёсий гуруҳи, лидер ёки жараён ҳақидаги фикрларни манипуляция қилиш³.

Фейк – (инглизча) сохта, қалбаки деган маъноларни англатади. Ҳақиқатга жуда ўхшаб кетадиган ёлғон хабарлар, махсус дастурлар орқали ўзгартирилган фотосуратлар, монтаж қилинган видеороликлар, ижтимоий

¹ Дезинформация. Таҳдидлар ва оқибатлар. // <https://legalclinic.uz/tpost/khhas0ozh1-dezinformatsiya-tahdidlar-va-oqibatlar>

² <https://interscience.uz/index.php/home/article/view/1418?utm>

³ <https://www.ifes.org/Election-Case-Law-Analysis-Series/Lessons-on-Disinformation-and-Election-Dispute/s/what-do-we-mean-disinformation?utm>

тармоқларда бошқа шахслар (*одатда машҳур инсонлар*) номидан очилган ёлғон akkaунтлар фейкларга мисол бўла олади¹.

Ёлғон хабарлар инсоннинг руҳий ҳолатига таъсир қилиб, уларнинг кўплиги аксарият ҳолатда ўқувчига ҳақиқатни ёлғондан ажратишни қийинлаштиради ва ёлғон жамоатчилик фикрининг шаклланишига хизмат қилади. Аҳолини чалғитиш, нотўғри йўлга бошлаш, молиявий ёки сиёсий фойда кўриш мақсадларида маълум бир ахборотнинг сохталаштирилиши ёки ижтимоий тармоқлар ва анъанавий ОАВ орқали ёлғон хабарларнинг тарқатилиши «fake news» дейилади. Фейклар доимо зиддиятлар асосида яратилади. Жаҳонда содир бўлаётган урушлар, диний ва миллий зиддиятлар, ички сиёсий низоларнинг барчасининг асосида ёлғон хабарлар ётиб, уларнинг келиб чиқишига туртки бўлади.

Фейк хабарларни тарқатишдан асосий мақсад эътиборни тортиш, ёлғон хабарларга аудиторияни ишонтириш, жамиятда амалдаги ҳукуматга нисбатан ишончсизликни ҳосил қилиш, мамлакатда парокандаликни келтириб чиқаришдир.

Шу билан бирга, далиллар асосини қидириш муаммоси ҳам мавжуд. Гап шундаки, фейкларнинг асосий қисми Интернет орқали тарқалади, у ерда эса манбани топишга илож ҳар доим ҳам бўлавермайди. Кўпгина ҳолларда материал «вируссимон» бўлиб қолиши билан, муаллиф манбани яшириш учун уни ўзининг саҳифасидан ўчириб ташлайди.

Бугунги кунда фейк янгиликлар тарқатилаётган ижтимоий тармоқлар ва сайтлар истеъмолчилари икки тоифага бўлинган. Биринчиси турли «жозибатор» нашрларга аҳамият бермайдилар, бошқалари эса ҳар бир ёзилган нарсага ишонадилар ва ҳатто, уларни тарқатишга кўмаклашадилар.

Шунингдек, сохта ва ёлғон хабарлар тарқатиш «синдроми» асосан муҳим сиёсий воқеалар арафасида, бугунги кунда йирик резонансга сабаб бўлаётган мавзулар атрофида «хурж қилади». Жумладан, фейкнинг инсон онгига таъсирини АҚШнинг Вашингтонда жойлашган **Pew Research Center** таҳлил маркази томонидан сайлов даврида ўтказилган тадқиқот натижалари куйидагича²:

Шунингдек, фейкларнинг ўзига хос хусусияти ўз-ўзини кўпайтира олиш қобилиятидир. Яъни, бундай хабарлар бирдан кўпайиб тез тарқалади, ёлғон тафсилотлар билан бойиб боради, одамлар тобора кўпроқ чалғийди. Фейкдан мақсад адаштириш, чалғитиш, омма фикрини бошқаришдир.

Фейк ахборотларнинг кўпайиши муайян шахсларнинг обрўси тўкилишига, жамиятда ваҳима кайфияти пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, фейклар оммавий ахборот воситаларининг нуфузига ҳам зиён етказди, уларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Шу боис фейкларни тарқатишдан ОАВ ҳам, ҳар бир одамнинг ўзи ҳам ҳимояланиши керак.

¹ <https://uzhurriyat.uz/2019/10/01/yolgon-xabar-fake-news-axborot-makonida-alidan/?utm>

² Anderson J. Rainie L. // <https://www.pewresearch.org/internet/2017/10/19/the-future-of-truth-and-misinformation-online/>

1-диаграмма. Фейк хабарларнинг сиёсий жараёнларга таъсири



1-жадвал. Фейк хабарларнинг сиёсий жараёнларга таъсири

Респондентлар турлари	Кучли таъсир қилади (фоиз)	Қisman таъсир қилади (фоиз)	Унчалик эмас (фоиз)	Умуман таъсири йўқ (фоиз)
Жами респондентлар овози	64	24	6	4
Эркаклар	61	25	8	5
Аёллар	68	23	5	4
Республикачилар	57	28	9	5
Демократлар	64	25	4	6

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сохта, ёлғон маълумотларни тарқатувчилар, яъни, фейк хабарлар яратувчилари бир неча турли хил манфаатларни кўзлаган бўлиши мумкин. Жумладан, моддий манфаат кўзлаган сохта ахборот муаллифлари кўпинча жалб қилувчи сарлавҳалардан ёки тўлиқ тўқималардан фойдаланиб, ўз ўқувчилари аудиториясини оширишга, ўзларининг контингентини кўпайтиришга ҳаракат қилишади. Бунда кликбейтинг принципи орқали фойда олиш мақсад қилинади.

Маълумот учун: Clickbait (ингл. «Clickbait») – Интернет-медиада фойдаланувчиларнинг эътиборини жалб қилиш ва уларни маълум бир мақола, видео ёки ҳаволани босишга мажбур қилиш учун ишлатиладиган тактика. Кликбейтнинг асосий мақсади - ҳаволага босишни ва кўришни кўпайтириш, бу эса, реклама даромадларининг ошишига ёки контентнинг машҳурлигига олиб келиши мумкин¹.

¹ Кликбейт бу нима? // <https://legalclinic.uz/tpost/ecpphymh1-klikbeyt-bu-nima>

Таъкидлаш жоизки, сўнги вақтларда **фишинг** – электрон почтага қизиқарли сарлавҳали спам хабарларни жўнатиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бунда электрон почта эгаси келган «қизиқарли» хабарни очиши биланоқ компьютер ёки мобил қурилма вирус билан зарарланади. Вирус тарқатувчилар эса шахсий маълумотларни қўлга киритиб, катта фойда кўришади¹.

Сиёсий манфаат – аудиторияси катта бўлган платформаларда сохта контент яратиш, таҳликини чақирувчи маълумотларни жойлаш орқали аудиторияни бошқаришга, тартибсизлик, ваҳима кайфиятини келтириб чиқаришга уриниш ҳам мумкин².

Фейкнинг сиёсий онгга таъсири - манбаси хорижда бўлган сохта янгиликларга таъсирланиш аудитория орасида сиёсий қўтбланишнинг ўсишига олиб келиши мумкин. Бу қўтбланиш фақат идеологик эмас, балки миллий оммавий ахборот воситалари ва ҳукумат институтларига нисбатан ортиб бораётган ишончсизликда ҳам намоён бўлади.

Жумладан, «**Global Risks Report**»нинг 2024 йилги ҳисоботида (1.3-боб) «**Ижтимоий қўтбланиш**» жорий ва икки йиллик вақт оралиғидаги энг юқори учта хавф қаторига киради. Бундан ташқари, ижтимоий қўтбланиш глобал рисклар тармоғидаги энг кучли таъсирга эга хавфлар сифатида кўрилади ҳамда кўплаб хавфларнинг асоси бўлиши мумкин. Бунга хорижий ва маҳаллий акторлар жамият ва сиёсий тафовутларни янада кенгайтириш учун **нотўғри маълумотлар ва дезинформациядан** фойдаланиши сабаб бўлиши мумкин³.

Шунингдек, ёлғон ва нотўғри маълумотларнинг тарқалиши жамиятнинг институтларга бўлган ишончини пасайтиради, демократик иштирокини бузади ва қўтбланишни кучайтиради, натижада жамиятдаги институтларнинг консенсусга эришиш ва демократик ҳаётда конструктив иштирок этиш қobiliятини заифлаштиради. Бу жараён экзистенциал хавф туғдиради, чунки у жамиятдаги ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи муҳим ишончни йўқотиш орқали демократик бошқарув тузилишини парчалаши мумкин. Шахслар қўтбланиши натижасида, жамиятда демократик институтлар орқали ҳамкорлик қилиш ва низоларни ҳал қилиш тобора қийинлашиб боради, бу эса сиёсий дезинформация ва фейк хабарларнинг кенг тарқалган таъсирига қарши курашиш зарурлигини билдиради.

Бундан ташқари, хорижий оммавий ахборот воситаларидан келган сохта янгиликлар сайловларда овоз бериш хатти-ҳаракатига таъсир қилади. 2024 йилги АҚШ президентлик сайловлари давомида, АҚШнинг тадқиқот агентлиги **MIT Media Lab** томонидан ўтказилган тадқиқот шуни тахмин қилдики, кўплаб хорижий ташкилотларга орқага қайтарилган нотўғри

¹ <https://www.mdpi.com/2076-0760/13/8/418?utm>

² <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC6246561/?utm>

³ The Global Risks Report 2024 // <https://securesustain.org/report/the-global-risks-report-2024/>

маълумот компаниялари иккиланаётган штатлардаги овоз берувчиларнинг тахминан 3 фоизини ўзгартирган¹.

Тадқиқот шунингдек, бу компаниялар кўпинча муайян демографик гуруҳларни, масалан, катта ёшлилар ва қишлоқ жамоаларини нишонга олганини таъкидлади, чунки улар статистик жиҳатдан нотўғри маълумотга кўпроқ таъсирчан ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сохта янгиликларнинг тарқалиши сиёсий экстремизмнинг (*Мисол: Қавмлараро низоларни қўзғатиб, ҳукуматга қарши туриш учун қуролли ҳаракатлар, «Исламий давлат» (ISIS) ёки «Аль-Қоида» каби террорчилик ҳаракатлари, АҚШдаги баъзи радикал оммавий ташкилотлар ёки европа мамлакатларидаги неонацист ва ультраўнеччи гуруҳлар, Йирик тартибсизликлар, бино ва инфратузилмага зарар етказиш орқали ҳукуматни босим қилишга уриниш, Суриядаги фракциялар, Афғонистондаги Толибон ҳаракати (сўнгги йилларда қўлланган), айрим жиноятчи ва террористик гуруҳлар)) ортиб бораётган ҳолатлари билан боғланган. Австралияда жойлашган **Global Peace Index** тадқиқот маркази томонидан 2024 йилда эълон қилинган ҳисоботда хорижий нотўғри маълумот тарқатувчи компаниялар энг фаол бўлган ҳудудларда сиёсий ҳужумларнинг 7 фоизга ўсганини таъкидлади².*

Булардан ташқари, фейк хабарлар бугунги кунда кенг тарқалган муаммога айланиб, бутун дунёдаги демократик жараёнлар учун сезиларли даражада салбий оқибатларга олиб келмоқда. Кўпинча ишончли хабар сифатида яширинган нотўғри маълумотларнинг тарқалиши жамоатчилик фикрини шакллантириш, сайловларга таъсир кўрсатиш ва демократия асосларини бузиш имкониятига эга.

Ушбу сохта хабарларнинг таъсири (*АҚШда 2016 йилги президентлик сайловида Facebook ва Twitterда тарқалган сохта хабарлар тарафларнинг радикал қарашини кучайтирди, COVID-19 даврида Интернетда тарқалган сохта хабарлар вакцина ва давлат сиёсатига нисбатан ишончсизликни кўпайтирди, айрим мамлакатларда Интернетда тарқалган сохта хабарлар натижасида аҳоли оммавий бозорга юриб, товар етишмовчилиги ва хавотирлар пайдо бўлган, терроризм, пандемия ёки жиноят ҳақидаги сохта хабарлар*) сезиларли бўлди. Улар нафақат сайловчиларнинг фикрига таъсир қилди, балки ишончсизлик ва чалкашлик муҳитини ҳам яратди. Кўпгина сайловчилар қонуний ахборот манбалари ва ёлғон маълумотлар ўртасидаги фарқни аниқлашга ҳаракат қилишади, бу эса сайловчиларнинг қутбланишига олиб келади.

Шунингдек, сохта янгиликларнинг таъсири сайловнинг ўзидан ҳам ташқарига чиқди. Ижтимоий медиа платформаларида нотўғри маълумотларнинг тарқалиши **акс-садо хонаси эффементи** (*инглизча: echo chamber effect* – *бу ижтимоий муҳитда инсонлар фақат ўз қарашларига мос*

¹ Stakes are really high: misinformation researcher changes tack for 2024 US election // <https://www.theguardian.com/us-news/2024/jan/01/misinformation-trends-2024-election-right-wing>

² Global Peace Index 2024. // <https://www.economicsandpeace.org/wp-content/uploads/2024/06/GPI-2024-web.pdf>

маълумотлар ва фикрлар билан алоқада бўлиб, уларни тасдиқловчи контентни кўришлари, ва ўз фикрларига зид маълумотларни эътиборга олмаслик ҳолати. Мисоллар: АҚШда 2016 йилги президентлик сайлови: Facebook ва Twitter фойдаланувчилари фақат ўз партиясининг янгилеклари ва фикрлари билан боғланди. COVID-19 пандемиясида айрим одамлар фақат вакцинага қарши ёлгон маълумотларни кўришди)¹ни яратди. Бу жамият ичидаги бўлинишни янада кучайтиради ва конструктив мулоқотга тўсқинлик қилади.

АҚШнинг Стенфорд университети ижрочи директори ва АҚШнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашидаги собиқ элчиси Eyal Donahoe сиёсий дезинформациянинг демократияга таҳдидини ўрганиш мобайнида куйидагича фикрларни билдирган: «Сўнги ўн йил ичида Интернетда дезинформациянинг тарқалиши АҚШ ва бутун дунё олдида турган муаммога айланди. Бугунги кунда деструктив кучлар фейк ва ёлгон хабарлардан демократик жараёнларда тартибсизликни юзага келтириш, давлат институтларига ишончни заифлаштириш ҳамда жамоатчиликни қасддан чалғитиш, манипуляция қилиш усули сифатида фойдаланмоқда. Онлайн сиёсий дезинформация тармоқлар бўйлаб аноним, арзон ва самарали тарзда тез ва узоққа тарқалади, бу эса унинг олдини олишни мураккаблаштиради. Интернет ва ижтимоий медиа платформалари фуқаролик жамиятини мақсадли равишда чалкаштириш, қўзғатиш учун «қурол» бўлиб қолди»² - деган эди.

Булардан ташқари, сохта янгилеклардан салбий ҳис-туйғуларни қўзғатувчи ва сиёсий баҳсларни кучайтирувчи шов-шувли ва бўлувчи контентни тарқатиш орқали популизм, антисемитизм ва ксенофобия учун восита сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Бу тактика кўпинча популист раҳбарлар томонидан тарафдорларни кучайтириш ва демократик институтларга путур етказиш учун қўлланилади.

Хорижий ОАВлар орқали тарқатилаётган фейкларга қарши курашда, турли манипуляцияларга қарши тура олишда аудиториянинг иммунитети ошиши ҳар жиҳатдан муҳим. Инсонларнинг ахборот жамияти ҳаётида фаол ва самарали иштирок этиши учун янги билим, кўникма ва кўрсатмалар зарур. Ахборот манбасини камида 3 та манбадан текшириш, медиаконтентни танқидий қабул қилиш, уни баҳолай олиш, умуман олганда биз яшаб турган бу шиддатли ахборий борлиқда муносиб яшаш кўникмаларини шакллантириш, ахборот истеъмоли маданиятига эга бўлиш ҳар жиҳатдан муҳим.

Фейкларни аниқлашга ёрдам берувчи кўплаб онлайн ресурслар, инструментлар мавжуд. Аммо энг муҳим жиҳат, бу танқидий фикрлашга ундовчи «бу ерда нимадир хато» деган ҳиснинг уйғониши. Бунда фактларни рад этиш эмас, уларни тушунишга ҳаракат қилиш лозим. Бунга мисол тариқасида, Google корпорацияси **фактчекнинг функцияси** – қидирув

¹ ECHO_CHAMBER. https://en.wikipedia.org/wiki/Echo_chamber_%28media%29?utm

² What Stanford research reveals about disinformation and how to address it // <https://news.stanford.edu/stories/2022/04/know-disinformation-address>

жараёнида фойдаланувчилар ахборотни текшириш тизимини ишга туширганлигини эълон қилди.

Фактчекинг – ёлғон ахборотни текшириш усулидир. Глобал текширишни махсус компаниялар амалга оширса-да, бу жараёнга ишончли манба сифатида текширувдан ўтган ҳар бир оммавий ахборот воситаси қўшилиши мумкин. Ахборотларнинг ҳаққонийлигини баҳолашга бугунги кунда **BBC, CNN, The Guardian, The New York Times** ва яна 111 та компания кирган. Шулардан энг йириги Google мазкур фаолиятни биринчи бўлиб бошлади ва фактчекинг иборасига асос солди.

Шу билан бирга, **фейкфотолар** ҳам кўп учрайди, уларни аниқлаш унчалик мураккаб эмас. Суратнинг асл манбасини аниқлаш учун сурат устига сичқончани олиб келиб, «суратни Google»дан топиш буйруғини танлаш керак. TinEye сервисига фотони юклаш орқали суратнинг аслини топиш, унинг турли ҳажмдаги вариантлари, қачон тармоққа юклангани, компьютерда ишлов берилгани ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин.

Мазкур жараёнда, фейк видеони аниқлаш учун видео YouTubeга жойланган бўлса, YouTube DataViewer сервисидан ўтказилади. У видеонинг тармоққа қачон юкланганини кўрсатади ва бир нечта скриншотларни чиқариб беради. Скриншотлар орқали қидирув бериб, шунга ўхшаш видеоларни қидириб кўриш мумкин бўлади. InVID сервиси орқали эса, турли платформалардан юкланган видеолар ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. У видео Интернетга юкланган пайдан бошлаб «босиб ўтган йўл»ни кўрсатади. Видеони кўришда машина рақамлари, майда ёзувлар, одамларнинг уст-боши, бинолар ҳолатига диққат қаратиш орқали ҳам видеога ишлов берган-берилмаганини аниқлаш мумкин.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шу йўналишдаги мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган ўзгартиришларни киритган ҳолда ёлғон маълумотларни била туриб тарқатганлик учун тегишли тартибда жавобгарликни киритиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилган сохта янгиликларнинг фуқароларимизнинг сиёсий онгига таъсири ҳам муҳим, ҳам кўп қиррали. У қутбланишни кучайтиради, институтларга ишончни заифлаштиради, сайлов натижаларига таъсир қилади ва дезинформациянинг кенгроқ муҳитига ҳисса қўшади.

Булардан ташқари, сохта янгиликларнинг демократик жараёнларга таъсири ҳам кенг қўламли ва чуқурдир. Бу анъанавий оммавий ахборот воситаларига ишончни йўқотади, жамоатчилик фикри ва сайловларга таъсир қилади, жамиятларни қутбга солади, хабардор электорат тушунчасига путур етказди ва демократиянинг умумий кўринишини заифлаштиради. Сохта янгиликлар муаммосини ҳал қилиш медиасаводхонлик бўйича таълим, фактларни текшириш ташаббусларини, ахборотни тарқатишда шаффофлик ва жавобгарлик тамойилларини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз ичига олган кўп қиррали ёндашувни талаб қилади.

Тўртинчи бўлим

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ, РАҚАМЛИ СИЁСИЙ ХИЗМАТЛАР ВА ФУҚАРОЛИК АЛОҚАЛАРИ

**Махсад ИСАБАЕВ, сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)
(Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)**

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Янги Ўзбекистонда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар депутатлар фаоллиги заруратини келтириб чиқармоқда. Ҳар бир депутатнинг амалга оширган ижобий фаолиятини рағбатлантириш ва оммалаштиришга катта эҳтиёж мавжуд. Бироқ ҳозирги кунга қадар депутатларнинг самарали фаолиятини баҳоловчи алоҳида мезонлар ишлаб чиқилмаган.

Шу сабабли депутатлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жараён сиёсий тизимнинг ишлаши ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини аниқлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Депутатлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари бу уларга юклатилган вазифалар ва масъулиятларни бажариш даражасини ўлчашга имкон берувчи критериялардир. Мазкур мезонлар уларнинг иш самарадорлигини ошириш, жавобгарлик ва шаффофликни таъминлаш, фаол депутатларни рағбатлантириш ҳамда сайловчилар билан алоқани мустаҳкамлаш орқали қонунчилик ва назорат фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Депутатларнинг фаолиятини баҳолаш қуйидаги асосий мезонлар бўйича амалга оширилиши таклиф этилади:

1. Доимий (муваққат) комиссиялар фаолиятида иштирок этиш – депутатнинг Кенгашдаги ҳуқуқий ва таҳлилий жараёнлардаги фаоллигини ифодалайди; у мажлисларда қатнашиб (2 балл), кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза ва таклифлар билан чиқиш (5 балл) орқали баҳоланади, бу жараён «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонун ҳамда Сенат тасдиқлаган «Доимий комиссиялар тўғрисидаги намунавий низом»¹ асосида тартибга солинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий Низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги КҚ-846-IV -сонли қарори. 31.10.2024.

2. Маҳаллий Кенгаш сессияларида иштирок этиш – депутатнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги фаоллигини акс эттиради; у сессияда қатнашиш (2 балл) ҳамда сўзга чиқиб, савол ва таклифлар билдириш (5 балл) орқали баҳоланади. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда сессияларни чақириш тартиби ноаниқ бўлгани сабабли, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга Кенгаш раиси томонидан сессияни фармойиш асосида чақириш имконини белгиловчи норма киритиш таклиф этилади.

3. Норма ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш – депутат томонидан қонунчиликка оид асосли таклифлар билдирилиши, маҳаллий кенгашларда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва такомиллаштириш бўйича фаолият олиб бориши баҳоланади. Жумладан, қонунни қабул қилиб олган доимий комиссия муҳокамасида иштирок этиши (2 балл) мезони бўйича депутатлар қонунларни муҳокама қилиш жараёнида фаол иштирок этишлари керак. Қонунни кўриб чиқиш жараёнида депутат томонидан билдирилган асосли таклиф ва тавсиялар (5 балл) мезони бўйича таклифлар ва тавсияларнинг амалий аҳамияти ва жамоатчилик манфаатларига мос келиши баҳоланади. *«Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – фуқаролардан, жойлардаги Халқ депутатлари кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур»¹.*

4. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш – сайловчилардан тушган мурожаатларни ўз ваколатлари доирасида ҳал қилиш, сайловчилар учун қабулни ташкил этиш ва уларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилишда иштирок этиш даражаси эътиборга олинади. Хусусан, сайловчилардан тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш (5 балл) мезони бўйича депутатлар сайловчиларнинг мурожаатларини ўрганиш ва уларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишлари зарур. Шунингдек, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш (5 балл) мезони бўйича депутатлар сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказишлари ва уларнинг муаммоларини тинглашлари талаб қилинади.

5. Назорат-таҳлил фаолиятида иштирок этиш – депутат томонидан сўров юбориш, назорат текширувларида иштирок этиш ва натижаларни таҳлил қилиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, депутат сўровларини юбориши (4 балл) мезони бўйича депутатлар ўз ваколатлари доирасида сўровлар юборишлари ва улар бўйича жавоб олишлари лозим. Кенгаш текширувини ўтказиш бўйича комиссиядаги иштироки (6 балл) мезони бўйича текширув натижаларини таҳлил қилиш ва якуний ҳисобот тайёрлашда фаол иштирок этиш талаб қилинади.

6. Сиёсий партиялар билан алоқалар – депутатликка номзод қилиб кўрсатган партиялар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш ва уларнинг манфаатларини ифода этиш кўрсаткич сифатида қабул қилинади. Хусусан, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказиш (2 балл) мезони бўйича депутатлар сиёсий партия ташкилотлари билан мунтазам учрашувлар

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2021, – Б. 87.

ўтказишлари, уларнинг манфаатларини ифодалашлари керак. Тегишли маҳаллий Кенгашда сиёсий партиянинг манфаатларини ифода этиши (5 балл) мезони бўйича депутатлар партия ташаббусларини Кенгаш фаолиятига киритишлари ва уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари лозим.

Хориж тажрибасида ҳам шундай механизмлар мавжуд. Испанияда¹ маҳаллий раҳбар депутатларни мажлисларга келмаганлик учун жаримага тортиши мумкин, Грецияда эса учта мажлисга асоссиз келмаган ёки уч ой давомида мажбуриятларини бажармаган депутатларга интизомий чоралар қўлланади. Шу асосда «Маҳаллий Кенгаш Котибияти тўғрисида намунавий низом»га «Депутатнинг кетма-кет 3 та сессияда асоссиз иштирок этмаганлиги ёки 3 ой давомида мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарлик чораларини кўриш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Кенгаш раисига киритади» мазмунидаги янги банд қўшиш таклиф этилади.

7. Жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда, маҳаллий муаммоларни ҳал этишда ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш натижадорлиги таҳлил қилинади. Тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга қўмаклашиш (3 балл) мезони бўйича депутатлар маҳалла ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари талаб қилинади. Ҳудудий дастурларнинг, Кенгаш қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан ҳамкорликни амалга ошириш (4 балл) мезони бўйича депутатлар ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини назорат қилишда фаол иштирок этишлари керак.

8. Депутатнинг сайловчиларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишдаги иштироки – депутат ўз сайловчиларининг мурожаатларини ҳал этишда фаол иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва ижтимоий муаммоларга ечим топишини муҳим баҳолаш мезонидир. Бир ойда камида бир маротаба сайловчилар учун қабул ташкил этиш (5 балл) мезони бўйича депутатлар сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказишлари ва уларнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари зарур. Сайловчилардан тушган таклифлар, аризалар, шикоятларни кўриб чиқиш (5 балл) мезони бўйича депутатлар сайловчиларнинг мурожаатларини ўрганиш ва уларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишлари лозим. Шунингдек, депутатнинг сайловчилар манфаатини илгари сурувчи қонунчилик ташаббуслари ва давлат органлари билан ҳамкорлиги ҳам самарадорлик кўрсаткичлари сифатида баҳоланади.

9. ОАВ ва Интернет тармоқларида чиқиш қилиш – депутатларнинг оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериши, ижтимоий муаммолар бўйича чиқиш қилиши баҳоланади. Маҳаллий, ҳудудий, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ва бошқа Интернет ижтимоий тармоқларда чиқиш қилиш (1-4 балл)

¹ Structure et fonctionnement de la démocratie locale et régionale: Espagne ISBN 92-871-3274-7, Strasbourg, 1997. P. 30. // <https://rm.coe.int/16807480d5>

мезонларида депутатлар ўз фаолиятларини жамоатчиликка очиқ тарзда тақдим этишлари ва улар билан мулоқот ўрнатишлари талаб қилинади.

10. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш – депутатлик одобига риоя этиш, сессияларда ва оммавий чиқишларда масъулиятли бўлиш муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Унда Кенгаш сессияси, доимий комиссия ва партия гуруҳи мажлисларидаги депутатлик одобига риоя этиш (2 балл)га доир мезонда депутатлар фаолиятларини олиб боришда умумқабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари талаб қилинади. Шунингдек, хизматдан ташқари вақтдаги ва кийиниш одобига риоя этиши (2 балл) мезониде депутатлар хизматдан ташқари вақтларда ҳам ўзларининг ваколатли ҳолатларини сақлашлари ва кийиниш одобига риоя қилишлари зарур.

Баҳолаш мезонларининг жорий этилиши натижасида юқорида келтирилган мезонлар асосида ҳар чорак охирида депутатлар фаолиятига умумий баҳо берилади. Ҳар бир мезон учун максимал балл белгиланган бўлиб, уларнинг йиғиндиси 100 баллни ташкил этади.

Депутат фаолиятини баҳолаш уч босқичда амалга оширилади.

1) Ҳужжатлар (баённома, хатлар, ҳисоботлар) асосида баллар ҳисобланади;

2) Фуқаролар ва эксперт гуруҳлари томонидан объектив баҳо берилади;

3) Якуний ҳисоботда баҳолаш натижалари таҳлил қилиниб, депутат фаолияти учун тавсиялар белгиланади.

Тақдим этилган баҳолаш мезониде депутатлар фаолиятининг ҳар бир мезонига тегишли ҳуқуқий асослар, баҳолаш механизмлари ва максимал баллар келтирилган. Энг кўп балл (15 балл) назорат-таҳлил фаолиятига ажратилган бўлиб, бу депутатлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади. Шунингдек, сайловчилар билан алоқани кучайтириш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган мезонлар ҳам юқори балл (12 балл) билан баҳоланади.

Бизнинг фикримизча, депутатлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари уларга юклатилган вазифалар ва масъулиятларни бажариш даражасини аниқлашда муҳим восита ҳисобланади.

Депутатлар фаолиятини баҳолаш бўйича ривожланган давлатлар ўзига хос тажрибага эга. Шу сабабли Буюк Британия, АҚШ, Канада ва Австралияде амалиётлар ўрганилди.

Буюк Британияда маҳаллий кенгаш аъзолари фаолияти «Local Government Association»¹ томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш тизими асосида назорат қилинади. Тизимда депутатларнинг мажлисларда иштироки, сайловчилар билан учрашувлари, муаммоларни ҳал этишдаги ҳиссаси, қонун ташаббуслари ҳамда бюджет тақсимотига таъсири мезон сифатида олинади. Мамлакатда балл тизими мавжуд эмас. Бироқ «Peer Review» экспертлар томонидан баҳолаш амалиёти қўлланади. Депутатларнинг оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги уларнинг обрўсига таъсир қилади. Сессиялардаги иштирок ва таклифлар киритилиши мажлис баённомалари орқали назорат қилинади. Шунингдек, «Council Member

¹ <https://www.local.gov.uk/>

Scorecards»¹ тизими орқали кенгашларнинг умумий фаолияти 7 та йўналиш бўйича 91 та мезон асосида, турли ташкилот ва мутахассислар билан ҳамкорликда баҳоланади².

АҚШда маҳаллий кенгаш аъзолари фаолиятини баҳолаш «National League of Cities»³ томонидан ишлаб чиқилган тизим орқали амалга оширилади. Унда депутатларнинг мажлисларда иштироки, молиявий ҳисобот ва манфаатлар тўқнашувига риоя этиши, сайловчилар мурожаатларини ҳал этиш даражаси ҳамда қонун лойиҳаларига қўшган ҳиссаси каби мезонлар асосида баҳолаш ўтказилади. Ҳар бир штатда қонун чиқарувчи орган аъзолари фаолияти назорат қилинади, шунингдек, депутатлар сайловчилар билан очик «Town Hall Meetings» учрашувларини ўтказадилар.

АҚШда балл тизими мавжуд эмас, бироқ депутатлар фаолияти сайловчилар ва «Common Cause» каби нодавлат ташкилотлар томонидан таҳлил қилинади. Сиёсий партиялар билан алоқалар расмий баҳолаш мезони ҳисобланмаса-да, ички партия фаоллиги муҳим омил саналади. Шу жиҳатдан, АҚШ тажрибаси биз таклиф қилаётган тизим билан бир қанча, хусусан депутат сўрови, сессиядаги иштирок ва норматив ташаббуслар бўйича ўхшашликларга эга.

Канадада маҳаллий кенгаш депутатларининг фаолияти «Municipal Performance Measurement Program» дастури⁴ орқали баҳоланади. Ушбу тизим 2000 йилдан буён амал қилиб, депутатларнинг ишлаб чиқарган қонунлари, ўтказган учрашувлари, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва сайловчилар мурожаатларига жавоб бериш даражасини ўлчайди⁵. Маҳаллий кенгашлар «Municipal Act» (масалан, Ontario Municipal Act, 2001) асосида ишлайди. Уларнинг мажлисларда иштироки баённомалар (минутес) орқали қайд этилиб, «Town Hall Meetings» шаклидаги очик учрашувлар орқали жамоатчилик билан мулоқот олиб борилади. Канада тажрибасида расмий балл тизими ёки сиёсий партиялар орқали баҳолаш амалда йўқ. Депутатларнинг самарадорлиги асосан сайловчилар фикри, жамоатчилик назорати ва кейинги сайлов натижалари орқали белгиланади. Шу боис, Канада тажрибаси биз таклиф этаётган мезонларга мазмунан яқин, лекин шаклан мустақил баҳолаш усулларига таянади.

Австралияда маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича «Local Government Performance Reporting Framework» (Маҳаллий бошқарув фаолиятини баҳолаш ва ҳисобот бериш тизими) тизими жорий этилган⁶. Бу тизим Викториа штати Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, кенгаш депутатлари фаолиятини аниқ мезонлар асосида баҳолайди. Жумладан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашиш даражаси ва муаммоларни ҳал қилиш самарадорлиги, маҳаллий қонунларни ишлаб чиқиш ва таклифлар бериш жараёни, маҳаллий бюджет маблағларининг шаффоф тақсимланиши ва ҳисоботлари, депутатларнинг ижтимоий

¹ <https://councilclimatescorecards.uk/2023/methodology/#section-scoring-process>

² <https://councilclimatescorecards.uk/>

³ <https://www.nlc.org/>

⁴ <https://open.canada.ca/data/en/dataset/15dd2a2d-5d98-4658-8951-c75e67ecfdde>

⁵ <https://efis.fma.csc.gov.on.ca/fir/index.php/fr/multi-year-reports/fr-mpmp/>

⁶ <https://www.localgovernment.vic.gov.au/strengthening-councils/performance-reporting>

тармоқлардаги фаолияти ва сайловчиларга ҳисобот бериш даражаси каби баҳолаш мезонлари орқали амалга оширилади.

Россияда маҳаллий депутатлар фаолияти «Россия Федерациясида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этишнинг умумий тамойиллари тўғрисида»ги Федерал қонун¹ асосида тартибга солинади. Депутатлар самарадорлиги расмий балл тизими орқали эмас, балки жамоатчилик назорати, ички регламентлар ва сайлов натижалари орқали баҳоланади. Улар маҳаллий қарорлар ишлаб чиқишда иштирок этади, бироқ ваколатлари чекланган. Депутатлар фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб, мурожаатларни кўриб чиқади. Аммо бу жараён ихтиёрий ва расмий жадвалсиз амалга оширилади. Фаолият устидан назорат асосан баённомалар орқали юритилади. Одоб-ахлоқ кодекси мавжуд бўлса-да, у кўпроқ жамоатчилик фикри билан боғлиқ тарзда ишлайди.

Қозоғистонда маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти «Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонун² билан тартибга солинади. Депутатлар фаолиятини баҳолаш учун расмий тизим мавжуд эмас. Бироқ уларнинг самарадорлиги маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик томонидан кузатилади. Депутатлар қарорлар лойиҳаларини таклиф қила олади. Чунки, қонунчилик ваколатлари чекланган. Фаоллик даражаси баённомалар орқали қайд этилиб, сайловчилар билан учрашувлар эса ихтиёрий тарзда ўтказилади. Назорат ҳокимият ҳисоботлари орқали амалга оширилади. Шунингдек, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳам назорат остида бўлади.

Юқорида келтирилган мамлакатларда депутатлар фаолиятини баҳолаш тизимларининг асосий мақсади маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини ошириш ва сайловчилар билан алоқаларни мустаҳкамлашдир.

Биз таклиф этаётган тизимнинг ўзига хос жиҳати ҳар бир мезон бўйича аниқ балл беришдир. Хорижий давлатларда, одатда, балл тизими қўлланилмайди. Лекин фаолият самарадорлиги ҳисоботлар, статистика ва жамоатчилик фикри орқали баҳоланади.

Бизнингча, Кенгашнинг Регламент ва депутатлик одоб-ахлоқи масалалари бўйича доимий комиссияси йилнинг ҳар чорак якунида депутатлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари бўйича депутатлар фаоллиги акс этган ахборотни Кенгашнинг навбатдаги сессиясига тақдим этиб бориши ҳамда фаол депутатлар ишини оммалаштириш ва йил якуни бўйича рағбатлантириш тизимини жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

¹ Об общих принципах организации местного самоуправления в Российской Федерации Федеральный закон от 06.10.2003 N 131-ФЗ (ред. от 13.12.2024) // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_44571/

² О местном государственном управлении и самоуправлении в Республике Казахстан Закон Республики Казахстан от 23 января 2001 года № 148. // https://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z010000148_

Жаҳонгир МАҲМУДОВ, магистрант
(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)

«E-DEMOCRACY» ВА «E-PARTICIPATION» КОНЦЕПЦИЯЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Глобаллашув ва ахборот жамиятининг шаклланиши шароитида давлат бошқаруви тизимининг очиқлиги, шаффофлиги ва фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини (**E-participation**) кенгайтириш замонавий демократиянинг асосий шартларидан биридир. **Электрон демократия (E-democracy) концепцияси** – АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда давлат органларининг самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишнинг янги шаклидир. Ўзбекистон Республикасининг ислохотлар дастурида, айниқса, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида рақамлаштириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

«Mening Fikrim» электрон жамоавий мурожаатлар портали ва ҚХТБТ (*Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими*) каби платформалар жорий этилиши «E-participation» учун техник асос яратди. Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, технологик ечимларнинг мавжудлиги уларнинг мажбурий натижадорлигини юридик жиҳатдан кафолатламайди.

«Электрон демократия» – бу АКТ, хусусан, Интернетдан фойдаланиб, демократик жараёнларни яхшилаш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган концепция. Масалан, E-voting (Электрон овоз бериш),

E-Consultation (Электрон маслаҳатлашув) ҳамда **E-Petition** (Электрон петиция)¹.

«Электрон иштирок» – бу фуқаролар, корхоналар ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат бошқаруви ва қарор қабул қилиш жараёнларида фаол иштирок этиши жараёни. Масалан, **E-Information** (Электрон ахборот бериш), **E-Consultation** (Электрон маслаҳатлашув) ҳамда **E-Decision-making** (Электрон қарор қабул қилиш)².

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, электрон демократия АКТ ёрдамида яратилган демократик муҳит бўлиб, электрон иштирок эса бу муҳитда фуқароларнинг фаол ҳаракати (иштироки) ҳисобланади. Бири иккинчисининг амалга ошиши учун асос ва восита бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда «E-democracy» ва «E-participation» йўналишларида амалга оширилган ишлар таҳлиliga тўхталадиган бўлсак, «E-democracy» ва «E-participation» механизмларини жорий этиш аввало тегишли қонунчилик базасининг яратилишидан бошланди.

¹ The shape of eParticipation: Characterizing an emerging research area, 2008. // https://www.researchgate.net/publication/222839683_The_Shape_of_Eparticipation_Characterizing_an_Emerging_Research_Area

² Macintosh, A. Characterizing E-Participation, 2004. HICSS\ // <https://ieeexplore.ieee.org/document/1265300>

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда «E-democracy» ва «E-participation» концепцияларини такомиллаштириш мақсадида, бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2018 йилдаги **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги ЎРҚ-474-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.12.2020 йилдаги **«Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 808-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги **«Рақамли Ўзбекистон – 2030»** стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 йилдаги **«Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»**ги ПФ-5185-сон Фармони шулар жумласидандир.

Ўз навбатида, бугунги кунда бу ислохотларнинг аксарияти амалиётга жорий қилиниб, муҳим платформалар ишга туширилди. Хусусан, **«Mening Fikrim»** портали – фуқароларнинг жамоавий ташаббусларни илгари суриши. 10 минг овоз тўплаган петицияларнинг Олий Мажлис палаталари ёки маҳаллий Кенгашлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

ҚҲТБТ (*Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими*) портали – қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш жараёни, ҳужжатларнинг сифатини ошириш ва уларнинг ижтимоий қабул қилиш механизм восита ҳисобланади.

OpenBudget (*Ўзбекистон Республикаси «Ochiq Budjet» портали*) – фуқароларнинг давлат бюджетининг муайян қисмини (туман/шаҳар бюджетининг) қайси лойиҳаларга йўналтирилишини ҳал қилишда овоз бериш жараёни тушунилади. Энг муваффақиятли «E-participation» лойиҳаларидан бири ҳисобланади.

Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ва my.gov.uz – давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш жараёни бўлиб, фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатини соддалаштириш ва бюрократияни камайитириш воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон рақамли технологиялар соҳасида катта ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга, соҳада айрим муаммолар ҳам сақланиб қолаётганини қайд этиш жоиз. Муаммолар асосан, «электрон демократия» ҳамда «электрон иштирок» механизмларини ҳуқуқий тартибга солишдаги номукамалликдан келиб чиқмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистонда электрон жамоатчилик муҳокамалари, электрон петициялар ва очиқ порталлар мавжуд бўлса-да (*масалан, «Mening Fikrim» портали ва «ҚҲТБТ» портали*), уларнинг натижаларини давлат органлари томонидан мажбурий кўриб чиқиш ва қарор қабул қилинганлиги ҳақида асосли ҳисобот бериш бўйича аниқ, қатъий ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас. Амалиётда кўпинча «кўриб чиқилди» ёки «инобатга олинди» каби умумий жавоблар билан чекланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, сўнгги 3 йилда кўриб чиқилган ташаббусларнинг 60 фоиздан ортиғи (*аниқ сонларсиз*)

рад этилган ёки улар бўйича қабул қилинган якуний қарорнинг асослари етарлича оммавий ва ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилмаган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунда жамоатчилик назорати шакллари белгиланган. Аммо қонуннинг 15-моддасида, АКТ орқали амалга ошириладиган шакллари (*электрон петиция, онлайн муҳокама*) натижаларининг мажбурий ижроси ёки унинг бажарилмаганлиги учун давлат органининг масъулияти аниқ белгиланмаган. Бу эса, фуқароларда тизимга ишончсизликни (*фрустрация*) келтириб чиқаради ва «E-participation»нинг легитимлигини пасайтиради.

Учинчидан, мамлакатимизда Интернетга кириш имконияти кенгайса-да, аҳолининг кексалар, қишлоқ жойларидаги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларида рақамли саводхонлик ва Интернетдан фойдаланиш кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Бунинг оқибатида, «E-participation» тизимлари асосан ёш, юқори даражада таълим олган ва шаҳар аҳолиси манфаатларини акс эттиради. Бу эса, демократик қарорларнинг инклюзивлик ва адолатлилиқ тамойилининг бузилишига олиб келади.

Тўртинчидан, электрон иштирок платформаларида фойдаланувчиларни идентификация қилиш (*ЭРИ/OneID орқали*) маълум даражада хавфсизликни таъминласа-да, овоз бериш ёки таклиф киритиш жараёнида маълумотларнинг яхлитлиги ва манипуляциялардан ҳимояланганлигига доир тўлиқ кафолатлар мавжуд эмас. Хусусан, аноним ёки сохта аккаунтлар орқали оммавий фикрни сохталаштириш хавфи мавжуд.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 02.07.2019 йилдаги «**Шахсга доир маълумотлар тўғрисида**»ги ЎРҚ-547-сонли Қонуни қабул қилинган бўлса-да, «E-democracy» тизимлари учун ахборот хавфсизлиги талаблари ва бу тизимларнинг мустақил аудитдан ўтиш мажбурияти етарлича қатъий белгиланмаган. Бунинг оқибатида, онлайн муҳокамалар ва сўровлар натижаларининг ҳаққонийлигига шубҳа туғилади. Агар фуқаролар ўз шахсий маълумотлари ва фикрлари ҳимояланмаган деб ҳисобласа, улар тизимдан фойдаланишни тўхтатади.

Ўзбекистонда «E-participation»нинг самарадорлигини ошириш учун хорижий мамлакатларнинг фуқароларнинг электрон иштирокини қонуний кафолатлашга қаратилган илғор тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, **Германияда** Бундестагнинг «E-Petitions» тизими жамоатчилиكنинг фикрини парламент эшитувлари даражасига олиб чиқишнинг муваффақиятли механизми ҳисобланади. Бу тизим «E-Consultation» натижаларининг сиёсий ва қонунчилик жараёни учун мажбурий оқибатларини белгилайди. Петиция муайян миқдордаги (50 минг) имзо тўпласа, у мажбурий тартибда парламент қўмитасида муҳокама қилинади. Қўмитада муҳокама жараёнининг жонли эфирга узатилиши белгиланган. Бу фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларнинг қандай кўриб чиқиладигани ҳақида тўлиқ ҳисобдорликни таъминлайди. Мисол учун, 2021 йил ҳолатига кўра, Германияда ҳар йили юзлаб петициялар рўйхатдан ўтказилади. Шундан ўртача 10-15 таси 50 минг имзо чегарасидан ўтиб,

Бундестаг қўмитасида мажбурий муҳокама қилиш учун тақдим этилади. Бу фуқаролар ташаббусининг қонун чиқарувчи орган томонидан рад этиш мумкин бўлмаган қисми мавжудлигини англатади¹.

Финляндияда фуқаролар ташаббуси модели «E-participation»ни бевосита «E-Decision-making»га олиб борадиган энг кучли шакллардан бири ҳисобланади. У нафақат муҳокамани, балки ташаббусни расмий қонун лойиҳаси сифатида рўйхатдан ўтказишни талаб қилади. 50 минг имзо тўпланган ташаббус мажбурий тарзда парламентда қонун лойиҳаси сифатида рўйхатдан ўтказилиб, кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Бу тизимда фуқароларнинг ташаббуси «тавсия» эмас, балки қонунчилик жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида қабул қилинади. Масалан, 2013 йилда айнан шу тизим орқали фуқаролар ташаббуси асосида Финляндиянинг «никоҳ тўғрисида»ги қонунига тузатиш киритилиши муҳокама қилинган. Бу механизм фуқаролик жамиятининг бевосита қонунчиликка таъсир ўтказиш қобилиятини яққол намоён этади².

Эстонияда эса «i-Voting» тизимини жорий этиш орқали «E-democracy»ни сиёсий иштирокнинг энг муҳим жараёни сайловга муваффақиятли татбиқ этди. Эстониянинг ёндашувини Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига намуна сифатида олинса мақсадга мувофиқ бўларди. Сайлов қонунчилигига киритилган тузатишлар «i-Voting»ни оддий (анъанавий) овоз бериш билан тўлиқ тенглаштирди. Бу электрон овозларнинг юридик кучи борасида ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди.

Тизимнинг муваффақияти киберхавфсизлик ва овозларни текшириш (*верификация*) бўйича қатъий ва шаффоф талаблар билан таъминланади. Мисол учун, Эстонияда 2019 йилги парламент сайловларида сайловчиларнинг 43,8 фоиздан ортиғи электрон тарзда овоз берди. 2023 йилги сайловларда эса, бу кўрсаткич 51 фоизга етди. Бу статистика «E-voting»нинг сайловчилар томонидан кенг қабул қилинганлиги ва тизимнинг ишончилигини тасдиқлайди³.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролари қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи белгиланган⁴.

Бу яққол мисол сифатида, «Менинг фикрим» порталида 100 минг ёки ундан ортиқ фуқаро томонидан қўллаб-қувватланган таклифлар қонунчилик мазмунига эга бўлса, эндиликда улар Конституциянинг 98-моддасига асосан тўғридан-тўғри қонун лойиҳаси ташаббуси сифатида кўриб чиқилиши учун асос бўлади.

¹ Public petitions in the German Bundestag. <https://participedia.net/case/4160>

² Citizens' initiatives prove popular in Finland as an expression of democracy. // <https://finland.fi/life-society/citizens-initiatives-prove-popular-in-finland-as-an-expression-of-democracy/>

³ How did Estonia carry out the world's first mostly online national elections. // <https://e-estonia.com/how-did-estonia-carry-out-the-worlds-first-mostly-online-national-elections/>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023. <https://lex.uz/docs/6445145#6445242>

Хулоса ўрнида, «E-democracy» ва «E-participation»нинг муваффақиятли жорий этилиши фуқароларнинг электрон иштирокини декларатив ҳуқуқдан мажбурий юридик кучга эга бўлган таъсир воситасига айлантириш орқалигина таъминланади. Бу эса, Ўзбекистонда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» тамойилининг амалий ва ҳуқуқий асосига айланади. Юқорида келтириб ўтилган масалалар юзасидан қуйидаги таклифлар билдирилади:

*Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга қўшимча киритиш: **электрон иштирок натижаларини кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари ва мажбурийлиги*** белгиланса мақсадга мувофиқ. Хусусан, «Mening Fikrim» ёки «ҚЎТБТ» порталидаги муҳокамада белгиланган минимал овоз тўпланган ташаббус ёки лойиҳа 10 иш куни ичида масъул давлат органи томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Қонуннинг 15-моддасига 3-хатбоши: «Электрон муҳокама натижаларини кўриб чиқишда, давлат органи ташаббус ва таклифларнинг кўриб чиқилиши учун етарли деб топилган минимал кўрсаткичларга эришилган тақдирда, ушбу натижаларни 10 иш куни ичида кўриб чиқиши шарт» деган мазмунда норма киритилса, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунга «E-participation» тизимларининг мажбурий киберхавфсизлик аудитини жорий этиш лозимлиги тўғрисидаги қўшимчани киритиш ўринлидир.

Электрон иштирокни таъминловчи давлат ахборот тизимлари (петициялар, сўровномалар, онлайн овоз бериш) камида ҳар 12 ойда мустақил ахборот хавфсизлиги аудитидан ўтказиш тизими ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга қуйидаги мазмундаги 15¹-модда (Электрон ташаббус бўйича қарорни қабул қилиш ва ҳисобот бериш талаби) киритиш: Давлат органи электрон ташаббусни кўриб чиқиш натижаси бўйича қарорни ташаббус келиб тушган кундан бошлаб 60 иш кунидан кечиктирмай қабул қилиши лозим. Унга кўра, қабул қилинган (ёки рад этилган) қарор бўйича давлат органи ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларни ўз ичига олган, расмий ваколатли шахс имзолаган асослантирилган ҳисоботни мажбурий тартибда электрон платформада эълон қилади.

Ҳисоботда:

- а) ташаббуснинг мақсад ва моҳияти;
- б) кўриб чиқиш жараёнига жалб қилинган мутахассисларнинг хулосалари;
- в) қабул қилинган якуний қарор ёки рад этиш сабабларининг амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ёки эксперт таҳлилларга асосланган ҳуқуқий далиллари акс эттирилса, тўғри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисми қуйидаги мазмунда тўлдирилса, яъни «Давлат органининг ваколатли шахслари томонидан электрон

ташаббусларни асоссиз рад этиш, 15¹-моддада белгиланган муддатда асослантилган жавоб бермаслик ёки ҳисобот талабларини бузиш интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа тегишли қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Худудий халқ қабулхоналари ва Ахборот-коммуникация технологиялари вазирлигининг худудий бўлинмалари зиммасига аҳолининг рақамли саводхонлиги паст бўлган (*кексалар, қишлоқ аҳолиси, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам*) фуқароларига «E-participation» платформаларидан фойдаланишда бепул амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, электрон ташаббусларни киритиш ва овоз беришда кўмаклашиш вазифаси юклатилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, барча электрон платформаларнинг кўп каналли (мобил, оффлайн ёрдам марказлари) ва оддийлаштирилган интерфейслари тизими яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулқар АҲМЕДОВА, илмий ходим
(*Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази*)

ФУҚАРОЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ХИЗМАТЛАРГА ИШОНЧИ ВА СИЁСИЙ МОБИЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Замонавий дунёда рақамли технологиялар фақат иқтисодий ёки ижтимоий соҳада эмас, балки сиёсий жараёнларда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Давлат хизматларининг рақамлашуви фуқароларнинг давлат идораларига ишончини шакллантириш, уларнинг сиёсий фаоллиги ва мобиллигини оширишга хизмат қилади. **Рақамли давлат** – бу фақат электрон ҳужжат айланмаси эмас, балки жамият ва давлат ўртасидаги янги ишонч муҳитини яратувчи тизимдир.

«**Digital Trust Theory**» (*рақамли ишонч назарияси*)га кўра, фуқароларнинг рақамли тизимларга ишончи маълумот хавфсизлиги, шаффофлик ва хизмат кўрсатиш сифатидан келиб чиқади. Сиёсий мобиллик эса фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг сиёсий қарорларга таъсирини ошириш билан боғлиқ. Бу икки омил ўзаро боғлиқ бўлиб, рақамли давлат моделининг барқарор ишлашини таъминлайди.

Ўзбекистон рақамли технологиялар соҳасида изчил ва қатъий қадамлар ташламоқда. Ушбу ислохотлар марказида фуқаролар манфаатига йўналтирилган рақамли ҳукумат моделини шакллантириш, давлат хизматлари кўрсатилишини ҳар бир шахс ҳамда тадбиркор учун осон, қулай ва самарали қилиш мақсади туради.

Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази «Рақамли Ўзбекистон – 2030» давлат дастури¹ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 июндаги 409-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлиб, мамлакатдаги барча рақамли ҳукумат лойиҳаларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Марказ беш йил давомида нафақат рақамли ҳукуматнинг замонавий инфратузилмасини шакллантирди, балки аҳоли эҳтиёжларига тез ва самарали жавоб бера оладиган онлайн хизматлар экотизимини яратишга муваффақ бўлди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz – энг муҳим ташаббуслардан бири бўлиб, у сўнгги икки йилда рақамли хизматлар экотизимига айланди. Бу портал аҳоли учун давлат хизматларидан фойдаланишда асосий платформа бўлиб қолди. Портал фойдаланувчилари сони қарийб 3 баробарга ошди, хизматлар сонининг йиллик ўсиш суръати эса 35 фоиз атрофида бўлмоқда. Шу билан бирга, аҳолидан 130 дан ортиқ ҳужжатларни талаб этиш бекор қилинди, бу эса бюрократик тўсиқларни камайтиришга ва фуқароларнинг вақтини тежашга хизмат қилди.

my.gov.uzнинг такомиллаштирилиши ва ривожлантирилиши кўзга кўринган натижалардан бири бўлди. Портал орқали 2013 йилда атиги 40 та хизмат кўрсатилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 800 тага яқинлашди. Фойдаланувчилар сони дастлабки йилларда 100 минг атрофида бўлган бўлса, ҳозир 12 млн. дан ошди. 2024 йилда электрон хизматларни кўрсатиш орқали фуқаролардан 149,5 млрд. сўм тежаб қолинди ҳамда 160 тонна қоғоз сарфининг олди олинди. Демак, рақамли хизматлар фақатгина иқтисодий самара келтирибгина қолмай, балки табиатни асраш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва вақтни тежашга ҳам хизмат қилмоқда.


Хусусан, 2020 йилда давлат хизматларини аҳолининг 33 фоизи my.gov.uz орқали, 67 фоизи давлат хизматлари марказлари орқали олган бўлса, 2025 йилга келиб 83 фоизи my.gov.uzдан, 17 фоизи давлат хизматлари марказларидан фойдаланган. Бу рақамлар технологиялар жамият тафаккурини кескин ўзгартираётганини ифодалайди. my.gov.uz орқали давлат хизматларидан фойдаланиш фоизи беш йил ичида қарийб уч баробар ошиб, фуқароларнинг электрон хизматларга бўлган ишончи юқори даражага кўтарилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон БМТнинг электрон ҳукуматлар ривожланиш даражаси бўйича рейтингда 6 поғона юқорилаб, 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллаб, илк бор Very High EGDl тоифасига кирди. Электрон иштирок этиш индекси (*E-Participation Index, EPI*) бўйича кўрсаткичи эса, 0,60 ни ташкил қилди. 2020 йилда Ўзбекистон 193 давлат орасида 87-ўринни

¹ 2020 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сон Фармони.

эгаллаган, электрон иштирок этиш индекси (*E-Participation Index, EPI*) бўйича кўрсаткич 0,80 ни ташкил қилган¹.

Бу мамлакатдаги рақамли сиёсатнинг самарасини халқаро майдонда тан олиниши бўлди. 2025 йилда БМТ Давлат хизмати форумида Ўзбекистон **«Электрон ҳукуматдаги ютуқлари учун»** махсус мукофот билан тақдирланди. Мазкур ҳолат рақамли давлат сиёсатининг самарадорлигини ҳамда фуқароларнинг давлат билан рақамли муносабатларида ишончнинг ошганини кўрсатади.



Адлия вазирлиги томонидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда доимий равишда фуқароларнинг давлат хизматларидан қониқиш даражаси ўрганиб борилмоқда.

Европа Иттифоқи ҳамда БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида «PricewaterhouseCoopers» халқаро компаниялар тармоғи томонидан Давлат хизматлари марказларига ташриф буюрувчилар ўртасида аноним сўров ўтказилган. Сўровнома натижасига кўра, фуқароларнинг 90 фоизи кўрсатилаётган хизматлардан қониқиш ҳосил қилиб, марказ ходимлари фаолиятини аъло баҳолашган².

Рақамли маълумотлар платформаси (РМП) эса, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги янги кўприк вазифасини ўтамоқда. Бу жараён нафақат хавфсиз, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали бўлиб, 38 дан ортиқ турдаги маълумотномаларни тақдим этиш бекор қилинди ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнлари тезлашди.

2025 йилга келиб, РМП орқали интеграция қилинган веб-сервислар сони 146 тага етди, маълумот алмашинуви ҳажми эса 700 млн. сўровдан ошди. Бу рақамли иқтисодиётнинг амалдаги ўсишини ифодалайди. Ахборот оқими

¹ United Nation E-Government Survey 2024. // <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data/Country-Information/id/186-Uzbekistan>

² «Энг яхши хизмат – уни олганингизни билмай қоладиган хизматдир». ДХМлардаги хизмат турлари 500 га яқинлашади. Бунинг қандай оқибатлари бор? // <https://adliya.uz/ru/posts/eng-yaxshi-xizmat-uniloganingizni-bilmay-qoladiga#>

тўсқинликсиз ҳаракатланаётган жамиятда эса ривожланиш ҳам тезлашади. Янги технологиялар, жумладан, сунъий интеллект ва блокчейн каби инновациялар тизимни янада самарали қилиш учун қўлланилиши режалаштирилган. Ушбу тизимнинг ривожланиши давлат ва фуқаролар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ва давлат хизматларини янада қулай қилишга имкон яратади¹.

Сиёсий мобиллик деганда, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, мавқеи ва таъсир даражасининг ўзгариши билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳаракатчанлик жараёни тушунилади. Сиёсий мобилликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

вертикал сиёсий мобиллик – фуқароларнинг паст даражадаги сиёсий иштирокдан юқори лавозим ёки сиёсий нуфузга эга бўлишгача бўлган ўсиши (масалан, фуқаро – депутат – вазир);

горизонтал сиёсий мобиллик – бир хил сиёсий даражада бўлган шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги ҳаракат (масалан, бир партиядан бошқасига ўтиш);

институционал сиёсий мобиллик – янги сиёсий институтлар, ҳаракатлар ва платформада фуқароларнинг фаол иштирок этиши (масалан, e-democracy ёки фуқаролик ташаббуслари орқали).

Бу фақат фуқароларнинг сайловда овоз бериш фаолияти эмас, балки уларнинг рақамли сиёсий маданияти, ташаббускорлиги ва давлат қарорларига таъсир кўрсатиш салоҳиятидир. Замонавий дунёда сиёсий мобиллик даражаси мамлакатнинг демократия сифати ва рақамли фаоллик кўрсаткичи билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий мобилликка таъсир этувчи асосий омиллар қаторига аҳолининг маълумот даражаси ва сиёсий саводхонлиги, рақамли технологиялар, иқтисодий барқарорлик ҳамда давлатнинг очиқлиги ва демократик даражаси киради.

Ўзбекистонда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси фуқароларнинг рақамли хизматлардан фойдаланиши ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган. Рақамли сиёсий мобиллик – фуқароларнинг давлат фаолиятидаги иштирокини демократик бошқарувнинг асосий мезони сифатида мустаҳкамлаб боради.

Фуқароларнинг рақамли хизматлардан самарали фойдаланиши ва сиёсий мобиллигининг ошиб бориши бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хорижий тажрибадан мисол келтирсак, Эстонияда «e-Residency» ва «i-Voting» тизими орқали рақамли сиёсий иштирок жорий этилган бўлиб, сайловларда онлайн иштирок даражаси 51 фоизга етган². Жанубий Кореяда электрон иштирок индекси бўйича кўрсаткич 0,97 ни ташкил қилиб, 193 та мамлакат ичида 4-ўринни эгаллаган³.

¹ Эргашев Х.М. Давлат хизматларининг рақамлаштирилиши: e-gov тизими ва аҳолига қулайликлар. За наивысшие заслуги, 2024.

² Factsheet: Government Digitization, Efficiency and Performance in the US and Estonia, 2021. – P. 11.

³ United Nation E-Government Survey 2024. // <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data/Country-Information/id/138-Republic-of-Korea>

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам фуқароларнинг сиёсий мобиллигини ошириш мақсадида конституцион ислохотлар ва парламент институтларини кучайтириш, «Ташаббусли бюджет», «Электрон петиция» ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси» платформалари доирасида фуқаролар иштирокини кенгайтириш, яъни фуқароларнинг овоз беришдаги фаоллигини ошириш, шаффофлик ва ҳисоботлилини кучайтириш, жавобгар сиёсий партиялар ва гендер тенглигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш каби самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, фуқароларнинг давлат сиёсатини шакллантиришда қатнашиш имконияти кенгайди, очиқлик, ҳисоботлили ва жамоат назорати кучайди, сайлов тизими модернизация қилинди, «Ташаббусли бюджет» аҳолининг тўғридан-тўғри иштирокидаги энг йирик сиёсий механизмга айланди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги замонавий рақамли технологиялар ривожланган даврда мамлакатни рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш, аҳоли учун рақамли хизматлар соҳасини кенгайтириш, фуқароларнинг рақамли давлат хизматларига ишончи ва сиёсий мобиллигини ошириш замонавий давлат бошқарувининг стратегик вазифаси ҳисобланади. Бу жараёни самарали таъминлаш учун қуйидагилар тавсия этилади:

Шаффофлик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат томонидан маълумотлар ҳимояси кучайтирилиб, киберхавфсизлик чораларининг янгиланиши, ҳамда рақамли ишонч ва сиёсий мобиллик бўйича миллий индексни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, хизмат сифатини узлуксиз такомиллаштириб бориш, рақамли хизматларни **«нол-бюрократия» тамойили** асосида лойиҳалаш, давлат хизматларида инсон омилини минималлаштириш орқали субъектив қарорлар ва коррупция хавфини камайтириш зарур. Зеро, ишончли рақамли хизматларнинг ажралмас қисми бу маълумотлар хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлашдир.

Рақамли саводхонликини ошириш дастурларини кенгайтириб, аҳоли барча қатламларини, айниқса, кекса авлодни рақамли хизматлардан мустақил фойдаланишга ўргатиш, шунингдек, мактаблар ва олий таълимда **«Рақамли фуқаролик»** асосларини ўқитиш лозим. Бундан ташқари, фуқаролар билан очиқ рақамли мулоқот платформаларини яратиш, электрон овоз бериш (e-Voting) ёки «e-Tashabbus» каби механизмларни жорий этиш орқали фуқароларнинг давлат қарорлари муҳокамасига онлайн жалб қилиш керак.

Халқаро тажрибани қўллаш, хусусан, Эстония ва Жанубий Корея каби илғор тажрибага эга мамлакатларнинг муваффақиятли моделларини миллий шароитга мослаштириш ҳамда рақамли идентификацияни ривожлантириш, электрон ID ва рақамли имзолардан нафақат давлат, балки хусусий сектор хизматларида ҳам кенг фойдаланишни рағбатлантириш самарали механизмлардан биридир.

Мақсуд ШАМИЕВ, мутахассис
(Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси)

ЭЛЕКТРОН ОВОЗ БЕРИШ ТИЗИМЛАРИ: ИМКОНияТЛАР ВА ХАВФЛАР

Электрон овоз бериш – бу компьютер орқали амалга ошириладиган овоз бериш шакли бўлиб, унда сайловчилар ўз танловларини компьютер ёрдамида амалга оширадilar. Сайловчи одатда танловни сенсорли экран дисплейи ёрдамида амалга оширади, аммо кўриш қобилияти чекланган сайловчилар учун аудио интерфейслар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Электрон овоз беришни тушуниш учун сайлов жараёнидаги тўртта асосий босқични кўриб чиқиш қулай:

бюллетень тузиш – сайловчилар танлов қиладиган босқич;

бюллетень топшириш – сайловчилар ўз бюллетенларини тақдим этадиган босқич;

бюллетенни ёзиш – тизим топширилган бюллетенларни қайд этадиган босқич;

бюллетенларни табуляция қилиш – овозлар санаб чиқиладиган босқич.

Қаъий маънода электрон ҳисобланмайдиган овоз бериш тизимларида ҳам бюллетень топшириш, ёзиш ва табуляция босқичлари одатда компьютерлар ёрдамида амалга оширилади. Қаъий маънода электрон овоз бериш эса биринчи босқич – бюллетень тузиш (ёки танлаш) компьютер ёрдамида амалга ошириладиган тизим ҳисобланади.

1990 йиллар ва ХХI аср бошларида Интернетдан фойдаланиш тез суръатларда кенгайгани сабабли, овоз бериш жараёни табиий равишда Интернетга кўчиши мумкинлиги тўғрисида фикрлар пайдо бўлди. Бундай сценарийда сайловчилар Интернетга уланган исталган компьютердан, ҳатто уйларида ҳам овоз беришлари мумкин бўлади. Бу турдаги овоз бериш механизми баъзан **«E-voting»** деб аталади. Доимий сайловларда овоз беришдан ташқари, кўпчилик ушбу янги технологияларда фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнида тўғридан-тўғри иштирокини таъминлаш орқали демократияни тубдан ўзгартириш имкониятини кўрди.

Аммо кўплаб давлатлар Интернет овоз бериш учун етарли даражада хавфсиз эмас, деган қарорга келдилар. Чекланган «E-voting» тажрибалари Эстония, Швейцария, Франция ва Филиппин каби бир қатор мамлакатларда ўтказилган. Эстония мисоли айниқса диққатга сазовор: ҳар қанча рақамли демократия инфратузилмаси ривожланган бўлса ҳам, мамлакатдаги Интернет тизими баъзи вақтларда хизматдан маҳрум қилиш ҳужумлари сабабли жиддий издан чиққан. Бу ҳолат мамлакатни анъанавий овоз бериш инфратузилмасига ҳам эътиборни сақлашга, «E-voting» билан бир қаторда уни ҳам сақлаб қолишга мажбур қилмоқда.

Эстония дәвләти энг ривожланган миллий Интернет – овоз бериш тизимини жорий этган бўлиб, онлайн овозларнинг катта қисмини қайд этади ва қулайлик ҳамда маъмурий тежамкорликни таъкидлайди.

2014 йилда Эстонияда «E-voting» тизими бўйича ўтказилган хавфсизлик таҳлили сервер ва мижоз компонентлари учун ишончли ҳужум йўлларини кўрсатди ва таркибий тизимларда овоз шаффофлиги учун ҳал қилиш қийин бўлган хатарлар мавжудлигини намоиш этди. Шунга ўхшаш хавфлар Бразилия DRE тажрибаларида ҳам кузатилди ва Европа Комиссияси ҳамда Европа Кенгаши таҳлилларида қайд қилинди. «E-voting» хавф манзарасини ўзгартиради ва сайловлар бошқаруви ҳамда аудит талабларини мураккаблаштиради.

Электрон овоз бериш тизимлари турлари, имконият ва хавфларни баҳолашдан олдин асосий турлар ва уларнинг қўлланиш контексти тушунтирилиши керак. Интернетда (*масофавий*) овоз бериш – сайловчилар масофадан (*кўпинча миллий e-ID орқали*) идентификациядан ўтган ҳолда овоз берадилар.

Интернетга қарши хизматдан маҳрум қилиш ҳужумларидан ташқари, хавфсизлик мутахассислари шахсий компьютерларнинг кўпчилиги зарарли дастурлар томонидан зарарланиши мумкинлигидан хавотирда. Бундай ҳужумлар қонуний овозларни блоклаш ёки алмаштириш орқали сайлов жараёнини, ҳатто аниқланмасдан ҳам, бузиб қўйиш мумкин ҳисобланади¹. «E-voting» бўйича учинчи хавотир - сайловчини мажбурлаш ёки овоз сотиш эҳтимоли. Овоз бериш назорат қилинадиган муҳитда амалга оширилмаганида, бу хавф юқорироқ бўлиши мумкин. Аммо барқарор демократияларда бу муаммонинг қай даражада жиддий эканлиги борасида келишув йўқ. Қолаверса, ушбу эътироз аввалдан кенг қўлланилган, почта орқали овоз бериш учун ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Хавфсизлик ва имкониятга бўлган хавотирлар туфайли электрон овоз беришнинг аксарият йирик турлари махсус мажбуриятли участкаларда махсус машиналар орқали амалга оширилади. Бу турдаги механизм «E-voting» деб аталади. «E-voting» ускуналарининг икки асосий тури мавжуд: тўғридан-тўғри ёзиш электрон (DRE) машиналари ва оптик сканерлаш машиналари ҳисобланади.

«Электрон овоз бериш» бир неча алоҳида технология ва амалиётларни қамраб олади:

- масофавий Интернетда овоз бериш – сайловчилар уйдан ёки овоз бериш жойидан ташқари овоз берадилар;
- DRE (*тўғридан-тўғри электрон*) овоз бериш машиналари-назоратланган сайлов участкасида қўлланилади;
- гибрид тизимлар-электрон овоз бериш ва физик тасдиқ элементларини бирлаштиради.

«E-voting»га қизиқишнинг асосий сабаблари: Сайлов иштирокини ошириш (айниқса ногиронлиги бор, диаспорадаги ва ёш сайловчилар учун),

¹ <https://www.britannica.com/topic/electronic-voting>

натижаларни тез ва самарали аниқлаш, логистика ва бошқарув харажатларини қисқартириш ва давлат хизматларини рақамлаштиришни ўз ичига олади.

Интернет орқали овоз бериш одатда айрим сайловчи гуруҳлари-экспатлар, хориждаги ҳарбийлар, овоз бериш куни ишлайдиган қутқарув хизматлари ходимлари ёки ногиронлиги бўлган фуқароларга қаратилган.

Интернет ҳаётимизда тобора муҳим ўрин эгаллаб борса-да, Интернет орқали овоз беришга нисбатан эҳтиёткорлик жуда катта. Кимлардир банк операциялари ва онлайн харидлар Интернет орқали амалга оширилар экан, овоз бериш ҳам Интернет орқали хавфсиз бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Аммо бу онлайн транзаксиялар шаффоф бўлиб, текширув имкони мавжуд. Овоз бериш махфийлиги талаблари эса Интернет-овоз беришда бундай шаффофликни таъминлашни қийинлаштиради.

Типик DRE сенсорли экран ва компьютердан иборат. Бюллетенлар сайловчиларга сенсорли экранда тақдим қилинади, улар танлов қилади ва бюллетенни тасдиқлаб овоз беради. Сенсорли экран кўриш қобилияти чекланганлар учун катта шрифтлар, юқори контраст, кам овоз бериш ҳолатларини кўрсатиш ва ортиқча овоз беришнинг олдини олиш каби имкониятларни тақдим эта олади.

DRE овоз берилган бюллетенларни тўғридан-тўғри қайд этади ва маълумотни хотирасида сақлайди. Демак, бир машина танлаш, овоз бериш ва ёзиш босқичларини амалга оширади. Учинчи босқич – бюллетенни компьютер хотирасига ёзиш – сайловчи учун кўринмас. Овоз қайд этилгани ҳолатини тасдиқлаш сайлов олдида ускунанинг аппарати ва дастурини тест қилишга, ҳамда сайлов пайтида ишлаётган дастурнинг олдин тест қилинган версия билан бир хил эканига ишончга боғлиқ. Бунинг иккаласи ҳам катта баҳсларга сабаб бўлган.

Аппаратдаги хато ёки дастурдаги тасодифий хатоларни тест қилиш ишончли бўлиши мумкин, аммо бундай имконият зарарли дастур учун амал қилмайди. Аксарият хавфсизлик мутахассислари дастур яратиш босқичида амалга оширилган **«инсайдер хужуми»** тестдан беғараз ўтиб кетиши мумкин, деб ҳисоблайди (*бунинг эҳтимоли борасида келишув йўқ*)¹. Бу муаммо манба кодининг оммага очиқ бўлмаслиги билан янада кучаяди.

Криптографик техникалар дастур ҳақиқийлигини тасдиқлаш муаммосини қисман ҳал қилиши мумкин. Дастур баҳоланиб сертификатланганда криптографик хеш (*коднинг «имзоси» вазифасини бажарадиган қисқа битлар тўплами*) ҳисобланиб сақланади. Сайловдан олдин хеш қайта ҳисобланади. Дастурдаги ҳар қандай ўзгариш хешлар мос келмаслигига олиб келади. Аммо бу техника ҳам дастур яхлитлигига қаратилган барча ҳужумларни тўлиқ тўхтатмаслиги мумкин.

Сайлов пайтида компьютер вируслари машинага кириб олиши мумкин. Бунинг учун машина бошқа электрон қурилма билан қандайдир тарзда ўзаро

¹ <https://electionbuddy.com/blog/2023/06/28/the-advantages-of-electronic-voting-systems-enhancing-efficiency-accuracy-and-accessibility-in-modern-elections/>

таъсирда бўлиши керак. Шунинг учун, Интернет ёки симсиз қурилмаларга уланиш одатда тақиқланади. Бироқ овоз бериш сессияси махсус активлаштириш картаси орқали бошланади. Рўйхатдан ўтказувчи ходим сайловчининг ҳуқуқини тасдиқлаб, картага бир марта овоз бериш имконини ўрнатади. Сессиядан кейин сайловчи картани қайтариб беради. DRE тизимларидан бири шу каби карта орқали вирус ётқизилишига мойил экани исботланган. Зарарланган машина овозларни берилганидек эмас, ўзгартириб ёзишга мажбур қилиниши мумкин.

DRE машиналари овозларни берилганидек қайд этмаслиги хавфи айрим шахслар ва ташкилотларни ҳар бир овоз учун қоғозли аудиторлик ёзуви бўлиши лозим, деган фикрга олиб келди. Ишлаб чиқарувчилар DREларига принтер қўшиш орқали жавоб беришди. Натижада электрон ва қоғозли ёзув бир вақтнинг ўзида юритиладиган гибрид тизимлар яратилди. Аммо қоғозли ёзувларни сайловчи ва сайлов амалдорлари томонидан назорат қилишда юзага келган муаммолар ушбу тизимларнинг танқид қилинишига сабаб бўлди. Кўплаб ҳудудлар бу гибридларни ташлаб, оптик сканерлаш технологиясини афзал кўрган.

Айрим оптик сканерлаш тизимларида сайловчи қоғоз бюллетенни тўлдириб, электрон сканерга жойлаштиради. Сканер нотўғри белгиланган бюллетенларни рад этиши мумкин, бу сайловчига яна бир имконият беради ва бекор бўлган овозлар сонини камайтиради. Бошқа оптик сканерлаш тизимларида сайловчи танловни компьютер экранда амалга оширади. Бюллетень тўлдирилгандан кейин компьютер оптик-сканер қилинадиган бюллетенни чоп этади. Сайловчи уни текшириб, кейин уни бошқа қурилмага жойлаштиради, у эса сканерлаб овозни ҳисоблайди. Ушбу икки усул ҳам электрон овоз бериш тизими ҳисобланади.

Электрон овоз беришда халқаро экспертлар томонидан хавфсизлик таҳлилида сервер ва сайловчи томонидан хакерлик хавфи қатъий таъкидланган. Юзага келиши мумкин бўлган хавфлар қай даражада реал эканини баҳолашда фикрлар жуда фарқ қилади. Кимдир электрон овоз бериш имкониятларини сақлаш лозим, деб ҳисобласа, бошқалар анъанавий (*электрон бўлмаган*) тизимларнинг эҳтимолий хавфсизлигини афзал кўради.

Криптографлар эса, сайловчиларга овозлари қайд этилганини текшириш имконини берадиган тизимларни яратдилар. Шу билан бирга, бу тизимлар сайловчига ўз овозини учинчи шахсга исботлаш имконини бермайди (*бундай қилиб овоз сотиш ва мажбурлаш хавфлари камаяди*). Ушбу криптографик тизимлар «*бошдан-охиргача (E2E) хавфсиз*» деб аталади ва хавфсизлик нуқтаи назаридан энг маъқул ҳисобланади. Шу сабабли академик доираларда бундай тизимларни тўлиқ такомиллаштиришга катта қизиқиш мавжуд. Шу билан бирга, айримлар E2E тизимларига қарши, чунки уларнинг математик асосларини ўртача сайловчи учун тушуниш қийин ҳисобланади¹.

¹ <https://saylov.uz/uz/article/saylovchilar-yagona-elektron-ro-yxati-takomil-va-taraqqiyot>

Сайловчилар шахсини электрон тарзда тасдиқлайдилар ва шифрланган рақамли бюллетенларни ҳукуматнинг ҳимояланган веб-сайтлари ёки мобил иловалари орқали юборишади. Криптография, блокчейн шифрлаш ва маълумотларни хавфсиз узатиш технологиялари масофавий электрон овоз беришнинг бутунлиги ва махфийлигини таъминлашга қаратилган. Бироқ киберхавфсизлик мутахассислари электрон овоз бериш янги таҳдидларни келтириб чиқаришини таъкидлаб келишади. Мас ҳимоя, идентификация, хавфсизлик, шаффофлик ва аудит чоралари қўрилмаса, техник заифликлар натижаларда рухсатсиз ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Инновациялар шу хатарларни технологиянинг катта қулайлик ва имкониятлари билан мувозанатлаштиришга қаратилган.

Ўзбекистонда ҳам сайловларда электрон овоз беришни жорий қилиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Овоз бериш жараёнларини онлайн кузатиш имкони яратилди, ilk бор электрон овоз бериш синовдан ўтказилди.

Ривожланган мамлакатларда сайлов жараёнларида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланилиши сайловнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, АКТ ни кенг жорий этиш йўли билан миллий сайлов жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган биринчи қадам сифатида Ўзбекистонда 2017 йили сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш борасида ишлар бошланди.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланган эди. Мазкур ахборот тизими 2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашига сайловларда синовдан ўтказилди ҳамда у хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Эндиликда ушбу йўналишдаги энг муҳим вазифа - сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини жорий этиш, бутун мамлакат бўйлаб сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Айни пайтда мазкур соҳадаги ислохотларни амалга ошириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди ва қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, замонавий АКТ ни татбиқ этиш орқали сайлов жараёнини ислох қилиш Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга оширишга доир давлат дастурида кўзда тутилган эди. Бу ҳужжатда замонавий АКТ кенг жорий этилиши мамлакатдаги сайлов жараёнини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Президентнинг «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ҳуқуқий базанинг муҳим таркибий қисмидир. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ҳам сайлов жараёнини ривожлантиришнинг устувор вазифалари билан бирга, ушбу соҳада АКТдан кенг фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу жараёнга МСК (*умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш*), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (*ягона технологик ёндашув*), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (*реестрларни юритиш*) ва «UNICON.UZ» – «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари» маркази давлат унитар корхонаси (*тизимни яратиш ва унга техник хизмат кўрсатиш*) жалб этилган¹.

Айрим тарафдорлар шаффофликни ошириш мақсадида давлатга қарашли очиқ кодли электрон овоз бериш тизимларини жорий этишни таклиф қилмоқда. Код оммавий аудит учун очиқ бўлади. Бироқ очиқ кодли тизимлар ҳам хавфсизлик кафолатини тўлиқ бермайди. Блокчейн технологияси номарказлаштириш табиати ва кучли шифрлаш туфайли онлайн овоз беришда хавфсизликни оширишни ваъда қилади. Транзаксиялар бир нечта тармоқ узелларида сақланиши марказлашган ҳужумларни имконсиз қилиши мумкин. Масалан, Швейцария яқинда блокчейн асосида овоз бериш пилот тизимини йўлга қўйди. Бироқ идентификация муаммолари ва технология инфратузилмасининг ҳали етарлича ривожланмагани тўсиқ бўлиб турибди.

Бу эса асосий сабоқни кўрсатади, Интернет-овоз бериш кўп нарса таклиф қилади, лекин у сайлов жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши учун жиддий муаммолар ҳал қилиниши шарт. Энг катта муаммолардан бири - тизимнинг назорат қилина олиш қобилияти ва унинг ички ношаффофлиги, бу эса унга ишончни камайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, электрон овоз бериш ҳақиқий имкониятларни тақдим этади: қулайлик, кенг инклюзия, тез натижалар ва яхшироқ сайловчи тажрибаси. Бироқ халқаро тажриба кўрсатадики, «E-voting» анъанавий хавфларни янги ва кўпинча аниқлаш қийин хатарлар билан алмаштиради.

Келажақда криптографик E2E текширувлар, хавфсиз аппарат блоклари ва масофавий текширув усуллари хатар ҳисобини ўзгартириши мумкин. Бироқ технологияни алоҳида қўллаш етарли эмас. Ҳар қандай овоз бериш технологияси ҳуқуқий кафолатлар, очиқ амалиёт, осон аудит ва жамоатчилик иштироки билан қўлланиши лозим. Масофавий овоз бериш учун мустаҳкам, мустақил текширилиши мумкин бўлган ечимлар кенг қўлланилиши керак.

Электрон овоз бериш имкониятлар ва фойдани оширса-да, хавфсизлик ва шаффофлик билан боғлиқ мураккаб технологик муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Мавжуд воситаларни такомиллаштириш ва янги инновациялар электрон овоз беришни янада ишончли қилишга қаратилган. Бирор бир тизим мукамал эмас, бироқ техник ривожланиш, институционал назорат ва сайловчиларни хабардор қилиш электрон овоз беришнинг жавобгарлик билан жорий этилишини таъминлаши мумкин.

Электрон овоз бериш тизимлари сайловларни ўтказишнинг замонавий усулини таклиф қилади, бунда оширилган қулайлик, тезлаштирилган овозлар саноғи ва юқори аниқлик таъминланади. Бироқ улар хавфсизлик,

¹ https://uza.uz/oz/posts/ozbekistonda-ilk-bor-elektron-ovoz-berish-sinovdan-otkazildi_658186

шаффофлик ва техник имкониятлар борасида хавотирларни ҳам келтириб чиқаради. Рақамли платформага ўтишдан аввал онлайн-овоз беришнинг барча ижобий ва салбий томонларини тушуниб олиш муҳим ҳисобланади.

Муқанна ТЎХТАЕВ, бўлим бошлиғи
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)

ФУҚАРОЛАР РОЗИЛИГИДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТИ СИФАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Сўнги йилларда жаҳонда рақамли технологияларнинг тез ривожланиши давлат бошқарувини модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштирди. Айниқса, электрон давлат хизматларини жорий этиш ва уларнинг сифатини ошириш давлатнинг фуқароларга нисбатан хизмат кўрсатиш моделида муҳим ўрин тута бошлади. Электрон давлат хизмати – ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати ҳисобланади¹.

Электрон давлат хизмати анъанавий идораларга бориб мурожаат қилиш, қоғоз ҳужжатлар тайёрлаш ва навбатда туриш каби мураккаб ва вақт талаб этувчи жараёнларнинг олдини олади. Шу боис, электрон хизматлар давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни соддалаштириш, тезлаштириш ва шаффофлаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда электрон давлат хизматларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар кенг қамровли ва тизимли характерга эга. **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** (кейинги ўринларда – **ЯИДХП** деб кетилади) орқали кўрсатиладиган хизматлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда мавжуд 1287 та давлат хизматнинг 780 таси ЯИДХП орқали, 507 таси эса, Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилмоқда. Шунингдек, 21 та проактив ҳамда 70 та композит шаклда кўрсатиладиган хизматлар жорий этилган бўлиб, аҳолини энг кўп қийнаб келаётган коммунал соҳадаги ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказишни проактив тарзда амалга ошириш йўлга қўйилган, натижада, 115 мингдан ортиқ фуқароларнинг давлат идораларига сарсон бўлиб мурожаат қилишларига чек қўйилди ва уларнинг 2,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тежалишига эришилди.

Бундан ташқари, 30 га яқин давлат хизматларининг натижасини реал вақт режимида олиш имконияти яратилиб, йилига 7,7 млн.та хизмат автоматик равишда кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, идоралар ўртасида маълумот алмашишнинг автоматлаштирилиши фуқаролардан талаб

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни 09.12.2015. // <https://www.lex.uz/uz/docs/2833860>

қилинадиган ҳужжатлар сонини сезиларли даражада камайтирди. Бу жараён нафақат давлат хизматларидан тез ва шаффоф фойдаланишга, балки фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини оширишга замин яратади.

Шунингдек, 2020 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ – 6079-сон Фармони қабул қилинган бўлиб, унда 2030 йилга қадар давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларига нисбатан ЯИДХП орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматларининг улушини 90 фоизга етказиш вазифаси қўйилган¹.

Электрон давлат хизматларининг барқарорлиги, тезкорлиги, шаффофлиги, маълумотлар хавфсизлиги, фойдаланувчилар тажрибаси, автоматлаштирилган жараёнлар, проактив ва композит форматдаги хизматларнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончи ва қониқиш даражасини шакллантирувчи омиллардир. Электрон давлат хизматлари нафақат давлат органларининг иш самарадорлигини оширади, балки фуқароларнинг давлатга бўлган муносабати, ишончи ва розилигини ҳам шакллантиради.

Фуқаролар розилиги электрон давлат хизмати сифати билан бевосита боғлиқ. Агар хизматлар секин ишласа, кўп босқичли бўлса, ортиқча ҳужжат талаб этса ёки маълумотлар хавфсизлиги таъминланмаса, фуқаролар розилиги пасаяди. Аксинча, хизматлар тез, барқарор, шаффоф ва хавфсизлик талабларига мос бўлса, фуқароларнинг ишончи мустаҳкамланади.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, электрон хизмат сифати фақат техник параметрлар билан эмас, балки фуқароларнинг хизматдан қандай таассурот олгани билан ҳам ўлчанади. Фойдаланувчи тажрибаси, интерфейс соддалиги, ариза бериш жараёнининг тезлиги, натижани реал вақтда кузатиш имконияти буларнинг барчаси фуқароларнинг давлатга бўлган муносабатига таъсир қилувчи кучли психологик омиллардир.

Шунингдек, проактив хизматларнинг жорий этилиши – фуқаро мурожаат қилмасдан хизматнинг автоматик тақдим этилиши Ўзбекистондаги хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу дунёда фақат ривожланган давлатлар амалга ошираётган модель бўлиб, фуқаролар розилигида катта самара беради.

Шунга кўра, 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унинг нормаларида, Давлат хизматларини рақамлаштиришнинг кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун «Сервис давлат» тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам бериш, композит ва проактив тарзда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини камида 40 тага

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармони.

ошириш, камида 300 та давлат хизматларини хусусий секторга ўтказиш, лицензиялаш ва рухсат бериш ҳужжатларини камида 20 фоизга қисқартириш ҳамда 50 фоизини соддалаштириш белгиланган. Шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишнинг 300 тага яқин тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат хизматларини **«3 қадам», «фойдаланувчи учун мослаштирилган», «барчаси бир мобил иловада»** тамойиллари асосида рақамлаштириш, «Электрон ҳукумат» тизимининг янги босқичи «Рақамли ҳукумат» тизимига ўтилиб, барча ҳужжатлар ва муносабатларнинг рақамли шаклда бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши учун мурожаат қилишида ариза ёзиш, турли шаклларни тўлдириш каби ортиқча формал тартибларни бекор қилиш, давлат идоралари зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизим яратиш вазифаси қўйилган¹.

Бевосита, электрон давлат хизматлари сифати тушунчасининг назарий-методологик асосларини ёритадиган бўлсак, Электрон давлат хизматларининг сифатига оид илмий ёндашувлар бир нечта халқаро моделлар ва тадқиқотлар асосида шаклланиб борган. Жумладан, **SERVQUAL** ², **Digital Governance Maturity Model, EU e-Government Benchmark** ³ каби методикалар фуқароларнинг электрон хизматдан фойдаланиш жараёнидаги таассуротлари ва объектив сифат кўрсаткичларини ўлчашга қаратилган.

Ушбу моделларда сифат тушунчаси бир нечта параметрлар орқали белгиланади. **Биринчидан**, хизматнинг функционал сифат даражаси, яъни унинг техник барқарорлиги, узлуксиз ишлаши, хатоларнинг минимал бўлиши ва сервер юкламасига чидамлилиги каби омиллар алоҳида эътиборга олинади. Электрон хизматлар инфраструктураси қанчалик мукамал бўлса, фуқаролар ундан шунчалик қийинчиликсиз фойдаланади.

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш тезкорлиги муҳим параметрлардан бири сифатида эътироф этилади. Фуқаро аризаси қанчалик кам вақтда қайта ишланса, қониқиш даражаси шунчалик юқори бўлади. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, хизмат кўрсатиш муддатининг 50-70 фоизга қисқариши фуқароларнинг электрон хизматларга ўтиш суръатини бир неча баробар оширади.

Учинчидан, шаффофлик ва ҳисобдорлик электрон давлат хизматлари сифатида муҳим мезон саналади. Фуқаро ўз аризасининг қайси босқичда экани, қайси масъул томонидан кўриб чиқиляётгани, қачон натижа чиқиши мумкинлигини реал вақтда кўра олса, сифат ва ишонч даражаси ошиб боради.

Тўртинчидан, маълумотлар хавфсизлиги ва махфийлик электрон хизматларнинг энг муҳим мезонларидан. Киберхавфсизлик талаблари бажарилмаган электрон хизматлар фуқароларнинг ишончини пасайтиради ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли Фармони.

² https://www.researchgate.net/publication/225083670_SERVQUAL

³ <https://digital-strategy.ec.europa.eu/en/library/egovernment-benchmark-2023>

уларни анъанавий усулларга қайтишга мажбур қилади. Шу боис, электрон идоралар юқори даражада шифрлаш, аутентификация ва маълумотларни химоя қилиш технологияларидан фойдаланиши шарт.

Бешинчидан, фойдаланувчи тажрибаси – электрон хизмат сифатига бевосита таъсир кўрсатувчи субъектив омиллардан. Интерфейснинг соддалиги, қадамлар сонининг камлиги, визуал элементларнинг аниқлиги, техник кўмакнинг мавжудлиги фуқаролар розилигини шакллантиради.

Кейинги масала, Ўзбекистонда электрон давлат хизматлари ривожланишининг институционал замини:

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилдан бошлаб электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилди. ЯИДХПнинг функционал имкониятлари кенгайтирилди, у орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 37 тадан 780 тага етди. Бу рақамлар мамлакатда рақамли давлат инфратузилмаси жадал ривожланаётганини тасдиқлайди.

Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 507 тага етди ва уларнинг аксарияти электронлаштирилди. Хизмат кўрсатишда «янги бюрократия»ни йўқ қилиш мақсадида идоралар ўртасида маълумот алмашишни автоматлаштириш сиёсати йўлга қўйилди. Натижада, фуқаролардан талаб қилинадиган ҳужжатлар сони 2193 тадан 1457 тага камайтирилди, бу эса ортиқча қоғозбозликни кескин қисқартирди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилган рақамлаштириш натижасида 60 миллиондан ортиқ ФХДЁ ҳужжатлари электрон форматга ўтказилди. Бу маълумотлар 22 та давлат идоралари ўртасида интеграция орқали алмашилади. Яъни фуқаро ҳеч қандай ҳужжат олиб келмайди, давлат тизимлари маълумотларни автоматик равишда тақдим этади.

Шунингдек, фуқаролар розилиги хизмат сифатининг объектив ва субъектив элементларининг уйғунлиги орқали шаклланади. Объектив элементлар хизматнинг техник жиҳатдан қай даражада барқарор ишлаши, кутилган вақтнинг қисқалиги, аризани кўриб чиқиш муддати, талаб қилинадиган ҳужжатлар сони.

Субъектив элементлар эса, фойдаланувчи тажрибаси, интерфейснинг қулайлиги, хизмат кўрсатиш маданияти, фуқароларнинг хизматга бўлган эмоционал муносабати. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики: хизмат кўрсатиш қадамларининг 40 фоизга қисқартирилиши фуқаро розилигини 2 баробар оширади, ариза ҳолатини реал вақтда кузатиш имкони ишонч даражасини 30-35 фоизгача ошади, автоматик маълумот тўлдириш хизмат сифатининг субъектив қабул қилинишига таъсир қилади.

Ўзбекистон тажрибасида «3 қадамли» хизматлар сонининг ортгани, ариза бериш жараёнининг соддалашгани ва талаб қилинадиган ҳужжатларнинг камайгани хизмат сифатининг ўсишига олиб келди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда электрон давлат хизматларини ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ислохотлар амалга оширилиб, норматив-ҳуқуқий база шакллантирилиб, моддий-техник имкониятлар

ривожлантирилган бўлса-да, соҳани янада такомиллаштиришга тўсиқ бўлувчи айрим муаммолар сақланиб қолмоқда:

Биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлиги пастлигининг электрон давлат хизматлари сифатини қабул қилишга таъсир қилмоқда. Хусусан, электрон давлат хизматларини жорий этиш жараёнида кўп ҳолларда техник ечимларга устувор аҳамият берилади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, аҳолининг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлик даражаси етарли бўлмаган шароитда ҳатто замонавий электрон хизматлар ҳам кутилган самарани бермайди. Фуқаролар электрон давлат хизматларининг мазмуни, улардан фойдаланиш тартиби ва ҳуқуқий оқибатларини тўлиқ англаб етмаган ҳолларда хизматлардан фойдаланишда анъанавий усулларни афзал кўради.

Шунингдек, аҳолининг айрим қатламлари электрон давлат хизматлари орқали мурожаат қилиш қандай ҳуқуқий кучга эга эканини билмаслиги, электрон ҳужжатлар ва рақамли имзонинг аҳамиятини тўлиқ тушунмаслиги натижасида электрон хизматларга нисбатан ишонч даражаси пасайиши мумкин. Бу ҳолат айниқса кекса ёшдагилар, қишлоқ аҳолиси ва рақамли технологиялар билан кам ишлаган фуқаролар орасида кўпроқ кузатилади.

Иккинчидан, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш тартибини тушунтирувчи ахборот-тарғибот материалларининг етарли эмаслиги. Жумладан, электрон давлат хизматларининг сифатини пасайтирадиган муҳим омиллардан бири фуқаролар учун мўлжалланган ахборот-тарғибот материалларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганидир. Кўп ҳолларда хизмат техник жиҳатдан мавжуд бўлса-да, уни қандай ишлатиш, қайси босқичлардан ўтиш кераклиги, ариза тўлдиришда нималарга эътибор бериш лозимлиги фуқароларга аниқ ва тушунарли қилиб етказилмайди;

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, электрон хизматлар бўйича видеоқўлланмалар, визуал йўриқномалар ва қадамма-қадам тушунтириш материаллари кам ёки мураккаб тилда тайёрланади. Бу эса хизматлардан мустақил фойдаланиш имкониятини чеклайди. Натижада фуқаролар давлат хизматлари марказларига мурожаат қилишга мажбур бўлади;

Жанубий Корея тажрибасида электрон хизматлар жорий этилиши билан бирга кенг қўлламли ахборот компаниялари олиб борилади. **«Government 24» портали**да ҳар бир хизмат учун қисқа видео, инфографика ва «тез-тез бериладиган саволлар» бўлими мавжуд. Бу усул электрон хизматларни аҳолининг турли қатламлари учун тушунарли қилади ва хизмат сифатига ижобий таъсир кўрсатади¹.

Учинчидан, қишлоқ ҳудудларида Интернет инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги. Электрон давлат хизматларининг тўлиқ ва самарали ишлаши барқарор ва юқори тезликдаги Интернет тармоғига боғлиқ. Бироқ қишлоқ ва чекка ҳудудларда Интернет сифатининг пастлиги электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

¹ Government of the Republic of Korea. Government24 – Integrated Public Service Portal, 2023. // https://www.gov.kr/mw/AA020InfoCappView.do?CappBizCD=13100000015&HighCtgCD=A01010001&tp_seq=01&Mcode=10200

Бу ҳолат электрон давлат хизматларининг ҳудудий тенглик принципига зид келади. Маълумот тариқсида, мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи қишлоқ ҳудудларида яшайди;

Қишлоқ аҳолиси учун электрон порталларга кириш, ариза юбориш ёки ҳужжатларни юклаш жараёнлари кўп вақт талаб қилиши ёки техник носозликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Натижада фуқаролар электрон хизматларга нисбатан салбий муносабат шаклланади ва анъанавий, вақт талаб этувчи усулларга қайтишга мажбур бўлади;

Ривожланган давлатларда электрон давлат хизматлари инфратузилма сиёсати билан узвий боғланган. Масалан, Эстонияда Интернетга кириш асосий ижтимоий хизмат сифатида қаралади ва давлат чекка ҳудудларда ҳам барқарор Интернетни таъминлашни ўз зиммасига олган. Бу электрон хизматлардан барча фуқаролар тенг фойдаланишини таъминлайди¹.

Тўртинчидан, ариза тўлдириш жараёнининг мураккаблиги. Электрон давлат хизматлари сифатига салбий таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим омил – ариза тўлдириш жараёнининг мураккаблигидир. Айрим хизматларда ортиқча маълумот киритиш талаб қилиниши, тушунарсиз атамалар қўлланилиши ва узун форматлар фуқаролар учун қийинчилик туғдиради.

Фойдаланувчи тажрибаси етарли даражада ҳисобга олинмаган ҳолларда электрон хизматлар фуқаролар эҳтиёжларига мос келмайди. Ариза тўлдиришда хатоларга йўл қўйилиши, қандай маълумот қайси форматда киритилиши аниқ кўрсатилмагани фуқароларнинг хизматдан воз кечишига сабаб бўлиши мумкин.

Сингапурда электрон хизматлар **«оддий фуқаро»** нуқтаи назаридан ишлаб чиқилади. «Singpass» тизимида маълумотларни автоматик тўлдириш, минимал қадамлар сони ва содда интерфейс асосий тамойил сифатида қабул қилинган². Бу ёндашув фуқаролар қониқшини юқори даражада таъминлаган.

Бешинчидан, хорижий мамлакатларда мавжуд, аммо миллий амалиётда тўлиқ жорий этилмаган ижобий янгиликлар. Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, электрон давлат хизматлари сифатини ошириш учун қатор инновацион ёндашувлар мавжуд. Эстонияда **«бир марта маълумот тақдим этиш»** тамойили тўлиқ ишлайди, яъни фуқаро бир маълумотни давлатга фақат бир марта тақдим этади. Жанубий Кореяда аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ўқув дастурлари мавжуд. Сингапурда эса, давлат хизматлари хусусий сектор билан чуқур интеграция қилинган;

Ўзбекистонда ушбу ёндашувларни босқичма-босқич жорий этиш электрон давлат хизматлари сифатини янада оширишга хизмат қилади. Айниқса, автоматик маълумот алмашиш, фуқарога йўналтирилган интерфейслар ва аҳоли учун доимий рақамли таълим дастурларини кенгайтириш долзарб ҳисобланади.

¹ <https://digital-strategy.ec.europa.eu/en/policies/digital-connectivity-estonia?referrer=grok.com>

² <https://oecd-opsi.org/innovations/singpass/>

Мавжуд маълумотлар таҳлили асосида соҳани янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Биринчидан, электрон давлат хизматларининг сифати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги аҳолининг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлиги даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Агар фуқаролар электрон хизматларнинг ҳуқуқий аҳамияти, улар орқали тақдим этилган ҳужжатларнинг қонуний кучи ҳамда фойдаланиш тартибини тўлиқ англаб етмаса, хизматлар қанчалик ривожланган бўлмасин, кутилган натижага эришиш қийинлашади.

Шу боис, электрон давлат хизматлари тизимини такомиллаштиришда инсон омили, яъни фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва хабардорлиги асосий эътиборда бўлиши лозим. Шунга кўра, аҳолининг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлигини ошириш бўйича тизимли дастурлар жорий этиш, айниқса кекса ёшдаги ва қишлоқ аҳолиси учун соддалаштирилган ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш тартибини тушунтирувчи ахборот-тарғибот ишларининг етарли эмаслиги хизматлар сифатининг фуқаролар томонидан тўлиқ қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Электрон хизматлар бўйича содда, тушунарли ва визуал материаллар кам бўлган шароитда фуқаролар хизматлардан мустақил фойдаланишда қийинчиликка дуч келади.

Бу эса, электрон хизматлардан фойдаланиш даражасини пасайтиради ва давлат хизматлари марказларига ортиқча юклама юзага келтиради. Бунга ечим сифатида электрон давлат хизматлари бўйича ягона ахборот-тушунтириш стандартини ишлаб чиқиш ва ЯИДХПда ҳар бир хизмат учун қадамма-қадам йўриқномалар, видеоқўлланмалар ва инфографикаларни мажбурий тартибда жойлаштириш тавсия этилади;

Учинчидан, қишлоқ ва чекка ҳудудларда Интернет инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги электрон давлат хизматларининг барча фуқаролар учун тенг даражада мавжуд бўлишини чеклаётган муҳим омиллардан биридир. Интернет тезлиги паст ёки барқарор бўлмаган ҳудудларда электрон хизматлар фуқаролар учун қулай воситага айлана олмайди. Натижада рақамли тенгсизлик юзага келиб, электрон давлат хизматларининг ижтимоий самараси пасаяди. Буни бартараф этиш мақсадида қишлоқ ҳудудларида Интернет инфратузилмасини яхшилашни устувор йўналиш сифатида белгилаш, электрон хизматлардан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш лозим;

Тўртинчидан, ариза тўлдириш жараёнининг мураккаблиги, узун ва тушунарсиз формалар, ортиқча маълумот талаб қилиниши электрон хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатади. Фойдаланувчига йўналтирилмаган интерфейслар фуқароларнинг хизматдан воз кечишига ёки хатолар билан мурожаат қилишга сабаб бўлади. Бу ҳолат электрон давлат хизматлари тизимида фойдаланувчи тажрибасига етарли эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Шунга кўра, ариза тўлдириш жараёнларини максимал даражада соддалаштириш, ортиқча маълумот талабларини қисқартириш ва

автоматик маълумот тўлдириш механизмларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, электрон давлат хизматлари сифати – замонавий давлат бошқарувининг стратегик йўналиши ҳисобланади ва фуқароларнинг давлатга нисбатан ишонч индекси, давлат бошқаруви самарадорлиги, бюрократия даражаси ва ижтимоий адолатга нисбатан муносабатида ҳал қилувчи ўрин тутди.

Электрон хизматлар сифати бир вақтнинг ўзида ҳам техник, ҳам ижтимоий, ҳам ташкилотчилик, ҳам ҳуқуқий омиллар мажмуи асосида шаклланади. Хизматларнинг қанчалик тез ва барқарор ишлаши, маълумотлар хавфсизлиги даражаси, идентификация механизмлари, маълумот алмашиш тизимининг автоматлашганлиги хизматнинг объектив сифатида намоён бўлса, фойдаланувчи тажрибаси, интерфейс қулайлиги, хизмат кўрсатиш маданияти, аризани кўриб чиқиш жараёнининг шаффофлиги субъектив сифат кўрсаткичларини шакллантиради.

**Бобур-Мирзо ТЎХТАЕВ, с.ф.б. ф.д. (PhD), етакчи мутахассиси
(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси)**

ФУҚАРО ВА ДЕПУТАТ ЎРТАСИДАГИ МАСОФАНИ ҚИСҚАРТИРИШДА «ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ» ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Жаҳон миқёсида рақамлаштириш жараёнлари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг доимий ривожланиб бориши барча соҳаларнинг, хусусан, олий вакиллик органи – парламент фаолиятига ҳам кенг таъсир кўрсатмоқда.

Электрон ҳужжат айланишидан тортиб, оддий ҳаётий эҳтиёжларимизгача замонавий ахборот-коммуникация технологиялар ёрдамида амалга оширилаётганлиги мазкур жараёнларнинг шиддат билан барча соҳага кириб бораётганидан далолат бермоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, замонавий ахборот коммуникация-технологияларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг жорий этилиши Ўзбекистон Республикасининг Олий вакиллик органи, Олий Мажлис фаолиятида ҳам мазкур технологияларни қўллаш заруриятини юзага келтирди. Бу борада, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан Олий Мажлис ваколатларини кенгайтириш ва «электрон парламент» тизимини жорий этиш зарурлиги борасида мурожаатнома ва нутқларида таъкидлаб келади.

Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга илк Мурожаатномасида қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет жаҳон тармоғида махсус «майдон»лар яратиш ва демократиянинг илғор

механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ қилиш каби таклифлар илгари сурилади¹.

Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, халқ билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш «электрон парламент» фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга ошириш парламент фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, турли онлайн платформа ҳамда дастурларни жорий этиш орқали амалга оширилади.

Мутахассис олима Г.Стребкова очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда халқ билан мулоқотни йўлга қўйишда «электрон парламент»нинг ўрни борасида қуйидаги фикрларни билдиради: *«Электрон парламент концепциясини амалиётга жорий этиш фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирокини кенгайтириб, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётидаги фаоллигини оширишга хизмат қилди. Улар давлатнинг қонун чиқарувчи органлари фаолиятига оид ҳужжатлардан эркин фойдаланишлари мумкин. Бу вакиллик ҳокимиятига ишончнинг янги даражасини яратиш имконини беради. Бугунги кунда ишонч биринчи навбатда очиқликка асосланади. Сайловчи ўз вакилининг парламентда нима билан машғул, қандай қонунчилик ташаббусларини таклиф қилаётганини, у ёки бу қонун лойиҳасига қандай овоз беришини, депутатлик фаолияти учун бюджет маблағларини қандай сарфлаётганини билишни истайди»*².

Электрон парламент бўйича тадқиқотчи олим Г. Абраменко таъкидлашича, «электрон парламент» фуқароларни рақамли платформалар муҳокамасида иштирок этишга жалб этиш орқали демократияни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Шунингдек, давлат хизматларини самарали кўрсатишга кўмаклашиш, очиқликни таъминлаш ва ҳукуматнинг бошқарув жараёнларида фуқароларнинг иштирокига кенг имкон беради³.

Парламентлараро Иттифоқнинг 2022 йилги дунё «электрон парламент» ҳисоботида халқ билан мулоқотда «электрон парламент» институтининг аҳамияти ошиб бораётганлиги таъкидланган. Хусусан, дунёдаги 100 дан ортиқ давлат парламентлари ўртасида ўтказилган сўровномада қатнашганларнинг 87 фоизи ялпи мажлис ва қўмита мажлисларининг аудио ва видео материаллари веб-саҳифада юклаб борилишини, 78 фоизи эса жонли веб-трансляциядан фойдаланиши қайд этган. Шунингдек, сўровномага кўра, дунёдаги парламентларнинг 50 фоизи ёшларга мурожаат қилиш учун рақамли воситалардан фойдаланишини ва 30 фоизи эса буни режалаштирганлигини билдирган⁴.

Халқ билан мулоқотда Интернет жаҳон тармоғидан фойдаланиш йил сайин ўсиб бормоқда. Жумладан, Парламентлараро Иттифоқнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

² Стребкова Е.Г. Модернизация законодательной власти в условиях информационного общества и государства. – Саратов, 2013. – С.191-194.

³ Абраменко Е.Г. Цифровой парламент: опыт и перспективы. Гомельский государственный университет им. Ф. Скорины. Пленарные доклады

⁴ World e-Parliament Report 2022. – P. 23. // www.ipu.org

2020 йилги дунё «электрон парламент» ҳисоботида дунё давлатлари парламентларининг 81 фоизи мазкур жараёнда ўсишни таъкидлайди. Шунингдек, парламентларнинг 76 фоизи электрон почтадан фойдаланишини, 43 фоизи веб-саҳифага эга эканлигини ва 56 фоизи фуқаролар билан мулоқотда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини билдирган¹.

Бундан ташқари, мазкур ҳисобот парламент қўмиталари томонидан ҳам рақамли мулоқотдан фойдаланиш ўсиб бораётганини кўрсатган. Хусусан, 2020 йилдан 82 фоиз парламентларнинг қўмиталари аъзолари мазкур рақамли технологиядан фойдаланишини таъкидлаган бўлса, мазкур кўрсаткич 2018 йилда 75 фоизни, 2016 йилда эса 67 фоизни ташкил этган.

Замонавий рақамли технологиялар орқали фуқароларнинг сиёсий жараёнларда қатнашиши ҳукуматнинг ҳисобдорлиги, масъулияти ва шаффофлигини оширади. Мазкур сиёсий иштирокнинг ҳар қандай расмий ёки норасмий шакли ҳам қарорлар қабул қилишда маълум маънода таъсир қилади².

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги кунда парламент фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш халқ учун кенг имкониятлар очиш билан биргаликда уларнинг муҳим қарорлар юзасидан иштирокини таъминлаб беради³.

Охирги пайтларда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, ҳисобдорлигини ошириш ҳамда халқ билан мулоқотни йўлга қўйиш бўйича кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»**ги Қонуни бу борадаги ишларнинг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб хизмат қилди⁴.

Мазкур соҳага қаратилган эътибор мамлакатимизда қабул қилинган стратегияларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш каби вазифалар белгилаб қўйилган⁵.

Бундан ташқари, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси»нинг 6-мақсадида давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат

¹ Ўша манбаа. – Р. 37.

² Smith S. Dalakiouridou E. Contextualising Public (e) Participation in the Governance of the European Union. European Journal of ePractice, No 7, 2009.

³ Milakovich E.M. The Internet and Increased Citizen Participation in Government, JeDEM, 2 (1), 2010. – Р. 1-9.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/3107036>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>

органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, ушбу соҳа ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашда **«Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Президент фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди¹.

Фармонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессияларини телеканаллар, шунингдек, Интернет жаҳон тармоғи орқали жонли эфирга узатилишини таъминлаш белгиланди². Мазкур тадбир фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлик даражасини оширишга, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг давлат бошқарувидаги роли ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, вакиллик органларида кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган масалалар юзасидан фуқароларнинг ўз вақтида муносабат билдириши имконини яратди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган³ «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг 79-мақсади *(Янги Ўзбекистонни барпо этишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш)* бевосита келгусида «электрон парламент» тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган вазифалар белгиланди.

Жумладан, мазкур мақсадда Парламент ва унинг органлари иш жараёнларини рақамли трансформация қилиш, шу жумладан улар томонидан қарорлар қабул қилиш ва эълон қилиш жараёнларини 100 фоиз рақамлаштириш, сайловчилар билан электрон мулоқот қилиш, депутат сўровини электрон тарзда юбориш ва назорат қилиш имкониятини таъминлаш каби устувор вазифаларнинг белгиланиши ва ўз вақтида ижроси таъминланиши парламент аъзоларининг иш самарадорлигини янада ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда очиқлик ва шаффофликни таъминлашда ҳамда халқ билан мулоқотни йўлга қўйишда парламент институти муҳим ўрин эгаллаб келган. Хусусан, Буюк Британиянинг Вестминистер демократия фонди (Westminster foundation for democracy)нинг **«Ўзбекистонда онлайн электрон парламент платформасини яратиш бўйича таҳлилий ҳисоботи»**да Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб очиқликни таъминлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширила бошланганлиги эътироф этилади. Ўша йили парламент ўз тарихида илк бор **«фуқаролар куни»**ни ташкиллаштириб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6247-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5459107>

² Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги сессияси оав орқали жонли эфирда намойиш этилди. // <https://anticorruption.uz/uz/item/2021/12/03/oliy-majlis-qonunchilik-palatasining-navbatdagi-sessiyasi-oav-orqali-jonli-efirda-namoyish-etildi>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони. // <https://old.lex.uz/docs/6600413>

тадбир орқали фуқароларни парламентга мурожаат қилишлари имконияти яратилди¹.

2006 йилдан Олий Мажлиснинг расмий веб-саҳифаси ишга туширилиб, очиқликни таъминлаш борасида илк саъй-ҳаракатлар амалга оширила бошланди. Шундан сўнг, веб-саҳифанинг маълумотлар базаси бойитилиб, янгиланиб борилди. Хусусан, янги дизайн, рукнлар, бошқа веб-саҳифалар учун ҳаволалар, депутатлар мақолалари ва бошқа кўплаб имкониятлар яратилди.

«Электрон парламент» тизимининг мамлакатимиз Олий Мажлис фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда халқ билан мулоқотни йўлга қўйишидаги аҳамияти қўйидаги йўналишларда акс этади:

Биринчидан, «электрон парламент» тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган парламент веб-саҳифаларидаги маълумот базаларини бойитиш, доимий янгилаш, янги рукн ва вазифаларини кўпайтириш орқали парламент фаолиятига оид муҳим бўлган маълумотлар жамоатчилик учун очиқлиги таъминланади.

Хусусан, сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-саҳифаси орқали жамоатчилик учун парламент тарихи, Қонунчилик палатаси Кенгаши таркиби аъзолари, Қонунчилик палатаси девони ходимларининг рўйхати, фракциялар ва депутатлар гуруҳи, қўмиталар, комиссиялар ва депутатлар тўғрисидаги маълумотлар очиқлиги таъминланган.

Шунингдек, қонунчилик фаолиятига оид қабул қилинган қонунлар (1990-2018 йиллар), муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари, янги қонунларга шарҳлар ва депутатларнинг қонун лойиҳаларини қабул қилишдаги иштироки бўйича маълумотлар доимий тарзда янгиланиб, веб-саҳифасига жойланиб борилмоқда. Бундан ташқари, парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятига оид парламент сўрови, парламент эшитуви, ҳудудларда ва давлат органларида қонунларнинг ижросини ўрганиш ҳамда қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ахборотларни эшитиш бўйича қўмиталар фаолиятига доир маълумотлар очиқлиги таъминланган.

Расмий веб-саҳифага юкланган палатанинг чораклик ва йиллик ахборотлари, парламент ахборотномаси, Қонунчилик палатаси иш режаси, тадбирлар (*палата мажлислари, фракция йиғилишлари, қўмита ва комиссия йиғилишлари*) ва сайловчилар билан учрашувлар жадвали парламент фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, «электрон парламент» тизимининг онлайн платформа ва порталлари орқали халқ билан мулоқот йўлга қўйилиб, қонун ва қарорлар ишлаб чиқишда жамоатчилик фикри, таклифлари ҳамда муносабатини инобатга олиш таъминланмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур вазифаларга хизмат қиладиган платформалар кўплаб давлатларда мавжуд.

¹ Assessment for creation of e-parliament online platform in Uzbekistan. // <https://www.wfd.org/what-we-do/resources/assessment-report-e-parliament-wfd-uzbekistan>

Хусусан, Австралия ва Буюк Британияда **«E-Consultation on bills»** (қабул қилинаётган қарорлар бўйича маслаҳатлашув); АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австралия ва бошқа кўплаб Европа давлатларида **«E-Petitions»**; Буюк Британия, Скандинавия мамлакатлари, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва қатор Европа мамлакатларида **«E-Consultation on issues»** (бирор муаммоли масала юзасидан маслаҳатлашув); Австралия, Белгия, Бразилия, Эстония, Франция, Германия, Ҳиндистон, Италия, Нидерландия, Норвегия, Перу, Швейцария, Буюк Британия, Венесуэла, Покистон ва Филиппинда **«Online polls»** (онлайн овоз сўров) каби турларга бўлиниб давлатларда турлича номланади.

Мамлакатимизда ишга туширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) юқоридаги мақсадларга хизмат қилади. Платформа орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки таъминланиб, жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар борасида ўз таклифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдириш имконияти яратилган.

2025 йил 15 декабрь ҳолати бўйича мазкур порталга 33 893 та ҳужжат муҳокамага қўйилган бўлиб, 33 601 таси бўйича муҳокама яқунланган ҳамда 292 та ҳужжат муҳокамаси давом этмоқда.

Қонун лойиҳаларининг муҳокамаси платформаларидан фойдаланиш даражаси дунё давлатларида ҳам ўсиб бормоқда. Мисол учун, Парламентлараро Иттифоқнинг 2020 йилги дунё «электрон парламент» ҳисоботидаги тадқиқот сўров натижаларига кўра, 2016-2020 йилларда қонун лойиҳалари онлайн сўровномаси 10 фоизга ўсган бўлиб, дунёдаги 20 фоиз парламент мазкур платформадан фойдаланишини маълум қилган. Қабул қилинаётган қарорлар бўйича маслаҳатлашув платформаларидан эса, 30 фоиздан ортиқ, бирор муаммоли масала юзасидан маслаҳатлашув платформасидан эса, 28 фоиздан ортиқ парламентлар фойдаланишини билдирган¹.

Учинчидан, «электрон парламент» тизимида аҳоли билан мулоқот, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида муҳим ўрин эгаллаб бораётган воситалардан бири бу – ижтимоий тармоқлардир.

Хусусан, Парламентлараро Иттифоқнинг тадқиқот натижаларига кўра, 2016 йилда ижтимоий тармоқлар халқ билан мулоқот қилишда радио ва телевидениени ортда қолдирди. 2018 йилда дунёдаги парламентларнинг 70 фоизи халқ билан мулоқотда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини маълум қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2020 йилда 76 фоизни ташкил этган. Ижтимоий тармоқлар ичида Twitter фойдаланиш кўрсаткичи 68 фоизни ташкил этган. Тармоқлар орқали видео материаллар улашиш эса 66 фоизга ўсган².

Ижтимоий тармоқлар орқали халқ билан мулоқот қилиш амалиёти бугунги кунда кўплаб илғор хорижий мамлакатларда татбиқ этилади.

¹ World e-Parliament Report 2020. – P. 67. // <https://www.ipu.org/resources/publications/reports/2021-07/world-e-parliament-report-2020>

² Ўша манбаа. – P. 66.

Мисол учун, Финляндия парламентининг спикери бўлган Paula Risikko Facebook ижтимоий тармоғи орқали **«Спикердан сўранг»** жамоатчилик билан онлайн мулоқотини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур 30 дақиқали жонли мулоқотда спикер тармоқ фойдаланувчиларига парламент фаолияти билан боғлиқ саволларга жавоб берган.

Халқ билан мулоқот қилишда биринчи ўринда ижтимоий тармоқлар, айниқса улар ичида Twitterнинг улуши юқори, иккинчи ўринда видео улашувлар, учинчи ўринда парламент ТВ каналлари, тўртинчи ўринда бошқа каналлар, кейинги ўринда парламентнинг веб-саҳифаси ТВ канали қайд этилган. Ижтимоий тармоқлар мамлакатимиз парламенти фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, «электрон парламент» тизимини шакллантиришнинг зарурий таркибий қисмига айланди. Хусусан, мамлакатимиздаги бугунги кунда ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Натижада, мазкур тармоқлар фуқароларни парламент фаолиятига жалб этиш ҳамда «электрон парламент» тизимини шакллантиришда муҳим ўрин эгалламоқда.

Лекин шунга қарамай, Олий Мажлис палаталарининг Интернет саҳифалари ва ижтимоий тармоқлардаги фаолиятини етарлича самарали деб бўлмайди. Буни қуйидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.

1-жадвал. Олий Мажлис ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида фойдаланувчилар салмоғи (2025).

№	Ижтимоий тармоқ тури	Тармоқдан рўйхатдан ўтганлар сони	Ижтимоий тармоққа юкланган материаллар сони
Қонунчилик палатаси			
1.	Facebook	8.5 минг	қунига ўртача 4-5 та пост.
2.	YouTube	37.3 минг	610 та видео.
3.	Telegram	15.6 минг	25 112 та расм, 1 843 видео, 2 та файл, 17 054 та веб-саҳифалар учун ҳавола.
4.	Instagram	100 минг	1 092 та материал
5.	Twitter	128 та	877 та янгилик
Сенат			
1.	Facebook	8 минг	қунига ўртача 4-5 та пост.
2.	YouTube	7.7 минг	541 та видео.
3.	Telegram	10 682 минг	34 649 та расм, 3 270 та видео, 7 та файл, 106 та аудио материал, 11 528 та веб-саҳифалар учун ҳавола, 3 та овозли хабар.
4.	Instagram	30.6 минг	3 674 та материал.
5.	Twitter	739 та	677 та янгилик (2021 йилдан буён янгилангани йўқ.)

Тўртинчидан, очиклик ва шаффофлик ҳамда халқ билан мулоқотни таъминлашда «электрон парламент» тизимининг муҳим таркибий қисмлари

сифатида парламент ахборот маркази ва кутубхонаси ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Парламентлараро Иттифоқнинг сўнги тадқиқот натижаларига кўра, дунё парламентларининг 50 фоизи ўз депутатлари ва ходимлари учун Интернет жаҳон тармоғи орқали кириш имкониятига эга бўлган кутубхонадан фойдаланиш имкониятини тақдим этган бўлса, 69 фоизи ички парламент тармоғи орқали кутубхонадан фойдаланишни тақдим этади¹.

Шунингдек, 44 фоиз парламентларнинг веб-саҳифа орқали кириш имкониятини тақдим этувчи кутубхоналари мавжуд бўлиб, 59 фоиз парламент кутубхоналари фойдаланувчилардан тегишли маълумот, материал ва ҳужжат сўровини қабул қилиш имконияти бор (29% *фоизи эса, мазкур имкониятни йўлга қўйишни режалаштирмоқда*). Парламентларнинг ярмидан кўпи (57 фоиз) ўз аъзоларига электрон хабар бериш хизматларидан фойдаланишни таклиф қилмаган, 38 фоизи бундай хизматларни тақдим этган бўлса, 31 фоизи эса, ҳозирда бундай хизматларни кўрсатмайди².

Кейинги йилларда парламент кутубхоналари ва ахборот ресурс манбалари маълумотларни очиқлаш орқали очиқлик ва шаффофликни таъминлашга ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Хусусан, очиқ маълумотлар парламентларнинг 31 фоиз кутубхоналари томонидан тақдим этилган бўлиб, 40 фоизи тахлилий маълумотларни таклиф этади. Булутли хотирадан фойдаланиш 19 фоиз парламент кутубхоналарида мавжуд. 2020 йилда парламентларнинг 67 фоизи ўз ички тадқиқотларини нашр этди.

Мамлакатимизда ҳам парламент кутубхонаси ва ахборот ресурсларини шакллантириш орқали очиқликни таъминлаш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз 2020 йил 20 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида парламент қўйи палатаси биносида депутатларнинг ўз фаолияти, хусусан, қонун ижодкорлиги жараёнида зарур бўладиган маълумотлар ва етарли кўникмаларга эга бўлишлари учун замонавий, қулай, шунингдек, мамлакатимиз ҳамда жаҳоннинг илғор ахборот ресурс марказлари билан электрон интеграциялаша оладиган **«Парламент кутубхонаси»**ни ташкил этиш таклифини қўллаб-қувватлаган эди³.

Шундан келиб чиқиб, қўйи палата томонидан халқ вакиллари учун янги, замонавий ва қулай бўлган «Парламент кутубхонаси» лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, парламент кутубхонаси базасида хорижий мамлакатлар парламентлари билан ўзаро келишув-меморандумларни тузиш ва у асосида ўзаро электрон кутубхона маълумотлар базалари алмашинуви йўлга қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, 2025 йилнинг ўзида, Парламент кутубхонаси фонди 435 та янги сиёсий ва бадиий адабиёт билан тўлдирилиб, унинг фонди

¹ World e-Parliament Report 2020. – P. 35. // <https://www.ipu.org/resources/publications/reports/2021-07/world-e-parliament-report-2020>

² Ўша манбаа. – P. 36.

³ Парламент кутубхонаси янги форматда иш бошлади. // <https://xs.uz/uzkr/post/parlament-kutubkhonasi-yangi-formatda-ish-boshladi-2>

37 035 тага етказилди. Қонун ижодкорлиги борасида хорижий давлатлар қонунчилигидан янгиликлардан самарали фойдаланишлари учун **«Harvard law review», «Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения», «Закон», «Административное право и процесс», «Государство и право»** каби нуфузли журналларга обуна ташкил қилинди¹.

Мазкур соҳада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидан бири сифатида 2021-йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Қонунчилик палатаси қошида Парламент ахборот марказини ташкил этилганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Парламент ахборот марказининг мақсад ва вазифалари кенг жамоатчилик томонидан келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида шакллантирилди. Марказ Парламентда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли кенг қатламига етказиш, депутатларнинг жамоатчилик билан ўзаро алоқаларини замонавий медиа технологияларини қўллаган ҳолда янги босқичга олиб чиқиш ва ижтимоий тармоқларда фаоллигини таъминлаш каби мақсад-вазифаларни амалга оширади².

Юқоридагиларга қарамасдан, Олий Мажлис палаталари фаолиятида «электрон парламент» тизимини ривожлантириш ҳамда самарали фаолиятини йўлга қўйиш билан айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, «электрон парламент» тизимини жорий этиш бўйича Олий Мажлис палаталарида ахборот технологияларини янада ривожлантириш ва «электрон парламент» тизимини жорий этиш бўйича комплекс чоратadbирлар дастури қабул қилинган бўлиб, унга кўра 2019 йилнинг биринчи чорагигача «электрон парламент» тизимини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланган бўлса-да, орадан олти йил ўтган бўлишига қарамай, ушбу ҳужжат қабул қилинмади. Шунингдек, «Электрон парламент» тизимининг асосий бўлаги сифатида қаралаётган депутатлар портали «deputat.gov.uz» ва қонун лойиҳалари муҳокамаси портали «qonun.gov.uz» ҳозирги кунда тест режимида ишламоқда ҳамда ўз фаолиятини тўлиқ йўлга қўймаган.

Бундан ташқари, Парламент жамоатчилик кенгаши қошида ташкил этилган «Менинг парламентим» (parl.uz) порталини ташкил этишдан мақсад, парламент фаолияти ва қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик билан мулоқот майдонини яратиш эди. Аммо мазкур сайт фаолияти таҳлил қилинганда, унда асосан янгиликлар жойлаштирилганлиги ҳамда бирор бир қонун лойиҳаси муҳокамаси ташкил этилмаганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда «электрон парламент»ни шакллантириш жараёнида ҳуқуқий, ташкилий, техник

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2025 йил тўққиз ойидаги фаолияти юзасидан ахборотдан. <https://parliament.gov.uz/>

² Парламент ахборот маркази ташкил етилди. // <https://xs.uz/uz/post/parlament-akhborot-markazi-tashkil-yetildi>

ва бошқа муаммолар бўлишига қарамасдан, қисқа давр ичида мамлакатимизда соҳа ривожига сезиларли натижага эришилди. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, кўплаб сайт, портал, платформа ва онлайн кабинетлар ҳали тест режимида ишлаётганлиги, қисқа фурсатда соҳадаги муаммоларни ҳал этилишидан дарак беради.

Шунингдек, «электрон парламент» тизимининг онлайн платформа ва порталлари орқали халқ билан мулоқот йўлга қўйилиб, қонун ва қарорлар ишлаб чиқишда жамоатчилик фикри, таклифлари ҳамда муносабатини инobatга олиш таъминланмоқда. Олий Мажлис фаолиятида ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши депутатларнинг халқ билан мулоқоти йўлга қўйилиши билан бирга аҳоли фикрини ўрганишда муҳим каналлардан бирига айланмоқда.

Бундан ташқари, очиқлик ва шаффофлик ҳамда халқ билан мулоқотни таъминлашда «электрон парламент» тизимининг муҳим таркибий қисмлари парламент ахборот маркази ва кутубхонаси ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Жумладан, улар орқали турли ҳисоботлар ва статистик маълумотларнинг жамоатчилик учун очиқлиги таъминланмоқда.

Зафар ТУРСУНОВ, етакчи мутахассис
(Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги)

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПЛАТФОРМАЛАРИДА ФУҚАРОЛАР ФИКРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ЎРГАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўзбекистонда ҳам дунёнинг бошқа мамлакатлари каби электрон ҳукуматни шакллантириш ва жорий этишга катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»** 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган «2012–2014-йилларда замонaviй ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш дастури»ни амалга ошириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири саналади.

Ушбу қарорда 2012-2014 йиллар мобайнида Ўзбекистонда АКТ соҳасини, шу жумладан «электрон ҳукумат»ни ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2013-йил 27-июндаги ПҚ-1989-сон қарори республикаимизда электрон ҳукуматни жорий этиш ва янада ривожлантириш йўлида муҳим туртки бўлди.

Мазкур қарор билан мамлакатимизда «электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳалар ва чора-тадбирлар белгиланди, уларни амалга ошириш механизмлари ва муддатлари

аниқланди. Шу билан бирга, Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантиришнинг Комплекс дастурини амалга оширишни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ташкил қилинди. Бундан ташқари, давлат органларининг олдига уларнинг функция ва вазифаларини оператив ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ахборот тизимларини яратиш ва ўзаро интеграция қилиш, давлат органлари фаолиятини автоматлаштириш каби бир қатор муҳим масалалар қўйилди.

Шунингдек, юқоридаги ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қошида 2 та янги марказ: **«Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази** ва **Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказлари** ташкил этилди. Ушбу марказлар олдида мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлашдек муҳим мақсад ва вазифалар қўйилди.

Электрон ҳукумат – бу рақамли технологиялар, Интернет ва замонавий оммавий ахборот воситалари асосида давлат хизматларини тақдим қилиш жараёнини, фуқароларни ва бошқарувнинг ички ва ташқи ўзаро муносабатларда ўзгартиришлар воситасида иштирокини доимий оптималлаштиришдир¹.

Электрон ҳукумат аҳолига, тадбиркорларга ва давлат органларига кўрсатилаётган давлат хизматларини тақдим қилишни осонлаштиради, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришлари учун қўшимча имкониятлар яратади, уларнинг технологик янгиликлардан хабардорлигини оширади ва давлат бошқарувидаги иштирокини осонлаштиради. «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази фаолияти мамлакатимизда давлатнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Давлат органларида фойдаланиладиган маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва бирлаштириш механизмининг назарда тутадиган ушбу тизимни шакллантиришга ягона технологик ёндашувни таъминлайдиган мазкур марказ бу борадаги жаҳон тенденциялари ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил ва тадқиқ этади, электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш жараёнида тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига вақт ва маблағни тежаган ҳолда сифатли давлат хизматлари кўрсатиш, янги-янги хизматларни электрон кўринишга ўтказиш каби вазифаларни ҳал этади.

Электрон ҳукумат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими ҳисобланади.

¹ Абдираимов А. Электрон ҳукумат ва хизматлар соҳасини рақамлаштириш хусусиятлари. // <https://cyberleninka.ru/article/n/elektron-hukumat-va-xizmatlarsohasini-raqamlashtirish-xususiyatlari>

Электрон ҳужжат – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот¹.

Электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо².

Электрон ҳужжат айланиши – электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (*шу жумладан, шартномалар тузиш*), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин³.

Давлат хизмати – ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонунчиликка мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин⁴.

2013 йилнинг 1 июлида республикамізда «электрон ҳукумат» тизимининг энг муҳим воситаларидан бири бўлган ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилди (www.mv.gov.uz). Ягона порталнинг шиори **«Хизматлар янги қиёфада»** деб номланиб, унинг маъноси реал вақт режимида фойдаланувчилар учун интерактив давлат хизматларини ягона нуқта орқали тақдим этишни англатади. Бугунги кунда ягона портал орқали фойдаланувчиларга 334 дан ортиқ хизматлар тақдим этилмоқда. Ягона портал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги ПФ-1920-сон Фармони билан тасдиқланган **«Обод турмуш йили»** давлат дастурига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Интерактив давлат хизматлар кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портал фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига асосан яратилган. Ягона порталда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун йил бошидан 30 та янги хизмат ва сервислар ишга туширилди.

Ҳозирда фойдаланувчилар, асосан тадбиркорлик субъектлари Ягона портал орқали қуйидаги хизматлардан фойдаланишлари мумкин:

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004., 1-2-сон, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015., 33-сон, 439-модда;

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015., 49-сон, 611-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон

³ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004., 20-сон, 230-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015., 49-сон, 611-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021., 03/21/683/0375-сон

- текширишлар режа-жадвалидан электрон кўчирма олиш;
- ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимида ташқи савдо шартномалари бўйича маълумотларни рўйхатдан ўтказиш;
- тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг газ таъминлаш тармоқларига уланишлари учун техник шартларни тақдим этиш учун аризаларни электрон равишда тақдим этиш;
- «СМС-тўлов» тўлов тизими орқали баъзи турдаги хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
- тадбиркорлик субъектлари учун тўлов терминаллари билан таъминлаш, маҳаллий автотранспорт воситаларини харид этиш учун аризаларни электрон равишда тақдим этиш;
- фаолиятнинг баъзи турлари учун лицензиялар ва рухсатномаларни олиш учун аризаларни тақдим этиш ва ҳ.к..

Замонавий рақамли жамиятда давлат хизматлари платформалари фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

2013-йилда ишга туширилган ЯИДХП бугунги кунда 800 дан ортиқ электрон хизматни тақдим этмоқда, фойдаланувчилар сони эса 12 миллиондан ошган. Ушбу платформа орқали фуқаролар онлайн тарзда ҳужжат топшириш, тўловларни амалга ошириш ва маълумот олиш имкониятига эга. Бироқ хизматлар самарадорлигини ошириш учун фуқаролар фикр-мулоҳазаларини мунтазам йиғиш ва таҳлил қилиш зарур.

Фуқаролар фикрини ўрганиш технологиялари, хусусан, сунъий интеллект (СИ) ва машина ўрганиши (МЎ) асосидаги воситалар, давлат бошқарувини такомиллаштиришда янги имкониятлар яратади. Масалан, сентимент таҳлили орқали фуқароларнинг ижобий ёки салбий фикрларини автоматик аниқлаш мумкин, бу эса бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва хизматларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилги фармонларида давлат хизматларини рақамлаштириш ва фуқаролар иштирокини кучайтиришга эътибор қаратилган бўлиб, ушбу мақола шу контекстда фуқаролар фикрини таҳлил қилиш технологияларининг ҳуқуқий ва техник асосларини ўрганади.

«Электрон ҳукумат»нинг якуний мақсади интерактив хизматларни тақдим этиш имкониятларини янада яхшилашга қодир бўлган мукаммал электрон давлат бошқарув аппаратини яратишдан иборат. Ўзбекистонда my.gov.uz портали орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларини йиғишнинг асосий механизмлари мавжуд. Ушбу порталда фойдаланувчилар хизматдан фойдалангандан сўнг рейтинг бериш, шарҳ қолдириш ва шикоят билдириш имкониятига эга. Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда портал орқали 33 миллиондан ортиқ фойдаланиш қайд этилган, улардан қайта алоқа олиш даражаси юқори бўлган.

Фуқаролар фикрини йиғишнинг техник воситалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- онлайн сўровномалар ва рейтинг тизимлари: порталда хизмат сифатини баҳолаш учун 5 балли тизим қўлланилади. Бу маълумотлар базасида сақланиб, кейинчалик таҳлил қилинади.

- чатботлар ва интерактив формалар: сунъий интеллект асосидаги чатботлар (масалан, Телеграм ёки веб-ботлар) орқали реал вақтда фикр йиғиш мумкин, бу эса бюрократик жараёнларни қисқартиради.

- ижтимоий тармоқлар интеграцияси: **X (собиқ Twitter)** ва бошқа платформалар орқали фуқаролар фикрини мониторинг қилиш, масалан, **хештеглар (#давлатхизматлари)** ёрдамида.

Ушбу механизмлар давлат органларига фуқароларнинг эҳтиёжларини тезда аниқлаш имконини беради, бу эса коррупцияга қарши курашда ва хизмат сифатини оширишда муҳимдир. Масалан, 2024 йилда портал орқали тежамкорлик 149,5 млрд. сўмни ташкил этган, бу фуқаролар фикри асосида оптималлаштириш натижасидир. Фуқаролар фикрини таҳлил қилишда замонавий технологиялар, хусусан, СИ ва МЎ асосидаги воситалар қўлланилади.

Сентимент таҳлили – матнли маълумотларни ижобий, салбий ёки нейтрал деб таснифлаш усули бўлиб, Ўзбекистон контекстида ўзбек тилидаги шарҳларни қайта ишлаш учун мослаштирилган моделлардан фойдаланилади. Ўзбек тилидаги сентимент таҳлилининг қийинчиликлари: агглютинатив тил тузилиши, кирилл ва лотин алифбосининг аралаш ишлатилиши, сленг ва маҳаллий иборалар кўплиги.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Миллий университети ва IT-Parkда ўзбек тилига мослаштирилган моделлар (масалан, *UzbekBERT*) ишлаб чиқилган ва уларнинг 89-92 фоизи аниқлик кўрсатмоқда. Машина ўрганиш моделларидан Python кутубхоналари (*scikit-learn*, *TensorFlow*) орқали фуқаролар шарҳларини таҳлил қилиш мумкин. Масалан, Naive Bayes алгоритми орқали салбий фикрлар («хизмат секин»)ни аниқлаш ва гуруҳлаш ва сунъий интеллект воситаларидан Natural Language Processing (NLP) технологиялари орқали фикрни автоматик таҳлил қилиш имконияти мавжуд. Ўзбекистонда бундай тизимлар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан синовдан ўтказилмоқда.

Big Data ва аналитика. Порталда тўпланган маълумотларни Hadoop ёки Spark орқали қайта ишлаш, тенденцияларни аниқлаш мумкин. Масалан, 2024 йилда салбий фикрларнинг 25 фоизи ҳужжат топшириш жараёнига тўғри келган. Interagency Integration Platform (IIP) 2022 йилда ишга туширилган бўлиб, 400 дан ортиқ веб-хизматни боғлайди ва реал вақт режимида feedback таҳлилини таъминлайди. Digital Data Platform (RMP) 146 веб-хизматни интеграция қилган ва 700 млн.дан ортиқ сўровни қайта ишлаган.

Ўзбекистонда «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегияси доирасида фуқаролар фикрини таҳлил қилиш технологиялари ривожланмоқда. Масалан, Давлат хизматлари агентлиги томонидан чатботлар орқали 2024 йилда миллионлаб фикр йиғилган ва таҳлил қилинган. 2024 йил октябрь ойида қабул

қилинган сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси доирасида СИ технологиялари feedback таҳлилида қўлланилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматлари платформаларида фуқаролар фикрини автоматик таҳлил қилиш нафақат хизмат сифатини ошириш, балки давлат бошқарувининг очиқлиги ва фуқароларга йўналтирилганлигини таъминлашнинг энг самарали йўлидир. Сунъий интеллект ва катта маълумотлар технологияларини тўлиқ жорий этиш Ўзбекистоннинг «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга етишига хизмат қилади. Келажакда ушбу технологиялар давлат сиёсатини шакллантиришда асосий манба бўлиб қолади.

Жавохир ШЕРМЕТОВ, етакчи мутахассис
(Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
ҳузуридаги Божхона қўмитаси)

СИЁСИЙ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ FEEDBACK ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Сиёсий қарорлар қабул қилишнинг замонавий парадигмасида рақамли feedback тизимлари – фуқароларнинг онлайн платформалар (е-ҳукумат порталлари, ижтимоий тармоқлар, сунъий интеллект асосидаги консултация тизимлар) орқали фикрларини йиғиш ва уларни қарорларга интеграциялаш марказий ўрин эгаллайди. MDPI тадқиқотларида таъкидланишича, рақамли технологияларни давлат бошқарувига интеграция қилиш - қарор қабул қилиш, хизмат кўрсатиш, шаффофлик ва фуқаролик иштирокини яхшилади. Илғор рақамли технологиялар реал вақт режимида мониторинг ва жамоатчилик билан ўзаро алоқа қилиш учун мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этади. Бу эса, жараёнларнинг очиқлигини кескин оширади.

Ўзбекистонда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида рақамли технологияларни такомиллаштириш, рақамли feedback тизимларини сиёсий ислохотларнинг асосий элементи сифатида белгилаб, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш асносида, My.gov.uz платформаси орқали 700 дан ортиқ давлат хизматлари рақамлаштирилган, платформа орқали 11 млн.дан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтиши натижасида фуқароларнинг сиёсий иштироки кучайтирилган¹. Аммо бу жараён қуйидаги муаммолар ва уларнинг сабаблари билан бирга келмоқда:

Биринчидан, Ўзбекистонда рақамли тенгсизлик сиёсий feedback ва рақамли хизматларда фуқароларнинг тенг иштирокини чекламоқда. GSMA маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри ва туман марказларини қамраб олган 3G ва 4G тармоқларига қараганда 2G мобил тармоғи ҳудудларни кенгроқ қамраб олган. Қишлоқ жойларда эса Интернет тезлиги камдан-кам ҳолларда

¹ <https://my.gov.uz/uz/statistics>

2 Мбит/с дан ошади, бу эса замонавий иловалар билан ишлаш талабларига жавоб бермайди. Freedom House тадқиқотларига кўра, Тошкент шаҳридан ташқарида Интернетнинг кириб бориш даражаси анча паст. Пойтахтда ФТТВ технологияси бўйича Интернет ва кенг полосали уланишнинг энг юқори даражаси мавжуд бўлиб, бу ҳудудлар кўрсаткичларидан анча юқори¹.

UNDP томонидан ўтказилган Гендер рақамли бўлиниш таҳлили маълумотиغا кўра, имконияти чекланган шахслар (*қариялар, кам таъминланганлар, чекка ҳудудда яшовчилар*) ўртасидаги рақамли саводхонлик бўйича фарқ бошқа аҳолига нисбатан 32 фоизни ташкил этади. Аёлларнинг рақамли кўникмалари эркекларникидан қарийб 24 фоизга ортда қолади. 35 ёшдан ошган аёллар 35 ёшгача бўлган аёлларга нисбатан қарийб 10 фоиз камроқ рақамли малакага эга².

Иккинчидан, Ўзбекистонда рақамли feedback тизимларида маълумотлар хавфсизлигининг етарли даражада таъминланмаганлиги жиддий муаммо ҳисобланади. Киберхавфсизлик маркази бўлим бошлиғи М.Ҳакимовнинг «Kun.uz» га берган интервьюсида келтирилишича, 2022 йилга нисбатан 2023 йилда Интернетнинг «Uz» доменида жойлашган ахборот тизимини бузиб киришга, уларга зарар етказишга бўлган уринишлар сони 148 фоизга ошган. Фақатгина 2023 йилнинг ўзида 11 млн.дан зиёд киберҳужумлар амалга оширилган. Киберҳужумлар орасида веб-саҳифалар ёки ахборот тизимларидаги ресурсларга рухсатсиз контент юклаш, маълумотларга рухсатсиз кириш, Ddos ҳужумлар, спам тарқатиш, сайтларни скриптлаш, фишинг маълумотларини тарқатиш каби тажовузлар аниқланган.

Бундан кўриниб турибдики, рақамлаштириш асносида давлат бошқарув органларининг веб-ресурсларига бўлаётган киберҳужумларининг олдини олиш давлат бошқарувини автоматлаштириш асносида янада долзарб тус оляпти. Аксарият ҳолатларда давлат органлари, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар қўллайдиган веб-ресурсларда киберхавфсизликни таъминлашда муаммолар юзага келяпти³.

Учинчидан, Ўзбекистонда давлат органларининг фуқароларнинг рақамли мурожаатларига тез ва самарали жавоб бериш қобилияти пастлиги асосий институционал тўсиқдир.

Адлия вазирлиги ва унинг тизимидаги идоралар томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотда келтирилишича, биргина 2025 йил I ярим йиллигида 12 745 014 та давлат хизмати кўрсатилган, шулардан 128 241 тасида қонун бузилиши ҳолати аниқланган бўлиб, бу қонун бузилишларнинг асосий қисми муддат бузилиши, асоссиз рад этиш, ортиқча ҳужжат талаб қилиш ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ. Биргина вазирликнинг ўзида I ярим йилликда 63 159 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 36 419 таси қаноатлантирилган, қолганлари 18 600 та тушунтириш

¹ <https://strategy.uz/index.php?news=2170>

² <https://www.undp.org/uzbekistan/publications/gender-digital-divide-assessment-uzbekistan>

³ <https://m.kun.uz/kr/news/2024/03/29/ozbekistondagi-axborot-resurslariga-kiberhujumlar-24-barobarga-os hdi>

берилган, 4 250 та тегишлилигига кўра бошқа ташкилотларга юборилган, 324 таси кўрмасдан қолдирилган, қолганлари тўғрисида маълумот берилмаган¹.

Юқоридаги муаммолар Ўзбекистонда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида рақамли feedback тизимларини қўллашда муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш мақсадида, мамлакатимизда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида **«Инсон – жамият – давлат»** тамойилига асосланиб, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги бевосита ва билвосита иштирокини ошириш, уларнинг сиёсий онги, маданиятини ошириш энг устувор вазифалардан бирига айланди. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотларни тегишли мисолларда кўриб чиқамиз:

Жумладан, L2CU — Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан 2018 йилдан бери ҳар ойда ўтказилиб келинаётган давлат-жамият мулоқотининг рақамли-аналитик маълумот базаси бўлиб, тезкор вакиллик сўровларини ўтказиш орқали ўзбекистонликларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятга бўлган муносабатини аниқлашга ёрдам берадиган восита ҳисобланади.

Масалан, 2025 йилги сўровлар асосида хонадонларнинг 87 фоизи ўз иқтисодий аҳволи яхшиланганини қайд этган, энг кам даромадли хонадонларнинг 46 фоизи иш йўқотишдан хавотирда, энг бойларда эса бу кўрсаткич 21 фоиз, шунингдек, янги Меҳнат кодекси ҳақида фуқароларнинг хабардорлиги 30 фоиз атрофида қолмоқда, респондентларнинг 90 фоиздан ортиғи гендер тенглик тамойилларини қўллаб-қувватлайди². L2CU лойиҳаси мунтазам рақамли сўровлар орқали ҳукуматни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий трендлар ва ислохотларга бўлган муносабати ҳақидаги аниқ статистика билан таъминлайди.

Шунингдек, Regulation.gov.uz – Ўзбекистонда **«deliberative e-democracy»** (муҳокамага асосланган рақамли демократия) нинг элементларини ўз ичига олган электрон муҳокамага асосланган амалий платформа ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий портал норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини оммавий муҳокамага қўйиш орқали фуқаролар, экспертлар ва давлат ўртасида реал вақтдаги feedback цикли (даврийлигини)ни таъминлайди.

2024 йил якунлари ҳолатига кўра, 2018 йил июль ойидан бери 32988 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси муҳокамадан ўтган, фуқаролар ва экспертлардан таклиф ва изоҳлар йиғилган, келиб тушган таклифлар ўрганилиб, лойиҳаларга тегишли ўзгартиришлар киритилган. Бугунги кунда бу портал орқали 517 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси муҳокамадан ўтмоқда, бу кўрсаткичлар платформанинг самарадорлигини кўрсатади³.

Mu.gov.uz ягона интерактив давлат хизматлари портали – Ўзбекистондаги «рақамли давлат-фуқаролик интерфейси» ва «е-

¹ <https://gov.uz/uz/adliya/sections/view/96759>

² <https://strategy.uz/index.php?news=2130&lang=ru>

³ <https://regulation.gov.uz/oz>

governance 2.0» моделининг марказидир. Портал давлат ва фуқаролар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўлиқ рақамлаштириш ва соддалаштириш орқали сиёсий feedbackни оммавийлаштириш орқали *«фаол фуқароликни рақамли платформада шакллантиради»*.

My.gov.uz 11 млн. фойдаланувчига 700 дан ортиқ хизматни етказиб берувчи асосий рақамли интерфейс сифатида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Портал орқали шу кунгача 25 млн.дан ортиқ хизмат кўрсатилган¹.

Бундан ташқари, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги **«Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ПФ-6079-сонли Фармони, 2019 йил 2 июлдаги 547-сон билан қабул қилинган **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»** ЎР қонуни, 2022 йил 15 апрелдаги 764-сон билан қабул қилинган **«Киберхавфсизлик тўғрисида»**ги ЎР қонунлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонни минтақавий IT-марказ сифатида мустаҳкамлаш, IT-хизматлар экспортини кенгайтириш ва халқаро инвестицияларни жалб қилиш, сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва рақамли иқтисодиёт трендларини муҳофаза қилиш мақсадида 2025 йил 23-26 сентябрь кунлари Тошкентдаги «Central Asian Expo» мажмуасида Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ўтказилган «ICT Week Uzbekistan 2025» Ўзбекистоннинг рақамли технологиялар соҳасидаги энг йирик форуми бўлиб, форум мамлакатнинг рақамли келажагини белгиловчи, инновация ва халқаро ҳамкорлик учун асосий майдон бўлиб хизмат қилди².

Шунингдек, Ўзбекистоннинг IT ва **outsourcing** (*аутсорсинг*) потенциалини тарғиб қилиш ҳамда **Deep Tech** (*AI, Big Data*) йўналишларида Хитой билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 2025 йил ноябрь ойида IT Park Uzbekistan томонидан Хитойнинг Пекин ва Шанхай шаҳарларида ўтказилган конференция янги инвестициявий лойиҳалар бўйича келишувга эришиш йўлидаги амалий қадамлардан бири бўлди³.

Юқорида келтирилган рақамли тенгсизлик, институционал самарасизлик ва маълумот хавфсизлиги муаммоларидан келиб чиқиб, агар рақамли feedback тизимларини қўллаш имкониятлари оширилмаса ва муаммолар атрофлича ўрганилмаса, фуқароларнинг давлатга ишончи йўқолади ва муаммонинг моҳиятини англамасдан самарасиз қарорлар қабул қилиниб, бу ҳукумат самарасизлигини ошириб, жамиятда агрессив кайфият шаклланишига ва миллий хавфсизликка янги таҳдидлар кириб келишига сабаб бўлади. Булар қуйидагилар:

Биринчидан, Ўзбекистондаги рақамли тенгсизлик фуқароларнинг сиёсий feedback ва рақамли хизматлардан тенг иштирокини чеклаши

¹ <https://my.gov.uz/uz/statistics>

² <https://kun.uz/kr/news/2025/09/22/ict-week-uzbekistan-2025-yilning-eng-yirik-texno-haftaligi-boshlanish-ar-afasida>

³ <https://www.uzdaily.uz/ru/it-park-uzbekistan-predstavil-tsifrovoy-potentsial-uzbekistana-v-pekinge-i-shankha>

оқибатида бир қатор жиддий хавфлар келиб чиқади. Аввало, бу сиёсий четланишга олиб келади, яъни қарорлар фақат тор гуруҳ манфаатларига асосланиб, ҳукумат қарорларининг легитимлиги пасаяди. Рақамли тенгсизлик ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни чуқурлаштириб, муаммоси ҳал этилмаган фуқароларда агрессив кайфият ва норозилик шаклланишига олиб келади. Рақамли feedback тўлиқ жорий қилинмаганлиги сабабли самарасиз қарорлар қабул қилинади ва давлат ресурслари беҳуда сарфланади.

Иккинчидан, Ўзбекистондаги рақамли feedback тизимларида маълумотлар хавфсизлигининг етарли даражада таъминланмаганлиги оқибатида қуйидаги таҳдидлар юзага келади. Шахсий маълумотларнинг сизиб чиқиш хавфи туфайли фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи йўқолади ва уларнинг feedback беришдан тийилиши кузатилади, бу эса ҳақиқий муаммоларни яширади. Маълумотлар сизиб чиқиши (*Data Breach*) **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»**ги қонун бузилишига олиб келиб, давлат органларига ҳуқуқий жавобгарлик юклайди. Ниҳоят, паст ҳимояли тизимларга ташқи кучлар кириб, маълумотларни сохталаштириши ёки дезинформация тарқатиши мумкин.

Учинчидан, давлат органларининг фуқароларнинг рақамли мурожаатларига тез ва самарали жавоб бера олмаслиги жиддий оқибатларга олиб келади. Норозилик ва жавобсизлик туфайли фуқароларда агрессив кайфият шаклланади ва давлатга бўлган ишонч йўқолади. Жавобларнинг формал ва кечиккан бўлиши рақамли бюрократияни яратади, бу эса муаммоларнинг асл моҳияти очилмасдан, самарасиз қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлади. Ниҳоят, ишончсизлик ва ҳукумат самарасизлиги ижтимоий барқарорликка путур етказиб, ташқи кучларнинг таъсирини оширади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида рақамли feedback тизимларини қўллашда сезиларли ютуқларга эришган хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш орқали фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарурияти юзага келмоқда. Хорижий давлатларнинг бу борадаги ютуқларини синчиклаб ўрганиб, уни мамлакатимиз имкониятларидан келиб чиқиб жорий қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Қуйида биз мисол сифатида, бир нечта давлатларнинг хорижий тажрибалари ва уларнинг ишлаш механизмларини кўриб чиқамиз.

2015 йилда Ҳиндистонда **«Digital India»** дастури ишга туширилди. Дастур доирасида **«Universal Service Obligation Fund»**, кейинчалик **«Digital Bharat Nidhi»** орқали қишлоқ жойларида кенг қамровли ривожланишга эришилди. **«BharatNet»** лойиҳаси орқали, 693 минг км.лик оптик толали кабеллар ётқизилиши, қишлоқларда 100 минг та Wi-Fi нуқтаси ўрнатилиб, 258 минг Мбит/с кенг поласали ўтказувчанлик таъминланиши натижасида 214 мингдан ортиқ қишлоқ кенгашлари Интернетга уланди.

2015 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда **Ҳиндистон**нинг умумий телекоммуникация қамрови (теледенцити) 79,38 фоиздан тахминан 85 фоизгача кўтарилди. Бу кўрсаткич 2017 йилда 92,98 фоиз даражасига етиб, сўнгра барқарорлашди. Бу тенденция бозорнинг тўйиниши ва янги

абонентларнинг, асосан, абонентлар алмашинуви ва консолидация ҳисобига компенсация қилиниши билан боғлиқ телекоммуникация бозорининг етилганини акс эттиради. Гарчи қишлоқ жойларидаги ўсиш сезиларли бўлмаса-да, умумий ҳолда телекоммуникация қамрови барқарор, аммо аста-секин ўсишни намоён этди: 2015 йилдаги 48,37 фоиздан 2025 йилда 59,06 фоизгача кўтарилди¹.

Эстониядаги 2007-йилги Россия томонидан уюштирилган DDoS ҳужумлари «E-Estonia» тизимини, шу жумладан рақамли feedback (*E-Consultation*) платформаларини вақтинчалик фалаж ҳолатга келтирди ва миллионлаб маълумотларни хавф остига қўйди. Бу ҳодиса фуқароларнинг ишончини йўқотди. Ҳукумат муаммоларни олдини олиш мақсадида «X-Road» тизимини децентрализация ва мажбурий криптография орқали мустаҳкамлади, киберхавфсизликка оид қонунлар кучайтирилди². НАТО нинг Кибермудофаа маркази Таллинда жойлаштирилди. Бу чоралар туфайли Эстония киберхавфсизлик индексида (*GCI бўйича*) дунёда юқори ўринларга (*Top-5*) чиқди ва рақамли feedback тизимларининг хавфсизлигини тўлиқ тиклади.

Сингапурда 2000 йилларда фуқароларнинг электрон мурожаатларининг кўпайишига қарамай, уларни саралаш, тегишли органга йўналтириш ва ўз вақтида жавоб бериш жараёни секин ва тарқоқ эди. Бу эса, фуқароларнинг қониқиш даражаси пасайишига ва давлат органларига бўлган ишонч пасайишига олиб келиши мумкин эди. Аниқ стандартлар ва мониторинг тизими бўлмагани сабабли, ходимларнинг мурожаатларга жавоб бериш муддати ва сифати доимий назорат қилинмасди. Ҳукумат томонидан муаммоларнинг олдини олиш мақсадида 2006 йилда «REACH» (*Reaching Everyone for Active Citizenry @ Home*) платформаси яратилиб, фуқароларнинг рақамли мурожаатларига тез ва самарали жавоб бериш муаммосини ҳал қилиш мақсадида қуйидаги механизмлар ишга туширилди:

- ҳар қандай мурожаатга 7 кун ичида мажбурий жавоб бериш қондаси (*амалда ўртача 4 кун*);
- сунъий интеллект ва автоматлаштирилган workflow орқали мурожаат масъул органга дарҳол йўналтирилади;
- «real-time dashbord» орқали жавоб муддати ва сифати доимий назорат қилинади, муддатни бузган ходимга интизомий чора кўрилади³.

Бунинг натижасида мурожаатларга жавоб бериш тезлиги 90 фоизга, фуқароларнинг жавоблардан қониқиш даражаси 95 фоизга кўтарилиб, коррупция эса 50 фоизга камайди.

Хулоса ўрнида, келажақда фуқаролар сиёсий маданиятини ошириш, уларнинг давлат бошқаруви ишларида фаоллигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда feedback механизмларини кучайтириш, онлайн платформаларни ривожлантириш, ОАВ орқали фаолликка ундаш ва ишончни ошириш тадбирлари, сиёсий фаол фуқароларни рағбатлантириш, иштирок

¹ <https://www.orfonline.org/research/a-decade-of-digital-india-mission-achievements-gaps-and-the-way-for>

² [https://e-estonia.com/solutions/security/x-road/\\$](https://e-estonia.com/solutions/security/x-road/$)

³ <https://www.reach.gov.sg/>

даражасини ўлчаш индексларини яратиш талаб этилади, булар пассивликни камайтириб, ҳақиқий демократик иштирокни таъминлайди.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан қуйидаги таклифлар киритиш долзарб ҳисобланади:

Биринчидан, Тараққиёт стратегияси маркази маълумотларида кўрсатилган ҳудудий тенгсизликни камайтириш учун **«Маҳалла-Оптик» (FTTM)** дастурини фақатгина Тошкент ва йирик шаҳарларда эмас, балки барча қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларигача юқори тезликдаги оптик толали тармоқларни етказишни тезлаштириш лозим. Бу маҳалла марказида арзон, сифатли умумий Wi-Fi уланиш нуқталарини яратишга асос бўлади. UNDP Гендер рақамли бўлиниш таҳлили таҳлилида кўрсатилган демографик фарқни йўқ қилиш учун 35 ёшдан ошган аёллар учун Давлат хизмати ва маҳалла марказлари негизида фақатгина ҳаётий аҳамиятга эга рақамли кўникмаларга қаратилган соддалаштирилган амалий ўқув курсларини жорий этиш, барча аҳолининг feedback жараёнларида иштирокини таъминлаш учун маҳалла ёки ДХМ негизида гибрид feedback моделини татбиқ этиш лозим.

Иккинчидан, Киберхавфсизлик маркази ҳисоботларида кўрсатилган кибертаҳдидларни ҳисобга олиб, барча ташкилотларда:

- кўп омилли аутентификацияни мажбурий жорий қилиш, шунингдек, **Заифликларни баҳолаш синови (VAPT)** натижалари бўйича аниқланган хатоларни дарҳол тузатиш;

- DDoS ҳужумларига қарши туриш учун давлат ресурсларини тарқоқ (*децентрализация*) архитектурага ўтказиш ва Киберхавфсизлик марказининг мудофаа воситаларини кучайтириш;

- фишинг ва скриптлашга қарши курашиш учун веб-иловалар хавфсизлиги (WAF) ни таъминлаш ва давлат доменларини реал вақтда сканерлайдиган марказлашган мониторинг тизимини яратиш лозим.

Шунингдек, Эстония каби етакчи давлатлар билан амалий тажриба алмашинувини кучайтириш ва қўшма кибер-машғулотлар ўтказиш, давлат органларининг барча ходимлари учун киберхавфсизлик ва фишингга қарши курашиш бўйича мунтазам (*ҳар чоракда*) мажбурий ўқув курсларини ташкил этиш, аҳоли орасида эса спам ва фишингга қарши содда ва тушунарли оммавий ахборот компанияларини ўтказиш зарур.

Учинчидан, мурожаатларга жавоб беришдаги қонуний муддат бузилишининг олдини олиш ва мурожаатлар йиллик ўсишини самарали бошқариш учун:

а) мурожаатларни бошқарувчи **Ягона миллий тизимни** жорий қилиш ва **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонунда белгиланган 15-30 кунлик муддатдан ҳам қисқа бўлган¹, қатъий ички SLA/KPI (масалан, биринчи жавобни 7 иш кунида бериш) стандартларини мажбурий қилиш;

¹ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун 28-модда.

б) тизимга келувчи юкламанинг олдини олиш мақсадида, мурожаатларни дастлабки саралаш ва тегишли органга йўналтириш учун сунъий интеллект асосидаги автоматлаштириш воситаларини «Ягона миллий тизим»га интеграция қилиш.

Шунингдек, давлат органлари учун **«Жавоб сифати стандарти»**ни (*Response Quality Standard*) жорий этиш, бунда муаммонинг аниқ ечими ёки кейинги қадамлари акс эттирилишини талаб қилиш керак, ходимларнинг KPI кўрсаткичларини жавобнинг сифатига (*нафақат ўз вақтида берилишига*) бевосита боғлаш ва буни рағбатлантириш ёки жазолаш тизимига асос қилиб олиш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Яшнарбек МУСУРМОНОВ, мустақил тадқиқотчи
(Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академияси)

СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ХИЗМАТЛАР ВА ПЛАТФОРМАЛАРНИНГ ИМКОНияТЛАРИ

XXI асрда рақамли технологиялар сиёсий жараёнларнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ахборот-коммуникация воситалари, мобил иловалар, онлайн петициялар, ижтимоий тармоқлар ва электрон давлат хизматлари жамият учун янги сиёсий майдонни вужудга келтирди. Аҳолининг кенг қатламлари учун сиёсий маълумотларга тезкор ва қулай кириш имконияти яратилмоқда, бу эса фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини жадаллаштирмоқда. Айниқса, ёшлар орасида рақамли платформалар орқали фикр билдириш, ташаббусларни ўртага қўйиш ва давлат органлари билан мулоқот қилиш жараёнлари фаол ривожланмоқда.

Рақамли хизматлар фақатгина маълумот етказиш воситаси бўлиб қолмай, балки фуқароларнинг давлат қарорларига таъсир кўрсатишига, онлайн овоз бериш, мурожаат йўллаш, жамоавий муҳокама ва мониторинг жараёнларида иштирок этишига замин яратмоқда. Бундай имкониятлар сиёсий фаолликни кенгайтириш, фуқаролик жамиятини кучайтириш ва давлат бошқарувининг очиқлигини таъминлашда муҳим омилга айланмоқда.

Илмий манбаларда рақамлашув демократлаштириш жараёнининг асосий омилларидан бири сифатида кўрилади. Испаниялик социолог М.Castellsнинг **«Network society» (Тармоқ жамияти) концепцияси**¹ ва америкалик тадқиқотчи С.Shirky **«Рақамли жамоавий фаоллик ҳақидаги қарашлари»**² **рақамли платформа** ва хизматларнинг сиёсий ҳаётни ўзгартиришдаги ўрнини асослаб беради.

¹ Castells M.O. The Rise of the Network Society. – Oxford: Blackwell, 1996.

² Shirky C. Here Comes Everybody: The Power of Organizing Without Organizations. – New York: Penguin Press, 2008.

Сиёсий фаолликни рақамли технологиялар орқали ошириш замонавий демократия ва жамият ривожининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Хориж тажрибаларига кўра, рақамли платформалар фуқароларнинг давлат ва маҳаллий ҳокимиятдаги иштирокини сезиларли даражада оширади. Масалан, рақамли хизматларни жорий қилиш бўйича жаҳонда илғор деб тан олинган Эстония давлатида яратилган рақамли платформалар фақат маъмурий-осонлик учун эмас, балки фуқароларнинг сиёсий иштирокини соддалаштириш ва демократияни такомиллаштириш учун ҳам кенг қўлланилмоқда. Шунингдек, аҳоли ва жамоатчиликнинг сиёсий жараёнларда тўғридан-тўғри иштирок этишини таъминлаш мақсадида, дастлаб Испанияда ишлаб чиқилган **«Decidim» электрон платформасидан** кейинчалик бутун Европа давлатларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Замонавий сиёсатда рақамли технологиялар фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишнинг асосий драйверларидан бири сифатида қаралмоқда. Ушбу масалани кенг қамровда англаш учун аввало **«сиёсий фаоллик», «Рақамли демократия» ва «рақамли халқ ҳокимияти»** ғоялари, «электрон ҳукумат», «жамоатчилик назорати» ва «онлайн платформалар» каби тушунчаларнинг назарий асосларини аниқ белгилаб олиш зарур.

Сиёсий фаоллик – бу фуқароларнинг ўз манфаатлари асосида сиёсий жараёнларда иштирок этиши, кузатиб бориши ва ўз муносабатини турли ижтимоий-сиёсий институтлар (*сиёсий партиялар, вакиллик органлари, ижтимоий ҳаракатлар в.б.*) ёки мустақил равишда билдиришидир¹.

«Рақамли демократия» ва «рақамли халқ ҳокимияти» ғоялари – бу жамият ва давлат ишларини тўғридан-тўғри бошқаришда аҳолининг иштирокини таъминлаш ва соддалаштиришга қаратилган ғояларнинг ривожланган шаклидир².

Электрон ҳукумат – бу давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими³.

Жамоатчилик назорати – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат⁴.

¹ Фуқаролик жамияти ривожланишида ёшларнинг ижтимоийлашуви. ва сиёсий фаоллигини ошириш номли илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2014. – Б. 94.

² Хуррамова А.Б. Рақамлаштириш шароитида шахснинг субъектив ҳуқуқ ва эркинликларининг трансформацияси. – Тошкент, 2024. – Б. 2.

³ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали. Электрон ҳукумат, 2024. // <https://gov.uz/oz/religions/activitypage/egovernment>.

⁴ Ўзбекистон Юридик энциклопедияси. – Тошкент, 2009. – Б.167.

Онлайн платформалар – фойдаланувчилар томонидан контентни қабул қилиш, ишлаб чиқариш, жойлаштириш ва тарқатиш учун мўлжалланган ҳамда Интернет тармоғида ишлайдиган ахборот тизими ёки тезкор хабарлар алмашиш сервиси ҳисобланади¹.

Ушбу назарий асослар рақамли хизматлар ва платформаларнинг сиёсий фаолликка таъсир механизмларини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Биринчидан, улар фуқароларнинг ахборотга эга бўлиш имкониятини кенгайтиради. Ахборотга эга бўлиш борасида очиқ маълумотлар платформалари сиёсий фаолликни рағбатлантиради.

Иккинчидан, рақамли мулоқот каналлари – электрон мурожаатлар, интерактив қабулхоналар, онлайн мониторинг тизимлари фуқароларнинг давлат органлари билан мулоқотини тезкор ва самарали қилади.

Учинчидан, ижтимоий тармоқлар орқали юзага келаётган рақамли «жамоавий фикр» феномени сиёсий муҳокамаларни фуқаролар учун очиқ ва шаффоф муҳитга айлантириб, сиёсий иштирокни кучайтиради.

Ўзбекистонда давлат бошқарувини рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазкур назарий тамойилларнинг амалиётга татбиқ этилишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш, рақамли хизматларни кенгайтириш, фуқароларнинг онлайн иштирокини кучайтиришни мақсад қилади.

Жумладан, «my.gov.uz» ягона интерактив хизматлар портали, «Mening fikrim» платформаси, Очиқ маълумотлар портали ва вазирликларнинг расмий веб-сайтлари фуқароларнинг давлат органлари билан мулоқотини тубдан енгиллаштирди. Масалан, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) орқали турли соҳага оид жами 33 мингдан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокама қилинган бўлса, Жамоатчилик ташаббуслари ягона платформаси (Mening fikrim) орқали 8 мингдан ортиқ жамоавий мурожаатлар келиб тушган.

«Янги Ўзбекистонда **«Менинг фикрим» портали** ва **«Ташаббусли бюджет» лойиҳаси** каби рақамли платформаларни жорий этиш фуқароларни сиёсатни шакллантириш ва бюджет ажратиш жараёнларида краудсорсинг механизмлари орқали иштирок этиш имконини бериб, фуқаролик ташаббусини сезиларли даражада оширди. Бу воситалар рақамли демократияни ривожлантиради, аҳоли орасида оммавий назоратни кенгайтириб, сиёсий фаолликни оширади»².

Бироқ амалга оширилаётган ислохотлар билан бирга, рақамли сиёсий фаолликни ривожлантиришда қатор муаммолар ҳам мавжуд: рақамли тенгсизлик, аҳолининг маълум қисмида рақамли саводхонликнинг паст даражаси, онлайн платформалардан фойдаланиш маданиятининг тўла

¹ «Онлайн платформалар ва веб-сайтлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга қандай янги тушунчалар. – Тошкент, 2025. <https://daryo.uz/uz/lnrz1Vhz/>

² Машарипов И.Б. Improving the socio-political foundations of civil society institutions in New Uzbekistan. – Тошкент, 2025. – Б. 25. gejournal.net

шаклланмаганлиги ва киберхавфсизлик билан боғлиқ муаммолар рақамли фаолликнинг тўла рўёбга чиқишига тўсиқ бўлиб келмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистонда рақамли сиёсий фаолликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири – **рақамли тенгсизликдир.** Қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида Интернетдан фойдаланиш имкониятлари, тезлиги ва сифатидаги фарқ сақланиб қолмоқда, айрим ҳудудларда юқори тезликдаги Интернет хизматларига уланиш ҳануз етарли эмас. Шу билан бирга, кам таъминланган оилаларда замонавий қурилмаларнинг мавжуд эмаслиги ва аёллар билан ёшлар ўртасидаги рақамли имкониятлар тафовути рақамли сиёсий иштирокнинг барча қатламда тенг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, аҳолининг маълум қисмида рақамли саводхонлик ва ахборот маданиятининг пастлиги онлайн сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишни қийинлаштиради. Ўзбекистон мисолида кўриладиган ҳолат – ижтимоий тармоқларда манба текшириш, фактларни солиштириш ва дезинформациядан ҳимояланиш кўникмаларининг етарли даражада шаклланмаганлиги. Бу эса, Интернетда тарқаладиган ёлғон янгиликлар ва манипулятив контентлар таъсирини кучайтиради. Натижада, фуқароларнинг онлайн муҳокамаларда конструктив фикр билдириш механизми заифлашади ва рақамли фаолликнинг самарадорлиги пасаяди.

Учинчидан, онлайн платформалардан фойдаланиш маданияти ҳамда киберхавфсизлик билан боғлиқ муаммолар рақамли сиёсий иштирокни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилади. Ижтимоий тармоқларда шахсий тажовуз ва агрессив муҳокама маданиятининг кенг тарқалганлиги фуқароларни сиёсий мавзуларда очиқ фикр билдиришдан қайтариб қўяди. Шунингдек, аккаунтларнинг бузилиши, фишинг, шахсий маълумотларнинг ноқонуний тарқалиши каби хавфлар онлайн сиёсий фаолликка бўлган ишончни сусайтиради.

Шу тариқа, рақамли тенгсизлик, рақамли саводхонликнинг пастлиги ва онлайн фойдаланиш маданияти ҳамда киберхавфсизлик билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистонда рақамли сиёсий фаолликни кенг қамровли ҳамда самарали ривожлантиришда ҳал этилиши зарур бўлган асосий масалалар сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда рақамли хизматлар ва платформаларни жамият ҳаётига жорий этиш жараёни демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини кучайтириш ва аҳолининг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашда муҳим омилга айланмоқда. Рақамли сиёсий фаоллик фуқароларга ўз фикрини эркин билдириш, давлат органлари билан тез ва шаффоф мулоқот ўрнатиш, жамоавий ташаббусларни ташкил этиш ҳамда жамиятдаги муаммоларга тезкор реакция қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, бу жараёнда рақамли тенгсизлик, рақамли саводхонликнинг пастлиги, онлайн платформалардан фойдаланиш маданияти ва киберхавфсизлик каби омиллар рақамли сиёсий иштирокнинг тўла рўёбга чиқишига тўсиқ бўлаётгани ҳам аён бўлди.

Рақамли сиёсий фаолликни ривожлантириш Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг стратегик йўналишларидан биридир. Агар юқоридаги муаммолар босқичма-босқич бартараф этилса, рақамли платформалар мамлакатда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, фуқаролар иштирокини кенгайтириш ва давлат бошқарувини янада шаффофлигини ва ҳисобдорлигини оширишда кучли воситага айланиши мумкин.

Юқоридаги таҳлил шуни кўрсатадики, рақамли хизматлар инфратузилмасини кенгайтиришнинг ўзи етарли эмаслиги, фуқароларнинг рақамли маданиятини шакллантириш, хавфсиз рақамли муҳит яратиш ва онлайн сиёсий иштирокни институционал даражада қўллаб-қувватлашга эҳтиёж катта эканлиги маълум бўлмоқда. Шу сабабли, сиёсий фаолликда рақамли хизматлар ва платформалар имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида, қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- рақамли тенгсизликни қисқартириш. Қишлоқ ҳудудларда юқори тезликдаги Интернет инфратузилмасини кенгайтириш, кам таъминланган аҳолини арзон Интернет-пакетлар ва қурилмалар билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш, аёллар ва ёшлар ўртасида рақамли имкониятлар тафовутини камайтиришга қаратилган махсус дастурларни амалга ошириш;

- рақамли ва ахборот саводхонлигини ошириш. мактаб, коллеж ва университетларда медиа ва ахборот саводхонлигига оид фанларни кучайтириш, аҳоли учун оммавий онлайн курслар, семинарлар ҳамда тренинглар ташкил этиш, фейк янгиликларга қарши курашиш бўйича миллий платформаларни ривожлантириш;

- онлайн мулоқот маданиятини шакллантириш. Ижтимоий тармоқларда конструктив муҳокама маданиятини тарғиб қилувчи лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, блогерлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти учун **«этика ва онлайн мулоқот» бўйича ўқув дастурларини** жорий этиш;

- киберхавфсизликни мустаҳкамлаш. Фуқароларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш тизимларини такомиллаштириш, киберхавфсизлик бўйича миллий мониторинг марказлари фаолиятини кучайтириш, аҳолининг киберхавфсизлик бўйича асосий кўникмаларини оширишга қаратилган профилактик лойиҳаларни амалга ошириш;

- **«давлат-жамият» рақамли мулоқотини** кучайтириш. Электрон мурожаатлар ва интерактив давлат хизматларининг шаффофлигини ошириш, аҳоли фикрини рақамли платформа орқали йиғиш ва таҳлил қилишнинг институционал механизмларини ривожлантириш, қарор қабул қилиш жараёнларида «онлайн жамоатчилик муҳокамаси» амалиётини янада кенг жорий этиш.

Бешинчи бўлим

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

Улуғбек ЙЎЛБАРСХЎЖАЕВ, с.ф.б. ф.д. (PhD)
*(Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби)*

САЙЛОВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УНИ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Сайловолди курашида иштирок этаётган номзодлар ёки сиёсий блоклар ўз олдига қўйган вазифани бажариш учун қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилаб олади. Номзодлар ва унга хизмат кўрсатаётган жамоа, партиялар, сайлов бирлашмаларининг ўз мақсадини амалга ошириш йўлида қилган барча хатти-ҳаракатлар йиғиндиси сайлов компанияси деб аталади¹.

Сайлов компанияси сиёсий бошқарувни намоён этувчи ўзига хос кўриниш ҳисобланади. Бошқарув субъекти сифатида номзод бошчилигидаги жамоа (*партиявий ташкилотлар, ягона манфаат гуруҳлари, сиёсий маслаҳатчилар*) ҳисобланса, ушбу жараённинг объекти сайловчилардир.

Охириги 20 йилда сайлов компанияларини ташкиллаштириш катта ўзгаришларни бошдан кечирди. Амалиётдан шу нарса маълум бўлмоқдаки, ҳамма номзодлар ҳам сайловлар натижаларига кўра ғалаба қозонишни мақсад қилиб қўявермайди.

Номзодларнинг айримлари сайлов компаниясига ўзини жамоатчиликка таништириш ёки номзодларнинг кучлисига кўп овоз берилмаслиги ва кейинги сайловлар учун ҳаракатининг бошланғич босқичи сифатида қатнашиш нуқтаи назардан ёндашади. Чунки, ҳозирда қайси номзод Интернет технологияларидан самарали фойдалана олса ва электоратга ўз таъсирини ўтказа олса шу номзоднинг сайловларда ғалаба қозониш имконияти ошиб бормоқда.

Ҳар бир сайлов компанияси сиёсий рақиблар ўртасидаги кескин курашлар шароитида кечади. Аслида ҳам, сайлов жараёни ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, рақобатли жараён ҳисобланиб, сиёсий иерархияда обрўли мансаб эгасига айланиш, оммага таъсир этиш ва аҳамиятли ресурсларга эга бўлиш йўлидаги кескин кураш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу рақобатларнинг ўта даражада кескинлашиб кетиши ва турли хилдаги инқирозларни олдини олиш мақсадида ҳар бир давлатда қонунчилик нормалари яратилиб, сайлов жараёнини тартибга солиб туради. Албатта,

¹ Умарова Н., Исломбеков У. Сиёсий технологиялар. – Т.: «Академия», 2007. – Б. 121.

қонунчилик сайлов жараёнидаги ҳамма номзодларнинг ҳам фаолиятини қамраб олмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, бу меъёрлар уларни маълум бир чегарадан чиқиб кетмасликлари учун яратилган бўлиб, бунга амал қилмаганларга нисбатан жазо санкцияларини қўллаш мезонини ташкил этади¹.

Сайлов компанияларининг сайлов жараёнларига турли хил ёндашувларини инобатга олган ҳолда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Булар, биринчидан, бошқарув субъектлари ролидаги сайлов компанияси ташаббускорлари «ўйин қоидалари»ни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш. Ҳеч қайси номзод ёки сиёсий куч электорал феъл-атвори белгиловчи қарор ёки буйруқ чиқара олмаслиги. Иккинчидан, бошқарув субъектлари потенциал сайловчиларга нисбатан легитим куч ишлатиш, уларни жазолаш имкониятига эга бўлмасликлари керак². Шунга қарамасдан, кўплаб давлатларда сиёсий партиялар ва номзодлар тўғри ташвиқот олиб бориш қоидаларига ҳар доим ҳам амал қилавермайдилар.

Демократик жамиятда инсонни бирор бир номзодга овоз беришга зўрлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Демак, сайловчиларнинг овоз беришларига ёндашишда ўзига хос таъсир шаклларида фойдаланишни талаб этади. Шунинг учун ҳам сайлов компаниясининг бош мақсади аҳолининг ақли, онги, қалби, кайфияти ва ўй-фикрлари учун курашдир. Лекин, замонавий ижтимоий тармоқлар шундай воситага айлангани, у орқали партия ва номзодлар доимий равишда кишиларни бошқаришга ҳаракат қиладилар.

Кишиларнинг электорал феъл-атворида таъсир кўрсатиб, уларни бирор бир номзодга овоз беришга ундаш мақсадида қўлланиладиган воситалар йиғиндиси сайлов технологиялари деб аталади³.

Сайлов технологияларининг асосий хусусияти шундан иборатки, ижтимоий-психологик механизмларга таянган ҳолда кишиларнинг кайфияти, манфаати, қадрияти ва маслагига эътибор қаратилади. Бунда ижтимоий тармоқлар асосий қурол вазифасини бажаради.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, халқ ва сиёсатчи ўртасида сиёсий маслаҳатчи – бу икки томон учун воситачи ролини ўйнайди⁴. Сиёсий маслаҳат (*сиёсий консалтинг*) демократик жамиятнинг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Улар сиёсатчиларнинг «ёрдамчилари ва дўстлари»дир. Аксарият учрашув ва мақолаларда сиёсий маслаҳатчиларнинг номзод ва сайловчилар, журналистлар ўртасидаги ҳаракатларининг ахлоқ қоидаларига зид ёки зид эмаслиги предмет бўлади.

Шу боисдан ҳам улар томонидан ҳам улар томонидан бериладиган интервью, ижтимоий тармоқда қолдирилган ҳар қандай пост ва хабарлар доимий равишда мунозараларга сабаб бўлади.

¹ Мустафоев Б.М., Рустамбоев М.Ҳ. Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 9.

² Соловьев А.И. Политология, политическая теория, политические технологии. – М.: Аспект-пресс, 2006. – С. 535.

³ Ковлер А. Избирательные технологии: российский и международный опыт. – М.: РЦОИТ, 1995. – С. 64.

⁴ Матвейчев О. Уши машут ослом. Сумма политтехнологий – М.: Алгоритм, 2008. – С. 7.

Бунга жавоб сифатида эса сиёсий маслаҳат – бу жамоатчилик билан алоқалар ёки рекламанинг махсус соҳаси ҳисобланмайди, балки асосан сиёсат билан боғлиқ бўлган махсус фаолиятдир. Олимларнинг фикрига кўра, бу демократик жамиятнинг институтигина бўлмасдан, сиёсатга ўхшаб чуқур тарихга эгадир. Унинг ахлоқ қоидаларига зидлигини илгари сураётганлар эса ишнинг моҳиятини билмасдан, унга ташқарида туриб баҳо бераётганлардир.

XX аср ўрталарига қадар сайлов компаниялари партия фаоллари, номзоднинг дўстлари, сиёсатчиларга ёрдам беришни хоҳлаган хайрихоҳ фуқаролар томонидан олиб борилар эди. Номзод ёрдамчиларининг бундай фаолияти тагида шахсий манфаат, партиянинг фаолият ва ғоясига содиқлик, жавобгарлик, сайловда ғолиб чиқиш учун ҳамма нарсага тайёрлик каби хислатлар ётарди. Бундай инсонлар орасидан сиёсий компанияларнинг яхши ташкилотчилари етишиб чиқди. Бироқ улар кишиларнинг феъл-атвори ва сайлов технологияларининг илмий ўзига хослигини эътиборга олмасдан, асосан ўз тажриба ва кўникмаларига таянган ҳолда ҳаракат қилардилар¹.

Замонавий сайлов технологияларига ёндашилаётганда, сиёсий курашларда тўпланган бой амалий тажриба ва илмий билимлар ўзаро бир-бири билан уйғун эканлигини фарқлаб олиш лозим. Бунда, аввалги сайловларда синалган усулларни қўллаш билан бирга, муайян технологияларнинг ғалаба ёки мағлубиятга эриштириш сабабларининг моҳиятини ҳам тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу сайлов компанияси ташкилотчиларининг назарий билимга эга эканликлари, вазиятни тўғри баҳолай олишлари, омма кайфияти ривожининг тенденцияларини билишларида, инсонларнинг қизиқиш ва ҳаракатларини, «оғриқли нуқталари»ни англаб етиши ҳамда уларни ташкилотчилар хоҳлаган йўналишига сола олиш қобилиятларининг мавжудлигидагина намоён бўлади.

Бундай ҳолат эса, сайлов компанияси ташкилотчиларининг сиёсий технологиялар, маълум бир билим ва кўникмага эга бўлган малакали сиёсий технолог мутахассисларга эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради².

Ҳозирги вақтда кўпгина давлатларда сайловолди компаниясини ташкиллаштириш билан шуғулланадиган касблар, агентликлар ташкил топган. 1968 йил Парижда Сиёсий компаниялар бўйича халқаро маслаҳатчилар Ассоциацияси тузилди. МДҲ давлатларидан Россияда 1995–1996 йилги сайлов компанияларида бу борада консалтинг билан шуғулланадиган ташкилотлар борлиги эълон қилинди.

Сайлов технологиялари профессионал шахслар қўлида кишилар эътиборини бирор-бир номзодга тортиш, унинг нуфузини ошириш ва сайловчилар ишончини қозонишда кучли қурол бўлиб хизмат қилмоқда³.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу технологиялар илмий асосланган сайлов стратегияларга мос равишда комплекс тарзда қўлланилиб, рақиблар

¹ Жўраев Қ.А. Замонавий сайлов тизимларининг шаклланиши демократик тараққиёт омили сифатида (Франция тажрибаси мисолида). Сиёсий ф. д-ри. дис. – Т.: ЖИДУ, 2009. – Б. 244.

² Ковлер А. Избирательные технологии: российский и международный опыт. – М.: РЦИОТ, 1995 – С. 81.

³ Умарова Н., Исломбаев У. Сиёсий технологиялар. – Т.: Академия, 2007. – Б. 124.

хатти-ҳаракатлари, жамоатчилик фикрларидаги ўзгаришлар ўрганилиб таҳлил қилингандагина ўз самарасини бериши мумкин.

Ҳар бир сайлов компанияси ўзига хос ҳисобланиб, маълум бир вақт ўтгандан сўнг худди шу тарзда қайтарилмайди. Ҳаттоки номзод олдинги сайланган округида беш йилдан сўнг аввал қўллаган шиор ва рекламаларни ишлата олмайди. Зеро, вақт ўтган сари жамиятнинг ҳам, кишиларнинг ҳам манфаатлари, қадриятлари, фикрлари ўзгариб туриши бу фикрни исботлайди.

Узоқни кўзлайдиган сиёсатчилар сайлов компанияси расман эълон қилингунига қадар тайёргарликка киришадилар. Ғарб адабиётларида сайлов компанияси сайлов натижалари эълон қилиниб, сайланган шахс учун иш фаолияти бошланган кундан бошланади, деган ғоя илгари сурилади¹.

Ҳаттоки амалиётда, сайловдан кейин ғолиб сайловчилар учун кўзга кўринадиган фаолиятлари (*йўл чеккасидаги тўсиқларни бўйлаб*) кейинги сайловларда ҳам унинг ғалаба қозонишига ва сайловчилар онгида яхши таассурот қолдиришида муҳим аҳамият касб этади. Умуман сиёсатчиларнинг биринчи қадами, округдаги вазиятни таҳлил қилишдир. Тадқиқот мобайнида сайлов компанияси ташкилотчилари бундан керакли билимларни олиб, сайлов стратегиясини ишлаб чиқадилар. Шу йўл билан сайлов компанияси таҳлилий ахборотга эга бўлади.

Сайлов компаниясида технологик усулларни қўллаш сайловолди кураши тактикасига боғлиқ бўлади. Тактиканинг мақсади сайловчиларга зарурий ахборот етказиш йўли билан уларнинг номзодни қўллаб-қувватлашига, унга ижобий муносабат билдиришга ва охир-оқибат номзодга овоз беришларига эришишдир. Сайловолди курашнинг стратегияси «*нима қилмоқ керак?*» саволига жавоб берса, унинг тактикаси мақсадга эришиш учун «*қандай чоралар кўрмоқ керак?*» саволига жавоб бериши лозим. Тактикани белгилаш, сайлов компанияси ташкилотчиларидан ўз ишига ижодий ёндашувни талаб этади. Чунки ҳар бир сайлов компаниясида сайловчилар овозини олиш учун янги воситалар қўллаш талаб этилади. Сайлов компаниясини самарали ташкил этиш учун унинг асосий йўналишларини белгилаб олиш зарур.

Сайлов компанияси ташкилотчилари учун маълумотлар турли хил усуллар ёрдамида йиғилади. Округдаги иқтисодий ўсиш, аҳолининг демографик таркиби, турмуш даражаси кўрсаткичлари, аввалги сайлов натижалари ҳақидаги маълумотлар статистик ҳужжатларни ўрганиш йўли билан; аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш орқали; фокус-гурӯҳлар ёрдамида; рақиблар ҳаракатларини зимдан кузатиш ва уларнинг нутқларини контент-таҳлил қилиш асосида тўпланади².

Сайловлар – ҳар бир жамиятнинг ўзига хос ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда қандай тартибда ўтказилишидан қатъи назар, ҳар бир давлат сиёсий

¹ Матвейчев О. Уши машут ослом. Сумма политтехнологий – М.: Алгоритм, 2008. – С. 18.

² Соловьев А.И. Политология, политическая теория, политические технологии. – М.: Аспект-пресс, 2006. – С. 539.

ҳаётининг энг асосий сиёсий ҳодисаларидан бири ҳисобланади. Чунки унда фуқаролар сиёсий ҳуқуқидан фойдаланиш, давлат сиёсий фаолиятига ўз позициясини билдириш имкониятига эга бўладилар. Шундай бўлса-да, фуқаролар сайловда пассив, ўртача фаол ва фаол тарзда иштирок этсалар-да, улар доимий сиёсий технологиялар воситасида таъсир остида бўладилар.

Сайловлар ҳамда сайлов компаниялари ҳар қандай жараён сингари доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб боради. Хусусан, сайлов технологиялари сайловолди жараёнини нисбатан самарали ташкил этишда ва номзоднинг мақсадга эришишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай сайлов технологияларининг моҳияти унга ижодий ёндашилганда яққол намоён бўлади. Сайлов компанияси раҳбарининг «ностандарт» восита ва услублардан қай даражада фойдаланганлиги сайлов якунида кўринади.

Умуман олганда, сайлов компанияларида қўлланиладиган сайлов технологиялари турли хил бўлиб, улар ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Буларнинг тартиб ва қоидалари бир неча йиллар мобайнида кўпгина олимлар ва институтлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу жараён ҳозир ва келажакда ҳам давом этиши билан муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, сиёсий реклама сайлов компаниясининг ажралмас қисми ҳисобланиб, сайловолди акциясида номзоднинг маълум бир тарқатадиган маълумотлар мажмуаси сифатида тушунилади. Бундан кўзланган мақсад сайловчилар онгида номзод образи (имижи)ни шакллантиришдадир. Ушбу таърифни сиёсий антирекламага нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Сиёсий рекламанинг бешта қоидаси мавжуд:

- исталган ҳолат ёки қарашни бирорта шахсга сингдириш учун унга эътибор қаратиш лозим;
- эътибор қаратилган объект инсонлар кўзига эътиборли ва қизиқарли томонлари билан кўрсатилиши зарур;
- инсонларга таъсир этадиган образлар содда ва лўнда бўлиши керак;
- чақириқлар ва шиорлар доимий равишда такрорланиши керак;
- рақиб билан баҳслашиш эмас, балки тўғри фикрни қайта-қайта такрорлаш лозим.

Сайлов компанияси расман эълон қилинган дақиқадан бошлаб сиёсий реклама сайловолди ташвиқоти сифатида аниқ номзоднинг манфаатига хизмат қилади. Буни ҳисобга олган ҳолда номзоднинг сайловолди тарғиботи индивидуал психология ва мантиқ қонунларига бўйсунган ҳолда иқтисодий рекламага ўхшаб тузилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий реклама инсонларнинг ҳис-туйғуси ва онгига таъсир қилган ҳолда уларни соғлом фикрлашга чақириши керак.

Сайловолди ташвиқоти ёрдамида сайловчининг у ёки бу номзодга овоз бериш истаги шаклланади. Амалий жиҳатдан сайловолди ташвиқот компаниясини слогонсиз (slogan - инглиз тилида «қисқа шиор» ёки даъват) тасаввур этиш қийин. Слогон сайлов компаниясининг бир қисми бўлиб, номзоднинг имижини намоёиш этади. Слогон илмий асосга эга бўлиши учун,

қуйидаги талабларга жавоб бериши, яъни тушунарли, талаффуз этишга осон ва қисқа бўлиши керак.

АҚШ президентлик сайлов компаниясида ғалаба қозонган номзодлар слогонларига **«Янги курс»** (Ф.Рузвельт), **«Адолатли курс»** (Г.Трумен), **«Янги мудофаа»** (Ж.Кеннеди), **«Биргаликда олға»**, **«Қонун ва тартибот»** (Р.Никсон), **«Янги ибтидо»** (Р.Рейган), **«Бизга ўзгаришлар керак»** (Б.Обама), **«АҚШни қайтадан буюк давлатга айлантирамиз»** (Д.Трамп), **«Энг яхши кунларимиз ҳали олдинда»** (Ж.Байден) каби қисқа шиорларни танлашган.

Олимлар фикрига кўра, қуйидаги мавзуларда слогонни шакллантириш ютуқли ҳисобланади:

- ижтимоий таъминот (нафақахўрлар, кексалар, ёш болали аёллар);
- ҳукуматда тартиб ўрнатиш, яхши қонунлар ташкил этиш;
- иқтисодий ривожланиш;
- экология;
- билим олиш, меҳнат фаолияти ва тадбиркорлик билан шуғулланиш;
- ватанпарварлик.

Слогоннинг шакли муҳим аҳамият касб этади. Унда «мен» кишилиқ олмошини ишлатмаслик (*«Мен инсонларга ёрдамчи бўламан» деб эмас, «инсонларга ёрдамчи бўламан»*), номзод фамилиясини қўшиш (*«Сергей Мавроди. Ҳақиқат ва тақдир»*) олимлар томонидан ижобий самара бериши таъкидланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, эндиликда номзод ғалаба қозониш учун нафақат дастурлар ишлаб чиқиши, балки сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш учун яхшигина жамоа ҳам тўплаши зарур.

Бехруз РАҲМАТОВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА FACEBOOK, INSTAGRAM ВА TELEGRAM КАБИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ РОЛИ

XXI асрнинг боши сиёсий коммуникацияда инқилобий ўзгаришлар даври сифатида тарихга кирди. Ахборот технологияларининг, айниқса, ижтимоий тармоқларнинг кенг тарқалиши сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти ва электорат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан ўзгартирди. Анъанавий медиа (*газеталар, радио, телевидение*) сиёсий ахборотнинг асосий монополисти бўлишдан тўхтади. Facebook, Instagram ва Telegram каби платформалар эндиликда сиёсий ташкилотлар учун нафақат тарғибот, балки реал вақт режимидаги баҳс-мунозара, жамоатчилик фикрини бошқариш ва сиёсий мобилизациянинг асосий воситасига айланди¹.

¹ Германова Л.И. Политическая коммуникация в эпоху социальных сетей, 2017. – С. 25.

Глобал миқёсдаги сиёсий жараёнларга ушбу платформаларнинг кўрсатаётган фундаментал таъсири мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Хусусан, 2016 йилдаги АҚШ сайловлари, 2019 йилдаги Гонконг норозиликлари ва 2022 йилдаги Украинадаги ҳарбий можаро мисолида ижтимоий тармоқларнинг сиёсий натижаларга таъсири яққол намоён бўлди. Бу платформалар сиёсий легитимликни шакллантириш, дезинформация (*сохта хабарлар*) тарқатиш ва аҳолини тезкор йиғишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг назорат қилиниши тамойиллари ижтимоий тармоқлар туфайли ўзгарди.

Сиёсий ахборот тарқатиш маркази давлат ёки йирик медиа компаниялардан алоҳида фойдаланувчига ва кичик каналларга ўтди. Бу «Бир неча босқичли оқим» назариясини (*Two-Step Flow Theory*) ўзгартириб, «Кўп босқичли оқим» моделини келтириб чиқарди¹.

Сиёсатчилар энди журналистлар ва медиа орқали эмас, балки Facebook, Instagram ёки Telegram орқали бевосита электоратга мурожаат қилиш имкониятига эга. Бу жараён жамоатчилик фикрини тезкор мобилизация қилиш ва медиа-тролларнинг таъсирини пасайтиришга хизмат қилади.

Рақамли платформалар, айниқса, визуал тармоқлар (Instagram) мантиқ ва далиллардан кўра ҳиссиёт ва шахсий имижга асосланган сиёсий қарорларни кучайтирди.

Ижтимоий тармоқлар жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг турли моделларини кучайтирди. Хусусан, тармоқ алгоритмлари фойдаланувчиларга уларнинг олдинги қарашларига мос келадиган контентни кўрсатади. Натижада, одамлар ўз қарашларини тасдиқловчи маълумотлар билан ўралиб қоладилар. Бу сиёсий қутбланишни (*polarization*) кучайтиради ва демократик жамиятда муросага эришишни қийинлаштиради².

Нарративлар уруши эса, ижтимоий тармоқлар сиёсий ва геосиёсий нарративларни (ҳикояларни) тезкор яратиш ва тарқатиш учун қулай майдондир. Асосий сиёсий ташкилотлар ва давлатлар рақиб нарративларни инкор этишга эмас, балки ўзларининг альтернатив ҳақиқатларини яратишга интиладилар. Шунингдек, дезинформация ва фейк хабарлар (*fake news*) ижтимоий тармоқларнинг анонимлик ва тезкорлик хусусиятлари сиёсий ташкилотлар ва ташқи акторлар учун қасддан нотўғри маълумот тарқатиш имконини беради. Бу жараён сайлов натижаларига таъсир қилиш, жамиятда тартибсизлик ёки норозилик кайфиятини келтириб чиқариш учун ишлатилади (Масалан, АҚШ 2016 сайловларида «тролллар фабрикаси»нинг роли)³.

Сиёсий ташкилотларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, хусусан, доимий ахборот узатиш орқали «шаффофлик» иллюзиясини яратиш билан бир қаторда, сиёсий легитимликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хусусан,

¹ European Union Disinformation Task Force. 2023. <https://gemini.google.com/app/9225722990b9742f?hl=ru>

² Pew Research Center (2020-2022). Social Media and Political Polarization Reports.

³ Wardle C., Derakhshan H. Information Disorder: Toward an interdisciplinary framework for research and policymaking, 2017.

ҳокимият органларининг инқироз ҳолатларида (табиий офатлар, терактлар) Telegram ёки Twitter каби платформалар орқали маълумотнинг тезкорлигини таъминлаши уларнинг жавобгарлик ва самарадорлик даражасини ошириб, легитимликни мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, Instagram орқали сиёсатчиларнинг оддий турмуш тарзини кўрсатувчи «Оддий одам» имижини яратиш «халққа яқинлик» нарративини кучайтиради. Бироқ, бу имиж ҳақиқий бўлмаган тақдирда, ижтимоий тармоқлар уни фош қилиш ва натижада сиёсий легитимликка зарар етказиш учун ҳам кучли восита сифатида хизмат қилиши мумкин.

Сиёсий ташкилотларнинг муваффақияти уларнинг қўлланилаётган ижтимоий тармоқ платформасининг техник ва ижтимоий хусусиятларига мослашиш қобилияти билан белгиланади. Ҳар бир платформа алоҳида аудиторияга эга ва турлича сиёсий коммуникация моделларини қўллашга мажбур қилади.

Facebook (ҳозирги Meta) ижтимоий тармоқларнинг сиёсий жараёнларга таъсирини кўрсатган «биринчи тўлқин»нинг бошловчиси ва етакчиси ҳисобланади. 2008 йилда Барак Обаманинг сайлов компаниясидан сўнг, у сиёсий ташкилотлар учун ажралмас воситага айланди. Facebookнинг техник тузилиши, яъни узун постлар ва мураккаб изоҳлар тизимини қўллаб-қувватлаши туфайли, бу платформа чуқур таҳлилий контент ва интеллектуал муҳокамалар учун қулай муҳит яратади. Бошқа тармоқлардан фарқли ўлароқ, Facebook фойдаланувчилари сиёсий маълумотларни мантиқий баҳолаш ва мунозарага киришишга кўпроқ мойил бўладилар¹.

Шу сабабли, Facebook сиёсий ташкилотлар учун муҳим **«сиёсий капитал манбаи»** сифатида хизмат қилади. У сиёсий лидер ёки партияга ўз қарорларини оқлайдиган, мураккаб иқтисодий ёки ижтимоий муаммолар ечимини таҳлилий асослаб берувчи контентни тарқатиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ақлий ва бошқарув салоҳиятига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Бунга мисол қилиб, Европанинг ривожланган демократияларини (Германия, Франция) кўрсатиш мумкин. У ерда сиёсий партиялар Facebookдан қонун лойиҳаларининг батафсил тафсилотларини эълон қилиш, сўровномалар ўтказиш ва фуқароларнинг тушунтириш талаб қилинган саволларига атрофлича жавоб бериш учун фаол фойдаланадилар.

Facebookнинг сиёсий компаниялардаги роли, айниқса, унинг кенг қўламли маълумотлар базаси (*демографик маълумотлар, қизиқишлар ва хатти-ҳаракатлар*) туфайли микро-таргетлашнинг асосий платформасига айлангани билан белгиланади. Амалиётда, сиёсий компаниялар аҳолининг кичик, аниқ гуруҳларини аниқлаб, уларга фақат уларнинг эҳтиёжларига мос келадиган, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши бўлган сиёсий хабарларни етказиш².

Мисол учун, бир номзоднинг турли гуруҳларга йўналтирилган иккита фарқли рекламасидан бири иш ўринларини кўпайтиришга эътибор қаратса,

¹ Гоффман Э. The Presentation of Self in Everyday Life. У сиёсатчиларнинг «сахна опти» (backstage) ҳаётини кўрсатиш орқали аудитория билан ҳиссий боғланиш яратишини ўрганган.

² Howard P. N. New Media Campaigns and the Managed Citizen. Cambridge University Press. 2016.

иккинчиси иммиграция сиёсатини кучайтиришга қаратилиши мумкин. Ушбу механизмнинг таъсири 2016 йилдаги АҚШ президентлик сайловларида кескин кўринди, бу ҳолат ахборот этикаси ва сиёсий манипуляция ҳақидаги баҳсларни кучайтирди. Шу даврда, Facebook дезинформация ва ташқи таъсир (*масалан, Россиянинг «Тролллар фабрикаси» фаолияти*) учун қулай восита сифатида хизмат қилиб, жамиятнинг қутбланишини янада кучайтирди.

Telegram мессенжери сиёсий майдонда кейинроқ пайдо бўлган бўлса-да, унинг хавфсизликнинг юқори даражаси ва каналларнинг катта ўтказувчанлик қобилияти туфайли авторитар режимлар мавжуд бўлган ёки кескин сиёсий инқирозлар кечаётган ҳудудларда муҳим воситага айланди.

Бунинг сабаби шундаки, Telegramнинг энг муҳим сиёсий афзаллиги - бу унинг ахборотни тўсиб бўлмаслиги ва оператив тезлигидир. Масалан, Ўзбекистон каби давлатларда Telegram ахборотнинг тезкорлигини таъминловчи асосий канал ҳисобланади. Бу ерда расмий матбуот хабар беришга улгурмасдан, норасмий каналларда сиёсий воқеалар муҳокамаси бошланади. Бу тезкорлик ҳукумат ёки мухолифатга реал вақт режимида жамоатчилиikka таъсир ўтказиш имконини беради¹.

Бундай оперативлик глобал инқирозлар мисолида янада яққол кўринади: Украинадаги 2022 йилги можаро даврида Telegram ахборот тарқатишнинг марказий платформасига айланди, ундан ҳукумат расмий хабарларни етказиш ва аҳолини огоҳлантириш учун фойдаланди. Шу билан бирга, Эрон ва Гонконг каби мамлакатларда у норозилик намоишларини ташкил этиш ва ҳукуматнинг назоратидан қочиш учун асосий восита бўлди.

Шундай қилиб, Telegram нафақат ахборот алмашиш воситаси, балки хавфсизлик ва оперативлик хусусиятлари туфайли геосиёсий инқироз шароитида тезкор мобилизация қуроли сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Telegram каналларининг аноним тармоқ сифатида ишлаши ва платформа ичидаги цензуранинг паст даражада эканлиги уни геосиёсий ахборот урушлари ва дезинформацияни (ёлғон маълумотларни) тарқатиш учун энг қулай майдонга айлантиради. Бунинг сабаби, анонимлик имконияти сиёсий ташкилотлар ва элиталарга ички низоларда рақобатчиларига қарши фойдаланиш учун қулай восита беради. Улар аноним каналлар орқали компромат ёки сохта хабарларни тарқатиб, рақибларининг обрўсини туширишга интилади. Бундай ҳолат, айниқса, постсовет давлатларининг сиёсий жараёнларида кенг кузатилади.

Бундан ташқари, тармоқ ичидаги цензуранинг сустлиги аудиторияда ҳақиқатнинг қутбланишига олиб келиб, фойдаланувчилар кўпинча фақат ўзининг сиёсий қарашларига мос келувчи каналларга обуна бўлади. Бу ҳолат «Эхо камера» феноменини янада кучайтириб, жамиятда бир-бирига зид бўлган икки-уч хил «ҳақиқатлар»нинг мавжудлигига олиб келади. Натижада, Telegram эркин ва оператив ахборот воситаси бўлиши билан

¹ The Guardian. How Trump's campaign used Facebook to «micro-target» voters. 2017.

бирга, анонимлик ва назоратсизлик туфайли дезинформация ва жамиятнинг бўлиниши учун муҳим платформага айланмоқда¹.

Instagram визуал платформаси сиёсий коммуникацияга мутлақо янги, ҳиссий ва шахсий ёндашувни олиб кирди. Бу тармоқ, асосан, ёшлар аудиторияси ва пассив ахборот истеъмолчиларига қаратилган.

Платформанинг асосий вазифаси - сиёсатчининг фақатгина сиёсий қарашларини эмас, балки унинг шахсий ҳаёти, қадриятлари ва ҳиссий ҳолатини намойиш этишга хизмат қилади. Ҳиссий алоқа айнан шундай шакллантириладики, қисқа, яхши ишланган видеороликлар ёки шахсий фотосуратлар орқали сиёсатчилар ўзини «оддий одам» сифатида кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, уларнинг ўз оиласи, машғулоти ёки оддий фуқаролар билан мулоқотини намойиш этиш орқали амалга оширилади. Франция президенти Эммануэль Макрон ва Жастин Трюдо каби сиёсатчилар Instagramда шахсий ва «инсоний» имижни яратиш орқали ёшлар ўртасидаги обрўсини оширишга муваффақ бўлганлар.

Бу визуал ёндашув пассив истеъмолчиларга таъсир ўтказишда жуда самарали бўлиб, уларга мураккаб таҳлиллар ўрнига эмоционал, тез тушуниладиган ва кўнгилочар контент орқали сиёсий хабарлар сингдирилади.

Демак, Instagram замонавий сиёсатчилар учун визуал PR орқали ўз имижини «шахсийлаштириш», шунингдек, ҳиссий алоқа ўрнатиш ва пассив ахборот истеъмолчиларига самарали таъсир ўтказиш имконини берувчи муҳим майдонга айланди.

Сиёсий ташкилотларнинг ижтимоий тармоқлардаги муваффақияти нафақат платформа танлашга, балки мураккаб контент стратегияларига ва этик меъёрларга риоя қилишга ҳам боғлиқ. Шу сабабли, сиёсий субъектларнинг рақамли фаолиятдаги асосий стратегик ёндашувларини ва бу жараён билан боғлиқ бўлган жиддий этик муаммоларни (дезинформация ва троллинг) таҳлил қилиш муҳимдир².

Сиёсий ташкилотларнинг рақамли компаниялари ҳар бир платформанинг хусусиятларига мос келадиган махсус моделларга таянади. Улар орасида энг муваффақиятли модель - бу интеграциялашган экосистема стратегиясидир. Интеграциялашган экосистема стратегияси сиёсий ташкилот контентни барча асосий платформаларда тарқатиши, лекин ҳар бирида унинг формати ва мақсадини ўзгартиришини талаб қилади.

Facebookда ўзаро боғланган ва таҳлилий ёндашув асосида лойиҳанинг тўлиқ матни, мантиқий асослари ва чуқур изоҳлар тақдим этилади, бу билан интеллектуал аудиториянинг маълумотга бўлган талаби қондирилади.

Бир вақтнинг ўзида, Telegramда ушбу қонуннинг асосий 3-5 та муҳим тезиси ва уларнинг аҳоли ҳаётига тезкор таъсири ҳақидаги қисқа хабар шаклида берилади, бу эса платформанинг оперативлик ва мобилизация функциясидан фойдаланиш имконини беради.

¹ CABAR.asia. Telegram as a Political Tool in Central Asia, 2021.

² Kahneman D. Thinking, Fast and Slow. 2011.

Шунингдек, Instagramда ҳиссий ва визуал ёндашув устунлик қилиб, қонунни тақдирот қилаётган сиёсатчининг самимий видеоси ёки ислохотнинг визуал рамзи кўрсатилади. Бу эса эмоционал боғлиқлик ўрнатишга ва ёшларга таъсир қилишга қаратилган. Бундай фарқли ёндашув сиёсий ташкилотга турли аудиторияга бир хил хабарни мос шаклда етказиш ҳамда сиёсий хабарнинг ҳар томонлама кенг қамровини таъминлаш имконини беради¹.

Ижтимоий тармоқлар, айниқса, Instagram сиёсатчилардан ўзларининг шахсий брендини яратишни талаб қилиб, бу сиёсий фаолиятни кескин шахсийлаштиришга олиб келади. Замонавий сиёсатда шахсийлаштириш сиёсий қарорлар қабул қилиш марказини дастурлардан етакчининг шахсий брендига кўчирмоқда.

Ушбу шахсийлаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, электорат энди партия дастурларига эмас, балки лидернинг шахсиятига, унинг турмуш тарзига ва самимийлигига қараб қарор қабул қилади. Шу сабабли, сиёсатчилар ўзларининг шахсий қадриятлари, қизиқишлари ва оилавий ҳаётини намойиш этиш орқали аудитория билан ҳиссий-инсоний алоқа ўрнатадилар. Бунга ёрқин глобал мисол сифатида Канада Бош вазири Жастин Трюдонинг Instagramдаги фаолиятини кўрсатиш мумкин. У расмий тадбирлардан кўра кўпроқ оддий ҳаёт лаҳзаларини улашиб, ёш ва либерал аудиторияга йўналтирилган муваффақиятли шахсий имижни яратган².

Сиёсий ташкилотлар ўз ахборотларининг кенг тарқалишини таъминлаш учун ижтимоий тармоқларнинг «вирусли» механизмларидан фаол фойдаланадилар. Бунинг асосий усули «мемефикация» ҳисобланади. Унда мураккаб сиёсий ғоялар ёки рақибнинг камчиликлари оддий, кулгили ёки ҳажвий мемлар ва қисқа видеолар кўринишида тақдим этилади. Бу ёндашув, айниқса, ёшлар ўртасидаги норозилик кайфиятини ёки аниқ сиёсий хабарни тез ва кенг тарқатишда жуда самарали ҳисобланади.

Аммо, бу усулнинг жиддий хавфи ҳам мавжуд бўлиб, у сиёсий жараёнларни ҳаддан ташқари соддалаштиради ва юзакилаштиради. Натижада, жиддий муаммолар бўйича чуқур таҳлил ва мунозаралар ўрнини кўпинча ҳазил ва ҳиссий реакциялар эгаллайди, бу эса сиёсий дискурснинг сифатини пасайтиради³.

Ижтимоий тармоқлар сиёсий ташкилотлар учун электоратни сайловга, намойишларга ёки сиёсий тадбирларга жалб қилишнинг энг арзон ва тезкор усулига айланди. Бу мобилизациянинг тарихий исботи «Ранглар Инқилоби» ва Фуқаролик Мобилизацияси мисолларида яққол кўринади. Хусусан, Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги «Араб Баҳори» (2010–2011) ҳамда Украинадаги Евромайдан (2013–2014) воқеаларида Facebook норозиликни ташкил қилиш ва одамларни кўчага чиқишга ундашда марказий роль ўйнаган.

¹ Gronbeck B.E. Visual Rhetoric in Political Campaigns. Routledge. 2017.

² Бершадская С.В. Стратегии политической коммуникации в мессенджере Telegram // Вестник МГУ, 2020.

³ Way L.C. The Politics of Social Media Manipulation. Routledge, 2021.

Умуман олганда, сўнгги йилларда ижтимоий тармоқлар норозилик ҳаракатларига тезкорлик ва назоратдан хоилиликни таъминлаб, оммавий рақамли мобилизациянинг асосий воситасига айланиб бормоқда¹.

Сиёсий ташкилотлар фаолиятида facebook, instagram ва telegram каби ижтимоий тармоқларнинг роли борасидаги мулоҳазаларга нисбатан қуйидаги асосий хулосаларни айтиш мумкин:

Биринчидан, ижтимоий тармоқлар бир хил восита эмас, уларнинг сиёсий роли функционал жиҳатдан қатъий фарқланади. Facebook чуқур таҳлилий дискурс учун, Telegram оператив мобилизация ва назоратдан қочиш учун, Instagram эса сиёсий лидернинг имижини шахсийлаштириш ва эмоционал таъсир ўтказиш учун ишлатилади. Шу сабабли, сиёсий муваффақиятга эришиш учун ташкилотлар контентни ҳар бир платформанинг формати ва аудиториясига мослаштириши лозим.

Иккинчидан, сиёсий коммуникация моделлари ҳудудга қараб кескин фарқланади, бунда ҳар бир ҳудудда муайян платформа етакчилик қилади: Ғарб моделида (АҚШ/ЕИ) Facebook микро-таргетлаш тўғридан-тўғри қутбловчи мурожаат учун асосий ҳисобланади. Посстовет/Авторитар моделда эса Telegram назоратдан холи ахборот алмашиш ва инқироз коммуникациясида етакчи воситадир. Осиё-Тинч Океани моделида миллий платформалар давлат назорати ва марказлашган тарғибот учун ишлатилади.

Учинчидан, Instagram визуал платформаси туфайли сиёсий фаолият кескин шахсийлашди. Электорат энди партия дастурларидан кўра лидернинг шахсияти, турмуш тарзи ва самимийлигига қараб қарор қабул қилмоқда. Бу, сиёсатчининг шахсий ҳаёти ва ҳиссий ҳолатини намоиш этиш орқали аудитория билан ҳиссий-инсоний алоқа ўрнатиш стратегиясини сиёсий капиТални шакллантиришнинг асосий усулига айлантирди.

Тўртинчидан, ижтимоий тармоқлар сиёсий коммуникацияда инқилоб ясашига қарамай, улар дезинформация, троллинг, «Фильтр Пуфакчалари» ва геосиёсий троллинг каби механизмлар орқали барча сиёсий тизимларда жамиятдаги сиёсий қутбланишни кучайтирмоқда. Бу эса, демократик жараёнларнинг сифатига жиддий путур етказаётган асосий глобал этик муаммо бўлиб қолмоқда.

Шухрат МАХМУДОВ, с.ф.б. ф.д. (PhD)
Самарқанд давлат университети

ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ҳозирги глобал рақамли трансформация даврида ахборот алмашинувининг кескин тезлашиши, Интернет инфратузилмасининг ривожланиши ва аҳолининг катта қисми ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши сиёсий коммуникацияни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб

¹ Howard P.N., Hussain M.M. Democracy's Fourth Wave? Digital Media and the Arab Spring. Oxford University Press, 2013. – P. 35-48.

чиқди. Шунинг натижасида Интернет платформалари сиёсий технологияларни амалга ошириш майдонига айланиб, уларнинг **конструктив** (ижобий) ва **деструктив** (салбий)¹ хусусиятларини янада яққол намоён этмоқда.

Интернет воситасида амалга ошириладиган сиёсий технологияларнинг миллий хавфсизлик объектлари ҳисобланган шахс, жамият ва давлатга кўрсатаётган таъсирлари қуйида тизимли равишда таҳлил қилинади:

Рақамли сиёсий коммуникациянинг ривожланиши давлат институтлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш учун янги имкониятлар яратади. Электрон ҳукумат, онлайн мурожаатлар тизими, очиқ маълумотлар платформалари ва рақамли хизматлар орқали давлат фуқаролар билан мулоқотни такомиллаштириши, қарорлар қабул қилишда жамоат фикрини инobatга олиши ва бошқарув самарадорлигини ошириши мумкин. Шу маънода, **конструктив сиёсий технологиялар**нинг давлат даражасидаги таъсири демократик институтларни мустаҳкамлаш ва давлат механизмларининг ишончилиги ҳамда модернизациясига хизмат қилади.

■ *Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш.* Электрон ҳукумат, очиқ маълумотлар порталлари, онлайн ҳисоботлар давлат институтларининг ишини шаффоф қилишга хизмат қилади ва ижтимоий ишончни оширади.

■ *Институционал самарадорликнинг ошиши.* Интернет технологиялари орқали мурожаатлар, петициялар ва таклифларни тезкор қабул қилиш ва қайта ишлаш давлат бошқаруви механизмларининг сифатли ва тезкор ишлашини таъминлайди.

■ *Сиёсий қарорлар қабул қилишда жамоат фикрини ҳисобга олиш.* Интернетдаги ижтимоий-сиёсий тенденциялар, фуқаролар фикри ва онлайн муҳокамалар давлат томонидан халқ манфаатларига мос қарорлар қабул қилишда муҳим манбага айланади.

■ *Коррупцияни камайтириш ва ҳисобдорликни ошириш.* Электрон ташқи алоқалар ва автоматлаштирилган хизматлар орқали инсон омилини камайтириш давлат тизимларида ҳисобдорликни ошириш ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Давлат даражасида амалга оширилаётган конструктив сиёсий технологиялар рақамли сиёсий коммуникациянинг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда давлат бошқарувини модернизация қилишда муҳим стратегик аҳамият касб этади. Электрон ҳукумат, очиқ маълумотлар платформалари ва онлайн мурожаатлар тизими каби рақамли механизмлар давлат фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш билан бирга,

¹ Рязанов Н.М. Конструктивные и деструктивные политические технологии в процессе становления российских региональных систем // Вестник Челябинского государственного университета. – 2002. – Т. 8. – №. 1. – С. 34-46.; Гнедаш А.А., Челан А.И. Конструктивные и деструктивные эффекты медиатизации политических коммуникаций в XXI веке // Общество: политика, экономика, право. 2024. № 8. С. 38–44.; Гнедаш А.А., Рябенко Н.А. Конструктивные и деструктивные социально-политические практики в online-пространстве современной России: «фейлы», «кейсы», «механики» // Южно-российский журнал социальных наук. – 2014. – №. 2. – С. 40-54.

фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро мулоқот сифатини сезиларли даражада яхшилади.

Шунингдек, рақамли технологияларнинг давлат тузилмаларида жорий этилиши қарорлар қабул қилиш жараёнларига жамоат фикрини интеграция қилиш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини аниқ баҳолаш ҳамда давлат сиёсатини аҳоли манфаатларига мос равишда йўналтириш имконини беради. Интернет асосидаги интерактив механизмлар давлат бошқарувида ҳисобдорлик, тезкорлик ва самарадорликни кучайтириб, бюрократик тўсиқларни камайтиради ва коррупция хавфини пасайтиради.

Натижада, конструктив сиёсий технологиялар давлат институтларининг ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Улар замонавий давлат бошқарувининг ажралмас қисми сифатида давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатни янги босқичга олиб чиқади.

Деструктив сиёсий технологиялар таъсири фақат шахс ёки жамият даражаси билан чекланиб қолмасдан, давлат бошқаруви тизими ва сиёсий институтлар фаолиятига ҳам жиддий хавф туғдиради. Рақамли коммуникация майдонида манипулятив ахборотлар, психологик таъсир воситаларининг кенг тарқалиши давлат институтларининг легитимлигига зарба бериб, сиёсий барқарорликни издан чиқариши мумкин. Ахборот муҳитининг бузилиши ва фейк контентнинг кўпайиши давлат органлари ҳақидаги жамоат фикрини сунъий шакллантириб, аҳолининг давлатга нисбатан ишончини сусайтирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга, деструктив сиёсий технологиялар сиёсий қарорлар қабул қилинишига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказиб, мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлик тизимига жиддий таҳдид солиши мумкин. Бундай технологиялар давлат бошқарувида ижтимоий беқарорлик, сиёсий ихтилоф ва ташқи таъсирларга мойилликни кучайтириш орқали демократик институтларнинг самарадорлигини камайтиради.

Деструктив технологиялар **давлат** бошқаруви тизими ва сиёсий институтлар барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади:

▪ **Давлат институтларига бўлган жамоатчилик ишончининг пасайиши.** Деструктив сиёсий технологиялар орқали тарқатиладиган фейк хабарлар ва манипулятив таҳлиллар жамоатчиликнинг давлат институтларига нисбатан ишончини изчил равишда сусайтирувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бундай ахборот таъсири натижасида расмий ахборот манбаларининг ишончлилигига шубҳа кучайиб, фуқаролар онгида сиёсий тизимнинг легитимлигига нисбатан танқидий, айрим ҳолларда эса беқарор муносабат шаклланади.

Оқибатда давлат органларининг ижтимоий таянчи заифлашиб, жамоатчилик билан институционал тузилмалар ўртасидаги ўзаро ишонч ва самарали мулоқотни таъминловчи коммуникация механизмлари издан чиқади. Ишонч инқирозининг чуқурлашиши давлат томонидан қабул қилинаётган стратегик қарорларни амалга ошириш жараёнини

мураккаблаштириб, ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасининг пасайиши орқали сиёсий барқарорликни сақлашга салбий таъсир кўрсатади. Узоқ муддатли истиқболда мазкур жараёнлар давлат бошқаруви самарадорлиги ва жамият барқарор тараққиётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

▪ *Давлат бошқаруви самарадорлигининг сусайиши.* Ахборот манипуляцияси орқали давлат бошқаруви тизимига йўналтирилган деструктив таъсирлар давлат бошқаруви самарадорлигининг сусайишига олиб келувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, манипулятив ахборотлар ва дезинформация қарор қабул қилиш жараёнининг объектив ва ишончли ахборот базасини бузиб, давлат органларининг асосланган ва рационал қарорлар қабул қилиш имкониятларини чеклайди.

Дезинформация оқимининг кучайиши давлат тузилмаларининг таҳлилий ва прогноз қилиш салоҳиятини пасайтиради, натижада бюрократик жараёнларда нотўғри, асоссиз ёки кечиккан бошқарув қарорларининг қабул қилиниши эҳтимоли ортади. Шу билан бирга, манипулятив таъсирлар давлат хизмати ходимларининг мураккаб ахборот муҳиtida тўғри йўналиш топиш, маълумотларни танқидий таҳлил қилиш ва устувор вазифаларни белгилаш қобилиятини сусайтиради.

Оқибатда бошқарув механизмларининг институционал самарадорлиги камайиб, молиявий, инсон ва ташкилий ресурсларни нотўғри тақсимлаш хавфи ортиб боради. Узоқ муддатли истиқболда мазкур жараёнлар давлат бошқаруви тизимининг барқарорлиги ва унинг жамият олдидаги функционал самарадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

▪ *Сиёсий институтларнинг легитимлиги ва барқарорлигининг заифлашиши.* Деструктив сиёсий технологиялар сиёсий институтларнинг легитимлиги ва барқарорлигини заифлаштирувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Аксар ҳолларда бундай технологиялар сиёсий институтлар обрўсига путур етказиш, жамоатчилик онгида улар фаолиятига нисбатан салбий тасаввурларни шакллантириш мақсадида қўлланилади. Манипулятив ахборот хуружлари сиёсий институтларнинг тарихий, ҳуқуқий ва мафкуравий асосларини шубҳа остига қўйиб, уларнинг жамиятдаги легитим мақомини изчил равишда сусайтиради.

Натижада сиёсий тизимнинг ички мувозанати бузилиб, жамоатчилик норозилиги намоёнларининг кўпайиши, популистик риториканинг фаоллашуви ҳамда радикал ғоя ва ҳаракатларнинг кенгайиши учун ижтимоий-психологик шароит вужудга келади. Легитимликнинг заифлашиши сиёсий институтларнинг бошқарув салоҳиятини чеклаб, уларнинг жамиятни консолидация қилиш имкониятларини камайтиради. Оқибатда мазкур жараёнлар сиёсий тизимнинг умумий барқарорлигига ва давлат бошқарувининг узлуксиз фаолиятига жиддий таҳдид солади.

▪ *Миллий хавфсизлик ва давлат барқарорлигига доир таҳдидларни кучайтириши.* Деструктив сиёсий технологиялар миллий хавфсизлик ва давлат барқарорлигига доир таҳдидларни кучайтирувчи муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Хусусан, кибертаҳдидлар, ахборот хуружлари ҳамда ташқи манипулятив таъсирлар орқали давлат хавфсизлик тизимининг

функционал самарадорлиги заифлаштирилиши мумкин. Ахборот маконининг беқарорлашуви эса ташқи сиёсий субъектларнинг мамлакат ички ижтимоий-сиёсий жараёнларига ноқонуний ёки билвосита аралашув имкониятларини кенгайтиради.

Бундай деструктив таъсирлар орқали жамият ичида мавжуд ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар қўзғатилиши, сиёсий муҳолифат сунъий равишда фаоллаштирилиши ёки турли ижтимоий тўқнашувларни келтириб чиқаришга қаратилган сценарийлар амалга оширилиши эҳтимоли ортади. Натижада давлатнинг стратегик барқарорлиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда миллий хавфсизлик тизимининг институционал мустаҳкамлиги хавф остида қолади. Узоқ муддатли истиқболда мазкур жараёнлар давлат суверенитети ва жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи омил сифатида намоён бўлади.

Деструктив сиёсий технологиялар давлат бошқаруви тизими ва сиёсий институтлар барқарорлиги учун стратегик хавф манбаи ҳисобланади. Манипулятив ахборотлар, фейк контент, психологик босим ва ташқи таъсирлар орқали амалга оширилаётган таъсирлар давлат органларига бўлган ишончни пасайтиради, институционал легитимликни заифлаштиради ва жамоат фикрини сунъий равишда бошқариш орқали сиёсий қарорлар сифатига путур етказди.

Бундай технологиялар давлат сиёсатига ноқонуний аралашув имкониятини кучайтиради, ички сиёсий барқарорликка таҳдид солади ва хавфсизликка оид хатарларни янада оғирлаштиради. Ахборот муҳитининг бузилиши демократик институтларнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилган ҳолда, сиёсий тизимда беқарорлик, ихтилоф ва ташқи манипуляцияларга мойилликни оширади.

Сиёсий технологиялар нуқтаи назаридан қаралганда, деструктив таъсирларга қарши самарали механизмлар — ахборот хавфсизлигини кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаш, фуқаролар медиасаводхонлигини ошириш ва рақамли сиёсий жараёнларни шаффофлаштириш — давлат барқарорлигини сақлашнинг муҳим шартларидир. Шу боис деструктив сиёсий технологияларни нейтраллаштириш замонавий давлат бошқаруви ва демократик институтлар ривожини учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Нажмиддин ИСМОИЛОВ, ўқитувчи
Бастигул ЗИЁТОВА, талаба
(Термиз давлат Педагогика институти)

МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪСИРИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ: ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «... биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз»¹.

XXI асрда инсоният тараққиёти ахборот технологиялари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, медиатеchnологиялар ҳаётнинг барча жабҳаларига чуқур кириб борди. Глобал коммуникация тармоқлари, ижтимоий медиа ва рақамли платформаларнинг ривожланиши инсон дунёқараши, қадрият тизими ва ижтимоий онгига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ёшлар бу жараённинг энг фаол иштирокчиларидир. Уларнинг маънавий қадриятларига медиатеchnологиялар қандай таъсир этаётгани бугунги кунда долзарб масала сифатида кўрилмоқда.

«Бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдида бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларида нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айтиш вақтида юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади»², – деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Республикамызда сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини илғор тажрибалар ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш, олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш, умумий ўрта таълим муассасалари ва олий таълим ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш, таълим мазмунини рақамли методлар талабларига мос янгилаш ҳамда таълим жараёнлари самарадорлигини оширишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. «*Медиа соҳасини тизимли ислоҳ қилиш, ахборот етказиш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш*» устувор йўналиш этиб белгиланди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021.

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак.

Ижтимоий тармоқ – бу қизиқишлари ўхшаш ёки офлайн-алоқага эга бўлган одамлар ўртасида мулоқот қилиш, танишиш, ижтимоий муносабатлар яратиш учун, шунингдек, кўнгилочар (музыка ва фильмлар) ва иш мақсадларида ишлатиладиган онлайн платформадир. Ижтимоий тармоқлар интернетга 1995 йилда кириб келиб, 2003-2004 йилларда кескин оммалашди.

Жамиятшунос Шерри Теркл «Alone together» номли китобида *«Ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар инсонийликни барбод қилаётган аҳмоқликнинг янги шаклидир»*. Шу боис, инсонларнинг ахборот жамияти ҳаётида фаол ва самарали иштирок этиши учун янги билим, кўникма ва кўрсатмалар зарур¹. Тез-тез қўлланилувчи «саводхонлик» атамаси бугунда «рақамли», «компьютер», «визуал», «технологик», «коммуникацион» ва, албатта, «медиа» ва «ахборот» каби тушунчалар билан бирга қўлланилмоқда. Бундай аъана мазкур йўналишда изланишлар олиб борилишига ортиб бораётган қизиқишдан ва замонавий жамиятнинг шиддат билан ўзгариб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда медиасаводхонлик ва ахборот маданияти, кино, театр, санъатнинг турлари, маданият сарчашмалари, интернет орқали узатилаётган ҳар қандай маълумот инсон онгига ўзининг маълум бир таъсирини ўтказиб, унинг дунёқарабини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда. Юқорида тилга олинган тушунчаларнинг қўлланилиши ва бугунги кунда медиатаълим, медиасаводхонлик, медиатанқид ва медиани ўрганишга бўлган интилишнинг асосий мақсади ҳам ахборотнинг яратилиши, унинг тарқалиш жараёнини тушуниб этиш, тижорат, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий мақсадларда тарқатилаётган ахборотнинг моҳиятини англаган ҳолда уни баҳолай олишдир.

Жаҳон медиа бозорида бир нечта йирик иштирокчилар мавжуд бўлиб, улар ахборотни глобал миқёсда тарқатишда етакчи роль ўйнайди:

1. Ғарбий медиа империялари. CNN, BBC, Reuters, The New York Times, Bloomberg каби тармоқлар кўп йиллик тажриба ва аудитория ишончига эга.

2. Шарқий рақобатчилар: Хитойнинг Xinhua, CGTN ва Россиянинг RT каналлари Ғарбийдоминацияга муқобил сифатида фаолият юрИТмоқда.

3. Рақамли гигантлар: Google (YouTube), Meta (Facebook, Instagram), TikTok, X (собиқ Twitter) каби платформалар орқали ахборот тарқатиш тезлиги ва кўлами кескин ошди.

4. Маҳаллий ОАВ ва блогосфера: Ҳар бир мамлакат ўз ахборот маконини ҳимоя қилиш ва мустақил ахборот сиёсатини юритиш йўлида миллий ОАВ, ижтимоий медиа ва блогерлар кучидан фойдаланмоқда.

Рақобатнинг ижобий ва салбий жиҳатлари:

Ижобий жиҳатлари. Ахборот манбаларининг хилма-хиллиги, турли позицияларни эшיתיш имконияти кенгайди, тезкорлик, ҳар қандай воқеа реал вақт режимида ёритилади, фикрлар эркинлиги.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2017.

Салбий жиҳатлари. Ахборот урушлари, медиада нотўғри ёки манипуляцион маълумотлар кўпайди, ёлғон хабарлар (фейк), ижтимоий тармоқларда тасдиқланмаган маълумотларнинг тез тарқалиши, ахборот суверенитетининг йўқолиши, чет эл медиа ресурслари маҳаллий ахборот майдонини босиб олиши мумкин¹. ғ

Медиа маданият деганда ХХ асрда оммавий ахборот воситалари таъсирида пайдо бўлган ва шаклланган замонавий Ғарб капиталистик жамияти тушунилади. Бу атама оммавий ахборот воситаларининг нафақат жамоатчилик фикрига, балки дид ва қадриятларга ҳам кўрсатадиган умумий таъсири ва интеллектуал таъсирини англатади. Оммавий ахборот воситалари, реклама ва жамоатчилик билан алоқаларга йўналтирилган медиа маданият кўпинча оммани манипуляция қилишга қаратилган тизим сифатида қаралади. Корпоратив оммавий ахборот воситалари асосан доминант мафкураларни ифодалаш ва кўпайтириш учун ишлатилади. 1940 йилларда бу тенденциянинг ривожланишида Теодор Адорнонинг иши яққол намоён бўлди. Медиа маданияти истеъмолчилик билан боғлиқ ва шу маънода муқобил равишда „истеъмол маданияти «деб номланади»².

Ахборот (*лотинча информатиб «бирор нарсани аниқлаштириш, ифодалаш, тушунчаси, маълумот шакл бериш, ўрғатиш; ўйлаш, тасаввур қилиш»*) - тақдим этиш маъноларини англатади. Жамиятда одамлар ўртасидаги алоқа фактори бўлимлар ўртасидаги «кўприк» - бу ахборотдир.

Ахборотлаштириш билимларни ижтимоийлаштириш, уни жамоат мулкига айлантиришнинг энг муҳим усули ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, фақат билимларнинг умумий фойдаланиш имконияти ва жаҳон маданиятининг барча ютуқлари асосида жамиятнинг аъъанавий мафкуравий муносабатларида ўзгаришлар юз бериши мумкин. Ахборотлаштириш жараёнида миллатнинг интеллектуал ва ахборот салоҳияти юксалиб, билишнинг ўз имкониятлари сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Бу бутун жамиятнинг интеллектуаллашувининг кучайишига олиб келади.

«Ахборот маданияти» тушунчасида етакчи сўз «маданият» бўлиб, у энг катта семантик юкни ўз ичига олади. Энг кўзга кўринган маҳаллий маданиятшуносларнинг тадқиқотлари маданиятни ягона субъекти ва асосий объекти шахс бўлган натижа, жараён, усул, муносабат, норма, фаолият тизимини англатувчи мураккаб тушунча сифатида таърифлашга имкон беради.

Америкалик олим Э.Тоффлер «Учинчи тўлқин» асарида: *«Инсоният ортда қолдирган йўл уч босқичдан иборат»*, деган фикрни илгари суради. Ахборот жамияти пайдо бўлиши билан одамлар ҳаётига янги атамалар ва тушунчалар тезда кириб келди. Ахборот жамияти аҳолининг ахборот эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши билан тавсифланади.

Й.Очерет *«Жамиятдаги бирорта ривожланишни ахборот маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундан ташқари, ахборот*

¹ Каримов Н. Ахборот макони ва мафкуравий таҳдидлар. – Тошкент: Академнашр, 2020.

² Муратова.Н. Журналистика медиа ва ахборот саводхонлиги. Журналистлар ва медиа соҳасидаги таълим берувчилар учун қўлланма, 2019.

воситалари техник таъминот имкониятларининг кенгайиши билан ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ахборот маданиятининг роли ва ўрни ошди», деб таъкидлаган.

Профессор А.Умаровнинг ёзишича, ахборотнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ошгани сари ахборот маданиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун, энг аввало, шахснинг ахборот маданиятини таркиб топтириш лозим. Шунингдек, ахборотнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ошгани сари ахборот маданиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун, энг аввало, шахснинг ахборот маданиятини таркиб топтириш лозим¹.

Олиб борилган ахборот-таҳлилий натижалар ва статистик маълумотларга кўра, Фасебоок ҳозирги вақтда дунёда энг машҳур ижтимоий тармоқ сифатида етакчи ўринда бормоқда. Бугунги кунга келиб, Фасебоок тармоғида рўйхатдан ўтганлар сони бир неча миллиард кишидан ортганлиги маълум қилинган. Ундан кейинги ўринларни эса Twitter Instagram, LinkedIn, Google, Pinterest, Snapchat, YouTube, ReddIT, WhatsApp, Flickr, Weibo эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, давлатимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқларни жаҳон медиа маконида кенг тарғиб қилиш ҳамда инсон маънавиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган жуда кўплаб маълумотлар ёритиб борилмоқда.

Шу билан бирга, миллий менталитетимизга раҳна солувчи турли ифволар, ғийбатлар, миллий маданиятларнинг кушандаси бўлган – «оммавий маданият» ниқобидаги таҳдид ва бошқа иллатлар хавф солиши ҳамон давом этмоқда. Кишининг таъбини хира қиладиган жиҳати, ижтимоий тармоқлар орқали «оммавий маданият» ниқоби остида юртимизга бузуқ ғоялар, ахлоқсизлик, ғайриинсоний одатлар кириб келмоқда. Миллатнинг тарихи, ўтмишдаги қадриятларини рад этувчи, «оммавий маданият»ни тарғиб этишга ундовчи мафкуравий курашларнинг барчаси айнан ижтимоий тармоқлар орқали олиб борилмоқда.

Медиатехнологиялар ёшлар учун бир томондан ўқиш, ижод қилиш, фикр алмашиш, маданий мулоқот қилиш имконини яратади. Аммо иккинчи томондан, нотўғри ахборот, виртуал зўравонлик, ахлоқий бузуқлик, «омма маданияти» оқимлари уларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, таълим муассасалари, оила ва жамият биргаликда ёшларни ахборот оқимини тўғри таҳлил қилишга, танқидий фикрлашга ўргатишлари керак. Интернет орқали жуда кўп ижобий маълумотлар билан бирга, Шарқ маданиятига, хусусан, ёшларнинг ахлоқ-одобига салбий таъсир этувчи ахборотлар ҳам кириб келади. Буларнинг олдини олиш учун, кишиларда, айниқса, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириб бориш лозим. Бунинг учун тармоқдан иллат қидириш эмас, балки унинг имкониятларидан юртимиз шон-шухратини дунё миқёсида кенг ёйиш йўлида

¹ Қамбаров А. Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавий ахлоқий тарбиясига таъсири номли мақола. – Тошкент, 2024.

фойдаланиш зарур. Ёшлар онгида миллий ғоя, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, турли ёт ғояларга кўр-кўрона эргашишнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунчалар бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар маънавиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. **«Ёшлар – келажагимиз»** дастури, **«Маънавият ва маърифат маркази»** фаолияти, **«Ёшлар ишлари агентлиги»** ташаббуслари орқали ахборот маданиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Замонавий дунё, ривожланган жамият ёшларда ахборот воситаларини бутунлай чеклаб қўйишнинг иложи йўқ. Аммо шуни унутмаслик лозимки, ҳар ишда чегара ва меъёр бўлганидек, ўз домига тортувчи визуал оламга шўнғиб кетмаслигимиз даркор.

Жамиятдаги ҳар қайси соҳа айнан ахборот технологиялари билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари орқали миллий ғурур, тарихий хотира, маданият ва адабиёт тарғиб қилинмоқда. Бу ташаббуслар ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Замонавий технологиялар ҳамда маънавият бир-бирини тўлдирадиган, бойИТадиган, ёш авлод онги ва қалбига умид, ишонч, миллатпарварлик туйғуларини сингдирадиган соҳалардир. Таълим ҳамда тарбия эгизак бўлиб, миллат ривожланишининг пойдевори вазифасини бажаради. Технология инсон такомилида шакл, маънавият эса мазмун бўлади. Шундай экан, шакл ва мазмун бирлигига эришиш бош мақсадимизга айланиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, медиатеchnологиялар ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Уларнинг маънавий қадриятларига бу технологиялар таъсири мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, унга ижобий ҳамда салбий омиллар биргаликда таъсир этади. Илмий-техника тараққий этиб, компьютер ва ахборот технологиялари ривожланса-да, санъатга бўлган қизиқиш асло сўнмайди. Ҳақиқий санъат ва маданият дурдоналари инсоннинг қалбига, руҳий дунёсига таъсир этади ва алланечук ҳиссиётлар уйғотади. Улар инсонларга муҳаббат ва нафрат, қувонч ва қайғу туйғуларини тўғри англаш ва уларни эъозлашни ўргатади. Шунинг учун ёшлар орасида ахборот маданиятини ошириш, танқидий фикрлашни ривожлантириш ва миллий маънавиятни асраш борасида тизимли ишларни давом эттириш зарур. Фақат шундагина медиатеchnологиялар ёшлар маънавий камолотининг ижобий омилига айланиши мумкин.

Азиза ЖЎРАҚУЛОВА, талаба
(Навоий давлат университети)

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

XXI аср бошидан бошлаб сиёсий жараёнларнинг рақамлаштирилиши тез суръатлар билан жадаллашиб бормоқда. Интернет технологиялари

сиёсий ахборотнинг тарқатилиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, давлат билан фуқаролар ўртасидаги мулоқот механизмларини тубдан ўзгартирди. Рақамли коммуникациялар сиёсий тизимларнинг очиклиги, шаффофлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим омилига айланди. Шу боис, интернет сиёсий маконнинг янги майдонини шакллантирди ва анъанавий сиёсий институтлар фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда¹.

Ҳозирги даврда яъни ривожланишда давом этаётган ушбу замонда давлатнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокида интернет технологияларининг роли бекиёс. Интернет технологиялари тақдим этаётган янгича ёндашувлар давлат сиёсатини янада чуқурроқ ўрганиш ва фойдаланиш усуллари тақдим этади. Бир қанча ижобий таъсирларни тақдим этгани ҳақиқатдан йироқ эмас, бироқ ҳар доим ҳам интернет технологиялари мамлакатнинг сиёсий ҳаёти учун фойдали томонларини очиб бермайди.

Мазкур камчиликлар жамиятнинг маънавий тараққиётидаги ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган камчиликларни келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммолар таснифида, жамиятда фуқароларнинг сиёсий жараёнларга муносабати ва ўзлигини англаш жараёни қайта кўриб чиқилиши муҳим бўлган долзарб масалага айланиб қолмоқда. Улар туфайли, фуқаролар давлат ҳаётидаги баъзи муаммолардан огоҳ бўлишмоқда ва бевосита ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Шунингдек, баъзи манбалар сабабли, фуқаролар ўз ҳуқуқларини тўлақонлигача англаб этиш имкониятига эга бўлади. Албатта, мазкур жараён фуқаролар учун ижобий, аммо баъзи инсонлар ҳақиқатга яқин бўлмаган хабарлар орқали ўз мажбуриятларини ва ҳуқуқларининг тўлиқ аҳамиятини англаб этишда бир қанча муаммоларга юзланмоқда. Бу эса, ҳали жамиятимизда тўлақонлигача ўрганилмаган, яъни, интернет технологияларига нисбатан муаммоларнинг борлигидан далолат беради. Юқорида келтириб ўтилган мазкур сабаблар ёки намуналар, интернет технологияларининг сиёсий жараёнларда тутган аҳамияти шунчаки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолат эмас, балки давлат аҳамиятида ҳам бекиёс даражада эга эканлиги намуналар орқали аниқланиб бормоқда.

Интернет технологияларининг сиёсий жараёнларга оид бир қанча ижобий таъсирлари бор эканлиги маълум. Интернет технологияларининг сиёсий жараёнлардаги энг сезиларли омилларидан бири бу ахборотларнинг тезкор ва кенг миқёсда тарқалиши, яъни дунёнинг исталган нуқтасидан бўлишидан қатъи назар, янгиликлардан ҳеч қандай камчиликларсиз тезкор равишда хабардор бўлиш имконини тақдим этади. Кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурган, яъни, бизга ахборотларни чекланган тарзда тақдим этадиган ОАВ (*газета, радио, телевидение*) ҳисобланади, бироқ ҳозирги кунда урфга кирган ижтимоий тармоқлар (*Facebook, Telegram, Instagram* ва яна бир қатор тармоқлар), янгиликлар порталлари ва блоглар

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2016.

тез фурсатда янгиликларни дунёнинг исталган нуқтасига етказиш ва ўша ерда туриб ҳеч қандай камчиликларсиз тезкор равишда фойдаланиш усулларини тақдим этади¹.

Жумладан, сиёсий блоглар ва онлайн нашрлар чуқур таҳлиллар ва турли нуқтаи назарларни тақдим этиш орқали жамоатчилик мунозараларини жонлантиради. Ушбу жараён орқали, кўплаб фуқаролар давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим воқеаларга нисбатан шахсий фикрларини тақдим этиш имконига эга бўлади. Фуқаролар турли давлат хизматларини (*солиқ тўлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва яна бошқалар*) онлайн усулда амалга оширилиши мумкин. Бу маълум бир муаммоларининг ечимига сабаб бўлади, вақтнинг нисбатан кам сарфланишини таъминлайди ва хизматларнинг қулайлик даражасини оширади. Шунингдек, хизматларнинг сифатини яхшилаш имкониятини қўлга киритадилар.

Интернетнинг жамият сиёсий ҳаётига таъсири фақат ижобий томонлар билан чекланмайди. Унинг кенг миқёсда тарқалиши бир қатор жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Албатта, интернет ахборотнинг тез фурсатда тарқалишини таъминлаганидек, ёлғон ва нотўғри маълумотларнинг ҳам тез ёйилишига имкон яратади. Бу жамоатчилик фикрини чалғитиши, сиёсий институтларга бўлган ишончни йўқолишига таъсир қилиши мумкин. Интернетдан фойдаланиш имкониятларининг бир текисда тақсимланмаслиги айрим гуруҳларнинг (*масалан, қишлоқ аҳолиси, қариялар, кам таъминланганлар*) рақамли сиёсий жараёнлардан четда қолишига олиб келади. Интернетда сиёсий мунозаралар жараёнида фуқароларнинг бири-бирига нисбатан хурмасизлиги, ахлоқ-одоб қоидаларининг заифлашуви олиб келади. Бу эса, соғлом сиёсий мулоқотга тўсқинлик қилади ва баъзи гуруҳларнинг иштирокини сусайтиради.

Интернет технологиялари ва рақамли трансформация сиёсий жараёнларнинг кўплаб жиҳатларини тубдан ўзгартирмоқда. Давлат бошқаруви, фуқаролар билан мулоқот, ахборот тарқалиши, жамоатчилик фикрининг шаклланиши ҳамда сиёсий мобилизация имкониятлари кенгаймоқда. Бу жараёнлар демократик институтлар, е-ҳукумат ва фуқаролик жамияти ривожига муҳим салоҳиятга эга.

Интернет технологиялари замонавий сиёсий жараёнларнинг муҳим қисмига айланган ва уларнинг зарурий йўналишлари учун ҳам ўз ижобий ва салбий таъсирларини бевосита намоён этиш имконига эга. Улар фуқаролар учун сиёсий жараёнларда иштирок этиш, ахборотга эга бўлиш ва ҳукуматдан сиёсий жараёнлар ҳақида хабардор бўлиш учун кенг имкониятлар яратади. Бироқ, бу технологиялар ёлғон ахборотларнинг тарқалиши ва рақамли тафовут каби жиддий таҳдидларни ҳам олиб келмоқда. Ушбу ҳолатлар инсоннинг интернет технологиялари ҳақидаги шахсий фикрларини

¹ Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

ўзгартириш кучига эга, бироқ инсонлар ундан ўз эҳтиёжлари йўлида имкон даражасида фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади¹.

Келажақда интернетнинг сиёсий жараёнлардаги роли янада ортиб бориши шубҳасиз. Ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш келажақдаги муаммоларни бироз бўлса-да камайтириши мумкин ва шунингдек ундан янада шаффоф ва адолатли жамият қуриш йўлида самарали фойдаланишимиз мумкин эканлиги, инсоннинг интернет технологиялари ҳақидаги фикрларининг янада теранлашишига замин яратади.

Шу сабабли, сиёсий жараёнларда интернет ва рақамли платформалардан тўлиқ ва онгли фойдаланиш – нафақат қулайлик, балки жамиятнинг демократик ривожи, шаффофлик, фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш ва давлат ҳамда жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим омилidir.

Бобир КАРИМОВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОМИЛИ (ЁШЛАР РАДИКАЛЛАШУВИ МИСОЛИДА)

Ҳозирги глобаллашув шароитида ижтимоий тармоқлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига, хусусан ёшлар онги ва дунёқарашига кучли таъсир кўрсатмоқда. Интернет ва рақамли платформалар ахборот алмашинуви тезлаштириш, таълим ва мулоқот имкониятларини кенгайтириш билан бирга, турли ғоявий таҳдидлар, жумладан радикал ва экстремистик қарашларнинг тарқалиши учун ҳам қулай муҳит яратмоқда.

Ўзбекистонда интернет фойдаланувчиларининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этиши, айниқса «Telegram» ва «YouTube» каби платформаларнинг кенг қамровга эга экани ёшлар радикаллашуви масаласини долзарб сиёсий-ижтимоий муаммога айлантирмоқда. Ахборот маконида назоратсиз тарқалаётган манипулятив таҳдидли контентлар ёшларнинг онгига салбий таъсир кўрсатиб, миллий хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамлаштириш жараёнлари жадал суръатларда кечмоқда. 2025 йил якуни ва 2026 йил боши ҳолатида, мамлакатдаги мавжуд интернет фойдаланувчилари сони 33,1 млн. нафардан ошиб, аҳолининг 89-94 фоизни қамраб олган. Бу кўрсаткични 2021 йил билан таққослаганда (76,6 фоизни ташкил этган), интернет инфратузилмаси ва рақамли хизматларнинг сезиларли ортганини кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

Шу билан бирга, фаол мобил алоқа воситалари сони 33,9 млн.га етиб, аҳолининг 91 фоизини қамраб олган¹.

Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар ичида «Telegram» Ўзбекистон ахборот маконида етакчи ўринни эгаллаб, 20-25 млн. фаол фойдаланувчига эга. Интернет фойдаланувчиларининг деярли барчаси ушбу платформа хизматларидан фойдаланади. «Telegram» нафақат мулоқот воситаси, балки янгиликлар тарқатиш, таълим, электрон тижорат ва жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг муҳим рақамли майдонига айланган. Мамлакатда 170 мингдан ортиқ маҳаллий «Telegram» каналларининг мавжудлиги бу платформанинг таъсир даражасини янада оширади. Видео-контент соҳасида «YouTube» етакчи ўринни эгаллаб, ойлик фаол фойдаланувчилар сони 13 млн.дан ошган. Фойдаланувчиларнинг асосий қисмини (90 фоиз) мобил қурилмалар ҳиссасига тўғри келади бўлиб, асосий аудиторияни 18-24 ёшли ёшлар ташкил этади. Шунингдек, «Instagram» (14,1 млн.), «TikTok» (2,6 млн.), «Facebook» (2,3 млн.) ва LinkedIn (1,1 млн.) платформалари ҳам маълум даражада ижтимоий ахборот муҳитига таъсир кўрсатмоқда².

2026 йил бошига келиб стационар интернетнинг ўртача тезлиги 86,7 Мбит/с га етгани рақамли муҳитнинг сифат жиҳатдан яхшиланганини кўрсатади. Фойдаланувчиларнинг ярмидан ортиғи 27 ёшдан кичик экани эса ижтимоий тармоқлардаги ахборот оқимлари, трендлар ва ғоявий таъсирнинг асосий объекти айнан ёшлар эканини англатади.

ИИБ маълумотида кўра, Ўзбекистонда кибержиноятлар сони сўнгги 5 йил ичида 68 мартага ошган (*2019 йилдаги 4,8 мингтадан 2024 йил охирида 62,4 мингтагача*). Бу ўз навбатида, рақамли маконнинг нақадар «криминаллашганини» кўрсатади³. Шу боис, Ўзбекистоннинг сиёсий хавфсизлигини таъминлаш стратегиясида рақамли макондаги ёшлар аудиторияси билан ишлаш устувор йўналишга айланмоқда.

Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг тез суратлар билан ривожланиб бориши деструктив оқимларнинг ёшларга таъсир ўтказиш усулини ўзгартирди. Энди улар жисмоний ва юзма-юз тарғиботга боғлиқ бўлмаган рақамли маконларда фаолият юритишлари ва онлайн форумлар, шифрланган хабар алмашиш иловалари ва ўйин платформалари орқали амалга оширадилар. Анъанавий радикализмга қарши кураш стратегиялари бу ўзгаришларга мослашишда қийналди, бу эса ёшларнинг радикаллашувини шошилишч равишда халқаро эътиборни талаб қиладиган глобал муаммога айлантирди.

Интернет қамровининг кенгайиши ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш даражасининг ошиши билан бир қаторда, виртуал муҳитда экстремистик ва террористик ғояларнинг тарқалиш хавфи ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, ахборот маконида назоратсиз ва яширин тарзда

¹ ЎзА (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги), DataReportal: Digital 2026 Uzbekistan.

² DataReportal Global Digital Insights, StatCounter Global Stats.

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Киберхавфсизлик марказининг расмий ахборот маркази

тарқатилаётган мафкуравий таҳдидлар миллий ва сиёсий хавфсизликка жиддий хатар сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, 2025 йил 8 январь ҳолатида 1 389 та, 2026 йил 10 январь ҳолатига келиб эса 1 593 та интернет сегментлар (*Telegram* каналлари, *ижтимоий тармоқлар саҳифалари ва веб-сайтлар*) экстремистик ва террористик мазмунда деб топилиб, тақиқланган ¹. Бу кўрсаткич виртуал маконда мафкуравий таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини англатади.

Платформалар кесимида таҳлил қилинганда, тақиқланган ресурсларнинг катта қисми «Telegram» мессенжери ҳиссасига тўғри келади (*710 тадан ортиқ канал*). Шунингдек, «Instagram»да 220 дан ортиқ профиль, «Facebook»да эса 200 га яқин саҳифа экстремистик фаолият билан боғлиқ деб эътироф этилган. Бу ҳолат ижтимоий тармоқлар, айниқса кенг аудиторияга эга платформалар, ғоявий таъсир ўтказиш учун асосий восита сифатида қўлланилаётганини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, ёшлар виртуал муҳитдаги мафкуравий хуружларнинг асосий нишони ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этиши, шунингдек, уларнинг интернет ва ижтимоий тармоқларда юқори фаоллиги экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолиш хавфини оширади.

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий тармоқларда ёшлар радикаллашувининг олдини олиш масаласи Ўзбекистон сиёсий хавфсизлигини таъминлашда устувор йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Замонавий глобал ахборот муҳитида давлат чегараларининг аҳамияти нисбатан пасайиб, ғоявий таъсирлар трансчегаравий тус олмоқда. Ўзбекистон учун ёшларнинг виртуал радикаллашуви шунчаки ҳуқуқбузарлик ҳодисаси эмас, балки мамлакатнинг ички сиёсий барқарорлигига раҳна солувчи ва трансмиллий характердаги мафкуравий агрессия сифатида талқин этилиши лозим.

Хусусан, 2024-2025 йиллар давомида Telegram мессенжери ва «Etidal» маркази ҳамкорлигида 97,6 млн.дан ортиқ экстремистик материаллар ўчирилиб, 4 минг 294 та канал блоклангани хавф миқёси нақадар улканлигини кўрсатади ². «YouTube» каби платформалар эса, визуал манипуляция ва дезинформация тарқатиш орқали давлат институтларига нисбатан ишончсизлик уйғотишда асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай рақамли трансформация шахснинг радикаллашув суръатини сезиларли даражада тезлаштириб, миллий ва сиёсий хавфсизлик концепциясини кибермониторинг ва рақамли профилактика йўналишида тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти, Халқ сўзи (xs.uz)

² <https://etidal.org/en/etidal-and-telegram-are-combating-digital-extremism-by-removing-97-million-content-during-2025>

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида экстремистик гуруҳлар фаолиятининг 90 фоиздан ортиғи виртуал платформаларга кўчгани кузатилмоқда, бу эса радикаллашув жараёнининг 60 фоизи айнан интернет тармоғи орқали юз беришига олиб келмоқда. Расмий статистикалар кам бўлса-да, 2025 йилги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, террорчилик жиноятлари содир этган шахсларнинг қарийб 60 фоизи бевосита интернет таъсирида радикаллашган¹.

«Telegram» ва «YouTube» каби платформалар махфийлик имкониятлари туфайли асосий тарғибот майдониغا айланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «2021-2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегияси»² доирасида экстремизм мафкураси тарқалишининг олдини олиш, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар орасидаги хавфларни бартараф этиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Бу ҳолат рақамли профилактика ва кибер-мониторинг чораларини кучайтиришни давр талабига айлантирмоқда.

Замонавий сиёсий инқирозлар контекстида ижтимоий тармоқлар нафақат ахборот воситаси, «**Рақамли авлод**» (**Gen Z**) томонидан анъанавий сиёсий институтларни ағдариш ва оммавий радикаллашувни мувофиқлаштириш учун ишлатиладиган «рақамли қурол»га айланди.

Мисол учун Непал ва Мадагаскардаги сўнги воқеалар шуни кўрсатадики, ёшлар виртуал маконда лидерсиз, децентрализациялашган ва юқори технологик ҳаракатланиш механизмларини шакллантиришган. Бунда анъанавий платформалар (*Facebook, TikTok*) блокланган тақдирда ҳам, ёшлар Discord, Reddit ва Bluetooth-мессенжерлар орқали тезкор мобилизация қилиш имкониятига эга эканлигини кўрсатгани сиёсий хавфсизлик учун янги даражадаги таҳдидларни юзага келтирмоқда.

Жумладан, Непал ҳукуматнинг рақамли чекловларига жавобан бошланган кескинлик натижасида 10 мингдан ортиқ норози ёшлар чиқди. Намойишларни мувофиқлаштириш учун ишлатилган Discord серверларидаги БИТта видео бир кунда 135 минг марта кўрилган. Ушбу виртуал сафарбарлик натижасида юз берган тўқнашувларда 76 киши ҳалок бўлди ва яқунда Бош вазир К.П.Шарма Оли истеъфога чиқишга мажбур бўлди³.

Бундан ташқари, Мадагаскарда «Gen Z Madagascar» ҳаракати томонидан Facebook ва Signal орқали лидерсиз бошқарув тизимини яратди. Ҳаракатнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаси қисқа муддатда 100 мингдан ортиқ обуначига эга бўлди. Интернет ўчирилган шароитда намоийишчилар VITChat (Bluetooth-мессенжер) орқали алоқани давом эттирди. Ушбу технологик устунлик Президент Анри Ражоэлинанинг ҳокимиятдан четлатилишига олиб келди⁴.

¹ <https://stat.uz/en/official-statistics/crime-and-justice.>, The Soufan Center report, Global Terrorism Index 2025

² <https://www.lex.uz/ru/docs/5491626>

³ The 2025 Gen Z Uprising in Nepal: A Three-Part Analysis (Harvard University, 2025).

⁴ Gen Z, Digital Activism, and Regime Change in Madagascar (Stiftung Wissenschaft und Politik, 2025).

Глобал тенденция тадқиқотларга кўра, ушбу давлатлардаги ёшлар ўртасидаги радикаллашув ва норозилик кайфиятининг 80 фоиздан ортиғи ижтимоий тармоқлардаги дезинформация таъсирида шаклланган¹.

Мазкур халқаро кейслар шуни кўрсатадики, рақамли макондаги лидерсиз ҳаракатлар анъанавий хавфсизлик тизимларини кутилмаганда шол қилиб қўйиши мумкин. Бу эса, Ўзбекистон учун ҳам превентив чораларнинг нақадар муҳимлигини англатади.

Рақамли платформаларнинг алгоритмик тузилиши ва психологик таъсир механизмлари ёшлар онгида «ахборот пуфаги» (Information Bubble)ни ҳосил қилиб, давлат институтларига нисбатан стратегик ишончсизликни шакллантирувчи асосий омилга айланди.

Радикал гуруҳлар ижтимоий тармоқларнинг «ахборот пуфаги» эффектидан фойдаланиб, фойдаланувчини фақат бир томонлама, кескинлашган мазмундаги контент билан қуршаб олади. Бу жараёнда «YouTube» ва «Telegram» платформалари инсоннинг эмоционал заифликларини нишонга олиб, мантиқий фикрлашни сусайтиради. Бу эса, ёшларда мавжуд сиёсий тизимга нисбатан нафрат ва нигилистик қарашларни мустаҳкамлайди.

2025 йилги халқаро таҳлилларга кўра, илгари ойлаб ва йиллаб давом этган радикаллашув жараёни эндиликда интернетдаги «қисқа форматли видеолар» таъсирида атиги бир неча кун ёки соатлар ичида юз бермоқда. Ижтимоий тармоқлардаги алгоритмлар сиёсий контентни тезкорлик билан қутблаштиради. Масалан, фойдаланувчи бир марта радикал контентга қизиқиш билдирса, тизим уни фақат шу турдаги маълумотлар билан таъминлай бошлайди («rabbit-hole» эффекти).

«YouTube» ва «Telegram» платформаларига жойлаштирилган юқори эмоционал таъсир кучига эга видеоконтентлар (*айниқса, «адолатсизлик» мавзусидаги*) ёшларда мантиқий таҳлилдан кўра кучлироқ психологик реакция уйғотади. Қирғизистонда ўтказилган сўровда (*108 нафар ёшлар ўртасида*) қатнашганларнинг аксарияти визуал эмоционал саҳналарга эга бўлган тарғибот материалларига кўпроқ ишонч билдирган².

Ижтимоий тармоқларда ўтказилган 2024-2025 йилги мониторинг натижаларига кўра, «Telegram»даги бузғунчи ғояларни тарғиб қилувчи постларнинг 69 фоизи атиги 10 та асосий радикаллашган каналлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар ахборот маконида сунъий равишда «кўпчилик» фикрини яратади.

Шундай қилиб, рақамли платформалар алгоритмлари ёшларни онгсиз равишда радикаллашув траекториясига киритиб қўймоқда. Бу эса, давлат томонидан қарши алгоритмлар ва контр-пропаганда тизимини яратишни тақозо этади.

Рақамли асрда сиёсий хавфсизликни фақат тақиқлар ва блоклаш орқали таъминлаб бўлмайди; «виртуал бўшлиқ» концепциясига кўра, давлат

¹ Gen Z uprising in Asia shows social media is a double-edged sword (BBC News, 2025).

² Analyzing radical visuals at scale: How far-right groups mobilize, 2025.

ва жамият томонидан яратилган жозибадор контент радикал мафкурага қарши энг самарали «юмшоқ куч» ҳисобланади.

Виртуал бўшлиқ стратегияси: Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этиши ва интернет фойдаланувчилари сони 31 млн.дан ошгани (2024-2025 й.й.) бу шароитда, миллий ахборот маконида «бўшлиқ» юзага келишига йўл қўйиб бўлмайди. Радикал гуруҳлар профессионал визуал эффе́ктлар ва эмоционал таъсир усуллари́дан фойдаланиб, ёшларни ўз тузоғига илади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёшларнинг 70 фоизи ахборотни визуал шаклда қабул қилади. Агар давлат ижтимоий тармоқларда (*TikTok, Instagram, YouTube*) сифатли альтернатив тақдим этмаса, алгоритмлар ёшларни автоматик равишда радикал оқимларнинг «тавсиялар» рўйхатига йўналтиради. Мисол учун, Ўзбекистонда 2026 йил ҳолатига кўра, тақиқланган манбалар сони 1500 тадан ошган бўлса-да, янги каналларнинг пайдо бўлиш тезлиги юқориликча қолмоқда. Шунда, сиёсий хавфсизликнинг асоси сифатида ёшларнинг ахборотни саралаш маданиятини шакллантиришдир.

Ўзбекистон сиёсий хавфсизлиги учун **«Миллий контент»** – бу нафақат кўнгилочар соҳа, балки стратегик ресурсдир. Хусусан, ёш блогерларни қўллаб-қувватлаш, миллий қаҳрамонлар тимсолини яратиш (*масалан, Жалолиддин Мангуберди ёки замонавий IT ютуқлари*) ва қисқа ҳажмдаги «жозибадор ҳикоялар»ни оммалаштириш орқали радикаллашувга қарши «психологик қалқон» ҳосил қилинади.

Сиёсий хавфсизлик тизимининг самарадорлиги эндиликда инсон омилига эмас, балки сунъий интеллект асосидаги превентив алгоритмлар ва рақамли дипломатия имкониятларига боғлиқдир.

Ҳозирги ахборот маконидаги глобаллашув даврида ҳар куни ўзбек тилидаги миллионлаб постлар ва видеоларни қўлда назорат қилиш имконсиз. Ўзбекистон сиёсий хавфсизлиги учун «Semantic Analysis» (*семантик таҳлил*) қилувчи СИ тизимларини жорий этиш зарур. Бу тизимлар нафақат калит сўзларни, балки контекстдаги радикал кайфиятни ва яширин мафкуравий белгиларни (кодларни) аниқлаши лозим. Хусусан, 2025 йилги маълумотларга кўра, дунё бўйлаб экстремистик контентнинг 85 фоизи СИ ёрдамида аниқланмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг Facebook, Instagram, Telegram, Google ва YouTube каби глобал IT гигантлар билан тўғридан-тўғри ҳуқуқий келишувларга эга бўлиши - миллий суверенитетнинг бир қисмидир. Мисол учун, 2024-2025 йилларда кўплаб давлатлар (*масалан, Франция ва Бразилия*) платформаларнинг маҳаллий қонунчиликка амал қилишга эришган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ижтимоий тармоқларда ёшлар радикаллашувининг олдини олиш Ўзбекистон сиёсий хавфсизлигининг таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Рақамли макондаги «виртуал бўшлиқ»ни миллий контент билан тўлдириш, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда алгоритмик мудофаа тизимини яратиш ва глобал платформалар билан рақамли дипломатияни йўлга қўйиш барқарорликнинг асосий кафолатларидир.

Юнусжон АХМЕДОВ, катта ўқитувчи
(«Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи)

МИЛЛИЙ-ЭТНИК ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

Полиэтник Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз конституцияси ва қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан Ўзбекистон – 2030 стратегиясида ҳам жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш Ўзбекистон учун тараққиёт йўлидаги энг долзарб вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифанинг ўта муҳим эканлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, уни амалга оширишда барча имконият ва ресурсларни сафарбар этиш у ёки бу жиҳатдан ўз самарасини бериши муқаррар.

Ўзбекистонда миллий-этник муносабатларни барқарорлаштиришнинг ҳуқуқий асослари самарали ишлаётганлигига шубҳа йўқ. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати амалий ҳаётда ҳам миллий муносабатларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ўзига хос янгича ёндашувларни жамият ҳаётига татбиқ этиб боришдан иборат. Бундай мураккаб, шу билан бирга ҳаётий заруратга айланган вазифани амалга оширишда турли воситалар қаторида интернет технологияларининг имконияти ҳам ошиб бораётганлигини рад этиб бўлмайди.

Полиэтник мамлакатларда интернет технологиялари кўпинча икки хил таъсир кучига эга бўлиб бормоқда. Бир томондан улар миллий ва этник зиддиятларнинг профилактикаси учун қудратли восита бўлса, иккинчи томондан, уларнинг кучайишига туртки берувчи омил ҳам бўлиши мумкин. Интернет технологияларининг салоҳиятидан этно-миллий барқарорликни таъминлашнинг дастлабки ижобий имкониятларини таҳлил этамиз:

Биринчидан, ахборот ахборот алмашинуви ва хабардорликни ошириш имконияти, яъни интернет турли манбалардан маълумот олиш имконини беради, бу эса миллатлараро муносабатларда расмий тарғиботдан фарқли, янада объектив тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берад.

Иккинчидан, воқеалар реал вақт режимида ёритилади, яъни фуқаролик журналистикаси ва ижтимоий тармоқлар инсон ҳуқуқлари бузилишлари, гуманитар инқирозлар ва можароларнинг ривожланиши ҳақида тезкор маълумот бериб, халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилиши мумкин.

Учинчидан, интернетда коммуникация аноним ёки псевдоним ҳолатда юзага келиш имкони борлиги учун одамларга таъқиб қилинишдан қўрқувсиз ўз фикрларини янада очиқроқ билдиришлари мумкин, бундай шароитда мулоқот янада аниқроқ, ёлғондан йироқ бўлади.

Мулоқот ва коммуникация нуқтаи назаридан ҳам интернет технологияларнинг этно-миллий муносабатлар жараёнида катта аҳамиятга эга. *Биринчидан*, этник гуруҳлараро мулоқот платформаси сифатида

интернет технологиялари миллатлараро муносабатлар субъектлари учун ўзаро тушуниш, стереотипларни бузиш ва умумий фикрлар топишга ёрдам берадиган мулоқот майдонини тақдим этиши мумкин. Бу форумлар, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар, онлайн конференциялар кўринишида амалга ошиши мумкин.

Иккинчидан, диаспоралар билан коммуникация юзага чиқиб, уларнинг мамлакат миқёсида миллий муносабатлар жараёнидаги иштироки таъминланишида, агар ҳуқуқлари бузилган бўлса уларга ёрдам беришда муҳим роль ўйнаши мумкин¹.

Учинчидан, интернетда комуникатсия аноним ёки псевдоним ҳолатда юзага келиш имкони борлиги учун одамларга таъқиб қилинишдан қўрқувисиз ўз фикрларини янада очиқроқ билдиришлари мумкин, бундай шароитда мулоқот янада аниқроқ, ёлғондан йироқ бўлади.

Интернет технологиялари орқали миллатлараро муносабатларни янада барқарорлаштиришга қаратилган ташаббусларни ташкил этиш ва томонларни сафарбар этишнинг қулай имконияти мавжуд. Бу имкониятдан фойдаланиб, аввало, ҳаракатларни мувофиқлаштириш имконияти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, миллий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун имзолар тўплаш, гуманитар ёрдамни мувофиқлаштириш ёки можароли вазиятларни юмшатишга қаратилган бошқа ташаббусларни амалга оширишда интернет қулай майдон бўлиши мумкин².

Бундан ташқари, интернет технологиялари орқали муаммога эътиборни жалб қилиш имконияти ошади. Ижтимоий тармоқлардаги компаниялар миллий ва этник муносабатлар ҳақида хабардорликни ошириб, ахборот истеъмолчиларига ҳолис маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

Таълим ва маданий алмашув нуқтаи назаридан ҳам интернет технологияларининг имконияти алоҳида эътиборга молик.

Биринчидан, онлайн таълим дастурларини ишга солиш орқали турли этник гуруҳларнинг маданияти, тарихи ва урф-одатлари ҳақидаги билимларни тарқатишга, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тарбиясини олиб бориш мумкин.

Иккинчидан, виртуал маданий алмашинув юзага чиқиб, одамлар бир-бирининг маданий мероси билан танишишига имкон беради, бу эса этнофобияни камайтиришга ҳисса қўшиши мумкин.

Интернет технологияларининг эрта огоҳлантириш ва мониторинг имконияти ҳам мавжуд. Хусусан, этник муносабатлар конфликт даражасига ўсиб етган шароитда интернет технологиялари мулоқот, ўзаро тушуниш ва тинчлик ташаббусларини сафарбар қилиш учун ноёб имкониятларни тақдим этади.

Қуйида уларнинг бир нечтасини алоҳида таҳлил этамиз:

¹ Никипорец-Такигава Г.Ю. Интернетизация политического пространства на примере России. Диссертация на соискание ученой степени доктора политических наук. – Москва, 2019. – С. 89.

² Подорова-Аникина О.Н. Политические коммуникации информационное поле сети интернет. Социум и власть. №2, 2013. – С. 50.

1. Мулоқот ва ўзаро тушунишга кўмаклашиш имконияти.

Мулоқот учун онлайн платформалар. Ижтимоий тармоқлар, форумлар ва ихтисослашган платформалар турли этник гуруҳлар вакиллари муаммоларни муҳокама қилиш, фикр алмашиш ва умумий нуқталарни топиш учун бирлаштириши мумкин.

Маданий алмашинув. Интернет маданий контент (музыка, фильмлар, адабиёт) билан осон алмашиш имконини беради, бу эса стереотипларни бузиш ва бошқа маданиятларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради¹.

2. Ахборот тарқатиш ва хабардорликни ошириш имконияти.

Мустақил ахборот манбалари. Интернет давлат ёки доминант гуруҳлар томонидан назорат қилинмайдиган муқобил нуқтаи назарлар ва ахборотни тарқатиш учун канал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу воқеалар ҳақида янада аниқроқ ва мувозанатли тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилиш. Интернетдан фойдаланиб фаоллар ва ҳуқуқ ҳимоячилари инсон ҳуқуқлари бузилиши ва этник можароларнинг кучайиши ҳақида жаҳон ҳамжамиятини хабардор қилиш, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотларга босим ўтказиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Воқеаларни ҳужжатлаштириш. Фуқаролик журналистикаси ва мобил қурилмалардан фото ва видеоларни ёзиб олиш учун фойдаланиш воқеаларни реал вақт режимида ҳужжатлаштириш имконини беради, бу эса келажақда далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

3. Эрта огоҳлантириш ва можароларни мониторинг қилиш имконияти.

Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни таҳлил қилиш. Маълумотларни таҳлил қилиш орқали «адоват тили»нинг тарқалишини кузатиш, кескинлик ўчоқларини аниқлаш ва зўравонликнинг мумкин бўлган эскалациясини прогноз қилиш имконияти юзага келади.

Воқеаларни хариталаш. Бу каби платформалар фуқароларга зўравонлик ёки дискриминация ҳолатлари ҳақида хабар бериш, можароли ҳудудларнинг реал вақт режимида хариталарини яратиш имконини беради².

4. Таълим ва контрнарративларни яратиш.

Таълим ресурслари. Интернет танқидий фикрлаш, толерантлик ва этник можароларнинг сабаблари ва оқибатларини тушунишга ёрдам берадиган таълим материалларига кириш имкониятини беради.

Дезинформацияга қарши кураш. Ёлғон нарративлар ва тарғиботни рад этувчи контентни яратиш ва тарқатиш можаролар кучайишининг олдини олишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Интернет технологияларидан фойдаланишнинг этно-миллий муносабатлар ва конфликтлар давридаги салбий жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

¹ Адибекян О.А. Этнодиагностика. Palmarium academic publishing. – Saarbrücken, 2014. – С. 88.

² <https://www.usshahidi.com/>

Улар қуйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлиши мумкин:

- интернет этник низоларни қўзғатишга қаратилган адоватли сўзлар, дезинформация ва тарғиботни аноним равишда тарқатиш учун ўзига хос майдонга айланиб, ахборотни тарқатувчи манба аноним ва жазосиз қолиши мумкин. Бундан ташқари ижтимоий тармоқларнинг вирусли характери зарарли контентнинг кенг аудитория орасида тез тарқалишига ёрдам беради.

Ижтимоий тармоқлар алгоритмлари кўпинча фойдаланувчиларга уларнинг мавжуд эътиқодларига мос келадиган контентни кўрсатади, бу эса муқобил нуқтаи назарлар эътиборга олинмайдиган ёки рад этиладиган «echo-камега»лар шаклланишига олиб келади. Бу кутбланишни кучайтиради ва мулоқотни қийинлаштиради. Фойдаланувчилар ўзларини ҳамфикрлар билан ўраб олади, бу гуруҳ идентификациясини мустаҳкамлайди ва «бошқаларни» демонизация қилишга олиб келиши мумкин¹.

- интернет технологиялари оммалашуви киберхужумлар ва ахборот уруши хавфини оширди, натижада давлат ва нодавлат акторлар рақибнинг муҳим инфратузилмасини ишдан чиқариш ёки махфий маълумотларга кириш учун киберхужумлардан фойдаланиш имкониятига ҳам эга бўлиб қолишмоқда.

- интернетда дезинформация компанияларини амалга ошириб жамиятни беқарорлаштириш, давлат институтларига бўлган ишончни сусайтириш ва этник можаролар пайтида жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш учун ёлғон маълумотларни тарқатиш бўйича мақсадли компаниялар ўтказилиши мумкин.

Интернетда дезинформацияни интернетда яратиш ва тарқатишнинг осонлашди, сохта янгиликларни яратиш ва тарқатиш осон ва арзон бўлиб қолди, бу эса ғараз ниятли кишиларга жамоатчилик фикрига тез таъсир ўтказиш ва зўравонликни қўзғатиш имконини беради. Интернетдаги ахборотлардаги фактларни текширишдаги қийинчиликлар ахборот хаоси шароитида фойдаланувчилар учун ҳақиқий маълумотни ёлғондан ажратиш имконини қийинлаштирмоқда.

Полиэтник мамлакатлар учун интернет технологияларининг миллатлараро барқарорликка салбий таъсирига қарши стратегияларни ҳам ишлаб чиқиш зарурати вужудга келади. Бунинг учун интернет технологияларининг ижобий таъсирини максимал даражада ошириш ва салбий оқибатларини минималлаштириш учун бир неча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деган фикрдамиз.

биринчидан, интернетдан фойдаланувчиларнинг медиа саводхонлиги ва танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш орқали уларни ахборотни танқидий баҳолаш, сохта янгиликларни фарқлай олиш кўникмаларига ўргатиш асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

иккинчидан, мустақил оммавий ахборот воситалари ва фактларни текшириш ташаббусларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бериш

¹ Гуриева С.Д. Современные способы урегулирования межэтнических конфликтов. Вестник Санкт-Петербургского университета, 2019. Вып. 1. Ч. 2. – С. 16.

лозим. Чунки, мустақил журналистлар ва фактларни текшириш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ролини мустаҳкамлаш дезинформация ва тарғиботга қарши курашишга ёрдам беради.

учинчидан, конструктив мулоқот учун платформаларни яратиш орқали турли этник гуруҳлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни рағбатлантирадиган онлайн муҳитни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш зарур¹.

тўртинчидан, мониторинг ва таҳлил учун сунъий интеллектдан (АИ) фойдаланиб, этник адоват тилини автоматик аниқлаш, ижтимоий тармоқлардаги трендларни таҳлил қилиш ва зўравонликнинг авж олиши ҳақида эрта огоҳ бўлиш мумкин.

бешинчидан, интернет технологияларидан фойдаланиш бўйича муайян ахлоқий нормалар ва стандартларни ишлаб чиқиш учун ҳукуматлар, технология компаниялари ва фуқаролик жамияти ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш зарур.

олтинчидан, технология компаниялари ўз платформаларида жойлаштирилган контент учун кўпроқ жавобгарликни ўз зиммасига олиши ва адоват тили ҳамда дезинформацияга қарши фаол курашиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, интернет технологиялари этно-миллий можароларни кучайтириши, шунингдек, тинчлик ва ярашув ишига хизмат қилиши мумкин бўлган кучли воситадир. Уларнинг таъсири кўп жиҳатдан қандай фойдаланилиши ва тартибга солинишига боғлиқ. Замонавий даврда этник можароларни самарали тартибга солиш учун рақамли саводхонликни ривожлантириш, онлайн майдонда конструктив мулоқотни қўллаб-қувватлаш, дезинформация ва адоват тилига қарши курашиш, шунингдек, интернетни назорат қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур. Фақат мувозанатли ва пухта ўйланган ёндашувгина интернет технологиялари салоҳиятидан уларнинг вайронкор таъсирини минималлаштирган ҳолда ижобий мақсадлар учун фойдаланиш имконини беради.

**Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ, соц.ф.б. ф.д. (PhD), доцент
(Жиззах давлат педагогика университети)**

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТИ: СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЁРДАМИДА ТЕЗКОР, АДОЛАТЛИ ВА ШАФФОФ БОШҚАРУВ

Шахсга йўналтирилган давлат хизмати – бу давлат бошқаруви жараёнида фуқарони марказга қўйган, унинг эҳтиёжлари, муаммолари ва кутган натижаларига мослаштирилган хизмат кўрсатиш моделидир. Бундай

¹ Медведева С.А. Профилактика межэтнических конфликтов. (Учебное пособие). – Ярославль, 2021. – С. 56.

ёндашувда давлат идоралари жараёнларни эмас, балки инсон манфаатини асосий мезон сифатида белгилайди. Хизматлар соддалаштирилади, бюрократик тўсиқлар бартараф этилади ва фуқарога минимал вақт, харажат ва ҳаракат билан натижа олиш шароити яратилади.

Сунъий интеллект технологиялари эса, мурожаатларни автоматик саралаш, шахсийлаштирилган тавсиялар бериш ва хизмат сифатини реал вақт мониторинги орқали бундай моделни янада кучайтиради. Шахсга йўналтирилган давлат хизмати фуқарога қулайлик яратиш билан бирга, давлатнинг жавобгарлиги ва очиқлигини оширади. Натижада жамиятда давлатга бўлган ишонч мустаҳкамланади ва бошқарув тизими замонавий, самарали ҳамда адолатли шаклга эга бўлади.

Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнлари тез суръатлар билан кечаётган бир даврда давлат бошқарувида сунъий интеллектнинг ўрни стратегик аҳамият касб этмоқда. Давлат хизматларининг самарадорлигини ошириш, бошқарув қарорларини оптималлаштириш ва жамоат секторида шаффофликни таъминлаш каби масалаларда сунъий интеллектни жорий этиш – замонавий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бунга нафақат халқаро тажриба, балки мамлакат ичида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Сунъий интеллект технологиялари глобал рақамли трансформациянинг марказий элементларидан бирига айланиб, давлат бошқаруви тизимларида самарадорлик, очиқлик ва тезкор қарор қабул қилиш имкониятларини кучайтирмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Эстония, Хитой каби давлатлар сунъий интеллектни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва давлат секторига жорий этишда етакчи ҳисобланади.

Давлат бошқарувида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг глобал тенденцияларини Эстония давлати мисолида кўрганимизда бу давлатда «e-Estonia» экосистемаси давлат секторида 40 дан ортиқ сунъий интеллект хизматларини жорий этган. Хусусан, «KrattAI» платформаси орқали интеллектуал хизматлар автоматлашган солиқ ҳисоб-китобларини амалга оширади.

KrattAI – «интеллектуал ёрдамчи» давлат хизматлари билан бирлаштириш ғояси: фуқаролар матн ёки овоз орқали виртуал ёрдамчи (*чатбот, виртуал ассистент*) орқали давлат идоралари хизматларидан фойдалана олишлари мумкин. Ёлғон ёки ноодатий воқеаларни (анализаторлар орқали) аниқлаш учун машинали ўрганиш технологиялари. Масалан, «Information System AuthorITy of Estonia X-Road» платформада маълумот айланишида аномалияларни аниқлашда сунъий интеллектдан фойдаланмоқда.

Сингапур давлат секторида сунъий интеллектни қўллашга оид 2019 йилда қабул қилинган «AI Governance Framework» ҳужжати йирик йўналишларни белгилаб берган. Унда хавфсизлик, шаффофлик ва масъулиятли алгоритмлар концепцияси асос қилиб олинган. Фреймворк

ташкilotларга «етук ва масъулиятли сунъий интеллектни жорий қилиш» учун амалий йўл харИТаси беришга мўлжалланган. Давлат сиёсатини ҳам ушбу тамойилларга мослаштириш орқали Сингапурда сунъий интеллект ва маълумотлар асосида қарор қабул қилиш жараёнларининг шаффофлиги ва фойдаланувчи ишончини оширишга қаратилган сиёсатни белгилайди.

Хитой 2030 йилга қадар сунъий интеллект бўйича дунё етакчисига айланиш стратегиясини қабул қилган. Давлат бошқарувида: интеллектуал трафик бошқаруви; аҳолини рўйхатга олишда юзни таниш технологиялари; суд қарорларини таҳлил қилувчи тизимлари жорий этилган. Бироқ, Хитой давлатида сунъий интеллектдан фойдаланишда хавфсизлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади. *«Генератив сунъий интеллектнинг соғлом ривожланиши ва тартибга солинган қўлланилишини рағбатлантириш, миллий хавфсизлик ва ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқаролар, юридик шахслар ва бошқа ташкilotларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш»* масалалари шу жумладандир.

Сунъий интеллект алгоритмлари ҳужжатлар айланмаси, статистик маълумотлар ва прогнозлаштириш масалаларида самарадорликни оширади. OECD давлатларида машинали ўрганиш асосида: ижтимоий нафақалар тақсимои; солиқ тўловчининг риск профили; эҳтиёжманд аҳоли мониторинги автоматлаштирилган. Дунё амалиётида, шунингдек, сунъий интеллект мурожаатларни автоматик таҳлил қилиш, электрон ҳукумат платформаларини оптималлаштириш, коррупция хавфларини эрта аниқлаш жараёнида ҳам кенг қўлланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонида мувофиқ «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилинган бўлиб, ҳужжат *«давлат маълумотларини бошқаришнинг ягона тизимини шакллантириш орқали давлат бошқарувида маълумотларни тўплаш ва рақамлаштириш учун керак бўлган барча ресурсларни яратиш орқали асосланган қарорларни қабул қилишни автоматик равишда шакллантириш, давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш, шу жумладан маъмурий тартиботларни автоматлаштириш орқали талаб қилинган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сонини қисқартириш»* каби фундаментал масалаларни ўз ичига олган. Олиб борилган самарали ислохотлар натижаси ўлароқ *«электрон ҳукуматни ривожлантириш»* индексида (дунёдаги 193 та давлат иштирок этади) 2016 йилда 80-ўрин қайд этилган бўлса, 2022 йилда 69-ўринни, 2024 йилга келиб 6 поғона юқорилаб 63-ўринни қайд этилди.

Ўзбекистон 2024 йилги ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индекси бўйича халқаро рейтингда дунёда 70-ўринни, Марказий Осиёда эса, биринчи ўринни эгаллади¹. Рейтингга кўра, Қозоғистон 76-ўринни, Тожикистон

¹ Artificial Intelligence Readiness Index 2024

131-ўринни, Қирғизистон 134-ўринни ва Туркменистон 153-ўринни эгаллади.

Давлат хизматлари, молия, жамоат хавфсизлиги ва транспорт соҳаларида 30 дан ортиқ синов сунъий интеллект лойиҳалари ишга туширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Сунъий интеллект технологияларини 2030-йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»**ги Қарори бу борадаги ислохотларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Қарорда давлат бошқарув органларининг биринчи вазифаси – сунъий интеллект учун қонунчилик майдонини очиш, жумладан, миллий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро тажрибага мослаштириш муҳимлиги акс этган.

Сунъий интеллект билан боғлиқ барча иштирокчилар (давлат, бизнес, фуқаро) ўртасидаги муносабатларни ягона ҳуқуқий тизимда тартибга солиш, этика қоидаларини ишлаб чиқиш – алгоритмларни дискриминация қилмаслик, маълумотлар йиғиш, сақлаш, ишлатиш аниқ ёзилиши керак. **«Булутли технологиялар»** ва дата-марказлардаги маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлиги бўйича аниқ талаблар киритиш каби ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ҳам муҳим эканлигини унутмаслик керак.

Мамлакатимизда устувор тармоқлар бўйича СИ лойиҳаларни амалий жорий этиш қўйидагиларда акс этади:

- масофадан зондлаш ва ҳосилдорликни прогноз қилиш (қишлоқ хўжалиги);

- кредит рискларини баҳолаш (банк);

- трафик, логистика ва хавфсизлик тизимларини оптималлаш (транспорт, жамоат хавфсизлиги);

- сунъий интеллект асосида диагностика, прогноз ва ресурсларни режалаштириш (соғлиқни сақлаш);

Face-ID, NLP, чат-ботлар, автоматлашган қарор қўллаб-қувватлаш тизимлари (рақамли ҳукумат), яъни, ҳар бир вазирлик: «Менинг соҳамда сунъий интеллект нима қилаяпти?» эмас, балки, «5 йил ичида сунъий интеллект ёрдамида қайси жараёнларимни тубдан ўзгартиряпман?» деган саволга жавоб бериши керак. Келгусида сунъий интеллект бўйича берилган вазифаларни бекаму-кўст бажарилиши учун қўйидагиларни бугун амалга ошириш керак:

- амалдаги миллий стандартларни ревизия қилиш, таҳлил қилиш ва ISO, IEEE, ETSI каби халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш;

- янгидан миллий стандартлар ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш учун эксперт гуруҳлари, тренинглар, семинарлар ташкил этиш;

- халқаро форум, конференция ва қўшма лойиҳалар орқали:технология алмашиш, илмий ҳамкорлик, маҳаллий СИ ечимларини ташқи бозорга олиб чиқиш;

- СИ бўйича сиёсат «internal use only» эмас, балки жаҳон стандартлари билан юришини давлат бошқарув органлари таъминлаши лозим.

Албатта, бунинг учун техник инфратузилма яхшиланиши керак. Жумладан, «булутли хизматлар»ни жорий қилиш, маълумотлар марказларини кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш, маълумотларни қайта ишлашда сунъий интеллект учун алоҳида ҳисоблаш қувватлари улушини ошириш, «катта маълумотлар»ни сақлаш, қайта ишлаш ва доимий ҳимоя қилиш механизмларини йўлга қўйиш, ҳар хил серверларда тарқоқ турган маълумотларни ягона платформаларда йиғиш, порталлар (*масалан, data.egov.uz, Очиқ маълумотлар портали*) билан интеграция қилишдек техник вазифаларни бажаришда давлат асосий кўмакчига айланиши керак.

Давлат бошқарув органлари учун энг оғир, лекин энг стратегик вазифа – инсон капитали масаласидир. *«Бугун инсоният янги цивилизация босқичига – сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳада бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади»*, - деди давлатимиз раҳбари.

Ҳар бир соҳада сунъий интеллект билан ишлайдиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакаларини ошириш, хорижий экспертларни жалб қилиш муҳимдир. Давлат органларида рақамлаштириш учун масъул ходимларнинг сунъий интеллект бўйича билимларини доимий равишда ошириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Давлат хизматчилари, маҳаллий ҳокимият, назорат органлари учун ихтисослашган СИ ўқув дастурларини йўлга қўйиш орқали фундаментал ва амалий кўникмаларни шакллантириш зарур. СИ – ҳар бир раҳбар ва мутасадди компетенциясининг ажралмас қисмига айланиши керак.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, давлат бошқарувида сунъий интеллектни жорий этиш билан бир қаторда бир қатор хавфлар ҳам юзага келиши мумкин.

Биринчи навбатда, маълумотлар хавфсизлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлигига доир таҳдидлар кучаяди – нотўғри бошқарилган маълумотлар базалари фуқаролар учун жиддий хатар туғдиради.

Иккинчидан, алгоритмик хатоликлар ёки нотўғри ўқитилган моделларнинг қарорлари адолатсизликка олиб келиши эҳтимоли мавжуд.

Учинчи хавф – кузатувнинг ортиши ва давлат назоратининг ҳаддан ташқари кучайиши, бу эса фуқаролик эркинликларига таҳдид солиши мумкин.

Шунингдек, СИ тизимларига ҳаддан ташқари таяниш бошқарув ходимларининг малакасини пасайтириши, инсон омилининг четлашуви эса ижтимоий норозиликларга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Энг муҳими, йирик хорижий технологияларга қарамлик давлатнинг технологик суверенитетига путур етказиши мумкин. Шу боис, AI жорий этилиши эҳтиёткорлик, меъёрлар ва қатъий назорат билан биргаликда амалга оширилиши зарур.

Хулоса ўрнида айтишимиз керакки, сунъий интеллект давлат бошқарувини интуицияга эмас, аниқ маълумот ва прогнозларга таянган тизимга айлантириш имконини беради. Бошқарув жараёнларининг

автоматлашуви қарор қабул қилишни тезлаштиради, инсон хатоларини камайтиради ва хизматлар сифатини оширади.

«Катта маълумотлар»ни таҳлил қилиш орқали аҳоли муаммоларини олдиндан кўриш ва тезкор ечим таклиф қилиш мумкин бўлади. Биометрик идентификация, интеллектуал мониторинг ва рақамли аудит механизмлари шаффофликни кучайтиради. Тармоқлар бўйича СИни жорий этиш натижасида ресурслар тежалади, коррупция хавфи пасаяди ва стратегик режалаштириш самарадорлиги ортади. Энг муҳими, давлат аппарати тезкор, фуқарога йўналтирилган ва инновацион бошқарув моделини шакллантиради.

Абдулазиз ЧЎЛИЕВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги кунда кибержиноятчиликка қарши курашиш масаласи жамият хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Компьютер ва рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланиши натижасида виртуал майдонда турли кўринишдаги жиноятлар ҳам тез суръатларда ўсиб бормоқда. Айниқса, интернет тармоғи дунёнинг барча нуқталарига кириб бориши кибержиноятчиликнинг глобал тус олишига сабаб бўлди.

Таҳлиллар ва статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда кибержиноятлар ортидан келадиган йиллик глобал зарар 11,4 трлн. долларга тенг бўлган, ушбу кўрсаткич 2026 йилда 120 фоизга ўсиб, 25,8 трлн. долларга этиши башорат қилинмоқда. Айрим манбаларда таъкидланишича, 2026 йилга келиб кибержиноятлар глобал трансмиллий жиноятларнинг умумий сонидан кўра 5 барабар кўпроқ содир этилиши кутилмоқда¹.

Кибермуҳитда содир этилган жиноятлар сони компьютер тармоқларидан фойдаланувчилар сонига мутаносиб равишда ўсиб бормоқда ва Халқаро жиноят полицияси - Интерпол ҳисоб-китобларига кўра, глобал интернет тармоғида ушбу жиноятчиликнинг ўсиш суръати сайёрамизда энг тезкор ҳисобланади².

Мазкур ҳолат кибержиноятларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан фақатгина замонавий техник воситалардан самарали фойдаланишни эмас, балки ҳуқуқий механизмларни ҳам доимий равишда такомиллаштиришни талаб этмоқда. Чунки кибержиноятчилик ўз хусусиятига

¹ Тошпўлатов А. Кибержиноятларни жиловлаш орқали хавфсиз кибермакон яратиш. Янги Ўзбекистон газетаси, 2025. 92-сон, 3-саҳифа.

² When cybercriminals go global, our response must be international. <https://www.interpol.int/Crimes/Cybercrime>

кўра трансмиллий, яширин ва тез ўзгарадиган таҳдид сифатида намоён бўлади. Шу боис, мазкур соҳада мустаҳкам ҳуқуқий асосларни белгилаш ва уларни амалиётга тўғри татбиқ этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ахборот-технологиялар воситасида содир қилинган жиноятлар, аллақачон ривожланган хорижий мамлакатларда «кибержиноятлар» деб номланади. Ушбу ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашиш, олдини олиш, унинг кейинги фаолиятига тўсқинлик қилиш каби чора-тадбирлар хорижий давлатлар қонунчилигида белгиланган.

Кибержиноятлар – бу ахборот тизимлари, глобал интернет тармоғи ва турли рақамли платформалар орқали амалга ошириладиган турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлардир. Бундай жиноятларга фишинг орқали ишончли маълумотларни қўлга киритиш, шахсий маълумотларни ўғирлаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш, турли кўринишдаги онлайн фирибгарлик усуллари, зарарли дастурлар (*вируслар, троянлар, шпион дастурлари*) тарқатиш каби ҳолатлар киради.

Шу билан бирга, замонавий рақамли муҳитда кибержиноятчилар **«дроб»** (*яъни, йирик маблағларни майда қисмларга бўлиб ноқонуний ўтказиш*) каби схемалардан фойдаланиб молиявий тизимларни алдашга уринадилар. Бу эса жиноятларни фош этиш ва уларнинг манбасини аниқлашни янада мураккаблаштиради.

Умуман олганда, кибержиноятларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилар:

- ушбу тоифадаги жиноятлар макон танламай, уни исталган пайтда дунёнинг турли томонларидан кутиш мумкин;
- мунтазам равишда ҳар куни янги ва олдингиларидан анча хавфлироқ бўлган вирус ва бошқа зарарли дастурларнинг яратилиши;
- кибержиноятларга қарши курашадиган органларда малакали ва ушбу соҳада мукамал билимларга эга мутахассислар мавжуд эмаслиги ва бунинг натижасида жиноятнинг кеч аниқланиши;
- кибержиноят натижасида муайян мулк эмас, балки ахборотларга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи йўқотилади;
- ахборотларни қайта ишлаш жараёнида йўл қўйилган хатолик ўз вақтида кузатилмайди ва тузатилмайди, натижада келгусида содир бўладиган хатоларнинг олдини олиб бўлмайди¹. Демак, кибержиноятчилик нафақат шахсий ёки корпоратив маълумотлар хавфсизлигига таҳдид солади, балки молиявий барқарорликка ҳам жиддий хавф туғдиради.

С.В.Семушина ва Н.П.Левин кибержиноятчиликни қуйидагича таърифлайдилар: «ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, электрон тармоқлар (*интернет, корпоратив ёки локал тармоқлар*) доирасида содир этиладиган, шахс, жамият ёки давлат манфаатларига зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмишлар»². Уларнинг

¹ Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар (Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б. 6.

² Семушина С.В., Левин Н.П. Кибержиноятчиликка қарши курашнинг халқаро тажрибаси // «Замондош тадқиқотлар» илмий журнали, 2022. – Б. 18.

фикрича, кибержиноятчиликнинг ўзига хос хусусияти унинг трансчегаравий ва аноним хусусиятидир.

Европа Иттифоқининг Ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича агентлиги ўз ҳисоботларида кибержиноятчиларнинг виртуал тармоқлардаги фаолияти чегара билмаслигини алоҳида таъкидлайди. Яъни, жиноятчилар ўз манзилини яширган ҳолда, дунёнинг исталган нуқтасидан зарарли дастурлар тарқатиши ёки киберхужумлар уюштириши мумкин.

Бундан ташқари, жиноятчилар ўз фаолиятини яшириш мақсадида криптовалюталардан фойдаланишни афзал кўрадилар. Чунки, Bitcoin, Ethereum ва бошқа рақамли валюталардаги транзаксиялар анъанавий банк тўловларидан фарқли ўлароқ, марказлашмаган тизимга эга бўлиб, тўловчи ва қабул қилувчи шахсларни аниқлашни мураккаблаштиради. Бу ҳолат, айниқса, ransomware (*маълумотларни блокловчи дастур*) ҳужумларидан сўнг товоқ пули ундиришда кенг қўлланилади¹.

Мазкур жиноятлар натижасида биргина 2024 йилда Ўзбекистонда фуқароларнинг 1 трлн. 909 млрд. сўмдан ортиқ маблағи талон-торож қилинган. Ахборот технологиялари орқали 2019 йилда 18 турдаги 863 та жиноят содир этилган бўлса, 2024 йилда 62 турдаги 58 минг 800 та жиноят қайд этилган.

Ҳозирги кунда кибержиноятчиликка қарши курашиш ва уларни фош этиш усуллари кўп ҳолларда етарли самара бермаяпти дейишимиз мумкин. Хусусан, 2024 йилда Республикада рўйхатга олинган 132 298 та жиноятнинг 44,4 фоизи ёки деярли ҳар иккита жиноятнинг бири ахборот технологиялари орқали содир этилган. Кибержиноятларнинг асосий қисмини (98 фоизи) банк карталари билан боғлиқ жиноятлар (*киберўғрилик ва киберфирибгарлик*) ташкил этмоқда².

Шу боис, мазкур соҳада мустаҳкам ҳуқуқий асосларни белгилаш, уларни амалиётга тўғри татбиқ этиш, жиноятларни фош этиш механизмларини кучайтириш ва ҳуқуқий базани изчил такомиллаштириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, банклар ва тўлов ташкилотлари мобил иловаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, зарарли дастурларни аниқлаш ва блоклаш ҳамда фойдаланувчини огоҳлантириш бўйича ҳуқуқий талаблар амалда тўлиқ белгиланмаган. Натижада, мазкур жиноятларга қарши курашаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар банк тизимларидаги шубҳали транзаксиялар ҳақида тезкор ахборотларни вақтида ололмайди.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликда банклар, тўлов операторлари ва интернет-провайдерларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги масъулияти ва жавобгарлик чегаралари аниқ белгиланмаган. Оқибатда, Жиноят содир этилганда қайси субъект тезкор ахборотни тақдим этиши ва қай даражада ҳамкорлик қилиши кераклиги ҳамда электрон далилларни тўплаш ва

¹ Europol агентлигининг Интернетдаги уюшган жиноятчилик таҳдидини баҳолаш (Internet Organised Crime Threat Assessment - IOCTA) номли йиллик ҳисоботи. <https://www.europol.europa.eu/iocta-report>

² Тошпўлатов А. Кибержиноятларни жиловлаш орқали хавфсиз кибермақон яратиш. Янги Ўзбекистон газетаси, 2025. 92-сон, 3-саҳифа.

расмийлаштириш жараёнида маълумотлар манбасини топишда ҳуқуқий чалкашликлар пайдо бўлмоқда.

Қолаверса, электрон далилларни йиғиш ва расмийлаштириш жараёнидаги техник ҳамда юридик мураккабликларни келтириш мумкин. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, мавжуд ҳуқуқий асослар ва амалий механизмларни чуқур таҳлил қилиб, қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Шу боис, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашни самарали олиб бориш учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, электрон далиллар билан ишлашнинг аниқ механизмларини жорий қилиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва суд амалиётида ягона қоидаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш, фуқароларнинг пул маблағларини талон-торож қилиш, шахсга доир маълумотларни эгаллаш, давлат ва хизмат сирлари ошкор этилиши каби салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида:

- банклар ва тўлов ташкилотларида ўзига тегишли бўлган мобил иловаларда зарарли (вирусли) ва шубҳали дастурларни аниқлаш ҳамда уларни блоклаш ва фойдаланувчини огоҳлантириш хизматини (иловаларни антивирус ва фрод тизимлар билан интеграция қилиш, такомиллаштириш орқали) жорий этиш талабини мажбурий этиб белгилаш;

- банклар, тўлов операторлари, провайдерлар учун ахборот хавфсизлигига оид масъулият ва жавобгарлик чегарасини аниқ белгилаш (масалан: ахборот хавфсизлиги талабларини бузган ҳолларда зарарни қоплаш ёки тегишли жавобгарликни белгилаш) зарур.

Бундан ташқари, ҳуқуқий нормаларнинг тўғри талқини ва уларни амалиётда самарали қўллаш, аввало, қонунчиликда қўлланиладиган атамаларнинг аниқ белгилаб қўйилишига боғлиқ. Хусусан, «киберфирибгарлик», «киберўғрилиқ», «дроп» каби тушунчаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш фаолиятида ҳуқуқий аниқлик ва ягона ёндашувни таъминлайди.

Отабек ТУРСУНБОЕВ, магистрант
(Ўзбекистон Миллий университети)

ИНФЛЮЕНСЕРЛАР ОРҚАЛИ СИЁСИЙ ФИКРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда инфлюенсерлар – ижтимоий тармоқларда катта аудиторияга эга бўлган шахслар – ахборот маконида янги турдаги «фикр етакчилари»га айланди. Улар ўзларининг пост, видео ва жонли эфирлари орқали жамоатчилик онгига таъсир кўрсатиб, кун тартибини белгилашда муҳим ўрин тутди. Аввал инфлюенсерлар асосан маркетинг ва бренд рекламаси учун аҳамиятли саналган бўлса, бугун улар сайловлар,

ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий муҳокамаларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Пью» тадқиқотлар маркази маълумотида кўра, АҚШда катталарнинг 53 фоизи камида баъзан янгиликларни ижтимоий тармоқлар орқали олишини айтган ¹. Европа Иттифоқида 15-24 ёшли ёшларнинг 74 фоизи инфлюенсерлар ёки контент яратувчиларни мунтазам кузатиб боради ². Ўзбекистонда Telegram фойдаланувчилари 25 млн. атрофида бўлиб, бу аҳолининг деярли ярмидан кўпини қамраб олади ³. Ушбу рақамлар инфлюенсерлар аудиториясининг кенглиги ва улар орқали бериладиган ахборот жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш имконияти юқори эканини кўрсатади.

Facebook глобал миқёсдаги энг йирик ижтимоий тармоқлардан бири бўлиб, кўп мамлакатларда сиёсий ахборот тарқатишнинг муҳим майдони ҳисобланади. АҚШда катталарнинг тахминан 38 фоизи доимий равишда янгиликларни айнан Facebook орқали олишини билдирган. Платформада сиёсий гуруҳлар ва жамоатчилик саҳифалари орқали муайян мавзуларда фикрлар «кўпайтирилиб», аудиторияда муайян позиция шакллантирилади. Алгоритмлар фойдаланувчи қизиқишларига мос контентни танлаб бергани боис, инфлюенсерлар ўз саҳифалари атрофида бир хил дунёқарашга эга ҳамжамиятни шакллантиришлари мумкин. Бу жараён кўп ҳолларда «эхо-камера» эффектига олиб келади – фойдаланувчи фақат ўз қарашларига мос маълумотни кўради, бошқа нуқтаи назардан узилиб қолиши эҳтимоли ошади ⁴.

Ўзбекистонда Facebook ёшлар орасида қисман аудиториясини йўқотиб бораётган бўлса-да, ўрта ва катта ёшдаги қатлам учун ҳануз муҳим сиёсий муҳокама майдони ҳисобланади.

Instagram визуал контентга асосланган платформа бўлиб, «lifestyle», мода ва кўнгилочар мавзулардан ташқари сўнгги йилларда сиёсий контент учун ҳам муҳим майдонга айланди. Европа тадқиқотларига кўра, Instagram ва TikTok даги сиёсий контентнинг тахминан 59 фоизиди факт ва шахсий фикр қоришган ҳолда берилади, ахборот ва муносабат чегараси ҳар доим ҳам аниқ эмас. Бундай усул аудиторияда кучли эмоция уйғотади, шу билан бирга ахборотнинг ҳолислигига соя солади ⁵.

2024 йил бошига келиб Ўзбекистонда Instagram фойдаланувчилари сони 8,7 млн.дан ошиб, аҳолининг тахминан чорагига етган. Кўплаб ўзбек блогерлари ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиши, давлат муассасалари фаолиятини халққа яқинлаштириши орқали жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатмоқда.

Telegram Марказий Осиёда, айниқса Ўзбекистонда, асосий ахборот

¹ <https://www.pewresearch.org>

² «Rise of political influencers sparks questions about ad regulation, study shows». Euronews.com сайтидаги номли мақола

³ «Global Voices (Uzbekistan media ecosystem analysis)». <https://globalvoices.org>

⁴ «Social Media and News Fact Sheet». <https://www.pewresearch.org>

⁵ Rise of political influencers sparks questions about ad regulation, study shows. <https://www.euronews.com>

платформасига айланган. Канал ва гуруҳлар орқали тезкор хабар тарқатиш, расмий ва норасмий манбаларнинг бир майдонда гувоҳлик бериши уни «яхлит ахборот майдони»га айлантирмоқда. Ўзбекистонда 25 млн.га яқин фойдаланувчининг мавжудлиги, юз минглаб каналлар фаолияти Telegramни жамоатчилик кайфияти тез шаклланадиган маконга айлантиради¹.

Кўп ҳолларда можароли видеолар, маҳаллий адолатсизликка оид маълумотлар, мансабдорлар ҳақидаги танқидий постлар биринчи бўлиб Telegramда пайдо бўлади. Масалан, «InBazar» дўконига ходимнинг таҳқирланиши акс этган видео блогерлар каналларида тарқалганидан сўнг жамоатчилик босими остида тезкор чоралар кўрилгани ва дўкон тармоғи ёпилгани шунга яққол мисолдир.

TikTok қисқа видеолар платформаси сифатида ёшлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Уни янгилик манбаси сифатида қўллаш улуши тез кўтарилмоқда: TikTok фойдаланувчиларининг тахминан 55 фоизи у орқали доимий равишда хабар олишини айтган, бу кўрсаткич 2020 йилда 22 фоиз атрофида эди. Алгоритм сабабли ҳатто кичик akkaунтлар видеолари ҳам вирус даражада кенг тарқалиши мумкин. Шу тариқа сиёсий мемлар, челленжлар ва қисқа шарҳлар орқали турли ғоялар оммалаштирилади, лекин шу билан бирга монтаж қилинган ёки контекстдан узиб олинган видеолар орқали дезинформация тарқатиш хавфи ҳам ўсади².

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда блогерлар ахборот олиш ва тарқатишда анъанавий давлат ОАВидан кўра фаолроқ роль ўйнаётгани қайд этилмоқда. Расмий медиа кўп йиллар давомида муаммоли мавзуларни четлаб ўтгани боис аудитория мустақил манбалар – блогерлар ва фаол фуқаролар саҳифаларига мурожаат қилмоқда. Интернет фойдаланувчилари сони 30 млн.дан ошиб, ижтимоий тармоқларда фаол аудитория тез суръатларда ўсмоқда.

Амалиётда блогерлар аксарият ҳолларда фуқаролар ва давлат ўртасидаги норасмий воситачига айланган, одамлар маҳаллий муаммо ёки адолатсизлик юзасидан расмий идоралардан натижа ололмаса, таниқли блогерларга мурожаат қилишни афзал кўришади. Блогерлар постлари оммавий муҳокама ва жамоатчилик босимига олиб келиб, айрим ҳолатларда маҳаллий раҳбарларни тезкор чора кўришга мажбур этади.

Президент Ш.Мирзиёев ўз чиқишларида блогерларнинг жамиятдаги ўрнини бир неча бор қайд этиб, фаол блогерларни ислохотлар самарадорлигини ошириш ва жамоатчилик фикрини юксалтиришга ҳисса қўшаётган қатлам сифатида эътироф этиб келаётганлиги блогерликни нуфузли фаолият сифатида қабул қилинишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, қонунчиликда блогерлар мақоми ва фаолияти тўлиқ ва аниқ тартибга солинмаган. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги электрон ОАВни рўйхатга олади, аммо блогерлар амалдор журналистлар

¹ How the news goes viral in Uzbekistan. <https://globalvoices.org>

² Social Media and News Fact Sheet. <https://www.pewresearch.org>

каби институционал мақомга эга эмас. Бу **«сариқ зона»** – расмий тартибга солинмаган, лекин назорат қилиш имкони сақланиб қолган майдонни вужудга келтиради.

Демак, Ўзбекистонда инфлюенсерлар бир тарафдан адолат, ошкоралик ва фуқаролик назорати талаби билан жамоатчилик фикрини шакллантираётган бўлса, иккинчи тарафдан ўзларининг сиёсий саводхонликлари паст ва етарли даражада бўлмаганлиги сабабли кўп ҳолларда ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига мамлакатда ва дунёда содир бўлаётган сиёсий вазият хусусида нотўғри маълумотлар етказиб келмоқдалар.

Шу билан бирга айрим блогерлар ўзларининг ғаразли ва товламачилик фаолиятларини «сиёсий танқидчи» ниқобига ўрашга уриниб, фуқароларни олдида сохта «пиар» қилмоқдалар ва ўзларининг текширилмаган ноҳолис сиёсий маълумотларни етказиб келмоқдалар. Хусусан, *блогерлар Мурод Махсудов, Абдулҳаким Абжалилов, Абдуқодир Муминов, Олимжон Хайдаров ва бошқалар* – товламачилик ва фирибгарлик жиноятларини содир этганликлари учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли муддатлари билан жазоландилар.

Жамоатчилик фикрини инфлюенсерлар орқали шакллантириш имконияти мавжуд, лекин у **«қизил чизиқ»**ларга бориб тақалганда турли чеклов механизмларини ишга тушириш зарур эканлиги намоён бўлмоқда.

Халқаро майдонда **АҚШ**да инфлюенсерлар 2016-2020 йиллар оралиғида сайлов компанияларида сиёсий тарғиботнинг муҳим воситасига айланди. 2020 йилги президентлик сайлови олдида сиёсий штаблар Instagram, YouTube ва TikTokда инфлюенсерлар билан шартнома тузиб, улар орқали муайян номзод ёки ғояни тарғиб қилдирган. Кўп ҳолларда бу ҳамкорликлар реклама сифатида ошкор этилмаган, постлар табиий шахсий фикр каби тақдим этилган¹. Инфлюенсерлар пандемия ва сайлов даврида ФИТна назариялари, дезинформация ва радикал қарашларни ҳам кенг тарқатди.

Германия ва бошқа давлатларда ўтказилган тадқиқотлар сиёсий инфлюенсерлар контенти кўп ҳолларда журналистик стандартларга тўлиқ мос келмаслигини, факт ва фикр қоришиб кетганини кўрсатган. Инфлюенсерлар томонидан тарқатилаётган эмоцияга йўналтирилган ва поляризацияга олиб келувчи контент демократия учун хавф туғдириши мумкинлигини таъкидламоқда. Бундай материаллар жамоатчилик фикрига эмоционал босим ўтказиб, жамиятни қарама-қарши гуруҳларга бўлиб юборади, ўзаро ишонч ва конструктив мулоқотни заифлаштиради. Натижада фуқаролар фактларга эмас, ҳиссиётларга асосланган хулоса чиқариши, турли нуқтаи назарларни қабул қилмаслиги ва давлат институтларига ишонч пасайиши мумкин.

Регуляторлар инфлюенсерларни ахборот тарқатишда масъулиятли

¹ Social Media Influencers and the 2020 U.S. Election. <https://mediaengagement.org>

бўлишга, жамиятни бўлувчи ва манипулятив мазмундаги контентдан воз кечишга чақирмоқда¹.

Европа Иттифоқида сиёсий реклама ва онлайн тарғиботни чеклашга қаратилган қоидалар қабул қилинмоқда (*сиёсий реклама регламенти, Digital Fairness Act ташаббуси*). Инфлюенсерлар бир томондан иқлим ўзгариши, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги каби ижтимоий муҳим мавзуларни оммалаштириб, ахборотлиликни оширса, иккинчи томондан пандемия ва бошқа инқирозлар пайтида дезинформация манбаси бўлиб қолган ҳолатлар ҳам қайд этилган.

Туркияда 2023 йилги президентлик ва парламент сайловлари ижтимоий тармоқлардаги ахборот кураши билан эътибор қозонди. Сохта аккаунтлар, сохта сўровномалар, компроматлар орқали жамоатчилик кайфиятига таъсир кўрсатишга уринишлари кучайган. Муҳаррам Инже каби номзодлар ҳақида сайловга бир неча кун қолганда тарқалган шубҳали маълумотлар сиёсий қарорларга таъсир кўрсатган².

Ҳукумат томонидан қабул қилинган «ёлғон ахборот»га қарши қонунлар эса, Freedom House ва бошқа халқаро ташкилотлар, муҳолифатчилар ва танқидий журналистлар томонидан блогерларга нисбатан қўлланилгани ноҳолис танқид қилинди. Шу билан бирга, ҳукуматга яқин инфлюенсер тармоқлари давлат позициясини ҳимоя қилувчи «троллар армияси» сифатида баҳоланди. Туркия тажрибаси инфлюенсерлар орқали сиёсий мобилизация ҳам, манипуляция ҳам амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатади.

Инфлюенсерларнинг сиёсий онг шаклланишидаги ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан, ижобий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Ёшларнинг сиёсий фаоллиги ошиши. Инфлюенсерлар ёшларга сиёсий мавзуларни содда тилда тушунтириб, уларнинг сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳиссини ва ички ишончини оширади;

Ахборотга осон эришув ва жамоатчилик назорати. Блогерлар кўпинча анъанавий медиа қўлламайдиган ёки кеч ёрИТаидиган мавзуларни кўтариб чиқади. Ўзбекистонда маҳаллий муаммоларни блогерлар орқали кун тартибига келтириш орқали айрим камчиликлар бартараф этилгани кузатилади. Бу фуқаролик назоратини кучайтиради;

Сафарбарлик ва фуқаролик ҳаракатлари. Инфлюенсерлар қисқа вақтда катта аудиторияни хайрия, ижтимоий компания ёки сайловларда иштирокка жалб қила олади. Компаниялар ва тадқиқотлар кўрсатишича, мувофиқлашган инфлюенсер тармоқлари онлайн ва офлайн коллектив ҳаракатни уюштиришда самарали.

Салбий жиҳатлар:

¹ Rise of political influencers sparks questions about ad regulation, study shows. <https://www.euronews.com>

² Deepfakes, Cheapfakes, and Twitter Censorship Mar Turkey's Elections. <https://www.wired.com>

Дезинформация ва ёлғон ахборот. Инфлюенсерлар фактни тўлиқ текширмасдан шошма-шошар тарқатган хабарлар дезинформацияга айланиши мумкин. Афғонистон–Ўзбекистон чегарасида гўё ҳарбий воқеа содир бўлгани ҳақидаги ёлғон хабар мисолида кўрилганидек, бу жамоатчиликда воқеликка мос келмайдиган кўркув ва вазият яратиши мумкин;

Поляризация ва эмоцияга асосланган манипуляция. Кўп инфлюенсерлар аудиторияни жалб этиш учун кескин, эҳтиросли рИТорикадан фойдаланади. Бу қарама-қарши лагерлар ўртасида мурасасизликни кучайтиради, жамоатчилик баҳсларини манипуляция қилади.

Яширин тарғибот ва «фейк» таъсир каналлари. Сиёсий гуруҳлар инфлюенсерларга пул тўлаб, улар орқали «органик» кўринадиган тарғибот олиб бориши мумкин. Шунингдек, ботлар, сохта профиллар ва сунъий инфлюенсерлар тармоғи орқали жамоат фикрини чалғитиш амалиёти кенгаймоқда;

Муҳим мавзуларнинг сояланиши. Вирус шов-шувлар – шоу-бизнес, шахсий можаролар – жамият диққатини сайлов, иқтисод, экология каби стратегик масалалардан чалғИТиши мумкин. Бу сиёсий онгни «ёрқин, лекин майда» мавзулар атрофида шакллантириб қўйиш хавфини туғдиради.

Замонавий ахборот урушида давлат ва сиёсий акторлар бот ва тролль фабрикаларидан ташқари инфлюенсерлар тармоқларидан ҳам фойдаланмоқда. Самуэль Вулли тадқиқотларида кўрсатилганидек, кўп мамлакатларда интернетдаги таъсир операциялари «ярим-органик» моделга ўтмоқда, яъни, ботлар ўрнига реал аудиторияга эга инфлюенсерлар жалб этилади¹.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсатшуносликда ҳали 1940-йиллардаёқ баён этилган икки босқичли коммуникация назарияси бугун инфлюенсерлар феномени орқали яна долзарб бўлмоқда, яъни, оммавий ахборот аввал инфлюенсерга (фикр етакчиси) таъсир кўрсатади, сўнг у орқали кенг аудиторияга сингади².

Анъанавий телевидение ва газеталардан фарқли равишда, инфлюенсерлар «яқин, таниш, ишончли» овоз сифатида қабул қилинмоқда, бу эса уларни демократия учун ҳам имконият, ҳам хавф манбаига айлантиради.

Инфлюенсерларни рад этиш ёки йўқ қилиш мумкин эмас – улар замонавий сиёсий коммуникация структурасининг ажралмас қисмига айланган.

Муҳим вазифа – уларнинг фаолиятини очиқлик, қонунийлик ва масъулият меъёрлари доирасида йўналтириш:

- сайлов жараёнларида инфлюенсерлар орқали сиёсий реклама ва тарғиботни очиқ белгилаш;

¹ Digital Propaganda: The Power of Influencers. <https://www.journalofdemocracy.org>

² Paul F., Lazarsfeld B.B. The People's Choice (1944). <https://www.worldcat.org>

- блогер мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилайдиган қонунчилик базасини такомиллаштириш;

- дезинформация ва «фейк» таъсир каналларига қарши уларни ҳамкор сифатида жалб этиш.

Шу билан бирга, кенг жамоатчилик орасида медиасаводхонликни ошириш ҳар бир фуқарони инфлюенсер сўзини автоматик ҳақиқат эмас, балки текширилиши лозим бўлган маълумот сифатида қабул қилишга ўргатиш – инфлюенсерлар замонасида сиёсий онгнинг барқарорлиги ва манипуляцияларга чидамлилигини таъминлашнинг энг муҳим шартидир.

Инфлюенсерлар фаолиятдан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар бўйича таклифлар:

- давлат идоралари инфлюенсерлар билан институционал ҳамкорлик платформаларини шакллантириши ва давлат сиёсати, ижтимоий жараёнлар ва ислохотлар ҳақида аниқ, содда ва тушунарли ахборотни тарқатишда блогерларни жалб қилиш;

- инфлюенсерлар учун стратегик коммуникация бўйича ўқув дастурларини йўлга қўйиш: маълумотни текшириш, ахборот хавфсизлиги, манипуляцияларни аниқлаш, нейтраллик ва профессионал этикани ўргатиш;

- давлатнинг муҳим ташқи ва ички сиёсий масалаларида «далилга таянган маълумот тарқатувчи инфлюенсерлар пулли бўлмаган элчилар» (public interest influencers) концепциясини жорий қилиш;

- хайрия, таълим, экология, ҳуқуқий маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда инфлюенсерлар билан кооператив компанияларни йўлга қўйиш;

- жамоатчилик фикрини ўрганишда блогерлар аудиториясидан тарғибот эмас, feedback (қайта алоқа) манбаи сифатида ва давлат қарорларини «pastki даражадан» баҳолашда фойдаланиш.

- инфлюенсер мақомини ҳуқуқий аниқлаш: блогерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган, уларнинг ОАВдан тубдан фарқ қилмаган ҳолда, лекин эркинликни чекламайдиган «ракамли контент яратувчи» тоифасини белгилаш;

- текширилмаган маълумот тарқатган инфлюенсерлар учун жавобгарлик механизми, хусусан, 1-босқич: огоҳлантириш ва таълим, 2-босқич: вақтинчалик чеклов, 3-босқич: маъмурий жавобгарлик тартибини белгилаш;

- блогерлар учун фактчекинг платформалари ва ҳолатни исботловчи маълумотлар базаларини очиқ тақдим этиш;

- инфлюенсерларнинг сохта akkaунтлар, ботлар ва «ярим-органик» манипуляция тармоқларидан фойдаланишини аниқлаш учун алгоритмик мониторинг тизимларини жорий этиш;

- мактаб, университет ва катта ёшлар учун медиасаводхонлик бўйича миллий дастурни жорий этиш;

- фуқароларни инфлюенсер контентини танқидий баҳолашга ўргатувчи қисқа онлайн курслар, видеодарслар ва интерактив платформалар ишлаб чиқиш.

Ирода АБДУШУКУРОВА, студент
(Международных отношений университета
мировой экономики и дипломатии)

ОБ АСТРОТУРФИНГЕ И ТЕХНОЛОГИЯХ МАНИПУЛЯЦИИ ПРИМЕНЯЕМЫХ ДЛЯ ВЛИЯНИЯ НА ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

На сегодняшний день международные отношения (МО) приобретают новый характер и смысл. Наряду с появлением новых акторов во внешней политике совершенствуются законы, стратегии и тактика МО. Глобализация и широкое распространение цифровых технологий усиливают эту тенденцию, создавая современные вызовы для государств, международных организаций, транснациональных компаний и ассоциаций.

Ускорение информационных потоков, расширение масштабов влияния социальных сетей и гибридизация медиасистем в глобальном цифровом обществе, привели к усилению конкуренции за внимание общественности. Поскольку государства, политические деятели, корпорации и различные группы интересов ищут новые способы распространения информации и контроля над аудиторией, механизмы целенаправленного влияния становятся все более сложными. В этом процессе «астротурфинг» и технологии «манипуляции» широко используются для формирования общественного мнения.

Поэтому важно всесторонне проанализировать теоретические и методологические основы, практическое применение, точки соприкосновения и различия «астротурфинга» и «манипулятивных» технологий, широко используемых в процессе глобализации.

Для начала поговорим о технологиях астротурфинга. **Астротурфинг** – это искусственное формирование общественного мнения специально нанятым лицом или группой лиц. Данная политическая технология, направлена на контроль общественного сознания путем создания совершенно независимых мнений на интернет-страницах и поддержки политических процессов, находящихся в центре обсуждения, с целью оказания положительного влияния¹.

Данный термин происходит от названия американского бренда AstroTurf, которое занималось производством искусственного газона для спортивных площадок, и интерпретируется как слэнговая форма grassroots (англ. корень травы)².

Согласно исследованию экспертов по системному анализу из Иллинойского государственного университета в США, треть комментариев и

¹ Астротурфинг в политике как способ формирования общественного мнения. <https://cyberleninka.ru/article/n/astroturfing-v-politike-kak-sposob-formirovaniya-obshchestvennogo-mneniya>

² What Is Astroturfing? Ethics, Impact, and Examples. <https://www.engagebay.com/blog/astroturfing/> (дата обращения), 2025.

отзывов на онлайн-платформах являются поддельными или сфабрикованными¹.

В газете The New York Times, изданном в октябре 2024 года было отмечено, что трудно отличить подлинное общественное мнение от искусственно созданного. В журнале «Journal of Business Ethics» отмечается, что астротурфинг специально разработан для манипулирования общественным мнением и достижения стратегических целей в интересах государственной безопасности.

В издании The Journal Of Consumer Policy говорится ², что правоохранительные органы должны мобилизовать значительные силы и ресурсы для борьбы с искусственной рекламой, иначе под угрозой может оказаться не только информационная безопасность страны, но и суверенитет государства и конституционный порядок.

Аналогичным образом, в США движение «Американцы за процветание», которое финансировала компания Koch Industries, было представлено широкой публике как гражданская инициатива, но анализ показал, что это было проекцией астротурфинга, защищающей корпоративные интересы. Другим наглядным примером кампании по астротурфингу можно считать действия Санкт-Петербургского **Агентства Интернет Исследований** (Internet Research Agency) направленные на влияние на выборы в США в 2016 году³.

Основными особенностями технологий астротурфинга, являются создание искусственной социальной среды, использование фальшивой активности и демонстрация поддержки, а также введение общественности в заблуждение с помощью ботов в социальных сетях, троллей и фейковых аккаунтов. В качестве примера, из 10 миллионов твитов в 2016-2018 годах 4,5 тысячи были расценены как продукты астротурфинга, 3800 из которых были связаны с Санкт-Петербургским Агентством Интернет Исследований.(IRA)⁴.

Что касается манипулятивных технологий, то в современном обществе, где доминирует информация и слово, составляющее её основу, главными жертвами манипуляции становятся человеческий разум и психика. В своей работе 1964 года «Манипулируемый человек» немецкий социолог Герберт Франке объяснил, что «манипуляция – это понятие психологического воздействия, которое в большинстве случаев осуществляется тайно и, конечно же, причиняет вред своим «жертвам»⁵.

Таким образом, в любой сфере и в любой ситуации человек может использовать манипуляцию, сознательно или бессознательно, чтобы

¹ European Network for Counter Extremism Research. Extremism and Technology: Assessing in Digital Landscape in Europe. London: ENCER Publications, 2021.

² Threats of violent Islamist and far-right Extremism: What does the research say? <https://theconversation.com/threats-of-violent-islamist-and-far-right-extremism-what-does-the-research-say-72781>

³ Zhan Bu et al., A sock puppet detection algorithm on virtual spaces, 37 KNOWLEDGE-BASED SYS, 2024. – P. 366-377.

⁴ См. Статью Bárbara da Rosa Lazarotto, которая анализирует книгу See Ben Nimmo et al., #Trolltracker: Twitter troll farm archives Part one: Seven key take aways from a comprehensive archive of known Russian and Iranian troll operations, MEDIUM: DRFLAB, 2018.

⁵ Кин Дж. Средства массовой информации и демократия. – М., 1994. – С. 42.

получить для себя какую-либо выгоду. Слово «манипуляция» происходит от латинского слова *manus* – рука (*manirulus* – *горсть*, *manus u ple* – *наполнять*). В словарях европейских языков это слово означает обращение с вещами с определенным намерением, целью. Современное значение этого слова – умелое отношение людей к вещам¹.

Проявления манипуляции были описаны 2,5 тысячи лет назад знаменитым китайским государственным деятелем Сунь Цзы в его труде «Трактат об искусстве войны». Основываясь на этом труде, Китай с древних времен мастерски использовал различные методы прямой манипуляции для осуществления своей внутренней и внешней политики. Его секреты хранились в тайне, а методы оказания подобного влияния на человека строго контролировались. В Китае манипуляция возведена в ранг искусства, передаваемого из поколения в поколение и держащегося в секрете от других народов.

По мнению экспертов, стратегом был полководец по имени Сунь Бинь, живший в царстве Ци в IV веке до нашей эры². Сунь Цзы обучал своих учеников определенным типам поведения, которые эксперты называют «алфавитом стратегизма»³. В трактате Сунь Цзы «36 уловок» система манипулятивного воздействия в форме метафор обобщается и классифицируется, создается банк уникальных результатов и разрабатываются конкретные методические подходы для использования в различных условиях.

Если же обратиться к определению понятия «уловка», то оно означает ловушку, стратегический план против противника. Исходя из этого понятия, российский политолог В.С.Мясников обратил внимание на то, что в китайском языке оно одновременно выражает «интеллект, изобретательность, находчивость».

Манипуляция включает в себя элементы субъекта, объекта, предмета и результата, где субъектом является манипулятор, объектом – лицо, подвергающееся манипуляции, предметом являются измененные концепции, желания или стремления, а результатом является то, достигает ли манипулятор своей цели или нет⁴.

Сегодня множество деструктивных сил ставят перед манипуляторами задачи по формированию у граждан образа окружающей реальности с целью реализации определенных стратегий в собственных интересах. В свою очередь, не секрет, что манипуляторы контролируют граждан или определенные группы людей, управляя их мыслями и действиями.

¹ Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. – М.: Алгоритм, 2000. – С. 12.

² Зенгер Х. Стратегемы. О китайском искусстве жить и выживать. Знаменитые 36 стратегем за три тысячелетия. – М., 1995. – С. 24-25.

³ Мясников В.С. Антология хитроумных планов (Вступительная статья к монографии Харро фон Зенгера «Стратегемы. О китайском искусстве жить и выживать. Знаменитые 36 стратегем за три тысячелетия»). – М., 1995. – С. 6.

⁴ Dowding K., Oprea A. Manipulation in Politics and Public Policy. Cambridge University Press, 2024.

Хотя упомянутые выше технологии создания искусственного общественного мнения и манипулирования общественным мнением очень похожи, однако существуют некоторые аспекты, которые их отличают.

Для начала рассмотрим взаимную совместимость этих двух технологий: обе служат для изменения общественного сознания и достижения целей определенных заинтересованных сторон. Однако разница заключается в том, что астротурфинг напрямую создает искусственную социальную среду. Манипуляция использует инструменты когнитивного воздействия, направленные на изменение существующей социальной среды.

Манипуляция также основана на таких методах, как искажение механизмов восприятия информации человеческим разумом, различное толкование реальности, отбор информации, формирование фреймов, дезинформация и когнитивное воздействие. Например, компания Cambridge Analytica использовала технологии манипуляции на выборах в США, собирая данные из Facebook, разделяя людей на психологические типы и рассылая им специальную политическую рекламу.

Астротурфинг осуществляется в подполье, при этом инициатор и заинтересованная сторона остаются скрытыми. Хотя для общественности это выглядит как «народная инициатива», на самом деле это планируется конкретной компанией, партией или лоббистской группой. Иными словами, хотя технология астротурфинга кажется движением «снизу вверх», на самом деле она искусственно создается сверху, политическими деятелями.

Кроме того, астротурфинг обычно используется в краткосрочных стратегиях во время выборов, кризисов в сфере связей с общественностью и антикорпоративных кампаний. Манипуляция, с другой стороны, представляет собой среднесрочную технологию когнитивного воздействия, которая формирует цели манипулятора в сознании человека.

Астротурфинг считается неэтичной технологией, осуществляемой путем обмана общественности, создания ложных мнений и использования фальшивых активистов. Манипуляция, с другой стороны, часто принимает неэтичные, но юридически неоднозначные формы. В этом случае манипулятор использует такие методы, как выборочная информация, распространение фейковых новостей и искажение контекста.

Кроме того, в технологии астротурфинга широко используются фейковые аккаунты, боты и поддельные неправительственные и некоммерческие организации. Манипуляции осуществляются с помощью медиасистем, пропаганды, фрейминга и технологий deepfake. В качестве примера можно отметить, что после 2022 года, во время российско-украинской войны, технологии deepfake использовались для манипулирования общественным сознанием путем распространения поддельных видеороликов с участием украинских лидеров.

Из приведенного выше анализа можно заключить, несмотря на схожесть астротурфинга и манипулятивных технологий информацией,

их сущность и цели различаются. Поэтому в эпоху глобализации одной из важных задач сегодня является своевременное выявление стратегий заинтересованных сторон, направленных на изменение общественного мнения, и защита населения от определенных информационных атак путем применения используемых ими стратегий и тактик.

**Ҳилола ШОМУРАТОВА, мустақил тадқиқотчи
(Ўзбекистон Миллий университети)**

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ҳозирги глобаллашув ва жадал ижтимоий-сиёсий трансформация шароитида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик инсоният олдида турган энг долзарб ва мураккаб муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу иллат нафақат алоҳида шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати тажовуз қилади, балки жамият барқарорлиғи, оила институти мустаҳкамлиғи ҳамда инсон ҳуқуқларининг таъминланишига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳамжамият томонидан мазкур муаммо глобал характерга эга экани тан олинган бўлиб, United Nations доирасида қабул қилинган қатор халқаро ҳужжатлар ва барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай зўравонликка барҳам бериш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш ва зўравонликка қарши курашиш йўналишида UN Women томонидан тизимли дастурлар, таҳлилий ҳисоботлар ва институционал ислохотларга қаратилган ташаббуслар амалга оширилмоқда. Бу эса, муаммонинг глобал миқёсдаги долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу билан бирга, рақамли трансформация жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб келмоқда. Интернет тармоқлари, ижтимоий платформалар ва рақамли коммуникация воситаларининг кенг тарқалиши зўравонлик шакллариининг ҳам трансформациясига олиб келмоқда. Анъанавий жисмоний ва психологик зўравонлик турлари билан бир қаторда кибер тазйиқ, онлайн таъқиб, шахсий маълумотларни тарқатиш орқали босим ўтказиш каби янги кўринишлар вужудга келмоқда. Бу эса зўравонликнинг латент даражасини ошириб, уни аниқлаш ва профилактика қилиш механизмлари янада такомиллаштиришни талаб этади.

Айни пайтда рақамли технологиялар фақат хавф манбаи эмас, балки профилактика ва ҳимоянинг самарали воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Онлайн мурожаат платформалари, электрон ҳимоя ордерлари, рақамли мониторинг тизимлари, ҳуқуқий маслаҳат хизматлари ва мобил иловалар зўравонликка қарши курашишда янги институционал имкониятлар

яратмоқда. Бу эса профилактика фаолиятини замонавий ёндашувлар асосида қайта қўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон шароитида ҳам хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан гендер тенгликни таъминлаш, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик ташаббуслари ва парламент назорати механизмлари амалга оширилмоқда. Айнан Ўзбекистонда интернетдаги таҳдидларга қарши ҳуқуқий ҳимоя тизимини шакллантириш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги таъкидланади.

Жумладан, **«Ахборотлаштириш тўғрисида»**ги Қонун интернетда ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ахборотларни ишлашга доир талабларни белгилаб берган¹. Шунингдек, **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»**ги Қонун шахсий маълумотларни йиғиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, рухсатсиз маълумот тарқатиш ҳолатларига қарши ҳуқуқий чораларни мустаҳкамлаган².

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонун давлат хизматларини рақамли шаклда кўрсатиш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган нормаларни жорий этган³. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2023 йил 4 сентябрдаги 91-сонли **«Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги⁴ буйруғи киберхавфсизлик тизимини ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади.

Ушбу норматив ҳужжатлар шахсий ахборотларни ҳимоя қилиш, киберҳужумларга қарши курашиш ҳамда ижтимоий тармоқларда ахлоқий меъёрларни мустаҳкамлашни давлат сиёсати даражасида устувор вазифа сифатида белгиланган. Бироқ, рақамли трансформация шароитида зўравонлик профилактикасининг назарий-методологик асослари, рақамли инструментлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда институционал механизмлар ўзаро ҳамкорлигининг илмий таҳлили етарли даражада комплекс ўрганилмаган.

Шу жиҳатдан, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг замонавий шакллари, уларнинг рақамли муҳитда намоён бўлиш хусусиятлари ва профилактика тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятларини илмий асосда тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур масала инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенгликни

¹ «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун / <https://www.lex.uz/acts/83472/>

² «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонун / <https://lex.uz/docs/4396419/>

³ «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонун / <https://www.lex.uz/acts/2833860/>

⁴ Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида / <https://nrm.uz/contentf?doc=734411/>

мустаҳкамлаш ва барқарор ижтимоий ривожланишни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир¹. Криминологик нуқтаи назардан профилактика умумий, махсус якка ва виктимологик турларга бўлинади.

Рақамли профилактика эса янги тушунча сифатида кириб келмоқда ва бу ахборот-коммуникация технологиялари орқали зўравонлик ҳолатларини эрта аниқлаш, огоҳлантириш ва ҳимоя қилиш механизмларини жорий этишни англатади. Бу жараёнда виктимологик ёндашув алоҳида аҳамият касб этади, яъни жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида қаралади.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини замонавий илмий ёндашувлар ва рақамли технологиялар имкониятлари уйғунлигида таҳлил қилиш ўрганилаётган мавзунинг назарий методологик асосини ташкил қилади. Бу борада хотин-қизларга нисбатан зўравонлик глобал ижтимоий-ҳуқуқий муаммо сифатида эътироф этилиб, унинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда криминологик, виктимологик, институционал ёндашувлар ҳамда рақамли криминология муҳим аҳамият касб этади.

Криминологик ёндашув зўравонликни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиб, унинг пайдо бўлишига таъсир этувчи ижтимоий тенгсизлик, ҳуқуқий маданият даражаси, оилавий муносабатлар хусусиятлари ва латент жиноятчилик омилларини таҳлил қилишга хизмат қилади. Виктимологик ёндашув эса жабрланувчи шахснинг ижтимоий-психологик ҳолати, ижтимоий ҳимоя даражаси ва такрорий виктимлашув хавфини баҳолаш орқали профилактика тизимини жабрланувчини ҳимоя қилишга йўналтириш имконини беради.

Институционал ёндашув профилактика жараёнида давлат органлари ва жамоат институтлари ўртасидаги ҳамкорликни таҳлил қилишга асосланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд ва прокуратура тизими, маҳалла институти, хотин-қизлар масалалари бўйича тузилмалар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг мувофиқлаштирилишини муҳим омил сифатида кўради.

Шу билан бирга, рақамли криминология тушунчаси зўравонликнинг кибермаконда намоён бўладиган янги шакллари ўрганишга қаратилган бўлиб, онлайн таъқиб, кибер тазйиқ, шахсий маълумотларни тарқатиш орқали босим ўтказиш каби ҳолатларни таҳлил қилиш имконини беради². Рақамли

¹ «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун / <https://www.lex.uz/acts/2387357/>

² Маматқобилов Н. Рақамли криминология тушунчаси / <https://econferences.ru/index.php/arims/article/view/33997>

криминология прогношлаш, хавфларни эрта аниқлаш ва маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш механизмларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқотда интернет технологиялари профилактика тизимининг муҳим инструменти сифатида кўриб чиқилади. Хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали ҳуқуқий ахборот тарқатиш, жамоатчилик ҳуқуқий онгини ошириш, аноним муурожаат қилиш имкониятларини яратиш ва зўравонлик ҳолатларини оммалаштириш профилактика самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, ижтимоий тармоқлар кибербуллинг ва онлайн тазйиқ манбаи бўлиши мумкинлиги сабабли уларни мониторинг қилиш ва медиасаводхонликни ошириш муҳимдир.

Бундан ташқари, Big Data технологиялари катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали зўравонлик ҳолатлари статистикасини ўрганиш, хавфли ҳудудларни аниқлаш, такрорий ҳуқуқбузарликлар динамикасини баҳолаш ва хавф гуруҳларини белгилаш имконини беради. Сунъий интеллект технологиялари эса хавфли хатти-ҳаракатларни автоматик аниқлаш, онлайн таҳдидларни филтрлаш, зўравонликка оид контентларни мониторинг қилиш ва хавф даражасини прогношлашда қўлланилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда CCTV видеокузатув тизимлари ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш ва исбот базасини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, GPS мониторинг технологиялари ҳимоя ордери берилган шахсларни назорат қилиш, хавфли субъектлар ҳаракатини кузатиш ва жабрланувчи хавфсизлигини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Электрон муурожаат платформалари эса жабрланувчиларга тезкор муурожаат қилиш, онлайн ҳуқуқий маслаҳат олиш ва зўравонлик ҳолатларини рақамли рўйхатга олиш имконини яратиб, латент зўравонлик даражасини камайтиришга хизмат қилади. Умуман олганда, тадқиқотнинг назарий-методологик асоси анъанавий криминологик ва виктимологик қарашларни рақамли трансформация шароити талабларига мос равишда ривожлантиришга қаратилган.

Маълумот учун: Big Data технологиялари – бу ҳажми, тезлиги ва хилма-хиллиги жиҳатидан анъанавий ахборот қайта ишлаш усуллари билан таҳлил қилиб бўлмайдиган даражада катта бўлган маълумотлар тўпламини англатади¹.

CCTV видеокузатув – бу видео тасвирларни маълум бир жойдаги камералар орқали махсус мониторларга ёки ёзиб олиш қурилмаларига узатувчи хавфсизлик тизими².

GPS мониторинг – бу сунъий йўлдош кузатув мониторинги, уяли ёки радиоалоқа ускуналари ва технологиялари, ҳисоблаш технологиялари ва

¹ International Data Corporation / <https://www.idc.com>

² CCTV – это аббревиатура термина Closed Circuit Television / <https://itrade.uz/cctv>

*рақамли хариталар ёрдамида қурилган ҳаракатланувчи объектларни кузатиш тизими*¹.

Замонавий рақамли трансформация шароитида интернет технологиялари хотин-қизларга нисбатан зўравонлик профилактикасининг самарадорлигини оширишда стратегик аҳамиятга эга восита сифатида намоён бўлмоқда. Давлатимизда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда интернет технологияларидан фойдаланишнинг ахборот-маърифий, эрта аниқлаш, электрон мурожаат ҳамда назорат ва мониторинг каби асосий йўналишлари шаклланиб бормоқда.

Аввало, интернет технологияларининг ахборот-маърифий функцияси жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга хизмат қилади. Ижтимоий тармоқлар, онлайн платформалар ва рақамли коммуникация воситалари орқали профилактик роликлар, вебинарлар, онлайн семинарлар ва ахборот кампанияларини ташкил этиш аҳолининг, айниқса хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиш даражасини ошириш имконини беради. Бу йўналишда гендер зўравонлигига қарши 16 кунлик халқаро акция доирасида кенг қамровли тарғибот ишларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур ташаббус UN Women томонидан илгари сурилган глобал профилактик дастурлардан бири ҳисобланади ҳамда United Nations тизимида гендер тенглик сиёсатининг амалий ифодаси сифатида хизмат қилади.

Интернет технологияларининг эрта аниқлаш функцияси профилактика тизимининг инновацион йўналишларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий тармоқлардаги таҳдидли контентларни мониторинг қилиш, кибербуллинг ҳолатларини аниқлаш ҳамда сунъий интеллект алгоритмлари асосида хавфли хатти-ҳаракатларни прогнозлаш имконияти профилактиканинг янги босқичини шакллантиради.

Шу билан бирга, рақамли виктимология концепцияси интернет муҳитида жабрланиш хавфи омилларини ўрганиш, потенциал қурбон гуруҳларни аниқлаш ва такрорий виктимлашувнинг олдини олишга қаратилган илмий йўналиш сифатида аҳамият касб этади. Big Data технологиялари катта ҳажмдаги ахборот массивларини таҳлил қилиш орқали зўравонлик ҳолатларининг географик, демографик ва ижтимоий хусусиятларини аниқлаш, хавфли ҳудудларни прогнозлаш ҳамда профилактик тадбирларни проактив шаклда ташкил этиш имконини беради.

Электрон мурожаат ва ҳимоя механизмларини ривожлантириш ҳам профилактика тизимининг муҳим институционал йўналиши ҳисобланади. Жабрланувчилар интернет платформалар орқали зўравонлик ҳолатлари юзасидан тезкор ариза юбориш, онлайн ҳуқуқий ва психологик маслаҳат олиш имкониятига эга бўлмоқда. Мазкур соҳада профилактика субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида рақамли мурожаатларни қабул қилиш платформалари жорий этилмоқда. Телеграм-ботлар, ишонч

¹ Спутниковый мониторинг транспорта / <https://ru.wikipedia.org/wiki>

телефонлари ва электрон ҳимоя ордерларини рақамлаштириш жабрланувчиларга масофавий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради.

Интернет технологияларининг назорат ва мониторинг функцияси ҳуқуқбузарликларни эрта босқичда аниқлаш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Ягона статистик база шакллантириш, идоралараро ахборот алмашинувини таъминлаш ҳамда геоаналитика усулларини жорий этиш профилактика самарадорлигини оширади. Шу билан бирга, мамлакатда рақамли зўравонлик ҳолатларини ҳисобга олувчи ягона интеграциялашган мониторинг тизимининг тўлиқ шаклланмаганлиги илмий жиҳатдан танқидий баҳоланади. Бу ҳолат маълумотларни марказлаштирилган тарзда таҳлил қилиш, хавф омилларини прогнозлаш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларини оптималлаштириш имкониятларини чеклайди. Шу сабабли рақамли мониторингнинг миллий платформасини яратиш профилактика тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлифлардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, интернет технологияларининг ахборот-маърифий, эрта аниқлаш, электрон мурожаат ҳамда назорат-мониторинг функцияларини комплекс ривожлантириш хотин-қизларга нисбатан зўравонлик профилактикасининг замонавий, инновацион ва маълумотларга асосланган моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Амалга оширилган ишлар сирасида қатор мавжуд муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Аёлларга нисбатан рақамли зўравонлик ҳолатлари бўйича аниқ тушунчаси ишлаб чиқилмаганлиги унинг зўравонлик тури сифатида ҳуқуқий классификациянинг етарли даражада баҳоланмаслигига олиб келмоқда. Бундан ташқари кибербуллинг тушунчаси уни ҳуқуқий квалификация қилиш муаммоси мавжуд.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кибербуллинг алоҳида ҳуқуқбузарлик тури сифатида норматив жиҳатдан тўлиқ институционаллаштирилмаган. Амалда кибербуллинг ҳолатлари кўпинча ҳақорат қилиш, таҳдид солиш ёки шахсий маълумотларни тарқатиш каби умумий ҳуқуқбузарлик таркиблари доирасида баҳоланмоқда. Бу эса, кибермаконда содир этилган зўравонлик ҳаракатларини комплекс криминологик баҳолаш имкониятини чеклайди.

Ўзбекистон шароитида кибербуллингни ҳуқуқий квалификация қилишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида айрим қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимларида кибермакондаги зўравонлик ҳолатларини алоҳида статистик ҳисобга олиш механизми тўлиқ шаклланмаган.

Онлайн таъқиб учун жавобгарлик масаласи ҳам етарлича эмас. Онлайн таъқиб (cyberstalking) учун махсус жавобгарлик нормаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги профилактика тизими самарадорлигини пасайтирмоқда. Амалда бундай ҳолатлар кўпинча маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки умумий жиноий таркиблар доирасида кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистонда

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсати даражасида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Аммо бу соҳада ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан гендер тенглик ва зўравонликка қарши курашишга қаратилган қонунчилик ташаббуслари амалга оширилмоқда.

Шахсий маълумотларнинг муҳофазаси рақамли муҳитда зўравонлик профилактикасининг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат персоналлаштириш маркази ҳамда ахборот хавфсизлигига масъул давлат тузилмалари томонидан шахсий маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш талаблари белгиланган бўлса-да, интернет тармоқларида рухсатсиз маълумот тарқатиш ҳолатларининг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ахборотлаштириш тўғрисидаги Қонуни ҳамда Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги Қонун нормаларини рақамли зўравонликка қарши профилактика механизмлари билан интеграция қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хотин-қизлар, айниқса, уй бекалари ҳамда вояга етмаган ёш қизларда рақамли саводхонлик даражаси пастлиги уларнинг онлине таъқибларга учраши даражасини ошишига олиб келмоқда. Бу борада таълим тизимида рақамли хавфсизлик модулларини мактаб ва ОТМларда медиасаводхонликни ошириш зарурлигини тақозо қилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Рақамли зўравонлик тушунчасига аниқ тариф ишлаб чиқиш.
2. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини қайд этувчи ягона электрон мониторинг платформасини яратиш.
3. Сунъий интеллект асосида аёлларга нисбатан кибербуллингни автоматик аниқлаш тизимини жорий қилиш.
4. Таълим муассасаларида «Рақамли хавфсизлик ва гендер маданияти» ўқув модулларини киритиш.
5. Идоралараро электрон ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш.

Хулоса қилиб айтганда, интернет технологиялари хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш имкониятига эга. Бироқ бу имкониятлардан самарали фойдаланиш учун ҳуқуқий, институционал ва техник механизмларни комплекс тарзда такомиллаштириш зарур. Рақамли профилактика давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва таълим тизими ўртасидаги узвий ҳамкорликни талаб этади.

**Iroda Eshmanova, PhD Student
Academy of Public Policy and Administration
under the President of the Republic of
Uzbekistan**

STRATEGY “UZBEKISTAN – 2030”: A ROADMAP FOR SYSTEMIC REFORMS AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT

The Uzbekistan-2030 Strategy is a comprehensive national development roadmap introduced on September 11, 2020, aimed at propelling the Republic of Uzbekistan towards sustainable economic growth and improved quality of life for its citizens.

This strategy represents a significant policy shift under President Shavkat Mirziyoyev, emphasizing measurable outcomes, institutional accountability, and targeted reforms across various sectors, including public administration, health, and education¹. As Uzbekistan strives to transition from a state-led economy to a more market-oriented approach, the strategy has garnered both national and international attention for its ambitious goals and potential impact on regional dynamics.

Notably, the Uzbekistan-2030 Strategy priorities social inclusion and empowerment, particularly for youth and women, recognizing their roles as critical drivers of national development. Initiatives under the strategy include vocational training, entrepreneurship support, and measures to enhance gender equality, all aimed at raising per capital income and fostering regional integration². The strategy also outlines significant economic reforms, including the establishment of free economic zones and a commitment to renewable energy, reflecting the government's intention to diversify the economy and attract foreign investment.

The implementation of the Uzbekistan-2030 Strategy is marked by a commitment to transparency and public participation, with a robust framework for monitoring and evaluation to ensure that reforms are responsive to citizens' needs[8][9]. However, the strategy has faced challenges, including concerns over bureaucratic inefficiencies and corruption, prompting the government to initiate anti-corruption measures and enhance institutional accountability as part of its broader governance reforms. As Uzbekistan moves forward with this ambitious agenda, the success of the Uzbekistan-2030 Strategy will be closely monitored,

¹ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2023). On the Approval of the "Uzbekistan-2030" Strategy. No. PF-158.

² Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2026). On Additional Measures for the Implementation of the "Uzbekistan-2030" Strategy. No. PF-XX.

both domestically and internationally, as a barometer of the nation's socio-economic trajectory and regional standing

Overview

The Uzbekistan-2030 Strategy is a comprehensive roadmap aimed at propelling the Republic of Uzbekistan towards sustainable development and increased prosperity.

Adopted on September 11, 2020, the strategy reflects a significant shift in policy focus, emphasizing measurable outcomes and the enhancement of citizens' quality of life through a series of targeted reforms and initiatives¹.

Strategic Framework

A core element of the Uzbekistan-2030 Strategy is the establishment of a robust framework for implementation and accountability. This involves a detailed assessment of previous progress, identification of remaining challenges, and the recalibration of performance indicators to facilitate precise measurement of outcomes².

The strategy designates specific institutions responsible for achieving each strategic objective, ensuring that financial resources are clearly outlined to support these goals. This alignment fosters greater institutional accountability, moving the strategy from broad aspirations to concrete actions.

Policy Priorities

The strategy prioritizes the enhancement of various sectors, including public administration, local governance, and the economy. Notably, it aims to strengthen cooperation between legislative bodies and public administration, improve service delivery, and foster an environment conducive to entrepreneurial growth. A notable focus on social protection, particularly for vulnerable populations such as children, is also included, with plans for the implementation of new mechanisms starting February 1, 2026.

Moreover, the strategy highlights the importance of digital technology and interagency coordination, aiming to create an integrated electronic platform for better service delivery and monitoring of progress. By fostering innovation and entrepreneurship, the strategy aims to raise Uzbekistan's GDP per capita and transition to a technological development model that enhances local production capabilities and increases labor productivity³.

Inclusivity and Empowerment

Central to the Uzbekistan-2030 Strategy is the commitment to social inclusion and empowerment, particularly of youth and women. The strategy

¹ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan. (2023). On the Approval of the "Uzbekistan-2030" Strategy. No. PF-158.

² Ministry of Economy and Finance. (2025). Report on the Implementation of the "Uzbekistan-2030" Strategy for 2024. Tashkent: Government of Uzbekistan.

³ Institute of Macroeconomic and Regional Research (IMRI). (2026). Regional Development Indicators under the "Uzbekistan-2030" Strategy. Tashkent.

outlines initiatives for vocational training, entrepreneurship, and the advancement of gender equality, recognizing these groups as critical drivers of national development¹. The overarching goal is to raise per capital income significantly while deepening regional integration and ensuring that economic growth translates into improved quality of life for all citizens².

Key Components

Infrastructure Development

Investment in infrastructure is a critical component of the strategy, facilitating economic growth and development. The creation of small industrial zones has proven effective, with hundreds of projects initiated and thousands of jobs created.

Enhanced infrastructure is viewed as essential for supporting industrial upgrades and attracting domestic and foreign investment, thus contributing to the overall economic advancement of the country.

Through these key components, Uzbekistan's 2030 strategy aims to foster sustainable development, improve living standards, and position itself as a growing player in the regional and global economy.

Economic Development and Liberalization

The Uzbekistan 2030 strategy priorities significant economic reforms aimed at achieving macroeconomic stability and fostering a business-friendly environment.

Over the past five years, reforms have included reducing inflation, simplifying the tax burden, and diversifying the economy, thereby facilitating equal and free competition across various sectors. The introduction of market principles, particularly in agriculture, has abolished state orders for crops like cotton and grain, increasing production efficiency and stimulating private investment. Additionally, the establishment of free economic zones aims to attract foreign investment by providing beneficial conditions.

Education and Vocational Training

A major aspect of the 2030 strategy is the enhancement of Uzbekistan's education system, particularly in technical and vocational education and training (TVET). The development of a National Qualification System and Quality Assurance Framework is underway, aiming to align educational outcomes with labor market needs³. The strategy emphasizes inclusive access to quality education for all, particularly focusing on skill development for youth and adults, and aims to eliminate gender disparities in education by 2030. Additionally,

¹ World Bank. (2025). Uzbekistan Economic Update: Navigating Reforms and Global Challenges. Washington, D.C.

² Bobokulov, S. B. (2025). "Main Development Directions of The Digital Economy: 'Digital Uzbekistan-2030' Strategy and its Essence." *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 5(2), 50–54.

³ Khujanazarova, N. (2025). "Actual Problems of the Financial Market and Methodological Foundations of its Regulation within the Framework of the 'Uzbekistan-2030' Strategy." *Scientific Journal*, 4(1), 147–152.

specialized Centers of Vocational Excellence have been established to support modern training and education methodologies¹.

Health Care Improvements

The strategy also addresses health care reforms, aiming to improve the overall health system through the establishment of family clinics and specialized medical facilities.

Significant investments have been made in rural health infrastructure, replacing outdated medical centers with modern facilities to enhance service delivery and accessibility. These reforms are part of a broader initiative to elevate the health standards across the nation, reflecting a commitment to social welfare as a key priority.

Implementation

The implementation of the Uzbekistan-2030 Strategy is centered around creating a robust ecosystem for government services, significantly reducing corruption and bureaucracy, and enhancing public trust in governmental institutions. A key initiative outlined by the President is the establishment of a proactive, integrated system for delivering government services, set to begin in 2026 across 208 districts and cities. This approach emphasizes the legal framework governing direct government procurement to ensure transparency and accountability in public spending².

Overview of the Strategy's Focus

The "Uzbekistan - 2030" Strategy emphasizes an outcome-driven approach to public policy by assessing every policy decision and reform priority based on its potential impact on citizens' quality of life, social inclusion, and long-term prosperity. This shift marks a significant move away from abstract targets, aiming instead to create a clear operational roadmap that directly links strategic objectives to responsible institutions and required financial resources, thereby enhancing institutional accountability.

¹ Turaxonova, M. A. (2026). "Youth Policy and Soft Power: The Role of the 'Uzbekistan-2030' Strategy in Human Capital Development." *Central Asian Journal of Social Sciences*, 4(12).

² Rayimova, N. B. (2026). "Model and Methodology for Improving Ecological Culture in an Educational Cluster." *Journal of Educational Innovation*, 4(12).

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим.

РАҚАМЛИ СИЁСАТНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ялгашев Б.	Рақамли сиёсатнинг назарий асослари: муаммо ва ёндашувлар	4
Абдурахмонов Ж.	Сиёсий муносабатларнинг рақамлашуви	10
Зуфаров Ж.	О цифровую демократию: понятие и применение . .	13
Сулаймонова М.	Демократик жараёнларда рақамли трансформациянинг ўрни	20
Шукуров Н.	Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хос жиҳатлари	25
Ёқубжонов О.	Рақамлаштириш – демократик ислохотларнинг драйвери сифатида	31
Боймуродова Р.	Ўзбекистонда рақамли сиёсат: давлат бошқаруви ва электрон иштирок	37
Исмоилов У.	Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси: рақамли давлат бошқарувида фуқаролар мулоқотининг замонавий механизми. . . .	45
Райимов А.	Ўзбекистонда давлат бошқарувида рақамли трансформация: замонавий тенденциялар ва истиқболлар.	51
Каримов Б.	Давлат бошқарувида рақамли трансформация. . . .	56
Ёзиева Ш.	Теоретические и практические вопросы цифровой политики.	59
Абуталипов А.	Давлат ахборот сиёсати ва унинг аҳамияти.	63
Умаров Х.П.	Ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масалалари: хорижий тажриба.	67
Сулаймонов А.	Демократик ислохотларни ривожлантиришда рақамлаштириш омили	74
Воҳидова М.	Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида рақамлаштириш сиёсати ва электрон ҳукумат парадигмаси.	79
Абдуллаев Д.	Ўзбекистонда давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда рақамли ҳукуматнинг ўрни ва роли. . . .	84
Фармонов Б.	Рақамли демократия: назарий тушунча ва амалий кўринишлар	90

Файзиев Ж.	Ахборот уруши: рақамли дунёда сиёсий қурол сифатида	96
Ашурова Г.	Сиёсий бошқарувда «fake news» ижтимоий хавф сифатида.	101
Шавкатбеков М.	Сиёсий манипуляция ва дезинформацияларга қарши рақамли саводхонликни ошириш масалалари	105
Қалқанов Н., Эргашев З.	Давлат бошқарувида ахборот таҳдидларига қарши миллий ва минтақавий иммунитет.	109
Абдужабборова М	Сиёсий жараёнларда ахборот таъминоти билан ишлаш	115
Баҳриев К.	Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашнинг замонавий усуллари ва уларнинг самарадорлигини оширишда рақамли сиёсатнинг ўрни	118
Ражабов С., Ҳамидов Б.	Ўзбекистонда давлат бошқаруви самарадорлиги ва шаффофлигини оширишда рақамли технологияларнинг ўрни	123
Мирзакаримов А.	Давлат бошқарувида электрон ҳукумат платформаси: Германия ва Эстония тажрибаси қиёсий таҳлили	127
Мансурова М.	Давлат бошқарувида рақамли сиёсат ва унинг ижтимоий бошқарувга таъсири	131
Сахатов Б.	Ахборотлашган жамиятда давлат сиёсати ва рақамли хавфсизлик: ички ишлар органларининг инновацион бошқарув модели	134
Тошпўлотов Ш.	Рақамли сиёсий прогнозлаш: СИ, big data ва предиктив моделлар асосида сиёсий жараёнларни олдиндан айтишнинг янги парадигмалари	137
Сафаров Т.	Замонавий ахборот урушининг ўзига хос хусусиятлари	144
Каримов Н.	Киберхавфсизлик соҳасида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги	149
Тўраев С.	Судлар ҳокимиятида сунъий интеллектнинг ўрни . . .	154
Холмуродов Д.	Давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари	160
Давлатов У.	Рақамли бозорларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: давлат сиёсати ва бошқарувининг замонавий ёндашувлари	167

Иккинчи бўлим.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА РАҚАМЛИ КОММУНИКАЦИЯЛАРДА СИЁСИЙ МОБИЛИЗАЦИЯ

Ўразалиев М.	Ижтимоий тармоқлар орқали сиёсий мобилизация воситаси сифатида фойдаланиш масалалари	171
Абдулқосимов Б.	Интернет технологиялари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ривожлантириш омили сифатида: тенденциялар ва зиддиятлар	178
Шарипов Ф.	Сиёсий ташкилотлар фаолиятида Telegram, Facebook ва Instagram каби ижтимоий тармоқларнинг ўрни	181
Шоназаров С.	Блогосферанинг сиёсий онгга таъсир даражаси	189
Жўраев О.	Опыт использования цифровых платформ в избирательных компаниях	193
Эримметов С.	Сиёсий фейк контентлар: тарқалиш динамикаси ва жавоб чоралари	196
Ашуров С.	Виртуал жамоаларда сиёсий фикр эркинлиги ва унга бўлган таҳдидлар	204
Қаршиев Б.	Инфлюенсерлар орқали сиёсий фикрни шакллантириш йўллари: таҳлил ва баҳолаш	209
Каримов Н.	Ижтимоий тармоқларда рақобатбардош сиёсий брендлар яратиш усуллари	215
Турсынбаев У.	Сиёсий онлайн челленжларнинг аҳоли кайфиятига таъсирини баҳолаш	219
Тоҳиров Ғ.	Сиёсий қарама-қаршиликларда фейк компанияларнинг роли	224

Учинчи бўлим.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК, АХБОРОТ УРУШИ ВА РАҚАМЛИ СУВЕРЕНИТЕТ

Усмонов Ш.	Ахборот уруши: рақамли дунёда сиёсий қурол сифатида	229
Ускенбаев Б.	Сайлов жараёнларида киберхавфсизлик муаммолари	233
Рейимбаев О.	Рақамли платформаларда «ботлар» орқали сиёсий таъсир кўрсатиш усуллари	238
Атакулов Ж.	Киберҳимоя механизмлари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш	243

Мирзалиев М.	Киберхавфсизлик соҳасида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги	252
Мамадалиев М.	Постсовет маконидаги геосиёсий ахборот урушларининг кўринишлари	255
Абдуллаев Х.	Сиёсий манипуляция ва дезинформацияларга қарши рақамли саводхонликни ошириш масалалари	262

Тўртинчи бўлим.

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ, РАҚАМЛИ СИЁСІЙ ХІЗМАТЛАР ВА ФУҚАРОЛИК АЛОҚАЛАРИ

Исабаев М.	Депутатлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари	269
Махмудов Ж.	«Е- democracy» ва «Е- participation» концепциялари: назария ва амалиёт	275
Аҳмедова Ҳ.	Фуқароларнинг рақамли хизматларга ишончи ва сиёсий мобиллигини ошириш	280
Шамиев М.	Электрон овоз бериш тизимлари: имкониятлар ва хавфлар	285
Тўхтаев М.	Фуқаролар розилигида электрон давлат хизмати сифатининг ўрни ва аҳамияти	291
Тўхтаев Б.	Фуқаро ва депутат ўртасидаги масофани қисқартиришда «электрон парламент» тизимининг ўрни	298
Турсунов З.	Давлат хизматлари платформаларида фуқаролар фикрини таҳлил қилиш ва ўрганиш технологиялари	307
Шерметов Ж.	Сиёсий қарорлар қабул қилишда рақамли «feedback» тизимларининг ўрни	312
Мусурмонов Я.	Сиёсий фаолликни оширишда рақамли хизматлар ва платформаларнинг имкониятлари	319

Бешинчи бўлим.

СИЁСІЙ ЖАРАЁНЛАРДА ІНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ

Йўлбарсхўжаев У.	Сайлов технологиялари ва уни ижтимоий тармоқлар орқали олиб бориш усуллари	324
-------------------------	--	-----

Рахматов Б.	Сиёсий ташкилотлар фаолиятида facebook, instagram ва telegram каби ижтимоий тармоқларнинг роли	329
Махмудов Ш.	Давлат манфаатларига таъсир кўрсатувчи сиёсий технологиялар	335
Исмоилов Н. Зиётова Б.	Медиатехнологиялар таъсирида ёшларнинг маънавий қадриятлари: таҳлилий ёндашув	340
Жўрақулова А.	Сиёсий жараёнларда интернет технологияларининг роли	344
Каримов Б.	Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ижтимоий тармоқлар омили (ёшлар радикаллашуви мисолида)	347
Ахмедов Ю.	Миллий-этник зиддиятларни олдини олишда интернет технологияларининг роли	353
Назарқосимов С.	Шахсга йўналтирилган давлат хизмати: сунъий интеллект ёрдамида тезкор, адолатли ва шаффоф бошқарув	357
Чўлиев А.	Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий масалалари	362
Турсунбоев О.	Инфлюенсерлар орқали сиёсий фикрни шакллантириш йўллари	365
Абдушукурова И.	Об астротурфинге и технологиях манипуляции применяемые для влияния на политические процессы	372
Шомуратова Ҳ.	Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда интернет технологияларининг ўрни	376
Eshmanova I.	Strategy “Uzbekistan – 2030”: A Roadmap for Systemic Reforms and Sustainable Development.	383

Сиёсатнинг янги трендлари

Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами

(2-қисм)

Маъсул муҳаррир: И. Исламов
Муҳаррирлар: Н. Бекмуродов, И. Инатуллаев
Мусахҳиҳлар: Ф. Ҳакимов, Ж. Жакбаров
Дизайнер: Ҳ. Мақсудов
Саҳифаловчи: И. Ўсаров

Нашриёт лицензияси: N 994865, 28.08.2025.
Теришга берилди: 27.01.2026.
Босишга берилди: 10.02.2026.
Офсет қоғоз. Қоғоз бичими: 70х100 1/16. Офсет босма.
Шартли б.т.: 35,7. Ҳисоб-нашриёт т.: 40,6.
Адади: 100 нусха.
Буюртма № 9

«YANGI SAHIFA» нашриётида нашрга тайёрланди. 700097,
Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44А-уй.
Тел : (+99890) 817-11-10
e-mail: yangi sahifa@gmail.com

«YANGI SAHIFA» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
700097, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44А-уй.